15. Юлдашов, А. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛИШИНING ДОЛЗАРБЛИГИ. *Review of law sciences*, (2), 134-137.
16. Тўракулова, Н., & Юлдашов, А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. *Conferencea*, 467-471.
17. Atalikova, G. S., & Asadov, S. F. O. G. L. (2022). MASLANAT VA KONSALTING XIZMATLARI: HUQUQIY TARTIBGA SOLISH MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 299-309.
18. Yuldashov, A., & Usmonov, V. (2022). Copyright Protection in Uzbekistan by The Collective Management Organizations. *Miasto Przyszłości*, 25, 185–188.
19. Юлдашов А. А. НЕОБХОДИМОСТЬ УЧАСТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ И ИНДЕКСАХ В ОБЛАСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ //Электронный инновационный вестник. – 2021. – №. 1. – С. 18-20.
20. Yuldashov A., Usmonov V. COPYRIGHT PROTECTION IN TELECOMMUNICATIONS NETWORKS: THE EXAMPLE OF BLOCKCHAIN TECHNOLOGY //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 22-29.

-
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши.
 22. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қарори.
 23. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 август куни “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАГИ ОЛТИН КОНЛАРИ

Пирназаров Мажид Махкамович

Геология фанлари университети профессори,
геол.-мин. ф. доктори, профессор.
+998(90)186-60-45. E-mail: pmajid@bk.ru

Хамидова Масрурахон Хасан қизи

Ҳ.М.Абдуллаев номидаги геологи ва геофизика
институти таянч докторанти
+998(90)045-95-30. E-mail: masruraxon@bk.ru

АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон худудида тоғ-кончилик саноати вужудга келишининг дастлабки одимлари мавжуд тарихий манбалар ҳамда геология-қидирув жараёнида топилган кўплаб фактик материаллар ёрдамида ёритилган. Қадимий тоғ иншоатларини кенг тарқалганлиги, турли формацияларига хос конларда учраши, миқёси, ўтиши чуқурлиги ва усулларидаги хилма-хилликлар республикада олтин маъданларини ўзлаштиришининг ананалари кўп асрлик тарихга эгалигидан дарак беради..

Калит сўзлар: *Қадимий тоғ иншоатлари, кон, маъдан, олтин, усул, маъдан формацияси, тошқол, амальгамация.*

АННОТАЦИЯ

Первые шаги возникновения горно-добывающей промышленности на территории Узбекистана освящаются на основе сохранившихся исторических источников и фактических материалов накопленных в процессе геологоразведочных работ. Широкое распространение древних горных выработок, их наличие в различных формационных типах месторождений, масштабы, глубина распространения и разнообразие примененных методов проходки свидетельствуют о многовековых традициях освоения золотых руд в республике.

Ключевые слова: *Древние горные выработки, месторождение, руда, золото, метод, рудная формация, шлак, амальгамация.*

ABSTRACT

The first steps of the mining industry in the territory of Uzbekistan are covered with the help of existing historical sources and many factual materials found in the process of geological research. Identification of new perspective positions in the

southwestern part of South Nuratau is based on the rational concentrating of the results of geochemical (structuring of metallometric and biogeochemical aureoles of gold and arsenic according to the density of development) and cosmostructural (computer processing of digital satellite images using of the Sabel method, mineral (MinComp) and hydrothermal (HydroComp) components of images, etc.) works.

Keywords: Ancient mountain structures, mine, ore, gold, method, ore formation, rock, amalgamation.

КИРИШ

Маълумки Ўзбекистон худуди фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда республика геология тармоғи томонидан 70 дан ортиқ турга мансуб 2000га яқин конлар ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган. Уларнинг кўпчилиги охириги ярим аср мобайнида ўтказилган режали геологик-қидирув ишлар натижасида топилган. Лекин бир гуруҳ маъданли, айниқса олтинга бой конлар мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштириш кўп асрлар аввал, бутунлай ўзгача билимлар тизими ва техник-технологик жиҳозланишга таяниб амалга оширилган. Ушбу тарихий ёдгорликларни тахлили қадимий Ўзбекистон худудидаги кончилик фаолиятининг дастлабки одимлари, излаб топилган фойдали қазилма турлари, уларни ўзлаштириш марказ ва усулларининг юзага келишини хронологик кетма-кетликда кузатиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек халқининг, айниқса Мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги, ўз тарихини англашга бўлган интилишларини инобатга олганда, мазкур тадқиқотларни жуда долзарблигини таъминлайди.

Қадимий кончилик масаласи, махсус геологик-тарихий тадқиқотлар мавзуси сифатида, систематик тарзда бир қанча йирик монографик ишларда ёритилган [1-5 ва б.]. Унинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қиладиган замонавий Ўзбекистон худудини геологик ўрганилганлиги айрим даврларининг ўзига хос хусусиятлари ва замин ҳақидаги билимларни умумий ривожланишига қўшган хиссасига қараб 1998 йилда олти давр ажратилган [6]: қадимий ва ўрта асрлар, XIX-XX аср бошлари (1917 йилгача), 1920-1930, 1940-1950, 1960-1970 ва 1980-1990 йиллар. Дастлабки икки даврнинг янада муфассаллаштирилган кўриниши кейинги тарихий обзорда қуйидагича келтирилган [7]:

- тош асрдан Александр эпохасигача бўлган қадимий цивилизациялар (эрамиздан аввалги IV-I асрлар);
- янги эра дастлабки асрлари (I-V);
- ўрта асрлар (VI-XII);в

- мўғиллар ҳукмронлиги даври (XIII);
- Темурийлар ҳукмронлиги даври (XIV-XVI);
- охириги асрлар (XVII-XIX аср биринчи ярми).

Ўзбекистондаги геологик фикр ва коншунослик ривожигаги ушбу 6 давр тизимли ёндашув асосида етарли даражада батафсил таҳлил қилинган. Улардан кейинги ва замонавий даврлардаги геологик мерос тарихий таҳлилининг асосий натижалари маъдан геологияси қисми бўйича Минерал ресурслар институти («МРИ» ДМ) монографик ишида ўз аксини топган [8]. Шу туфайли, ушбу мақолада янада муфассал геологик-тарихий таҳлилни фақат олтин конларини қадимда ўзлаштириш ҳудуд, кўлам ва хусусиятлари билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказиш кўзда тутилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Энг дастлабки Мовануннахрдаги фойдали қазилма конларини турлари ва жойлашув ерлари (тахминий) тўғрисидаги маълумотлар қадимий Хитой йилнома ва антик грек хабарларида ўз аксини топган. Сўғд ва Хоразим тўғрисидаги муайян географик маълумотлар «Мўътабар китоб» - «Авеста»да (эрамиздан аввалги IX аср – ҳозирги III аср) келтирилган. Абу Райхон Беруний минералогия бўйича суғд трактатлари борлиги тўғрисида хабар берган [9]. Кўплаб қадимий қўлёзма ва уларни иккиламчи нашрлари таҳлили асосидаги шарқшунос олимларнинг (В.В.Бертольд, М.Е.Массон, М.П.Грязнов, Б.А.Литвинов, М.А.Абдураимов, О.И.Исломов ва б.) тасаввурларига кўра туғма (соф) олтин ва қимматбаҳо тошлар бу ерда тош асридан бошлаб қўлланилиб келинган. Темир (Кўхитонг ва Қурама тоғлари, Фарғона водийси), қалайи (Карноб), мис (Қизилқум) каби неолит ва бронза эпохаларидан (эрамиздан аввалги III-I минг йилликлар) бошлаб ўзлаштириб келаётган фойдали қазилмалар рўйхати ўнлаб номларни ўзида жамлаган. Марказий Осиёнинг жанубий-шарқий қисмида кузатилган эрамиздан аввалги V ва III минг йилликларга мансуб археологик топилмалар бу ерда олтиндан маиший эҳтиёжлар учун фойдаланилганлигини кўрсатади. Герадот (эрамиздан аввалги V аср) ва Страбон (эрамиздан аввалги I аср) асарларида Марказий Осиё олтин ва мисга жуда бой, уларга нисбатан темирга ва кумуш бир мунча оз бўлган ҳудуд сифатида тасвирланган. Бунда олтин қазиб олиш марказлари сифатида, тахминан, Қизилқумни Оролбўйи (Султон-Увайс тоғлари-?) ва Шимолий Нурота тоғлари билан чегарадош ҳудудлари кўрсатилган. Шу даврга мансуб Хитой йилномаларида эса туғма олтинни Самарқанднинг шарқида ва, темир ва

симоб билан бирга, Фарғона водийсида қазиб олинган тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Геологик-технологик нуқтаи-назардан ўзлаштирилиши оддий бўлган сочма конларидаги тоғ иншоатларининг Ўзбекистондаги энг дастлабки излари эрамиздан аввалги иккинчи ва биринчи минг йилликларнинг бошланғич даврларига мос келади [10]. Бу тўғрисида Чирчиқ, Чотқол, Косонсой дарёлари ва уларнинг жилғалари қирғоқларидан топилган ўша давр кончилик фаолияти излари (чўкинди тоғ жинслари уюмлари, очиқ тоғ иншоатлари фрагментлари ва турли маиший буюм бўлаклари) гувоҳлик беради. Бирламчи маъданларни қазиб олишнинг дастлабки излари Қурама тизмаси шимолидаги Кўчбулоқ кони (эрамиздан аввалги ва эрамизнинг биринчи минг йилликлари) ва Султон-Увайс тоғларидаги Шайх-Жейли майдонида (эрамизнинг III-IV асрлари) аниқланган.

X-XI асрларга келиб, Марказий Осиё олтиннинг сезирарли захираларига эга улкан тоғ-маъдан худуди сифатида маълум бўлган. Абул-Қосим ибн Хаукал, Абу Райхон Беруний ва Хамдоллох Казвиний трактатларига кўра энг йирик олтин конлари Самарқанд шаҳри чеккасидаги «Кухлек» тепалиги (Чўлпонота қирлари), Фарғона водийсидаги «Буттам» ва Туркистон тизмаси шимолий ёнбағридаги «Усрашана» вилоятларида ўзлаштирилган [6]. Бундан ташқари, ушбу майдонлар жумласига Косонсой дарёси водийидаги «Ахсикета» юрти, Истарахи томонидан тасвирланган «Юқори Несье» (Сох дарёси қирғоқларида), «Некад» (Фарғона водийси жанубий-шарқий чеккаси) ва «Ипак» (Ангрен дарёси ва Қорамозор тоғлари) ўлкалари ҳам киритилиши лозим. Ўша даврлар қадимий тоғ иншоатларига энг бой объектлар сифатида Қурама тоғларининг олтин конлари алоҳида ажралиб туради. Айрим маълумотларга кўра улар Қизиллолмасой (V-XII асрлар), Самарчук (X-XI), Кўчбулоқ (асосан IX-XII асрларда ўзлаштирилган), Токберди (IX-XII), Катранга (IX-XII), Ақчасой (X-XI), Сартабутакон (X-XII), Гольдуран (IX-XII) и Оқтурпоқ (IX ва XI аср биринчи ярмида олтин феруза билан бирга олинган) конларида топилиб, тадқиқ қилинган [11]. Кумуш қазиб бўйича катта миқёсли ишлар V-XI асрларда Конйўл, Лашкерек ва, асосан, Оқтепа маъданлар майдонида олиб борилган. Улардаги қадимий тоғ иншоатлари 180 метр чуқурликгача тушгани ва чиқарилган тоғ жинслари тўқилмалари хажми юзлаб минг тоннани ташкил қилгани, қазиб олинган металнинг миқдори минг тоннадан ошганини тахмин қилишга имкон берган. X-XII асрларга мансуб қадимий тоғ иншоатларининг яна бир катта гуруҳи Нурота тоғларидаги Сентяб, Маджирум, Консой, Олтинқазиган, Чормитон каби олтин конлари худудидан топилган. Бундан


ташқари, фактик материаллар уларни Чодак (Чотқол тоғлари) ва, тахминан, Рабинжон (Зирабулоқ тоғлари) маъдан майдонларида ҳам бўлганини кўрсатадилар [12, 13]. Яъни, Чотқол-Қурама ва Нурота регионларида ҳозирги кунда маълум бўлган олтин конларининг кўпчилиги ўрта, асосан X-XI, асрларда муваффақиятли ўзлаштирилган.

Шарқий Ўзбекистон объектлари учун қадимда ўзига хос тоғ иншоатларини ўтишнинг техник, маъдан қазилари ва қайта ишлаш усуллари тавсифли бўлган [11, 13]. Иншоатлар маъдан танасининг узунасига ва чуқурлашув йўналишига мос равишда ўтилган. Конлар ер сатхидан маъдан таналари шаклига мос келувчи тирқишсимон иншоатлар билан ўзлаштирилиб, чуқурликда айримлари боши берк шахта, кесма ва камераларга айлантдирилган. Шу зайдда қадимий тоғ иншоатлари аста-секин катта чуқурликларга қараб ривожлантириб борилган. Мисол учун, улар Оқтурпоқ конида 80 метр, Қизилолмада эса, 100 метрдан зиёд заминга кириб борган. Бу кўрсаткичлар чегаравий эмаслигига Лашкерек ва Конйўл кумуш-кўрғошин конларининг 300м ва ундан ортиқ чуқурликларида кузатилган ўрта асрга мансуб тоғ иншоатлари гувоҳлик бериши мумкин. Лекин, тоғ-кончилик амалиёти бундай чуқурликларда асосан кислород етишмаслиги ва ер ости сувлари босиши билан боғлиқ инсон фаолиятини чекловчи омиллар устиворлик қилишини кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, Қадимий Рим тоғ иншоатларидаги топилмаларга асосланган ҳолда, Шарқий Ўзбекистон конларида ер ости сувларини чиқариш ва вентиляция мақсадларида антик механик қурилмалар ишлатилганлигини тахмин қилишга асос бўлиб хизмат қилади. Ўхшаш, лекин бир мунча камроқ чуқурликларга ўтилган қадимий тоғ иншоатлари, аҳамияти жиҳатидан Чотқол-Қурама региондан кейин турувчи, қадимий кон ўзлаштириш маркази – Нурота тоғларида аниқланган (Сентяб, Маджирум, Консой, Олтинқазиган ва б. конлар). Уларга ўхшаш тавсифга эга қадимий тоғ иншоатлари Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларида топилган (Чангалак, Қорақўтон, Тиллатоғ ва бошқалар). Олдинги асрнинг 70-йилларида Рабинжон конида аниқланган қадимий маъдан қазилари ишларининг излари (очиқ тоғ иншоатлари фрагментлари, ишлов берилган тоғ жинси уюмлари ва б.) Зирабулоқ тоғларининг шарқий қисмидаги олтин-мис-скарн маъданларида олиб борилган қазилари ишларининг нисбатан унча катта бўлмаган чуқурликларидан дарак беради (биринчи ўнлаб метрлар).

Шундай қилиб, замонавий тадқиқотлар натижалари билан асослангани даражасига қараб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қадимий олтин қазилари

ишлари жамданишининг уч майдони ажратилади: Чотқол-Курама, Нурота ва Зирабулоқ-Зиёвутдин (1-расм).

Лекин тарихий манбаларда мавжуд бўлган спорадик маълумотлар ва мустақиллик йилларидаги айрим тадқиқотлар натижасида йиғилган фактик материалларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган 600дан кўп қадимий қонлар рўйхатида [13] кўрсатилган ҳамда юқорида қисман таҳлил қилинган майдонлар сони ва географиясини сезирарли кенгайтириш мумкин.




Бу маънода Туркистон фойдали қазилмаларига бағишланган энг қадимий Россия манбалари (XVI-XIX асрлар) қўл келиши мумкин [14, 15]. Улардаги юқорида эслатиб ўтилган қадимий марказлардан чеккада жойлашган Шайх-Жейли тизмасидаги «яхши» олтин ва кумуш маъданлари, Бухоро орти Амударё яқинидаги олтинга бой кумлар ва Буконтовдаги (Илдертов) катта микдордаги олтин захиралари тўғрисидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

К.Лейкс ўзининг «Марказий Осиё» (1916) китобида региондаги фойдали қазилмалар тўғрисидаги маълумотни келтирар экан Бухородан шарқроқда 600-1000м қалинликда намоён бўлиб, Вахш ва Панж дарёларигача чўзилиб кетган олтинли конгломератларга катта аҳамият берган.

Бундан тўлароқ маълумотларни А.Андреевнинг «Туркистон фойдали қазилмалари Каталогидан» (1912) олишимиз мумкин. Бу ердаги географик жойлашуви кўрсатилган ҳолда тузилган 38 турдаги фойдали қазилмаларнинг 648 объекти тўғрисидаги ахборотдаги 13 олтин конлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Булар, маълум бир жиҳатдан, Султон-Увайс (Шайх-Жейли) ва Томдитов (Мурунтов ва б.) тоғларида аввал фанга номаълум бўлган қадимий тоғ-кончилик фаолияти излари топилганининг сабабини тушунтириши мумкин.

Бу маънода охириги йилларда республикамиздаги фойдали қазилмалар учун энг истиқболли регионларидан бири сифатида шаклланаётган Жанубий Ўзбекистон маъдан объектлари хали кўпгина очилмаган имкониятларга эга. Мисол учун, Қоратепа-Чақилқалён тоғларидаги майдонларда қадимий тоғ-маъдан ўзлаштириш фаолиятининг жуда ноёб объектлари қайд этилган. Улар ичида Ширдаг, Қоровулхона ва Мадмон майдонлари алоҳида ажралиб туради (2-расм). Қадимий тоғ-кончилик мажмуаси бўлган Ширдаг кенг тармоқли конлар тизими Сангардак, Шаршарали, Ширдаг, Аспидухтар ва Тиллатепа конларини ўзида бирлаштирган бўлиб, уларнинг барчасида тоғ-қазилма ишларининг излари топилган. Биринчи навбатда, булар маъдан зоналари бўйлаб ўтилган ва маъдан таналари шаклини қайтарувчи қадимий тоғ иншоатларидир.



Нишаб, штольнясимон иншоатларнинг диаметри 1,5дан 4,8 метргача етиб, узунлиги ўпирилишлар бўйича кузатилганида 70-95 метрни ташкил этади. Ишлов берилган тоғ жинслари тўпламларида катта миқдорларда киноварь мавжуд. Шаршарали объектида эса, 50 метрдан узун карьер аниқланган. Кенг тошқол (шлак) майдонлари қадимий маъдан эритиш печлари ва кўпгина дафн мақбаралари бу райондаги жадал фаолиятдан дарак бериб турибди. Тиллатепа - маъдан қазувчилар шахарчасидир. Бу ерда ёши эрамизни бошланишидан тортиб, XII асригача бўлган даврда ишлаб чиқарилган хаёт ва меҳнат воситалари топилган.

Симобни сақлаш ва хайдашда фойдаланилган идишлар фрагментлари, бу ерда олтин симоб ёрдамида ажратиб олинганидан дарак беради. Ширдаг ва Қоровултепа конлари тоғларнинг қийин чиқиладиган жойларида жойлашганига қарамай, ҳар томонидан даралардаги жуда зич қўриқлаш пунктлари билан ўралгани, қазиб олиш ишларини қанчалик беркитиқча олиб борилгани ва махсус муҳофазаланганидан дарак бериб туради. Ушбу майдонда ҳаммаси бўлиб 160та қадимий иншоат ва карьерсимон чуқурликлар изи қайд этилган (Зоҳидов ва Ғофурбеков, 2001).

Ушбу региондаги яна бир қадимий олтин қазиш фаолиятининг иқтидорли районлари жумласига турли ўлчамли тошқол (шлак) участкаларидан таркиб топган Мадмон маъданлар майдони киради. Ундаги энг йирик тошқоллар майдони Кулук сойининг чап қирғоғидан топилган. У ғарбдан шарққа қараб узунасига 500 метрга тадқиқот қилиниб, кенглиги 50-100 метрлиги аниқланган. Тошқол майдони тўрт поғоналик тузилишга эга бўлиб, ҳар бир поғонанинг баландлиги 1,5-2 метр атрофида.

Тошқолларда 0,01-0,1 дан 0,8 г/т гача қолдиқ олтин ҳамда барий, марганец, фосфор, кальций ва тўтиёнинг баланд кўрсаткичлари аниқланган. Терриген хосилалар учун хос бўлмаган 1 фоиздан ортиқ барий ва марганец, 0,8% фосфор ва 0,002-0,006% тўтиё миқдорлари эритиш учун бирламчи тоғ жинслари сифатида охактошлар қўлланилганлигини кўрсатади.

Тошқолларнинг катта хажмлари ўзлаштирилган объектнинг йириклиги, эритиш ишларининг жиддий ва давомийлигидан гувоҳлик беради. Кузатилган маъдан эритиш печлари, бир қанча қўриқлаш иншоатлари ва йирик карвон йўли ушбу участкани Жиннидарё юқорисидаги биринчи даражали объектлардан бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари, юқори санъат асарлари даражасидаги сопол материалларнинг кўплиги, кўпгина тангаларнинг топилгани ва камида иккита

танга чиқарувчи хонадонларнинг мавжуд бўлгани ушбу ердаги қадимий ҳаётнинг қанчалик бой бўлганидан дарак бериб турибди. Маъданга қайта ишлов берилган жойлардан олинган намуналар олтиннинг юқори миқдорлари билан тавсифланади. Агарда бу материал ташландиқ маъданни дастлабки ажратиш жойидан олинганини инобатга олинса, қайта ишланган маъданлардаги олтин миқдори 1дан 10-20 г/т гача кўрсаткичлардан ҳам юқори бўлганини англашимиз мумкин.

Айрим участкаларнинг тошқол майдонлари ҳозирги эра I-V асрдан то X-XII асригача бўлган даврга мансуб синиқ сопол майдонлари билан ягона маконда жойлашган. Шу ернинг ўзида ҳозирги эра V-VI асрлари Сасонидлар династиясига (Феруз) мансуб кумуш тангалар ҳам топилган. Мадмонда топилган олтинни амальгамацияси учун ишлатилган идишларнинг кўпчилигини ёши эрамиздан аввалги I асрдан то ҳозирги эра VI-VIII асрларигача баҳоланади.

Қадимий саёҳатчи ва географларнинг кўпгина ёзма манбалари билан тасдиқланадиган металлогеник имкониятлари ҳали тўлиқ очилмагани туфайли, Чақилқалён тоғларида ажратилган ушбу участкаларни жуда диққат билан, муфассал ўрганиш зарур. Сусанидлар давридаги олтин ишлаб чиқарилган районлар Қашқадарёнинг жанубида жойлашгани тахмин қилинади. Бухоро амирлиги даврида олтин бозорларга Бартанга билан бирга Бозор Дарё ва Мадмон шимолий ён бағрларидаги Қашқадарё оқимининг ўрталаридаги мозорлар назарда тутилган «табаррук шайх мозоридан юқоридан» олиб кирилаган. «Суюқ олтин» Жина ва Оқсув яқинидан, «олтин томли сарой турган» (тахминан Тиллатепа) жойда ажратиб олинган.

Қадимий маъдан қазувчиларнинг нафақат Жанубий Ўзбекистон, балки республиканинг қолган худудларидаги мақсадга йўналтирилган кенг миқёсли фаолиятдан ушбу обзорда акс эттирилмаган кўплаб маъдан қазувчилар яшаш жойлари, маъдан ташиш йўллари, кўриқлаш иншоатлари, кўмиш мажмуалари ва топономик маълумотлар дарак бериб турибди. Шунга аҳамият бериш жоизки, олтин турли геологик-структуравий жойлашиш шароити, камровчи тоғ жинслари литологик таркиби, маъдан таналарининг морфологик тури ва моддий (минералогик) таркибларига мансуб конлардан олинган (Жадвал). Маълумки, кўрилаётган конлардаги ушбу кўрсаткичлар ўзига мезозойгача хосил бўлган тоғ жинсларининг микроскопда қайд этилувчи метасоматик ўзгариш изларини ва тектоник бузилишини қарийиб барча генетик ва литологик турларини киритувчи жуда кенг чегараларда ўзгариб туради.

Ўзлаштирилган маъдан тўпламлари морфологик турлари оддий томир ва плитасимон давомли ётқазиклардан тортиб, формациялар ичи ва аро, кўп ҳолларда қалинлиги унчалик катта бўлмаган, тик ётувчи таналаргача бўлган чегараларда ўзгариб турган. Қазиб олинган маъданлар олтин мавжудлик шакли ва уни жамловчи муҳитнинг сульфидлик даражасининг турличалиги билан ҳам тавсифланган.

Охириги кўрсаткич, ҳозирги кунларгача республикада аниқланган конларнинг маъдан-формацион турлари барча палитраси билан тақдим этилган – жуда оз сульфидли (Чодак, Сентаб, Олтинқазиган, қисман Қизилолма ва б.), кам сульфидли (Консой, Қизилолма ва б.), мўътадил сульфидли (Кўчбулоқ, Оқтурпоқ ва б.) ва кўп сульфидли олтинли (Рабинжон, қисман Кўчбулоқ, Лашкерек ва б.). Улар орасида етакчи бўлиб гидротермал-метаморфоген (Консой, Сентаб, Олтинқазиган ва б.), гидротермал-плутоноген (Зармитон, Оқтурпоқ, Рабинжон (скарнли) ва б.) ва гидротермал-вулқоноген (Кўчбулоқ, Қизилолма, Чодак ва б.) генетик синфлар ҳисобланади. Ушбу синфларга мансуб конларнинг намоён бўлиш майдонлари ҳам, муносиб равишда, Марказий Қизилқум тоғ баландликларида, Ғарбий Ўзбекистоннинг Нурота ва Шарқий Ўзбекистоннинг Чотқол-Қурама тоғларида кузатилади.

Жадвал
Ўзбекистон қадимий олтин қазиниш ишлари объектлар турларининг (геологик-саноат, маъдан формацион, генетик) турли-туманлиги

Маъдан формацияси (геологик-саноат тури)	Маъдан ганаларининг морфоструктуравий турлари (объектлардаги абсолют баландлик белгилари, м)	Асосий маҳсулдор минерал ассоциациялар	Маъдан камровчи тоғ жинслари (маъданларни ўзлаштириш чуқурлиги, м)	Кон номи (ўзлаштириш бошланган давр)
Жуда оз сульфидли (сульфидлар <1%) олтин - кварц	Плита, линза, столбасимон, камрок кесувчи (700-1300)	Олтин - пирит - кварц Олтин - адуля - карбонат - кварц	Гнейсланган гранит, фельзит порфир, грахландезит (40-50)	Самарчук ³⁾ (X-XI аср бошлари) Чодак ³⁾ (X-XI асрлар)
Кам сульфидли (сульфидлар 1-10%) олтин-кварц-сульфидли	Кесувчи линза-, столба-, кулисасимон томирлар, Минералланган зоналар (800-1700)	Олтин - пирит - кварц, олтин - кўп сульфидли, олтин - пирит - арсенопирит - кварц	Граносенит, сенинг-диоритли порфирит, сланец, кумтош, алевролит (до 100)	Сентаб ¹⁾ , Чармигон ²⁾ , Сармич ¹⁾ , Олтинказанган ¹⁾ , Тиллатоғ ¹⁾ (X аср), Қизиллма ³⁾ (V аср), Шайх-Жейли ³⁾ (III аср)
Мўтадил сульфидли (сульфидлар 10-30%) олтин-сульфид-кварцли	Нишаб линзасимон ётказиклар, тик жойлашган кесувчи томирлар ва столбасимон таналар (800-1250)	Олтин - пирит - кварц, олтин - кумуш - гессит, олтин - сульфотуз, олтин - теллурид, олтин - хира маъдан	Сенинг-диорит (80) Андезидацит (100)	Оқтурпоқ ²⁾ (IX аср) Кўчбулоқ ³⁾ (эраминдан аввалги I - минг йиллик), Токберди ³⁾ (IX аср)
Кўп сульфидли (сульфидлар 30 фонддан кўп) сульфид-кварцли олтинли	Столбасимон таналар, штокверк зоналари (1800-2700) Штокверк томича-томчисимон ва скармли маъданлашувлар (600-1100)	Кумуш - пирит - сфалерит - галенит Магнетит - халькопирит - бор-нит - сульфотуз, пирит - молибденит - халькопирит	Риолит, андезидацит, гранодиорит порфир (300) Кварцли монзонит-порфир, сенинг-диоритли порфирит (30-50)	Лашкерек ³⁾ (IX аср) Сари-Чеку ²⁾ , Рабинжон ⁴⁾ (X аср)
Сочмалар	Ўзан ётказиклари	Тўғма олтин	Магматик ва метаморфик тоғ жинслари (биринчи ўнлаб метрлар)	Косонсой ва Чирчиқ дарёлари, Чотқол ³⁾ (II - эраминдан аввалги I - минг йиллик)

¹⁾ Конларнинг генетик турлари: 1 – гидротермал-метаморфоген, 2 – гидротермал-плутоноген, 3 – гидротермал-вулканоген, 4 – скарн, 5 – сочма.

Юқоридаги фикр сўнгида диққат қаратилган худуд (Чотқол-Қурама тоғлари) Ўрта Тянь-Шан, дастлабки иккитаси эса, Жанубий Тянь-Шан бурмали вилоятларнинг (металлогеник провинцияларнинг) Ўзбекистон худудига кирувчи қисмларида жойлашган.

ХУЛОСА

Маълумки, геологик тузилишнинг қарийиб барча параметрлари, моддий таркиб ва, мос равишда, излаш белгилари билан бир-биридан фарқланиб турувчи кенг спектрга мансуб конларни топиш ва саноат миқёсида ўзлаштириш учун геологик ва муҳандислик-технологик билимларининг яхлит тизими мавжуд бўлиши лозим. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон худудини нафақат олтинга бой, балки уни башоратлаш, излаш, тадқиқ қилиш, баҳолаш ва ўзлаштириш соҳаларида ҳам ананавий қучли илмий-амалий потенциалга эга бўлиб келган дунё миқёсидаги провинция сифатида эътироф этиш учун асос бўла олади.

XX-XXI асрлардаги геологик билимларнинг, техник ва технологик имкониятларнинг ривожланиши Ўзбекистон минерал-ҳомаё негизини қадимий маъдан қазувчилар томонидан ўзлаштирилмаган янги олтин конлари билан янада кенгайтирилишига олиб келди. Шундай замонавий ихтиролар жумласига Марказий Қизилқумнинг Мурунтоғ, Кўкпатос, Довгизтоғ, Омонтойтоғ, Аджибугут каби олтин конларини киритиш мумкин. Кўп асрлик излаш ишларига қарамай, охириги йилларда Реваште, Қовулди, Қўрғон, Қайрағоч, Чақмоқтош, Междуречье каби кўплаб олтин конлари излаб топилган Чотқол-Қурама тоғларида ҳам геологик-қидирув ишлари муваффақиятли ривожланмоқда.

REFERENCES

1. Абдуллаев Х.М., Васильковский Н.П., Вайнер Л.А., Исламов О.И. Очерки по истории геологического изучения Средней Азии. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1956. - 147с.
2. Геология СССР. Т. XXIII: Узбекская ССР. - Москва: Недра, 1972. - Кн. 2, 3.
3. Геология СССР. Т. XXIII: Узбекская ССР. Полезные ископаемые. - Москва: Недра, 1983. - 232с.
4. Золото. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Шаякубов Т.Ш., Цой Р.В., Голованов И.М. и др. - Ташкент: Университет, 1998. - С. 577-593.

5. Исламов О.И. Зарождение геологических знаний в Средней Азии // Тр. ин-та геол. АН УзССР. - Ташкент, 1956. - Вып. 13.
6. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Под. ред. Т.Ш.Шаякубова, Т.Н.Далимова. - Ташкент: Университет, 1998. - 723с.
7. Лордкипанидзе Л.Н. История геологического изучения Узбекистана в системе цивилизаций Азии. - Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. - 180 с.
8. Рудные месторождения Узбекистана - Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. - 661с.
9. Policovskiy V.S., Aripov M., Islamov L.R., Saripov R.A. Abu Raykhan ibn Mukhammed al-Beruniy.- Tashkent: University, 1999. - 57p.
10. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953.
11. Киреев В.И., Пругер Е.Б. О древнем золоторудном промысле Узбекистана // Вопросы геологии золота Узбекистана. - Ташкент, 1975. - С. 108-116.
12. Пругер Е.Б. Древний горный промысел Узбекистана – целесообразность и перспективы изучения // Узбекский геологический журнал. - Ташкент, 1978. - № 4. - С. 93-94.
13. Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. - Ленинград-Москва, 1932.
14. Вебер В.Н. Полезные ископаемые Туркестана. - Санкт-Петербург, 1917.
15. Бубнова М.А. Добыча полезных ископаемых в Средней Азии в XVI-XIX вв. - Москва: Наука, 1975.

MAKON VA ZAMON TUSHUNCHASI

Eshnazarov Anvarbek Adambayevich

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti
Ijtimoiy-gumanitar fanlari kafedrasida assistent o'qituvchisi.

ANNOTATSIYA

Makon va zamon – borliqning umumiy yashash shakllari, fazo dunyoni tashkil etuvchi ob'ektlar va ulardagi tarkibiy nuqtalarning o'zaro joylashish tartibi, ko'lami va miqyosini ifoda etsa, vaqt dunyoda sodir bo'luvchi hodisa va jarayonlarning ketma-ket ro'y berishi va davomiyligini ifodalaydi. Fazo va vaqtning tabiati hamda mohiyati haqida qadimdan faylasuflar xilma-xil nuqtai nazarni ilgari surgan. Ularni umumlashtirib 2 ga: substansial va relyatsion konsepsiyaga ajratish mumkin. Ushbu tezisdan, mazon va zamon tushunchasi haqida fikr va mulohazalar yuritiladi.

Kalit so'zlar: Makon, zamon, fazo, vaqt, tushuncha, davr, xususiyat, substansial konsepsiya.

АННОТАЦИЯ

Пространство и время являются общими живыми формами существования, при этом пространство представляет собой порядок, размах и масштаб взаимного расположения объектов, составляющих мир, и составляющих их точек, время представляет собой последовательное протекание и продолжительность событий и процессов, происходящих в мире. Мир. С древних времен философы выдвигали разные взгляды на природу и сущность пространства и времени. Их можно свести к двум: содержательным и реляционным понятиям. В данной диссертации есть мысли и мнения о концепции пространства и времени.

Ключевые слова: Пространство, время, пространство, время, понятие, период, признак, субстанциальное понятие.

KIRISH

Substansial konsepsiyada fazo va vaqtning mutlaq jihatlari, relyatsion konsepsiyada esa ularning nisbiy jihatlari mutlaqlashtiriladi. Fazo va vaqtni mustaqil substansiya deb hisoblaganliklari uchun ularning yondashuvi fanga substansial konsepsiya nomi bilan kirgan. Relyatsion yondashuv vakillarining fikricha, fazo — moddiy dunyoning tarkibiy tuzilishi tartibining namoyon bo'lishi, jismlarning o'zaro joylashish o'rnini va moddiy narsalarning mavjudligi tartibini ifodalaydi. Fazo majoziy holda ham, umumiy holda ham moddiy dunyoning holatiga bog'liq; materiya

fazoning mavjudligi uchun asosiy vositadir, vaqt esa materiyaning atributi (ajralmas xususiyati), u materiyaning tashqarida mavjud bo'lishi mumkin emas, u nisbiydir.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Fanda uzoq davr mobaynida fazoni vaqtdan ajratib tushunish hukmronlik qilib keldi. Shu jixatdan vaqtga nisbatan dinamik va statistik qarashlar ham mavjud. Dinamik qarash bo'yicha, vaqtning faqat hozirgi zamonigina real mavjud, o'tmish o'tib ketgan, kelajak esa hali yo'q. Statistik qarash vakillarining fikricha, vaqtning barcha lahzalari bir yo'la, yaxlit holda, bir vaqtda mavjuddir, vaqtning lahzalarini har bir sub'yekt o'z boshidan kechiradi va unga go'yoki vaqt oqib o'tayotgandek tuyuladi. XX-asr boshlarida A. Eynshteyn tomonidan nisbiylik nazariyasining yaratilishi fazo va vaqtning o'zaro chambarchas bog'likligi, fazo va vaqt sistemaning harakat tezligi bilan, vaqt-fazo strukturasi modda zichligi bilan bog'likligi haqidagi fikrlar tabiiy-ilmiy va nazariy isbotini topdi.

Bundan ilgariroq yaratilgan noyevklid geometriyasi tamoyillari bilan dunyo elektrodinamik manzarasining bog'lanishi fazoning strukturasi haqidagi tabiiy-ilmiy tasavvurlarni yanada kengaytirdi. Fan yutuqlari fazo va vaqtning xususiyatlari mikro, makro va megadunyolarda bir-biridan farq qilinishini isbotladi. Hozirgi zamon fanlari aniqlab bergan fazo va vaqtning xususiyatlarini 2 turga ajratish mumkin. 1-turga tegishli o'lchov asboblari (lineyka, ruletka, soat kabilar) bilan o'lchash mumkin bo'ladigan, turli hisob sistemalarida turlicha namoyon bo'ladigan nisbiy xususiyatlari kiradi va ular metrik xususiyatlar deb ataladi. Bunday xususiyatlarga fazoning ko'lami, bir jinsliliigi, izotropliliigi, egilganligi, vaqtning bir jinsliliigi, bir xilligi, davomiyligi, anizotropliliigi va boshqa kiradi. 2-turdagi xususiyatlari fazo va vaqtning tub mohiyatiga aloqador bo'lgan, barcha hisob sistemalarida bir xilda namoyon bo'ladigan, o'zgarimas, fundamental xususiyatlardir. Ular topologik xususiyatlar deb atalib, fazoning uzluksizligi (yoki diskretligi), o'lchamliligi, tartiblanganligi, kompaktiligida, vaqtning esa uzluksizligi, bir o'lchovliliigi, orqaga qaytmasligi, chiziqli bog'langanligida va boshqada namoyon bo'ladi.

Makon va vaqtning yana shunday xususiyatlari ham borki, ular barcha hisob sistemalarida, materiyaning barcha struktura darajalarida, mikro dunyoda ham jamiyatda ham bir xilda saqlanadi. Ular makon va vaqtning tub sifatli jihatlarini ifodalovchi fundamental xususiyatlar hisoblanadi. Bunday xususiyatlarni topologik xususiyatlar deyishadi. Topologik xususiyatlar moddiy aloqadorliklarning ichki, tub sifatli jihatlarini ifodalaydi. Topologik xususiyatlarning o'zgarishi bilan moddiy ob'ektlarning tuzilishida tub sifatli o'zgarishlar sodir bo'ladi. Quyidagi xususiyatlar

makonning topologik xususiyatlari hisoblanadi: uzluksizlik va uzluksizlik, o'lcamlilik, bog'langanlik, kompaktlik, tartiblanganlik, chegarasizlik. Vaqtning topologik xususiyatlariga esa uzluksizlik, orqaga kaytmaslik, bir o'lcovlik, chiziqli tartiblanganlik va bog'langanlik kiradi.

Makon va vaqt materiya strukturasiidagi o'zaro aloqadorliklar majmuasini aks ettirar ekan, bu aloqadorliklarning turli xil shakllari, turli xil shakldagi harakat va unga bog'liq bo'lgan makon-vaqt shakllarining vujudga kelishiga sababchi bo'ladi. Biz yuqorida faqat fizik makon va fizik vaqt haqida to'xtaldik. Hozirgi zamonda borliqning turli tashkiliy struktura darajalariga aloqador bo'lgan fizik, ximiyaviy, geologik, biologik, fiziologik, ijtimoiy (sotsiologik), psixologik makon va vaqt haqidagi konsepsiyalar ham yaratilmoqda. Bunday konsepsiyalarda olamning tuzilishi jihatdan xilma-xilligi va birligi, ko'p qirraliligi va cheksizligi, murakkabligi va nihoyasizligi asoslanmoqda. XIX asr oxiri va XX asrning boshlarida nazariy fizika, topologiya, chiziqli algebra, kvant fizikasi, qora tuynuklar fizikasi, relyativistik kosmologiya fanlarining rivojlanishi makon va vaqt haqidagi tasavvurlarni jiddiy o'zgartirdi. Ayniqsa, konseptual makon (vaqt)ni informatsion texnologiya vositalarida modellashtirish yo'llari osonlashgach, makon va vaqtning turli-tuman modellarini tadqiq etish imkoniyatiga keng yo'l ochildi. Bu tadqiqotlar olamdagi yagona, eng umumiy, universal va fundamental aloqadorlik - bu makon-vaqt aloqadorligidir, deb xulosa chiqarishga to'liq asos berdi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, fazo va vaqtning metrik xususiyatlari borliqning miqdoriy munosabatlarini ifoda etsa, topologik xususiyatlari esa tub sifat jihatlarini aks ettiradi. Shu sababli falsafada fazo va vaqtning metrik xususiyatlari — miqdoriy xususiyatlar, topologik xususiyatlari esa sifatiy xususiyatlar deb ataladi. Fazo va vaqtning metrik xususiyatlari o'zgarganda voqeliqda jiddiy strukturaviy o'zgarishlar ro'y bermasligi mumkin, topologik xususiyatlarning o'zgarishi esa voqelikni, albatta, tubdan strukturaviy o'zgartiradi.

REFERENCES

1. Moddiy dunyoning tuzilishi va evolyutsiyasi haqidagi zamonaviy fan, kitobda. Falsafa asoslari, jild, 2004 yil;
2. To'rayev B. O., Vaqt muammolari, 2000 yil;
3. To'rayev B. O., Kosmik. Vaqt. Rivojlanish, 1992.

БУРҲОНИДДИН МАРГИНОНИЙНИНГ “АЛ-ҲИДОЯ” АСАРИДА ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Б.Ботиров

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

таянч докторанти

Тел: 94 611-52-93; 90 925-00-93.

АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот жараёнида Бурҳониддин Маргинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асари ва унда инсон ҳуқуқи ва эркинликларнинг мазмуни тўлақонли таҳлил қилиб ўтилди. Бугунги фуқаролик жамиятида инсонларнинг шахсий ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш халқаро ҳамжамият ва давлатларнинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

***Калит сўзлар:** “Ал-Ҳидоя”, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги, “Жиноятлар бўлими”, Жизя ҳақида.*

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования был полностью проанализирован труд Бурхониддина Маргинани «Аль-Хидайя» и содержание в нем прав и свобод человека. В современном гражданском обществе обеспечение личных прав и свобод людей стало одной из актуальных задач международного сообщества и государств.

***Ключевые слова:** «Аль-Хидайя», права человека, свобода человека, «Управление по расследованию преступлений», о Джизии.*

КИРИШ

Халқаро ҳуқуқ нормаларидан тортиб то давлатларнинг бош қомусларигача инсонларнинг яшаш ҳуқуқи, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги, тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқи, эркин касб танлаш ҳуқуқи, мулоқот, фикрлаш ва сўз эркинлиги, виждон ва диний эътиқод эркинлиги ва бошқа бир қатор ҳуқуқларини ўзида акс эттирган. Бу бўйича қатор ҳуқуқий механизмлар ва тузилмалар ишлаб чиқилган.

Мусулмонлар мамлакатларида эса бундай тизим аллақачон ислом ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган. Манбалари ва узоқ муддатли тажрибадан ўтган қонун-қоидалар тизими яратилган. Бу нормалар замонавий қонунчилик мазмунида ҳам ўз аксини топган.

Ислом ҳуқуқи нормаларини жамлаган меъёрлар шариат деб аталади. Ислом шариатининг асоси беш мақсад: инсоннинг дини, жони, моли, ақли ва насабини муҳофаза қилишдан келиб чиқади. Бу борада эса инсон ва унинг унинг ҳаётини муҳофаза қилиш, инсонга эркин яшаш шароитларини яратиб бериш ислом ҳуқуқининг бош мақсади саналади.

Бурҳониддин Марғиновичнинг “ал-Ҳидоя” асари ислом ҳуқуқи борасида ҳанафий фикҳининг мўтабар манбаси ҳисобланади. Мазкур манба ўзида ибодат ва муомалот масалаларига доир турли мавзуларни ўзида жамлаган бўлсада, унинг бош мақсади инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари борасида сўз борса, албатта, яшаш ҳуқуқи дастлаб тилга олинади. “ал-Ҳидоя” асарида ҳам инсон ҳаёти ва унинг муҳофазасига доир бир нечта норма ва ҳуқуқлар белгиланган. Жумладан, манбанинг “Жиноятлар бўлими”да қотиллик, яъни инсон жонига тажовуз қилишнинг 5 та кўринишлари ҳақида сўз боради⁷. Улар: қасддан, қасдга ўхшаш, хато қилиб (эҳтиётсизлик оқибатида), хатонинг ўрнида ва бирор сабаб билан қилинган қотилликлардан иборат. Марғинович уларнинг сабаб ва кўринишларини бирма-бир шарҳлаб беради. Уларнинг энг оғир оқибатлиси қасддан сабабсиз бир жонга қасд қилиш бўлиб, бу Қуръон ва суннат билан ҳаром қилингани ва бундай қотиллик содир этишнинг оқибати жаҳаннам бўлиши таъкидланади.

Шунингдек, озод инсон, кул, мусулмон, зиммий (мусулмонлар орасида яшовчи бошқа дин вакили) бўлишидан қатъий назар инсон жонига қасд қилиш оғир жиноят эканлиги ва қотилликни амалга оширган шахсга ҳам шундай жазо (қасос) белгиланиши келтириб ўтилади.

Мазкур “Жиноятлар бўлими”да шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, тажовузлардан ҳимояланиш ҳуқуқига тегишли нормалар мавжуд. Мавзу давомида Марғинович инсоннинг нафақат жонига, балки тана аъзоларига зарар етказиш ҳам оғир жиноят ҳисобланиши, бир инсоннинг кўли, кўзи, тиши каби тана аъзоларининг қотили бўлса, унинг ҳам ўша тана аъзоларига қасос белгиланишини таъкидлайди⁸.

⁷ Бурҳониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. –Ж. 3-4. – Б. 493.

⁸ Ўша асар. – Б. 495-496.

Агар бир инсонни жони хатодан (эҳтиётсизлик оқибатида) зарар етказса, унга дия ва каффорат лозим бўлиши айтилади.

Умуман олганда, ислом ҳуқуқи манбаларида инсон ва унинг ҳаёти қадрли бўлиб, унинг муҳофазаси шарият қонунлари асосида биринчидан муҳофаза қилинади, иккинчидан ривожланиши учун шароит яратиб беради.

Виждон ва эътиқод эркинлиги ислом ҳуқуқида тўлиқ таъминланган. Ислом диёрларида яшаётган ўзга дин вакиллари, аҳли китоб (насоний ва яҳудий динига эътиқод қилувчилар) ва мажусийлар (оловга сиғинувчилар) аҳли зиммий ҳукмида бўлиб, ўз эътиқодларини давом эттира олган. Жамият аъзолари орасида эса ислом ҳуқуқи нормалари тадбиқ этилган. Шунга қарамасдан, аҳли зиммийлар учун бир қатор имтиёзлар мавжуд бўлган. Жумладан, ислом диёрларида яшаётган ўзга дин вакиллари хирож ва ушр каби солиқлардан озод этилган. “Ал-Ҳидоя” асарининг “Жизя ҳақидаги боб”ида Марғиноний Аҳли китоб ва мажусийлардан бизя (киши бошига олинаган жон солиғи) солиғи олиншини айтади⁹.

Ажам (араб миллатидан бошқа халқлар)лардан бўлган бутпараст (бут ва санамларга сиғинувчилар) ҳам ислом диёрида бемалол яшашлари мумкинлиги, улардан хирож ва ушр солиқлари олинмаслиги, фақатгина бизя тўлашлари шарт қилиб қўйилгани белгиланган. Аммо араблардан бўлган бутпарастлар ва муртад (ислом динидан юз ўгирган шахс)лардан бизя ҳам олинмаслиги келтирилади. Улрга бошқа жазо тайинланади.

Шунингдек, аҳли зиммийларнинг аёллари ва вояга етмаган гўдақларидан ҳам бизя солиғи олинмаган¹⁰. Бу билан уларга нафақат диний эътиқод эркинлиги берилган, балки аёллар ва болаларнинг ижтимоий ҳимояси таъминланган.

Ислом диёрида яҳудий синагогаси, насроний черкови ва мажусийам бутпарастларнинг ибодатхоналари мавжуд аввалдан мавжуд бўлса, ўз фаолиятини эркин олиб борган. Лекин янгидан черковлар қуришга рухсат берилмаган¹¹. Ўзларининг мавжуд ибодатхоналарида ибодат қилишларига эса ҳеч қандай монъелик қилинмаган.

Бу эса ислом диёрларида яшовчи мусулмонлар ва ўзга дин вакиллари ўртасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашда муҳим ўрин тутган.

⁹ Бурхониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Ахмад ал-Боз, 1994. –Ж. 1-2. – Б. 430-431.

¹⁰ Ўша асар. – Б. 431.

¹¹ Ўша асар. – Б. 433.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан бири шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи бўлиб, бугунги глобаллашув жараёнида ушбу масала долзарб аҳамият касб этмоқда. Ислоҳ ҳуқуқи манбаларида мазкур масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний “ал-Ҳидоя” асарининг “Даъволар ҳақидаги бўлим”ида инсон ўзига етказилган моддий ёки маънавий зарар юзасидан қозига даъво билан мурожаат қилиши мумкинлиги айтилади¹². Бунда даъво қилувчилар мусулмон, аҳли китоб ёки мажусий бўлсин бир хил ҳуқуққа эга бўладилар. Фақатгина даъво қилувчи шахс маълум далилий ашё ёки гувоҳ билан мурожаат этилиши талаб этилади.

Шунингдек, агар гумондор шахс даъво қилинган ишлардан бош тортса, даъво қилувчи шахс ундан қасам ичишини қозидан талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар гумондор шахс аҳли китоб ёки мажусий бўлса, яҳудий дини вакиллари “Мусо алайҳиссаломга Тавротни нозил қилган Аллоҳ билан қасам” деб, насроний дини вакиллари “Исо алайҳиссаломга Инжилни нозил қилган Аллоҳ билан қасам” деб, мажусийлар эса “Оловни яратган Аллоҳ номи билан қасам” деб қасам ичадилар¹³.

Бу ҳолат нафақат мусулмон ва бошқа дин вакиллариининг шаъни ва обрўси ҳимоя қилинади, яна уларнинг эътиқод эркинлиги ҳуқуқи ҳам таъминланишига олиб келади.

Шунингдек, қозининг ҳузурида диний ва мартабасидан қатъий назар қонун олдида тенглик принципи амал қилади. ушбу қоидалар орқали мусулмон ва ўзга дин вакиллариининг иборат инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қиммати муҳофаза қилинади.

Марғиноний ўз асарининг “Гувоҳликлар ҳақидаги бўлим”ида гувоҳликнинг мартабаларини зикр этади. Улар орасида энг юқори мартабада бир аёл-қизга зино қилганлик ҳақида гувоҳлик берилса, унга тўртта эркак гувоҳлик бериши шарт қилинади. Акс ҳолда қолганлар тухмат қилган деб жазоланади. Шунингдек, ҳад (жазо) ва қасос лозим бўладиган масалаларда иккита эркак кишининг гувоҳлиги қабул қилинади. Қолган барча ижтимоий-диний масалалар: никоҳ, талоқ, идда, вақф, сулҳ, ваколат, васият, ҳадя, иқрор, насабни даъво қилишда икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл кишининг гувоҳлиги қабул қилинади.

¹² Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. –Ж. 3-4. – Б. 170.

¹³ Ўша асар. – Б. 175.

Ушбу қоидадан ислом ҳуқуқида аёл-қизларнинг шаъни ва кадр-қиммати ўзига хос ҳуқуқий механизм нормаси асосида қаттиқ муҳофаза қилиниши келиб чиқади. Аёл-қизларнинг шаъни унинг номуси ҳисобланади. Бир аёлнинг орномусига қарши гувоҳлик бериш ёки унинг шаънини ерда уруш осон иш эмас. Чунки бу билан бутун оила, унинг келажаги ва жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларга путур етади. Шу боис ислом ҳуқуқида барча ижтимоий, иқтисодий ва диний масалаларда икки кишининг гувоҳи етарли бўлиши белгилаган бўлса, аёл-қизларни зино қилишда айблаш, унинг шаънига дахл қилишда тўрт эркак кишининг гувоҳлиги шарт қилинади.

Агарда зинога айблашга етарли гувоҳ топилмаса, кишилар ўзларини туҳмат ва жазодан сақлаш учун бундай ишлардан узоқ юришга ҳаракат қилади.

Шунингдек, гувоҳлиги қабул қилинадиган ва қилинмайдиган тоифалар ҳам мавжуд. Марғиноний гувоҳ қабул қилинмайдиган шахсларга: кўзи ожиз, кул, туҳмат билан жазоланган (тавба қилиб, тўғри йўлга қайтган бўлса мустасно), отанинг ўз боласига, болани ўз отасига, болани бобо ва бувисига, эр-хотиннинг бир-бирларига, муҳаннис (ахлоқи бузуқ шахс), маълум ҳақ эвазига азада йиғлаб берувчи ва қўшиқ айтувчи аёллар, ёлғонни сув қилиб ичиб юборадиган шахслар, жамоат жойларида бавл қиладиган ва овқатланадиган шахсларни киритади¹⁴.

Баъзи масалаларда аҳли зиммийлар, хунасоларнинг ҳам гувоҳлиги қабул қилинадиган тоифаларга кириши таъкидланади.

Демак, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати барча ҳуқуқий давлат ва фуаролик жамиятининг бош мақсади бўлиб келган. Ислом ҳуқуқи манбалари ҳам ўз қонун-қоидаларини ушбу тамойил асосида ишлаб чиққан. Бурҳониддин Марғиноний “ал-Ҳидоя” асари диний эътиқодидан қатъий назар барча инсонларнинг шаъни шариат қозилик институти орқали қонун нормалари билан муҳофаза қилиниши таъкидлайди. Шунингдек, аёл-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш ёки айблашда қўшимча далил ва гувоҳлар талаб қилиш механизмини жорий этади.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан яна бири – бу ёзишмалар ва телефондаги сўзлашувлар сирини ошкор қилмаслик ҳуқуқи ҳисобланади. Марғиноний “ал-Ҳидоя” асарида алоҳида “Гувоҳликдан қайтиш ҳақидаги бўлим”да гувоҳлар ҳукм чиқишидан олдин ўз гувоҳликларидан қайтадиган бўлса, уларга ҳеч қандай жазо ёки талаб қўйилмаслиги, бу иш жоиз бўлиши айтилади¹⁵.

¹⁴ Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. –Ж. 3-4. – Б. 175-177.

¹⁵ Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. –Ж. 3-4. – Б. 146-147.

Шунингдек, агар гувоҳларнинг гувоҳлиги билан қози ҳукм чиқарса, гувоҳлар кейинчалик ўз гувоҳликларини қайтариб оладиган бўлсалар, ўртадаги млукий зарарни маълум қисмини гувоҳлар қоплаб бериши таъкидланади.

Умуман олганда, гувоҳлик масаласида ёлғон гувоҳликдан қайтарилган. Гувоҳ бўлишган қочишдан ҳам қайтарилган. Лекин ёлғон, тухмат ёки сирни ошкор қилиш борасидаги гувоҳликдан қайтишларига рухсат ҳам берилган. бу эса инсонларнинг шахсий ҳуқуқлари кафолати бўлиб хизмат қилган.

Шахсий ҳуқуқлардан бўлган – турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ҳам барча инсонлар шаъни ва уларнинг шахсий эркинлигини таъминлаш учун белгиланган ҳуқуқ нормаларидан саналади. Марғиновий “ал-Ҳидоя” асарининг “Жиноятлар ҳақидаги бўлим”ида бу ҳақида сўз боради. Инсон яшаб турган хонадонига тунда биров кириб, ўғирлик қилса, у эгаси уни тутиб олиб ёки ортидан бориб, ўғрини ўлдириб қўйса, унга жазо ёки каффорат лозим бўлмаслиги келтирилади¹⁶.

Демак инсоннинг хонадони ва ундаги мол-мулклар қонун ҳимоясида бўлади. унинг дахлсизлигига ким зиён етказса, хонадон соҳиби уйига тунда ўғриликка тушган ўғрини ўлдириб қўйса, унга ҳеч қандай жазо тайинлаймайди. Бу билан инсонларнинг турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи келиб чиқади. Шунингдек, ислом манбалари бировнинг уйига рухсатсиз киришдан, ҳаттоки, дарвози очик уйга ёки девори паст уйга кўз ташлашдан қайтаради.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинлик тушунчасини намоён этувчи ҳуқуқлардан бири – сўз ва фикрлаш эркинлиги ҳуқуқи ҳисобланади. Айниқса, бугунги ахборот коммуникация технологиялари ривожланган даврда тўғри ва ишончли сўз ҳамда ахборотнинг кадри беқиёс аҳамиятга эга. Чунки “ким ахборотга эга бўлса, дунёни бошқаради” деган фикр ХХI – ахборот асрининг бош тамойилига айланган. Ислом таълимотида сўз муқаддас. Инсон бир калима билан диндаги юксак мақомларга эга бўлиши ёки аксинча энг қуйи поғонага тушиб кетиши мумкин.

Ислом ҳуқуқида белгиланган кўплаб нормалар инсоннинг биргина оғзидан чиққан сўз билан амалга оширилади. Мисол учун савдода бошқа инсоннинг мулки бўлган нарсани бир кишига “сотдим” сўзини ишлатиши ҳамда олувчи томон ушбу нарсани “сотиб олдим” дейиши билан ҳалол бўлади. Яна икки қарама-қарши жинсдаги инсон никоҳ ақдида қизнинг “бағишладим” ва эркак кишининг “қабул қилдим” деган сўзи билан никоҳ шартномаси тузулиб, икки инсон бир-бирига маҳрам бўлади. Яна никоҳда икки гувоҳнинг бу сўзларни

¹⁶ Ўша асар. – Б. 501.

эшитиши билан уларнинг гувоҳлиги мукамал бўлади. Шунингдек, никоҳда никоҳланувчиларнинг ўрни вакил қилинган шахсларнинг ҳам сўзлари эътиборга олинади¹⁷.

“Ал-Ҳидоя” асарининг “Никоҳ ҳақидаги бўлим”ида мусулмон эрнинг аҳли зиммий аёлга никоҳланиш жараёнида икки зиммий гувоҳ бўлса, Абу Ҳанифа қа Абу Юсуф наздида жоиз бўлиши, Имом Муҳаммад ва Зуфар эса жоиз эмаслигини таъкидлагани келтириб ўтилган¹⁸.

Яна бир инсонга мусулмон нисбатини бериш, унга исломнинг муомаласини қилиш учун унинг биргина имон калимасини айтиши кифоя қилади.

ХУЛОСА

Шунингдек, бир инсонни жазолаш ёки уни жазодан қутқариб қолишда белгиланган гувоҳларнинг биргина сўзлари етарли бўлади. Буларнинг барчаси исломда сўз ва фикрлаш эркинлигига далилдир.

Таълим ва тарбия олиш инсоннинг, айниқса, болаларнинг энг асосий ҳуқуқларидан бири саналади. Ислом таълимоти ота-онага фарзандлари олдида учта энг муҳим мажбуриятни юклайди. Шулардан бир фарзандига ўзи яшайдиган даврнинг таълим-тарбиясини бериши, агар бунга қодир бўлмаса, таълим олиши учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилиши лозим бўлади. бу эса фарзандларнинг ҳақ (ҳуқуқ)ларидан ҳисобланади.

REFERENCES

1. Бурҳониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994

¹⁷ Бурҳониддин Марғинович. Ал-Ҳидоя шарҳи бидоя ал-мубтадий. – Макка: Мустафо Аҳмад ал-Боз, 1994. –Ж. 1-2. – Б. 194-195.

¹⁸ Ўша асар. – Б. 195.

TURK MAQOLLARIDA OILA MAVZUSI

Sobirov G'ulomjon Xikmatjon o'g'li

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

“Turk filologiyasi” kafedrası stajor-o'qituvchisi

Tel: +998 99 811-26-87

E-mail: gulomjon.sobirov.94@gmail.ru

ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada turk maqollarida oila hayotining turli jihatlarini bilan bog'liq misollar izohlanadi. Xususan, nikoh va turmush qurish, oilada ota-ona o'rnini va ahamiyati, farzandlar ta'lim-tarbiyasi, farzandlar o'rtasidagi munosabatlar va oila birligi borasidagi maqollardan foydalaniladi.

Kalit so'zlar: *Maqol, turkiy xalqlar, oila, nikoh, ota-ona, farzand, ta'lim-tarbiya, oila birligi.*

АННОТАЦИЯ

В этой статье объясняются примеры турецких пословиц, связанных с различными аспектами семейной жизни. В частности, используются пословицы о женитьбе и замужестве, роли и значении родителей в семье, воспитании и воспитании детей, отношениях между детьми и единстве семьи.

Ключевые слова: *Пословица, тюркские народы, семья, брак, родители, дети, воспитание, единство семьи.*

ABSTRACT

This article explains examples of Turkish proverbs related to various aspects of family life. In particular, proverbs are used about marriage, the role and importance of parents in the family, the upbringing of children, the relationship between children and the unity of the family.

Keywords: *Proverb, Turkish peoples, family, marriage, parents, children, upbringing, family unity.*

KIRISH

Biz turkiy xalqlarning ilmiy-madaniy merosimiz, qadimiy urf-odat hamda an'analarimizdan ayonki, har qanday zamon va makonda ham oila biz uchun muqaddas qadriyat sanalgan. Binobarin, tarbiyaviy, ma'naviy-ma'rifiy, ruhiy-axloqiy, iqtisodiy-huquqiy munosabatlarga asoslangan ijtimoiy birlik hisoblanmish oila qanchalik mustahkam bo'lsa, jamiyat ham shunchalik barqaror taraqqiy etishini ajdodlarimiz juda yaxshi anglashgan.

Turmush o'rtoq tanlash va nikoh qurish inson hayotining eng muhim

vazifalaridan biri hisoblanadi. Maqollarda turmush qurmoq orqali nasl-nasabni davom ettirish g'oyasi ilgari suriladi. Turk tilida «*Ocağın yakışığı odun, evin yakışığı kadın*» maqolida “ o’choq nurinin o’tin bersa, uy nurini ayol beradi” ma’nosi bilan bir uyning «issiq» bir oila muhitiga aylanishi uchun munosib juft tanlashlikka urg'u berilgan va ayol kishining uyda oilasi, farzandlari bilan bo'lishi munosib ko'rilgan. «*Erken kalkan yol (alır), er evlenen döl alır*», «*At beslenirken, kız istenirken*» kabi maqollarda esa har bir ishda bo'lgani kabi turmush qurishda ham uyg'un bir vaqtning ko'z ostiga olinishi eslatilgan.

Qur'oni Karimda ham oila bilan bog'liq 100 ga yaqin oyatning nozil bo'lganligi, payg'ambarimiz Muhammad (S.A.V) ning hadislarida ham oila to'g'risida bir qancha hadislarning mavjudligi Islom dinida oila qurish naqadar muhimligini ko'rsatadi. Mavzuga aloqador Hazrati Payg'ambarimizning bir hadisiga e'tibor qaratamiz: «*Sizden kimin evlenmeye gücü yetiyorsa hemen evlensin*»¹⁹. Ushbu hadis orqali Payg'ambarimiz uylanishga buyurganlar va shu orqali kishining gunoh ishlardan o'zini asray olishini ta'kidlaganlar. Islom dinidagi bu talqinlar sabab «*Evlennenle ev alana Allah yardım eder*» va «*Nihâkta keramet vardır*» kabi maqollar paydo bo'lgan. Bu talqinlar va ular asosidagi maqollar yoshlarning turmush qurishliklari uchun ularga jasorat baxshida etib kelmoqda.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Nikohda ayolning o'rni mavzusida turk tilida bir nechta maqollar mavjud. Bulardan, «*Evi ev eden avrat (yurdu şen eden devlet)*» va «*Yuvayı dışı kuş yapar*» kabi maqollarni misol tariqasida ko'rsatish mumkin. Shuningdek, XV asrda qo'llanilgan «*Avret düdüğü evi Tanrı yıkmaz, avret bozduğu evi Tanrı yapmaz*»²⁰ maqolida ham ayol kishining oiladagi o'rni va ahamiyatiga urg'u berilgan. «*Avrat var ev yapar, avrat var ev yıkar*», «*Kadın vardır vezir eder, kadın vardır rezil eder*» kabi maqollarda esa ayol kishining oiladagi o'ziga yuklatilgan vazifalarni yaxshi bajara olsa, baxtli bir oilaga tayanch bo'lishi yoki aksincha bo'lishi mumkinligi eslatib o'tilgan. Ya'ni o'zbek tilidagi “Ernie r qiladigan ham xotin, qaro yer qiladigan ham xotin” maqoli kabi er kishining baxti qaroligi ham, saodati ham ayol kishiga bog'liqdir.

Nikoh qarori qabul qilinayotganda ikki juftning bir-biriga mos bo'lishlari keyingi munosabatlarni sog'lom davom ettirishning muhim omillaridan hisoblanadi. «*Davul dengi dengine diye çalar*» degan maqol “Teng tengi bilan, tezak qopi bilan”

¹⁹ Ebu Davud, Sünen, Nikah 1.

²⁰ Doğan Aksan, Türkçe'ye Yansıyan Türk Kültürü, Bilgi Yayınevi, Ankara 2008, s.53.

maqoliga aynan mos keladi va unda ifoda etilgan haqiqat islom fiqhshunoslari tomonidan e'tiborsiz qoldirilmagan va juftlar orasidagi diniy, iqtisodiy va ijtimoiy tenglikni nikoh o'lchovi sifatida qabul qilishgan.

Turk tilidagi maqollarda oila qurish bilan birgalikda ota-ona va ularga hurmat ko'rsatish muhim ekanligiga ham alohida to'xtalib o'tiladi. Ota-onani hurmat qilish, ular bilan yaxshi muomala qilish shart. Afsuski, bunday holatlarning kamayib borayotganligi *“Baba o'g'luna bağ bağıslamış, oğul babaya bir salkım üzüm vermemiş”*, (Ota o'g'liga bog' barpo qilibdi, o'g'il esa otasiga bir bosh uzumni ravo ko'rmabdi), *“Bir baba dokuz oğlu besler de dokuz oğul bir babayı besleyemez”* (*“Biro ta to'qqiz farzandni boqadi, to'qqiz farzand esa bir otani boqa olmaydi”*) kabi maqollarda o'z ifodasini topmoqda. Ota-onaning farzandlari uchun ko'rsatgan moddiy-ma'naviy fidokorliklariga qaramay, ayrim farzandlar har doim ham ularga munosib javob bera olmayaptilar. Islom dinining asosiy tamoyillar orasida ota-onaga yaxshi munosabatda bo'lish muhimdir. Chunki Qur'oni Karimda *«(Ey Muhammed!) De ki: Gelin, Rabbinizin size haram kıldığı şeyleri okuyayım: Ona hiçbir şeyi ortak koşmayın. Anaya babaya iyi davranın.»*²¹ deb buyurilgan. Boshqa bir oyatda esa *«Rabbin kendisinden başkasına asla ibadet etmemenizi, anaya babaya iyi davranmanızı kesin olarak emretti. Eğer onlardan biri, ya da her ikisi senin yanında ihtiyarlık çağına ulaşırsa, sakın onlara "öf!" bile deme, onları azarlama, onlara tatlı ve güzel söz söyle.»*²² deya ota-onaga qanday munosabatda bo'lish kerakligi buyurilgan.

Shuningdek, turk maqollarida ota-onaning hayotdagi o'rni va ahamiyatiga ko'p urg'u berilgan, ayniqsa, ona bilan bog'liq maqollar talaygina: *«Ağlarsa anam ağlar, gerisi yalan ağlar»*, *«Ana gibi yar (Bağdat gibi diyar) olmaz»*, *«Anasız kuzu melemez»*, *«Ana besler hurmayla, Eloğlu karşılar yarmayla»*, *«Analı kuzu kınalı kuzu»*. Ushbu maqollarda onaning farzand hayotidagi o'rni naqadar ulkan ekanligi ta'kidlangan.

Oilada farzand tarbiyasi eng muhim omil hisoblanadi. Maqollarda farzandlarga yoshliklaridan beriladigan ta'lim-tarbiya va bu holatda ota-onaning roli ko'rsatib beriladi. Farzand tarbiyasida ota-onaning ahamiyati to'g'risidagi maqollarga misol tariqasida *«Oğlan atadan öğrenir sofrayı açmayı, kız anadan öğrenir biçki biçmeyi»*, *«Ananın çıktığı dala kızı salıncak kurar»* shularni keltirish mumkin. Ushbu maqollarda o'gil farzand tarbiyasida otaning, qiz farzand tarbiyasida esa onaning munosabatlari izohlanmoqda. *«Ön tekerlek nereden giderse, arka tekerlek de oradan*

²¹ Enam (6); 151.

²² İsra (17) 23,24.

gider» va «*İnsan göre göre, hayvan süre süre alışır*»²³ maqollari esa ota-ona farzandlariga o'rnak bo'lishlarini ko'rsatib bermoqda. Jumladan, «*Yavru kuş, yuvada gördüğünü yapar*» maqolida ham ushbu fikrlar jamlangan. Ushbu maqolning o'zbek tilidagi ekvivalenti esa deyarli bir xil hisoblanadi: «*Qush uyasida ko'rganini qiladi*». Bugungi kunda hayotda ko'plab muammolarga duch kelamiz. Bulardan eng avvalosi bu - inson xarakteridir. Inson xarakteri qayerdan va qanday shakllanadi? Albatta, bu oiladan boshlanadi. Oila – bu juda nozik muassasa. Bu farzand dunyoga kelganidan, ota-onaning bir-biriga bo'lgan munosabatidan boshlanadi. Ota-onaning bosayotgan har bir qadami bolaning ongiga o'rnashib qoladi. Maqollar orasida farzandga tarbiya berishda ota-onaga yo'l ko'rsatuvchi maqollar ham mavjud: «*Abdal düğünden, çocuk oyundan usanmaz*». Ushbu maqolda farzand hayotida o'yinlarning muhim ekanligi ifoda etilgan. Shunga ko'ra, ota-onalar turli xil o'yinlar orqali farzandlarining ta'lim-tarbiyasini ta'sirchan va ko'ngilochar tarzda shakllantirishlari mumkinligi eslatib o'tilgan. Farzand tarbiyasidagi yana bir qoida borki, buni ota-onalar unutmasliklari lozim: «*Çok söyleme arsız edersin, aç bırakma hırsız edersin*». Shuningdek, hali aniq bir muvafaqqiyatga erishmagan yosh bolalarning yelkalariga mas'uliyat yuklamaslik, shunday bo'lgan holatda esa ularni yolg'iz qoldirmaslik kerakligi «*Çocuğa iş buyuran, ardınca kendi gider*» maqoli orqali eslatib o'tilgan. Ushbu turk maqolining o'zbek tilidagi ekvivalenti esa «*Bolaga ish buyur, ortidan o'zing yugur*» maqoliga mos keladi.

Oilada yuzaga keladigan muammolarga profilaktik choralar ko'rish borasidagi maqollar ham mavjud. «*Kızını dövmeleyen dizini döver*», «*Kızı gönlüne (kendi haline) bırakırsan ya davulcuya varır ya zurnacıya*». Bu maqollardagi asosiy ma'no ijtimoiy va madaniy o'zgarishlar tufayli yuz berishi mumkin bo'lgan oilalarning buzilishini tezlashtiradigan omillarga qarshi kurashish hisoblanadi. Bu maqollar orqali ota-onalar farzandlariga kichik chog'laridan to'g'ri tarbiya bersalar, kelajakda bunday muammolardan nafaqat o'zlarini balki farzandlarini ham asrab qolishi mumkinligi ifoda etilmoqda. Farzandini sevgan, uni tarbiyalash yo'lida har qanday g'ayrat-u shijoatlarni ko'rsatgan ota-onalarning unutmasliklari kerak bo'lgan asosiy qurol «*İyi nasihat verilir, iyi ad verilmez*» maqolida ifoda etilgan. Ota-onaning bunday harakatlariga munosib ravishda farzand ham ularning bergan nasihatlariga astoydil amal qilishi darkordir.

Farzand bu eng oliy ne'mat hisoblanadi. Afsuski, ayrim juftliklar farzand ko'rishni salbiy qarshilaydilar va mana shunday kishilarni ifoda etgan maqollar ham yo'q emas. «*Evladın var mı derdin var*», «*Oğlan doğurdum oydu beni, kız doğurdum*

²³ Erol Güngör, Ahlak Psikolojisi ve Sosyal Ahlak, Ötüken yayınları, İstanbul 2008, s. 215.

soydu beni», «*Oğlan doğur kız doğur, hamurunu sen yoğur*» kabi maqollarda farzand ko'rish bir muammo ekanligi ifoda etilmoqda. Tadqiqotlarga ko'ra, ba'zi farzand ko'rmagan juftliklar qolganlarga nisbatan baxtliroq ekan.²⁴

Aka-uka, opa-singillar oilaning muhim bir bo'laklaridir. Ular o'rtasidagi munosabatlar ham maqollarda keng yoritib berilgan. «*Kardeş kardeşin ne öldüğünü ister, ne olduğunu*», «*Bir evde iki kız, biri çuvaldız biri biz*» singari maqollarda farzandlar o'rtasidagi raqobat, ota-onalarini bir-birlaridan qizg'anishlari kabi holatlarning mavjudligi izohlanmoqda. Haqiqatan ham, bunday raqobat bor. Chunki Odam (a.s) ning ikki o'g'li Hobil va Qobil yoki Yoqub (a.s) ning o'gillari haqidagi qissalarda ham aynan shu holat o'z aksini topgan. Farzandlar o'rtasidagi raqobatlar borasida olimlar tomonidan o'tkazilgan tadqiqotlarga ko'ra, aka yoki opa o'zlarining kichik uka yoki singilli bo'lishliklaridan xabardor bo'lganlaridan so'ng ularda asabiylik, huzursizlanish, tirnoq yeyishlik kabi g'ayrioddiy holatlar kuzatilar ekan.²⁵ Ammo «*Kardeşim olsun da kanlım olsun*» maqolida vaqt o'tgan sari aka-uka, opa-singillar o'rtasida qalin rishtalarning paydo bo'lishiga urg'u berilmoqda.

Oila birligi, hamjihatligi eng muhim omil hisoblanadi. «*Nerede birlik, orada dirlik*» maqoli buning isboti sifatida qaraladi. Shuningdek, er-xotinning shaxsiy munosabatlariga boshqalarning aralashmasliklari quyidagi maqollarda ifoda etilgan: «*Etle tırnak arasına girilmez*», «*El ağzına (sözüne) bakan karısını tez boşar*».²⁶ Oila birligi, hamjihatligida sadoqatning muhimligi «*Her çiçek koklanmaz*» maqolida eslatib o'tilgan. Shuningdek, er-xotin bir-birining ayb va nuqsonlariga ko'nikib yashashliklari quyidagi ikki maqolda ifoda etilgan: «*Ayıpsız yâr arayan, yârsız kalır*» va «*Gülü seven dikenine katlanır*». Har bir oilaning baxtli bo'lishi jamiyat taraqqiyotining muhim omili hisoblanadi.

XULOSA

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, maqollar bir necha ming yillik tajribalar natijasi, mahsuli va qimmatli manba hisoblanadi. Ushbu maqolada oila ichidagi munosabatlarga aloqador maqollardan foydalandik. Maqollardan to'g'ri xulosa chiqarib, ularga amal qilish juda muhimdir.

REFERENCES

1. Pala, İskender. *Sözün Özünden Dünden Bugüne Atasözleri*, Kapı Yayınları, İstanbul, 2013.

²⁴ Alfred Adler, *İnsanı tanıma sanatı*, Dergah yayınları, İstanbul 1985.

²⁵ Emel Yiğen, *Zonguldak İl Merkezinde Yuvaya Giden 3-6 Yaş Grubu Çocuklarda Kardeş Kıskançlığının Değerlendirilmesi*, Yüksek Lisans Tezi, Zonguldak, 2005.

²⁶ Nevzat Tarhan, *Aile Okulu*, Timaş Yayınları, İstanbul, 2010.

2. Ömer Asım Aksoy, Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, İnkılap Yayınları, İstanbul, 2013.
3. Ebu Davud, Sünen, Nikah 1.
4. Doğan Aksan, Türkçe'ye Yansıyan Türk Kültürü, Bilgi Yayınevi, Ankara 2008, s.53.
5. Enam (6); 151.
6. İsrâ (17) 23,24.
7. Erol Güngör, Ahlak Psikolojisi ve Sosyal Ahlak, Ötüken yayınları, İstanbul 2008, s. 215.
8. Alfred Adler, İnsanı tanıma sanatı, Dergah yayınları, İstanbul 1985.
9. Emel Yiğen, Zonguldak İl Merkezinde Yuvaya Giden 3-6 Yaş Grubu Çocuklarda Kardeş Kıskançlığının Değerlendirilmesi, Yüksek Lisans Tezi, Zonguldak, 2005.
10. Nevzat Tarhan, Aile Okulu, Timaş Yayınları, İstanbul, 2010.
11. <http://kuran.diyamet.gov>

LINGUOCULTUROLOGICAL ASPECT OF INTERCULTURAL COMMUNICATION

Abdullaeva E.A.

Lecturer, Ferghana state university

ABSTRACT

The article deals with issues related to the problems of intercultural communication. Attention is paid to the linguistic and cultural aspect, in particular to linguistic and cultural differences based on the "linguistic picture of the world". It is concluded that successful intercultural interaction is based on knowledge of a wide range of linguistic and cultural characteristics of communicants.

Keywords: *linguoculture, linguoculturology, linguistic worldview, culture, intercultural communication, speech etiquette.*

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с проблемами межкультурной коммуникации. Уделяется внимание лингвокультурологическому аспекту, в частности языковым и культурным различиям, основанным на «языковой картине мира». Делается вывод о том, что успешное межкультурное взаимодействие основывается на знании широкого круга языковых и культурных особенностей коммуникантов.

Ключевые слова: *лингвокультура, лингвокультурология, языковая картина мира, культура, межкультурная коммуникация, речевой этикет.*

INTRODUCTION

The modern world is characterized by an unprecedented growing dynamics and diversity of cultural exchanges in the political, economic, educational, sports, scientific, business, cultural, and tourism spheres. In these conditions, research on the problems of intercultural communication is becoming essential. At the same time, a significant role is assigned to the theoretical and practical aspects of linguoculturology as a factor contributing to the harmonization of international communication, creating an atmosphere of trust between representatives of different peoples based on respect for the diversity of cultures.

The term "intercultural communication" was introduced into scientific circulation by E. Hall and G. Trager in 1954. The authors of the work "Culture as communication" demonstrated the relationship between the results of the communication process and the degree of possession of a cultural minimum of knowledge of their communication partners [9]. According to J. According to

Ladmiral, intercultural communication takes place against the background of representations, codes, a peculiar way of life and way of thinking peculiar to these cultures [5, p. 351].

Researcher L. Grishaeva in the context of intercultural communication focuses on "the interaction of representatives of different linguistic cultures" [2, p. 283]. In turn, A. Sadokhin emphasizes that intercultural communication is not limited only to knowledge of foreign languages, but requires knowledge of the material and spiritual culture of another people, religion, values, moral attitudes, worldviews, etc. [4, p. 95]

DISCUSSION AND RESULTS

Linguoculturology, being a harmonious syncretism of language and culture, is a part of the theory of intercultural communication. The following questions are in the field of scientific research: how communication between representatives of different cultures can be successful, which affects understanding and mutual understanding, how culture is expressed in the speech of people belonging to different linguistic cultures. Thus, adequate mutual understanding of participants in intercultural communication is the main task of linguoculturology, which pays special attention to the study of the peculiarities of national character and national mental and behavioral stereotypes.

For a deeper understanding of the linguistic and cultural aspect of intercultural communication, it is necessary to turn to the "linguistic picture of the world", since consciousness, as a phenomenon, is culture-dependent, and language is the main tool for the assimilation of culture, the key to recognizing its essence.

According to Weisberger, the "linguistic picture of the world" implies a person's ideological dependence on his native language, it is the latter that determines a special point of view on the world, which will differ among representatives of different cultures [3, p. 114]. In the concept of the linguistic picture of the world developed by Yu. Apresyan, language appears as a philosophical concept of a unified system of views of a particular people [1, p. 39]. Researcher E. Yakovleva points out that the ways of perceiving reality are initially fixed in language. Thus, the worldview is determined through the prism of language, which in turn has its own national specificity [6, p. 47].

Misunderstanding of differences in the linguistic picture of the world becomes the cause of communicative failures in the process of intercultural dialogue, while failures are caused by a number of diverse factors. Researchers identify five large

groups of communication hindrances: physiological, linguistic, behavioral, psychological, cultural.

Communication failures occur to a greater extent due to the fact that the subject attributes a universal character to the words and expressions of his native language, considering this to be the norm. However, there are many situations where the expected results and intentions do not coincide. Researcher O. Leontovich identifies 10 categories of cultural interference arising in intercultural interaction [7]:

- divergence in linguistic worldviews, including the perception of time and space, which leads to a specific set and combination of time forms in each language;
- communicative asymmetry caused by differences in the phonetic, grammatical layer, semantic structure of words, different levels of cultural and linguistic competence, attitude to native and foreign culture, location of communicants, etc.;
- difference in forms and means of non-verbal communication used in different cultures
 - divergence of value orientations;
 - the specificity of the perception of humor
 - differences in background knowledge;
 - differences in cultural-specific connotations of language units;
 - differences in cultural and linguistic norms;
 - mismatch of communication strategies;
 - the impact of national stereotypes.

For example, Russian business correspondence is characterized by conciseness and imperative tonality, expressed in such cliché phrases as "we remind you", "we ask you", etc. For Chinese business language, intentions of politeness, modesty, courtesy are characteristic. Speech etiquette formulas are based on a specific Chinese principle of politeness, which implies belittling oneself in order to demonstrate respect for the interlocutor. Therefore, the constructions with the expression of a request are stylistically more elevated, have a more expressive character, reflect the expression of respect for the interlocutor and the desire not to cause concern with their request. Expressions such as "do the honor", "I ask you to make me happy with your visit", "be kind enough to worry", etc. are widely used. [8]

The Chinese also consider it rude to refuse a request directly, which is connected with the "loss of face" - another concept that is basic to the entire Chinese culture. Therefore, instead of the unequivocal "no" characteristic of the West, veiled hints are used about "the impossibility of making such a difficult decision at the moment", "the

need to discuss the issue later in more detail", "I will take care of it as much as I can", etc.

CONCLUSION

Understanding the true meanings put into certain messages determines the success of communication. Even related cultures never completely coincide, therefore, the linguistic and cultural aspect plays a significant role in the processes of intercultural interaction. To overcome semantic gaps and solve problems of misunderstanding, only knowledge of a foreign language is insufficient, one should know and understand a wide range of linguistic and cultural features of the addressee – from the choice of linguistic means and cultural algorithms to customs, laws, stereotypes and everything that collectively forms the content of the linguistic picture of the world.

REFERENCES

1. Apresyan Yu. Integral language description and system lexicography // Selected works. M.: School "Languages of Russian Culture", 1995. Vol. 2. 767 p.
2. Grishaeva L.I., Tsurikova L.V. Introduction to the theory of intercultural communication. – M., 2006, 283 p.
3. Danilenko V. The linguistic picture of the world in the theory of L. Weisgerber. *Philology and Man*, 2009, No. 1, pp.112-117
4. Гиздулин, Э. Ф. (2021). СТРАТЕГИИ ОБУЧЕНИЯ КАК ВАЖНОЕ УСЛОВИЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ АВТОНОМНОГО ОБУЧЕНИЯ. In *Педагогика и психология в современном мире: теоретические и практические исследования* (pp. 48-51).
5. Khoroshavtseva O.P. The nature of the interaction of culture and communication // *Izvestia of the A.I. Herzen Russian State Pedagogical University*. No. 117: Scientific journal. 2009. с. 351-357.
6. Yakovleva E. S. Fragments of the Russian language picture of the world (models of space, time, perception). Moscow: Gnosis, 1994. 344 p.
7. Anduganova M., Constantin L. Linguoculturological hindrances and problems in intercultural communication of citizens of Russia and the USA // *Bulletin of the Mari State University* 2017. Vol. 11. No. 4 (28). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lingvokulturologicheskie-pomehi-i-problemy-v-mezhkulturnoy-kommunikatsii-grazhdan-rossii-i-ssha> (accessed 19.08.2022).
8. Nenasheva A. Business letter in Chinese: features and speech etiquette formulas. *Academy, Linguistics and Literary Studies*, 2018. URL:

<https://cyberleninka.ru/article/n/delovoe-pismo-v-kitayskom-yazyke-osobnosti-i-rechevye-etiketnye-formuly> (accessed 19.08.2022).

9. Shachnev S. Intercultural communication as a factor of harmonization of international communication/SCIENTIFIC BULLETIN, History Series. Political science. 2016 №15(236). Issue 39. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mezhkulturnaya-kommunikatsiya-kak-faktor-garmonizatsii-mezhdunarodnogo-obscheniya/viewer> (accessed 19.08.2022).

БОЛАЛАР ВА ОЧАРЧИЛИК: ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ХУСУСИЙ МУЛКЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Шарофиддин Ҳошимжонов,
АндДУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистонда Совет ҳукуматининг юритган иқтисодий сиёсати, жумладан, мулкчиликнинг хусусий шакллари билан давлат иштирокига ўтказилиши, мулкдорларни синф сифатида йўқ қилиш сиёсати, ўзбек қишлоқларида сунъий синфий курашни яратиш, тадбиркорларнинг мулкларини тортиб олиниши, иқтисодиётнинг асосий тармоқларида давлат монополиясини ўрнатилиши ва қатъий нарх сиёсатининг амалга оширилиши каби нотўғри иқтисодий сиёсатининг оғир оқибатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: коммунизм, национализация, давлат монополияси, ер эгаллиги, синфий кураш, солиққа тортиш, мулкдорлар, очарчилик, болалар интернатлари, безгак, юқумли касалликлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается экономическая политика Советского правительства в Туркестане, в том числе передача частных форм собственности государству, политика уничтожения собственников как класса, захват имущества предпринимателей путем создания искусственной классовой борьбы в узбекских аулах, установление государственной монополии в основных отраслях экономики, проведение политики фиксированных цен и др. Анализируются тяжелые последствия неправильной экономической политики.

Ключевые слова: коммунизм, национализация, государственная монополия, земельная собственность, классовая борьба, налогообложение, помещики, голод, детские интернаты, малярия, инфекционные болезни.

КИРИШ

Россияда XX аснинг биринчи чорагида бошланган очарчилик билан сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан чамбарчас боғланган Туркистон ўлкасига ҳам кириб келди. Бунга биринчи навбатда, коммунистик мафкура билан боғлиқ бўлиб, жамиятда мулкнинг тенгсизлиги тугатиш, мулкнинг барча шакллари тугатиш, уларни давлат тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ эди. Совет ҳукумати коммунистик мафкура асосидаги бундай утопик иқтисодий сиёсати жуда ёмон оқибатларга олиб келди.

Маълумки, подшо Россияси давридаёқ Туркистон пахта ўлкасига, марказдаги текстил саноати учун асосий ҳомашё базасига айлантирила бошланган. Большевиклар жамиятнинг иқтисодий асосларига зарба беришни бошладилар. Тўнтаришдан кейин маҳаллий аҳоли асосий даромад манбаси пахта экишни камайтира бошладилар. Чунки, фуқаролар уруши сабаб, Россия билан алоқа йўллари ёпилиб қолган, асосий ҳомашё манбасидан узилиб қолган миллиондан ортиқ ишчилар банд бўлган марказдаги саноат корхоналари яхши ишламасди. Туркистондаги ғалла истеъмолнинг асосий қисмини етказиб берувчи Россиянинг марказий ўлкаларида очарчилик авж олган, йўл муаммоси бу ҳолатни янада оғирлаштирарди. Оддий аҳоли пахта экин майдонларига ғалла эка бошлади, лекин бу ички истеъмолни қоплай олмасди, энди асосий даромад манбаси пахта ҳам камайиб кетганди. Расмий маълумотларга кўра, донли маҳсулотлар етиштириш 9 миллион пудга тушиб қолган, 1920 йилда эса бу кўрсаткич 13 млн пудга тенг бўлган. Экин ер майдонлари ҳам қисқариб кетди. Хусусан, 1919 йилда Ер ишлари Халқ комиссарлиги Статистика бошқармаси бошлиғи А. Черневскийнинг ҳисоботида кўра, деҳқончилик билан шуғулланадиган асосий уч вилоят – Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги экин майдонлари 1919 йилга келиб 1915 йилдаги экин майдонига нисбатан 58,3% га тушиб кетган.²⁷

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Экин майдонларининг бундай камайиб кетишига асосий сабаблар сифатида ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатлари билан бир қаторда ер-сув ислоҳоти ўтказиш ва унинг доирасида деҳқонлар қўлидаги қишлоқ хўжалиги қуроллари, ҳайвонлар ва уруғликни тизимсиз равишда, ҳеч қандай рўйхатсиз ва тартибсизлик билан давлат ҳисобига мусодара қилинишини кўрсатишимиз мумкин. Бунинг натижасида деҳқонларнинг эртанги кунга ишончсизлик кайфияти пайдо бўлиши билан боғлаш мумкин.

Хусусан, Андижон ва Наманган уездлари халқ хўжалиги бўлими бошлиқлигига янги тайинланган Тедер ва Челевицкийлар 1919 йил 28 августдаги Халқ хўжалиги кенгаши 1 съездидаги ҳисоботларида ушбу бўлимлар томонидан мусодара ва национализация қилинган мулкларнинг рўйхатга олинмагани, тортиб олинган маҳсулотлар ва иш қуролларининг миқдори бўйича ҳеч қандай ҳисоб юритилмагани, иш жуда тартибсиз ташкил

²⁷ Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда ЎзМА), Р-29-фонд, 1-рўйхат, 58-ийғмажилд, 5-бет.

этилгани ҳақида ахборот беришади.²⁸ Умуман олганда, дастлаб хусусий мулкларни рўйхатга олиш ва давлат ҳисобига тортиб олиш бирор қоида ёки тартибга асосланмай, ўзбошимчалик билан амалга оширилган.

Бундан ташқари тортиб олиниб, деҳқонларга берилган ерларни таъминоти масаласи ҳам ҳал этилмаган. 1919 йил 19 июнда қишлоқ хўжалиги ва ер ислоҳоти ўтказиш ходимларининг 2 йиғилишида, Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидаги кўплаб меҳнатсиз кун кечирган хўжаликлар тугатилгани, ушбу хўжаликларга тегишли барча қуроллар социализация қилиниб, ерлар ва қуроллар қисмларга бўлиниб тарқатиб юборилгани, национализация қилинган хўжаликларни бўлиб тарқатиб юбориш катта хато экани қайд этилган.²⁹ Бунда биринчи навбатда, ерларнинг унумдорлиги пасайиб кетган. Авваллари ер эгалари ўз ижарачиларини йил давомида уруғ, қишлоқ хўжалиги қуроллари ва бошқа ишлар учун пул билан таъминлаган, ерларнинг тортиб олиниши ҳамда тарқатилиши кичик ер эгаларининг таъминотсиз, иш қуролларисиз ва пулсиз қолишига сабаб бўлган. Ҳукумат деҳқонларнинг бу эҳтиёжларини таъминлай олмаган. Тарқатилган ерлар эса деҳқонларда иш қуролларининг йўқлиги сабаб ишловсиз ёки қаровсиз қолиб кетган. Йиғилишда танқид қилинган масала тортиб олинган ўжаликларни бўлиб тарқатмаслик бўлган, бироқ амалда бўлиб берилган кичик ерни бошқаришга восита ва маблағи бўлмаган деҳқон бундай катта хўжаликни юритиши даргумон эди. Кейинчалик ташкил этилган совет ва жамоа хўжаликлари эса амалда аввалги мулкдор қатлам ўрнини эгаллаган холос. Совет ҳукумати қарши курашган хусусий мулкдорлар ўрнини ўзи эгаллаган, улар ижарадорларга ваъда қилган ерлар эса қуруқ сўзлигича қолган, ҳатто деҳқоннинг аҳволи аввалгидан ёмонлашган.

Совет ҳукумати томонидан Туркистон аҳолисининг асосий даромад манбаси бўлган пахтадан келадиган даромадини маҳаллий деҳқонлар чўнтаги эмас, давлат ғазнасига тушириш йўллари изланди. Бу капиталистик давлатлар билан мусобақалашиб, унга коммунизмнинг қудратини кўрсатиб қўйиш мақсадида кўзда тутилган чораларнинг молиялаштириш манбаси бўлиб хизмат қилишни кўзда тутарди. Бу ният эса эзилган чорикор ва мардикор қатламни бойлар зулмидан қутқариш билан ниқобланди. Дастлаб, 1918 йил бошида пахтачиликни ривожлантириш ниқоби билан Пахтачилик бош бошқармаси тузилди. 1918 йил 5 мартда Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашининг

²⁸ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 33-йиғмажилд, 84-бет.

²⁹ ЎзМА, Р-29-фонд, 2-рўйхат, 103-йиғмажилд, 4-бет орқаси.

қарори билан барча пахтачилик, ёғ-мой, совунпазлик фабрикалари давлат ҳисобига тортиб олиш ҳақида қарор чиқарилди.³⁰ Бундан ташқари айнан шу қарор билан, пахтага давлат монополияси ўрнатилди. Бу дегани пахтани ҳеч ким сота олмайди, сотиб ҳам ололмайди, давлат номидан Пахтачилик бош бошқармаси унинг ягона сотувчиси ва олувчисига айланди. Бу пахта ҳомашёсининг эркин бозорини ва рақобат муҳитини йўқолишига олиб келди. Энди, 1 пуд пахта учун эркин нарх ўрнига қатъий белгиланган энг юқори нарх – 18 сўм этиб белгилади. Пахтачилик бош бошқармаси эса бу нархда сотиб олгач, саноат корхоналарига ўзи хоҳлаган нархда сотарди. Аслида совет ҳукумати айтганидек, пахта ҳомашёсидан тайёр маҳсулотлар нархини тушириш учун ҳомашё нархини сунъий тушириш яъни эркин бозорга давлат аралашуви оқибатда бу маҳсулотлар нархи тушишига олиб келмади, кўшимчасига аҳоли даромадларининг пасайиши кузатилди. Пахтачиликдан келадиган даромаднинг тушиши устига, курғоқчилик сабаб ғалланинг камҳосиллиги ва натижада унинг нархи пахтадан уч баробар ортишига олиб келди. Ўзи четдан келтириладиган ғаллани сотиб олиб истеъмол қиладиган аҳоли, ғаллага пул ҳам топа олмай қолди. Бунинг устига ўлка ресурсларининг катта қисми очарчиликни тугатиш мақсадида Россиянинг марказий ҳудудларига юборилиши, у ерлардан кўплаб аҳолининг кўчириб келтирилиши, совет ҳукуматининг хўжасизларча солиқ сиёсати (25 дан ортиқ солиқ турлари ва бундан ташқари маҳаллий йиғимлар),³¹ озик-овқат маҳсулотларининг солиқ сифатида тортиб олиниши очарчиликнинг ҳалокатли ўтишига сабаб бўлди.

1918-1919 йиллардаги очарчилик бир авж олиб, камайгандек бўлди. Бирок, кейин яна авж олиб кетди. Туркистонда очарчилик энг кенг тарқалган ҳудудлардан бири Фарғона вилояти бўлган.

Овқатланиш жойларини ташкил қилишни молиялаштириш учун ҳам маҳаллий мулкдорларга алоҳида солиқ жорий этилган. Умуман олганда, мулкдор ва тадбиркор синф барча жабҳада тазйиққа учраган, уларнинг мулкларини давлат ҳисобига ўтказиш учун турли тадбирлар ўйлаб топилган. Хусусан, 1918 йил Ишчи, деҳқон ва аскар депутатлар Кенгашининг Туркистон Марказий Ижроия кўмитасида Петрограддан харбий-инқилобий кўмитаси бюроси раҳбари М. И. Лацис томонидан мулкдор синфларни шафқатсиз солиққа тортиш бўйича кўрсатмаси муҳокама қилинади ва бу масалани амалга

³⁰ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 34-йиғмажилд, 4-бет.

³¹ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 411-бет.

оширишга масъул этиб Молия халқ комиссари Мирский тайинланади.³² Тез орада ўлкада юз бераётган очарчилик оқибатларини юмшатиш учун овқатланиш жойлари ташкил этиш тўлиқ мулкдорлар зиммасига юкланади. Масалан, Андижонда шаҳар ижроия кўмитаси қарори билан бепул ошхоналар ташкил этиш учун солиққа тортилган мулкдорлар рўйхати тасдиқланади. Рўйхатга 55 нафар шахснинг исми киритилган бўлиб, барчаси маҳаллий миллат вакиллари дир. Солиқ миқдори мулкдорларнинг мулкига қараб белгиланган бўлиб, энг кўп – 150 минг рубль миқдорида солиқ тўлаш таниқли тадбиркор Аҳмадбек Темирбеков зиммасига юклатилган. Умумий ҳисобда эса, мулкдорлар 750 минг рубль миқдорида солиққа тортилган.³³ Аслида, бунга қадар тадбиркорларнинг кўпчилиги ҳукумат солиқ тайинламасдан туриб, ошхоналар ташкил этгани, очарчиликдан азият чеккан аҳолига озиқ-овқатдан ёрдам бергани ҳақидаги маълумотлар ҳам кўп учрайди. Хусусан, ўша давр даврий матбуотида бу ҳақида қатор хабарлар берилган. Хусусан, Ал-Изоҳ журналида “Себзор даҳасинда саҳоватпешаларимиздан Мулла Абдулла хожи аржумандлари, Мулла Тўйчи бойвачча ва Мулла Ғулом шайх қори жанобларининг ғайрат ва ҳимматлари соясинда эллик кундан бери муттасил беш қозон курилиб, 1.500 қадар фақир ва бечораларга ош берилиб турмакдадурким, ҳар кун 5 қозонга харажат, маблағ 1.500 сўмдур.” – дея, хабар берилган. Ушбу хабарда ўндан ортиқ мулкдорлар саналиб, уларнинг очарчиликни бартараф қилиш учун кўрсатган хизматлари санаб ўтилади.³⁴

1921 йилнинг қишида дастлаб Марғилонда бошланган очарчилик 1922 йил баҳорига қадар Қўқонда, кейин Андижон, Ўш ва Наманганни ҳам қамраб олди. Марғилон уездининг 60%, Қўқоннинг эса 50% аҳолиси очликка маҳкум бўлди.³⁵ Ўша вақтда водийда 710 мингдан ортиқ аҳоли яшаган бўлса, улардан 138 мингга яқин киши (кейинроқ 250 мингдан ортган) очликдан азият чеккан бўлса, 140 мингга яқин одамга очлик доимий хавф солиб турган. Умуман олганда, шу йили биргина Фарғона водийсининг ўзида 54 минг 860 киши очарчиликдан вафот этган.³⁶ Шаҳарларда ишсизлар орасида, ҳатто ҳунармандлар орасида ҳам очарчилик авж олган, уездларда эса 20 танобгача ери бўлган ўртаҳол хўжаликлар ҳам очарчилик домига тушган, улар 1921 ва 1922 йилда ҳам экин эка олишмаган. Бу эса уларнинг етарли озиқ-овқат

³² ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 4-йиғмажилд, 321-бет.

³³ Андижон вилояти Давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 1-йиғмажилд, 166-бет.

³⁴ Ҳимматга тухматми? // Ал-Изоҳ. - 1918. № Б. 387-388 бетлар.

³⁵ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 29-бет.

³⁶ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 401-бет.

заҳирасисиз қолишларига сабаб бўлган. Ўша давр ҳужжатларида келтирилишича, Қўқонда ҳар куни 10 тадан одам очликдан ўлаётгани айтилади. Қўқон шаҳри бозорида ҳар куни минглаб, бозор бўладиган кунлари эса ўн минглаб одамлар энг охирги мулкларини: эски ёстиқ, ёпинчик, чопон, кигиз, идишлар ва ҳатто кетмонларини сотиш учун бозорга олиб келардилар. Қишлоқ аҳолиси ейишга яроқсиз маҳсулотлар, айниқса, ўт еб шишиб ўлиш кўпаяди, хусусан, болаларда ҳам кўп учрайди. Қишлоқдан келган деҳқонлар айтишича, кетишга қодир кишилар хўжалиklarини ташлаб, болалар бошқа вилоятларга қочиб кетишмоқда. Бир деҳқоннинг айтишича, Қўқон шаҳрига келиш йўлида 20 верст жойда 17 та ўликни ва уларнинг ёнида бозорда сотиш учун олиб келаётган мулкни кўрган, бироқ, улар бозорга етиб келмай силласи қуриб вафот этган.³⁷

Туркистонга Россиянинг марказий ўлкаларидан очларнинг келтирилиши вазиятни жуда оғирлаштириб, очарчиликнинг кескин оқибатларини келтириб чиқарди. Хусусан, 1921 йил май ойидан 1922 йил март ойига қадар Туркистон АССРга ташкиллаштирилган тартибда 97,300 та, ўзбошимчалик билан 75 мингдан ортиқ, жами 172 мингдан ортиқ одамлар келган. Улардан 140,000 минги вояга етган ва 11.000 дан ортиқ бола бўлиб, турар жойларга жами 151.000 киши жойлаштирилган.

Очарчилик даврида энг кўп азият чекканлар болалар бўлди. Кўпчилиги ота-онаси ёки боқувчисидан ажраб қолади ва шундоқ ҳам озиқ-овқат топиш қийин вазиятда таъминотчисиз қоладилар. Бунинг натижасида болалар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисалар кўпаяди, дайди болалар гуруҳлари кўпайди, уларнинг ижтимоий аҳволи аянчли ҳолга келди. Одамлар ўз болаларини қабристонларга, масжидларга ва кўчаларга ташлаб кетган ҳақида кўплаб ҳолатлар кузатилди.

Бу вақтда ҳукумат очликка қарши кураш бўйича маълум бир тадбирлар ўтказишга ҳаракат қилган бироқ, бу учун биринчи навбатда маблағ ажратиш қониқарсиз аҳволда бўлган. Унга кўра, Масалан, Қўқонда болалар учун 2 та, гўдақлар учун 1 та интернат, оч қолганлар учун 4 та овқатланиш жойи очилган. Овқатланиш жойида 20 мингдан ортиқ одамларга овқат берилган бўлса, уларнинг бор-йўғи 485 таси болалар бўлган. Марғилонда эса болалар учун 4 та, гўдақлар учун 1 та интернат, 8 та овқатланиш жойи ташкил этилган бўлиб, бу

³⁷ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 30-бет.

жойда 17480 та одамга овқат берилган ва уларнинг 696 нафаригина болалар бўлган.³⁸

Ўша вақтдаги ҳисоб-китобларга кўра Фарғона водийсида одамларнинг очдан ўлишини тўхтатиш учунгина 2,5 млн пуд (1 пуд – 16.8 кг) нон керак бўлган, одамлар тўйиб овқат ейиши учун талаб қилинадиган миқдор эса 6 млн пуд бўлган. 1922 йил ёзида Туркистон Халқ комиссарлари кенгашига Қўқондан юборилган телеграммада очликдан азият чекаётганлар ва очлик хавф солиб турган аҳоли сони 406 мингдан ортиқни ташкил этиши, улар орасида 50 мингдан ортиқ болалар бўлган.³⁹

1923 йил 10 апрел куни Маориф Халқ комиссарлигининг социалистик руҳда тарбиялаш ва политехника таълими бош бошқармаси йиғилишида айнан болаларнинг ижтимоий аҳоли масаласи кўрилади ва вазият очиқ муҳокама қилинади. Йиғилишда Сорокин Болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасидаги ишлар ҳолати ҳақида маъруза қилади ва болаларнинг қанчалик аянчли ҳолатда эканини аниқ далиллар билан кўрсатиб беради.

Туркистонга Россиянинг марказий ўлкаларидан минглаб очлар қаторида болаларнинг келтирилиши нафақат келтирилган болалар, балки, очарчиликдан азият чекаётган маҳаллий халқлар болаларини ҳам ижтимоий аҳолини оғирлаштирган. Очарчилик бошланганда Россиянинг очлик ҳукм сураётган ҳудудларидан 12 мингга яқин бола олиб келинган бўлиб, уларни оилаларга жойлаштириш, турар жой билан таъминлаш масаласи ҳал қилинмаган, кўплари қаровсиз қолиб кетган. Маҳаллий ҳукуматнинг кўрган чораларига қарамай, Туркистоннинг ўзида ҳам очарчиликни авж олиши вазиятни жуда оғирлаштириб юборган эди. Маҳаллий аҳолининг ўзи ҳам ёрдамга муҳтож бўлиб қолганди. Очарчилик чекинган вилоятларга болаларни қайтариш учун эса, фақат ота-оналар аризаси бўлган тақдирда рухсат берилган, бундай ариза билан мурожаат қилган ота-оналар эса жуда оз бўлган. Туркистонда эса уларни таъминлаш имконсиз эди.

1923 йилнинг апрелига қадар Тошкент ва унинг атрофида 1100 ўринли 11 та болалар, ўсмирлар, ногирон болалар интернатлари ташкил этилади. Бундан ташқари, Полторацк (ҳозирги Ашхабод), Каттакўрғон, Қўқон, Олмаота, Пишпак (Бишкек) шаҳарларида 215 ўринли қабул қилиш-тақсимлаш масканлари ташкил этилган. Лекин, бу очарчилик хавф солган ва қаровсиз қолган болалар умумий сонининг 10%ини ҳам қамраб ололмасди.

³⁸ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 402-бет.

³⁹ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1148-йиғмажилд, 410-бет.

Бундан ташқари, ана шундай муассасаларда ҳам болаларнинг тўйиб овқат емаган, кийим (ич кийим, иссиқ кийим, оёқ кийим), ётоқ жой учун жиҳозлар етишмаслиги кузатилади. Масалан, улар деярли гўшт, ёғлар, шакар, сабзавотлар ейишмайди. Интернатларда 100-120 бола бир ёки икки жуфт оёқ кийимни навбат билан кийишган, ички кийимлар эса бир донадан бўлиб, улар деярли алмаштирилмайди, бу инфекция касалликлар тарқалишига ҳам сабаб бўлади. Фақат, Қорасувдаги интернатда болаларга 2-3 тадан ички кийим берилган. Кўпчилик болалар полга қоп солиб ухлашган, битта кроватга 2-3 тадан бола тўғри келган.⁴⁰

Ана шундай ҳолатда Халқ комиссарлар Кенгаши йиғилишида нуқсонли болалар мактаби учун керакли жиҳозлар сметаси муҳокама қилинган, лекин, зурурий маҳсулотларнинг 1/3 қисми олиб берилишига қарор қилинади, шунда ҳам агар молиявий манбаси бор бўлса олиб берилиши кўзда тутилган.

Болалар врачлари Акодус йиғилишида ўзи борган интернатлардаги ҳолат бўйича иллюстрацияларни тақдим қилиб, зангила (милк касаллиги), камқонлик, безгак, сил каби касалликлар авж олаётганини қайд этади. Бундай шароитда болалар тўйиб овқатланиш ва яхшироқ жой топиш мақсадида интернатлардан оммавий қочиб кетиш ҳолатлари кўпайиб, асосан кунлар исиши рўй берган. Хусусан, 1923 йил баҳорида “Реформаториум” номи билан аталувчи интернатдан 30 та бола қочиб кетган.⁴¹

Интернатларда болалар касалликлари қарши курашиш қийин, чунки интернатларда санитар ҳолат жуда ёмон, гигиеник воситаларнику умуман ишлатишмайди. Болалар шифохонаси тўлиб кетганидан, касал болалар интернатларга қайтариб юборилар, интернатдаги изолятор деб номланган хоналарга жойлаштирилди. Одатда болалар турмайдиган, иситилмайдиган хоналар изоляцияларга айлантирилган. Бир қанча муассасалар қатори Реформаториумда ҳам безгак кенг тарқалган. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги дори-дармон воситаларини жуда кам етказиб бериши вазиятни янада оғирлаштирган. Интернатлар ходимлар кам бўлиб, ойликларнинг тўланмаслиги, борларининг ҳам ишдан кетиб қолишларига сабаб бўлган.

Шаҳар кўчаларида ва бозорларда дайди, тарбиясиз болалар кўпайган, милиция ходимлари уларни тутиб турли жойлардан Тошкентга юборганлар. Очарчилик даврининг энг аянчли ҳолатларидан бири болалар фохишалигининг тарқалиши бўлди. Архив ҳужжатларида 1922–1923 йилларда Тошкентга

⁴⁰ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 407-бет.

⁴¹ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 408-бет.

худудлардан кўплаб қизлар ушлаб келинган, улар орасида 12 ёшли ёки фохишалик билан 1 йилдан бери шуғулланаётган 11 ёшли қизлар махсус интернатларга олиб келингани кўрсатилган.⁴² Бу қиз болалар учун очликдан кутулиш йўллари билан бирига айланган. Шу фактнинг ўзиёқ бу даврнинг қанчалик оғир кечганини тасаввур қилиш учун етарли.

Юқоридаги қатор муаммоларни ҳал қилиш учун марказдан болалар реэвакуциясини ташкил этишни сўраш, уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлашга кўпроқ маблағ ажратиш, болалар учун яна қабул қилиш уйлари ташкил этиш, оғир тарбияли қизлар марказий уйини ташкил этиш (фохишаликдан сақланиш учун), 2-болалар шифохонасини очиш каби муҳим тақлифлар илгари сурилади.

Бироқ, қанчалик муҳим бўлишига қарамай ушбу тақлифларнинг асосий қисми қоғозда қолиб кетди, энг ҳимоясиз ва ёрдамга муҳтож бўлган қатлам - болалар тўйиб овқат емаслик, турли вирусли касалликлар ва уйсизликдан азият чикканлар ва ҳаётдан кўз юмганлар.

Тўғри, Совет ҳокимияти очарчиликни тугатиш учун айтарли чоралар кўрди, бироқ бу етарли эмасди. Масалан, Фарғона водийсида 1922 йил 22 апрелида Туркистон Марказий Ижроия кўмитасининг қарори билан, Фарғона вилоятида очарчиликни тугатиш учун йиғилаётган ҳайрия йиғимларидан бошқа барча солиқ ва йиғимлар олиш вақтинча тўхтатилди. Ташқи савдо айланмасининг 10%и миқдорда йиғим жорий қилиниб, очарчиликни тугатишга йўналтирилди. Туркистоннинг барча аҳолисига мурожаат қилиниб, 2 ҳафталик ҳайрия йиғиш ҳафталиги эълон қилинди. Лекин, амалда бу тадбирлар барибир, ўлканинг тадбиркор ва мулкдор қатлами гарданига тушди. Шунингдек, Совет ҳокимияти маҳаллий мулкдор ва тадбиркорлардан мажбурий “ҳайрия” қилишни шариатга мувофиқ экани тўғрисидаги фатво чиқартириб оладилар.⁴³ Бунда, аслида тадбиркор ва бой кишилар ўз маҳалласи ва атрофдагиларга ёрдам бериб келганлар, бироқ, маҳаллий бошқарув органлари томонидан натижа кетидан қувиб мулкдор хўжалик сифатида рўйхатга киритилганлар ҳам мавжуд эди. Айниқса, Туркистонда асосий қатламни ташкил этган ўрта мулкдорлар қатлами очарчилик вақтида ўзи очликдан азият чекаётган вақтда, уларга мулкдорлар учун йиғимни тўлаш мажбурияти уларни буткул хонавайрон бўлиши ва очдан ўлишига сабаб бўлган. Туркистон советларининг МИҚнинг 1921 йил 21 июлдаги №81 сонли қарори билан ташкил этилган Очарчилик

⁴² ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1153-йиғмажилд, 407-бет.

⁴³ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 29-бет.

оқибатлари билан курашиш марказий Комиссияси фондига 25.546.242 рубл (очарчилик йиғимларидан тушган) пул маблағлари, 20.813 пуд озиқ-овқат ва 14.531 та кийимлар келиб тушган. Фарғонага 1922 йил 1 декабр ҳолатига пул кўринишида 14.689.145 рубл ёрдам сифатида юборилган. Мавжуд воситалар Туркистоннинг ўзида очарчилик ҳукм сураётганига қарамай марказ топшириғи билан Туркистонга бириктирилган Қирғиз Республикаси (ҳозирги Қозоғистон ҳудуди) ва Бошқирдистонда ҳам очарчиликни тугатишга йўналтиргани ғайриоддий ҳолат эди. Қирғиз Республикасига 25.000 пуд ва Бошқирд Республикасига 3198 пуд нон жўнатирилган, пул кўринишида эса Қирғиз республикасига 1.115.100 рубль, Бошқирд республикасига 53 минг, жами 1.168.000 рубль маблағ юборилган.⁴⁴ Туркистоннинг ўзи учун зарур бўлган дон Марказга юборилган, озиқ-овқат эса солиқ сифатида тортиб олинган. Озиқ-овқат тақсимоти эса кўнгилдагидек ташкил этилмаган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мақола бошида айтилган пахта монополиясининг Туркистонга келтирилган оғир оқибатларини кўрган марказий ҳокимият органлари вақтинча бўлса-да ушбу қарорни бекор қилдилар. 1923 йилнинг 26 январь куни Россия Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши раиси ўринбосари Риков имзоси билан тасдиқланган қарорига кўра 1923 йилнинг 1 февралидан бошлаб Туркистонда пахтага давлат монополияси бекор қилинади.⁴⁵ Бир йил ўтиб пахта монополияси яна қайта тикланади. Ана шундай ўйланмаган қарор ва бошқа сабаблар билан минглаб инсонлар очликдан қаттиқ азият чекди, ёстиғи қуриди.

Совет ҳукуматининг Туркистонда олиб борган иқтисодий сиёсати оқибатида, биринчидан, хусусий мулкчилик шаклини буткул йўқотишни кун тартибига қўйди ва бу эркин бозор ҳамда рақобат муҳитини йўқолишига олиб келди. Бу эса, Туркистон аҳолиснинг камбағаллашишига, энг ёмон томони очарчилик бошланишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида, 1918-1919 йилларда, айниқса XX асрнинг 20 йиллари бошларида Туркистон аҳолисининг 40 фоизга яқин қисми очликдан азият чекди, жами 60-70 минг инсон, шу жумладан болалар ҳам ҳалок бўлди.

Иккинчидан, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати Туркистондаги мулкдор қатлам, айниқса, мулкдорларнинг аксарият қисмини ташкил этувчи ўрта қатламни буткул йўқ бўлишига олиб келди. Уларнинг мулкларини тортиб

⁴⁴ ЎзМА, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 75а-йиғмажилд, 55-бет.

⁴⁵ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1291-йиғмажилд, 176-бет.

олиниши, ялпи қашшоқликка олиб келди. Сабаби, бу вақтда меҳнаткаш аҳолининг асосий қисмини 20 танобгача ери бўлган ўртаҳол деҳқонлар – Совет ҳукумати тили билан айтганда “майда буржуазия вакиллари” ташкил этган, бу эса, ўз-ўзидан уларнинг мулкларини тортиб олинишига олиб келган.

Учинчидан, тортиб олинган мулкларга хўжасизларча муносабатда бўлинди, тортиб олинган маҳсулотлар омборларда чириди, экин экилган ер майдонлари ҳамда боғлар қаровсиз қолди ва экин майдонларининг кескин қисқариб кетишига олиб келди, ишлаб турган саноат корхоналари ишдан чиқди. Масалан, 1916 йилда 274 та ишлаб турган пахта тозалаш ва ёғ-мой корхоналари 1919 йилда 34 тага тушиб қолди. Бошқа корхоналар фаолияти тўхтаб, қаровсиз қолиб кетди.

Тўртинчидан, ўтказилган нотўғри иқтисодий тадбирлар жамиятдаги ижтимоий муҳитнинг буткул бузилишига, жамиятнинг бўлинишига олиб келди. Турли қатламлар ўзаро бир-бирига қарши қўйилди, улар ўртасида душманлик кайфиятини сингдириш учун катта тарғибот кампанияси иш юритди. Қишлоқларда янги ҳаётга, янги турмушга тарғибот бахонасида мулкдор қатламга нисбатан нафрат уйғотиш, уларнинг ушбу жамиятда яшашлари мумкин эмаслигини уқтириш орқали сунъий равишда синфий кураш авж олдирилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Миллий архиви Р-17 – Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси фонди.
2. Ўзбекистон Миллий архиви Р-25 – Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши фонди.
3. Ўзбекистон Миллий архиви Р-29 – Туркистон АССР Ер ишлари халқ комиссарлиги фонди.
4. Андижон вилояти Давлат архиви 59 – Андижон вилояти ижроия қўмитаси фонди.
5. Ал-Изоҳ журнали, 1918 йил.

**THE POSITION OF TASAVVUF AND IRFAN IN MAVERUNNAHR
AND KHORASAN: IBN AL-ARABI AND ABDURAHMAN JAMI
(A COMPARATIVE ANALYSIS)**

Jafar Kholmuminov Mukhammadievich

Doctor of Philosophical sciences (DSc),
Tashkent State University of Oriental Studies
jafarmuhammad@mail.ru

ABSTRACT

This article highlights the essence of the philosophy of Irfan (mysticism) of Maverunnahr and Khorasan, its features. According to him, the Islamic religion and its humanistic teaching, the problem of man and the world, the unity, uniqueness of being and its philosophy were studied on the basis of the views of Eastern scholars. Especially, it is emphasized that the human essence is a complex variety, and the religious and secular approach to it is the main problem of the teaching of mysticism. The author has comparatively studied the doctrine of “Wahdat al-wujud” of the philosophy of mysticism of Ibn al-Arabi and Abdurahman Jami from Eastern thinkers and views on it.

Moreover, the present article is devoted to some teachings of Sufism and the Sufi-mystical movement in Maverunnahr have been analyzed. There are given the promoted and prominent representatives of Sufism as Hakim Termizi, Khoja Abu Yusuf Hamadoni, Khoja Ahmad Yassavi, Khoja Abdulholik Gijduvoni, Khoja Bahouddin Naqshband, Khoja Muhammad Porso Buxori, Sheikh Muhyiddin ibn al-Arabi, Najmuddin Kubro, Aziziddin Nasafi, Sheikh Alauddavla as-Semnoni, Abdurahmon Jomi and also, some of their Sufi-philosophical teachings have been stated. Furthermore, the author in vivid examples characterizes each school of Sufism and essence of the Sufi-mystical movement in Maverunnahr. The doctrine of Sufism as a main teaching of Islam had a great influence and authority in Muslim countries as a whole.

Keywords: *Tasavvuf, Irfan, Ibn al-Arabi, Abdurahman Jami, Nakshbandiya, philosophy of Irfan (mysticism), philosophy of Wahdat al-wujud, essence, human essence, pure philosophy, science, faith and morality, Sufi worldview, gnostic teaching, mystical schools, philosophical discussions, spiritual mentor.*

**TASAVVUF VA IRFONNING MOVAROUNNAHR VA XOROSONDAGI
MAVQEYI: IBN AL-ARABIY VA ABDURAHMON JOMIY**
(Qiyosiy tahlil)

Ja'far Xolmo'minov Muhammadiyevich,
falsafa fanlari doktori (DSc),
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
jafarmuhammad@mail.ru

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Movarounnahr va Xurosonda tasavvuf va irfonning mavqeyi, irfon (tasavvuf) falsafasining mohiyati va xususiyatlari yoritilgan. Unda islom dini va uning gumanistik ta'limoti, inson va olam muammosi, borliqning birligi, Vahdat ul-vujud falsafasining mohiyati Sharq allomalari qarashlari asosida tadqiq etiladi. Ayniqsa, inson mohiyatining murakkabligi va xilma-xilligi, Inson va olam munosabatlariga diniy va dunyoviy yondashish masalasi tasavvuf ta'limotining asosiy muammosi ekanligi ta'kidlanadi. Muallif Sharq mutafakkirlaridan Ibn al-Arabiy va Abdurahmon Jomiyning tasavvuf falsafasining "Vahdat al-vujud" ta'limotini va bu boradagi qarashlarini qiyosiy tahlil etadi.

Zulfiya uchun Hamid Olimjon ham sevimli yor, ham maslakdosh do'st, ham ustoz edi. Endi u – yo'q. Yig'lamaslik, g'amga cho'kmaslik imkonsiz. Iroda ojizlik qilmoqda. Atrofdan odam ko'p-u, lirik qahramon "yakka-yolg'iz". Chunki uning suygani olamda birgina edi, xolos. Uning o'rnini bosib, qahramonni yolg'izlikdan xalos eta oladigan odam yo'q. Uning xayoli o'zi bilmagani holda yo'qotganini izlash bilan ovora. Yorini yo'qotganidan dunyoning rangsizlanib qolganini shoir: "Birdan qalbim keksarib", – deya ifodalaydi. Bor-yo'g'i o'ttiz yoshdagi shoiraning dardu hasrati she'rda bandma-band oshib boraveradi: "Qayga ketding, yuragim, Bitdi bardosh va toqat. Suhbatingdir tilagim, Tilda hasratim qat-qat". Ayriliq zo'ridan tili va dilida hasratlar qat-qat bo'lgan mushtipar ayolning ruhiyati ushbu misralarda yaqqol aks etgan.

Zulfiya yoridan ayrilgan kezlarda odam o'z g'amini aytish imkonidan ham mahrum ekani fojia ko'lamini yana kuchaytiradi. Negaki, hukmron mafkura sovet tuzumida yashayotgan odamlarning hammasidan yoppasiga baxtiyorlikni talab qilardi. Qayg'u haqida gapirayotgan odam mavjud tuzumning dushmani sanalardi. Zulfiyaga, yuragi alamlardan pora bo'lgan yorga, hijrondan o'rtanayotgan beva ayolga, norasida farzandlarining so'roqlariga javob topib bera olmayotgan bag'ri qon onaga, baxtsizlikdan o'rtanayotgan shoiraga g'am to'g'risida, hijron to'g'risida keragidan ortiq yozmoqda degan ayb qo'yiladi! Bu da'voni begonalar emas, uni yaxshi biladiganlar, yonida yurganlar qilishadi. Ushbu holat she'rda, garchi, "Yig'laysan deb do'stlarim ta'na qilar. Netay men?" tarzida muloyim bir hazinlik bilan ifodalangan esa-da, bu misralar zamirida adoqsiz va unutilmas alam silqib yotibdi.

Ahdida ustuvor va tuyg'ulariga xiyonat qilmagan shoironing kechinmalari sovimaydi. Alami, hijroni har zumda yangilanib, tobora kuchayib boraveradi. Ro'zg'ori, farzandlari, kitoblari, do'stlari yo'qotgan kishisini qayta-qayta esga solavergani bois quyidagi o'tli satrlar qog'ozga inadi: "Sovush bermaydi menga, Yoqib ketganing olov". Muhabbatning olovi – mangu yongulik qudratga ega. Aql yorning qaytib kelmasligiga iqrar bo'lsa ham, ruh bunga ko'nikmaydi, u berahmlilik bilan qaytmas bo'lib ketgan yorga talpinaveradi. Sadoqatli shaxsning azoblari tinimsiz davom etaveradi. Ushbu dramatik holat shoironing shaxsigagina tegishli bo'lsa-da, u kechirgan tuyg'ular chin bo'lgani bois boshqalarga ham begona emas.

Shoironing "Ne baloga etding muftalo" she'rida Hamid Olimjon nomi to'g'ridan-to'g'ri tilga olinmaydi. Ammo shoironing hayot yo'li bilan birmuncha tanish bo'lgan har bir o'qirman she'rning u haqda ekanligini tuyishi tayin. She'rdagi alamli murojaat, javobsiz savollar kimga atalganini aniqlashga urinish shunga olib keladi. She'r 1945 yilda yozilgan. Fojia ro'y berganiga yil o'tgan, lekin uning alamlari eskirgan emas. "O'tdi oylar g'am bilan oqib, Dil topmadi zarra tasallo" misralarida shoironing insoniy dardi ko'lami tasvir etiladi. Oylarning g'am bilan oqishi tasviri tuyg'uning miqyosi va shiddatini o'qirman tasavvurida gavdalantirishga xizmat qiladi. Ayriliq tufayli paydo bo'lgan g'am daryoday oqmoqda. Hijron oylari ana shu g'am o'zanida oqib bormoqda. Vaqt tinimsiz o'tib borayotir. U har qanday dardni unuttirishi kerak. Lekin vaqtning o'tishidan shoira dili zarra qadar tasalli topa olmayapti. Haqiqiy va ulkan yo'qotish oldida vaqt ham ojiz.

Ikkinchi banddagi "Ko'z ochgani qo'ymaydi alam, Boshim qo'ysam kuydirar bolish" misralarida teran poetik ma'no o'ta ta'sirli shaklda ifoda etilgan. Alamning zo'ridan ko'zini ocholmaydigan holga tushgan, yuragidagi g'am o'tining kuchi beva ayolning aslida muzday bo'ladigan bolishini kuydirar darajaga yetgani ifodasi shoira tuyg'ularini o'qirmanga ham to'la yuqtiradi. Ko'ngilda yonayotgan ayriliq alangasi sabab yostiq boshni kuydirishi ifodasining shu qadar shoirona berilishi o'qirmanni befarq qoldirmaydi. She'rda iztirobli tuyg'ular g'oyat izchil tasvirlangan: vujud va yurak qiynog'i ifodasidan keyin bu qiynoqlarni bosish uchun kitob va qalamga qo'l urilgani, ammo na kitob, na qalam qahramonni yupata olgani aks etadi. "Misralarim ko'tarar nolish" satrida esa kuchli mantiq juda chiroyli ifodasini topadi: ayriliq iskanjasidagi odam g'amni unutmog' uchun qo'liga qalam olsa-da, qalam o'z-o'zidan yana nolani, yana dardni, yana hijronni ifodalayveradi! Chunki chinakam she'r ko'ngil holatining manzarasidir. Ko'ngilda esa ayriliq dardi hukmron. Shoira o'z hissiyoti xurujining quyuq manzarasini bergach, so'raydi: "Nahot shuncha ma'sum, shuncha pok Sevishmoqda alam bor shuncha". Sirdan qaraganda, bu so'zlar oshiqqa

qaratilganday ko‘rinsa-da, aslida taqdir, qismat so‘roqqa tutilmoqda. “Shuncha” so‘zining takror ishlatilishi g‘aminging naqadar kattaligini o‘zi ham tuzukroq tasavvur qilolmayotgan kishi holatini aks ettirgan. Hushyor she‘rxon yuqoridagi misralarda Hamid Olimjonning mashhur “Ofeliyaning o‘limi” she‘ridagi “Hali sevishmoqda shumidir ma’no? Faqat azob bordir qismatda, nahot?” satrlarining nuqsi borligi va bu tabiiy ekanini anglaydi.

She‘rning so‘nggi bandi o‘qirmanni o‘ylashga undashi, tuyg‘ular rang-barangligini sezishga yo‘naltirishi bilan ajralib turadi:

*Erib ketmagandim sevgingdan,
Bo‘lmaslikchun baxtingdan judo,
Birga qolish uchun sen bilan
Kuyamanu bo‘lmayman ado.*

Shoira vujudidagi tuyg‘ular mavji uni baxtiyor damlar qatlanib yotgan xotiralar qirg‘og‘iga keltirib tashlaydi. U armon bilan eslaydi: tirikligingda sendan ayrilmaslik, baxtdan judo bo‘lmaslik uchun olovli muhabbating taftida erib ketmagandim. Endi qabring poyida sen bilan birga qolish uchun shamday kuyamanu, ammo ado bo‘lmayman! Demak, avval, erish mumkinligida ayrilmaslik uchun atay erimagandim, endi senga qo‘shilish uchun atay kuyib ketmoqchimanu eriy olmayotirman! Bir yuksak tuyg‘uning ikki qarama-qarshi ma’nolar tashiydigan baytlarda ifodalanishidagi ifoda go‘zalligi she‘rning badiiy qimmatini oshiradi. Zulfiyaning “Sensiz” she‘ri 1970 yilda yozilgan. Mazkur she‘rni shoira hayotidagi fojining bevosita aks-sadosi deyish qiyin, chunki oradan chorak asrdan ko‘proq vaqt o‘tgan, oddiy tasavvurlarga ko‘ra, har qanday g‘am-alam unutilishi uchun yetarli fursat kechgan. She‘rning ohista boshlangan dastlabki misralari ham shuni tasdiqlaganday bo‘ladi: “Mana bir umrni yashadim sensiz, Qaytmas shodliklarning qaytishin kutib”. O‘quvchi ilk misralarning ma‘nosini chaqib, ular zamiridagi go‘zallikni ko‘ra olsa, quyidagilarni kashf etgan bo‘lardi: shodliklar oshiq bilan qabrga kirgan, shu bois qaytmas, lirik qahramon buni juda chuqur his etadi. Ammo u umidvor inson, baribir qandaydir mo‘jiza yuz berib yorining qaytishini kutaveradi. Shu taxlit aldanchi umid bilan butun bir umr yashab qo‘yilibdi! Shuning o‘zi – bir insonga yetgulik fojia. Ammo she‘rdagi fojiaviy ohang misrama-misra yanada yuksalib boraveradi. Chunki lirik qahramonning yarador qalbini baxt ham, bahor ham, qish ham qiynaydi. Negaki, birovning baxti o‘zining baxtsizligini esiga soladi, yorning sevgan fasli bahor qaytib kelaveradi, bahorni sevuvchi insonning o‘zi esa yo‘q. Qish – og‘ir kechadigan fasl, shu bois bari – bir bahorni – yo‘qotilgan sevgini esga tushiraveradi. Qayg‘uga ham befarq bo‘lolmaydi, zotan, har qanday insonning

har qanday qayg‘usi qahramon qayg‘usiga o‘xshash, hamohang! U seviklisini unuta olmaydi, esdan chiqarishga urinsa ham, buning uddasidan chiqolmaydi. Va ayriliqdan hadsiz qiynalib ketganlarida xayolan yoridan so‘raydi: “Tirik ekan nega tashlab ketmading?” Bu misra – suygan odamning ilojsizlikdan, muhabbat va ayriliq qarshisidagi ojizlikdan bildirgan noroziligining avj ifodasi. Shundan keyingi misralarda yorning tirikligida shoirani tashlab ketishiga sabab bo‘lishi mumkin bo‘lgan xayoliy go‘zalning sifatlari keltiriladi. Shoiraning tasviricha, suyganidan tiriklikda ayrilganda, keyingi hijron bu qadar og‘ir kechmagan bo‘lardi! Lirik qahramonning tuyg‘ulari – pokiza. U biladi hijron azobli, tirik turib ayrilish har nedan qiyin, lekin sevgan kishisining hayoti uchun har qanday azobga-da tayyor: “Bilardim, qaydadir olasan nafas”. Shoiri tuyg‘ular tasviri maromini buzmaydi. Lirik qahramon sevgisi rad etilgan har qanday ayol singari: “Bilaman, rashk meni etardi halok, Afzal ko‘rganingni qarg‘ab o‘tardim”, – degan so‘zlari bilan o‘zining bir ayol sifatidagi asl tuyg‘ularini ochiq aytadi. Jonidan ortiq yaxshi ko‘rgan kishisining qandaydir boshqa birov bilan qaydadir nafas olishini his qilish qahramon uchun oson emas. Garchand, u bugunga kelib, qaytarilmas yo‘qotishlar qarshisida shunga ham rozi esada. Shu bois u nega tirikligingda tashlab keta qolmading, ayriliqni kechirish osonroq bo‘larmidi deb iddao qiladi. Zulfiya she‘rlarining aksariyatida kuchli obraz, porloq fikr ko‘pincha so‘nggi bandda beriladi. Lirik qahramon o‘z qismatining taxirligidan nolib kelar ekan, tuyg‘ular junbushi borgan sari yuksalib boraveradi. So‘nggi bandda, nihoyat, shoiri tan oladi: “Ma‘yus taqdiringga yashab men sherik, Mushkul bo‘layotir shodlik yaratmoq”. U yorning qismatisiz, uning ma‘yus taqdiriga sherik bo‘lmasdan yashay olmaydi. Noravo hayot esa undan “shodlik yaratishni” talab etadi. Shu bois lirik qahramon suyganidan norozi bo‘ladi, shu sabab alam bilan unga murojaat etadi: “Nega tirik ekan tashlab ketmading, Tashlab ketmading-sa boshlab ketmading?!” Lirik qahramon holatining, tuyg‘ulari ko‘lamining yorqin ifodasi she‘rning so‘nggi ikki misrasiga go‘zal joylangan. She‘rning eng so‘nggi qatorida “ekansan” so‘zining “sa” tarzida o‘ta qisqartirib berilishi ham, – sa shakli tufayli jumla qurilishidagi o‘zgarishlar ham qahramon ruhiy holatini quyuproq ifodalashga, tasvirning ta’sirchanligini oshirishga xizmat qilgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsam Zulfiyaxonim o‘zbek she‘riyatida o‘ziga xos o‘ringa ega shoiri bo‘lishi bilan birga inson sifatida ham shu xalqning barcha olijanob xislatlariga ega ayol bo‘lgan. Bugun shu maqolani yozish va Zulfiyaxonimni

ijodiga chuqurroq nazar solish orqali yana bir karra amin bo`ldimki, o`zbek adabiyoti XX asrda har qancha ziddiyatli, mashaqqatli va murakkab yo`lni bosib o`tgan bo`lmasin, unda bir qator tom ma`nodagi ijodkorlar etishib chiqqan va ularni ichidagi porloq yuzluzlardan biri bu Zulfiyaxonim bo`lgan. Bugungi istiqlol kunlarida ularning ijodlari yangi qirralari bilan namoyon bo`lmoqda. Zulfiyaxonimning hayoti va ijodi barcha xotin-qizlar uchun ibrat. Negaki, uning hayotidagi mehnatsevarligi, doimo olg`a intilishi, sevgi bobida sadoqatli yor ekanligi, badiiy ijod borasida tinimsiz izlanuvchanligi hamda hayot qiyinchilik larida esankiramasligi, erishilgan yutuqlar oldida o`zini yo`qotmasligi har qanday qiz yoki ayol qalbida havas uyg`otadi.

REFERENCES

1. Sulstonova M., Ijod sahifalari, Toshkent, 1975; Zulfiya [bibliografiya], Toshkent, 1977; Sulstonova M., Zulfiya, Toshkent, 1985; Ibrohimov M., Quyoshli she`riyat ijodkori, Toshkent, 1986; Ehtirom [nashrga tayyorlovchilar: Rahima Shomansurova, Ra`no Rahmonova], Toshkent, 1995.
2. Naim Karimov. m. G. Gulyama, 1983.
3. Qayumov L. Shoiri Zulfiya. Toshkent, O`zadabiynashr, 1965.
4. Mirvaliev S. O`zbek adiblari. Toshkent: Yozuvchi“, 2000.
5. Tanlangan asarlar (3 jildli), Toshkent, 1985.

BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY METODLAR

Yuldasheva Nasiba

Surxondaryo viloyati Jarqo'r'gon tumanidagi 63-sonli
umumta'lim maktabining biologiya fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida zamonaviy metodlar yordamida biologiya fanini o'qitishning xususiyatlari tahlil qilib o'tildi. Biologiyani o'qitish metodikasi pedagogika fani sifatida didaktika bilan uzviy bog'liqdir. Biologiya o'qitish metodikasi maktab biologiyasining o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqib, ta'lim va tarbiyaning mazmuni, shakllari, usullari va vositalarining nazariy va amaliy muammolarini ishlab chiqadi. Biologiyani o'qitish metodikasi psixologiya bilan chambarchas bog'liq, chunki u bolalarning yosh xususiyatlariga asoslangan. Biologiya darslarida o'quvchilarni to'laqonli o'quv-bilim jarayonining subyektiga aylantirish yo'llari qamrab olinishi darkor.

Kalit so'zlar: metod, uslub, o'qitish metodikasi, diktatik usullar, biologiya, botanika, zamonaviy metodlar, pedagogik yondashuv, psixologik holat.

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования были проанализированы особенности преподавания биологии с использованием современных методов. Методика преподавания биологии как педагогической науки неразрывно связана с дидактикой. Опираясь на уникальные особенности школьной биологии, методика преподавания биологии разрабатывает теоретические и практические проблемы содержания, форм, методов и средств воспитания и обучения исходя из особенностей. Необходимо освещать способы превращения ученика в субъекта полноценного учебного процесса на уроках биологии.

Ключевые слова: метод, стиль, методика обучения, дидактические методы, биология, ботаника, современные методы, педагогический подход, психологическое состояние.

ABSTRACT

In the course of this study, the features of teaching biology using modern methods were analyzed. The methodology of teaching biology as a pedagogical science is inextricably linked with didactics. Based on the unique features of school biology, the methodology of teaching biology develops theoretical and practical problems of the content, forms, methods and means of education and training based

on the characteristics. It is necessary to highlight the ways of turning a student into a subject of a full-fledged educational process in biology lessons.

Keywords: *method, style, teaching methodology, didactic methods, biology, botany, modern methods, pedagogical approach, psychological state.*

KIRISH

Bugungi kunda rivojlanayotgan umumiy o'rta ta'lim tizimida biologiya fani o'qituvchilarini tayyorlash muammosi ta'lim miqyosida dolzarb hisoblanadi. Biologiyaning rivojlanishi va uning yutuqlarini jamiyat hayotiga tatbiq etilmoqda. Binobarin, maktabda biologik ta'limning ahamiyati tobora ortib bormoqda.

Yosh mutaxassisni tayyorlash jarayonida o'quvchi o'qituvchining bevosita rahbarligida, ta'lim mazmuni, metodlari, vositalari va shakllari yordamida organik olamning qonuniyatlari, hodisa va voqealarning mohiyati, o'ziga xos xususiyatlarini o'rganadi va bilim, ko'nikma hamda malakalarni egallaydi. Bundan ko'rinib turibdiki, o'quvchilar uchun o'quv jarayoni bilish jarayoni, uning faoliyati esa bilish faoliyatidir. O'qituvchi ta'lim jarayonida o'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etadi, boshqaradi, nazorat qiladi, baholaydi va o'qitishdan ko'zda tutilgan ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsadlarni amalga oshirish orqali shaxsning har tomonlama rivojlanishiga zamin yaratadi. O'qituvchi uchun ta'lim jarayoni o'quvchilarning faoliyati bilan uzviy bog'langan va mazkur jarayonni tahlil qiladigan, umumlashtirib, tegishli hollarda o'zgartirishlar kiritadigan ish jarayoni, kasbiy pedagogik faoliyati sanaladi. Darsda o'quvchilarning bilish faoliyati va o'qituvchining pedagogik faoliyati bir-biriga uyg'un ravishda tashkil etilgandagina o'qitishdan ko'zda tutilgan maqsadlarga erishish mumkin. O'quvchilarning bilish faoliyatini tashkil etish va boshqarish dars strukturasi asosini tashkil etadi. Shu sababli bu masalani chuqurroq o'rganish maqsadga muvofiq.


MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ta'lim dargohlarida Biologiya fani o'quvchilarda ilmiy dunyoqarashini, ya'ni dunyo va inson, inson va olam o'rtasidagi munosabatlar haqidagi eng umumiy qarashlar tizimi shakllantirishga xizmat qiladi. Bundan tashqari, u shaxsning hayotiy dasturini, e'tiqodini, qiziqishlarini belgilaydi. Biologiyani o'qitish jarayonida tabiiy fanlarning hozirgi holatiga muvofiq ilmiy dunyoqarashini rivojlantirish voqelikni yaxlit idrok etishning tabiiy ehtiyoji bilan bog'liq holda falsafiy muammolarga qiziqishi ortgan o'rta maktab o'quvchilari uchun alohida ahamiyatga ega. Maktab biologiyasi boshqa fanlarga o'xshamagan holda, tabiat hodisalarga tizimli va tarixiy yondashuv birligini bilim kuchini ko'rsatishga yordam beradi. Biologiya o'qitish

jarayonida maktab o'quvchilarning dialekt tafakkurini rivojlantirish bilan birgalikda ularda organik dunyoning ilmiy manzarasi, hayotning tarixiyli va uning harakat tizimidagi o'rni, qarama-qarshi bilish usullari bilan ochib beriladi. Biologiya maktab tizimidagi tabiatshunoslik siklining yetakchi fanlardan biridir, chunki u shaxsning shakllanishida va rivojlanishida katta ahamiyatga ega.

Baliq skeleti metodi. Bu metod muammoni qo'yish va hal qilishning mazkur modeli bir qator muammolarni ta'riflash va yechib ko'rishga imkon beradi.

muammo muammo muammo muammo



Muammoni yechish Muammoni yechish Muammoni yechish

Strategiya:

Bir varoq oq qog'ozda (vatman yoki A-3 varag'i) baliq skeleti chiziladi (boshi, kemirchagi, qovurg'alari).

Yuqoridagi «suyagiga» muammoni qo'yilishi, quyi qismida esa - ushbu muammo mavjudligini (yoki uni hal qilish yo'llari, o'qituvchi o'z oldiga qo'ygan maqsadga qarab) isbotlovchi faktlar yozib qo'yiladi.

To'ldirilgan sxemaning taqdimoti.

Foydalanish doiralari

Tabiiy va aniq fanlarda, muammoli ta'lim berish uslubidan foydalanganda.

Afzalliklari

Ushbu sxema muammolarning o'zaro bog'liqligi, ularning kompleks xususiyatlarini aks ettiradi.

Qiyinchiliklar

Muammolarni ifodalashda qiyinchiliklarga duch kelish mumkin.

Ikkinchi metod –Akvarium.

Bunda 5-6 nafar ishtirokchilar rahbar bilan birga doira shakli bo'ylab o'tiradilar. Ular – «baliqlar». Ularning atrofiga guruhning qolgan ishtirokchilari o'tiradilar (yoki

turadilar). Ular – «baliq ovchilari». Ichki doira a'zolari («baliqlar») o'qituvchi taklif qilgan savolni faol muhokama qiladilar. «Baliq ovchilari» esa kuzatib turadilar va savolni muhokama qilayotgan biron o'quvchining fikri ularni qiziqtirib qolganda jarayonga kirishadilar: qo'shimcha qiladilar, savol beradilar, aniqlashtiradilar. SHunda «baliq ovchisi» fikri uni qiziqtirib qolgan «baliq»ning yoniga turib olishi kerak. Bir muammoning (masalaning) muhokamasi tugaganidan so'ng ishtirokchilar joylari bilan almashadilar (doiradan tashqarida turganlar endi doira bo'ylab o'tiradilar). Barcha ishtirokchilar doirada o'tirishlari maqsadga muvofiqdir.

Foydalanish doiralari.

Tabiiy va aniq fanlarni o'rganish jarayonlarida qo'llaniladi.

Afzalliklari.

Ishtirokchilarga norasmiy sharoitda fikr almashishga, berilgan muammoni (masalani) hal qilish bo'yicha o'z nuqtai nazarlarini bayon etishga imkon yaratadi. Muhokama jarayoniga erkin qo'shilish va undan chiqib ketishga imkon beradi. Tahliliy fikrlash, e'tibor jamlash va kuzatuvchanlikni rivojlantiradi. Nutqni va teskari aloqa texnikasini rivojlantiradi.

Qiyinchiliklari.

Muammoni muhokama qilishda barcha o'quvchilar faol ishtirok etish jarayonida bahs-munozalar, nizolar yuzaga kelishi mumkin. SHu bois o'qituvchi yaxshi tayyorlanishi va kuchli qarama-qarshiliklar paydo bo'lishiga yo'l bermaydigan uslublarni bilishi lozim.

Aniq nazorat bo'lishini talab qiladi. Jarayon davomida ayrim o'quvchilar undan chiqib qolishlari (jarayonda ishtirok etmasliklari) mumkin. O'qituvchi muammoni muhokama qilishga barcha o'quvchilarni jalb qilish usullarini o'ylab chiqishi kerak.

Xulosada avvalo, interfaol metodning an'anaviy metoddan farqli tomonlarini ko'rib chiqish lozim.

Birinchiidan, darsda barcha mavzular bo'yicha talaba uchun qulay bo'lgan dars turlari shaklida qo'llaniladi. Interfaolda ayrim mavzular bo'yicha interfaol darsning qulay bo'lgan turlari shaklida qo'llaniladi.

Ikkinchiidan, Dars mavzusi bo'yicha bilim, ko'nikma, malakalarni shakllantirish, mustahkamlansa, faol metodda dars mavzusi bo'yicha mustaqil fikrlash, xulosaga kelish, ularni bayon qilish, himoyalashga o'rgatiladi.

Uchinchiidan, o'qituvchining vazifalari Yangi mavzuni tushuntirish, mustahkamlash, nazorat, topshiriqlar berishdan iborat bo'lsa, noan'anaviyga o'quvchilarning mustaqil ishlashlarini va taqdimotlarini tashkil qilish, boshqarish, nazorat, yakuniy xulosalarni asoslab beriladi.

To'rtinchidan, Darsga tayyorgarlikka dars rejasi, konspekt va didaktik vositalarni tayyorlash kabi talablar qo'yilsa, interfaol metodda Interfaol dars ishlanmasi, mustaqil ishlar uchun topshiriqlar, tarqatma materiallar, boshqa zarur vositalarni tayyorlanadi.

O'quvchilar tayyorgarligi esa, oldingi dars bo'yicha vazifalarni bajarib kelish talablari berilsa, yangi metodda yangi dars mavzusi bo'yicha asosiy tushunchalarni va dastlabki ma'lumotlarni bilish talabi qo'yiladi.

Interfaol usullarda vaqt talabi dars vaqtining ko'p qismi o'quvchilarning mustaqil topshiriqlarni bajarishi, fikr almashishi, mushohada qilishi, o'z xulosalarini bayon qilishi va himoyalashiga sarflanishi bilan belgilansa, an'anaviyda dars vaqtining ko'p qismi o'qituvchining yangi mavzuni tushuntirishi, tahlil qilishi, topshiriqlarni tushuntirishi, o'zlashtirishni nazorat qilishiga sarflanadi.

Darsning modul va algoritmlaridan an'anaviyda har bir o'qituvchi o'zi qo'llayotgan metodga muvofiq foydalansa, noan'anaviyda har bir dars oldindan tayyorlangan modullar va algoritmlarga, loyihalarga muvofiq o'tkaziladi.

Beshinchidan, bilimlarni o'zlashtirishning asosiy usullari an'anaviyda muloqot, muhokama, muzokara, bahs, munozara, mulohaza, tahlil, mushohada, mutolaa, noan'anaviyda muloqot, mutolaa, mushohada, muhokama, muzokara, bahs, munozara, mulohaza, tahlil tarzda namoyon bo'ladi.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ta'lim jarayonidagi metodlar o'qituvchi faoliyatini belgilovchi holatdir. Biologiyani o'rganishda o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish uchun darsning o'quvchilarning o'tgan mavzu yuzasidan o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini aniqlash, ulami tizimlashtirish, yangi mavzu yuzasidan o'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalami nazorat qilish va baholash, shuningdek, yangi mavzuni o'rganish jarayonida lokal texnologiyalardan foydalanish maqsadga muvofiq. Biologiyani o'qitishda lokal darajadagi pedagogik texnologiyalardan «Keys», «Insert», «Waster», Venn diagrammasi, «Aqliy hujum», «Kichik guruhlarda ishlash», «Atamalar zanjiri», «Atamalar varag'i», tezkor o'yinlar va o'yin mashqlaming turli shakllaridan foydalanish tavsiya etiladi.

REFERENCES

1. Sayidahmedov N. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. –T.: O'z MU. 2003.- 66 b.

-
2. Rizoqulovna, B. M. T. (2021). BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(9), 21-24.
 3. Аминжонова, Ч. А., & Мавлянова, Д. А. (2020). Методика преподавания предмета “биология” в системе высшего медицинского образования. *методологические и организационные подходы в психологии и педагогике*, 8-11.

THE INTERNET IS A GLOBAL INFORMATION SPACE OF SOCIAL LIFE

Ahmedova Mohinur

Basic doctoral student of the Department of Sociology
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
E-mail; ahmedovamohinur92@gmail.com

ABSTRACT

This article describes the role of the Internet in our lives today, the evaluation of events and reality, the validity of information obtained from the Internet, or its feelings, emotional experiences, mood, enthusiasm, nervousness, tension, and processes. The information obtained from the Internet is the main indicator, i.e., the criterion for evaluating social phenomena, various ideas, and public realities by people.

Keywords: *Global information, information obtained, space, social life, mutual, library, mass media*

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается роль Интернета в нашей жизни сегодня, оценка событий и действительности, достоверность информации, полученной из Интернета, или ее ощущения, эмоциональные переживания, настроение, энтузиазм, нервозность, напряжение, процессы. Информация, полученная из Интернета, является основным индикатором, т. е. критерием оценки людьми социальных явлений, различных представлений, общественных реалий.

Ключевые слова: *глобальная информация, полученная информация, пространство, социальная жизнь, взаимная, библиотека, средства массовой информации.*

INTRODUCTION

It's no secret that today the Internet is entering almost every aspect of our life. We are getting to the point where we can't even imagine our daily life without the internet. It is not an exaggeration to say that social relations and simple daily communication between people are carried out through the Internet. On the other hand, it is not an exaggeration to say that we, sociologists, study the "positive" aspects of the Internet as well as the "negative" aspects, which helps the well-being of the society and makes people's views on life more "realistic"⁹⁸. Today's global

⁹⁸ Hilbert, Martin, and Priscilla López.

information space is directly delivered to the general public by Internet networks, and the process of information exchange between people is taking place at a rapid pace. Information exchange is a form of interpersonal relations, with the help of which people enter into psychological contact with each other, exchange information, influence each other, perceive, create certain images of imagination and understand each other, understand and evaluate this or that potential. . Information obtained from the Internet is the psychological essence of a person's attitude to social events, situations, and reality, which creates his conscious, active, goal-oriented, socially conditioned personal experience, system-based objective and subjective characteristics.⁹⁹

DISCUSSION AND RESULTS

The information obtained from the Internet also creates the process of evaluation of the event and reality, its validity or feelings, emotional experiences, mood, enthusiasm, nervousness, tension. The information obtained from the Internet is the main indicator, i.e., the criterion for evaluating social phenomena, various ideas, and public realities by people. As a result of this, various voices, rumours, obsessions, confusions can be born in people and spread widely. Information obtained from the Internet causes human imitation, i.e. imitation-contagion, influence. Many experts call the Internet an invention of the military. In fact, it was initially discovered by four universities in the United States. These universities have integrated computers into one system and started using mutual libraries. Gantagok quickly found out about this, and after studying the possibilities of the invention, he attracted scientists from it in order to improve military command, created all the conditions for them, and directed the arpanet to his goals. Journalists soon began to use it. Internet journalism was born as a result.

From the age of the Internet to today, news delivery methods have become a major area of ideological struggle. In this field, not only journalists, but also political scientists, polytechnologists, economists, in short, all specialists who convey mass information to the public, have become masters.¹⁰⁰ Their skills have developed to such an extent that regardless of the content of the news, it is delivered to the audience in any way it needs to be released. And it is not difficult to systematize the

“The World’s Technological Capacity to Store, Communicate, and Compute Information.” *Science* 332, no. 6025 (April 1, 2011): pp. 60–65

⁹⁹ Nikitenko, V. A. (2018). Education as a factor of creative personality establishment and development in information society. *Humanitarian Bulletin of ZSEA*, 74, 150–158

¹⁰⁰ Усманов З.Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи/ З.Б. Усманова // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар.науч.конф.-СПб. Реноме, 2012,- с, 222-224

fighters in the necessary order, their sequence itself provides the necessary information to the audience and forms the worldview necessary for the informant. Features of the information war are the development of the information weapon, the organization of experts in different fields, the relativity of borders, states, legal and illegal. It consists of difficulties in the form of various blocks, associations, the inability to prevent an attack between actions, information, the complexity of calculating the damage to be seen. International Legal Norms: Agreements, Treaties, Licenses, Patents and Copyrights. Today, the freedom to use the Internet and the impossibility of control over it are actually becoming a major social problem. Because, over the last 10-15 years, the number of free visitors to the Internet has grown geometrically ¹⁰¹.

Mass media are responsible for the truthfulness of the information they disseminate together with the source and author of the information in accordance with the law. The right to information security is divided into two. That is, it is divided into international and national. International legal regimes of information security are formed by a set of principles and norms that are consolidated in the main sources of international law: in international conventions that define rules clearly recognized by states; as evidence of universal practice recognized as a legal norm in international traditions; in the general principles of law recognized by developed countries¹⁰². Judgments and doctrines of the most qualified experts on public law of different nations can be used to determine the interpretations of international law norms. National legal regimes of information security are found in sources of international law, national legislation, as well as information security, databases, information technology. technologies and systems, is formed by a set of institutions, principles and norms strengthened in normative-technical regulatory acts in the field of information infrastructure provision. National legal regimes of information security are formed by a set of institutions, principles and norms strengthened in the sources of international law, national legislation, as well as normative and technical regulatory acts in the field of information security, databases, information technologies and systems, information infrastructure. Subjects of public relations regulated by information security and information infrastructure are divided into three main groups. Entities interested in the use of information and information infrastructure for the implementation of economic, cultural, political and other

¹⁰¹ А.Ф.Даллес- Энциклопедия российско-американских отношений XVIII-XX века.-Москва: 2001.-696 с.

¹⁰² Hilbert, Martin, and Priscilla López.

“The World’s Technological Capacity to Store, Communicate, and Compute Information.” Science 332, no. 6025 (April 1, 2011): pp. 77–80.

activities, the implementation of state functions. Such entities operate as information owners, as owners or owners of funds that make up the information infrastructure, as operators of various information systems, as authorized persons in the field of establishing legal regimes of secrets within the scope of the rights granted to them¹⁰³. Competent subjects in the field of information security activities, i.e., in the activity of combating security threats, have lawyers who can plan and implement measures to protect information security objects from threats, control and law enforcement practices, law enforcement activities, and conducting rapid-investigation activities. . Entities who use vulnerabilities in information security and information infrastructure security systems to develop and use special harmful information technologies for illegal political or selfish purposes will have the status of persons who commit criminal acts that harm the interests and objects of other persons with the help of the legal information security regime¹⁰⁴.

Despite the fact that the process of informatization of society is often evaluated as a purely technological process, it is also considered a deep social process by its essence. Because informatization means the transition from one form of society to another form with a higher level of social development and determines the future characteristics of society¹⁰⁵.

As with any process, there are positive and negative aspects of informing society. In particular, in addition to positive aspects such as informatization and promising information technologies provide increased production efficiency and labor efficiency, the rapid spread of scientific knowledge and advanced technologies in society, and an increase in the general level of intellectualization of society, the fight for information space and information-psychological impact on people also poses a particular risk, such as the escalation of display. Since information attacks are different, security measures against them are implemented in different fields (politics, economy, defense) and on different fronts (territorial, organizational and personal at the state level). That is, the work involved in ensuring information security at the state level differs from the information security carried out within a specific organization. First, when it comes to protecting national interests, in the second case, negative situations related to the spread of rumors, slander, etc. in the exchange of

¹⁰³ Hilbert, Martin, and Priscilla López.

“The World’s Technological Capacity to Store, Communicate, and Compute Information.” *Science* 332, no. 6025 (April 1, 2011): pp. 85–88.

¹⁰⁴ Ermakova, L., & Sukhovskaya, D. (2020). Value orientations of the information society in the context of the information revolution of the 21st century

¹⁰⁵ Усманов З.Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи/ З.Б. Усманова // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар.науч.конф.-СПб. Реноме, 2012,- с, 222-224

information between certain social groups in the organization are meant. Both situations are considered as a factor that causes information attacks for the normal activities of people.

In this regard, the statement made in 1946 by the former director of MRB, A.F. Dulles, who is considered one of the founders of the "free information exchange" theory, deserves attention. "If I were given the right to choose only one principle of foreign policy," wrote A.F. Dulles, "I would choose the principle of free flow of information." In the West, the term "free flow of information" refers to the one-way transfer of an unlimited amount of information, in which the content of the information is not limited by any standards and the information is not controlled by the state in the area where it is delivered.¹⁰⁶

CONCLUSION

It is necessary to emphasize that even now the essence of the concept has not changed and it is widely used with the intention of misleading our youth and influencing their hearts and worldview. In the process of information transmission, exchange and reception, ensuring speed, accuracy, quality and effectiveness, creating the possibility of wide spread of information around the world, the importance of the "worldwide spider web" is great, and this factor is increasing the need for its use. In the new century, the Internet entered Uzbekistan rapidly and took its place in everyday life. By 2008 The number of Internet users in our country has exceeded 2 million 200 thousand people. Science and technology achievements must serve human interests and good goals, of course. However, it is also true that some forces are using the virtual world for their malicious purposes. According to psychologists, only 15-25 percent of the population is able to absorb information from a critical point of view, and the remaining 75 percent of people are so influenced by the received information¹⁰⁷. As a result, modern means and methods of mass information ensure the control of society. People enter the world of virtual reality to escape from everyday problems. Despite all the positive aspects of the Internet, there are also disadvantages. First of all, these are viruses that can be very dangerous for any computer. Therefore, it is better to install a reliable antivirus program. Another downside is the hilarious content. There is a lot of violence and cruelty on the Internet. People suffer from inappropriate information on the Internet because it is

¹⁰⁶ Nikitenko, V. A. (2018). Education as a factor of creative personality establishment and development in information society. Humanitarian Bulletin of ZSEA, 74, 150–158

¹⁰⁷ Nikitenko, V. A. (2018). Education as a factor of creative personality establishment and development in information society. Humanitarian Bulletin of ZSEA, 74, 160–170

very difficult to manage information from the Internet. Although the Internet offers us a lot of information, its reliability is questionable because a lot of fake news can be published that can mislead many people. It is very difficult for us to determine which sites are reliable and which are not. You may also receive blackmail or spam messages. I believe that the Internet is becoming a way of life and is very harmful to our health. Many teenagers sit at the computer for a long time and damage their eyes. I don't mean that I am against the internet, but it should have its limits. Everyone needs the Internet now. The Internet is an electronic media used as a place to download content and communicate with a communication network.

REFERENCES

1. Усманов З.Б. Влияние некоторых сайтов интернета на сознание молодежи/ З.Б. Усманова // Теория и практика образования в современном мире: материалы II междунар.науч.конф.-СПб. Реноме, 2012,- с, 222-224
1. А.Ф.Даллес- Энциклопедия российско-американских отношений XVIII-XX века.-Москва: 2001.-696 с.
2. Hilbert, Martin, and Priscilla López. "The World's Technological Capacity to Store, Communicate, and Compute Information." *Science* 332, no. 6025 (April 1, 2011): pp. 60–65
3. Nikitenko, V. A. (2018). Education as a factor of creative personality establishment and development in information society. *Humanitarian Bulletin of ZSEA*, 74, 150–158
4. Nikitenko, V. A. (2018). Education as a factor of creative personality establishment and development in information society. *Humanitarian Bulletin of ZSEA*, 74, 150–158

МУРАККАБ СИНТАКТИК БУТУНЛИК ТУГАЛЛАНМАСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАМДА УНИНГ МАТН ТАРКИБИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аманов Абдижаббор Саттарович

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D),

Наманган давлат университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада мураккаб синтактик бутунлик адабий матнларнинг лингвистик бириктириш соҳаси ва уни таъкил этувчи хусусиятлари кўриб чиқилади. Шунингдек, мақола лингвистик ва услубий бирлик сифатида мураккаб синтактик бутунликка бағишланган. Лингвистик жиҳатдан микромаъннинг тuzилиши, семантикаси ва вазифаси таҳлил қилинса, услубий жиҳатдан мураккаб синтактик бутунлик изчил ўзбек нутқини ривожлантириш бирлиги сифатида кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: матн, микромаън, гап, матн синтаксиси, сўз шакли, боғланган нутқ, маънни шакллантириш.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются такие особенности сложных синтаксических целых художественных текстов, как поле языкового напряжения и формирующие его. Также статья посвящена сложному синтаксическому целому как лингвистической и методической единице. В лингвистическом аспекте анализируются структура, семантика и функция микротекста, а в методическом плане сложное синтаксическое целое рассматривается как единица развития связной узбекской речи.

Ключевые слова: текст, микротекст, предложение, синтаксис текста, словоформа, связная речь, текстообразование.

ABSTRACT

The article deals with features of complex syntactic entire literary texts as the field of linguistic tension and those that form it. Also, the paper examines a complex syntactic whole as a linguistic and methodical unit. The structure, semantics and function of microtext are analyzed in linguistic aspect and the complex syntactic whole is considered as a unit of development of coherent Uzbek speech in the methodical plan.

Keywords: text, micro text, sentence, text syntax, connected speech, text formation.

КИРИШ

Тилшунос олимлар бир умумий мавзу ва шаклий жиҳатдан боғлиқ бўлган матнни ўрганишни, аввало, уни ташкил этувчи гапларнинг ўзаро боғланишини тадқиқ этишдан бошладилар. Олимлар матнда гапдан кўра каттароқ бўлган синтактик бутунлик мавжудлигини қайд этиш баробарида ушбу бутунликни аташда ҳам турли терминлардан фойдаланганлар. Натижада, атамалар хилма-хиллиги юзага келган: мураккаб синтактик бутунлик (МСБ), суперфразавий бирлик, прозаик банд, параграф, абзац, блок ва бошқалар. Ўзбек тилшунослигида мураккаб синтактик бутунлик яхши ўрганилмаганлиги сабабли, мураккаб синтактик бутунликнинг муҳим хусусиятларини, тузилишининг ўзига хослигини, мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги алоқа воситаларининг турларини батафсилроқ баён қилиш эҳтиёжи сақланиб қолган.

Мураккаб синтактик бутунликнинг сўнгги гапи (тугалланма) МСБда баён этилаётган фикр ўз ниҳоясига етаётганига ўқувчи эътиборини тортиши билан ажралиб туради.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Тугалланмада кўпинча модал сўзлар қатнашади. Бундан ташқари тугалланманинг аксарияти дарак гаплардан иборат бўлса-да, сўроқ ёки ундов гаплар билан тугайдиган МСБлар ҳам учраб туради.

Ўзинг тенги болалар лагер палаткаларида маза қилиб ухлаб ётганида сен сув сепиб йўлка супуришинг... Нима десам экан... Сал алам қилади кишига. Шунданми, вақти-вақти билан “шайтонлик” қиламан. Гоҳ бошим оғриб қолади, гоҳ оёғим... Ойим негадир кўпроқ мени авайлайди. Ўрнимга ўзим билан кўрпада тепишиб ётадиган Абдувоҳид деган ўртоғимми, акамми туриб кетади. Баъзан дадамнинг жаҳли чиқади. “Нима, бунингни бошида шохи борми, ишласин-да!”, дейди[1:12]...

Умарқутга уч кунлик йўл қолганда Хумоюн Турдибекни рожа вирсал Прасадга элчи қилиб юборди. Ҳали бу одам ҳам Мал Девага ўхшаб айниб қолмаган бўлсин![2:151]

Ҳиндол мирзонинг кўнгли тилаган гап ҳам шу эди. Давлат ишларида ҳозир у акаси билан ҳамфикр эди-ю, бироқ Хумоюн ҳозир Ҳамидабонуга ҳаддан ортиқ қизиқиб қолгани ва Хўжа Муаззамни ёнига таклиф қилгани Ҳиндол мирзони хавотирга солиб қўйди. Чунки Ҳиндол ҳали ҳам Ҳамидадан кўнгил узган эмас. Тўғри, қиз унга мутлақо рўйхушлик бермай юрибди. Лекин Ҳиндол мирзо

Қандаҳорга борса, ўша ерда ўзига мустақил ҳоким бўлади, акалари узоқда қолади, ҳеч ким унинг оилавий ишига аралашолмайдиган ва раъйини қайтаролмайдиган пайт келади. Ҳумоюннинг ўзи йигирма ёшидаёқ икки хотинлик бўлиб олган эди-ку, Ҳиндол ундан камми?[2:124]

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, мураккаб синтактик бутунлик, кўпинча, кўшма гаплар орқали ниҳояланади. Фикримизча, МСБда сўз юритилган воқеа-ҳодиса ва ҳолатни хулосалаш эҳтиёжи кўшма гаплардан фойдаланишга олиб келади. Табиийки, кўшма гаплар таркибида турли шаклдаги боғловчилар ёхуд содда гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилувчи феъл шакллари, кўмакчили бирикмалар иштирок этади.

Мисол учун: *Зиёфат самимият билан чақирилганликдан дастурхон қадрлик меҳмонга махсус турланган эди. Зиё шоҳичи билан ўгли Раҳматнинг ҳар замон меҳмонларни дастурхонга қисташлари бошқаларнинг иштаҳаларини очишга сабаб бўлса ҳам, аммо бизнинг Отабекка сира ҳам асар қилмас, хаёлланиб ўлтирар эди. Ул нима тўғрида хаёл суриб, қайси тўғрида ўйлар эди — бунни билиш қийин бўлса ҳам, бироқ унинг ҳозирги баъзи ҳаракатлари диққатни жалб этарлик эдилар: хаёл сурар экан, унинг кўзлари ихтиёрсиз каби қаршисидаги қутидорға қарайдирлар, қутидорнинг кўзи ўзига тушиди дегунча кўзини ундан олиб дастурхондаги кўнгли тиламаган нарсаларга урина бошлайдир... Отабекнинг бу ҳолини мажлисдагилар сезмасалар-да, аммо Ҳомид уни таъқиб эткандек эди[3:17]*

Ушбу мисолда, мураккаб синтактик бутунликнинг охири эргашган кўшма гап шаклига эга. Мазкур гап таркибий қисмларини боғлашда феълнинг шарт майли шакли (**-са**), **-да** юкламаси ҳамда **аммо** зидлов боғловчиси иштирок этган. Ушбу боғловчиларни МСБ нинг аввалги гапларида ҳам кузатиш мумкин эди. Улар МСБнинг бошидан охирига қадар бир неча ўринда такрорланиб, МСБни яхлит ҳолга келтирувчи вазифасини ўтаган.

Шу ўлтурушидан сўнг Ўзбек ойим жуда ҳам жонланиб кетди ва эртасига Олим понсадникига қараб яна арава қўшдирди. Бу иккинчи совчиликда гўё қудачалардек қариш олинди. Олим понсадбошилар: Юсуфбек ҳожига қуда бўлар эканмиз, деб жуда ҳам типирлашиб қолган ва иззат-икромни ҳаддан оширган эдилар. Еган оғиз уялар қабилдан Ўзбек ойим ҳам муомалани қудаларча қилди, ҳатто: “Бек отангиз билан мен сўзни бир жойига қўйдик. Фақат иш Отабекнинг келишига қолди” деб қўйди. Кечқурун уйга қайтиб, бу айткан сўзини ҳикоя қилган эди, ҳожиси лабини тишлаб қолди ва: “Санга сира ақл битмай кетар экан-да”, деди[3:133].

“Менгаям... шунча одам келармикин? — деди. — Келмайди, келмайди! Совет даврида партия-совет органлари барчани сафарбар этар эди. Пионерлар фахрий қоровулда турар эди. Комсомоллар орден-медаллар кўтариб юрар эди. Коммунистлар оташин нутқлар сўзлар эди. Энди, комсомол ҳам йўқ, партия ҳам йўқ. Аммо-лекин ўлим бор! Ана ўлим, ана...”[4:142]

Эртаси куни пешин намозидан сўнг Ҳумоюн яна кема билан дарёдан ўтиб, Ҳиндол мирзонинг қароргоҳига борди ва Дилдор бегим турадиган каттакон қизил чодирни қидириб топди. Бегим уни чодир ичида ёлғиз қолдирди-да, ўзи Ҳамида бонунни чақириб келишга кетди[2:127].

Фронтга жўнаш жиддий масала, шунинг учун гапни отасидан бошлаши лозим. Отаси вазмин, кўпни кўрган, мулоҳазали одам, онаси унинг измида, отаси нима демасин, гапни икки қилмайди; масалани ўзаро ҳал қилишса, сиз ҳам куймайди, кабоб ҳам[5:156]...

Ориф ака қошини чимириб бу хатни ҳам узоқ ўқиди: “Мен Онегиннинг анкетасини тўлдирмайман. Рухсат берсангиз “Евгений Онегин”ни синфда тўла айтиб бергим келади. Мен уни ёд биламан... “Классик” деган китобий совуқ сўзни ёмон кўраман, Пушкин менинг акамдек, уни тирик, оддий одам деб тасаввур қиламан. Тушимда кўрганман”[6:77].

Комила барак муюлишида йўлини пойлаб турган Сатторни имлаб чақирди. Саттор аввал кўзларига ишонмагандай киприкларини тирпиратиб турди-ю, кейин йўргалаб етиб келди. У пиджак устидан қийиқ боғлаб, этик кийган, ўрта бўйли, юмалоқ, чорпахилдан келган йигит эди[6:163].

Чилдирма мақомига йўргалаб, кифт қоқиб, столларни оралаб юрган тўрт қиз бирин-кетин келин билан куёвнинг рўпарасига келиб, қўлларидаги гулдасталарни таъзим билан икковига тутишди, ер тепиниб яна столларни оралаб йўргалаб кетишди. Ора-сирада биров шеър ўқиб, биров сўз билан, биров қизиқчилик қилиб келин билан куёвни табриклар эди[7:67].

Ўзбек адабий матнларини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса кузатилдики, МСБнинг охирги гапни тузишда тенг ва эргаштирувчи боғловчилардан ёхуд боғловчи вазифасида қўлланилган сўзлардан кенг қўлланилади. Бундан ташқари яқунловчи гапларнинг кўп қисмида уюшиқ бўлакларни кузатиш мумкин. Бу уларнинг семантик ва синтактик вазифаси билан боғлиқ. Ушбу бирликлар кўшма гапларни бир-бирига боғловчи восита сифатида ҳам ёки навбатдаги мустақил гапнинг бошловчиси сифатида ҳам қўлланилган.

Мисоллардан кўриниб турибдики, мураккаб синтактик бутунликларнинг яқуний гапи таркибида ҳам, аммо, лекин, -да боғловчилари иштирок этган ва

қўшма гапларни баъзида эса мураккаб қўшма гапларни ташкил этишда муҳим рол ўйнади. Натижада, ўқувчи онгига микромавзунинг тугалланганлиги ҳақида маълумот етказди.

Биз юқорида келтирган мураккаб синтактик бутунликларнинг аксарияти қўшма гаплар билан тугалланган бўлса, яна бир қатор мисолларда МСБнинг сўнгги жумласи содда дарак гаплар билан ҳам ифодаланган.

Содда дарак гаплар билан яқунланган МСБлар:

Айёрликни билмаган содда, ҳалол чўпонлар унга уч йил ем бўлишди. Боқимлардаги қўйлардан тушган териларни мушук териси баҳосида Диёровга сотиб кетишар, мушуқларини осон қилгани учун унга қайта-қайта миннатдорчилик билдиришарди. Шундай қилиб, Диёровнинг итининг туваги олтиндан бўлиб кетди. У Доғистон, Чеченистон, Афғонистон томинлардан келиб улгуржи харид қиладиганларга тери тайёрлаб қўярди[8:133] ...

Асадбек ҳовлига қадам босгач, оишхонадан чиқаётган қизига кўзига тушди-ю, беихтиёр тўхтади. Қизи ҳам уни кўриб бир он ҳаракатсиз қолди. Сўнг паст овозда салом бериб, шоишанича изига қайтди. Ота билан қизнинг нигоҳлари бир сониягина учрашди. Гўё тўсатдан яшин чақнаб қоронгулик бағрида ўртанаётган икки хаста дилни ёритиб ўтгандай бўлди. Яшин нури сўниши билан уларнинг ҳар бири ўз жаҳаннамига, яна ўтда қовурилиши, азобланиши учун қайтдилар[9:123].

Аввал Фариданинг дадаси билан бирга ишлайдиган семиз киши гапирди. Оилавий ўтиришида Шерзод уни, бу киши Шерзодни кўп кўрган эди. У куёв ўғил Жўравойнинг ажойиб инженерлиги, ажойиб одамлиги, келинпоиша мисоли ой бўлса, куёв бола мисоли қуёш эканлиги, бир-бирини қаттиқ севишини айтди, бахт-саодат тилади. Кейин Фариданинг курсдоши, бир вақтлар Шерзодга кўнгил қўйиб, жавоб ололмаганидан кейин узоқлашиб кетган ихчамгина қиз сўз олди[10:81].

Сўроқ гаплар билан яқунланган МСБлар:

– Одам минг йиллардан бери яхши яшай деб интилади, курашади, меҳнат қилади, заҳмат чекади. Бугунга келиб-у сал тузук яшай боилса, нимага ҳайратда қолишимиз керак, тушунмайман? – У яна Зиёхоновга қаради: – Ҳўш, нима қиламиз, директор?[6:71]

Қиз нима учун отаси олдига югуриб келмади, нима учун бўйнига осилиб кўз ёш тўкмади, нима учун нолалар қилмади? Нима учун дардини ютиб ўзини жаҳаннам ўтига раво кўрди?[9:123]

Айтишига осон. Замон саҳнасидан тушишининг ўзи бўладими? Пастдагилар сени алқаб, бошига кўтариб юришига тайёр бўлса, саҳнадан дадил туша оларкансанми? Тушишининг қўлда найзалар билан пойлаб турганлар-чи? Шу найзалар борлигини билмаганда Асадбек Жалилнинг маслаҳатига муҳтож бўлармиди?[9:120]

Ундов гаплар билан яқунланган МСБлар:

Бу – азалий кураш! Яна неча аср давом этади – Яратганга маълум. Бандасига бир нарса аён – азалий курашнинг интиҳоси – қиёмат![9:138]

Шерзод бу саволларни ўзига кейинчалик берди. Шунда кўндан буён ўзига эргашиб юрган ҳақиқатни кўрди: Фарида қанчалик худбинлик қилган бўлса, ўзи ҳам ундан қолишмаган экан. Фарида қанчалик бевафолик қилган бўлса, ўзи ҳам шунча енгилтаклик қилган экан. Ҳақиқат шу эди![10:81]

– Ёшсиз, ука, ёшсиз! Ҳозир ҳамма шунақа қилади! Ҳамма! Балиқ ҳам думини ликиллатмаса, сузолмайди. Дунёда муроса-ю мадора деган гап бор. Найнов – аҳмоқ. Аммо аҳмоқ бўлгани билан амали бор. Бутун бошли Горторгнинг мудури! Муроса қилмасам, бир чўқийди-ю, учиради-юборади. Бу дунёда ё заринг бўлсин, ё зўринг бўлсин. Шундан бошқа ҳаммаси – бир пул![10:88]

Умумий хулосалар акс этган гаплар билан яқунланган МСБлар:

Дунёда энг ширин нарса нима деб сўралганда “уйқу” деб жавоб беришган экан. Бу гап ҳам тўғри. Бироқ болалик хотираларини эслаш лаззати уйқудан ҳам мазалироқдир. Чунки ёш ўтган сайин, болаликдан узоқлашганингиз сайин ўтган кунларни эслайверасиз, энтикаверасиз. Айниқса, жон-жўралар учрашганда уйқуни ҳам тарк этиб, узун кечалар хотиралар ихтиёрига берилишади. Асадбек билан Жалилнинг бундай кечалари кўп бўлган[9:122].

Қабристон жимжит. Фақат йўлакнинг икки четидаги саф тортган мирзатераклар қабр устига бош эгган фарзандлардек онага ором тилаб алла айтади. Юлдуз тўла осмонга тикиламан. Эҳтимол, осмондаги энг ёрқин юлдузлар оналарнинг жонидир. Эҳтимол, оналарнинг сўнган юлдузлари бирлашиб, қуёшга айлангандир. Офтобни она дейишлари, эҳтимол, шундандир[1:7].

Узоқ тортишувлардан кейин Омон ҳам кўнди. Бизни икки кундан буён саргардон қилган тентак сигирни сўйиб, унинг гўштидан кўтарганимизча олиб, шуни сотиб тирикчилик қиладиган бўлдик[11:86].

Шундай қилиб, офтоб бор экан. лекин ер юзига ҳеч чиққиси келмас экан. ҳар куни эрталаб Худога нола қиларкан. Ер юзиде ифлос нарсалар кўп, ҳеч

кўргим келмайди дер экан. Тангри уни овутаркан. Сен чиқавергин, ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган одамлар бор, дер экан. шунинг учун ким ер юзини тозаласа, ўша энг яхши одам бўларкан[1:13].

Шундай қилиб, якуний гап мураккаб синтактик бутунликни ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ўзбек бадий асарлари матнларида кўшма гаплар, кириш сўз, кириш бирикмалар билан кенгайган гаплар, дарак, сўроқ ёки ундов гаплар, умумий хулоса билан ифодаланган тугалланмалар кенг қўлланилади. Синтактик шаклнинг кутилмаган ўзгариши тўғрисида, бундай тугалланмалар ҳикоянинг йўналишини ва нутқнинг йўналишини кескин ўзгартиради, олдингисини умумлаштиради ва нутқда кескин бурилишни белгилайди.

ХУЛОСА

Одатда, мураккаб синтактик бутунликнинг сўнги гапи МСБнинг якунланганини билдирса-да, мураккаб синтактик бутунликнинг марказий қисми билан маълум семантик муносабатда бўлади. Шу билан бирга, улар янги микроавзунинг тақдиротига қийинчиликсиз ўтиш учун шароит яратадилар, шу сабабли ҳам улар мураккаб синтактик бутунликнинг, алалоқибат, бутун матннинг қисмларини бирлаштирадиган восита ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари: қисса.– Тошкент: Шарқ, 2012. –Б. 12.
2. Қодиров П. Авлодлар давони (Тарихий роман).– Тошкент: Адабиёт учкунлари, 2018. –Б.151.
3. А.Қодирий. Ўткан кунлар.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. –Б.17.
4. Т. Мурод. Бу дунёда ўлиб бўлмайди.– Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 142.
5. Назаров У. Чаён йили.– Тошкент: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2013. –Б.156.
6. Асқад Мухтор. Чинор.– Тошкент: Илм-зиё-заковат, 2020. –Б. 77.
7. Абдулла Қаҳҳор. Анор.–Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2014. –Б.67.
8. Саид Аҳмад. Қоракўз мажнун.– Тошкент: Сано-стандарт нашриёти, 2016. – Б. 133.
9. Тоҳир Малик. Шайтанат. 1-китоб.– Тошкент: Шарқ, 2013. –Б. 123.
10. Ҳошимов Ў. Нур борки , соя бор.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. –Б. 81.
11. Ғафур Ғулом. Шум бола: қисса.– Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. –Б. 86.

МЕЗОФИЛ КЕМИРУВЧИЛАРНИНГ ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАКАСИДА ХАЁТ ТАРЗИ

Авезова Умида Максудовна,
УрДУ таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада куйи Амударё минтакасида таркалган мезофил кемирувчиларнинг хаёт тарзи, яшаш шарт шароитлари хақида малумотлар келтирилган. Бундан ташқари мезофил кемирувчилар популяцисининг ўсиш ва камайиш динамикасига таъсир килувчи экологик омиллар тўғрисида сўз боради.

Калит сўзлар: Мезофил кемирувчилар, ондатра, ареал, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, мўйна.

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены сведения об образе жизни и условиях обитания мезофильных грызунов, рассеянных в Приамударьинской области. Кроме того, обсуждаются экологические факторы, влияющие на динамику роста и убыли популяции мезофильных грызунов.

Ключевые слова: Мезофильные грызуны, ондатра, ареал, Республика Каракалпакстан, Хорезмская область, мех.

ANNOTATION

This article provides information on the lifestyle and living conditions of mesophilic rodents scattered in the Amudarya region. In addition, environmental factors affecting the dynamics of growth and decline of the population of mesophilic rodents are discussed.

Key words: Mesophilic rodents, muskrat, areal, Republic of Karakalpakstan, Khorezm region, fur.

КИРИШ

Кемирувчилар мамлакатимиз фаунасидаги сутэмизувчиларнинг катта гурухларидан биридир. Уларни деярли барча ландшафтларда учратиш мумкин. Кемирувчилар инсонлар хаётида мухим урин тутати. Айниқса мезофил хисобланган ондатралар (*ondatra zibethicus*) киммат баҳо териси учун овланади.

Ондатра сутэмизувчилар (*Mammalia*) синфига, кемирувчилар туркуми (*Rodentia*), олаҳўржунлар (*Cricetidae*) оиласига киради. Ондатранинг ватани Шимолий Америка, Европага биринчи марта 1905-йилда олиб келинган ва бугунги кунгача жуда яхши мослашиб, Евросиёнинг ўрта қисмида,

яъни Фарбий Европадан то Узоқ Шарқгача тарқалган. Бизнинг республикамизга 70-80 йил олдин олиб келинган. Ҳозир Ўзбекистоннинг барча текислик сув ҳавзалари - кўллар, дарёлар ва каналларда тарқалган.[1]

1944-йили куйи Амударё худудига 1-мартга икки гуруҳ 335 бош ондатра Қозоғистондан олиб келинган. Биринчи гуруҳда 130 бош (74 эркак, 56 урғочи) 11-июлда Қаражар кўл системасига, иккинчи гуруҳда 205 бош (111 эркак, 94 урғочи) ноябрнинг бошларида Бўзатав кўл системасига юборилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида иқлимлаштирилган ондатралар бош сони 1955-йилга келиб, 160 мингдан ошган. Н.П. Лавров (1957) маълумотларига қараганда ондатралар юборилган жойдан 15 км га тарқалган ва ареали кенгая бошлаган. В.С. Покровский (1961) маълумотлари бўйича 1945-йилга келиб ондатралар 45000 гектар, 1946-йили 200 минг гектар майдонни ўзлаштирган. 1947-йили маҳаллий авлодлардан ўсганлари тарқатилиб ўнг ва чап Амударё дельтасида ондатранинг тарқалиш ареали икки ҳиссага кенгайган. У 1948-йил 450000, 1949-йил 500000 гектарга кенгайиб, 1950-йили эса ондатра Мўйноқ, Қўнғирот туманларининг барча сув ҳавзаларини эгаллаган. Уларнинг интенсив кўпайиши натижасида 1950-1955-йиллари улар Қорақалпоғистон Республикасининг барча Жанубий туманлари сув ҳавзаларини эгаллаб олганлиги маълум бўлган.[2]

Ондатра яхши шўнғийди ва сузади, сув остида 15 дақиқа туриши мумкин. Кам сувли, қишда музламайдиган сув ҳавзаларини, оқмас ёки секин оқимли, сув сатҳи доимий ва қирғоғи ўсимликга бой жойларда яшайди. Оила бўлиб инларда яшайди. Баланд қирғокларда инлар қуради, ер ости йўллари 2-3 дан 10 м гача узунликда булади. Инга кириш сув остида жойлашган булиб ташқаридан кўринмайди, ин камералари сув сатҳидан баландроқда жойлашган булади. Баъзан ин камералари икки қаватли ва йўллар билан бирлашган бу сув сатҳининг ўзгариш ходисалари билан боғлиқ. Энг совуқ вақтларда ҳам ин доимо илиқ бўлади. Ботқоқли қирғокларда ондатра 1-1.5 м баландликда балчиқ билан ёпиштирилган қамишпоялар ва лухдан «хоначалар» қуради. Кундалик яшайдиган инлардан ташқари сузадиган озиқа майдончаларни қуради. Қирғоқ ва сув ўсимликларидан қамишлар, қўғалар билан озикланади. Ондатра баҳор фаслида ёш новда ва япроқлар билан, ёз ва куз фаслларида илдиз, қиш фаслида

фақатгина илдиз билан озикланади. Улар маллюскалар, кўлбақаси ва балиқ чавоқлари билан ҳам озикланади.

ХУЛОСА

Ондатранинг урғочиси йилнинг илиқ даврида 4-5 та марта насл келтиради. Эркаги урғочига озикани келтиради, насли яшаб кетишини осонлаштиради. Одатда бир наслда 7-8 та болалар бўлади, 10 кунда улар сузишни, бир ойда эса мустақил озика топадилар. Ёш ондатралар ота-онаси билан қишлагга қолади, баҳорда эса тарқалиб кетади. Ондатра муҳим овланадиган хайвонлардан ҳисобланади, мўйнаси ва гўшти учун овланади.[3]

Ондатралар яшайдиган худуд сув хавзаларининг тузлилиги ортиши популяциянинг сонини кескин камайишига таъсир килади.

REFERENCES

1. Reimov R. A. Rodents of the Southern Aral Sea Region.- Toshkent, 1987. - 125 p.
2. Лавров Н.П. Акклиматизация ондатры в СССР. М. 1957 г.
3. Utemuratova G.N., Mambetullayeva S.M., Qaraqalqstan sharayatinda kemiriwshiler sanin esapqa aliw usillari. Nukus. Ilm-2016.

TURLI SHAROITDA SHAXSIY TARKIBNI RAQIB SALBIY INFORMATSION-PSIXOLOGIK TA'SIRIDAN HIMOYA QILISH

Boboyev Xurshid Yusupovich

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti harbiy tayyorgarlik o'quv markazi katta o'qituvchisi, podpolkovnik.

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida jangovar shaylikni oshirish maqsadida raqib salbiy informatsion-psixologik ta'siridan himoyalani va raqibga qarshi psixologik kuzatuvlarni kuchaytirish chora-tadbirlari bayon etilgan.

Kalit so'zlar: "Psixologiya", "Tadqiqot ishlari", "Psixik jarayon", "Salbiy axborot vositalari", "Psixologik ta'sir", "pornografik", "Axborot-psixologik operatsiya"

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования в целях повышения боеготовности были описаны меры по защите от негативного информационно-психологического воздействия противника и по усилению психологических наблюдений за противником.

Ключевые слова: «Психология», «Исследование», «Психический процесс», «Негативные медиа», «Психологическое воздействие», «pornoграфический», «Информационно-психологическая операция».

KIRISH

Qo'shin harakatlarini matbuotda yetarlicha yoritib berish uchun matbuot anjumanlari o'tkazilishi, maxsus tasvirga tushirilgan videomateriallarning jurnalistlarga taqdim etilishi, jurnalistlarning harbiy qismlarga tashrif buyurishlarini va harbiy xizmatchilar bilan suhbatlashishlarini tashkil etish mumkin. Harbiy xizmatchilarga ularning matbuot xodimlari bilan bo'ladigan o'zaro munosabatlaridagi huquq va majburiyatlarini aniq belgilab berish maqsadga muvofiq.

Har bir Vatan himoyachisiga, dushman kirdikorlarini va uning salbiy tarzdagi axborotlarini zararli tomonlarini ochib tashlash, unga qarshi kurashadigan ruhiy jang uslublarini o'rgatish lozim. Buning uchun har bir ofitserlar, komandir va qo'mondonlar doimo shaxsiy tarkib bilan olib boradigan mashg'ulotlarda, darslarda O'zbekiston Respublikasi va uning Qurolli Kuchlarining tarixini, urf-odatlarini hamda asosiy vazifalarini shaxsiy tarkibga yetkazib borishi zarur.

Chunki: "Bugun O'zbekiston o'zining milliy manfaatlarini ko'zlab, olib

borayotgan mustaqil siyosatni ko'rolmasdan, uni o'zgartirishga qaratilgan bu yovuz harakatlarni, yurtimiz sha'ni va obro'siga dog' tushirish, xalqaro maydonda uning yuzini yerga qaratish uchun katta mablag', katta kuch tashlab, tuhmat va uydirmalarni tarqatib, mamlakatimizga nisbatan e'lon qilinmagan informatsion urushini kim va nima maqsadda boshlagani haqida xalqimiz to'la xabardor bo'lishi, uni chuqur anglashi lozim-ligiga alohida urg'u berildi"¹⁰⁸.

Bu borada, shaxsiy tarkibni va aholini dushman nashrlarida yoritilgan informatsion psixologik ta'sirdan himoya qilishda dushmanlar tomonidan olib boriladigan, "mazmuniga ko'ra axborot-psixologik operatsiyaga qarshi dushmanning shaxsiy tarkib va mahalliy aholiga ko'rsatadigan axborot-psixologik ta'siriga, bu ta'sirlarning salbiy oqibatlarini tugatishga, shaxsiy tarkibda g'oyaviy va axloqiy-psixologik immunitetni shakllantirishga, noqonuniy harbiy tuzilmalarga nisbatan shunga muvofiq ta'sirlarni o'tkazishga qarata yo'naltirilgan operatsiyaga qarshi tadbirlarini o'z ichiga oladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Jangovar harakatlar vaqtida shaxsiy tarkib ongi va ruhiyatiga nafaqat dushman tomonidan bo'ladigan, balki, noqonuniy harbiy tuzilmalar faoliyatiga xayrixoh bo'lgan ba'zi bir ijtimoiy-siyosiy harakatlar, partiyalar, tashkilotlar, siyosat va jamoat arboblari tomonidan ham bo'ladigan salbiy axborotpsixologik ta'sirlarga qarshi tayyor turish kerak.

Ularning nutqlari, izohlari, harbiy operatsiyalar borishiga nisbatan salbiy talqinlari shaxsiy tarkibning axloqiy-psixologik holatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Salbiy axborot-psixologik ta'sirlarni yo'qotish uchun muntazam ravishda uning asosiy yo'nalishlarini kuzatib borish va tahlil qilish, shuningdek, mustaqilaxborot-targ'ibot ishlarini olib borish zarur.

Tashkiliy va texnik chora-tadbirlar yordamida salbiy axborotlar kirib keladigan yo'llar to'siladi.

Shaxsiy tarkib bilan esa ekstremistik guruhlarining axborot-psixologik aksiyalarni amalga oshirish imkoniyatlari, ular qo'llaydigan usul va vositalar bilan tanishtirish bo'yicha maxsus mashg'ulotlar o'tkaziladi harbiy qism va bo'linmalar joylashgan hududlarga dushman tomonidan tashlangan targ'ibot varaqalari yig'ib olinib, yo'q qilinadi, ovozli targ'ibot vositalarining tovushi uchiriladi, harbiy xizmatchilarning jangovar vazifalarni bajarishdan bosh tsoqaishlarini uyushtirish

¹⁰⁸ "Xalq so'zi". 2005. 23 avgust.

maqsadida harbiy qismlarga kirmoqchi bo'lgan shaxslar harakatlarining oldi olinadi va ular hibsga olinadi.

Bunday vaziyatlarda mahalliy aholi orasida tushuntirish ishlarini olib borish uchun maxsus targ'ibot-tashviqot guruhlarini tashkil etish maqsadga muvofiq. Odatda bunday guruhlar tarkibiga psixologlar, tarbiyaviy ishlar organlarining xodimlari, huquqshunoslar, dinshunoslar, jurnalistlar, san'atkorlar va boshqa soha xodimlari kiritiladi.

Ayniqsa, nafaqat har tomonlama asoslangan, balki atayin manbadan iborat bo'lgan mishmishlarning oldini olishga katta e'tibor berish zarur. Mishmishlar tarqalishining oldini olishning yagona yo'li axborot bo'shlig'ining bo'lmasligidir. Buning uchun esa voqealar to'g'risida aniqxabarlar o'z vaqtida shaxsiy tarkibga va aholiga yetkazilishi zarur.

Komandirlarning tarbiyaviy ishlar buyicha o'rinbosarlari bo'linmadagi axborotlar uchun javobgardirlar.

Ular quyidagi vazifalarni bajaradi:

- shtab bilan hamdo'stlikda tayyorlangan axborotlarni matbuotga taqdim etish;
- boshqa axborot vositalar bilan hamdo'stlik qilish;
- harbiy qism va bo'linmalar ichida axborotlarni tarqatish.

Qo'shin harakatlarini matbuotda yetarlicha yoritib berish uchun matbuot anjumanlari o'tkazilishi, maxsus tasvirga tushirilgan videomateriallarning jurnalistlarga taqdim etilishi, jurnalistlarning harbiy qismlarga tashrif buyurishlarini va harbiy xizmatchilar bilan suhbatlashishlarini tashkil etish mumkin. Harbiy xizmatchilarga ularning matbuot xodimlari bilan bo'ladigan o'zaro munosabatlaridagi huquq va majburiyatlarini aniq belgilab berish maqsadga muvofiq.

Suhbat vaqtida ular berilgan savollarga qisqa va aniqjavob berishlari, muammoni o'z bo'linmalari manfaatidan kelib chiqib yoritishlari, berilayotgan ma'lumotlar magnit tasmasiga yozib olinayotganligini esda tutishlari zarurligini bilishlari kerak.

Harbiy xizmatchilar kim bilan suhbatlashayotganliklarini va ularning so'zlari qanday maqsadlarda ishlatilishi mumkinligini bilishlari, harbiy xavfsizlik, davlat va harbiy sirlar haqida unutmasliklari zarur. Yaralanganlar, kontuziya bo'lganlar va halok bo'lgan harbiy xizmatchilar haqidagi ma'lumotlar odatda jamoatchilikka ma'lum qilinmaydi. Jurnalistlarga hamrohlik qilayotgan ofitserlar matbuot xodimlarining o'z reportajlarida maxfiy ma'lumotlarni bermasliklarini ta'minlashlari zarur.

Bunday ma'lumotlar jangovar operatsiyalarni o'tkazish jarayoniga salbiy ta'sir ko'rsatishi, vaziyatni keskinlashtirishi, shaxsiy tarkib va mahalliy aholining hayoti hamda salomatligiga tahdid solishi mumkin"¹⁰⁹.

Psixologik operatsiyani olib borishda hammavaqt dushman olib borayotgan siyosatiga hushyor turish va har qanday holatda dushman targ'ibot-tashviqotiga qarshi kurash uchun quyidagi dasturlarga:

- dushmanni harbiy mojaroni (to'qnashuvni) kutilmaganda boshlash uchun olib borayotgan ishlari va taktikalarini har tomonlama tezkorlik bilan o'rganmoq va uninazardan qochirmaslik lozim;
- axborot tarqatish va harbiy sirlar ochilishi mumkin bo'lgan tarmoq-larni yo'q qilish zarur;
- bosqinchilik tajovuzini oldini olish va shu zahota munosib javob qay-tarish, jangovar tayyorgarlik saviyasini yanada oshirishga qaratilishigaamal qilish zarur.

Shaxsiy tarkibning salohiyatini qayta tiklash, texnik vositalari bilan ta'minlash, ayniqsa, jangovar shayligini oshirib, eskirib qolgan texnika, qurol-yarog'larni almashtirish va shaxsiy tarkibni hushyorligini oshirish kerak;

shaxsiy tarkibni ma'naviy va psixologik hamda texnikaviy tayyorgarlik holatini oshiraborib, ayniqsa, ma'naviy, psixologik ta'minotini shart-sharoitga qarab tanlash zarur.

Hozirgi paytda faoliyat ko'rsatadigan axborot vositalari xilma-xil bo'lgani tufayli, psixologik operatsiya olib borishjarayonida ularning maxsu-lotlaridan foydalanishga jiddiy e'tibor berish zarur.

Shunday qilib, ma'naviy psixologik ta'minot deb: bir qator tadbirlarni yaxlit bitta yig'indiga jamlab, tinchlik paytida harbiy xizmatchilarni ma'naviy va ruhiy holatiga ta'sir qilib, uning jangovar safarbarligini, tayyorgarligini oshirish, urush vaqtida esa jangovar harakatini takomillashtirish demakdir.

Bugungi kunda: "Jangovar tayyorgarlikning intellektual darajasini yuksaltirish, uni ilg'or usul-uslublar, modellashtirish, kompyuter va informatsion texnologiyalar, zamonaviy fan yutuqlari asosida tashkil etish yo'lida olib borayotgan harakatlarimiz, bir tomondan, harbiy xizmatni o'zi uchun kasb deb tanlagan insonlarning aql-zakovati va mahoratini oshirishni taqozo etmoqda, ikkinchidan, bugunharbiy xizmatni o'tashga hozirlik ko'rayotgan yoshlarimiz oldiga yangi, yuksak talablar qo'yimoqda"¹¹⁰.

Hozirgi zamon ommaviy axborot vositalari olib borayotgan urushlar xilma-

¹⁰⁹ Abdullaev R. I. Psixologik operatsiyalar. Toshkent. 2004. B 31-33.

¹¹⁰ I.A.Karimov. Vatan himoyachilariga bayram tabrigi. "Xalq so'zi". 2004. 14 yanvar

xilligi sababli birinchi prezidentimiz I.A.Karimov ta'kidlaganidek, modellashtirish, kompyuterlashtirish va informatsion texnologiyalar olib kirgan kuch-qudrat psixologik operatsiya shakllarini o'zgartirib yubormoqda. Harbiy mutaxassislar aniqlashicha, axborot (informatsion) urushi tor va keng ma'noda qo'llanishi mumkin.

Tor ma'noda qo'llanilishi deganda dala axborot urushlari nazarda tutiladi. Aniqrog'i, qo'shnlarni boshqarishda, ya'ni jangovar harakatini boshqarishda qo'llaniladi. Bunga razvedkaishlarini olib borish, dushmani chalg'itish va tezkorlik jihatidan niqoblash (maskirovka), psixologik operatsiya, dushman ommaviy axborot vositalarini yo'q qilish, jangovar boshqaruv, aloqa va o'z qo'shnlarni yuqorida qayd etilgan uslublardan himoya qilish.

Keng ma'noda qo'llanilishi: informatsion (axborot) urushi. Bu keng ma'noda jangovar harakatlarni o'z ichiga oladi, ommaviy axborot vositalari, qurollangan maxsus harbiy qismlar va yuqori aniqlikdagi qurollar bu holat-da to'la safarbar etiladi.

Tinchlik paytida Davlat mudofaa qobiliyatini mustahkamlashda psixologik operatsiyaning yetakchisi va yo'l boshchisi Prezident, ya'ni Oliy Bosh Qo'mondon hisoblanadi.

U, O'zbekiston Qurolli Kuchlarini mustahkamlashda, psixologik operatsiyaning barcha uslublaridan foydalanib, davlatimizning mudofaa qobiliyatini kuchaytirmoqda.

O'zbekistonning birinchi Prezidenti I.A.Karimovning O'zbekiston davlatining xavfsizligini ta'minlash va uning Qurolli Kuchlari jangovar qudratini mustahkamlash borasida olib borgan amaliy harakati axborot vositalari orqali jahonga tarqatilgandan keyin, O'zbekiston davlatiga g'araz ko'zi bilan qaraydigan jahondagi ba'zi davlatlarning O'zbekiston davlatiga nisbatan uyushtirayotgan psixologik urushlari o'z-o'zidan mag'lubiyatga uchrab qolgan edi va hozir ham Qurolli Kuchlar Oliy Bosh Qumondoni Shavkat Mirziyoev rahbarligida davom ettirilib olib borilmoqda.

Turli sharoitda shaxsiy tarkibni raqib salbiy informatsion-psixologik ta'siridan himoya qilish

Turli sharoitda shaxsiy tarkibni, raqib informatsion-psixologik ta'siridan himoya qilishda, texnika yordamida dushman axborot xabarlarini tarqatayotgan vositalarni yo'q qilishda quyidagilarga e'tiborni qaratish lozim:

1) yolg'on-uydirmalarga qarshi tashviqot ishlarini olib borishdan foydalanish, yasama mahsulotlarni tayyorlash;

2) faraz qilish yo'li bilan texnikalardan foydalanib, dushman Qurolli Kuchlarga va aholisiga qarata qarshi tashviqotlarni olib borish;

3) texnikalarni qo'llashda faxrlanish uslubidan foydalanish;

4) texnikaviy qo'llash uslubining saviyasini oshirish.

Tarixiy taraqqiyotning o'zgarishi bilan zamonaviy axborot vositalarini rivojlanishi, ularni jahonga tarqalishi, yangi muammolarni keltirib chiqarmoqda. Ayniqsa, radio, televideniya, kompyuter, internet, elektron pochta, mobiltelefonlarning rivojlanishi o'ziga hos tezlik bilan axborot oqimlarini tarqatib, qurolli kuchlar shaxsiy tarkibiga va mamlakatlar fuqarolariga ta'sir qilmoqda.

Kompyuter qarshisida ishlash, televizor ko'rish odamning ko'zlarini toliqtirib, zerikishga olib keladi. Bu borada dam olish kunlari va ishdan keyin inson o'z qobiliyatini tiklash uchun dam olishi, toza havoda sayr qilishi va tabiat quchog'ida bo'lib, jismoniy ishlar bilan shug'ullanishi kishilarni psixologik jihatdan toliqqishdan chiqaradi. Odam tabiat quchog'idan yangidan kuch-quvvatga to'lib qaytadi. Shunday ekan, jangovar operatsiya paytida ofitserlar, komandirlar, qo'mondonlar va oddiy askarlarning psixologik toliqishi tabiiydir.

Mutaxassislar o'tkazgan tadqiqotlarda internet "kasalligi"ning belgisi quyidagicha:

- "Ma'lumot qidirish uchun bir necha daqiqaga kompyuter oldiga o'tirasiz, ammo o'zingiz sezmaganda soatlab vaqtingizni boy berganingizni sezmaydiz;
- kompyuter monitori oldida uzoq muddat o'tirish, jismoniy muammolarni keltirib chiqaradi;
- borgan sari internetda ishlashga mushtoqlikni sezib qolasiz;
- internet orqali noma'lum kishilar bilan tanishish sizga hayajon bag'ishlaydi. Insonlar bilan muloqot qilishdan ko'ra, internetni afzal bilasiz;
- elektron pochta orqali biror xat kelganmikan, degan kuchli orziqish sizning doimiy yo'ldoshingizga aylanib qoladi;
- internetda kerakli ma'lumotni topish uchun belgilangan uchrashuv, dars va hatto ovqatlanishdan ham voz kechasiz;
- kompyuterdan uzoqlashib qolganingizda yuragingiz siqilib, ichki bir tuyg'u sizni kompyuteringiz sari chorlayveradi.
- yaqinlaringizga kompyuter oldida o'tkazilgan vaqtni bir necha barobar kamaytirib aytasiz va hokazo.

Olimlarning ta'kidlashicha, hozirda dunyoni qamrab olayotgan "o'rgimchak to'ri" kuchli virusdek qo'loch yoymoqda. Buning oqibatida esa, surunkali kasalliklar soni keskin ko'payib bormoqda.

Internet asoschilaridan biri – amerikalik Fil Kats ana shunday ka-sallik qurboni bo'ldi. U shu darajada kompyuter kodlariga sho'ng'ib ketgan ediki, oqibatda o'zini o'rab turgan va uning nazaridagi klavishlar orqali boshqarib bo'lmayotgan murakkab

real hayotdan uzilib qoldi.

Internet tizimida senzura va cheklovlarga yo‘l qo‘yish mumkin bo‘lmaganligi uchun turli xil siyosiy ma‘lumotlar, hukumatlar doirasida ham muam-molar tug‘dirmoqda. Ustiga-ustak, internetdagi ko‘plab pornografik, portlovchi va zaharli moddalar tayyorlashni o‘rgatadigan saytlar, g‘arazli niyatdagi guruhlar uchun juda qo‘l keladi. XXI asr davlatlar uchun katta muammo bo‘lishi kutilayotgan internet kimlar uchundir oddiy bir ko‘ngilochar vosita sifatida ham xizmat qilmoqda”¹¹¹.

Jahonda internet, elektron pochta, radiotelefon, teleradio vositalari orqali tarqatilayotgan salbiy axborot tashviqotlari, bir insonni ikkilanishga va mamlakatlar olib borayotgan siyosatlariga ishonmaslikka olib keladi. Salbiy axborot vositalari ta’siri natijasida qurolli kuchlar shaxsiy tarkibi va davlat fuqarolari dunyoqarashlari o‘zgarishi mumkin.

Anashunday insonlarni kompyuter va televideniya intilishini hisobga olgan dushman, o‘zining zaharli va buzg‘unchilik ishlarini yolg‘on-yashiq uslublarni qo‘llab shaxsiy tarkib va fuqarolar ongiga ta’sir o‘tkazib, ularning ruhiyatini o‘zgartirib o‘ziga kerakli tomonga boshqarshi mumkin. Anashu televedeniya va internet tizimidan keladigan xabarlarini bartaraf qilish uchun shaxsiy tarkibni va fuqarolarni kundun-kunga televideniya va internet tarqatiladigan salbiy informatsion chiqishlarga qarshi kurashga tayyorlab borish zarur. Shaxsiy tarkibni va fuqarolarning yuqori darajada Vatanni sevishi va uni ardoqlashi, ya’ni vatanparvarligi, tarixiy, ma’naviy va psixologik sog‘lomligi, o‘zining harbiy kasbi uchun mag‘rurlanishi va uni mutaxassis sifatida harbiy san’atni bilishi, davlat siyosatiga fidoilligi, ya’ni uni qo‘llab-quvvatlashi, qurolli kuchlar safida xizmat qilishlari, axborot vositalari ta’siri ostida qolishiga yo‘l qo‘ymaslik zarur. Dushman salbiy axborot xabarlariga qarshi turish, ma’lum qoidalar va qonunlarga amal qilingan holda olib boriladi.

O‘zbekistonning birinchi Prezidenti – Islom Karimov ta’kidlaganidek:

“Faqat ma’naviy sog‘lom, kuchli jamiyatgina islohatlarga tayyor bo‘lishi mumkin”.

Buni hisobga olgan holda: “Xalqimizning asrlar osha yashab kelgan an’analari, urf-odatlar, tili va ruhi negiziga qurilgan milliy mustaqillik mafkurasi umuminsoniy qadriyatlar bilan mahkam uyg‘unlashgan holda kelajakka ishonch tuyg‘usini odamlar qalbi va ongiga yetkazishi, ularni Vatanga muhabbat, insonparvarlik ruhida tarbiyalashi, halollikni, mardlik va sabr-bardoshlilikni, adolat tuyg‘usini, bilim va

¹¹¹ Mahmud Mahkamov. “Internet takomili va muammolari”. “Xalq so‘zi” . 2004. 6 fevral.

ma'rifatga intilishini tarbiyalash yo'lida xizmat qilmog'i lozim"¹¹².

Bunday, ruhiy tarbiya barcha sohalarda, ayniqsa Qurolli Kuchlar shaxsiy tarkibini tarbiyalashda tinimsiz olib borilsa, jangchilarni hamma vaqt og'ir sharoitlarga tezda moslashishiga, terroristik, ekstremistik, diniy aqidaparastlik oqimlariga qaqshatgich zarba berishga doimo tayyor turshga chorlaydi.

Bu borada harqanday psixologik qiyinchiliklarni yengish, dushman tomondan ishlatilgan salbiy axborot-psixologik xrujlarga qarshi kurashga va bordu-yu dushman qurolli hujum qilishga o'tsa uni yanchib tashlashga, diversion guruhlarni ushlab va yo'q qilishga qodir bo'ladi.

Qurolli Kuchlar shaxsiy tarkibni va mahalliy aholini xavfsizligini va sog'ligini ta'minlash yo'lida olib boriladigan informatsion-psixologik operatsiyalar ularni iymon-e'tiqodini, irodasini va ma'naviy-ruhiy holatini mustahkam qiladi.

Bu esa, "Odamlarimiz, avvalambor yoshlarimizning iymon-e'tiqodini mustahkamlash, irodasini baquvvat qilish, ularni o'z mustaqil fikriga ega bo'lgan barkamol insonlar etib tarbiyalash, ularning tafakkurida o'zligini unutmaslik, otabobolarning muqaddas qadriyatlarini asrab-avaylash va hurmatqilish fazilatini qaror toptirish, ularning, men O'zbek far-zandiman deb, g'urur va iftixor bilan yashashiga erishishiga"¹¹³ yordam beradi.

Bunday vazifalarni amalga oshirish, shaxsiy tarkibni va fuqarolarni dushman televideniya orqali tarqatadigan salbiy ta'sirga qarshi kurashga tayyorlash va ularda milliy o'zlikni shakllantirish demakdir. Inson ruhiyatini davolashda so'zning ta'siri o'ziga xos juda kuchli quvvatga ega. Ayniqsa insonni sog'lamlashtiradigan, uni ruhiyatini ko'tara-digan, do'stlar bilan birlashtiradigan, balodan asraydigan, kasal qiladigan ham va tarbiyalaydigan ham so'z, dushmanga muhtoj qilmaydigan va unga zarba beradigan ham so'z.

XULOSA

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan turli sharoitda shaxsiy tarkibni, raqib informatsion-psixologik ta'siridan himoya qilish, texnika yordamida dushman axborot xabarlarini tarqatayotgan vositalarni yo'q qilish lozim ekanligini bilib olishimiz mumkin.

¹¹² I.A.Karimov "O'zbekiston buyuk kelajak sari". Toshkent. "O'zbekiston".1999. B 311.

¹¹³ I.A.Karimov. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot-pirovard maqsadimiz. 8-jild. Toshkent. "O'zbekiston". 2000. B 494.

REFERENCES

1. Алексей Кудрявцев. «Ваххабизм»: проблемы религиозного экстремизма на Северном Кавказе, «Центральная Азия и Кавказ», Общественно-политический журнал, № 3(9) 2000. ИАС Швеция. Страницы 116 - 117.
2. Gazeta “Krasnaya Zvezda”. 2003 yil, 29 yanvar, 2-bet.
3. “Xalq so‘zi” gazetasi, 2003 yil, 8 iyul.
4. Вадим Карпов. "Подземка Стала Адом". Газета "Труд", 7 февраля 2004 г.
5. Vinokurov I. , Gurtovoy G. Psixotron urush: Afsonadan haqiqatga. M.: Misteriya, 1993. - 366 bet.
6. Volkogonov D. A. Psixologik urush (Imperializmning ommaviy ong tizimidagi qo‘poruvchilik harakati). – M.: Voenizdat, 1984. – 320 bet.
7. Dotsenko Ye. L. Psixologik manipulyatsiyalar. – M.: CheRo, 1997. – 344b.
8. Kovalev G. A. Psixologik ta’sir: Tizimli – ekologik tahlil. M.: RAU, 1989. – 320 bet.
9. Kulikov V. N. Psixologik ishontirish. – Ivanova: Ped. in-t., 1978. 350 bet.
10. Laynbardjer P. Psixologik urush. – M.: Voenizdat, 1962. 350 bet.
11. “Zombi” dasturi harakatda: Uskunalar yordamida insonni boshqarsa bo‘ladimi?: Majmua/Tuzuvchi. T. Skobelova. – M.: Sandina, 1995. 136 b.

HARBIY QISMLARDA QUROL-ASLAHA VA HARBIY TEXNIKALARDAN FOYDALANISH

Mirzaliyev Zoxidjon Rayimaliyevich,

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti
harbiy tayyorgarlik o‘quv markazi katta o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada harbiy qismlarda qurol-aslah va harbiy texnikalardan foydalanish, shuningdek, guruhlariga bo‘linishi mashinalardan tinchlik davrida foydalanish tartiblari borasida ma‘lumotlar o‘z aksini topadi.

***Kalit so‘zlar:** Jangovar razvedka, qurol va texnikalarni ta‘mirlash, texnik xizmat ko‘rsatish, artilleriya qurilmalari, transportyor, jangovar mashinalar.*

ABSTRACT

This article reflects information on the use of weapons and military equipment in military units, as well as the procedures for the peaceful use of machines in their division into groups.

***Keywords:** Combat Intelligence, repair of weapons and equipment, maintenance, artillery devices, transporter, combat vehicles.*

KIRISH (INTRODUCTION)

Ma‘lumki, harbiy qo‘shilmalar, qismlar va bo‘linmalarning komandirlari va ularning qurol-aslah bo‘yicha o‘rinbosarlarining har tomonlama nazariy tayyorgarligi, amaliyotdagi malaka darajasi, tashkilotchilik qobiliyati, ularning ishlash uslublarini asosiy maqsadlari – harbiy qo‘shilmalar, qism va bo‘linmalarning safidagi qurol-aslah va harbiy texnikalarni yuqori darajadagi jangovar shaylikda saqlashdan iborat bo‘ladi.

Qo‘shilmalar, harbiy qism va muassasalarda mashinalar jangovar tayyorgarlik, jangovar navbatchilikni olib borish bo‘yicha tadbirlarni o‘tkazish hamda harbiy okrug qo‘shinlari qo‘mondonining maxsus ko‘rsatmasiga asosan yillik motoresurslar sarfi me‘yorlari doirasida o‘ta muhim davlat ob‘ektlari va harbiy shaharchalarni qo‘riqlash hamda mudofaa qilish uchun foydalaniladi. Ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik va sinov ishlari rejasi bo‘yicha mashinalarni ekspluatatsiya qilish mudofaa vazirining tegishli buyruqlari bilan belgilanadi. Bajaradigan vazifasi va konstruktiv xususiyatlariga qarab, zirhli tank qurol va texnikalari, zirhli tank qurollariga hamda zirhli tank texnikalariga bo‘linadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Zirhli tank qurollari safiga tanklar, o'ziyurar artilleriya qurilmalari (O'AQ), piyodalar jangovar mashinalari (BMP), desant jangovar mashinalari (BMD), zirhli transportyor (BTR), jangovar razvedka - dozor mashinalari (BRDM), yengil zirhli transportyorlar (yeZT) va ularning modifikatsiyalari, shuningdek, boshqa turdagi qurol-aslaha va texnikalarni o'rnatish (montaj qilish) uchun mo'ljallangan ushbu mashinalarning bazalari kiradi.

Zirhli tank texnikalariga tanklarni shatakka oluvchilar (TT), zirhli ta'mirlash evakuatsiya mashinalari (BREM), yengil zirhli ta'mirlash va evakuatsiya qilish mashinalari, zirhli tank qurol va texnikalarni ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatish ko'chma vositalari hamda mototsikllar kiradi.

Zirhli tank anjomlariga (ZTA) ZTQTLarni texnik soz holda ushlab turish uchun ishlatiladigan yig'ma qismlar, detallar va butlovchi qismlar, hamda o'quv anjomlari (o'quv sinfi to'plami, trenajyorlar, moddiy qismlarni o'rganish uchun ishlatiladigan alohida yig'ma qismlar) kiradi.

Harbiy qism shtatidagi barcha zirhli tank qurol va texnikalar quyidagi foydalanish guruhlariga:

doimiy shaylikdagi harbiy qismlarda jangovar va saf guruhlariga;

aralash tarkibdagi harbiy qismlarda o'quv-jangovar va o'quv-saf guruhlariga bo'linadi.

Mashinalarning jangovar va o'quv-jangovar guruhleri zirhli tank qurollaridan, saf va o'quv-saf guruhleri esa, zirhli tank texnikalardan yaratiladi.

Harbiy ta'lim muassasalar va o'quv qismlarida barcha shtatdagi mashinalar tegishli ravishda o'quv-jangovar va o'quv-saf guruhlariga kiritiladi.

Jangovar guruhga tanklar, o'ziyurar artilleriya qurilmalari (O'AQ), piyodalar jangovar mashinalari (BMP), jangovar desant mashinalari (BMD), zirhli transportyor (BTR), jangovar razvedka dozor mashinalari (BRDM), yengil zirhli transportyorlar (yeZT) va ularning modifikatsiyalari hamda shu mashinalar bazasida yaratilgan boshqa mashinalar kiradi. Shuningdek, bu guruhga qo'mondonlik hamda boshqarma mashinalari ham kiradi.

O'quv-jangovar guruhiga kiruvchi mashinalardan jangovar tayyorgarlik mashqlarini bajarish maqsadlarida foydalaniladi.

Saf guruhiga tanklarni shatakka oluvchilar (TT), zirhli ta'mirlash evakuatsiya mashinalari (BREM), yengil zirhli ta'mirlash evakuatsiya mashinalari, zirhli tank qurol va texnikalarni ta'mirlash va texnik xizmat ko'rsatuvchi ko'chma vositalari hamda mototsikllar kiradi.

O'quv-saf guruhiga esa, ta'mirlash qism va bo'linmalarida mutaxassislarni tayyorlash va ZTQTLar ekspluatatsiyasini ta'minlash uchun foydalaniladigan shu turdagi mashinalarning bir qismi ajratiladi.

Mashinalar jangovar va saf guruhlariga faqat yangi va kapital ta'mirdan chiqqan, texnik soz, ehtiyot qismlar, asbob-uskunalar va kerakli jihozlar bilan to'liq butlangan hamda navbatdagi ta'mirgacha kamaymaydigan zaxiraga ega bo'lgan mashinalar kiritiladi.

Tinchlik davrida zirhli tank qurol va texnikalardan foydalanish jarayoni, harbiy qism va bo'linmalarining doimiy jangovar shayligini ta'minlash, shaxsiy tarkibning jangovar tayyorgarligini muntazam ravishda oshirish, jangovar (saf) guruhi mashinalari uchun belgilangan kamaymaydigan zaxira miqdorini hamda mashinalarni o'rta va kapital ta'mirlashga navbatma-navbat jo'natilishini ta'minlashi kerak.

Foydalanish jarayonida jangovar guruhiga tegishli mashinalarning kamaymaydigan zaxirasi jangovar va o'quv-jangovar guruhiga tegishli mashinalarning motoresurslari hisobidan ushlab turiladi.

Mashinalarning yillik foydalanish miqdorlarini va har bir foydalanish guruhidagi mashinalar sonini belgilashda shaxsiy tarkibni jangovar tayyorgarlik talabini bajarish bilan bir vaqtda jangovar mashinalarning kamaymaydigan zaxiralarini ushlab turishni ham e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak.

Harbiy qismning jangovar tayyorgarlik rejasini amalga oshirishni to'liq ta'minlaydigan mashinalar va motoresurslar hisobini ishlab chiqqandan keyin, jangovar guruhdagi mashinalarning kamaymaydigan zaxirasini ushlab turish talabini tekshirib ko'rish kerak bo'ladi. Agarda mashinalarning kamaymaydigan zaxirasi talablari bajarilsa, mashinalardan foydalanish uchun ishlab chiqilgan hisob-kitoblar bo'yicha amalga oshiriladi. Aksincha bo'lsa, bu hisob - kitoblarga o'zgartirishlar kiritiladi. Mashinalardan foydalanish jarayonida shu narsani nazardan qochirmaslik kerakki, bunda o'quv-jangovar guruhidagi mashinalarning motoresurs miqdorini oshirish, shu guruhdagi mashinalar sonini oshirish yoki yillik foydalanish miqdorini kamaytirish hisobiga amalga oshirilsa, jangovar guruhdagi mashinalarni kamaymaydigan zaxirasini ushlab turish sharoiti yaxshilanadi va aksincha, yillik foydalanish miqdorining ko'payishi bu shartning bajarilishini yomonlashtirishi mumkin.

Mashinalarni ekspluatatsiya qilishni rejalashtirishda qo'shilma, qism komandirlari va muassasa boshliqlariga mashinalarning motoresurslarini xuddi shunday rusum va guruhdagi mashinalar hisobidan, faqat **bir yillik me'yordan**

oshmagan holda ko'paytirishga ruxsat beriladi. Shu tariqa, jangovar guruhdagi mashinalarning motoresursi tejaladi va kamaymaydigan zaxirasi ushlab turiladi.

Jangovar guruhdan o'quv jangovar guruhiga eng ko'p ishlatilgan mashinalar, ishlab chiqarilgan yili hamda texnik holatiga qarab o'tkaziladi. Mazkur guruhdagi mashinalar shaxsiy tarkibning jangovar tayyorgarlik darajasini ko'tarish maqsadida va taktik o'quv mashqlarida jadal foydalanadi.

Kapital tamirlashga jo'natilgan mashinaning o'rnini jangovar yoki saf guruhlariga xuddi shunga o'xshash mashina bilan to'ldiriladi, o'rta ta'mirlashga jo'natilgan mashinaning o'rnini esa, to'ldirilmaydi, ammo lekin ta'mirlashdan keyin xuddi shu mashinani o'zidan o'quv-jangovar yoki o'quv-safi guruhida foydalaniladi.

Jangovar yoki saf guruhiga tegishli mashinalar o'rnini yangi yoki kapital ta'mirlashdan chiqqan mashinalar bilan to'ldirib boriladi. Butlash uchun kelgan mashinalarning motoresurslar sarfi, topshirilgan (kapital ta'mirlashga yuborilgan) mashinalarda sarf qilinmagan motorusurlarning yillik me'yorlar qoldig'i chegarasida sarflanadi.

Harbiy qism yangi texnikalar bilan butlanganda, birinchi navbatda o'quv jangovar guruhi to'ldiriladi, shu bilan birga shaxsiy tarkibni tayyorgarlik rejasini sifatli ta'minlash uchun jangovar va o'quv-jangovar guruhga tegishli mashinalarning motoresurslari yillik miqdor darajasida qoladi.

Yangi turkum texnikasi va qurol-aslahalar bilan qurollanganda, shaxsiy tarkibni qayta tayyorlash maxsus dasturlar asosida o'tkaziladi.

Avtomobil texnikalarini foydalanish guruhlariga bo'linishi va mashinalardan tinchlik davrida foydalanish tartiblari

O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi qo'shilma (harbiy qism)larida har xil namunadagi va turli rusumdagi avtomobil parki mavjud. Ularning aksariyat guruhini g'ildirakli avtomobil texnikalarining ko'p maqsadli avtomobillari tashkil qiladi.

Harbiy avtomobillar murakkab sharoitlarda va yo'llarda ekspluatatsiya qilishga mo'ljallangan va shaxsiy tarkibni, turli xil yuklarni hamda tirkamalarni tashish uchun xizmat qiladi.

Avtomobil texnikasi o'z ichiga avtomobil texnikasi va avtomobil anjomlarni oladi.

Avtomobil texnikasiga quyidagilar tegishli:

ko'p maqsadga mo'ljallangan avtomobillar, g'ildirakli shataklar, ko'p o'qli maxsus g'ildirakli shassilar va ko'p o'qli g'ildirakli og'ir shassilar, qurol-aslahalar, boshqaruv vositalari va maxsus texnikalarni o'rnatish uchun (montaj qilish)

mo'ljallangan g'ildirakli bazali shassilar, g'ildirakli shassiga o'rnatilgan avtomobil texnikalariga ko'chma texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash vositalari;

zanjirli shataklar, transportyor-shataklar va transportyorlar, zanjirli shataklarning bazali shassilari, qurol-aslahalar, boshqaruv vositalari va maxsus texnikalarni o'rnatish uchun (montaj qilish) mo'ljallangan transportyor-shataklar va transportyorlar; zanjirli shassiga o'rnatilgan avtomobil texnikalariga ko'chma texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash vositalari;

mexanik shatak va yordam berish ishlari uchun qo'llaniladigan traktorlar;
tirkama va yarim tirkamalar.

Avtomobil anjomlariga quyidagilar kiradi: mashina agregatlari va ehtiyot qismlari, elektrojihozlar, avtomobil shinalariva rezinotexnik ashyolar; avtomobil texnikalarni ekspluatatsiya qilish va ta'mirlash uchun uskunalar, asboblar, jihozlar; texnik (avtomobil) tayyorgarlik uchun harbiy-o'quv anjomlar (amaliy ishlar uchun eksponat-mashinalar, kesma agregatlar, trenajyorlar, maketlar, stendlar, adabiyotlar va x.q); qurol-aslaha va texnika majmualariga tegishli avtotraktor turidagi dvigatel va agregatlar.

Avtomobil texnikalar turlari buyicha yengil, yuk tashish va maxsus texnikalarga bo'linadi.

yengil avtomobillarga xizmat faoliyatini ta'minlash, shaxsiy tarkibni tashish(2 tadan 7 kishi miqdorda), yengil texnika va yuklarni tashish uchun mo'ljallangan mashinalar kiradi.

Yuk tashuvchi avtomobillarga yuk platformasi (kungi) bor va shaxsiy tarkibni tashish, qurol-aslahalarni hisobi bilan har-xil moddiy vositalarni yoki qurol-aslaha va texnikalarni shatakka olish uchun mo'ljallangan mashinalar hamda samosvallar va katta (sedelный) shataklar yuk tashuvchi tirkamalari kiradi.

Maxsus avtomobillarga ulargaqurol-aslaha o'rnatilgan, aniq bir yuk tashish uchun jihoz yoki moslamalar va shu turga mos kuzovlari bor mashinalar hamda sanitar avtomobillar, passajirli, shtab va boshqa avtobuslar kiradi.

Avtomobil texnikalar tinchlik vaqtida jangovar, saf, transport va o'quv foydalanish guruhlariga bo'linadi.

Jangovar guruhga qurollar-aslahalar, radiolokatsiya apparaturalari, boshqaruv va aloqa vositalari o'rnatilgan, qurol-aslaha majmualariga kiruvchi mashinalar, shuningdek, artilleriya tizimlari, artilleriya o't ochishini va raketalarni boshqarish apparaturalari o'rnatilgan tirkamalarni shatakka olib yurishga (hisoblarni tashib yurishga) mo'ljallangan avtomobillar kiradi.

Saf guruhiga shaxsiy tarkibni, qurol-aslahalarni, o‘q-dorilarni, harbiy-texnik anjomlarni va boshqa moddiy vositalarni tashishga, uchuvchi apparatlarni shatakka olish va ularga texnik xizmat ko‘rsatishga, qurol va texnikalarni evakuatsiya qilishga, shuningdek, maxsus qo‘shinlarning muhandislik, yo‘lsozlik va boshqa qism (bo‘linma)larning texnik ta‘minoti bo‘linmalarini maxsus jihozlarni o‘rnatishga mo‘ljallangan mashinalar kiradi.

Transport guruhiga harbiy qismning kundalik xizmat faoliyatini, xo‘jalik, madaniy-maishiy, tibbiy va boshqa ta‘minotlarni ta‘minlash uchun mo‘ljallangan mashinalar kiradi.

O‘quv guruhiga shaxsiy tarkibni amaliy haydashga o‘rgatish va shu mashinalarga o‘rnatilgan maxsus jihozlardan amaliy foydalanishga mo‘ljallangan mashinalar kiradi.

XULOSA

Tinchlik davrida qurol-aslahalar va texnikalarni ekspluatatsiya qilish O‘R MV buyruqlarining talablariga asosan tashkillashtiriladi va qo‘shinlarni jangovar tayyorgarlik rejasini bajarish maqsadida amalga oshiriladi.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasining Mudofaa doktrinasi. – T., 2018.
2. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirining 2020 yil 30 martdagi 300 - sonli buyrug‘i “Raketa-artilleriya qurol-aslahalari bo‘yicha Qo‘llanmani tasdiqlash to‘g‘risida”.
3. O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirining 2020 yil 3 martdagi 222 - sonli buyrug‘i “O‘zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligi qo‘shinlarida zirhli tank xizmati faoliyatini yuritish tartibi to‘g‘risidagi Nizom”.
4. “ZTQT saqlashga oid qo‘llanma”. - T., 2005.

TERRORIZM VA FUQARO MUHOFAZASI

Bozorov Umidjon Negboyevich

Navoiy viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada "terrorizm" atamasi va uning ma'nosi, din va davlat munosabatlariga ta'siri, terrorchilik harakatlari tufayli kelib chiqishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish chora-tadbirlari haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: *Terrorizm, diniy ong, diniy-ekstremistik g'oyalar, diniy muassasalar, fuqaro muhofazasi, «Islom lashkarlari», siyosiy «o'yinlar».*

ABSTRACT

This article discusses the term "terrorism" and its meaning, its impact on religion and state relations, and measures to prevent emergency situations that may arise due to terrorist activities.

Keywords: *Terrorism, religious consciousness, religious-extremist ideas, religious institutions, civil protection, "Islamic armies", political "games".*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается термин «терроризм» и его значение, его влияние на религию и государственные отношения, а также меры по предупреждению чрезвычайных ситуаций, которые могут возникнуть в связи с террористической деятельностью.

Ключевые слова: *Терроризм, религиозное сознание, религиозно-экстремистские идеи, религиозные институты, гражданская защита, «исламские армии», политические «игры».*

KIRISH

O'zbekiston Respublikasi prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev boshchiligida hukumatimiz tomonidan, bir qancha xayrli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan aholini turli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilishning huquqiy asoslarini belgilovchi O'zbekiston Respublikasining 1999-yil 20 avgustdagi "Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to'g'risida"gi Qonuni aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish sohasidagi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solish hamda favqulodda vaziyatlar ro'y berishi va rivojlanishining oldini olish, favqulodda vaziyatlar keltiradigan talofotlarni kamaytirish va favqulodda vaziyatlarni bartaraf etish maqsadida qabul qilingan.

Mamlakatimiz milliy davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biri aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen favqulodda vaziyatlardan muxofaza qilish, xavfsizlikni ta‘minlash, barqaror iqtisodiy rivojlanishga erishishdan iboratdir. Bu esa favqulodda vaziyatlarni oldindan aniqlash va aholini bu xavfdan ogohlantirish borasida samarali tadbirlar o‘tkazish, favqulodda vaziyat ro‘y berganda tezkor harakat qilish, insonlarning qurbon bo‘lishiga yo‘l qo‘ymaslik, iqtisodiy zarar kam bo‘lishini, xavfsizlikni o‘z vaqtida ta‘minlashni taqozo etadi. Bugungi kunda favqulodda vaziyatlarda mamlakat va uning aholisi xavfsizligini har tomonlama ta‘minlashga qaratilgan qaror, farmonlar va meyoriy hujjatlar qabul qilinib, amaliyotga samarali tadbir etib kelinmoqda.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Favqulodda vaziyat - bu alohida hududda, hudud ob‘ektida yoki suv havzasida odamlarning normal yashash sharoitlari va faoliyatining buzilishi. Favqulodda vaziyatning sababi halokat, falokat, tabiiy ofat yoki boshqa xavfli hodisa, shu jumladan epidemiya, epizootiya, yong‘in bo‘lishi mumkin. Shu kabi favqulodda holatlar sodir bo‘lgan hududda yoki ob‘ektida yashash, u yerda iqtisodiy faoliyat olib borish odamlarning o‘limi yoki jiddiy moddiy yo‘qotishlarga olib kelishi mumkin.

Xavf manbasining turi jihatdan favqulodda vaziyatlar:

- tabiiy;
- texnogen;
- ijtimoiy-siyosiy;
- harbiy xarakterga ega bo‘lishi mumkin.

Dunyoda favqulodda vaziyatlarga qarshi kurash azaldan umumbashariy muammoga aylanib ulgurgan. Shunday qilib, sayyoramizdagi tabiiy va texnogen ofatlar natijasida har yili millionlab odamlar vafot etmoqda. Jahon miqyosida mamlakatlar milliardlab moddiy zarar ko‘rmoqda. Joriy yilda tabiiy va epidemiologik holatlar ta‘sirida, ushbu salbiy ko‘rsatkichlar bir necha barobar o‘shishda davom etmoqda.

Favqulodda holatlar, ayniqsa bolalar uchun xavf tug‘diradi. Favqulodda holatlarda bolalar va axolini barcha qatlamiga:

1. Favqulodda vaziyatlarda xotirjam bo‘lishga harakat qilish va ommaviy axborot vositalari va boshqa manbalardagi himoyalanih bo‘yicha tavsiyalarga amal qilishlarini tushuntirish;

2. agar hayot va sog‘liqqa zudlik bilan tahdid tug‘ilsa, xavfli joydan barcha mumkin bo‘lgan usullar bilan chiqib ketishga harakat qilish kerakligini uqtirish;

3. favqulodda vaziyatlarda bolalarning yonlarida ota-onalari yoki boshqa yaqinlari bo'lishlari muhimligi sababli, yaqinlari yonida bo'lishlarini imkon qadar ta'minlash;

4 tabiiy ofat, baxtsiz hodisa yoki falokat yuz berganda birinchi o'rinda bolalarga zarur tibbiy yordam ko'rsatilishini, sanitariya-gigiena sharoitlari va yaxshi ovqatlanishlarini tashkil etish;

5. terrorizm, qurolli to'qnashuvlar va insonga nisbatan zo'ravonlikning boshqa holatlari bolalarda zo'riqish holatlarni keltirib chiqaradi.

Terrorizm muammosi XX asrning oxiri, ayniqsa uning so'nggi 10 yilida xalqaro jamoatchilikni qattiq tashvishga solib qo'ydi.

Terrorizm bu – ma'lum siyosiy maqsadlarga erishishga yo'naltirilgan, tinchlikka, fuqarolar xavfsiligiga va hayotiga zo'ravonlik ishlatish, yoki, uni qo'llash xavf xatarini tug'diradi. Terrorizm umuminsoniy va davlat ahamiyatiga molik masalalarni hal etish yo'lida asosiy to'siqlardan biri bo'lish uchun harakat qilayotgan zamonamizning o'ta xavfli jamiyatlaridan biridir. Bu jarayonga nisbatan samarali qarshi turish uchun, avvalo, terrorizmning mohiyatini, uning sabablari, yuzaga kelish shartlari va omillarini tushunib olish zarur.

Millionlab odamlarning nobud bo'lishiga olib keluvchi infratuzilma ob'ektlarida va turar joy binolarida terrorchilik harakatlarining dunyo amaliyotida tez-tez sodir bo'layotgan O'zbekiston Respublikasining «Aholini va hududlarni tabiiy hamda texnogen tusdagi favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish to'g'risida», «Fuqaro muhofazasi to'g'risida»gi qonunlariga muvofiq muhofaza tadbirini shoshilinch ravishda ko'rilishini, terroristik xurujlarni oldini olish ishlariga aholining barcha tabaqalarini jalb etishni talab etmoqda. Iqtisodiy ob'ektlarda terrorchilik harakatlari tufayli kelib chiqishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish bo'yicha ishchi, xizmatchi va muhandis – texnik xodimlarni fuqaro muhofazasiga oid amaliy tadbirlar ko'rish lozim. Hayotiy faoliyat xavfsizligi asoslari bo'yicha tegishli ma'ruzalar o'quv dasturlarini kiritilgan, aholining xavfsizlik sohasidagi savodxonligini oshirishga qaratilgan o'quv – taktik mashqlarni o'tkazish, terrorchilik harakatini amalga oshirishga to'sqinlik qiluvchi sharoitlar vujudga keltirgan.

Ma'lumki, mamlakatimiz fuqarolik jamiyatini mustahkamlash yo'lidan bormoqda. «Fuqarolik jamiyati» degani esa, birinchi navbatda, jamiyat boshqaruvining muayyan sohalarini davlat organlari va tashkilotlaridan bosqichma-bosqich noxukumat tuzilmalarga o'tib borishini anglatadi. Demokratik mamlakatlar tajribasi shundan dalolat bermoqdaki, fuqarolik institutlari ma'naviyat va ma'rifat,

ilm-fan va madaniyat bilan bog`lik soxalarda o`zini ko`proq namoyon etib boradi. Oxirgi yillarda O`zbekistonda bu sohada katta islohotlar amalga oshirilmoqda. Milliy g`urur, o`zlikni anglash, milliy-diniy qadriyatlarni to`g`ri va sog`lom idrok etishga xizmat qilishga qaratilgan ma`naviy-ma`rifiy yo`nalishdagi qator jamg`armalar, uyushmalar va markazlar tuzilmoqda. Ular davlat tashkilotlaridan qabul qilib olinayotgan tegishli boshkaruv va tarbiyaviy-ma`rifiy funksiyalarni bajarishga xarakat qilmokda. Davlat organlari, o`z navbatida, ularning mustahkamlanib borishi uchun zarur moddiy-ma`naviy va qonuniy asoslarni yaratishga faol ko`maklashmoqda.

XULOSA

Mustahkamlanib borayotgan milliy o`zlikni anglashga bevosita aloqador diniy qadriyatlarning to`g`ri va sog`lom idrok etilishiga qaratilgan ma`rifiy-tarbiyaviy ishlarni amalga oshirishi kerak. Boshqacha aytganda, ularning asosiy vazifalaridan biri - diniy qadriyatlar, eng avvalo, insonning ma`naviy kamolotiga xizmat qilishi lozimligi xaqidagi azaliy xaqiqatni, xalqimiz, ayniqsa, yosh avlod ongiga singdirib borishdir. Bundan ham muhimi, — diniy e`tiqod siyosiy «o`yinlar» maydoni emasligi, bu kabi «o`yinlar»ning jamiyat xavfsizligi va barkarorligi uchun xatarli ekanini ilmiy-tarixiy va hayotiy dalillar bilan asoslagan holda keng ommaga muntazam tushuntirib borishdan iboratdir. Ushbu ishdan ko`zlangan pirovard natija xalqimiz uchun qadimdan an`anaviy bo`lib kelayotgan diniy-ma`naviy merosga sadoqatni mustahkamlash, shu orqali, diniy qadriyatlarning xaqiqiy o`rnini to`g`ri idrok etish, diniy vaziyatning sog`lom va tabiiy rivojlanishiga amaliy hissa qo`shishdan iborat bo`lgani uchun ham u quruq tashviqot bo`lib qolmasligi kerak. Diniy qadriyatlarning sog`lom va to`g`ri idrok etilishiga qaratilgan faoliyat ko`hna va serqirra tariximiz, hamda, ajdodlarimiz qoldirgan ibratli ma`naviy merosga asoslanishi lozim. Fuqarolik jamiyati institutlari mustahkamlanib borgani sari, buyuk bobokalonlarimiz qoldirgan boy ilmiy-ma`naviy meros, jumladan, ma`naviyatimizning uzviy qismi bo`lgan milliy-diniy qadriyatlarni chuqur va yangicha yondashuv asosida o`rganish imkoniyatlari kengayib bormoqda.

REFERENCES

1. Z.Islamov. Diniy ekstremizm va terrorizm ga qarshi kurashning ma`naviy-ma`rifiy asoslari.
2. BMT Bosh Assambleyaning 2000 yil 8 sentabrdagi 55/2-rezolyutsiyasi bilan ta`sis etilgan BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTINING MING YILLIK DEKLARATSIYASI.

-
3. Alexander, Y., & Pluchinsky, D. A. (Eds.). (1992). European Terrorism- Today & Tomorrow. New York: Brassey's.
 4. Ravshanov, F. R., & Azimov, H. Y. (2021). Xavf va xavfsizlik: tarix va Hozir.
 5. Cranston, A. (1986). The Nuclear Terrorist State. Netanyahu, B. (Ed.), Terrorism, How The West Can Win (1st ed.) in (177-181). Toronto: Collins Publishers.

SEMENTBETON QOPLAMA PLITALARI ORASIDA KO'TARILISHLAR HOSIL BO'LISHIGA OLIB KELADIGAN OMILLARINI TAHLIL QILISH

Dauletov Madiyar Boranbaevich
Qoraqalpoq davlat universiteti assistenti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada sementbeton qoplamali yo'llardagi ko'tarilishlarning hosil bo'lmashligi, choklarning ishlash mexanizm, yurib o'tayotgan avtomobildan tushadigan yuklama plitaning bir qismidan ikkinchi qismiga samarali tarzda uzatilishi, choklardagi shtir orqali birikishlari haqida fikr yuritilgan. Bundan tashqari, sementbeton plitalari orasidagi ko'tarilishlar hosil bo'lishiga sabab bo'luvchi omillar tahlil qilingan. [1]

Kalit so'zlar: Sementbeton qoplamali yo'llar, ko'tarilishlar, choklar, shtir, darzlar, konstruksiya, deformatsiya, siqilish choki, plita.

АННОТАЦИЯ

В данной статье высказывается мнение о непроявленные уступы на дорогах с цементобетонным покрытием, механизм работы швов, эффективной передаче нагрузки от проезжающего автомобиля с одной части плиты на другую часть, и соединение швов с помощью штыри. Кроме того, были проанализированы факторы, вызывающие подъем между цементобетонными плитами.

Ключевые слова: Цементобетонные дороги, уступы, стыки, штыри, трещины, конструкция, деформация, сжатый шов, плита.

ABSTRACT

This article expresses an opinion about the unmanifested ledges on roads with cement concrete pavement, the mechanism of operation of the seams, the effective transfer of the load from a passing car from one part of the slab to another part, and the connection of the seams using pins. In addition, factors causing lift between cement concrete slabs were analyzed.

Keywords: Cement concrete roads, steps, joints, pins, cracks, construction, deformation, compressed joint, slab.

KIRISH


Transport oqimi jadal sur'atlar bilan o'sayotgan bugungi sharoitda, ayniqsa, oqim tarkibiga o'qiga tushadigan yuklama 13 tonna va undan ortiq avtomobillar mavjudligi mustahkamligi yuqori bo'lgan va uzoq xizmat qiladigan sementbeton qoplamali yo'l to'shamalarini qurish taqozo etmoqda. Shu munosabat bilan, o'zbek milliy avtomagistrali tarkibiga kiruvchi 2306 km uzunlikdagi avtomobil yo'llarini qurish va qayta qurish dasturi doirasida 474 km uzunlikdagi 1^b-toifali 4 ta harakat tasmovidan iborat monolit sementbeton qoplamali yo'l to'shamalarini qurish ko'zda tutilgan. [1]

Shuning ushun bugungi kunda o'zbek milliy avtomagistrali tarkibiga kiruvchi A-380 "G'uzor-Buxora-Nukus-Beynov" avtomobil yo'lida to'rt tasmali monolit sementbeton qoplamasini qurish ishlari investitsiya dasturlari asosida jadal sur'atlar bilan olib borilmoqda.

Respublikamizning quriq-issiq iqlim sharoitida sementbeton qoplamalarini qurish va ekspluatatsiya qilish bo'yicha bir qancha muammalarga duch kelinmoqda. Bu muammalarni bartaraf etish maqsadida maqsadida ilimiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Ko'tarilishlar hosil bo'lmasligi uchun, chok paydo bo'lgan ondan boshlab, yurib o'tayotgan avtomobildan tushadigan yuklama plitaning bir qismidan ikkinchi qismini samarali tarzda uzatilishini ta'minlash kerak. Buni plitaning ikkala qismi materiali tabiiy ishlashda va choklardagi "shtir" orqali birikish orqali erishiladi (1-2-rasmlar).



1-rasm. Ko'ndalang siqilish chokining ishchi holati sxemasi.

Qoplama darz ketgan bo'lsa ham, siniqning ikki tomonidagi bo'laklar bir-biriga zich tegib tursa, siniq tishlar yuklamani u tomondan bu tomonga uzata oladi. Bir burchakdagi siniqning tishlari ikkinchi bo'lakdagi siniqlarning bitig'iga kirib turgan bo'lsa, yuklama yaxshi uzatiladi. Biroq bunday holat uzoq vaqt davom etilmaydi.



**2-rasm. Ko'ndalang siqilish choki ishlab ketgandan keyingi ko'rinish
(G'uzor-Buxora-Nukus-Beynov yo'li 262-km bo'lagi).**

Yoriqlarning ikki tomonidagi bo'laklar bir-biriga nisbatan vertikal yo'nalishda siljib qolsa, chok boshqacha ishlaydi: bir tomonni, ikkinchi tomonning botiqlariga to'g'ri kelmay qoladi; yoriq kattalashganda bo'laklarni keruvchi kuch hosil bo'ladi.

Vertikal siljish va eguvchi kuch, ikkalasining ta'sirida eriq sababli ikkiga ajragan plita bo'laklarining ilgarigi ilashgan holati susayadi, yo'qoladi.

Harorat pasayganda plitaning o'lchamlari birmuncha kamayib, chok kattalashishiga sabab bo'ladi. Yil davomida, sutkalararo haroratning ko'tarilib-tushib turishi asos va betonning deformatsiyalanishi xususiyatlari sabablari ko'ndalang siqilish chokining eni ham bir xilda turmaydi.

Ba'zi mamlakatlarda ko'tarilishlar "klass"larga ajratiladi (1-jadval).

1-jadval[4]

Ko'tarilish "klass"	Ko'tarilish balandligi h , mm
Past	$h < 3$
O'rtacha	$3 < h < 6$
Baland	$6 < h < 9$
Juda baland	$h < 9$


B.N.Karpov [7], yil davomida harorat o'zgarishlari ta'sirida chokning ajralish miqdorini taxminan aniqlaydigan aniqlaydigan formulani taklif qilgan:

$$l_f = l_r + l_u - l_t - l_s - l_{sh} \quad (1)$$

Bu erda l_f –chokning amalda ochilishi (kengayishi); l_r –plitalar erkin siljishi natijasida chokning ochilishi; l_u –betonning cho'kishi natijasida chokning ochilishi;

l_t –ishqalanish kuchlari, plitaning asos bilan ishlashuvi natijasida chokning ochilmay qolishi; l_s –plita muzlab asosga yopishib qolishi sababli chokning ochilmay qolishi; l_{sh} –shtirlarning qarshiligi sababli chokning ochilmay qolishi.

Yurib o'tayotgan transport vositasidan tushayotgan yuklamani plitadan plitaga uzatish koeffitsienti, ba'zan, soxta siqilish chokining eniga bog'liq bo'ladi (3-rasm). Bu rasmdan ko'rinadi-ki, chokning eni qanchalik kichkina bo'lsa, chokning konstruksiyasi yuklamani plitadan plitaga shunchalik ko'p (yaxshi) o'tkazadi. Yoriqning ikki tomonidagi bo'laklar bir-biriga ulashish samarasi esa, material turiga, betonga ishlatilgan to'ldiruvchiga, uning mustahkamligi, shakli, donalari o'lchamlariga (4-rasm) shuningdek, betonning mustahkamligiga bog'liq.



3-rasm. Ko'ndalang siqilish chokining ochilish eniga qarab plitadan plitaga yuk uzatilishi dinamikasi.




4-rasm. Materialning sinig yuzasida tabiiy ilashish mexanizmini amalda ko'rsatish.

Materialning sinig yuzasidagi tabiiy ilashuvi qisman yoki to'liq yo'qolgach, plitadan plitaga yuklama o'tkazish shtirlar orqali amalga oshadi. Shtirlar soni va diametriga qarab ko'tarilish hosil bo'lishi va uning o'sish jadalligiga ham turlicha bo'ladi.

Shtirlar yordamida ulanish ishonchsiz va samarasiz bo'lgani sababli transport vositalaridan tushadigan yuklamalar o'sha joyda qolib ketadi, natijada asosda qoldiq deformatsiya yuzaga keladi (6-rasm, 1-holat).

Ba'zan tabiiy-iqlim sharoitlarining qoplamaga ta'siri transport yuklamalarnikidan ortiqroq shikast etkazishi mumkin. Bunda havo harorati asosiy parametr bo'ladi. Qoldiq deformatsiyalarning to'planib qolishiga qoplamaning qalinligi bo'yicha (ayniqsa, ko'ndalang choklar atrofida) haroratlar farqi ta'sirida plitaning qiyshayishi sabab bo'ladi (6 rasm, II-holat, a,b.). Tabiiyki, plitaning qiyshayishi plitaning o'zi ham bukilib qolishiga olib keladi. Eng ko'p burilish plitaning burchak qismida va chok bilan tutash qismida bo'ladi. Bu bukilib ketishlar keyinchalik aylanib ketishi ehtimol. Ba'zi ma'lumotlarga qaraganda, haroratlar ta'siridagi qiyshayish 2 mm gacha boradi.




5-rasm. Sementbeton qoplamada “ko'tarilish” hosil bo'lish mexanizmi.

Ma'lumki, plitaning qiyshayishi uning qaysidir tomonga siljishiga ham sabab bo'ladi. Plitaning ko'plab marta qiyshayishi va siljishi choklardagi beton buzilib, to'zib ketishiga olib keladi. Natijada suv yo'l tushmasi ichiga o'tib, asosning pastki qatlamiga boradi. Mana shu holatda transport yuklamalari gruntning zararlarini turgan joyidan siqib chiqaradi. Buni choklarda beton plita choklaridan loy paydo

bo'lganidan ham bilish mumkin. Ayniqsa, og'ir yuk mashinalari beton plitani kuch bilan bosganda, irigan grunt qoplama chetidan otilib chiqadi (6-rasm, III-holat). Grunt zarralarining yuvilib chiqishi, tanlangan grunt turiga ham bog'liq. Kam bog'langan yoki umuman zararli bog'lanmagan grunt ishlatilgan bo'lsa, bunday shikastlanish jadal tarzda kechadi. Shu sababdan, asosan ishlatiladigan gruntga mineral yoki organik bog'lovchilar bilan ishlov beriladi.

Ko'tarilish hosil bo'lishiga sementbeton plita qanday tayanib turgani ham jiddiy ta'sir qiladi. Qoldiq deformatsiyalar va asosdagi grunt yuvilishi natijasida plita bilan asos orasida tirqishlar hosil bo'ladi, ya'ni asosga tayanish plitaning butun yuzasi orqali bo'lmaydi (6-rasm, IV-holat). Tirqish hosil bo'lganda esa, plitaning turg'unligi yo'qoladi. Agar tirqish chok atrofida bo'lsa, demak, plitaning o'sha qismi «konsol» tarzida ishlaydi. Transport vositalari o'sha joyni bosaverishi natijasida yo plita asosgacha «egilib» boradi (ko'tarilish hosil bo'ladi), yo o'sha joyidan sinadi (6-rasm, V-holat).



6-rasm. Sementbeton qoplamada ko'tarilish hosil bo'lish mexanizmi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda sementbeton plitaning asosi tayanishi yuzasi, ya'ni eni va uzunligiga bog'liq. Plitaning eng ko'pincha yo'l toifasiga qarab, tayinlansa, ko'ndalang choklar orasidagi masofa hisoblab topiladi. Bu masofaga qarab, ko'tarilish hosil bo'lishi yo tezlashadi, yo sekinlashadi.

Shunday qilib, sementbeton qoplamalarni konstruksiyalashda ko‘tarilishlar hosil qiladigan sabablarni, yo‘l tushamasi konstruksiyasi parametrlarini, tabiiy-iqlim va yo‘l sharoitlarini hisobga olish kerak ekan.

REFERENCES

1. Amirov T.J. Avtomobil yo‘llari va aerodromlar sementbeton qoplamalarini qurish. O‘quv qo‘llanma – T.: “SANO STANDART”. 2017 y.-256 b.
2. A.G.Yunusov, Amirov T.J, B.A.Xoliqov, A.A.Normuxammadov. sementbeton yo‘l qoplamalarini qurishda ravonlikni taminlash muammolari. Me‘morchilik va qurilish muammolari ilmiy texnik jurnali. SamDAQI. –Samarqand-2020. №2 (1-qism). 73-75 b.
3. MQN 44-08 «Bikr yo‘l to‘shmalarini loyihalash bo‘yicha yo‘riqnom».
4. Фотиади А.А. Влияние параметров конструкции дорожной одежды на процесс образования уступов между плитами цементобетонного покрытия: Дис. канд. техн. наук. 2009.
5. Микаел Ди Томассо и др. Практическое реководство по технологии устройства сементобетонных дорог. Ташкент: «Бацтрия пресс», 2021 г.-148 б.
6. Tursoat Amirov, Hojiakmal Aripov, Bobomurod Qurbonov, Matchon Tuxtayev, Sukhrob Rakhmatov. Designing the composition of road concrete with chemical additives. International Scientific Conference “Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering” (CONMECHYDRO - 2021) E3S Web Conf. Volume 264, 2021. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126402049>
7. Карпов, Б.Н. Характер работы швов и деформации дорожных бетонных покрытий под влиянием воздействий природных факторов. Дис. канд. техн. наук. -Л., 1970.
8. Sodiqov I.S. Avtomobil yo‘llarining transport-ekspluatatsion ko‘rsatkichlari. Darslik. «Transport» nashriyoti, Toshkent. 2021y-217 bet.

БЕЗОПАСНОСТЬ И НАДЕЖНОСТЬ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НА ПРИМЕРЕ КАСКАДА МГЭС. БОЛЬШОГО ФЕРГАНСКОГО КАНАЛА

Салимова Хуршидабону Абдуманоновна
Инженер проектной организации АО “Гидропроект”

АННОТАЦИЯ

Гидротехнические сооружения (ГТС) необходимы для комплексного использования водных ресурсов, включая обеспечение питьевого, промышленного и сельскохозяйственного водоснабжения, ирригации и гидроэнергетики, рыболовства и судоходства, рекреации и экологической устойчивости. ГТС Центральной Азии, связанные с развитием инфраструктуры, приносят многосторонние выгоды и содействуют региональному развитию.

Ключевые слова: гидротехнические сооружения, водоснабжения, гидроэнергетика, ирригация, рекреации.

ABSTRACT

Hydraulic structures (HTS) are necessary for the integrated use of water resources, including the provision of drinking, industrial and agricultural water supply, irrigation and hydropower, fisheries and navigation, recreation and environmental sustainability. Central Asia's infrastructure-related HTS brings multilateral benefits and promotes regional development.

Keywords: hydraulic structures, water supply, hydropower, irrigation, recreation.

ВВЕДЕНИЕ

Район строительства каскада МГЭС находится в Учкурганском районе Наманганской области. Ближайшим к МГЭС населенным пунктом является г. Учкурган. В целях максимального использования гидроэнергетического потенциала с БВО «Сырдарья» согласованы изменения режима работы БФК.

Мощность каскада 12 МВт (2 х 6 МВт), расчетный расход 84 м³/с, напор 8.3 м. Среднегодовая выработка – 72,8 млн. кВт-ч.

В состав основных зданий и сооружений входят:

- перегораживающее сооружение;
- подводящий канал МГЭС-1, МГЭС-2;
- отводящий канал МГЭС-2;
- здание станции МГЭС-1, МГЭС-2;

Основные показатели и состав гидротехнических сооружений

Таблица 1.

Основные показатели гидротехнических сооружений	МГЭС 1	МГЭС2
Тип электростанции	Русловой	Русловой
Класс капитальности	3	3
Установленная мощность, МВт	6,0	6,0
Напоры, м		
-максимальный	8,3	8,3
-расчетный	8,3	8,3
-минимальный		
Среднегодовая выработка электроэнергии, млн. кВт·ч	37,8	35,0
Водоток	БФК	
Расход, м ³ /с	84,0	84,0
Отметка уровня верхнего бьефа, м		
-максимальная	496,00	487,00
-минимальная		484,10
-НПУ	495,81	486,82
Отметка уровня нижнего бьефа, м		
-максимальная	487,31	478,32
-минимальная	484,59	475,86

Перегораживающее сооружение располагается в 30 метр выше существующего перепада на ПК142+00 БФК. Сооружение служит для создания расчетного напора ГЭС при различных расходах по БФК. Это обеспечивается за счёт устройства порога – переливного пролёта на отметке 496,33 м, равной отметке уровня воды в БФК при расходе 84,0 м³/с. Кроме переливного пролёта сооружение имеет два регулирующих пролёта с отметкой дна 493,23 м, оборудованных двумя рядами затворов. Затворы регулируют сброс воды при прохождении расходов по каналу, превышающих расход работающих гидромашин и при аварийных отключениях ГЭС, а также для промыва наносов.

Автоматический водослив рассчитан на сброс максимального расхода 100 м³/с при напоре 0,9 м, донный водосброс - на расход 40 м³/с.




Рис.1 График зависимости напора от расхода на автомат. водосливе

Таблица 2

H	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Q	0	.19	.01	6.56	5.49	5.63	6.83	9.02	2.11	6.04

Подводящий канал МГЭС проходит в выемке, полувыемке-полунасыпи, насыпи. Канал предназначается для подвода воды к агрегатам ГЭС. Канал трапецидального сечения с шириной по дну 8,0 м, заложение откосов – 1:1,5. Глубина воды при расчетном расходе 84 м³/с равна 3,57 м, скорость течения – 1,77 м/с. Длина канала равна 1728,5 м, уклон по дну – 0.0003. Ширина правобережной бермы канала, по которой проходит инспекционная автодорога, принята 6 м. Ширина левобережной бермы – 5 м.

Канал выполнен в монолитной железобетонной облицовке толщиной t=15см. Бетон укладывается на втрамбованный гравий толщиной t=10см. Бетонная облицовка в продольном направлении разделяется через каждые 4 м деформационными швами (щели шириной t=2см. заливаются битумно-полимерной мастикой БПМ-6) и через 16 м – температурными поперечными швами (двух кулачковая резиновая лента). По дну канала на стыке с откосом по

технологическим требованиям и для снижения температурно–осадочных деформаций по всей длине канала устраиваются два продольных шва вышеописанной конструкции.

Объемная масса скелета грунта насыпи после уплотнения должна составлять 1,60 т/м³ при 95% обеспеченности. На насыпных участках канала устраивается противофильтрационная защита по всему сечению канала. На втрамбованный гравий укладывается тонкая полиэтиленовая пленка, сверху укладываются бентоматы, затем бетонная облицовка толщиной 15 см.

Отводящий канал проходит в выемке. Канал предназначается для отвода воды от агрегатов ГЭС. Канал трапецеидального сечения с шириной по дну 8,0 м, заложение откосов – 1:1.5. Глубина воды при расчетном расходе 84 м³/с равна 3,96 м, скорость течения – 1,52 м/с. Длина канала 136.50 м. Ширина правобережной бермы канала, по которой проходит инспекционная автодорога, принята 8.0 м. Ширина левобережной бермы – 5 м.

Канал выполнен в монолитной железобетонной облицовке толщиной $t=20$ см. на длине 50 м от переходного участка. Далее канал проходит в земляном русле. Бетон укладывается на гравийно–песчаную подготовку толщиной $t=10$ см. Бетонная облицовка разделяется деформационными и температурно–осадочными швами вышеописанной конструкции. Для предотвращения возможного выпора по дну канала предусматриваются дренажные трубы диаметром $t=10$ см, расположенные в шахматном порядке.

На сопряжении отводящего канала с необлицованным БФК устраивается крепление каменной наброской. Подключение к БФК осуществляется в тот же период, что и подключение подводящего канала.

Здание станции руслового типа является подпорным сооружением гидроузла и непосредственно воспринимает напор.

Здание станции запроектировано с полногабаритным верхним строением, рассчитано на установку двух агрегатов с вертикальной гидротурбиной с поворотно-лопастным рабочим колесом типа ПЛ 20/811.

Установленная мощность ГЭС – 6 000 кВт при расчетном напоре 8,3 м и расходе на каждую турбину 42,0 м³/с.

Проточная часть блока здания ГЭС с вертикальным агрегатом состоит из водоприемника, бетонной спиральной камеры трапецеидального сечения и изогнутой отсасывающей трубы.

Габаритные размеры подводного массива здания станции:

- длина (по потоку) - 41,40 м;

- ширина (поперек потока) - 40,50 м;
- высота до пола машинного зала- 17,36 м.

Подземная часть здания станции выполнена единым блоком с монтажной площадкой. Размеры агрегатного блока определены размерами спиральной камеры и отсасывающей трубы. Ширина водоприемника в плане принята равной ширине спиральной камеры.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

При проектировании гидротехнических сооружений каскада МГЭС Большого Ферганского канала использовался метод расчета конструкций (в том числе и грунта) по допускаемым напряжениям.

В основу этого метода положены следующие допущения:

- распределение напряжений принимается для бетонных сечений по стадии I, а для железобетонных по стадии II, т.е. бетон на растяжение не работает;
- считается справедливой гипотеза плоских сечений и закон Гука, т.е. принимается, что нормальные напряжения при изгибе пропорциональны деформациям расстояниям волокон от нейтральной оси;
- устанавливается нормированное число "n"- отношение модулей упругости стали и бетона постоянное для данной марки бетона;
- вводится фиктивное приведенное сечение, в котором сталь приведена к материалу бетона.

Все эти допущения в совокупности привели к возможности вести расчет железобетонных элементов по формулам сопротивления материалов исходя из допускаемых напряжений, устанавливаемых отдельно для бетона и стали.

REFERENCES

1. Рабочий проект “Строительство каскада МГЭС на БФК в Наманганской области” 2017 год, АО “Гидропроект”.
2. В.И. Брызгалов, Л.А. Гордон. “Гидроэлектростанции” Красноярск: ИПЦ КГТУ, 2002. стр. 106-180.
3. Д.Р. Бозоров, Р.М. Каримов, Ж.С. Казбеков, С.Қ. Хидиров. “Гидравлика”. Тошкент - Билим – 2003. стр. 305.
4. М.Р. Бакиев, А.А. Янгиев, Н. Рахматов. “Гидротехника иншоотлари”. Тошкент - 2018 йил. стр. 226.
5. M.R. Bakiev, N. Rahmatov, A. Ibraymov. “Kanalbagi gidrotexnika inshootlaridan foydalanish”. Toshkent – 2018. стр. 72.
6. http://www.cawater-info.net/water_world/index.htm#int

JALILIY IJODIDA QUR'ONI KARIMNING TA'SIRI. "DEVONI JALILIY MISOLIDA"

Jalilov Sharofiddin

Alisher Navoiy nomidagi TDO'TAU o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola XIX asr Qo'qon adabiy muhiti vakillaridan hisoblangan Abdujalil Ziyoiy(Jaliliy)ning "Devoni Jaliliy" qo'lyozmasida "Qur'oni Karim"ning ta'siri mavzusida yozilgan. Maqolada devondagi baytlarda kelgan oyatlarga ishora bo'luvchi so'zlar oyatlar va tafsiriy manbalar asosida sharhlangan. Baytlarning mavzu ko'lami haqida so'z yuritilgan.

***Kalit so'zlar:** "Qur'oni Karim", Hadis, Baqara, Fazkuruni, Nahnu aqrob iqtibos, "Qur'oni Karim" tasiri, Jaliliy devoni*

АННОТАЦИЯ

Данная статья написана на тему влияния «Священного Корана» в рукописи «Девони Джалилий» Абдужалила Зияи (Джалили), одного из представителей коканской литературной среды XIX века. В статье слова, относящиеся к аятам в аятах Дивана, интерпретируются на основе аятов и тафсирных источников. Идет речь о тематическом охвате стихов.

***Ключевые слова:** «Священный Коран», хадисы, Бакара, Фазкуруни, Нахну акроб иктибатс, перевод «Священного Корана», книга Джалили.*

KIRISH

Islom madaniyatining Makkasi va barcha mustaslam xalqlarning nurafshon ramzi Qur'oni Karim o'zining 14 asrlik tarixi davomida qanchadan-qancha mamlakatlar va allomalar taqdirida tutgan o'rni, badiiy ta'sir sarchashmalari va nufuzi tufayli chuqur ilmiy diniy tahlil va tadqiqotlarga sazovordir. Qur'on mavzulari Islom dinini qabul etgan xalqlar adabiyotiga singib, mahalliy diniy va adabiy aqidayu an'analar bilan uzviy ravishda bog'lanadi. Islom dini va mahalliy urf-odatlar to'qimasi asosida o'zbek adabiyoti ilmining shoh asarlari yaratildi. Qur'oniy mavzularning jahon va alalxusus o'zbek adabiyotiga singib o'tishi faqat diniy nuqtai nazardangina ibratli bo'lib qolmay, balki, Sharq adabiyotining biz uchun mavhum qirralarini biz uchun oydinlashtirib, turli adabiy mavzularning sarchashmalarini ochgan va hozirgi zamon o'zbek adabiyotining islom adabiyoti shajaraviy, moziydan uzilmas aloqalarini tiklashga ham madad bergan bo'lardi. Natijada Qur'on ko'zglasining nurida o'zbek adabiyotiga xos tarixiy adabiy qatlamlarning vujudga

kelishi va rivoji to'g'ri tushunilgan bo'lardi¹¹⁴. Sharq milliy an'alarining rivoji o'ziga xosligi islom adabiyotining avval arab, keyin fors va nihoyat turk jumaladan o'zbek tilidagi rivojida namoyon bo'ladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Arab va noarab (asosan forsiy va turkiyzabon) adabiy oqimlarining to'qnashuvi, o'zaro singib borishi va o'zaro ta'siri jarayonida musulmon adabiyotlar aro mushtaraklik vujudga keladi va jahon adabiyoti matnida o'ziga xos va G'arb adabiyotiga ham tasir o'tkazuvchi mavqeyini shakllantiradi. Arab, fors va turkiy tillarda yaratilgan islom adabiyotida qay biri ustun degan savol noo'rindir. Har bir tilda yaratilgan milliy adabiyot o'ziga xos qirralarga molik bo'lib, muayyan davrda yuksalishi davlat tili maqomiga ko'tarilishiga ham bog'liq bo'lgan. Ammo bu adabiyotlar uchun umumislom bo'lmish Qur'oni Karim tilida ijod etish va Qur'on mavzularidan keng foydalanish xosdir¹¹⁵. Musulmon adiblari qay millat vakili bo'lishidan qat'iy nazar, avvalambor yagona ummat a'zolari edi. Shu nuqtai nazardan ularning ijodida milliy xususiyatlar Qur'onda o'z ifodasini topgan umumislom va umuminsoniy bashoratalar bilan chambarchas bog'liq holda namoyon bo'ladi. X asrda arab xalifaligi hududularida barpo etilgan turli tildagi adabiyotlarda milliy ohanglar kuchayishi tabiiy hol edi. Ammo mazkur davlatlar islom bayrog'ini tuban tutmaganligi va diniy e'tiqod xalq orasiga singib bo'lgani tufayli islom yo'nalishi sayozlashmadi, aksincha to'siqlarni yengib, kuchayib bordi. Hozirgi kun intilishlari bunga yorqin misol. Shu sabab arab xalifaligi yemirila boshlagandan keyin ham yagona islom madaniyati va adabiyoti nihoyasiga yetmadi, balki yangi tarmoqlar sari rivojlanib, Qur'oniy ohanglar kuchayib bordi. Alohida olingan milliy adabiyotlar ravnaqi islom adabiyotining hayotbaxshligini ta'minladi. Sharq va keng ko'lamda jahon adabiyoti tarkibida o'zbek adabiyoti ham Qur'onni asrlar davomida turlicha o'zlashtirgan va uning mavzulari asosida turfa asarlar yaratilgan. Qur'onning matni 14 asr davomida o'zgargani yo'q, o'zgarmaydi ham. Aksincha undagi iboralar turli tillarga singib o'tib, o'ziga xos Qur'oniy iboralar sifatida turli xalqlarning maqol va matallariga asos soldi. Bir so'z bilangina olam-olam ma'noni ifodalovchi iboralar jilolanib tarix nafasi jonlandi¹¹⁶. Qur'on matni o'zgarmagan, islom dinini qabul etgan xalqlar tarixi zamon zayli bilan o'zgarib borgan. Qur'on matni zamon va makonda mahalliy tarixiy muhit bilan muttasir bo'lib, har bir xalq taraqqiyotining muayyan davrida o'ziga tegishli xulosalar chiqargan, Qur'oniy mavzularni adabiy asarlarga

¹¹⁴ Karomatov X. "Qur'on va ўzbek adabiyoti", T.: O'zR FA Fan, 1993. B,-4.

¹¹⁵ Karomatov X. "Qur'on va ўzbek adabiyoti", T.: O'zR FA Fan, 1993. B,-5.

¹¹⁶ Abdinazarov Bahrom. Mumtoz adabiyotning diniy tasavvufiy manbalari. B,-4.

kiritgan. Mazkur jarayon natijasida milliy adabiyotining Qur'on matni bilan sintezi asosida badiiy va diniy didaktik asarlar yaratilgan. Diniy, falasafiy va umuminsoniy haqiqatlarni ifodalagan Qur'oniy mavzular va diniy mafkura ramzlarining Jaliliy ijodidan muhim o'rin olgani bunga yorqin dalildir. Jaliliy o'zbek mumtoz adabiyotining bir necha janrlari va mavzularida samarali ijod qilgan. Jaliliyning irfoniy adib sifatida mumtoz adabiyotimizga qo'shgan hissasi beqiyosdir. Jaliliy Qur'onni va tariqat ilmini juda yaxshi bilgan shaxs bo'lgan. Jaliliy Qur'onni shu qadar yaxshi o'zlashtirgan ediki, Qur'on uning borlig'iga va ijodiga singib ketgan edi. U yaratgan har bir she'rda bevosita va bilvosita Qur'onning ta'siri bilinib turadi. Ba'zi o'rinlarda Qur'on oyatlari aynan berilgan bo'lsa, bazi o'rinlarda ularga ishora bilan, yani oyatlarining ma'nolarini nazarda tutuvchi gaplar bilan beriladi. Birgina "Ermish" radifli g'azalini tahrir qiladigan bo'lsak, g'azalda bir baytning o'zida ikki o'rinda Qur'on oyatlari berilganini ko'rishimiz mumkin. Ahamiyatli jihati shundaki Jaliliy Qur'on oyatlaridan shu qadar mohirlik bilan foydalanganki, asarning ma'nosi va ta'sir kuchi oshgan. Quyidagi misollar orqali Qur'on oyatlarini qay darajada mohirlik bilan ishlatilganini ko'rishimiz mumkin:

نحن اقرا معنيسيدين جاني تويوب
فاذكروني بويروقيغه بويون سونوب.

Nahnu aqrob ma'nisidin joni to'yub,
Fazkuruni buyruqig'a bo'yun so'nub.¹¹⁷

Ushbu baytning birinchi misrasida "Nahnu aqrob.." kalimasi bilan "Voqea" surasining 85-oyatiga ishora qilinyapti ya'ni,

وَنَحْنُ أَقْرَبُ إِلَيْهِ مِنْكُمْ وَلَكِنْ لَا تُبْصِرُونَ ﴿٨٥﴾

Biz esa, sizdan ko'ra yaqinmiz, ammo sizlar ko'rmaysizlar. "Voqea 85-oyat".

Ya'ni Allohning o'z bandasiga qanchalar yaqinligini anglamaysizlar, harqanday odamga, xususan jon taslim qilayotgan odamga ham Alloh taolo uning ustida turgan qarindoshidan ko'ra yaqinroq bo'ladi. Boshqa bir oyatda, Biz unga bo'ynidagi qon tomiridan ham yaqinmiz deyilgan¹¹⁸. ikkinchi misrada esa "Fazkuruni" kalimasi orqali "Baqara" surasi, 152-oyatga ishora qilinmoqda va bu bilan shoir butun fikrlarini qisqa oyat orqali ifodalayapti:

فَاذْكُرُونِي أَذْكَرْكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونَ ﴿١٥٢﴾

Bas, Meni zikr qiling, sizni eslarman. Va Menga shukr qiling, kufr keltirmang. (Baqara 152).

¹¹⁷ Devoni Jaliliy Abduljalil Ziyoiy. Qo'lyozma O'zRFASHI. inv № R-4325. B,-33.

¹¹⁸ Shayx Muhammadsodiq Muhammadyusuf. "Tafsiri hilol" 6-juz. Hilolnashr. B,-42.

Ushbu oyat o'zi qisqa bo'lishiga qaramay, olam-olam ma'no kasb etadi. Alloh taolo O'zi yaratgan, hayot va rizq hamda boshqa kerakli narsalarni bergan bandalariga:

«Meni zikr qiling», – demoqda.

Xo'sh, Alloh bu ojiz bandalarining eslashiga muhtojmi? Yo'q, u behojat Zot. Hamma muhtojlik bandalarda. Lekin bu amr bandalarga yaxshilik yetishi uchundir. Ular Allohni zikr qilib, eslashlari ila Alloh taoloning ularni zikr qilishiga, eslashiga erishadilar. Ammo zikr bilan zikrning farqi bor, albatta. Hech narsaga arzimaydigan ojiz bandaning eslashi qayda-yu, olamlarning Parvardigori bo'lgan Alloh taoloning eslashi qayda! Banda qanday, qachon va qayerda eslaydi? Alloh-chi?

Imom Buxoriy Nabiy alayhissalomdan rivoyat qilgan hadisi qudsiyda Alloh taolo:

“Ey odam bolasi! Agar Meni o'zing eslasang, Men ham seni O'zim eslayman, agar ko'pchilik ichida eslasang, Men seni farishtalar ichida eslayman”, – degan.

“Va Menga shukr qiling, kufr keltirmang”.

Shukr qilish ne'mat beruvchi Zotga maqto'v so'zlarini aytish va ne'matni uni bergan Zotning roziligi uchun ishlatish bilan bo'ladi. Ammo tili bilan shukr desa-yu, amali bilan Allohning aytganidan boshqani qilsa, kufroni ne'mat qilgan bo'ladi. Mo'min-musulmon doimo Allohni zikr etib, Unga shukr qilgandagina, ishi olg'a bosadi¹¹⁹.

Bu she'r irfoni tasavvufiy mavzuda yozilgan bo'lib bundan oldingi baytlardan lirik qahramonning Mosevalloh maqomidan o'tishi haqida gap ketadi, keying baytda esa biz keltirgan ikta oyat orqali fikrini ifodalaydi, ya'ni bu bilan o'zining ma'shuqasi unga naqadar yaqinligini, doim unga yaqin bo'lishini muqaddas kalomdagi oyatlari orqali dalil qilib ko'ngliga taskin berib ketadi.

Jaliliy ijodida Qur'on va Hadislardan unumli foydalanilgan quyidagi baytda ham bandaning mudom Allohning zikri ila yashashi haqida oxir borar yeri qorong'u go'r, torgina bir lahad ekanligini va Allohning bandalarga kufr keltirmasdan, ne'matlarga shukronalik bilan yashash kerakligini ifodalagan, an'anaviy usulda oyatdan qisqa bir so'zni ishora sifatida qo'llagan:

خدادين برجميز غه فزکرونی امر فرماندور
دیماکلیق هامة قولغه همیشه یاد سجاندور.

Xudodin barchamizg'a fazkuruni amri farmondur
Demakliq hama qulg'a hamisha yodi sijondur.¹²⁰

¹¹⁹ Shayx Muhammadsodiq Muhammadyusuf. “Tafsiri hilol” 1-juz. Hilolnashr. B,-167.

¹²⁰Devoni Jaliliy Abdualil Ziyoiy // Qo'lyozma O'zRFASHI. inv № R-4325 B,-50.

XULOSA

Yuqorida keltirilgan misollardan shuni anglash mumkinki, Jaliliy Qur'on oyatlaridan har safar juda samarali foydalangan. "Devoni Jaliliy" tariqat mavzusidagi tasavvufiy, irfoniy didaktik asar bo'lib, ixtilof bo'lmasligi uchun ko'plab o'rinlarda Qur'onidan ishoralar berilgan. Zotan tariqat vakillari birinchi navbatda shariat ilmini so'ng Qur'oni Karimni yaxshi bilishlari kerak. Jaliliy ushbu asosni Qur'on oyatlariga murojat qilgan holda mustahkamladi va shu bilan birga asarining ma'no va ta'sir kuchini oshirdi. Umuman olganda Jaliliy deyarli har bir she'rida Qur'on oyatlariga, Payg'ambarimiz hadislariga va turli duolarga murojaat qiladi va samarali foydalanadi. Bundan shoirning diniy ilmlarni va shu bilan birga arab tilini ham mukammal bilgani namoyon bo'ladi. Chunki devonda Qur'on oyatlari, hadislar va duolardan foydalanish uchun adib ushbu ilmlarni va arab tilini mukammal bilishi kerak. Ilmiy tadqiqot davomida Jaliliyning ikki tilni mukammal bilganligi, ya'ni turkiy va forsiy tillarda ijod qilganligi ma'lum bo'ldi. Jaliliy qo'lyozmasining nasriy qismi to'laligicha fors tilida yozilgan.

REFERENCES

1. Karomatov X. "Qur'on va ўzbek adabiyoti", T.: O'zR FA Fan, 1993
2. Abdinazarov Bahrom. Mumtoz adabiyotning diniy tasavvufiy manbalari.
3. Devoni Jaliliy Abdujalil Ziyoiy. Qo'lyozma O'zRFASHI. inv № R-4325.
4. Shayx Muhammadsodiq Muhammadyusuf. "Tafsiri hilol" 1-juz. Hilolnashr.
5. Shayx Muhammadsodiq Muhammadyusuf. "Tafsiri hilol" 6-juz. Hilolnashr.

УМАР ТЕРМИЗИЙНИНГ ИСЛОМ ТАМАДДУНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Мухиддин Чориев

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази

Илмий-тадқиқот бўлими илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот жараёнида Умар Термизийнинг илмий мероси ва унинг жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси таҳлил қилиб ўтилади. Бугунги кунда мамлакатимизда буюк алломаларимиз қолдирган бой илмий-маънавий, диний-маърифий меросни ўрганиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Калит сўзлар: *ислом тамаддуни, “Тафсири суратул ихлос”, “Китаб ун-нийя”, “Ал-Хидаивия”, Имом Ғаззолий.*

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования будет проанализировано научное наследие Умара Термизи и его вклад в развитие общества. Сегодня особое значение придается изучению богатого научно-духовного, религиозно-просветительского наследия, оставленного нашими великими учеными в нашей стране.

Ключевые слова: *исламская цивилизация, «Тафсири сурат ал-ихлас», «Китаб ун-нийя», «Аль-Хидавийя», имам Газали.*

ANNOTATION

In the course of this research, the scientific heritage of Umar Termizi and his contribution to the development of society will be analyzed. Today, special importance is attached to the study of the rich scientific-spiritual, religious-enlightenment heritage left by our great scientists in our country.

Keywords: *Islamic civilization, "Tafsiri surat al-ikhlas", "Kitab un-niyya", "Al-Khidawiyya", Imam Ghazali.*

КИРИШ

Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижасида яна бир ватандошимиз Умар Термизийнинг бой илмий мероси билан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлдик. У киши муфассир, воиз, сўфий ва фақиҳ бўлиб, ҳижрий IX аср, милодий XV асрда яшаб ўтган. Умар Термизийнинг оиласи ва туғилган манзили ҳамда қабри ҳақида бизгача маълумот етиб келмаган. У кишининг ёзган “Тафсири суратул ихлос” ва “Китаб ун-нийя” (“Ният китоби”) асарлари бизгача етиб келган. Умар Ризо

Каҳоланинг (1323-1408/1905-1987) маълумот беришича, сўфий ва воиз Умар Термизийнинг “Тафсири суратул ихлос” ва “Китаб ун-нийя” (“Ният китоби”) асарлари Қоҳирадаги “ал-Хидайвия” кутубхонасида 2/173, 17945 рақамлари остида сақланмоқда [1, б. 320].

Бизнинг қўлимиздаги “Тафсири суратул ихлос” китоби хижрий 857 йил, милодий - 1453 йилларда талиф этган бўлиб, ушбу китобда амалдаги ихлоснинг аҳамиятини чуқур тушунтириб берилган:

Аллоҳ таоло Баййина сурасининг 5 оятида шундай марҳамат қилади: “Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка, намозни тўлиқ ўқишга, закот беришга буюрилган эдилар. Ана шу, тўғри (миллат)нинг динидир”. Ва яна Зумар сурасининг 3 оятида шундай марҳамат қилади: “Огоҳ бўлингким, холис дин Аллоҳникидир”. Шунингдек, Каҳф сурасининг 110 оятида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: “Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, яхши амал қилсин ва Робби ибодатига биронтани ширк келтирмасин”.

Ушбу ояти карималар холис ва мухлис бўлиб, фақат Аллоҳнинг розилигини истаб амал қиладиган кишилар учун нозил бўлган, шу боис Аллоҳ таоло Ўзининг мадҳ этилишини ва Унга сано айтилишини яхши кўради [3, б. 1а-б].

Албатта, Аллоҳ учун бўлган ихлос ҳар бир амалнинг асосидир. Ихлоссиз қилинган амалда ажр йўқлиги ва ихлос бўлмаган намозда савоб ҳам бўлмаслиги ва ихлос бўлмаган садақада ҳам савоб йўқлигини Умар Термизий жуда чиройли қилиб ҳадислардан намуна келтириб баён қилиб беради. Умар Термизийнинг мазкур китобларини ўқир эканмиз, бевосита Имом Ғаззолийнинг ихлос ва ният билан боғлиқ китобларини ўқиётгандек бўламиз. Умар Термизий ҳам ўз асарларини ёзишдаги услубини тўғридан тўғри Имом Ғаззолийдан олганлиги билиниб туради. Бунга бир қанча мисоллар келтиришимиз мумкин: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ таоло айтади: Мен шерикларнинг шерикликдан энг беҳожат бўлганидирман. Ким бирор амал қилиб, унда Менга бошқани шерик қилса, Мен уни ҳам, шерик қилган нарсасини ҳам тарк қиламан».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким Аллоҳнинг Юзини истаб ўрганиладиган илмни фақат бирор дунёвий нарсага етишиш мақсадида ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топмайди» [3, б. 1-2 а-б].

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Қиёмат куни одамлар ичида энг аввал ҳукм қилинадиган киши шаҳид қилинган кишидир. У олиб келинади ва Аллоҳ унга Ўз неъматларини эслатади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Уларнинг шукронасига қандай амал қилдинг?», деб сўрайди. У банда: «То шаҳид бўлгунимга қадар Сенинг йўлингда жанг қилдим», деб жавоб беради. Шунда Аллоҳ: «Ёлғон айтаяпсан, сен одамлар сени «жасур» дейишлари учун урушдинг ва дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг уни дўзахга ташлаш учун буйруқ берилади, уни юзтубан ерга судраб, олиб кетишади.

Кейин илм ўрганган ва уни ўргатган ҳамда Қуръон ўқиган киши олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини эслатади. У банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронаси йўлида нима амал қилдинг?», деб сўрайди. Банда: «Сен учун илм ўргандим, уни бошқаларга ўргатдим ва Қуръон ўқидим», деб жавоб беради. Аллоҳ: «Алдаяпсан, сен илмни одамлар сени «илмли», дейишлари учун ўргандинг, Қуръонни эса одамлар «қори», дейишлари учун ўқидинг, дарҳақиқат, одамлар шундай дейишди», дейди. Шундан сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга ташлаш учун юзтубан ерга судраб, олиб кетишади.

Шундан кейин Аллоҳ унга ризқини кенг қилиб берган, бойликнинг ҳамма туридан инъом қилган киши олиб келинади. Аллоҳ унга ҳам Ўз неъматларини танитади. Банда уларни тан олади. Сўнг Аллоҳ: «Буларнинг шукронасига сен нима амал қилдинг?», деб сўрайди. «Мол-давлатни Сен хуш кўрган бирор йўлни қолдирмай, ҳаммасига Сен учун сарф қилдим», дейди у. «Ёлғон айтаяпсан, сен бу ишни одамлар сени «сахий», деб айтишлари учун қилгансан, дарҳақиқат, одамлар шундай ҳам дейишди», дейди. Сўнг буйруқ берилади, уни дўзахга улоқтириш учун юзи билан ерга судраб олиб кетишади» [3, б. 16а-б].

Умар Термизий келтирган ҳадис ва ривоятлар Имом Ғаззолийнинг Ният ва Ихлос китобида ҳам худди шу кўринишда келтирилади. Имом Ғаззолийнинг яна бир услуби шуки, у панд-насихат беришни ўқувчини диққатини кучлироқ тортиш мақсадида “Билгинки” деган ибора билан бошлайди. Умар Термизий ҳам худди шундай услубдан фоидаланди. Айтиш мумкинки, Умар Термизий Имом Ғаззолийнинг асарларидан тўлиқ фоидаланган.

Умар Термизий “Ният китоби”нинг кириш қисмида ҳамду санодан сўнг, “мен ният китобини бешта бобга бўлдим”, дейди.

Биринчи боб: Ниятнинг фазилатлари. Унда кишининг нияти нақадар холис бўлиши лозимлиги ҳақида ҳадислар ва ривоятлар асосида панд-насихатлар беради. Ниятнинг фазилати бобида Қуръони каримнинг бир қанча

сураларидан мисол келтиради: Эртаю кеч Роббиларига Унинг юзини ирода қилиб дуо этаётганларни ҳайдама! Уларнинг ҳисобидан сенинг зиммангда ҳеч нарса йўқ. Сенинг ҳисобингдан уларнинг зиммасида ҳеч нарса йўқ. Уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолма” (Анъом 52).

“Аллоҳнинг юзини кўзлаб берган закотингиз эса, бас, ана ўшалар, бир неча баробар қилиб олгувчилардир” (Рум 39).

“Ва албатта, ундан такводор банда четда қолади. У бойлигини сарфлайди ва ўзини поклайди. Унда бирор кишининг қайтарилиши лозим яхшилиги йўқ эди. Фақатгина олий мақом Роббисининг розилигини истаб қилади. Ва у албатта тезда рози бўлади” (Лайл 17 – 21).

“Қилган нафақангиз, фақат Аллоҳнинг юзини иташ учундир” (Бақара 272).

“Молларини Аллоҳнинг розилигини истаб, ўзларидаги ишонч билан сарфлайдиганлар худди тепаликдаги боққа ўхшарлар. Унга қаттиқ ёмғир ёғса, мевасини икки баробар беради. Агар қаттиқ ёмғир ёғмаса, майдалаб ёққани ҳам бўлаверади. Ва Аллоҳ қилаётганларингизни кўриб турувчи зотдир” (Бақара 265).

“Уларнинг кўпгина махфий суҳбатларида яхшилик йўқ, магар ким садақага, яхшиликка ва одамлар орасида ислоҳга амр қилсагина, яхшилик бор. Ким ўша ишни Аллоҳнинг розилиги учун қилса, албатта, унга улуғ ажр берамиз” (Нисо 114).

Шу ерда бир нарсага эътибор қаратмоқчимиз: Буюк Аллоҳни ирода қилиш ва охиратни ирода қилиш орасида зиддият йўқ, бу нарса икки хил нарсани ирода қилиш эмас. Аллоҳнинг: “сизлардан дунёни ирода қиладиганлар бор ва сизлардан охиратни ирода қиладиганлар бор”, оятига қўшимча қилиб: “Аллоҳни ирода қиладиганлар қани энди?” дейдиган инсоннинг гапида маъно йўқдир. Чунки охиратни ирода қилувчилар Аллоҳдан бошқани ирода қилмайдилар, охиратни ирода қилиш бу Аллоҳнинг савоб беришини ва розилигини ирода қилишдир. Мухлис инсон жаннатни умид қилиб дўзахдан кўрққани учун айбланмайди. Қуръон Набийлар ва солихларни ражо ва хавф, рағбат ва кўрқиш ила васф қилган, бас Қуръоннинг олдидан ўтувчи ҳеч қандай баён йўқ.

Жаннат фақатгина ҳиссий неъматлар уйи эмас, балки у улуғ розилик ва олий Аллоҳнинг юзига назар солиш уйидир: “Унда юзлар яшнаб Роббиларига боқиб тургувчидир!” (Қиёмат 22, 23). Аммо кофирлар Роббиларидан ўша куни тўсиладилар ва бу тўсилиш энг қаттиқ азобдир.

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир. Албатта, ҳар бир кишига ният қилган нарсаси бўлади. Бас, кимнинг ҳижрати Аллоҳ ва Унинг Расули учун бўлса, унинг ҳижрати Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади. Ёки аёл учун бўлса, уни никоҳлаб олади. Бас, унинг ҳижрати нима учун қилинган бўлса, ўшанга бўлади». Муаллиф ушбу ҳадис орқали ниятнинг аҳамиятини яққол намоён этади.

Иккинчи боб: Ниятнинг ҳақиқати. Унда киши ниятини қандай қилиши лозимлиги ўргатилади. Ниятнинг ҳақиқати бобини “Билгилки, ният, хоҳиш ва қасд бир маънода бўлсада, уларнинг ўз ўринлари бор, улар қалб сифатларидандир”, деб бошлайди. Ушбу тушанчаларнинг ҳар бирининг ўрнини кўрсатиб беради. Бу бобда ҳам Умар Термизий турли ҳадис ва ривоятлар келтиради.

Учинчи боб: Ниятнинг амалдан яхшилиги баёни ҳақида. Бу бобда муаллиф кишининг нияти унинг амалидан яхши эканлиги ҳақида ҳадислар асосида панду насихатлар беради. Жумладан, шундай дейди: “Билгилки, албатта ният сирдир, амал эса зоҳирдир. Кишининг ниятини фақат ёлғиз Аллоҳ билади”. Умар Термизий Ҳаж сурасининг 37-оятдаги: “Уларнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмас. Лекин Унга сиздан тақво этади” оятдаги тақво калимасини қалб сифатидир, яъни ниятидир деб келтиради.

Тўртинчи боб: Ниятга тааллуқли бўлган амалларнинг бўлиниши. Ният ҳар бир нарсада ўз таъсирига эга эканлиги маълум бўлгач, айтиш керакки, унинг ҳаром нарсаларда таъсири йўқ. Ниятнинг гўзаллиги, қасднинг олийлиги ҳаромни ҳалолга айлантириб қўймайди ва ҳаромнинг ҳаром бўлишига асос бўлган ифлосликни ундан кетказмайди. Кимки судхўрлик ила ёки ўғрилиқ ила, умуман ҳар қандай таъқиқланган йўл ила пул топиб, шу пулга масжид қуришни ёки етимлар уйи қуришни ёки мадраса қуришни ёки ушбу ҳаром мол ила фақир ва ҳожатмандларга садақа қилишни ният қилса, бу яхши ниятининг ҳеч қандай ўрни бўлмайди. Ўша кишидан ҳаром иш қилганлиги ҳам ўчирилмайди. Бунга қуйидаги ҳадис далолат қилади: “Аллоҳ покдир ва фақат пок нарсани қабул қилади”.

Умар Термизий “Ният китоби”ни ҳам Имом Ғаззолийнинг “Ният китоби”га мос равишда ёзган. Унинг ниятни беш қисмга бўлиб ўргатиши ҳам Ғаззолийнинг ниятни беш қисмга бўлиб ўргатиши билан ўхшашдир.

Ибн Масъуд розияллоху анхудан қуйидагича ривоят қилинган: “Аллоҳ ёмонлик ила ёмонликни ўчирмайди, балки ёмонликни яхшилик ила ўчиради ва нопоклик нопокликни кетказмайди”. Ҳаром молнинг бир қисмини садақа қилиб ўша молни поклаб бўлмайди, балки у молни бутунлай ўз ўрнига қайтариш шартдир. Ва яна ҳаром мол уни олувчисига мулк бўлиб қолмайдики, уни садақа қилиш мумкин бўлса, аксинча ҳаром мол асл эгасининг моли бўлиб тураверади ва токи ҳақиқий эгасига ёки унинг меросхўрларига қайтарилмагунча, ҳаромдан қутулиб бўлмайди.

Ушбу бобда ният қилиб амалларни бажариш жараёнида ниятнинг бўлиниши ҳақида насихатлар келтирилади. Жумладан муаллиф шундай дейди: “Билгилки, амаллар жуда кўп қисмларга бўлинади: иш, ҳаракат, сўзлаш, жим туриш, жалб қилиш, маън қилиш, фикр ва зикр кабилар. Булар ҳам уч қисмга бўлинади: Гуноҳ, савоб ва мубоҳ. Баъзи савоб ишлар борки, гуноҳга айланади ва баъзи мубоҳ ишлар борки, савобга айланади. Бу ниятнинг чиройлилиги учун ёки хунуклиги билан боғлиқдир”.

Бешинчи боб: Ниятнинг ихтиёрдан чиқиши. Бу бобда ниятнинг бузилишига оид бир неча сабаблар келтирилган. Қуръон бандага шарт қилинган холис ниятни турли хил номлайди: охиратни ирода қилиш, Аллоҳнинг юзини ирода қилиш, У Зотнинг юзини мақсад қилиш ёки Розилигини мақсад қилиш. Бу борада Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир қанча ўринларида марҳамат қилади:

“Сизлардан дунёни ирода қилувчилар бор ва сизлардан охиратни ирода қилувчилар бор” (Оли Имрон 152) .

Кимки дунё савобини ирода қилса, ундан берурмиз ва кимки охират савобини ирода қилса ундан берурмиз” (Оли Имрон 145).

XULOSA

“Ким (фақат) шу ҳаёти, дунёни ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлса, уларга қилган амалларини (унинг ажру мукофотини) шу дунёда комил қилиб берурмиз ва улар бу дунёда зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охиратда дўзах ўтидан ўзга ҳеч қандай насиба йўқдир. Уларнинг бу (дунёда) қилган барча яхшиликлари беҳуда кетур ва қилиб ўтган барча амаллари бефойдадир” (Худ 15, 16).

Бу бобда Умар Термизий шундай хадислар келтиради: Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам Ўз Роббиларидан ривоят қилиб айтадиларки: «Албатта, Аллоҳ яхшиликлар ва

ёмонликларни ёзиб қўйди. Сўнгра ўшани баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд этсаю, унга амал қилмаса, Аллоҳ унга Ўз ҳузурида баркамол бир яхшилик ёзиб қўяди. Агар уни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ азза ва жалла уни Ўз ҳузурида ўнтадан етти юз яхшиликкача, ундан ҳам бир неча марта кўп қилиб ёзади. Агар бир ёмонликни қасд этсаю, унга амал қилмаса, Аллоҳ уни Ўз ҳузурида бир яхшилик қилиб ёзади. Агар у (ёмонлик)ни қасд қилиб, амал ҳам қилса, Аллоҳ унга бир ёмонлик қилиб ёзади», дедилар».

REFERENCES

1. Умар Ризо Каҳҳола. Маъжам ал-мусанниф ал-кутуб ал-арабия. – Байрут. 1406/1986.
2. Умар Термизий. Китаб ун-нийя. – Қоҳира: “Ал-Хидайвия” кутубхонаси. 2/173, 17945 рақамли қўлёзма.
3. Умар Термизий. Тафсири суратул ихлос. – Қоҳира: “Ал-Хидайвия” кутубхонаси. 2/173, 17945 рақамли қўлёзма.

ОИЛА ИНСТИТУТИ МУСТАҲКАМЛИГИ - ЖАМИЯТ ТИНЧЛИГИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ КАФОЛАТИ

Мустафаев Бахтиёр Улашович

Фуқаролик ишлари бўйича

Денов туманлараро суди судьяси

АННОТАЦИЯ

Оила институти ва унинг жамиятнинг ривожланиши борасидаги аҳамияти, бу борада давлатимиз томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича ёритиб берилган. Бу соҳада қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ва ташкил этилган қатор оила институти идоралари ҳақида тўхтатилиб ўтилган. Шунингдек, оила аъзоларининг масъулияти ва жавобгарлиги ҳақида қатор тушунчалар берилган.

Калит сўзлар: оила, инсон, фарзанд, тарбия, меҳр-оқибат, никоҳ, оилавий қадрият, ғамхўрлик, урф-одатлар

ABSTRACT

The institution of the family and its importance for the development of the society, as well as the work done by our state in this regard, are covered in detail. Important legal documents adopted in this area and a number of established family institute offices are mentioned. Also, a number of concepts are given about the responsibility and accountability of family members

Keywords: family, person, child, education, kindness, marriage, family value, care, traditions

АННОТАЦИЯ

Подробно освещаются институт семьи и его значение для развития общества, а также работа, проводимая нашим государством в этом направлении. Упоминаются важные правовые документы, принятые в этой сфере, и ряд созданных институтов семьи. Также дается ряд понятий об ответственности и подотчетности членов семьи.

Ключевые слова: семья, человек, ребенок, образование, доброта, брак, семейная ценность, забота, традиции

КИРИШ (ВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION)

Жамиятда муҳим институт ҳисобланган оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоялаш Ўзбекистонда давлат

сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. “Оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш”¹²¹га Миллий Дастурда ҳам алоҳида аҳамият берилган. Инсоннинг дунёқараши ва ахлоқий фазилатлари аввало оилада куртак ёзади ва шаклланади. Фарзанднинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, унинг иқтидорининг шаклланиши, нималарга қизиқиши у қандай оилада тарбия топганлигига ҳар жиҳатдан боғлиқдир. Ота-боболаримиз оилавий тарбияни энг муҳим долзарб ва нозик масалалардан бири сифатида қараб келишган. Келин қилиш, қиз узатишда аввало бўлғуси келин ёки куёвнинг қандай оилада тарбия топгани суриштирилган. Шу боис, фарзандимизнинг бахту -саодати, ёруғ келажаги учун ҳаракатни у дунёга келган кундан бошлаймиз. Зотан, ақлли, одобли, билимдон, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун оила, бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир. Инсон ўзининг ҳаётини оиласиз тасаввур эта олмайди, чунки оила инсоннинг шахс сифатида қарор топишига муҳим тарбиявий таъсир кўрсатади. Инсон оилада аввало она тилида сўзлашишни ўрганади, миллати, халқи урф-одатларини, анъаналарини, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиради, бошланғич дунёқараши шаклланади. Шу сабабли оила фуқаролик жамиятнинг муҳим ижтимоий ва маънавий-ахлоқий таянчи ҳисобланади. Агарда оилада ўзаро ҳурмат ва кучли тарбия бўлмаса, унинг барча аъзолари ўз бурчларини зарур даражада адо этмаса, бир-бирларига эзгулик билан меҳр- оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД (ЛИТЕРАТУРА И МЕТОД / LITERATURE REVIEW)

Жамиятдаги оила институти ўз қонуниятлари асосида қурилади. Бунда оила ўзининг кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларига эгадир. Ўз навбатида, оила институти давлат ва жамият томонидан маълум бир муҳофаза қилиниши заруриятини ҳам тақозо этади. Дунё миқёсида тан олинган инсон ҳуқуқларига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлатимиз раҳбари ва Қонунчилик органлари томонидан қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада муҳим таянч вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, ”Оила,

¹²¹ 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий Дастур.2022 йил 7 март ПФ-87-сон фармонида 1-илова

таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш”¹²² долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION)

Сўнгги беш йилда жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилаларни янада мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, “Соғлом оила - соғлом жамият” концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, замонавий оилани ривожлантириш, оилавий қадриятлар ва анъаналарни тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармонининг қабул қилиниши жамиятда ва оилаларда соғлом, барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини самарали жорий этишда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Оилаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ваколатли давлат бошқаруви органи – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда мазкур вазирлик ҳузурида оилавий ҳаёт, унинг барқарорлиги, ривожланиш тенденцияси ва муаммоларини илмий-амалий тадқиқ этиш мақсадида “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Шунингдек, Республикамиз туман ва шаҳарларида “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” ташкил этилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизларни, эҳтиёжманд оилаларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг куйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал “Маҳаллабай” тизими ҳамда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” мақсадли тизимлари жорий этилди. Айниқса, оилавий тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар учун “Ҳимоя ордери” бериш тартибининг ўрнатилиши оиладаги аёллар ҳуқуқларининг ҳимояси борасидаги муҳим кафолатлардан бири саналади. Оила институтини мустаҳкамлаш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларида оилалардаги низо, зиддият, тазйиқ, нотинчликлар ҳамда ажримларнинг олдини олиш мақсадида Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари ташкил

¹²² 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.28.01.2022. ПФ-60-сон.

этилди. Мамлакатимизда ҳар йили 15 май – “Халқаро оила куни” сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Асосий Қонунимизнинг XIV- боби алоҳида “Оила”га бағишланган ва 63, 64, 65 ва 66-моддаларни ўз ичига олади. Хусусан, 63-моддада қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 11-моддасида, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган усулларда амалга оширилади деб кўрсатилган. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва оилаларни сақлаб қолиш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддасида “Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.”- деб кўрсатилган. Амалдаги қонунчилик талабларига кўра қонуний никоҳ давлат ҳимоясида эканлиги инobatга олинган ҳолда судлар томонидан тарафлар ўртасида қонуний никоҳни сақлаб қолиш мақсадида мазкур тоифдаги ишларни кўришда жиддий ёндошган ҳолда иш тутмоқдалар. Хусусан, судлар томонидан тарафларга ярашишлик учун қонунда қонунда кўрсатилган муҳлат берилиб, суднинг ажрими туман оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўлимларига ҳамда тарафлар яшайдиган маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги яраштириш комиссияларига улар билан тегишли яраштириш чораларини кўришлик учун юборилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасида “Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади.”-деган талабига асосан, даъвогарнинг никоҳдан ажратиш тўғрисидаги талабини қаноатлантириш учун ишда етарли далиллар ва асослар мавжуд бўлган ҳоллардагина судлар тарафларни никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳал қилув қарори чиқармоқда. Аксинча оилани (эр-хотинни) вақтинчалик келишмовчиликлар никоҳдан ажратишга асос бўла олмаслиги эътиборга олинган ҳолда судлар томонидан даъвогарнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъвосини рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилиб, кўпгина оилалар сақлаб қолинаётганлигини кузатиш мумкин. Конституциямиз талабларига асосан кўпгина қонунларимиз ва кодексларимизда вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатловчи нормалар

назарда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик ва 123-моддасида эса, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Конституциямизнинг 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, дея қайд этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-116-моддаларида ота-она ҳамда болаларнинг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган. Ушбу Кодекснинг 109-моддасига мувофиқ, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга мухтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалар қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Оилавий кадриятларга беписанд ва ёшлар тарбиясига маъсулиятсиз қараш каби иллатларга барҳам беришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш”¹²³ зарур деб таъкидлайди. Ҳар бир ота-она оила бўлиб, фарзандларини давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшадиган етук инсон қилиб тарбиялашлари уларнинг асосий бурчлари эканлиги унутмасликлари лозим. Чунки, янги Ўзбекистонда учинчи ренессанс пойдевори яратилаётган даврда оила институтини жамият ривожланишининг таянчи сифатида билиб, бу институтга алоҳида эътибор берилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 1998 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил
4. 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий Дастур. 2022 йил 7 март ПФ-87-сон фармонида 1-илова
5. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 28.01. 2022. ПФ-60-сон

¹²³ Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент:”O`zbekiston” нашриёти,2021.282- саҳифа

-
6. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси.-Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021.282- саҳифа
 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2020 йилдаги "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5938-сонли Фармони
 8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 06-сонли қарори

ХИТОЙДА “ЯНГИ ШЕЪРИЯТ” ИНҚИЛОБИНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Очиллов Озоджон Мардиевич

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитой филологияси кафедраси доценти, PhD

ozodochilov85@gmail.com

АННОТАЦИЯ

19-асрнинг охирларига келиб Хитойда инқилобий ҳаракатлар пайдо бўла бошлади, жумладан адабиётда ҳам. Бу даврда хитой адабиёти, хусусан шеърияти инқилобий ислоҳотларга кучли зарурият сезди. Бир гуруҳ зиёли адиблар томонидан ислоҳотларни амалга оширишнинг ғоявий асослари таклиф қилина бошланди, натижада ғоялар уйғунлашди ва шеърият инқилоби юзага келди. Мақолада айнан шеърият инқилоби юзага келишига асос бўлган ғоялар, қарашлар таҳлил қилинади.

Таянч тушунчалар: шеърият, янги шеърият, услуб, вэньян, байхуа, ислоҳот, инқилоб, янги бадиий концепциялар, фольклор.

АННОТАЦИЯ

К концу 19 века в Китае стали появляться революционные движения, в том числе и в литературе. К этому времени китайская литература, особенно поэзия, почувствовала острую потребность в революционных преобразованиях. Группа писателей-интеллектуалов стала предлагать идеологическую основу для проведения реформ, в результате чего идеи были согласованы и произошла поэтическая революция. В статье анализируются идеи и взгляды, лежащие в основе поэтической революции.

Ключевые понятия: поэзия, новая поэзия, стиль, вэньян, байхуа, реформа, революция, новые художественные концепции, фольклор.

ABSTRACT

Chinese literature, especially poetry, began to feel the need for revolutionary reforms by the end of the 19th century, as well as the emergence of revolutionary movements. The ideology of reform was proposed by a group of intellectual writers, which resulted in the harmonization of ideas and the creation of a poetry revolution. This article examines the ideas and views that have led to the poetry revolution.

Key words and expressions: poetry, new poetry, style, wenyuan, baihua, reform, revolution, new artistic concepts, folklore.

КИРИШ

19-асрнинг охирларига келиб Хитойда инқилобий ҳаракатлар пайдо бўла бошлади, жумладан адабиётда ҳам. Бу даврда хитой адабиёти, хусусан шеърияти инқилобий ислоҳотларга кучли зарурият сизди. Бир гуруҳ зиёли адиблар томонидан ислоҳотларни амалга оширишнинг ғоявий асослари таклиф қилина бошланди, натижада ғоялар уйғунлашди ва шеърият инқилоби юзага келди. Мақолада айнан шеърият инқилоби юзага келишига асос бўлган ғоялар, қарашлар таҳлил қилинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Хитой маърифатпарвар зиёлилари Хуанг Зунсян, Лянг Чичао, Чю Тинг Лянг кабиларнинг асарлари методологик манба сифатида фойдаланилди. Мазкур мақолани таҳлил қилиш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез, ва объективлик усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида хитой маърифатпарвар адиблари томонидан илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг шеърият инқилобининг юзага келиш омили сифатида таҳлилга тортилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XIX аср охирига келиб Хитойда мавжуд сиёсий тизим ва ахлоқий тартиб мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келди ва анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишнинг мураккаб босқичи бошланди. Бу ўринда адабиёт бутун жамиятнинг узвий бўлаги сифатида жараёнлардан четда туриши мумкин эмас эди. Хитой баддий адабиётининг муҳим қисми анъанавий тушунчаларнинг асосий ташувчиси бўлган эски услубдаги шеърият ҳам замон ўзгаришларининг шиддатли таъсирини бошидан кечириб, янгиланишга кучли эҳтиёж сезмоқда эди.

Анъанавий хитой шеъриятининг минг йилликлар давомидаги ривожланиш жараёнида қатъий қоидаларга бўйсундирилган ва моделлаштирилган услублар парадигмалари ва баддий-эстетик дид мажмуи шаклланди. Чинг империясининг сўнгги йилларида юзага келган “Шеърият инқилоби” жараёнларида хитой эски услуб шеърияти лексик, грамматик, ритмик, структур ва бошқа шу каби жиҳатлардан турли даражадаги назарий, меъёрий танлов қаршисида қолганлигини кузатиш мумкин.

Хуанг Зунсян Европа, Америка ва Японияга бўлган ташрифлари давомида хориж тил сиёсатини ўрганар экан, шундай ғояни илгари суради: “Бугун хитойлик деҳқонлар, ишчилар, тужжорлар, оддий аёллар, ёшлар бу тил ва

ёзувдан кенг фойдаланишини истасак, уларга албатта содда усулларни тақдим қилишимиз керак... Ўз шеваларида китоблар битсин”[1;116]. 1897 йил Чю Тингсян “Байхуа янгиликлар асоси” асарида расман “Яшасин байхуа, тўхтасин вэнян” (“宗白话而废文言”) шиорини ўртага ташлади. Байхуадан фойдаланишнинг “кучни тежайди”, “ўқиб-ўрганиш учун йўл очади”, “болалар таълимига қулайлик беради”, “қалбни чиниқтиради”, “халқни камбағалликдан қутқаради” каби жами саккизта фойдали хусусиятларини санайди, вэнян яшнади, таълим ўлди; байхуа ҳаракатга келди, таълим гуллади, таълим ривожланмас экан бунинг халққа ҳеч қандай фойдаси йўқдир[1;124], дея бонг урди. Янгиланиш тарафдорларидан Чэн Сонггун ҳам байхуани қўллаб-қувватлаш мақсадида газетасини вэняндан байхуага ўзгартиради. Қизиқ томони шундаки, бу каби илғорлар байхуа ва вэнянни бир-бирига параллел қўйган ҳолда, иккаласи ҳам жамиятни янгилаш учун асос бўлиши, байхуадан халқ билимини ошириш, халқ таълимини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин деган ғояни илгари сурганлиги кузатилади. Чю Тингсяннинг “Байхуа янгиликлар асоси” байхуанинг мавқеини кўтариш қаратилган бўлсада, аммо вэнянда битилган. Унда байхуанинг фойдалари, давлатни, халқни билимли қилиши ҳақида гапирилган бўлсада, бу ислохотлар бир шарт билан – бевосита вэнян назорати остида амалга оширилиб, байхуага ҳам ўрин бериши керак эди. Вэняндан юқори синф вакиллари фойдаланишда давом этиши, ҳозирги тилнинг асоси бўлиб қолиши, байхуа эса халқнинг маърифатчилик воситасига айланиши, байхуанинг умум учун осон ва тушунарли хусусиятидан фойдаланиб халқ манфатига хизмат қиладиган ислохотлар қилиши кабилар ғоялар айнан Чю Тингсянга тегишлидир[2;71]. Бу мафкуравий позиция дастлаб бир қатор камчиликларга эга бўлсада, ўта хавfli ҳолатга келиб қолган миллий ва маданий таназзул шароитида адабиётни такомиллаштириш ва ҳатто кейинчалик адабий инқилоб учун муҳим назарий манба ва ғоявий парадигма бўлиб хизмат қилди.

Лянг Чичао энг дастлаб адабиёт нуқтаи назаридан байхуанинг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар баён қилган шахслардан бири. У “Проза ҳақида” (《小说丛话》) мақоласида шундай ёзади: “Адабиётни ривожлантиришни энг муҳим бир шарт бор, бу эски тилда ёзилган адабиётни барча тушунадиган сўзлашув тилда ёзилган адабиётга айлантиришдир.[3;65]” Лянг Чичао тўғридан-тўғри “вэнян” ёки “байхуа” сўзларини ишлатмайди, уларнинг ўрнига “эски тил”, “сўзлашув тили” каби истилоҳлардан фойдаланган бўлсада, унинг ғоялари ва

ҳатти-ҳаракатлари “шеърият инқилоби”нинг амалга оширилишида муҳим дастак бўлди. Лянг Чичао ўз асарларида замонасида яратилаётган шеърларга алоҳида аҳамият қаратди: “Замонамизда кўплаб шоирлар шеърият билан янги мамлакат яратишга қарор қилдилар. Масалан, Хуанг Гонгдун тўпламининг “今别离” туркумидаги тўртта шеър, “Жаноб Ву Тайнинг умр ҳақида шеъри” кабилар. Бу шеърларда Овропа нафаси сезилмоқда, бироқ янги жумлалар ҳамон оз, улар кўпинча эски услубнинг соясида қолмоқда ва шоирлар улардан қочишни удда қилолмаптилар. Ся Суйчинг (夏穗卿), Тан Ситонг (谭嗣同) янги жумлалар ёзиш йўлини танладилар, уларнинг жумлалари зерикарли ва нўноқдир, Будда муқаддас китобларидаги сўзлар ва европача сўзлар аралаш-қуралаш қўллангандир...[4;15]”; “Бундай шеърлар ўз вақтида ўзини ўзи мамнун қилишга яради холос, улар ҳали энг зўр шеърга айланмаган эди. Ўша пайтларда мен шеър битишни билмас эдим, устозлардан ўргандим, машаққати кўп қийнаб қўйди.[5;50]”; “Суй Чинг ўзининг самовий, ҳаётий қарашларини одатда шеър ёрдамида ифода қилишни ёқтирар эди. У бир неча ўн шеър ёзган, шеърларининг барчаси ғалати эди... ўша пайтда мен ва Тан Ситонгдан бошқа ҳеч ким тушунмаган. Чунки у жуда кўплаб от туркумига оид янги сўзлар яратди, улар кўпчилик учун умуман тушунарсиз эди.[6;18]” Бу каби мулоҳазалар ўша давр шеъриятида мавжуд тил муаммоларига қаратилган бўлиб, Лянг Чичаонинг шеъриятда рўй бераётган “янги” ҳодисалар борасидаги қарашлари ва илгари сурган ғоялари кейинчалик том маънодаги замонавий шеъриятнинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этди.

Шеърият инқилоби мафкуравий талаблар олдида ўзининг аниқ режалари йўқлигини яққол намоён қилди. Бу айниқса, янгиликлар фақат эски услуб асосида бўлиши керак, деган қарашлар билан боғлиқ эди. Бу шуни англатадики, шеъриятда халқоналик хусусиятлар ва мумтоз шеъриятга хос бўлган шеърий шакл ва ритмик хусусиятлар ўзаро омухталанган ҳолда яхлит барқарор поэтик механизм яратиш ғоясини илгари суриш мақсад қилинади. Аммо янги мазмун ва тилда юзага келаётган ўзгаришлар анъанавий шакл билан мослашишда жиддий муаммолар юзага кела бошлайди ва муваффақиятсизликка учрайди.

Хуанг Зунсяннинг янги шеърий шакллар бўйича олиб борган изланишлари “Янги бадий концепциялар”, “янги жумлалар” ва “эски услуб” ўртасидаги тафовутни йўққа чиқаришда муҳим қадам бўлди. У ўзи тақлиф қилган шеърий шакллар “新体诗”, яъни “янги шаклдаги шеърият” деб номланди. Хитой жанубий ўлкаларида урф бўлган фольклор кўшиқлар туркумига кирувчи

манци(弹词 – қадимги анъанавий асосан чертиб чалинадиган мусиқа асбоблари ёрдамида куйланадиган адабий жанр бўлиб Сунг даврида пайдо бўлган ва манжурлар империяси даврида гуллаб-яшнаган) ва юэ-оу (粤讴 – жанубий Гуангдун шеvasида гаплашувчи халқлар орасида кенг тарқалган мусиқа асбоблари жўрлигида куйланадиган адабий жанр бўлиб, мисралар асосан етти бўғиндан иборат бўлган)ларга хос бўлган хусусиятлар янги шаклдаги шеърият учун асос қилиб олинган; шеърнинг мусиқийлигига эътибор қаратилган; мисраларнинг сони ва узун-қисқалигига аниқ чекловлар қўйилмаган; мазмунан тарихийликдан қочиб, мавжуд воқеяликларга асосланган, реал ҳаётни акс эттиришдан иборат бўлган. Лянг Чичаонинг “Янги наср” асарида илгари сурилган ғоялар таъсирида байхуанинг янги тўлқини юзага келди ва катта миқдордаги *Загие* ёки *Заоти*” (杂歌谣, 歌谣体) жанридаги шеърлар ижод қилинганлиги кузатилади. Бу жанрдаги шеърлар ҳам асосан фольклор кўшиқлари асосида яратилган бўлиб унинг асоси Хан сусоласи даврида пайдо бўлиб ривожланган “Маҳкама шеърияти - юэфу” нинг бир тармоғига бориб тақалади. Турли фольклор намуналарининг машхурлигидан илҳомланган айрим замонавий маърифатпарварлар халқ кўшиқларига хос санъат турларини ўзлаштира бошлади ва янги сўзлар билан тўлдириб, кенг тарқатишди. Замонавий халқ мусиқасига асосланган бу йўналишни “халқ кўшиқларини янгича куйлаш” деб аташ мумкин, бу нафақат янгиланаётган онг инъикоси, балки қуйи табақа вакиллари ғоявий руҳлантирувчи яққол мафкуравий қадрият сифатида ҳам гавдаланди. Ванг Вэнсан “4-май ҳаракати янги адабиётининг этник фольклор манбалари” асарида *загие*лар кўринишида инқилобий-маърифий услуби юзага чиқарилишининг энг аҳамиятли томонлари куйидагиларда деб билади: “биринчидан, *загие* шеърларининг ғояси 4-май маданий инқилобининг мақсадларини ўзида акс эттирди, ҳаттоки айримлари 4-май янги адабиёт ғоявий инқилобининг аёллар озодлиги каби таклифларига ҳамоҳанг келди; иккинчидан, хитой замонавий болалар адабиётининг ривожланишига туртки берди, болалар кўшиқларига хос шаклда сиёсат ва жамиятдаги муаммоларни ёритишда фойдали ҳаракатларни амалга оширди, 4-май ҳаракатидан кейинги замонавий ёзувчилар учун болалар адабиётининг бош мавзуларини кенгайтди ва ғоявий асосларини белгилаб берди; учинчидан, адабиёт ва инқилобнинг уйғунлиги намунаси сифатида гавдаланди, ҳамда тушунарли, ёрқин, қисқа, туйғуларга бой, нозик маъноли шеър шакл яратилди.[7;27]”

Загиё билан бир пайтда *мактаб қўшиқлари* (学堂乐歌)лар ҳам кенг тарқалди. *Мактаб қўшиқлари* XX аср бошларида урфга кириб янги тизимда очилаётган мактаб ўқувчилари учун махсус яратилган қўшиқлар бўлиб, ҳар қандай дарс соатларида ва мусиқа дарсларида ўқувчилар томонидан куйланган. Бу Япония, Европа ва АҚШда таҳсил олиб қайтган маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган бўлиб қўшиқлар шаклан хориж мусқий ва шеърий жанрларига хос, мазмунан ватанпарварлик, меҳнаткашлик, билимга интилиш кабиларга чорлашдан иборат бўлган. *Мактаб қўшиқлари* Хитойда маърифатни ва замонавий жамият сари илдамлашни раҳбатлантирувчи роль ўйнади. Бу борада Лянг Чичаонинг фикрлари аҳамиятли: “бу сулоланинг ҳукмронлигидан бери мусиқий ритм такомилга на олимлар на императорлар қизиқди, шеърият ва мусиқа ҳамоҳанлигига эътибор беришмади. Донишманд одамлар билишадикки, халқнинг сифатини оширишда, шеър ва қўшиқлар руҳий тарбиянинг муҳим шартларидандир.[8;58-59]” Қуйида мактаб қўшиқлари туркумига кирувчи “Ватанварлик қўшиғи” (《爱国歌》)нинг биринчи қисмини мисол тариқасида келтирамыз:

泱泱哉我中华！最大洲最大国，廿二行省为一家。物产腴沃甲大地，天府雄国言非夸。君不见，英日区区三岛尚崛起，况乃堂堂吾中华。结我团体，振我精神；二十世纪新世界，雄飞宇内畴与伦？可爱哉我国民！可爱哉我国民！

Жанг сари олға, олға менинг Хитойим! Сен энг улкан қитъада энг катта давлат, Йигирма икки ўлканг битта оила. Бойликлари бисёр катта бир замин, Буюклигинг таърифига тилимдир оғиз. Қара, Британия, Япония юксалмоқда кўкларга, Нима камдир юксалмоққа Хитойга. Бирлашайлик, титрасин жон-руҳимиз; Йигирманчи аср бу янги аср, Парвоз қиламыз дунёга, ким сен билан беллаша олар? Кураш, халқим! Кураш, халқим!

Бу шеър мисралари мумтоз шеъриятга хос бешлик ёки еттилик вазнга мос эмас, ритмик талабларга амал қилинмаган бўлсада, мисраларнинг горизонтал ва вертикал эркинлиги, тилнинг равонлиги шеърнинг мусиқий хусусиятини кучайтиришга ёрдам берган.

Шундай туркумдаги янги услубдаги шеърлар асосан Хуанг Зунсян, Канг Ёвей, Лянг Чичао, Ся Цэнг-ё ва Чю Фэнгжя каби маърифатпарварлар томонидан ижод қилинган. Уларнинг шеърларида халқнинг миллий маънавиятини юксалтириш, жанговар руҳини уйғотишни мақсад қилган маърифий мурожаати яққол кўзга ташланади. Шеърият онтологияси нуқтаи назаридан қараганда, шеърий тилнинг оммабоплиги ва мусиқийлигига урғу берилгани 1911 йил

инкилобигача ва ундан кейин қўшиқ услубидаги шеърятнинг туғилишида, “Янги шеърят” ҳаракатининг дастлабки босқичида айрим ритмик шеърларнинг пайдо бўлишида ижобий роль ўйнади.

1905 йилга келиб янги шеърятнинг энг йирик тарғиботчиларидан бўлган Хуанг Зунсян вафот этди, Канг Ёвей, Лянг Чичао, Ся Цэнг-ё ва Чю Фэнгжя кабиларнинг ижодий фаоллиги ҳам бирмунча сусайиб қолганлиги кузатилади. “Адолат” (《清议报》), “Янги халқ” (《新民丛报》), “Янги проза” каби нашларнинг бирин-кетин ёпилиши ортидан шеърят ислохотлари бир муддат тўхтаб қолди. 1905 йил “Хитой альянси”нинг пайдо бўлиши, буржуа-демократик инкилобий ҳаракатининг кучайиши шоирларни инкилобий шеърлар ёзишга чорлади. Шу тариқа шеърят ислохотлари яна қайта жонланди, инкилобга, маърифатга, ватанпарварликка чорловчи шеърлар инкилобнинг энг асосий “қурол”ларидан бирига айлана бошлади. Бу даврда ижод қилган шоирлардан асосан Чю Жэн, Жан Бэнглен ҳамда Жануб инкилобчи шоирлар гуруҳини санаш мумкин. Бу шоирлар халқни уйғотувчи, ватанпарварлик туйғуларни жунбушга келтирувчи ҳарбий ва жанговор шеърлар ёза бошлашди. Шу сабабдан энди шеърят мазмуни ва мавзусига кўра ўзидан олдинги янги шеърятга хос бўлган янги илмий-диний атамалар билан чекланмаган, шаклий жиҳатдан ўта эркин, қатъий қоидалар буткул бекор қилинган босқичга кириб келди. Бундай шеърларнинг ғовий жиҳатлари янада конкретлашгани, империализм, феодализм ва сиёсатга қарши туриш билан бирга инсон эрки мавзуси ҳам мазмунан янги даражага кўтарилганлиги кузатилади. Масалан, Чю Жэн қаламига мансуб “Аёллар ҳуқуқи сари” (《勉女权歌》) шеърида куйидаги мисраларни учратамиз[9;341]:

吾辈爱自由，勉励自由一杯酒。男女平权天赋就，岂甘居牛后？愿奋然自拔，一洗从前羞耻垢。愿安作同铸，恢复江山劳素手。

Озодликни севаман, тотким келар озодлик шаробидан. Эркак-аёл тенглиги илоҳий инъом, токай хўрлик доимий азобидан? Иштиёқим озод бўлсам, шармандалик зуборларин ювиб ташласам. Жанна д’Арк маслаги бўлиб, тикласам меҳнатимла Хитойнинг буюклигини.

ХУЛОСА

Шундай мазмундаги шеърлардан яна учратиш мумкин. Бу каби шеърлар аёллар эрки ва озодлиги учун кураш байроғини кўтариб, хотин-қизлар озодлиги билан миллий озодлик ҳаракатини уйғунлаштирди. Шеъринг инкилобнинг бу трансценденсиялари кейинроқ юзага келган “4-май ҳаракати” янги шеърятига

ҳам мерос бўлиб ўтди ва ривожланди. Шунингдек, бу даврда манзара, саёҳат хотиралари ва шу каби туркумга хос шеърият ҳам тараққиётдан тўхтаб қолмади, улар кундалик, маиший мавзуларда бўлсада, мазмунан келажак сари юзланганлигини кўриш мумкин, шу жиҳатдан ҳам улар “4-май ҳаракати”нинг янги шеъриятини илҳомлантира олди ва хитой замонавий шеъриятининг ғоявий асоси сифатида майдонга келди.

REFERENCES

1. 中国科学院近代史研究室近代史资料编辑组编辑，《日本国志·学术志·文学》，《近代史资料》，北京中华书局，1963年版，第116页。
2. 许霆：《五四时期的白话运动和新诗运动》，《文艺争鸣》，2009年第7期，第71页。
3. 陈平原、夏晓虹主编：《二十世纪中国小说理论资料》第一卷 1987-1916，北京·北京大学出版社，1989年版，第65页。
4. 梁启超：《夏威夷游记》，见《中国现代诗歌理论经典》，许霆编，苏州·苏州大学出版社，2007年12月第1版，第15页。
5. 梁启超：《饮冰室诗话》第六十二则，北京·人民文学出版社，第50页。
6. 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，见《饮冰室合集·第五册·文集之四十五（下）》第五册，北京·中华书局1988年，第1版，第18页。
7. 王文参：《五四新文学民族民间资源》，北京·民族出版社，2006年3月第1版，第27页。
8. 梁启超：《饮冰室诗话》第77则，北京·人民文学出版社，1959年4月第1版，第59、58页。
9. 秋瑾：《秋瑾全集笺注》，郭长海、郭君兮辑注，长春·吉林文史出版社，2003年11月第1版，第341页。

TILSHUNOSLIGIMIZDA LINGVOMADANIY KODLARNING O‘RGANILISHI HAQIDAGI MULOHAZALAR

Maxamatova Maxliyo

Termiz davlat universiteti magistranti

ANNOTATSIYA

Tilimiz asrlar davomida boyigan o‘zining salohiyatini boyitgan buyuk bir ne‘matimizdir. Ona tilimiz o‘ziga xos betakror xususiyatlarga ega. O‘zbek shevalari va jumllarida inikos topuvchi, milliy qadriyatlarimiz, tafakkurimiz, ruhiyatimiz, umuman olganda, tan-u jonimizda jamul-jam bo‘ladi. Zero, til ijtimoiy ahamiyatga ega bo‘lgan axborotni saqlash, avloddan avlodga uzatish madaniyatlararo muloqotni yuzaga keltirish va uni rivojlantirish xususiyatiga ega bo‘lgan noyob hodisa hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: *Lingvokulturologiya, maqollar, lingvokulturologik tahlil, lingvomadaniy kodlar.*

АННОТАЦИЯ

Наш язык – это великое благо, которое веками обогащало свой потенциал. Наш родной язык имеет свои особенности. Узбекские диалекты и предложения отражаются в наших национальных ценностях, мышлении и духе, в общем, в нашем теле и душе. Ведь язык – это уникальное явление, обладающее способностью сохранять информацию, имеющую социальное значение, передавать ее из поколения в поколение, создавать межкультурную коммуникацию и развивать ее.

Ключевые слова: *языковая культура, пословицы, лингвокультурологический анализ, лингвокультурные коды.*

KIRISH

Antropotsentrik tadqiq tamoyillari lug’atlarda ham o‘z aksini topa boshladi. Prof. N.Mahmudov boshchiligida tuzilgan “O‘zbek tili o‘xshatishlarining izohli lug’ati”da tilimizdagi turg’un o‘xshatishlarning lingvomadaniy xususiyatlari yoritib berildi.

2015 yilda O‘zbekiston Milliy universiteti qoshidagi Ilmiy kengashda “O‘zbek tilidagi badiiy matnlarning antropotsentrik talqini” mavzusida doktorlik dissertatsiyasi himoya qilindi. Mazkur maqola muallifi tomonidan amalga oshirilgan ushbu tadqiqotda antropotsentrik paradigmaning nazariy asoslariga doir fikrlar ilgari surildi. Shu yili chop etilgan lingvokulturologiya bo‘yicha tuzilgan lug’at (D.Xudoyberganova. Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug’ati”. T.

2015) o‘zbek tilshunosligida lingvomadaniyatshunoslikka oid ilk lug‘at hisoblanadi. Unda mazkur sohaning asosiy terminlari ma‘nosi izohlab berilgan.

Bunda u ham madaniyat mahsuli, ham uning mavjudligining asosiy sharti sifatida madaniyat ko‘rinishini belgilovchi, uning davomiyligini ta‘minlovchi omil vazifasini bajaradi.¹²⁴ Bu xususiyatlar esa tilimizning naqadar qimmatli ekanligini ko‘rsatib beradi. Bugungi kunda tilshunosligimizga qiziqish yanada ortib bormoqda. Xususan, o‘zbek tilshunosligida olib borilayotgan tadqiqotlarga nazar tashlasak, biz kabi yosh tadqiqotchilarning lingvokulturologiyaga katta qiziqish bildirayotganligi a‘yon bo‘ladi. Shu nuqtai nazardan ilmiy izlanishlarga tayangan holda ko‘rishimiz mumkin, hozirgi izlanishlar mahsuli sifatida lingvokulturologik tadqiqotlarda til vositasida olamni idrok etish va tasvirlashda o‘zbek milliy tafakkurining o‘rnini aniqlash, bu esa tilimizning ichki qatlam vakillarining milliy idrok tarzi, ruhiyati, dunyoqarashi, kabi omillar bilan daxldor jihatlarni tadqiq etishni taqozo qiladi. Til obyektiga yanada sinchkovlik bilan yondoshish, tilni inson fenomeniga xos aqliy va ruhiy qobiliyatlar uzviyligida tahlil qilish, tafakkur tizimining o‘ziga xos qonun qoidalarini ochib berish zamonaviy o‘zbek tilshunosligimizning asosiy tamoyillari bo‘lmog‘i lozim.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

XX asrning so‘nggi choragida o‘zbek tilshunosligida muhim evrilish ro‘y berdi: tadqiqotlarda lingvistik antropotsentrizmning ta‘siri yaqqol namoyon bo‘la boshladi. Lingvopragmatika, kognitiv tilshunoslik, psixolingvistika, sotsiolingvistikaga oid tadqiqotlar natijasida tilshunosligimizda antropotsentrik paradigma ustuvorlik qila boshladi. O‘zbek lingvistikasida tilni uning sohibi bo‘lgan inson va u mansub bo‘lgan etnosdan ayro holda o‘rganish mutlaqo mumkin emasligi e‘tirof etilgan va bu fikr haqiqatga aylandi. Asrimiz boshida o‘zbek tilshunosligidan antropotsentrizmning muhim sohalaridan biri hisoblangan lingvomadaniyatshunoslikka oid qarashlar ham o‘rin ola boshladi. Tilshunosligimizga lingvomadaniyat, til sohibi, olamning lisoniy manzarasi, lingvomadaniy birliklar, lingvomadaniy konsept tushunchalari kirib keldi. Natijada til birliklari, xususan, maqollar, o‘xshatishlar, metaforik mazmunli so‘z va matnlar lingvomadaniy yondashuvda tadqiq etildi. O‘zbek tilshunosligida lingvomadaniyatshunoslikka doir dissertatsiyalar yuzaga keldi, ularda mazkur sohaning nazariy asoslariga doir fikrlar ilgari surildi.¹²⁵ Lingvomadaniyatshunoslik terminlarining izohli lug‘ati, lingvomadaniy yondashuvdagi lug‘atlar yaratildi.

¹²⁴ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-6-30

¹²⁵ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-6-35

Bugungi kunda o'zbek lingvomadaniyatshunosligi tilshunosligimizning rivojlanib borayotgan sohalaridan biri sifatida ko'plab tadqiqotchilarning, xususan, yosh izlanuvchilarning e'tiborini tobora o'ziga tortmoqda. Bunda soha rivojiga salmoqli hissa qo'shgan A.Nurmonov, N.Mahmudov, A.Mamatov, D.Ashurova, Sh.Safarov kabi taniqli olimlarning ishlari nazariy asos vazifasini o'tamoqda.

Bizga ayonki, kod va belgi tushunchalari belgilarni o'rganuvchi fan semiotikaning markaziy tushunchalari hisoblanadi. Kod haqida gapirganda aynan bir jihatga e'tibor qaratmaslikning ilojisi yo'q. Kodlashtirish axborot ya'ni shifrlangan axborotdir. Bunda deshirovka bo'lishi shart. Bu borada M.L.Kovshovanning izohi diqqatga sazovor: "Semiotikada kod belgilar tizimi hamda ularning interpretator tomonidan "o'qilish" qoidalarini ifodalaydi," ular o'z navbatida, u yoki bu sohadagi bilim, u yoki bu madaniyat bilan, interpretatorning kommunikatsiyasi shartlangan bo'ladi shunday qilib, semiotikada belgi hamda uni mazmunan to'yintiruvchi interpretator uchun shifrlangan axborotni "o'qish imkonini beruvchi kod ajratiladi." Turli belgilar alohida fan sohalarida hamda kundalik turmushda keng qo'llanadi. Inson o'z olamini belgilar bilan to'ldirib borishining asosiy sababi axborotni ixcham qobiqda yetkazish, tejamlilikka intilishda deb hisoblash mumkin. Axborotni hajman kichik birliklarda ifodalash uning hayot kechirishidagi va kommunikatsiyaga kirishuvdagi universal vosita bo'la oladi. Shunday qilib, semiosfera inson hayotida katta ahamiyatga ega. Insonning universal semiosferasidagi asosiy kod bu–tildir.¹²⁶

Ma'lumki, *kod* va *belgi* tushunchalari belgilarni o'rganuvchi fan – semiotikaning markaziy tushunchalari hisoblanadi. "Sotsial axborotning har qanday moddiy ifodalovchilari belgi hisoblanadi"¹²⁷. Dastlab matematika va informatika fanlari doirasida keng qo'llanilishda bo'lgan kod tushunchasi gumanitar sohalarda ham qo'llanila boshlandi. Bunda belgilik xarakteriga ega til hamda madaniyat alohida ahamiyatga ega. Ular belgilar vositasida xalqning tajribasi va me'yorlarini kelgusi avlodga yetkazadi.

Kod haqida gapirganda muhim bir jihat e'tiborga olinishi lozim – kodlashtirilgan axborot – shifrlangan axborotdir, bunda deshifrovka bosqichi bo'lishi shart. Bu borada M.L.Kovshovanning izohi diqqatga sazovor: "Semiotikada *kod* belgilar sinfini hamda ularning interpretator tomonidan "o'qilish" qoidalarini ifodalaydi, ular, o'z navbatida, u yoki bu sohadagi bilim, u yoki bu madaniyat bilan, interpretatorning kompetensiyasi bilan shartlangan bo'ladi. Shunday qilib, semiotikada *belgi* hamda uni mazmunan to'yintiruvchi, interpretator uchun shifrlangan axborotni "o'qish"

¹²⁶ Усмонов Ф. Ўзбе тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. Андижон - 2019 – 6-39-45.

¹²⁷ Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 57.

imkonini beruvchi *kod* ajratiladi”¹²⁸. Masalan, xitoylarda qizil rang omad va xursandchilik ramzi hisoblanadi¹²⁹. Ammo rus madaniyati stereotiplariga ko‘ra ahmoqning yoqtirgan rangi qizildir. Qizil qalpoq, qizil kiyim, qizil etik uning doimiy hamrohlari ekaninini rus tilidagi bir qator maqol va ertak motivlari tasdiqlaydi¹³⁰. Ko‘rinadiki, madaniyat kodlarini dekodlash lingvomadaniy kompetensiyani talab etadi.

Til asrlar davomida insoniyat tomomidan yaratilgan beqiyos madaniy axborotni avloddan avlodga olib o‘tuvchi noyob hodisadir. Bunda u ham madaniyat mahsuli, ham uning madaniyat ifodachilaridan biri sifatida namoyon bo‘ladi. Til va madaniyat uzviyligini tadqiq etuvchi soha hisoblangan lingvomadaniyatshunoslik asoschilaridan biri V.N Telya shunday yozadi: “Madaniyatning o‘ziga xos “tili” bor u biz bilan me‘morchilik, rassomchilik, musiqa, raqs, adabiyot va insoniyatning boshqa ijod mahsullari orqali so‘zlashadi. Lekin madaniyat “tili”ning eng universal vositasi tabiiy tildir”¹³¹.

Ma’lumki, yangi ilmiy g‘oyalar har qanday fan taraqqiyotini ta’minlovchi kuch hisoblanadi. Til ilmida ilgari surilgan har qanday yangi nazariya, avvalo, o‘z milliy zaminiga tayanishi bilan ayricha hodisa hisoblanadi. Har qanday nazariyotchi o‘z g‘oyasini birinchi navbatda o‘z ona tilidan kelib chiqib asoslaydi. Shu sababli bir tilshunoslikdagi g‘oyani yangilik sifatida boshqa tilshunoslikka tatbiq etish har doim ham samarali bo‘lavermaydi. Ammo, dunyo tilshunosligida shunday nazariyalar ham mavjudki, ulardan boshqa tillarni tadqiq etishda ham o‘rinli foydalanish mumkin. Zero, bu kabi nazariyalar til universalialariga daxldor bo‘ladi. Tilshunoslikdagi lingvomadaniy kodlar nazariyasi ana shunday qarashlardan biri hisoblanadi. Mazkur nazariyadan olamning o‘zbekcha lisoniy manzarasini tadqiq etishda, xalqimizning milliy tafakkuriga xos qonuniyatlar tadrijini aniqlashda foydalanish mumkin.¹³²

Tilshunoslik, madaniyatshunoslik, etnografiya, psixolingvistika, sohalari hamkorligida yuzaga kelgan, i fanlar integrallashuvi mahsuli bo‘lgan lingvomadaniyatshunoslik madaniyat ana shunday madaniyat “tili” talqini bilan shug‘ullanuvchi antroposentrik soha sifatida fanga lingvomadaniy birlik, lingvomadaniyat, lingvomadaniy jamiyat, milliy-madaniy konnatativlik, madaniy sema, presedent birliklar, lisoniy ong, olamning lisoniy, manzarasi, olamning

¹²⁸ Ковшова М.Л. Лингвокультурологический метод во фразеологии. Коды культуры. Изд. 2-е. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. – С. 169.

¹²⁹ <https://www.epochtimes.ru/content/view/32142/76/>

¹³⁰ Ковшова. М. Л. Кўрсатилган манба. – Б. 41.

¹³¹ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-6-38

¹³² Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-6-42

qadriyatli manzarasi kabi bir qator yangi tushunchalarni olib kiradi. Ular qatorida madaniyat kodlari tushunchasi alohida mavqega ega.¹³³

Til o'rganishning hozirgi bosqichida lingvokulturologlar alohida bir madaniyatni ajratib ko'rsatishadi. Madaniyat kodlari deb ataladigan madaniy makon bu – har bir madaniyatga xos bo'lgan ijtimoiy amaliyotlar to'plami, jamoaviy mavjudlik o'yinining qadriyatlari va qoidalari to'plami, insonlar tomonidan ishlab chiqilgan meyoriy baholash mezonlari tizimi sifatida qaralishini rus tilshunosi V.A. Pimenova. Lingvomadaniy kod modellashtirish tizimidir, chunki mavjudlikning har qanday sohasining tarkibiy o'xshashligini (modelini) o'z ichiga oladi. Uning ichki qonuniyatlarini ochib beradi va uni tushunishga yordam beradi.¹³⁴

Jamiyatdagi xulq-atvor normalari vaqt o'tishi bilan o'zgaradi, shuningdek madaniy kodlar ham. Bu esa insonlarning ongi va tafakkuridagi qarashlarning turfa ranglarda namoyon bo'lishiga olib keladi.

Madaniy kodlar taraqqiyoti qadriyatlarni qayta baholash jarayoni bilan uzviy bog'liq. Madaniy kodlar asosida insonning dunyo haqidagi arxaik va mifologik tasavvurlari bilan bog'liq bo'lgan qadimiy bilimlari yotadi. Shu sababli har qanday til tizimida mavjud bo'lgan lingvomadaniy kodlarni aniqlash, ularning o'zi mansub bo'lgan lingvomadaniyatga xos bo'lgan qadriyatlar, madaniy meyorlar hamda aksiologik qarashlar bilan uzviylikda tadqiq qilish ham nazariy ham amaliy jihatdan muayyan ahamiyatga ega.

Tilshunos, lingvokulturolog olim M.V.Pimenova madaniyat tushunchalarini bir necha guruhlarga bo'lib, o'rganishni ta'kidlaydi. Jumladan: 1) madaniyatning umuminsoniy kategoriyalari (falsafa kategoriyalari – vaqt, makon, sabab, oqibat, o'zgarish, harakat, miqdor, sifat,); 2) ijtimoiy madaniy toifalar (erkinlik, adolat, mehnat, boylikl); 3) milliy madaniyat toifalari (iroda, ulush, kelishuv,ruh,) ; 4) empirik kategoriyalar: (yaxshilik va yomonlik, burch, huquq va haqiqat); 5) mifologik toifalar, shu jumladan, diniy (xudolar, qo'riqchi farishta, ruhlar, jigarranang,); mifologik, kategoriyalar, mifologik tushunchalar, shuningdek, folklor va adabiy manbalardan olingan tushunchalardir. Asosiy tushuncha sifatida tilning umumiy shakllar, so'zlar, iboralar, frazeologik birliklar, maqol va matallar, topishmoqlarda ham uchraydi.¹³⁵

¹³³ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-б-43

¹³⁴ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-б-45

³⁸ Худойберганава Д. Тил тафаккур маданият - Тошкент: Нодирабегим, 2020-б-47

¹³⁵ Пименова В.М. Коды лингвокультуры: Учебное пособие. –М. “ Флинта: Наука”, 2018. -178-б.

Tilshunos olimlarning lingvokulturologik qarashlari turfa xildir. Lotmanning fikricha, ma'lum bir madaniyatda kod virtual (xayoliy) voqelik obyektlarining paralelligini o'rnatgan mifologik ong taqqoslash va tafakkur qilishga tayanadi.¹³⁶

Til tabiiy-ijtimoiy muhitda yashovchi shaxsning tafakkur xususiyatini, uning ichki dunyosiga va uning obyektlariga antropomorfik va biomorfik xususiyatlarni o'tkazish xususiyatini namoyon etdi, bu esa metafora va metanomiya shaklida mustahkamlangan. Insonning turli sohalardagi hodisalarni o'zaro bog'lash, ularning umumiy xususiyatlarni ajratib ko'rsatish qobiliyati har bir madaniyatda mavjud bo'lgan lingvistik madaniyat kodlari, shu jumladan, o'simlik (vegetativ, fitomorf), zoomorf (hayvon, termomorf) kodlar tizimining asosini tashkil qiladi. Madaniy kodlar asosini mifologik simvolizm tashkil etadi, uning mohiyati aniq obyektlarning tasvirlarini mavhum hodisalarga o'tkazishdir. Jismoniy (haqiqiy) hamda virtual (xayoliy) voqelik obyektlarining paralelligini o'rnatgan mifologik ong taqqoslash tafakkur qilishga tayanadi.¹³⁷

XULOSA

Har bir milliy madaniyat o'ziga xos til tasvirlari, maxsus madaniyat kodini tashkil etuvchi belgilar bilan ajralib turadi. Ular yordamida ona tilida so'zlashuvchi o'z ichki dunyosini talqin qilishda uni o'rab turgan dunyoni tasvirlaydi. Xususiyatlari madaniyat kodlari bilan bog'liq bo'lgan tasvirlar o'xshashlik rejimida ishlaydi. Tushunchalar tilda turli yo'llar bilan amalga oshiriladi. Bitta va bir xil konsepsiya bir nechta belgilash usullariga ega bo'lishi. Tushunchaning obrazli belgilari tilda metafora vositasida ifodalanadi. Bunday tasvirlar ona tilida so'zlovchilarning ongida mavjud bo'lgan madaniy kodlarni amalga oshirishdir. Ta'kidlash joizki, majoziy ko'zgu dunyoni milliy ongda idrok etishni aks ettiradi. Metaforalar va ularning universalligi va o'ziga xosligi nuqtai nazaridan ko'rib chiqish bizga ichki dunyoning lingvistik rasmlarda tushunchalarimini ifodalashning umumiy mexanizmlarini aniqlashga xizmat qiladi. Aniqroq qilib izohlanganda, metafora – ma'lum bir sohaga tegishli mavhum tushunchalarni ifodalashning umumiy va aniq ko'rinishidir. Madaniy kodlarda aynan metaforik birliklar asosiy jabhaga ko'tariladi. Umumiy qabul qilingan konseptual metafora tizimi, odatda, ongsiz, avtomatik va sezilarli harakatlarsiz ishlatiladi. Fikrlar boshda yoki ongimizda deganda biz ongli ravishda ong va boshni idish sifatida o'ylamaymiz. Shuning uchun konseptual metafora bir soha haqida boshqa obyektlar orqali fikrlashni o'rgatadi. Insonlar dunyoni o'zlarining

¹³⁶ Пименова В.М. Коды лингвокультуры: Учебное пособие. –М. “Флинта: Наука”, 2018.

¹³⁷ Пименова В.М. Коды лингвокультуры: Учебное пособие. –М. “Флинта: Наука”, 2018.

ko'zlari orqali anglash uchun ishlatiladigan metafora ma'lum ta'rixiy davrlarda turli madaniyat vakillari va bir xil madaniyatlar o'rtasida farqliklarni oydinroq tushunishga yordam bergan.

REFERENCES

1. Худойберганава Д. Лингвакультрологияда маданият кодлари тушунчаси ва талқини // Ўзбек тили ва адабиёти - Тошкент, 2009.- № 3 В. 34.
2. Ойноткинова Н.Р. Соматический код культуры в пословицах и поговорках алтайцев // Сибирский филологический журнал – Новосибирск, 2011. - № 3. - С. 5-14;
3. Телия В.Н. Большой фразеологический словарь русского языка. – М. 2006-С. 12.
4. Собитова З.К. Лингвокультрология: учебник. –М. Флинта: Наука, 2013. –С 8-9.
5. Красних В.В. Коды и эталоны культуры (приглашение к разговорь) // Язык, сознание коммуникация: Сб. статей. – М.: МАКС Пресс, 2001. – С.6.
6. Usmonov F. O'zbek tilidagi o'xshatishlarning lingvomadaniy tatqiqi. // - Andijon, 2019. – В. 25-28.

NAVOIY ASARLARINI O'QITISHDA INTEGRATSION YONDASHUV

Rahmatova Feruza Yarashevna

Magistr

rahmatovaferuza56@gmail.com

ANNOTATSIYA

Hozirgi kunda integratsiyalashgan o'qitish texnologiyalari zamonaviy hayotning barcha sohalarida o'zining zamonaviyligi bilan ajralib turadi. Ta'limda yangilanishlar esa qolgan barcha o'zgarishlarni boshlab bermoqda. Buni ta'lim sohasidagi barcha jabhalarda katta o'zgarishlarni keltirib chiqaradigan sirli hodisa sifatida tushunish mumkin. Bugungi kun jamiyatida hayot va faoliyatning barcha sohalarida erishilgan eng yangi ilmiy va texnik yutuqlar, bor muammolarni bartaraf etish hamda jamiyat taraqqiyoti va rivojlanishiga hissa qo'shish maqsadida barqaror va sifatli o'zgarishlarni kiritish zaruriyatini keltirib chiqarmoqda. Ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik va madaniy nuqtai nazardan qaraydigan bo'lsak, innovatsion texnologiyalarni joriy etish zarur, chunki u zamonaviy hayot tarzini yuksaltirish uchun yaxshi modelni anglatadi. Yangilangan ijtimoiy rivojlanish imkoniyatlari haqida gapirganda, biz ta'limni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratishimiz kerak, chunki egallanadigan bilim bu rivojlanishga asos soladigan va to'g'ri yo'naltiradigan yagona ishonchli manbadir. Bugungi globallashtirilgan zamonning eng muhim muammolari va o'zgarish tomonlarini aks ettiruvchi integratsiyalashgan individual elementlar sifatida bilim, tushuncha, jarayonlar, munosabat, qiziqish va shunga o'xshash narsalarni o'rganish kerak.

Kalit so'zlar: integratsiya, texnologiya, ta'lim, yangilanish, innovatsion texnologiya, individual elementlar

ABSTRACT

Today, integrated learning technologies are characterized by their modernity in all areas of modern life, and innovations in education are initiating all other changes. It can be understood as a mysterious phenomenon that will cause great changes in all spheres of education. The latest scientific and technical achievements in all spheres of life and activity in today's society make it necessary to make sustainable and qualitative changes in order to overcome the existing problems and contribute to the development and progress of society.

From a social, economic, technological and cultural point of view, the introduction of innovative technologies is necessary because it represents a good

model for improving the modern way of life. When we talk about opportunities for renewed social development, we need to pay special attention to the development of education, because the knowledge acquired is the only reliable source on which to base and direct this development.

Keywords: *integration, technology, education, renewal, innovative technology, individual elements.*

KIRISH

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga qilgan Murojaatnomasida: “Biz o‘z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta‘lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim”, deya ta‘kidladilar.

Darhaqiqat, bugungi fan-texnika tobora rivojlanib borayotgan jarayonda jahon madaniyati, ommaviy madaniyat yoshlarimizga ne chog‘lik ta‘sir etayotgani, ta‘lim tarbiya, yoshlarning ilm-fanga bo‘lgan munosabatlari ham barchamizga kundek ravshan. Zero, bugungi kunda ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish borasida hal etilishi zarur bo‘lgan ko‘plab muammo va vazifalar mavjud. Bugungi kunda bolalarimizning -Alisher Navoiydan uzoqlashib borayotganlari ularning o‘zbek tiliga e‘tiborsizligi deb bilaman. Yoshlarimiz “madaniylashuv”ni o‘zicha anglab, tilimizdan uzoqlashib ketayotgandek va bunda biz kattalarning, ustozlarning ham aybi bor: ularning qalbiga bobomizning asarlarini singdira olmayapmiz.

Yoshlar ongida milliy g‘urur, milliy tafakkurni shakllantirishni maqsad qilar ekanmiz, albatta buni buyuk mutafakkir bobolarimizning o‘g‘itlari, asarlari va hikmatlari yordamida amalga oshirish mumkin. Bu borada Alisher Navoiy ijodining o‘rni beqiyos.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Alisher -Navoiy ijodiy merosini, san‘atini, asarlaridagi badiiy mo‘jizani yoshlarimiz ruhiyatiga singdirishda maxsus o‘qitish usullari, innovatsion yondashuvlar zarurligi haqida bir qancha fikr-mulohazalar, takliflar bildirilgan. Davlatimiz rahbarining ko‘rsatmalariga asosan jahon adabiy ta‘limida sinovdan o‘tgan ilg‘or tajribalar, G‘arbda mumtoz adabiyot namunalari, jumladan, Shekspir asarlarini o‘qitishda ham keng foydalaniladigan Gardner, Klark kabi jahonning eng

mashhur olimlari nazariyalariga tayanib o'qitishga integratsion yondashish bu boradagi yechim bo'lishi mumkin.

Alisher Navoiyning "Lison ut-tayr" asarini ingliz tiliga o'g'irgan kanadalik tadqiqotchi Geri Dikning ta'kidlashicha, hozirgi kunda G'arbda Alisher Navoiy asarlarini o'qishga bo'lgan ehtiyoj katta. Alisher Navoiy ijodining xorijdagi tadqiqi, asarlarining ingliz tiliga tarjimalari va ta'lim muassasalarida Navoiy ijodini o'qitishga oid izlanishlar olib borib, mutafakkirning xalqaro miqyosdagi o'rni va ahamiyatini yana-da yuksaltirishga o'zimizning hissamizni qo'shish har birimizning burchimizdir.

Navoiyni o'qitish, katta tajriba va mehnatni talab qiladi. Bu borada albatta yangicha yondashishimiz zarur. Bugungi kun yoshlari texnika asrida ulg'aymoqda ularga an'anaviy darslar, ma'ruzalarning qizig'i yo'q. Shunday ekan, Navoiyni o'qitishda turli fanlar bilan aloqadorlikda integratsion tarzda o'qitishimiz kerak. Fanlararo aloqadorlik, integratsiya ta'minlangan sharoitda o'quvchilarning egallagan bilimlari samarali rivojlanish bilan bir qatorda, ularning idrok qilish qobiliyati, faolliklari, qiziqishlari, aqliy-intellektual imkoniyatlari ortishiga erishiladi. Integratsiya atama va uslubiy nuqtai nazardan hodisa sifatida nimani ifodalashini ko'rib chiqaylik.

O'qitish jarayonida integratsiyani qo'llash nazariyasi taraqqiyoti ilmiy pedagogik tushunchalar rivoji, asosiy va muhim ahamiyatga ega. Integratsiya differentsiya bilan uzviy bog'liqdir. Bu uzviylik o'quvchilarda olayotgan bilimlarini anglashga bo'lgan intilishlari sistemasini barpo qilishlarida yaqqol namoyon bo'ladi.

Integratsiya – bu fanlarning differensial jarayon davomida yaqinlashuvi va bog'liqligidir. Integratsiya jarayoni fanlar orasidagi aloqani yangi, yuqori sifatda bir-biriga bog'lash bosqichi bo'lib, o'zini yuqori ko'rinishda namoyon etadi. Shuni alohida qayd etish kerakki, integratsiya jarayoni asoslari uzoq o'tmishdagi xalq pedagogikasi va ilmiy pedagogikaga asoslangan. Integratsiya fanlararo bog'liqlikdir. Fanlararo bog'liqlik asoslari tabiatni to'la holda o'quv darsliklarda ko'rsatish va tushuntirish zaruratidan paydo bo'lgan.

Integratsiya Farididdin Attorning quyidagi fikrlariga hamohangdir: bu ro'yi zaminda mayda narsaning o'zi yo'q, hamma narsa bir-biriga bog'liq va bir-birini to'ldiradi.

Zamonaviy ta'lim tizimida o'quv jarayonini umumiy o'quv predmetlari mazmuni va maqsadlarini ma'lum uzviylikda va o'zaro mantiqiy bog'langan holda tashkil qilish ta'limni sifat va samaradorligini oshirish bilan bir qatorda o'quvchi yoshlarni dunyoqarashini kengaytirib, ularni fikrlash olamini yorqin obrazlar bilan boyitishga xizmat qiladi.

Katta yoshdagilar ta'limi ham rasmiy ta'limni, ham uzluksiz ilm olishni, norasmiy o'qitishni hamda norasmiy va qo'shimcha (yordamchi) ta'limning butun doirasini qamrab oladi

Jahon amaliyotida ta'lim (maorif) sohasida uch turdagi faoliyat ajratib ko'rsatiladi:

- umume'tirof etilgan diplom yoki attestat berilishi bilan yakunlanadigan **rasmiy ta'lim**;

- odatda hujjat berilishi bilan birga kechmaydigan, ta'lim muassasalari yoki jamoatchilik tashkilotlarida, klublar va to'garaklarda, shuningdek repetitor yoki

murabbiy (trener) bilan yakka mashg'ulotlar vaqtida olib boriladigan **norasmiy ta'lim**;

- kundalik hayotimizda birga kechadigan va aniq maqsadga qaratilgan xususiyatga egaligi majburiy bo'lmagan yakka bilim orttirishdan iborat axborot olish uchun xizmat qiladigan (**informal**) ta'lim.

Germaniyada o'tkazilgan CONFINTEA V, katta yoshdagilar o'qishi va ta'limi muhimligining xalqaro miqyosda e'tirof etilishi va ushbu sohada majburiyatlar qabul qilinishi tarixida hal qiluvchi bosqich bo'ldi. CONFINTEA V natijalari bo'yicha ikkita hujjat qabul qilindi – Gamburg katta yoshdagilar ta'limi to'g'risidagi deklaratsiyasi va “Kelajak kun tartibi”. Ularda dunyo hamjamiyatining diqqat-e'tibori katta yoshdagilar o'qishi va ta'limi hayot davomida ta'lim olishning zarur tarkibiy qismi ekanligiga qaratildi.

2009-yilda Braziliyada (Belen shahrida) o'tkazilgan CONFINTEA VI jamoatchilik tomonidan katta yoshdagilar ta'limini va norasmiy ta'limini butun umr mobaynida ta'lim olishining tarkibiy qismi sifatida e'tirof etilishini oshirishga chaqirdi. [3]

Katta yoshdagilar uchun qo'shimcha ta'lim muassasalari ham Katta yoshdagilar ta'limi tashkilotlari deb nomlanadi. Bunday tashkilotlar – Institutlar, markazlar, malaka oshirish fakultetlari, kadrlarning kasb-hunar tayyorgarligi va qayta tayyorlash markazlari, musiqa va san'at maktablari, madaniyat va ijodkorlik uylaridan iborat bo'lishi mumkin. Bunday tashkilotlar, agar davlat tuzilmalari tomonidan tashkil qilingan va mablag' bilan ta'minlanadigan bo'lsa, davlat Katta yoshdagi ta'lim muassasalariga tegishli bo'ladi.

Dunyoda katta yoshdagilar ta'limi sohasida quyidagi tashkilotlar turlari eng ommaviylashgandir:

- Nodavlat notijorat tashkilotlari;
- Assotsiatsiyalar va uyushmalar;
- Xalq universiteti.

Ko'plab chet el mamlakatlarida ommaviylashgan Katta yoshdagilar ta'lim muassasalari Xalq Universiteti – ma'lumot darajasi va yoshidan qat'iy nazar madaniyatni va kasbiy mahoratni oshirishga ko'maklashuvchi ommabop ma'rifat muassasasidir. Xalq Universiteti ko'pincha katta yoshdagilar ta'lim tizimiga kiritiladi. Birinchi Xalq Universiteti 1844-yilda Daniyada N.F. Grundtvig tomonidan tashkil qilingan. XIX asrning 40-70 yillarida bunday turdagi o'quv muassasalari Skandinaviya mamlakatlarida, Germaniya va Finlyandiyada paydo bo'lgan. Boshqa turdagi Xalq Universiteti Angliyada rivoj topdi, 1870 yilda Kembrij universiteti

qoshida Ochiq universitet tashkil qilindi. Bu yerda universitet professorlari ma'ruzalar o'qishardi va mashg'ulotlar olib borishardi. [3]

Katta yoshdagilar ta'lim uyushmalari faoliyatining muvaffaqiyatli tajribalariga o'z faoliyatini bir necha mamlakatlar doirasida amalga oshiradigan Yevropa Katta yoshdagilar ta'lim uyushmasini misol sifatida keltirib o'tish mumkin:

Yevropa Katta yoshdagilar ta'lim uyushmasi (European Association for the Education of Adults – EAEA) 1953-yilda Yevropada katta yoshdagilarning norasmiy ta'limini qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish uchun notijorat jamoat tashkiloti sifatida tashkil qilingan.

YEAEA – bu jami 34 ta mamlakatdan yuzdan ortiq a'zolik tashkilotlarini o'zida birlashtiruvchi, katta yoshdagilar ta'limi sohasida faoliyat yurituvchi va butun Yevropa bo'yicha 50 million nafardan ziyod katta yoshli ham erkak, ham ayol o'quvchilarning manfaatlarini himoya qiluvchi Yevropa jamoat tashkilotidan iborat. Yevropa Katta yoshdagilar ta'lim uyushmasining asosiy vazifasi quyidagilardan iborat:

- Yevropa darajasida butun umr mobaynida ta'lim siyosatini ishlab chiqish va targ'ib qilish;
- o'z a'zolariga axborot va boshqa xizmatlarni taqdim qilish; loyihalashtirish, nashr qilish va o'qitish vositalari orqali vakolatlarini rivojlantirish;
- ushbu sohada Yevropa Katta yoshdagilar ta'lim uyushmasi bilan birga ishlaydigan boshqa tashkilotlar bilan xalqaro hamkorliklarni kuchaytirish.

YeAEA Lissabon ijtimoiy jalb qilinish strategiyasini yoritadi, katta yoshdagilar ta'limini rivojlantirishga ko'maklashadi, katta yoshdagilarning rasmiy va norasmiy ta'limga jalb qilinishini kengaytirish bo'yicha tegishli chora-tadbirlar ko'radi. Yevropa Katta yoshdagilar ta'lim uyushmasining Bosh assambleyasi uyushmaning faoliyatini umumlashtiruvchi va kelgusi harakatlar strategiyasini ishlab chiquvchi har yil o'tkaziladigan tadbir hisoblanadi.

ASPBAE – The Asia South Pacific Association for Basic and Adult Education (Osiyo va Janubi-Tinch okeani mintaqasi Katta yoshdagilar ta'limi masalalari bo'yicha Assotsiatsiyasi) Osiyo-Tinch okeani mintaqasida faoliyat yurituvchi mashhur katta yoshdagilar ta'lim tashkilotlaridan biri hisoblanadi.

ASPBAE – 1964-yilda Sidney (Avstraliya)da mintaqada katta yoshdagilar ta'limini rivojlantirish g'oyasi bilan ruhlangan katta yoshlilar ta'limi bo'yicha mutaxassislar guruhi tomonidan ta'sis qilingan. Hozirgi vaqtda ASPBAE mintaqaviy uyushma (assotsiatsiya) hisoblanib, uning tarkibi 200 dan ortiq tashkilot va jismoniy shaxsni o'z ichiga oladi. Uning ish faoliyati barcha uchun ta'lim sifatini oshirishga,

ta'limni transformatsiyalash va liberalizatsiya qilishga va katta yoshlilarning butun umr mobaynida o'qib-o'rganishi (ta'limi)ga qaratilgan. [4]

ASPBAE hukumat va xalqaro donor tashkilotlari tomonidan ta'lim sohasidagi majburiyatlarning bajarilishi jarayonida ko'proq hisobdorlikni ta'minlash uchun ta'lim bo'yicha mahalliy jamoatlar va tashkilotlar, milliy uyushmalarni, o'qituvchilar kasaba uyushmalarini, kompaniya tarmoqlarini va boshqa fuqarolik jamiyati institutlarini qo'llab-quvvatlash bo'yicha Osiyo va Janubi-Tinch okeani mintaqasi harakatini kuchaytirishga intiladi. Hukumat bilan birgalikda o'z ishi orqali ASPBAE quyidagilarni amalga oshiradi:

- barchaning bilim olish huquqini ta'minlash;
- ta'limdan qashshoqlikka hamda cheklash va kamsitilishning barcha shakllariga qarshi kurash bo'yicha imkoniyatlarni kengaytirish vositasi sifatida foydalanish;
- odamlarning boshqaruvda faol va samarali ishtirok qilishi;
- tinchlik va xalqaro hamjihatlik madaniyatini shakllantirish.

ASPBAE rasmiy va norasmiy katta yoshdagilar ta'limida ishtirok qiluvchi, Ilmiyishlab chiqarish birlashmasi, jamoat tashkilotlari, davlat muassasalari, universitetlar, tub aholi kasaba uyushmalari, ayollar tashkilotlari, ommaviy axborot vositalari hamda butun Osiyo va Tinch okeani mintaqasi bo'yicha boshqa fuqarolik jamiyati institutlari bilan birga yoki ular orqali faoliyat yurituvchi tashkilotlar va shaxslarning tarmog'ini o'z ichiga oladi.

Kattalar ta'limi tushunchasining o'zi kabi, kattalarga ta'lim beruvchi o'qituvchining roli ham mavjud sharoitlar, shuningdek iqtisodiy jihatlar, madaniy omillar va ta'lim sohasidagi tendensiyalarga bog'liqdir.

Shunday qilib, bu barcha mamlakatlar, hududlar va o'quv predmeti sohalarida qo'llanishga mo'ljallangan o'quv dasturi uchun muayyan me'yorlar/talablar/chegarani yaratadi. Boshqa tomondan, kattalar ta'limini professionallashtirish zaruratini anglash butun dunyoda shu darajada tarqalganki, «Belen harakatlar me'yori»ning kattalar ta'limi sifatiga bag'ishlangan bobida aks ettirilgan chaqiriqda o'z ifodasini topgan: «kattalar bilan ish olib boruvchilarni tayyorlash, salohiyat, yollash shartlari va pedagoglarning kasbiy mahoratini yaratishni takomillashtirish kerak, masalan oliy o'quv yurtlari, o'qituvchilar assotsiatsiyasi va fuqarolik jamiyati tashkilotlari bilan o'rnatiladigan hamkorlik aloqalari yordamida amalga oshirish lozim».

2030-yilga qadar «kattalarga ta'lim beruvchi malakali o'qituvchilar sonini, shu jumladan rivojlanayotgan mamlakatlarda kattalarga ta'lim beruvchi o'qituvchilarni

o‘qitish bo‘yicha xalqaro hamkorlik o‘rnatish yordamida sezilarli darajada oshirish” orqali amalga oshirish mumkin bo‘ladi. [5]

Kattalarga ta‘lim berish va ularni o‘qitish ishtirokchilarning samarali ta‘lim olish qobiliyatlarini oshirishi, ta‘lim natijalari uzoq vaqt foyda keltirishi va ta‘lim olishning keyingi bosqichlari uchun poydevor vazifasini o‘tashi kerak. Shunday qilib, kattalarga ta‘lim berishning vazifasi ularga nafaqat mazmunni o‘rgatish, balki ta‘lim oluvchilar metaanglashi (o‘zining anglash jarayonini tahlil qila olish qobiliyati)ni rivojlantirish va o‘zining ta‘lim olishini o‘zi tashkil etish jarayoniga ko‘mak berish uchun zarur bo‘lgan vosita va uslublar bilan tanishtirishdan ham iboratdir. O‘zining anglash jarayonini aniqlash, tahlil qilish va takomillashtirish ko‘nikmalari bilan uyg‘unlashgan uzluksiz ta‘lim olish uchun rag‘batlantirishni oshirish muhim vazifa bo‘lib hisoblanadi. Bular ham turli vaziyatlarda va yangi bilim va kompetensiyalar bilan uyg‘unlashgan holda bilim va kompetensiyalarni muvaffaqiyatli qo‘llash uchun dastlabki sharoitlar bo‘lib hisoblanadi. O‘qiy olish ko‘nikmasini shakllantirish, va bunda samarali o‘qish, katta yoshdagilarning hayoti davomida o‘qishini davom ettirishi uchun zarurdir.

2016-yildagi YUNESKOning katta yoshdagilarni o‘qitish va ularga ta‘lim berish bo‘yicha global hisobotida ta‘kidlanganidek, katta yoshdagilarga barqaror va sifatli ta‘lim beradigan mamlakatlar, odatda, yuqori ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga, faol siyosiy va fuqarolik institutlariga, jamoatchilikning ishonchi va integratsiyasiga ega. Aksincha, hokimiyat va moddiy farovonlikda katta tengsizliklar bo‘lgan joyda katta yoshdagilarni o‘qitish va ularga ta‘lim berish zarar ko‘radi. [6]

Afsuski, O‘zbekistonda bandlik muammolarini hal qilishda katta yoshdagilarni o‘qitish va ularga ta‘lim berishning salohiyatidan **deyarli foydalanilmaydi**. Mavjud ta‘lim muassasalari katta yoshdagilar, ayniqsa, aholi ishsiz qatlamining yangi bilim va ko‘nikmalarga bo‘lgan ehtiyojini qondira olmaydi.

Butun dunyoda katta yoshdagilarni o‘qitish va ularga ta‘lim berishning ijobiy jihatlarini ko‘rsatadigan ko‘plab dalillar mavjud. Biroq, ko‘pgina mamlakatlar ularni davlat xarajatlari bilan taqqoslamaydilar. Aksariyat hukumatlar budjetning atigi 1 foizidan kamini katta yoshdagilarni o‘qitish va ularga ta‘lim berish uchun ajratadilar, xolos. Istisno tariqasida, ushbu maqsadlar uchun davlat budjetining taxminan 10 foizini sarflaydigan davlat Finlyandiyadir. Darvoqe, katta yoshdagi finlar yuqori darajada savodxonligi va muammolarni hal qilish ko‘nikmalari yuksak ekani bilan mashhur. Shuningdek, ushbu mamlakat ish bilan bandlik masalalari bo‘yicha katta yoshdagilarga ta‘lim berish va ularni o‘qitish bo‘yicha eng yuqori sarmoyaga egaligi bilan ham ajralib turadi.

XULOSA

Umuman olganda, daromadlari yuqori va iqtisodiyoti barqaror bo'lgan davlatlarda katta yoshdagilarni o'qitish va ularga ta'lim berishdagi ishtiroki ham yuqori darajada ekanini ko'rish mumkin. Ushbu mamlakatlar Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkilotining a'zolari bo'lib, bandlik va mehnat unumdorligi bo'yicha katta ko'rsatkich va natijalarga ega. Katta yoshdagilarga ta'lim berish imkoniyatlarini to'liq ro'yobga chiqarish uchun, tegishli kasbiy vakolatlarga ega bo'lgan kattalar bilan ishlaydigan andragog-pedagoglarni tayyorlash muammosini hal qilish kerak. Biz bu masala bilan hech qachon shug'ullanmaganmiz, hatto ko'plab ta'lim sohasi xodimlarining o'zlari bu so'zni birinchi marta eshitishmoqda. Ammo bu muammo faqatgina O'zbekistonda mavjud emas. Katta yoshdagilarga ta'lim berishning professionallik darajasini oshirish bugungi kunda ham bir mamlakat uchun, shu jumladan, xalqaro miqyosda ham asosiy muammo hisoblanadi.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. "Xalq ta'limi sohasidagi ilmiy-tadqiqot faoliyatini qo'llab quvvatlash hamda uzluksiz kasbiy rivojlantirish tizimini joriy qilish chora-tadbirlari to'g'risida" 25.01.2021 yildagi PQ-4963-son.
2. Mirsoliyeva M.T. Andragogikaning taraqqiyot yo'nalishlari. Zamonaviy ta'lim ta'lim. – 20216.-11
3. Andreev, V. I. Vvedenie v yevropeyskuyu sravnitel'nuyu pedagogiku. Mn.: NIO, 2001. – 110 s.
4. Knowles M.S. The Modern Practice of Adult Education. Andragogy versus Pedagogy. - N.Y., 1970.
5. The Adult Learner: A Neglected Species. - Houston, 1973
6. www.education.unesco.org.

УДК 621.311.12

РЕЖИМЫ ЭЛЕКТРОПОТРЕБЛЕНИЯ И РАЦИОНАЛЬНАЯ КОМПЕНСАЦИЯ РЕАКТИВНОЙ МОЩНОСТИ В ПРОМЫШЛЕННЫХ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЯХ

Раджабов Шахбоз Бахтиёр угли

Асс. Кафедры «Электротехника, электромеханика и электротехника»

Термезский инженерно-технологический институт

radzabovsahboz611@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются режимы электропотребления и рациональная компенсация реактивной мощности в режиме наибольших и наименьших нагрузок потребителей, определяется наиболее экономическая выработка реактивной энергии в часы максимума, мощность ступеней конденсаторных батарей в зависимости от графика нагрузки.

Ключевые слова: минимум, максимум, компенсация, реактивная мощность, конденсатор

АННОТАЦИЯ

Мақолада электр истеъмолнинг режимлари ва минимал юкламали режимларида реактив қувватни рационал компенсация қилиши, максимал юкламада ишлаш вақтида реактив қувватни самарали ишлаб чиқиши, конденсатор батареялари погонлари қувватини юкламалар графигига боғлиқ ҳолда аниқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: минимал, максимал, компенсация, реактив қувват, конденсатор

ABSTRACT

The article discusses the modes of power consumption and rational compensation of reactive power in the mode of the highest and lowest loads of consumers, determines the most economical generation of reactive energy during peak hours, the power of the stages of capacitor banks depending on the load schedule.

Keywords: minimum, maximum, compensation, reactive power, condense

ВВЕДЕНИЕ

Одним из мероприятий по регулированию режимов электропотребления и ограничению максимумов нагрузки на промышленных предприятиях является

мероприятий по компенсации реактивной мощности, ведущих к снижению потерь электроэнергии и повышению качества напряжения. Уменьшение реактивных нагрузок в часы суточных максимумов энергосистемы может быть обеспечено путем улучшения загрузки трансформаторов, электродвигателей, других электроприемников, а также использования конденсаторных установок с обязательным их оборудованием устройствами автоматического регулирования и управления [1, 2].

Потребление реактивной мощности промышленными предприятиями будет определяться ходом технологического процесса, связанного с режимом электропотребления, а также составом включенного в работу электротехнического оборудования. В этой связи усредненные значения реактивной мощности не имеют практического значения и использование их может привести к необоснованному выбору метода компенсации реактивной мощности [3].

МАТЕРИАЛЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

При выборе средств и способов компенсации реактивной мощности вопросы снижения потерь электроэнергии, повышение качества напряжения должны решаться комплексно при соблюдении оптимальных условий режимов электропотребления [3, 5], а именно:

- во всех точках сети при любых режимах ее работы нагрузки не должны превышать допустимые для указанных участков;

$$I \leq I_{max},$$

где I_{max} - максимально допустимая нагрузка для данного участка, А;

I - фактическая нагрузка рассматриваемого участка сети, А;

- допустимое изменение напряжения во всех элементах сети должно соответствовать требованию ГОСТ 13109-97

$$U_{min} \leq U \leq U_{max},$$

где U_{min}, U_{max} - соответственно нижний и верхний допустимые уровни напряжения сети, В; U - фактическое значение напряжения рассматриваемого участка сети, В.

- генерируемая реактивная мощность источника реактивной мощности должна ограничиваться определенными пределами:

$$Q_{min} \leq Q \leq Q_{max}$$

где Q_{min}, Q_{max} - соответственно нижний и верхний уровень реактивной мощности, генерируемый источниками, кВАр; Q - фактическое значение реактивной мощности, генерируемое источниками реактивной мощности, кВАр.

Определяющими являются режимы наибольших и наименьших нагрузок потребителей. Режим наибольших нагрузок промышленного предприятия Q_{max} может быть принят с достаточной для практических целей точностью при выборе суммарной необходимой генерируемой реактивной мощности [3,4].

Для режима наименьших нагрузок Q_{min} должен быть выбран источник реактивной мощности, исключающий возможность передачи реактивной нагрузки в сеть, вызывающей дополнительные потери мощности и энергии, а также повышение напряжения в сети. При этом мощность компенсирующего устройства для режима минимальных реактивных нагрузок не должна превышать фактического потребления реактивных нагрузок, остальные компенсирующие устройства при этом должны быть отключены.

Необходимая наибольшая мощность компенсирующих устройств, требуемая потребителю,

$$Q_{ку} = Q_{max} - \Delta Q - Q_з,$$

где Q_{max} - значение общей реактивной мощности, потребляемой на промышленном предприятии в период максимальных нагрузок, кВАр; ΔQ - значение снижаемой реактивной мощности у потребителя от проведения мероприятий по улучшению эксплуатации электроустановок, кВАр; $Q_з$ - расчетная реактивная мощность, разрешенная предприятию энергосистемой по режиму ее работы, кВАр.

Нерегулируемая реактивная мощность выбирается таким образом что, суммарная мощность не должна превышать потребляемую мощность в часы минимальных нагрузок и можно принять для практики точно в пределах $\Delta Q_{нер} \approx Q_{min}$ [5, 6].

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

Мощность компенсирующего устройства определяемые значением $Q_{рег}$, должны быть управляемые в зависимости от режима работы сети и характера реактивной нагрузки потребителей.

В настоящее время широкое распространение для компенсации реактивной мощности в промышленных сетях получили конденсаторные управляемые установки поперечного включения.

Выбор экономически целесообразной мощности, типов и мест размещения КУ при проектировании электрической сети должен производиться одновременно

с выбором других ее элементов и устройств для регулирования напряжения.

Регулирующий эффект конденсаторов является наиболее экономичной выработкой реактивной энергии, приводящая к существенному уменьшению потерь электроэнергии в сетях и лучшему их использованию. Следует отметить, что в часы максимума предприятие и энергетической системы полное использование реактивной мощности, генерируемой компенсирующими устройствами, снижает потери мощности в электросети предприятия и энергетической системы и вместе с тем повышает уровень напряжения.

Представление об экономической целесообразности регулирования компенсирующего устройства (КУ) можно получить, если определить, на сколько киловатт увеличивается суммарные потери мощности в сетях предприятия и энергетической системы при снижении уровня напряжения на 1% [1, 2].

Иногда в некоторых районах энергетических систем общая установленная мощность конденсаторов достигает 30% максимума активной мощности. При наличии непрерывно включенных батарей конденсаторов в связи с изменением нагрузки электроустановок возможно повышение напряжения на шинах подстанции промышленных предприятий и особенности в ночное время. При снижении в ночное время нагрузки электроустановок, снабженных батареями конденсаторов, возможна перекомпенсация: реактивная мощность отдается в сеть энергетической системы, в то время как во время общего спада нагрузки она обычно не нужна. Это может привести к чрезмерному повышению напряжения на шинах подстанции.

Следует отметить, что реактивная мощность, отдаваемая конденсаторами, пропорциональна квадрату напряжения, при наличии перекомпенсации увеличиваются потери энергии в электрической сети. В связи с увеличением нагрузок снижается мощность электрических станций, увеличиваются потери электроэнергии в сети пропорционально квадрату понижения напряжения.

Автоматическое распределение реактивных нагрузок между электростанциями и потоков реактивной мощности по электрическим сетям может быть достигнуто при автоматическом поддержании напряжения в основных точках электрической сети.

На промышленных предприятия на которых регулирование мощности конденсаторных батарей отсутствует, при снижении напряжения электрической сети на 5%, потери электроэнергии в ней возрастают на 10%, это приводит к тому, что конденсаторы остаются включенными, несмотря на необходимость их отключения [6].

Автоматическое регулирование мощности конденсаторных установок должно производиться с учетом работы электрических сетей энергетической системы и промышленных предприятий.

Автоматическое управление БК преследует две цели: повышение экономичности работы всей системы электроснабжения (не только данного предприятия) и улучшение (нормализация и оптимизация) режима напряжений.

При управление БК не допускается перекомпенсация, т.е. коэффициент мощности не будет опережающим. Для не допущения перекомпенсации необходимо отрегулировать БК таким образом, чтобы при $\cos\varphi = 1$ он давал импульсы на отключение конденсаторных ступеней. В результате этого средняя реактивная мощность составляет 0-2/3 мощность конденсаторных ступени, пока конденсаторная батарея достаточно по своей мощности. При полной нагрузке реактивная мощность увеличивается изменения реактивной мощности и коэффициент мощности не имеют места при малых активных нагрузках, когда электрическая сеть не полностью загружена.

Мощность ступеней выбирается в пределах 0-20% мощности питающей сети в зависимости от графика нагрузки [2, 3].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом при использовании многосекционных конденсаторных установок в качестве принципа управления целесообразно применение автоматического регулирования, исходя из режимов электропотребления и изменения графика реактивной мощности. При этом число регулируемых секций конденсаторных установок необходимо выбирать исходя из конкретных условий работы потребителей реактивной мощности.

REFERENCES

1. Головкин П.И. Энергосистема и потребители электрической энергии // - М.: Энергоатомиздат, 1984. – Стр. 359.
2. Гордеев В.И. Регулирование максимума нагрузки промышленных электрических сетей // - М.: Энергоатомиздат, 1986. – Стр. 184.

3. Железко Ю.С. Потери электроэнергии. Реактивная мощность. Качества электроэнергии // - М.: Энергоатомиздат, 2009. – Стр. 456.
4. Карпов Ф.Ф., Солдаткина Л.А. Регулирование напряжения в электрических сетях промышленных предприятий // - М.: Энергия, 1970. – Стр. 274.
5. Воротницкий В.Э. Норматив потерь электроэнергии в электрических сетях. Как его определить и выполнить? // «Новости электротехники» информационно-справочные издание. 2003, №6 (24).
<http://www.news.elteh.ru/arh/2003/24/11.php>
6. Герасименко А.А., Тимофеев Г.С. Расчет потерь электроэнергии и рабочих режимов в распределительных сетях энергосистем // Оптимизация режимов работы систем электроприводов: межвуз. Сб. науч. тр – Красноярск ИПЦКГТУ, 2002. – Стр. 75-95.

ТОҒ-КОН МАЖМУАСИ АҒДАРМАЛАРИДАГИ ЧИҚИНДИЛАРДАН РЕНИЙ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИДАГИ ЎРНИ

Хўжакулов Амиржон Муродович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси

Олимов Фарухон Музаффар ўғли

Ислон Каримов номидаги ТошДТУ таянч докторанти

90-426-19-91

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тоғ-кон мажмуаси ағдармаларидаги чиқиндилардан рений олиш технологиясининг Ўзбекистон металлургия саноатидаги ўрни ва аҳамияти, техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг моҳияти, иқтисодиётимиздаги ўрни ҳақида маълумотлар берилган.

Kalit so‘zlar: *Техноген чиқинди, қайта ишлаш, микроэлемент, молибден концентратлари, катализатор, қотишма.*

АННОТАЦИИ

В данной статье представлена информация о роли и значении технологии извлечения рения из отходов горнорудного комплекса в металлургической промышленности Узбекистана, характере переработки техногенных отходов и ее роли в нашей экономике.

Ключевые слова: *Техногенные отходы, переработка, микроэлементы, молибденовые концентраты, катализатор, сплав.*

ABSTRACT

This article provides information about the role and importance of the technology of extracting rhenium from the waste of the mining complex in the metallurgical industry of Uzbekistan, the nature of man-made waste processing, and its role in our economy.

Keywords: *Man-made waste, processing, trace elements, molybdenum concentrates, catalyst, alloy.*

КИРИШ

Техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан олтин, кумуш, рангли ва ноёб металлларни ажратиш олиш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг энг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг кўпайиши гравитация усулида бойитиш усулларининг ривожланишига асос бўлди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Кончилик саноатидаги техноген чиқиндиларидан фойдаланишга тиклаш лозимлиги минерал хом ашёдан комплекс фойдаланишнинг, кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни яратишнинг умумий концепциясидан келиб чиқади. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида академик К.Н. Трубецкий айтган фикр бўйича, ағдармаларда тўпланган техноген минерал хом ашёдан ва йўл-йўлакай қазиб олинган жинслар ва компонентлардан самарали фойдаланишни ҳисобга олмасдан, конларни комплекс ўзлаштириш муаммоси ҳал қилиниши мумкин эмас [3; б.1-44].

1931 йилда академик А.Е. Ферсман томонидан илгари сурилган минерал хом ашёни комплекс қайта ишлаш ғояси [4; б.20] доимо бир нечта, баъзида ўнлаб қимматбаҳо компонентлар мавжуд бўлган фойдали қазилма конларининг кенетик ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда ўрганилган.

Чиқиндисиз технологик тизим хом ашёдан ва энергиядан энг юқори даражали ва комплекс фойдаланишни таъминловчи ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш имконини берувчи технологик жараёнлар ва усуллардан иборат [5; б.635].

Академик Б.Н.Ласкорин, техника фанлари доктори Л.А. Барский, иқтисодий фанлар доктори В.З. Персиц [6; б.334] чиқиндисиз технология деганда дастлабки хом ашёни комплекс қайта ишловчи, техноген чиқиндиларнинг асосий қисмини иқтисодий жихатдан қайта ишлашга тикловчи, атрофдаги табиий муҳитга экологик зиён етказмайдиган ишлаб чиқариш жараёнлари тушунилади. Бу жараёнлар чиқиндисиз ва кам чиқиндили технология ўртасида чиқиндиларнинг катта қисмини фақат фойдаланишга тиклаб қолмасдан, балки моддаларнинг бундай саноатда айланишини ташкил қилишни талаб қилади.

Бир томондан, техноген минерал ресурсларни комплекс ўзлаштириш муаммосининг мураккаб тизимли хусусиятига боғлиқ ҳолда, иккинчи томондан, мамлакатдаги жорий геополитик, иқтисодий вазият ва илмий муассасалар ўртасидаги ижодий алоқалар кучсизланиши боис, 90-йиллардан бошлаб, бир нечта алоҳида соҳаларга – кончилик ҳуқуқи, геология, технология, экология, иқтисод соҳаларга “бўлинди” ва турли йўналишлар бўйича тарқоқ ва тизимсиз ҳал қилинадиган бўлди [11; б.12-16].

МДХ Мамлакатларининг олимлари: М.И. Агошков, А.Е. Ферсман, Н.В. Мельников, В.В. Ржевский, К.И. Сатпаев, К.Н.Трубецкий, Д.Р. Каплунов, Н.Н. Чаплыгин, Ю.П. Галченко, В.И. Герасименко, М.Н. Денисов, А.Н. Дулин, Е.А. Жовтис, А.И. Имангалиев, А.Б. Макаров, Е.И. Панфилов, А.М. Сиразутдинов, Ю.Г. Старцев, З.А. Терпogosов, В.А. Чантурия, Б.Н. Ласкорин, Л.А. Барский, П.В. Березовский, А.В. Иванов, О.С. Краснов, Л.А. Крючков, Ф.Д. Ларичкин, Б.К. Михайлов, Н.В. Пашкевич, С.Г. Селезнев, В.В.Чайников ва бошқаларнинг ишлари минерал хом ашёдан комплекс фойдаланишни ва табиатдан ва ер ости бойликларидан комплекс фойдаланиш муаммосининг таркибий қисми сифатида кон саноати техноген чиқиндилари кўринишидаги, техноген чиқиндиларни келиб чиқиши ва ресурсларни ўзлаштириш лозимлигини назарий асослаш масалаларига бағишланди.

Кончилик саноати техноген чиқиндиларининг қора, рангли, нодир металлари айрим қимматбаҳо минераллар ёки компонентлар, рудасиз ташкил этувчилар ва шўлар бўйича тўпланган техноген минерал ҳосилаларнинг ресурсли имконияти баҳоланади. Қимматбаҳо металллар ва минералларнинг чиқиндилар билан бирга йўқотиладиган микдорлари ҳақида тушунча беради ҳамда техноген чиқиндиларнинг қайта ишлашга жалб этиш имкониятлари ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Конлардаги руда саноатининг қуйидаги техноген чиқиндилари Ўзбекистонда металлургиясини ривожлантириш учун истикболли хом ашё бўлиб хизмат қилиши мумкин яни, жойланган балансдан ташқари рудалар, қоплама жинслар, минералланган массалар, руда тайёрлаш ва гидрометаллургия жараёнининг оралик чиқиндилари, флотация ва сорбция жараёнининг ағдарма чиқиндилари, суюқ цианид таркибли чиқиндилар киради.

Ҳозирги вақтда «Олмалиқ кон - металлургия комбинати» АЖ даги, Навоий кон-металлургия комбинатидаги ағдармаларида ва чиқинди омборларида тўпланган рангли металллар захиралари қимматбаҳо рангли ва нодир металллар олишнинг қўшимча манбаси бўлиб хизмат қилади. Ҳозирда «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг ағдармаларида мис рудаларини кўп йиллик қайта ишлаш натижасида кўплаб техноген чиқиндилар тўпланиб қолган.

МУҲОКАМА

Кимёвий элементлар таркибида микроэлемент ҳисобланадиган ренийнинг ўзига хослиги шундан иборатки ренийни алоҳида фойдали қазилмалари йўқ ва

ўзининг руда конлари мавжуд эмас. Рений элемент сифатида ўхшаш хусусиятларга эга бўлган бошқа металл рудалари таркибида мавжуд.

Рус кимёгари Д.И. Менделеев даврий системанинг 1872-йилда тримарганетс, 1905-йилда икки-марганетс номи билан аталган 75-сон элементи 1925-йилда В.Ноддак ва И. Такке томонидан кашф этилган деб расман тан олинган ва уни Германиянинг Рейн минтақаси шарафига рений номи билан атаган.

Рений асосан молибден концентратларини, мис-молибден рудаларини ва иккиламчи ренийни ўз ичига олган хом ашёни катализаторлар, иссиқликка чидамли қотишмалар ёрдамида қайта ишлаш натижасида қўшимча маҳсулот сифатида олинади.



1-расм Молибденни қотишмаларини табиатда учраши

Молибден концентратларини қайта ишлаш жараёнида рений ажратиб олишнинг асосий манбалари:

- нам чанг ва газ йиғиш тизимларининг сульфат кислота эритмалари
- шлакларни гидрометаллургик қайта ишлашдан кейин ҳосил қилинадиган ягона суюқликлари ҳисобланади.

Юқорида келтирилган рений ажратиб олиш манбаларидан оператсион қайта ишлаш-бойитиш технологияларга мувофиқ ренийни ажратиб олиш сезиларли даражада қайтариб бўлмайдиган йўқотишлари билан бирга амалга оширилади. Бундан ташқари сульфидли молибден концентратларини юқори температурада куйдириш (процесс обжиги сулфида молибдена) экологик тоза фаза бўлмаган жараёнида олтингугурт диоксиди газ ажралиб чиқиши бойитиш жараёнида қўшимча харажатларни қўллашни юзага келтиради.



2-расм Рений кўриниши

Бу ҳолат жаҳон бозорида ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда долзарб аҳамиятга эга молибден концентратларини қайта ишлашнинг тубдан янги технологияларини ишлаб чиқиш орқали қимматли компонентларни (Mo, Kе) атроф-муҳитга зарарли аралашмаларни чиқармасдан тўлиқ олиш имконини беради.

НАТИЖАЛАР

Молибден концентратларидан рений каби ноёб ва қимматбаҳо компонентларни тўлиқ олиш ва экологик тоза технологияни амалга ошириш вариантларидан бири олтингутурт диоксида ва бошқа элементларнинг газ фазасига чиқиши содир бўлмайдиган қимматли компонентлар кейинчалик ювилиши билан бутунлай шлакда қоладиган технологияни ишлаб чиқиш бўлиши мумкин.



3-расм ОКМК да рангли металлларини ишлаб чиқариш жараёни

Рений ишлаб чиқариш титан қотишмаларидан қотишма учун ишлатиладиган рений ва молибденни ажратиб олиниши замида юқори тоза молибден ва рений ажратиб олиш кончилик саноатида ўз мавқеини барпо

қилди. Ўзбекистондаги Ингичка, Қўйтош, Лангар, Хондиза каби рангли полиметалл конлари олиб борилаётган кон-қазилар ишлари ва бойитиш корхоналарида олиб борилган ишлаб чиқариш жараёни қолдиқ чиқиндиларини ағдармаларда йиллар давоми йирик миқдорда тўпланиши тоғ-кон мажмуалари ағдармаларидаги техноген чиқиндилар таркибини қайта минерологик тағлил этиш ва шу асосида таркибидан рений,индий,волфрам,молибден каби мавжуд ноёб ҳамда рангли металлларни ажратиб олиш бугунги куннинг долзарб мавзуси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Рений ва бошқа ноёб металлларга жаҳон бозорида ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда чиқиндилар концентратларини қайта ишлашнинг тубдан янги технологияларини ишлаб чиқиш орқали ноёб ва рангли қимматли компонентларни атроф-муҳитга зарарли аралашмаларни чиқармасдан тўлиқ олиш имконини беради.

REFERERENCES

1. Ҳакимов К.Ж. Кон-металлургия саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш. ПхД диссертация. Тошкент-2022 й. – 26 с.
2. Трубецкой К.Н. Комплексное освоение рудных месторождений при открытом способе разработки. Разработка месторождений твердых полезных ископаемых / К.Н. Трубецкой // Итоги науки и техники. – 1985. – Т.31. – с.1-44.м
3. Ферсман А.Е. Комплексное использование ископаемого сырья / А.Е. Ферсман. – Л.: АН, 1932. – 20 с.
4. Ласкорин Б.Н. Безотходная технология переработки минерального сырья. Системный анализ / Б.Н. Ласкорин, Л.А. Барский, В.З. Персиц. – М.: Недра, 1984.– 334 с.
5. Агошков М.И. Развитие идей и практики комплексного освоения недр / М.И. Агошков. – М.: ИПКОН АН, 1982. – 26 с.
6. Трубецкой К.Н. Классификация техногенных месторождений, основные категории и понятия / К.Н. Трубецкой, В.И. Уманец, М.Б. Никитин // Горный журнал. – 1989. – №12. – с. 6-9.

“DEHQONOBOD KALIY ZAVODI” AJ TEPAQO‘TON TOG‘-KON MAJMUASIDAGI NOBUDGARCHILIK VA SIFATSIZLANISH KO‘RSATKICHLARI

Maxmudov Dilmurod Raxmatjonovich

Islom Karimov nomidagi ToshDTU “Ko‘mir va qatlamli konlar
geotexnologiyasi” kafedrası mudiri.

Ismailov Anvar Sunnatillayevich.

Islom Karimov nomidagi ToshDTU “Ko‘mir va qatlamli konlar
geotexnologiyasi” kafedrası dotsenti

Olimov Farusxon Muzaffar o‘g‘li

Islom Karimov nomidagi ToshDTU tayanch doktoranti

Xo‘jaqulov Amirjon Murodovich

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti katta o‘qituvchisi
996607369

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Tepaqo‘ton tog‘-kon majmuasidan qazib olingan foydali qazilmaning nobudgarchilik va sifatsizlanish sabablari tizimli tahlil qilinib, nobudgarchilik va sifatsizlanishning asosiy kelib chiqish sabablari aniqlangan. Shu bilan bir qatorda sifatsizlanish va nobudgarchilikni kamaytirish bo‘yicha asoslangan takliflar ishlab chiqilgan. Ishlab chiqarishning barcha bo‘limlaridagi sifatsizlanish va nobudgarchiliklarning miqdorlari aniqlandi.

***Kalit so‘zlar:** Nobudgarchilik, sifatsizlanish, aralashuv, ustun, to‘ldirish, umumshaxta va ekspluatatsion nobudgarchilik, kon bosimi, qayta to‘ldirish.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье систематически анализируются причины потерь и разубоживание полезных ископаемых, добываемого на горнорудном комплексе Тюбегатан, и выявляются основные причины потерь и разубоживание. Кроме того, были разработаны разумные предложения по снижению потерь и разубоживание. Определены количества потерь и разубоживание во всех подразделениях производства.

***Ключевые слова:** Нарушение, изношенность, вмешательство, колонна, закладка, общегорно-эксплуатационные загрязнения, шахтное давление, обратная закладка.*

ABSTRACT

In this article, the causes of spoilage and deterioration of mineral extracted from Tepaqo‘ton mining complex are systematically analyzed and the main causes of spoilage and deterioration are identified. In addition, reasonable proposals for reducing degradation and failure have been developed. Quantities of quality degradation and failures in all departments of production were determined.

Keywords: Failure, degradation, intervention, column, filling, general mining and operational failure, mine pressure, backfilling.

KIRISH

“Dehqonobod kaliy zavodi” AJ Tepaqo‘ton tog‘-kon majmuasidagi foydali qazilmaning loyihaviy nobudgarchiligi ikki sinfga bo‘linadi – umumshaxta va ekspluatatsion. Umumshaxta nobudgarchiligi o‘z ichiga rudnikni to‘lishidan saqlash uchun qoldirilayotgan doimiy saqlovchi selikda qoldiriladigan nobudgarchilik hisoblanadi. Ular quyidagi seliklarga bo‘linadi:

- Chuqur burg‘ulangan skvajinalar yaqinidagi;
- Qiya stvoldagi saqlovchi seliklardagi nobudgarchilik. [1; b. 80]

Shaxta maydonining markaziy qismidagi umumshaxta nobudgarchilik miqdori quyidagi jadvalda keltirilgan.

1-Jadval

Umumshaxta nobudgarchiligi

Shaxta maydoni uchastkasidagi skvajinalar	Maydon m ²	O‘rtacha qalinligi, m	Hajmiy og‘irlik, t/m ³	Umumshaxta nobudgarchiliklar, ming.t
Skvajina yaqinidagi seliklarda				
25-bis	35499	7,66	2,05	557,1
48	41692	2,12	2,05	181,5
89	196036	9,53	2,05	3829,0
47	53420	7,43	2,05	814,2
BZK-8	45541	2,91	2,05	272,1
46-55	28418	3,25	2,05	189,6
35	47839	10,91	2,05	1070,3
40-bis	43521	10,35	2,05	923,0
40-BZK-7	76024	9,68	2,05	1508,6
Jami				9345,4
Qiya stvoldagi saqlovchi seliklarda				
Saqlovchi selik	98398	4,15	2,05	837,0
Jami:				10182,4

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METOD

Ekspluatatsion nobudgarchilik tarkibiga rudani qazib olish jarayonida paydo bo'ladigan va qazib olish tizimi parametrlari bilan bog'liq bo'lgan nobudgarchiliklar kiradi. [1; b. 81]

Ekspluatatsion nobudgarchilikni hisoblashda shaxta maydoni o'xshash sharoitga ega bo'lgan Verxnekamsk kaliy tuzlari konidagi BKPRU-2 rudnigi, mos bo'lgan "Uralkaliy" OAJ va "Silvinit" OAJ rudniklari uchun mahsuldor qatlamlardagi ekspluatatsion nobudgarchilik va sifatsizlanishni hisoblash va me'yorlashtirish bo'yicha aniqlash ko'rsatma'siga muvofiq hisoblangan.

Ekspluatatsion nobudgarchilikni aniqlash uchun bir birlikdagi kamera blokidagi nobudgarchiliklar hisoblanadi. Hisoblash blokiga dastlabki o'tilgan lahimdagi bitta qazish kamerasi, kameralar oralig'idagi selik va tayyorlash lahimlaridagi nobudgarchiliklar kiradi. Ekspluatatsion nobudgarchilikni hisoblashda tayyorlov lahimlari, qazish lahimi chegarasidagi, blok ichidagi kameralararo seliklar va boshqa aniqlashlardagi nobudgarchilik kiritilgan.

MUHOKAMA

Ekspluatatsion nobudgarchilik shaxta maydonining markaziy qismini qazib olish tizimidagi turli parametrlari 2-jadvalda, ularning panellar bo'yicha strukturalari esa 3-jadvalda keltirilgan. [2; b. 81]

2-Jadval

Shaxta maydonining markaziy qismidagi ekspluatatsion nobudgarchilik

Panel	Quyi II qatlamning qalinligi, m	Ekspluatatsion nobudgarchiliklar, %	Ajratib olish koeffitsienti, bir birlikda.
<u>Tajriba paneli</u>			
Zona 1	4,89	68,49	0,3151
<u>Panel №1</u>			
Zona 2	4,81	57,44	0,4256
Zona 3	6,35	72,49	0,2751
<u>Panel №2</u>			
Zona 2	6,00	65,88	0,3412
Zona 3	6,45	72,92	0,2708
<u>Panel №3</u>			
Zona 2	6,06	66,22	0,3378
Zona 3	6,62	73,61	0,2639

Zona 4	7,62	74,86	0,2514
<u>Panel №4</u>			
Zona 1	4,45	65,35	0,3465
<u>Panel №5</u>			
Zona 1	5,80	73,40	0,2660
<u>Panel №6</u>			
Zona 1	6,96	77,86	0,2214
<u>Panel №7</u>			
Zona 3	3,93	56,92	0,4308
<u>Panel №8</u>			
Zona 4	5,22	63,30	0,3670
<u>Panel №9</u>			
Zona 5	6,62	68,88	0,3112
<u>Panel №10</u>			
Zona 1	8,11	80,97	0,1903
Zona 3	8,72	79,97	0,2003
Zona 4	8,56	77,62	0,2238
<u>Panel №11</u>			
Zona 5	7,67	67,76	0,3224
<u>Panel №12</u>			
Zona 3	9,79	82,73	0,1727
Zona 4	9,41	79,76	0,2024
<u>Panel №13</u>			
Zona 5	8,84	75,08	0,2492
<u>Panel №14</u>			
Zona 5	9,05	72,68	0,2732
Shaxta maydonining markaziy qismi bo'yicha o'rtacha qiymati	7,11	70,97	0,2903


3-jadval

**Shaxta maydonining markaziy qismida panellar bo'yicha silvinit rudasini
ekspluatatsion nobudgarchiliklar strukturasi.**

Panel	Ekspluatatsion nobudgarchiliklar, %	Ekspluatatsion nobudgarchiliklar strukturasi (%)		
		Qazish kamerasi chegarasidan tashqarida*	Qazish kamerasi chegarasida **	Qazib olingandan keyingi ko'rinishida
Tajriba	68,49	42,60	25,31	0,57
1	65,04	48,60	15,99	0,46
2	68,65	48,35	19,89	0,41
3	71,19	49,87	20,95	0,37
4	65,35	42,56	22,16	0,63
5	73,40	42,53	30,39	0,48
6	77,86	42,60	34,85	0,40
7	56,92	49,47	6,82	0,63
8	63,30	55,08	7,80	0,42
9	68,88	62,77	5,84	0,27
10	79,57	48,93	30,35	0,30
11	67,76	58,03	9,46	0,27
12	80,69	53,13	27,32	0,24
13	75,08	63,06	11,82	0,20
14	72,68	58,03	14,42	0,23
Jami:	70,97	53,36	17,26	0,34

Izoh: * - kameralararo va o'tishlararo seliklardagi nobudgarchiliklar;

** - shiftdagi, asosdagi, devordagi, kamera boshidagi va tayyorlov
lahimlaridagi nobudgarchiliklar. [3; b. 64]



1-Rasm. Eksploatatsion nobudgarchilik strukturasi.

a-kamera kengligi, b-kameralararo selik, M-lahim o'qlari orasidagi masofa, 1-panel qazish shtreki, 2-ruda tushirish skvajinasi, 3-transport sboykasi, 4-qazish kamerasi, 5-panel transport shtreki, 6-panel konveer shtreki, 7-panel shamollatish shtreki, 8-dastlabgi lahim, * o'lchamlar joyda aniqlanadi. [2; b. 15]

NATIJALAR

Foydali qazilmalarni ekspluatatsion nobudgarchiliklari loyihaviy ko'rsatkichlarini faktik kon-texnik sharoitlariga bog'liq holda kon ishlari borishining yillik rejasi asosida aniqlanadi.

Aralashuv va ruda sifati quyidagicha: Qazib olinayotgan silvinit rudasini aralashuvi qazib olinayotgan qatlamning gipsometriyasi (burmalanganligi)ga, aralash tog' jinslarining qo'shilish kattaliklariga, qatlam qalinligiga, qatlamdagi tog' jinslarining qavatlar soniga bog'liq bo'lib kon ishlari natijalaridan kelib chiqib aniqlanadi. [3; b. 65]

Qazib olingan silvinit rudasi aralashuvi umumiy qazib olingan kon massasini qazib olingan tosh tuzi miqdorini nisbatiga aytiladi. Aralashuv qazish tizimi parametrlariga bog'liq va bu bitta panelda har xil bo'lishi mumkin. [3; b. 66]

Qazib olinayotgan silvinit rudasi aralashuvi panellar va zonalar bo'yicha shaxta maydonining markaziy qismida qazish tizimining har xil parametrlarida quyidagi jadvalda ko'rsatilgan.

4-jadval

Panellar va zonalar bo'yicha shaxta maydonining markaziy qismida qazib olinayotgan silvinit rudasi sifatsizlanishi.

Panel	Qo'yi II qatlamning qalinligi, m		Aralashuv %
	O'rtacha geologik	Qazib olinuvchi	
<u>Tajriba paneli</u>			
Zona 1	4,89	3,1	4,74
<u>Panel №1</u>			
Zona 2	4,81	4,5	3,31
Zona 3	6,35	4,0	3,70
<u>Panel №2</u>			
Zona 2	6	4,5	3,31
Zona 3	6,45	4,0	3,70
<u>Panel №3</u>			
Zona 2	6,06	4,5	3,31
Zona 3	6,62	4,0	3,70
Zona 4	7,62	5,0	3,04
<u>Panel №4</u>			

Zona 1	4,45	3,1	4,74
<u>Panel №5</u>			
Zona 1	5,8	3,1	4,74
<u>Panel №6</u>			
Zona 1	6,96	3,1	4,74
<u>Panel №7</u>			
Zona 3	3,93	3,9	3,83
<u>Panel №8</u>			
Zona 4	5,22	5,0	3,04
<u>Panel №9</u>			
Zona 5	6,62	6,6	2,36
<u>Panel №10</u>			
Zona 1	8,11	3,1	4,74
Zona 3	8,72	4,0	3,77
Zona 4	8,56	5,0	3,04
<u>Panel №11</u>			
Zona 5	7,67	7,0	2,22
<u>Panel №12</u>			
Zona 3	9,79	4,0	3,77
Zona 4	9,41	5,0	3,04
<u>Panel №13</u>			
Zona 5	8,84	7,0	2,22
<u>Panel №14</u>			
Zona 1	9,05	7,0	2,22
O'rtacha qiymat			3,16

Haqiqiy aralashuv qatlamni burmalanganligini hisobga olib kon ishlari natijalaridan kelib chiqib aniqlanadi. [3; b. 67]

Rudani bir panelda qazib olinishini hisobga olgan holda, qazib olingan silvinit rudasi sifati panelning shaxta maydonida joylashishiga bog'liq. [2; b. 86]

Shaxta maydonining markaziy qismida panellar bo'yicha qazib olingan silvinit rudasi sifati quyidagi jadvalda keltirilgan.

5-jadval

**Shaxta maydonining markaziy qismida panellar bo'yicha qazib olingan
silvinit rudasining sifati.**

Panel	Quyil qatlam tarkibidagi KCl, %	Sifatsizlanish, %	Ruda tarkibidagi komponentlar, %		
			KCl	MgCl ₂	H.O
	33,46	4,74	31,9	0,21	2,93
Panel №1	32,90	3,51	31,74	0,22	2,47
Panel №2	32,18	3,46	31,07	0,27	3,17
Panel №3	30,62	3,44	29,19	0,28	2,39
Panel №4	33,55	4,74	31,98	0,33	3,25
Panel №5	31,36	4,74	29,9	0,29	2,43
Panel №6	30,32	4,74	28,9	0,37	3,19
Panel №7	27,2	3,83	25,93	0,34	2,43
Panel №8	28,09	3,04	26,78	0,29	2,38
Panel №9	28,95	2,36	27,6	0,26	2,44
Panel №10	28,97	3,85	27,61	0,18	1,87
Panel №11	29,54	2,22	28,16	0,23	2,51
Panel №12	28,49	3,31	27,55	0,17	1,53
Panel №13	29,89	2,19	28,49	0,19	2,52
Panel №14	29,15	2,22	27,79	0,16	2,33
O'rtacha qiymat	29,90	3,16	28,57	0,23	2,37


Jadvaldan ko'rinib turibdiki KCl ning ruda tarkibidagi miqdori 25,93 – 31,9% oralig'ida, shaxta maydonining markaziy qismida o'rtacha 28,57% ni tashkil qiladi.

HO ning miqdori 1,53% dan 3,25% gacha o'zgarib turadi, o'rtacha 2,37% ni tashkil qiladi. Silvinit rudasida MgCl₂ ning miqdori 0,16% dan 0,37% gacha bo'lib o'rtacha 0,23% ni tashkil qiladi. [1; b. 86]

Panelni ishlatish davomiyligi 3-4 yil bo'lib ushbu muddatda ruda tarkibidagi foydali komponent miqdori sezilarli darajada o'zgarmaydi. Qo'shni panellardagi rudaning sifati deyarli bir xil. Tajriba panelida – 31,9% KCl, №1 panelda 31,74% KCl mavjud.


Ruda sifatining qisman o'zgarishi uni tashish vaqtida va yer yuzasida ruda omborida uyub taxlanganda sodir bo'ladi.

Ruda tarkibidagi foydali komponentni to'lig'icha ajratib olish boyitish fabrikasida texnologik jarayonlarning imkoniyatlariga bog'liq. [1; b. 87]



2-Rasm. Shaxta maydonining markaziy qismida panellar joylashuv

Sifatsizlanish sabablaridan yana biri bu qazish jarayonida lahim ostki burchaklarida foydasiz jinslarni qo'shib ketishi evaziga yuzaga kelmoqda. Buning yaqqol tasvirini quyidagi chizmada ko'rish mumkin.



3-Rasm. Qazish jarayonida lahim ostki burchaklarida foydasiz jinslarni qo‘shilib ketishi.

XULOSA

Bajarilgan ilmiy tadqiqot ishlari va Tapaqo‘ton tog‘-kon majmuasidan qazib olingan foydali qazilmaning nobudgarchilik va sifatsizlanish sabablarini tizimli tahlil qilib quyidagilarni xulosa qildik.

1. Umumshaxta nobudgarchiligi o‘z ichiga rudnikni to‘lishidan saqlash uchun qoldirilayotgan doimiy saqlovchi selikda nisbatan qoldiriladigan nobudgarchilik hisoblanadi. Ular quyidagi seliklarga bo‘linadi:

- Chuqur burg‘ulangan skvajinalar yaqinidagi;
- Qiya stvollardagi saqlovchi seliklardagi nobudgarchilik.

2. Ekspluatatsion nobudgarchilikni hisoblashda tayyorlov lahimlari, qazish lahimi chegarasidagi, blok ichidagi kameralararo seliklar va boshqa aniqlashlardagi nobudgarchilik.

3. Qazib olinayotgan silvinit rudasini aralashuvi qazib olinayotgan qatlamning gipsometriyasi (burmalanganligi)ga, aralash tog‘ jinlarining qo‘shilish kattaliklariga, qatlam qalinligiga, qatlamdagi tog‘ jinlarining qavatlar soniga bog‘liq bo‘lib kon ishlari natijalaridan kelib chiqib aniqlanadi.

4. Rudani bir panelda qazib olinishini hisobga olgan holda, qazib olingan silvinit rudasi sifati panelning shaxta maydonida joylashishiga bog‘liq.

5. Ruda sifatining qisman o‘zgarishi uni tashish vaqtida va yer yuzasida ruda omborida uyub taxlanganda sodir bo‘ladi.

6. Ruda tarkibidagi foydali komponentni to‘lig‘icha ajratib olish boyitish fabrikasida texnologik jarayonlarning imkoniyatlariga bog‘liq.

7. Sifatsizlanish sabablaridan yana biri bu qazish jarayonida lahim ostki burchaklarida foydasiz jinslarni qo‘shilib ketishi evaziga yuzaga kelmoqda.

REFERENCES

1. ООО “Зумк-инжиниринг» Проект. Горнодобывающий комплекс Дехканабадского завода калийных удобрений на базе Тюбегатанского месторождения калийных солей. Том 3. Горно-механическая часть. Книга 4.

Проект горного отвода. Пояснительная записка и чертежи. 12.171-ПЗ-ГО.
Пермь: 2008. 80-87 с.

2. A.S. Ismailov, F.M. Olimov. Qalin qatlamli konlarni qazib olishdagi nobudgarchilik va sifatsizlanishni tizimli tahlil hamda ilmiy tadqiq qilish. Niderlandiya xalqaro konferensiyasi «Development and innovations in science» 2-qism. 2022 yil 25 mart.

3. A.S. Ismailov, F.M. Olimov. Foydali qazilmalarni yer osti usulida qazib olishda nobudgarchilik va sifatsizlanish asoslari. Fransya xalqaro konferensiyasi International Conference on "Language and cultures: Prospects for Development in the 21st Century" 2022 yil 3 aprel.

MEKSIKA BANGIDEVONASI (DATURA INNOXIA MILL) NING O‘SISHI VA RIVOJLANISHI

Po‘latov Sarvar Mustafoyevich

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali katta o‘qituvchisi

Aminova Shoirra Furqat qizi,

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali magistranti

Ergashev Bunyod Dilmurodovich

Tadqiqotchi

ANNOTATSIYA

Meksika bangidevonasi (Datura innoxia Mill) bo‘lib, ushbu o‘simlikning hosildorligi qo‘llanilayotgan o‘g‘it turi va me‘yoriga qarab turlicha bo‘ladi. Mexika bangidevonasi o‘simligining urug‘larini unib chiqishidan to pishib yetilgunga qadar bo‘lgan davrlardagi o‘shish jadalligi, qo‘llanilgan azotli o‘g‘itlarning shakli va me‘yorlariga bog‘liq holda sezilarli darajada o‘zgarganligi kuzatildi. Toshkent viloyatining tipik bo‘z tuproqlari sharoitida yetishtirishda qo‘llaniladigan azotli o‘g‘itlarni shakllari o‘simlikning o‘shishi, bargining shakllanishi va meva hosil qilishiga ta‘sir ko‘rsatganligi aniqlandi.

Kalit so‘zlar. *Meksika bangidevonasi, o‘g‘itlar, gul, meva, tuproq, hosildorlik, azot, fosfor, kaliy, ammoniy sulfat, karbamid, ammiakli selitra.*

АННОТАЦИЯ

Урожайность этого растения варьируется в зависимости от типа и нормы используемых удобрений. Было замечено, что скорость роста мексиканского растения каннабиса от всходов до созревания значительно варьировалась в зависимости от формы и нормы внесения азотных удобрений. Установлено, что используемые при возделывании формы азотных удобрений в условиях типичных сероземов Ташкентской области оказали влияние на рост растений, листообразование и плодообразование.

Ключевые слова: *Мексиканский каннабис, удобрения, цветок, плоды, почва, урожайность, азот, фосфор, калий, сульфат аммония, мочевины, нитрат аммония.*

ABSTRACT

The yield of this plant varies depending on the type and rate of fertilizer used. It was observed that the rate of growth of the seeds of the Mexican cannabis plant from

germination to maturity varied significantly depending on the form and rate of applied nitrogen fertilizers. It was found that the forms of nitrogen fertilizers used in cultivation in the conditions of typical gray soils of Tashkent region had an effect on plant growth, leaf formation and fruit formation.

Keywords. *Mexican datura, fertilizers, flower, fruit, soil, productivity, nitrogen, phosphorus, potassium, ammonium sulfate, urea, ammonium nitrate.*

KIRISH

dan ko'ramizki, u manfiy shuning uchun ham bu holda yulduz muvozanat xolatda bo'ladi. Oq mittilarning o'rtacha parametrlari quydagicha : massa- $1.2 \times 10^{30} kg$, radius-9000km, o'rtacha zichlik - $400 \frac{kg}{sm^3}$ erkin tushish tezlanishi - $10^6 \frac{m}{m^2}$ ikkinchi kosmik tezlik - $4000 \frac{km}{c}$ tartibida. Ko'ramizki, oq mittining o'lchamlariga yaqin ,ammo uning massasi Yer massasidan million marta katta. Tekshirishlarning ko'rsatishicha, yadro yonilg'isi yonib bo'lgan massiv yulduzlar ($M \cong 2.5 M_q$) ning gravitatsion siqilishi ulardagi modda zichligi atom yadrosiga tegishli $10^{14} \div 10^{15} \frac{g}{sm^3}$ zichliklarga yetguncha davom etadi. Bu jarayon davomida yadrolar pratonlar va neytronlarga ajralishdi. Aynigan elektronlarning energiyasi

bunday zichliklarda shunday kattalashadiki, ularning pratonlar bilan o'zaro tasirlashishi natijasida neytron va neytrinolar xosil bo'ladi:



Shu tufayli yulduz moddasidagi neytronlar miqdori sezilarli ortadi. Aynigan neytron Fermi-gazining kvantomexanik bosimi gravitatsion kolapisini to'xtatishga yetarli bo'ladi, shu tariqa neytron yulduz paydo bo'ladi. Neytron yulduzlar quydagi o'rtacha parametrlarga ega massasi $m = 2 \times 10^{30} kg$ (quyosh massasi tartibida), radiusi $10 \div 20 km$, zichligi $2 \times 10^{14} \frac{g}{sm^2}$ minimal aylanish davri $0.001c$, ikkinchi kosmik tezlik $(0.4 \div 0.5)c$ neytron yulduzlardagi modda zichligi, oq mittilar zichligi uchun topilgan

$$E(R) = \frac{3 \ xn \ hc}{4 \ R \ 2} \left(\frac{9}{4\pi^2} \ xn \right)^{\frac{1}{3}} - \frac{3}{5} G \frac{n^2 m_p^2}{R} \quad (10)$$

ifodaga o'xshash

$$(p_r)_n = \frac{8\pi m_p}{3(1-x)} \left(\frac{m_p c}{h} \right)^3 = \frac{6 \times 10^{15}}{1-x} g/sm^3 \text{ formula bilan aniqlanadi. Neytron}$$

yulduz yulduzning to'liq energiyasi undagi neytronlar va elektronlarning to'liq kinetik energiyalari $(E_K)_e$ lar bilan gravitatsion potensial yeg'indisiga teng.

$$E(R,x) = (E_K)_n + (E_K)_e + W = \frac{3(1-x)n}{5} \frac{h^2}{R^2} \left[\frac{9}{4\pi^2} (1-x)n \right]^{\frac{2}{3}} + \frac{3 \ xn \ hc}{4 \ R \ 2} \left(\frac{9 \ xn}{4\pi^2} \right)^{\frac{1}{3}} - \frac{3}{5} G \frac{n^2 m_p^2}{R} \quad (11)$$

Massasi $(M_{kr})_n$ dan katta bo'lgan neytron yulduzlar barqaror bo'lmasdan siqilishda davom etadi va oxir oqibatda qora o'raga aylanishi mumkin. Agar barcha yetarli massiv o'ta yangiliklarning portlashi qora o'raga olib kelganda edi, bizning galaktikamizdagi qora o'ralar soni bir necha o'n, xatto yuz millionga yetishi mumkin edi. Qora o'ralar mavjudligi xaqidagi fikr Eynshteyn tenglamalarining Shvartsschild tomonidan topilgan yechimlaridan topilgan. M massali yulduzdan nurlanuvchi $m = \frac{E}{c^2}$ fotonning yulduz gravitatsion maydonidagi potensial energiyasi $W = -GmM/R$ ga teng bo'ladi. Bunda E fotonning energiyasi. Foton yulduzdan chiqishda ana shu gravitatsion maydondagi potensial energiyasi

$$E > GMm/R \quad (12)$$

agar yetarli katta massa juda kichik hajimga yeg'ilgan bo'lsa, qandaydir $R=R_0$ masofada

$$E = G \frac{Mm}{R_0} = G \frac{M}{R_0} \frac{E}{c^2} \quad (13)$$

tenglik bajarilishi mumkin bu tenglikdan $R_0 = G \frac{M}{c^2}$ M massali o'ta zich ob'ektdan $R < R_0$ masofalarda bo'lgan hech qanday narsa hatto fotonlar ham uning gravitatsion tortishish kuchini yengib chiqib ketta olmaydi, demak tashqi kuzatuvchi uchun $R=R_0$ masofagacha siqilgan ob'ektlar absolyut qora bo'ladi. Umumiy nisbiylik nazariyasi bajariluvchi aniq xisoblashlar R_0 masofa uchun $r_s = 2R_0 = \frac{2GM}{c^2}$ ifodani beradi bunda r_c shvartsshil radiusi yoki gravitatsion radius, radiusi r_c ga teng bo'lgan sfera hodisalar gorizonti deb yuritiladi. O'zining gravitatsion radiusi o'lchamigacha siqilgan jism o'ziga keluvchi har qanday signalni yutishi bilan o'zidan hech qanday signal chiqarmaydi. Bunday ob'ektlar qora o'ralar deb ataladi. Quyosh massasiga teng bo'lgan ob'ekt uchun $r_c = 3\text{km}$, $\rho_c = 2.5 \times 10^{16} \frac{\text{g}}{\text{sm}^3}$ ga yetadi. Ixtiyoriy jism uchun r_c va ρ_c lar

$$\rho_c = 2.5 \times 10^{16} \left(\frac{M}{M_q} \right)^2, r_c = 3 \left(\frac{M}{M_q} \right) \text{ munosabat o'rinli bo'ladi.}$$

REFERENCES

1. Cosimo Bambi (10 Jun 2019) Astrophysical Black Holes: A Review arXiv:1906.03871v1 [astro-ph.HE]
2. A.O'.Rahimov, B.O.Otaqulov(1986) Maxusus nisbiylik nazariyasi va umumiy nisbiylik nazariyasi elementlri.
3. Daniela Pugliese and Hernando Quevedo (1 Apr 2022) Extracting information on black hole horizons arXiv:2204.00481v1 [gr-qc]

ОРИФА АЁЛЛАР ТАВСИФИ ҲАЗРАТ НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

Ф.ф.д. Юнусова Г.С.

Истамова Г. Х.

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида орифа аёллар тўғрисидаги Абдулқодир Гилоний билан боғлиқ нақллар талқин ва таҳлил қилинган, авлиё зотларнинг маънавий-руҳий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, кашфу кароматлари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: тазкира, нақл, тариқат, кашф, каромат, валий, ориф, зоҳир, ботин.

АННОТАЦИЯ

В данной статье интерпретируются и анализируются повествования мудрецов об Абдулкадире Гилани в комментарии «Насайим уль-мухаббат», рассматривается духовная взаимозависимость святых, а также пророчества открытия.

Ключевые слова: тазкира, накл, тариқат, кашф, каромат, вали, ариф, захир, ботин.

ANNOTATION

This article interprets and analyzes the narrations of wise women about Abdulkadir Gilani in the commentary "Nasayim ul-muhabbat", discusses the spiritual interdependence of saints, as well as the prophecies of the discovery.

Keywords: tazkira, naql, tariqat, kashf, karomat, waliy, arif, zahir, botin.

КИРИШ

“Насойим ул-муҳаббат”да 770 нафар авлиё ва ориф зотларнинг ҳол, мақом, мартабалари зикр қилинган. Маълумки, маърифат ва фано тушунчалари бир-бирини тақозо қилади, солиқ фано ҳолатига етгач, барча тўсиқлар бартараф бўлиб, унга маърифат сирлари очилади. Моддий олам билан боғлиқ нарсаларни ўрганишда илм ва ақл зарур, аммо тафсилий билиш жараёнида далил исбот билан эмас, ҳиссий билиш орқали фанога эришади. Файласуф Г.Наврўзованинг таъкидлашича: “Бу ирфоний жараёнда ақл эмас, руҳий билиш, қалб кўзи

асосий ўринни эгаллайди. Бу “кўз” билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади”¹⁵⁵

“Ғавс ул-аъзам”, “Қутби Раббоний”, “Пири дастгир” номи билан машҳур бўлган Сайид Муҳйиддин Абдулқодир ал-Гилоний ҳаёти, кароматлари тўғрисида хабар берувчи кўплаб манбалар мавжуд. Унинг “Муҳйи” тахаллуси билан форс тилида ёзилган девони¹⁵⁶ ва бошқа асарлари¹⁵⁷ ўзбек тилига таржима қилинган. Шунингдек, бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Булар орасида мисрлик олим Юсуф Зайдоннинг “Девони Абдулқодир ал-Жийлоний” номли тадқиқоти ҳам бор.

Абдулқодир ал-Гилоний (ал-Жилоний) (ваф. 1166 й.) таъсис этган қодирия тариқати дастлабки тариқатлардан бири бўлиб, XII-XIV асрларда тасаввуфдаги асосий 12 тариқат (рифоя, яссавия, шозилия, суҳравардия, чиштия, кубравия, бадавия, қодирия, мавлавия, бектошия, халватия, нақшбандия)дан бири саналади. Мазкур тариқат аъзолари турли ижтимоий табақага мансуб бўлиб, улар жамоа бўлиб (самоъ, хадра), овоз чиқармасдан алоҳида (зикри хафий) ҳолда ҳамда баланд овозда умумий (зикри жалий) зикр тушишган. Тариқат аъзолари бошқалардан ажралиб туриш учун ўзларига хос кийинишган. Бошларидаги кигиз телпакчада қодирийларнинг тимсоли – уч қатор гулбаргли яшил гул бўлган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инсон камолоти масаласига асосий мақсад сифатида қараладиган тасаввуф таълимотида инсон ботиний ва зоҳирий олами уйғун илоҳий мавжудот деб талқин қилинади. Девонда айтилиши шундай ҳол яққол кўзга ташланади.

Эй дўст, Муҳйиддин мегуфт, ки эй ошиқ

Гар ту талабе дори бедорй шабҳо гў.

Мазмуни:

Эй дўст, сенга айтар бу Муҳйиддин ошиқ,

Бедорлик талаб қилсанг, уни доим тунда де.

Ғазалнинг мақтаъсида шоир инсонларга қарата “Эй дўст” деб мурожаат қилади. Хўш, бу дўст қандай инсон? У қалбида илоҳий ишқ жўш уриб турадиган ошиқ. Яъни, қалбида илоҳий ишқ бўлган инсон авваламбор, ўзига ўхшаган бошқа инсонни севиши, ардоқлаши мумкин ёки ўзига ўхшаган

¹⁵⁵ Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод.Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврўзова. Т.: “Sano-standart”, 2019. 14-б

¹⁵⁶ Абдулқодир ал-Гилоний. Ғазалиёт. Таржима ва сўнг сўз муаллифи Г.Юнусова.Т.: Мумтоз сўз -2018.-166 б.

¹⁵⁷ Абдулқодир ал-Гилоний.Сиррул-асрор.Мактубот. (таржимон: О.Жўрабоев) – Т.: Мовароуннахр, 2005

инсонни севадиган банда Аллоҳни севиши мумкин ва бундай инсон илоҳий-руҳий сифатларни эгаллаши мумкин. Байтда шу илоҳий сифатларга эга бўлишни истаган ошиқ талабларни тунда бедор ва огоҳ туриб сўраши лозим дея таъкидланади.

Давр орифларининг саййиди, кейингиларнинг қибласи деган муборак рутба билан шарафланган Шайх Абдулқодир Гилоний тўғрисида Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” тазкирасида бир қатор муҳим маълумотлар келтирилган. Ҳазрат Навоий тариқат раҳбари, ҳақиқат таржимони, зоҳир ва ботин илмларида барча улуғ шайхларнинг устози, орифлар йўлбошчиси, солиқлар таянчи, раббоний олим Шиҳобуддин Абу Ҳафс Умар б. Муҳаммад Бакрий Сухравардийнинг шайх Абдулқодир Гилоний суҳбатига эришганлигини қайд этади. Ушбу фикрлар Абдурахмон Жомий ва Имом Ёфийий тазкираларидаги маълумотларга асосланган. Шунингдек, тазкирада замонасининг таниқли авлиёulloҳларидан бири шайх Бақо б. Баттунинг Шайх Абдулқодир Гилонийга ихлос ва эътиқод билан хизмат қилганлиги ҳам баён қилинган.

Шайх Муҳйиддин Арабийнинг эса “хирқалари нисбати бир восита била” шайхга ва яна бир нисбатлари бир восита била Хизр алаҳиссаломга етиши қайд этилган. Тазкирада “оёти зоҳира ва мақомоти фоҳира” соҳиби бўлган Иброҳим ибн Миъсор Жаъбарий ҳақидаги нақлда шайхнинг “Мен дарахт шохларида хурсандчилик қилувчи полопонлар булбулиман ва самоларда оқ лочинман”, - деган сўзлари келтирилган. Бу сўзлар Шайх Абдулқодир Гилонийнинг тариқатда эришган ҳол ва мақомини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳазрат Навоий Шайх Абулҳасан Фурайсийнинг тўрт авлиё зотнинг “ўз қабрлариға тасарруф қилурлар, андоқки, ихё қилурлар” деган сўзларини зикр қилади ва бу зотлар Ҳаёт ибн Қайс Ҳарроний, Шайх Маъруф Кархийдур, Шайх Абдулқодир Гилоний ва бири Шайх Уқайлий Манбийий эканлигини таъкидлаб кўрсатади¹⁵⁸

Маълумки, тазкирада 35 нафар ориф аёлларнинг ҳам ҳаёт тарзи, кашфу кароматлари зикр қилинган, уч нафар орифа аёллар билан боғлиқ нақлларда бевосита ва билвосита шайх Абдулқодир Гилонийнинг номи тилга олинган.

Нақл қилинишича, Гилонда қурғоқчилик бўлади. Халойиқ истиско (ёмғир сўраш намози) га чиқадилар, бироқ ёғин ёғмайди. Чорасиз қолган халқ Умми

¹⁵⁸ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том.Насойим ул-муҳаббат.ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.

Муҳаммаднинг олдига келиб, ундан ёмғир дуосини тилашади. Шунда Умми Муҳаммад уйининг эшикин супуради ва шундай дейди: Эй бор Худоё, мен супурдум, Сен сув сеп! Оз фурсат ўтгач, ёмғир ёға бошлайди. Мана шу ориф аёл шайх Абдулқодир Гилонийнинг аммаси эди.

Тазкирада Шайх Муҳйиддин Абдулқодир Гилоний Жорияи Ҳабашия билан учрашганлигини Навоий куйидагича баён қилади. Шайх Бағдоддан ҳажга отланади, йўлда унга Шайх Аддий ибн Мусофир унга ҳамсафар бўлади. Йўлда уларга юзига парда тортилган Жорияи Ҳабашия учрайди ва ундан қаердан эканлигини сўрайди. Абдуқодир, Ажамданман, -- деб жавоб қайтаради. Шунда у, бугун мени оғир аҳволга солиб қўйдинг, дейди. Бунинг сабабини сўраган йигит (Абдулқодир Гилоний) га шундай изоҳ беради: бу соат Ҳабаш билодидин эрдим. Манга мушоҳада тушдики, Тенгри таоло сенинг кўнглунгга тажалли қилди ва санга атое қилдики, бу тойифадин мен билурлардин ҳеч кимга мундоқ ато қилмайдур. Тиладимки, сени кўргаймен. Ва деди: мен бу кун сизинг биламан ва сизинг била ифтор қилурмен. Ва юруди. Ва ул водийнинг бир ёнидин ва биз яна бир ёнидин борур эрдук. Чун оқшом бўлди, кўкдин бир табақ инди, анда олти рағиф сиркаву сабзи била. Жорияи Ҳабашия дедикки, Алҳамдулиллаҳил лазий акромани ва акрома зойфа – мени ва меҳмонларимни эъзозлаб сийлаган Аллоҳга ҳамд бўлсин!¹⁵⁹

Шу кеча уларнинг ҳар учовига иккитадан кулча ва уч обдаста сув тушади, сувнинг лаззати шу даража эдики, дунё сувларига асло ўхшамас эди. Шундан сўнг аёл улардан ажралиб кетади.

Маккада тавоф пайтида шайх Аддийда тажалли, яъни нури илоҳийнинг жилва қилиши юз беради ва у беҳуш бўлиб йиқилади. Уни ўлди деб гумон қиладилар... шунда Абдулқодир Жорияи Ҳабашийя унинг тепасида турганлигини ва унга қарата “Сени бу ҳолга тушириб, ўлдирганнинг ўзи тирилтиради” деганини эшитиб қолади.

Кейин тавоф пайтида Шайх Абдулқодир Гилонийга тажаллий пайдо бўлади ва у ўзига қаратилган хитобни эшитади: “Эй Абдулқодир, зоҳир тажридини қўй, тавҳид тафридини лозим тут ва эл нафъи учун ўлтурки, бизга хос бандалар борки, тиларбизки, аларни сенинг илгингда қурбимиз шарафиға еткурурбиз”¹⁶⁰

¹⁵⁹ А.Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том.Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.492- б

¹⁶⁰ А.Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том.Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.493-б.

Жория шундай дейди: эй йигит, билмасмусанки, бу ниманинг нишонасидур? Агар бошингда нурдан қаср қурубдурлар ва малоикалар осмонгача учиб, сенинг атрофингда айланурлар. Барча авлиёларнинг кўзлари сенинг бу мақомингдан хира тортибдурлар. Ва барчалари шу мақомга етиш орзусидалар. Шайх шундан кейин Жорияи Ҳабашийя кетганлигини ва уни қайтиб кўрмаганлигини нақл қилган.

Мана шу башоратнинг амалга ошганлиги Шайх Абдулқодир Гилоний муриду асҳобидин бири Имраъатун Исфаҳония билан боғлиқ нақлда келтирилган. Унда шайх кашфу каромат соҳиби, авлиёуллоҳ сифатида талқин қилинган¹⁶¹

Инсон маънавий ахлоқий жиҳатдан покланса, тана ва руҳ ўртасида уйғунликка эришса, комилликка эришади. Зоҳири – моддий олам, ботини – руҳий оламга тегишли бўлган инсон шу икки асосни мувозанатга келтирса, илоҳий сифат касб этади. “Инсон менинг, мен эса унинг сириман” деган эътирофга лойиқ бўлади.

Мазмун ва шакл, пайдолик ва пинҳонлик оламдаги турли нарса, ҳодиса ва жараёнларнинг диалектикасини ўрганишда, улар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни билишда муҳим ўрин тутадиган кетегория, инсоннинг шакли унинг пайдолигида бўлса, мазмуни пинҳоний, кўзга кўринмайдиган хислат ва фазилатлардадир. Буни Абдулқодир Гилоний куйидагича ифодалайди:

Зоту сифату исмам чун халқ ба зоҳир кард,
Ҳар кавну абад бингар кони мазҳар ашё гў.
Мазмуни:

Зоту исмим сифатинг чун халққа зоҳир қилдим,
Абадий ҳар борлиқни кони мазҳар ашё де.

Ҳазрат Навоий эса Аллоҳнинг зоти, сифат ва исмларини Аллоҳ яратган махлуқотларда сингдирилганлигини ўзгача бир шаклда бадий талқин қилганлигини кўрамыз:

Сени топмоқ базе мушкилдурур, топмаслиғ осонким,

¹⁶¹ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. ЎзР. ФА. «Фан» нашриёти, Тошкент — 2001. 493-б

Эрур пайдолиғинг пинҳон, вале пинҳонлиғинг пайдо¹⁶²

ХУЛОСА

Кўришиб турибдики, Абдулқодир Гилоний ва Навоийнинг фалсафий, илоҳий-ирфоний қарашлари муштарак. Ориф зотларнинг олам ва одамни англашларида ўзаро яқинлик мавжуд, улар бевосита ёки билвосита (увайсий) боғлиқ. Нақлларда ёшларимиз тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга фазилатлар: инсон ўз қалбига кулоқ сола олиши, нопок ишлардан ўзини сақлаши, маънавий-руҳий камолоти учун қайғуриши билан боғлиқ юксак маънавий-ахлоқий қарашлар илгари сурилган.

REFERENCES

1. А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бадойиё ул-бидоя. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001
2. Баҳоуддин Нақшбанд. Аврод.Мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи ва таржимон фалсафа фанлари доктори, профессор Г.Н.Наврўзова. Т.: “Sano-standart”, 2019.
3. Абдулқодир ал-Гилоний. Ғазалиёт. Таржима ва сўнг сўз муаллифи Г.Юнусова.Т.: Мумтоз сўз -2018.
4. Абдулқодир ал-Гилоний.Сиррул-асрор.Мактубот. (таржимон: О.Жўрабоев) – Т.: Мовароуннаҳр, 2005

¹⁶² А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Бадойиё ул-бидоя. ЎзР. ФА.«Фан» нашриёти, Тошкент —2001.14- б

ЎЗБЕК МУМТОЗ ҲИКОЯТЛАРИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Севара Баратова

ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори

институти кичик илмий ходими,

Тел: 93-5384422

E-mail: baratovasevara07@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Навоий ҳикоятларининг поэтик томонлари қаламга олинган. Ундаги қисқалик ва лўндалик шоир маҳоратининг ифодаси сифатида кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Навоий, поэтика, қисқалик, ихчамлик, маҳорат, образ яратиши.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье написаны поэтические аспекты рассказов Навои. Его лаконичность и лаконичность показаны как выражение мастерства поэта.

Ключевые слова: *Навои, поэтика, краткость, лаконичность, мастерство, создание образа.*

КИРИШ

Ўзбек мумтоз ҳикоятчилигининг минг йиллик тарихига назар ташласак, шеърӣ ва насрий ҳикояларнинг аксарияти бадий жиҳатдан талаб даражасида бўлганлигини кўришимиз мумкин. Негаки, ўтмишда яратилган мумтоз ҳикоялар ўз ўқувчисини топиши ва унга бадий-эстетик таъсир этиши, айти чоғда тарбиявий мақсадларни ҳам эътиборда тутиши талаб этилган. Ўзбек адабиётидаги ҳикоятлар таҳлилга тортилганда уларнинг бадий савияси ҳар хил эканлиги, айримлари бадий жиҳатдан пишиқ, баъзиларида эса муаллифларнинг асосан, ғоя эътиборида бўлгани туфайли бадийлик у қадар пишиқ бўлмаганини кўришимиз мумкин. Мумтоз ҳикоячилик поэтикасининг айрим қирралар учун, бизнингча, Алишер Навоийнинг дostonлари таркибига кирган бир қатор ҳикояларнинг намуна бўларлик даражасида эканини таъкидлашни истар эдик. Шу сабабдан Навоий ҳикоятлари поэтикасининг айрим қирраларини кўрсатиш ва таҳлилга тортиш орқали умумўзбек мумтоз ҳикоячилиги поэтикаси борасида хулоса чиқариш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Алишер Навоийнинг ижоди чуқур ғоявийлиги, мазмунан бойлиги, жанрларнинг хилма-хиллиги, бадийликнинг ниҳоятда юксаклиги билан адабиётимиз тарихида муҳим бир босқични ташкил қилади. У энг улуғ бадий

сўз санъаткорларидандир. Навоийдек йирик санъаткор ижодидаги бадиий маҳорат жуда катта масала бўлиб, шоирнинг асарлари, дostonлари юзасидан алоҳида илмий-текшириш ишларини талаб қилади. Биз Алишер Навоий ҳикоятларида бадиий образ яратиш маҳорати, сюжет ва композиция масалалари борасида қисқача тўхталиб, ўз мулоҳазаларимизни баён этишни мақсад қилиб қўйдик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳар бир адабий жанрнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билган Алишер Навоий ҳикоя жанрининг ҳам воқеликни акс эттиришдаги имкониятларини ҳисобга олиб, ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан юксак ҳикоятлар яратди. Ҳар бир ҳикоят ўзининг мустақил сюжет чизиғига, образларига, ҳамда сюжетнинг барча компонентларига эгадир. Шоир ҳикоятларида ҳикоя жанрига хос кўпгина хусусиятлар мавжуд. Шунингдек, ҳар бир ҳикоят ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ҳикоя жанрига хос хусусиятлардан энг муҳими қисқалик ва ихчамликдир. А. П. Чехов таъбири билан айтганда: “Қисқалик иқтидорнинг синглизидир”. Навоий ҳикоятларида худди шу нарса яққол кўзга ташланади. Шоир ҳам фикрни ихчам, тушунарли шаклда ифода қилиш уни катта мазмундан узоқлашмаслигини таъкидлайди. Бу ҳақда шоир “Сабъаи сайёр” достонида шундай ёзади:

Ҳар не бор дostonга солди садо,
Мунда бир байт бирла тобқай адо.

Мужмал онинг сўзин қилиб такмил,
Ўз ҳадисимга бергамен тафсил.¹⁶³

Кўринадик, йирик сўз санъаткорларининг фикрини ихчам шаклда ифодалаш, қисқалик ҳақидаги қарашлари бир-бирига яқин. Бу яқинлик уларнинг адабий жанрларни баҳолашда объектив ёндошишлари натижасидир.

Ҳар бир асарнинг чуқур ғоявий, бадиий гўзаллиги, асосан, мазкур асарда инсон образининг қай даражада тасвирланишига боғлиқ.

Навоий ҳикоятларига назар ташлар эканмиз, уларда кишиларнинг ранг-баранг образларига дуч келамиз. Шоир давр талабидан келиб чиқиб, ўтмиш мумтоз адабий анъанасига, халқ оғзаки ижоди самараларига суянган ҳолда турли хил кишиларнинг ижобий ва салбий образларини яратди. Навоий ҳикоятларида ўша давр ҳаётида эзилган меҳнаткаш халқ вакилларининг, одил

¹⁶³ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами // Сабъаи сайёр. Ўнинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1992. –Б. 31.

шоҳ ва шаҳзодаларнинг ижобий образларини бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Шоир меҳнаткаш табақа вакилларининг образларини гавдалантиришга катта этибор беради. Шунинг учун ҳам ҳикоялардаги ижобий образларининг кўпчилиги халқ вакиллари дир. Масалан “Шоҳи Розий” ҳикоятидаги камбағал ва эзилган кампир образи, “Хотам Тоий” ҳикоятидаги ўтин териб кун кўрувчи чол образи, “Баҳром Гўр” ҳикоятидаги қари деҳқон ана шундай образлардандир. Шоирнинг бутун симпатияси ҳам ана шу образларни тўлароқ тасвирлашга қаратилган. Ҳикоятлардаги образлар ҳаётий эпизодларда ихчам шаклда ишонарли қилиб тасвирланган.

Навоий ҳикоятларни ихчам шаклда ифодалаш, қисқалик ҳақидаги қарашлари бунга яққол мисол бўла олади.

Шоирнинг бутун майли ҳам ана шу образларни тўлароқ; тасвирлашга қаратилган. Ҳикоятлардаги образлар ҳаётий эпизодларда ихчам шаклда ишонарли қилиб тасвирланган.

Шоир ҳикоятларида шоҳ ва шаҳзодаларнинг ижобий образлари яратилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги идеал характерга эга бўлган. Бу образларнинг бирортасига бутунлай ўхшаш характердаги кишиларни ўша давр шароитида кўриш мумкин эмас эди. Навоий бундай образларни яратиш билан подшоҳ қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги ўз орзуларини баён қилади. Масалан, “Хотам Тоий” ҳикоятида ўтинчи чолнинг портрети тўлиқ чизилмаган. Ҳикоятдаги:

Жисми уш айлабон ул юк нигун,
Тиркабон ул уйга асодин сутун.

Ҳар қадам олгунча етиб муддате,
Ҳар нафас улгунча ўтиб фурсате...¹⁶⁴

кишининг ёрқин қиёфаси, руҳий ҳолати, ички кечинмалари аниқ ва жонли кўринади. Ёки Жобир образини (“Меҳр ва Суҳайл”) олайлик. Жобирнинг портрети тўла чизилмаган. Лекин икки байт орқали Жобирнинг ташқи кўриниши яхши чизиб берилган:

Ҳам тануманду ҳам шужоу далер.
Ул сифатким жазира ичраки шер.

Баҳра аро офати нечукки наҳанг,

¹⁶⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами // Ҳайрат ул-аброр. Ўтинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1991. –Б. 152.

Беша ичра нечукки шеру паланг.¹⁶⁵

Биринчи байтда Жобирнинг кучли эканлигини кўрсатиш учун шерга ўхшатилади. Иккинчи байтда биринчи байтдаги фикр ривожлантирилиб, Жобир офат келтирувчи наҳангга ўхшатилади. Бу билан унинг салбий хусусиятлари очилади. Натижада кўз олдимизда Жобирнинг баҳайбат салбий образи гавдаланади. Айтиш керакки, Навоий ҳикоятларидаги баъзи образларнинг портретлари орқали уларни бир-биридан фарқлаш қийин. Чунки шоир ҳикоятларидаги портретлар кўп вақт анъанавий характерга эга бўлган. Улардаги хотин-қизлар портретини чизишда ишлатилган анчагина иборалар (“қадди сарв”, “юзи меҳр”) эркак персонажларнинг портретини чизишда ҳам қўлланади. Мисол учун “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятидаги Меҳр ва Суҳайл портретларини келтирамиз.

Меҳр портрети:

Тақиким наҳли сарфароз келиб,

Ҳусн бошда сарви ноз келиб.

Юзига меҳр бандау оти Меҳр,

Уйрулуб меҳридек бошига сипеҳр¹⁶⁶.

Суҳайл портрети:

Юзидин барги гул ҳижил эрди,

Қаддидин сарв мунфаил эрди.

Ҳунар авжи сори келиб анга майл,

Юзи андоқки меҳр, оти Суҳайл¹⁶⁷.

Демак, Навоий ҳикоятларида портретлар тўлиқ берилмаса ҳам, уларни таниб олиш қийин эмас. Шоир бир ёки икки детал билан муайян қаҳрамоннинг портретини ниҳоятда жонли тарзда тасвирлаб бера олади. Шоирнинг қайси ҳикоялари кўздан кечирилмасин, уларда ишлатилган ташбеҳлар, таъзодлар, шоир маҳоратини кўрсатувчи унсур даражасига кўтарилади ва асарнинг равонлигини кучайтиради. Бу бадий санъатлардан ташқари Навоий ҳикояларида маънавий ва дафзий манъатларнинг ҳам ўнлаб намуналарини кузатишимиз мумкин. Бу эса даҳо санъаткорнинг ҳикояларини ҳам бадий санъатлар билан беаб, уларнинг равонлигини кучайтирганини исботлайди. Яна шоирнинг “Меҳр ва Суҳайл” ҳикоятига қайтсак, унда бир-бирига уланиб кетган воқеалар тизмаси борлигини кузатишимиз мумкин. Бу воқеалар тизмаси

¹⁶⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами // Сабаи сайёр. Ўнинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1992. – Б.278

¹⁶⁶ Алишер Навоий. Ўша асар. – Б.2 79

¹⁶⁷ Алишер Навоий. Ўша асар. - Б. 282.

ҳикоятнинг сюжет чизиғини ташкил қилади. Воқеалар ичида Меҳр билан Суҳайл ўртасидаги севги воқеаси асосий, қолганлари эса ёрдамчи воқеалар бўлиб, асосий воқеани ойдинлаштиришда, тўлароқ очишга ёрдам беради. Шу билан бирга, ҳар бир эпизодик воқеа асосий воқеанинг бир бўлаги вазифасини ўтайди. Бу ҳикоятнинг сюжет қурилиши куйидагича: Шоир ҳикоятнинг бошланишида ўқувчини ижобий ва салбий образлар тавсифи билан таништиргач, Меҳрнинг денгиз саёҳатига чиқиб, асирга тушиш воқеасини келтиради. Бу воқеа ҳикоятдаги асосий воқеанинг бошланиши, тугуни ҳисобланади. Энди ҳикоятдаги Меҳр тақдири билан боғлиқ бўлган воқеа ривожланиб борган сари янги зиддиятлар пайдо бўлади. Суҳайл билан Жобир ўртасида қаттиқ кураш юзага келиб, Жобир ҳийла-найранг ишлатиб, Суҳайлни енгади ва уни зиндонга ташлайди. Жобирга қарши икки шоҳ – Меҳрнинг отаси Адан шоҳи Навдар билан Суҳайлнинг отаси Яман шоҳи Нуъмон курашадилар. Лекин улар ҳам мағлубиятга учраб, Жобирга асир бўладилар. Ҳикоя кульминацион нуқтага кўтарилгач, тез ечилади. Ҳақиқат қарор топиб, адолат галаба қозонади. Икки севишган муродига етади.

Бундай сюжет характери ҳикоятнинг қизиқарли чиқишини таъминлаган. Шоирнинг сюжет яратишдаги маҳорати шунда кўринади. Зиддиятларни кетма-кет келтириб ҳикоятнинг охирига қадар узлуксиз ҳаяжон билан ўқилишини таъминлаган.

ХУЛОСА

Ушбу ҳикоятда воқеалар мантиғи биринчи ўринда туради. Лекин ҳамма ҳикоятлар ҳам шу характерда эмас. Шоирнинг ҳар бир ҳикояти ўзига хос сюжет қурилишига эга. “Шоҳ Жуна ва Масъуд” ҳикоятида воқеалар мантиғи эмас, характерлар мантиғи биринчи ўринда туради.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, муайян қаҳрамон тасвирида уни воқеалар силсиласига тўла олиб кириб гавдалантирса, айримларида ҳали воқеалар тўзонига олиб кирмай туриб, уларнинг характер қирралари, касби корлари билан ўқувчини таништириб боради. Мазкур ҳикоятда ана шундай ҳолатлар кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий ҳикоятлари бадий мукамаллиги билан бутун ўзбек мумтоз ҳикоячилиги поэтикасини ўзида намоён этади ва унғача ҳамда ундан кейинги мумтоз ҳикоятларнинг бадий хусусиятларини аниқлашда манба вазифасини ўтайди.

REFERENCES

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами // Сабъаи сайёр. Ҷнинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1992.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами // Ҳайрат ул-аброр.Еттинчи жилд. –Тошкент: Фан, 1991

VOYAGA YETMAGANLAR HUQUQBUZARLIKLARINING ASOSIY SABABLARI VA UNGA IMKON BERAYOTGAN SHART-SHAROITLAR

Usmonova Naima Toxir qizi

Leytenant, Jizzax viloyati Zarbdor tumani
IIB JXX HPB VYMB inspektor-psixologi

ANNOTATSIYA

Bugungi kunda kelajagi buyuk davlat fuqarosi bo'lgan komil insonni tarbiyalamasdan, uning siyosiy ongi, madaniyati, ma'naviyati, ijtimoiy va yaratuvchanlik faoliyatini yuksak darajaga ko'tarmasdan turib, barqaror taraqqiyotga erishish mumkin emas. Yoshlarni jamiyatdagi faolligini oshirishda, hayotdagi rolini, o'rnini aniqlashda ma'naviy, axloqiy tarbiya va ularga yaratilayotgan shart-sharoitlarning o'ri nihoyatda kattadir. Ammo bugungi kunda mamalakatimizda yosh avlodning bilim olishi va o'z ustida ishlab, ona vatanimiz manfaatlari yo'lida xizmat qiladigan yetuk malakali inson bo'lib kamol topishi uchun yaratilayotgan imkoniyatlarga qaramasdan, voyaga yetmaganlar o'rtasida sodir etilayotgan huquqbuzarlik va jinoyatlar ko'nglimizni bir oz xira qiladi. Voyaga yetmaganlar huquqbuzarliklarining asosiy sabablari va unga imkon berayotgan shart-sharoitlar haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: huquqbuzarlik, taraqqiyot, jamiyat, tarbiya, jinoyatchilik.

АННОТАЦИЯ

Сегодня невозможно добиться устойчивого развития без воспитания совершенного человека, который в будущем станет гражданином великой страны, без поднятия его политического сознания, культуры, духовности, общественной и творческой активности на высокий уровень. Чрезвычайно важна роль духовно-нравственного воспитания и созданных условий для молодежи в повышении ее активности в обществе, определении ее роли и места в жизни. Однако, несмотря на созданные в нашей стране для молодого поколения возможности учиться и работать над собой, чтобы стать зрелыми и квалифицированными людьми, служащими интересам нашей Родины, правонарушения и преступления, совершаемые среди несовершеннолетних, нас несколько огорчают. Обсуждаются основные причины преступности несовершеннолетних и условия, которые делают ее возможной.

Ключевые слова: преступность, развитие, общество, образование, преступность.

KIRISH

Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining sodir etilishiga olib keladigan sabab va shart-sharoitlarni o'rganmasdan turib jinoyatchilik muammosini atroflicha tahlil qilib bo'lmaydi. Chunki ushbu muammoni keltirib chiqaruvchi sabab va shart-sharoitlar davlat va jamiyat hayotida o'rin tutib kelayotgan mavjud muammolar bilan bevosita aloqador bo'ladi.

Jinoyatchilikning sharoit va sabablari tushunchalari aniq tushunchalar hisoblanadi. "Sharoit" va "sabab" tushunchalari bir-biri bilan uzviy bog'lanib ketganligi sababli ularning mazmunini yetarli darajada aniqlamasdan turib, ajratish qiyin bo'ladi. Xususan, jinoyatchilikning sabablari, jamiyatda jinoyatchilikni ijtimoiy hodisa sifatida muayyan jinoyatni sodir etilishi uchun sharoit yaratuvchi ijtimoiy hodisalar va jarayonlar yig'indisidir. Masalan, voyaga yetmaganlar bezoriligining sababi ichkilikbozlik va nazoratsizlik deb hisoblansada, yuzaki qaraganda o'smirning alohida bir jinoyat sodir etilishining sababi bo'lishi mumkin, lekin ular jinoyatning sababi bo'la olmaydi, balki sharoit yaratadi, xolos. Jinoyatchilikning sharoiti deb, o'z-o'zidan jinoyat va jinoyatchilikni keltirib chiqarmaydigan, ammo jinoyat sodir bo'lish sababini tug'diruvchi g'ayriijtimoiy hodisaga aytiladi. Masalan, mulkni qo'riqlashdagi, ularni hisobga olish, maqsadga muvofiq foydalanishdagi kamchiliklar talon-taroj qilish soxasidagi jinoyatchilikning sodir bo'lishiga sharoit yaratsa, transport harakati xavfsizligini ta'minlashdagi kamchiliklar: yo'llarning yaroqsizligi, yo'lning transport harakatlanadigan qismiga turli narsalarni to'kib qo'yganlik, hatto yo'l belgilarining noto'g'ri joylarga qo'yilganligi ham transport halokatlarining sodir bo'lishiga sharoit yaratishi mumkin. Jinoyatchilik shart-sharoitlari uchta asosiy guruhga bo'linadi:

- 1) bir vaqtda mavjud bo'ladigan hodisa va voqealar, joy va vaqtning umumiy fondini tashkil qiladi;
- 2) zaruriy-bunday shart-sharoitlarsiz voqeaning ro'y berishi mumkin emas;
- 3) yetarli-zarur bo'lgan barcha shart-sharoitlarning yig'indisi.

Jinoyatchilikning sharoiti bilan sabablari o'rtasida bevosita aloqadorlik bo'lib, bular yuqorida ta'kidlanganidek kriminogen determinantlar hisoblanadi. Sharoit o'z-o'zidan jinoyat va jinoyatchilikni keltirib chiqara olmaydi, ammo sharoitsiz jinoyatchilikning sabablari o'z mazmuniga ko'ra ijtimoiy-ruhiy xususiyat bo'lib qoladi. Ya'ni, jinoyatni sodir etish uchun mavjud sharoit bo'lmasa jinoyatchilikning sabablari faqatgina shaxsning ichki istak - xohishi

bo'lib qolaveradi. Sharoit sababni, sabab esa o'zining oqibati sifatida jinoyatchilikni keltirib chiqaradi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Har bir sodir etilgan jinoyatning sabablarini o'rganish va umumlashtirish orqali jinoyatchilikning sabablari o'rganiladi. Jinoyatchilikning sabablarini o'rganishni osonlashtirish maqsadida ularni tasniflash lozim bo'ladi. Kriminologik adabiyotlarda tasniflashning quyidagi usullaridan foydalaniladi

- a) amal qilish darajasiga ko'ra (subordinatsiyasiga ko'ra);
- b) jinoyatchilikning sabab va sharoitlarning mazmuniga ko'ra;
- v) tabiatiga va boshqa mezonlarga ko'ra tasniflash .

Huquqshunos olimlarining fikriga ko'ra, voyaga yetmaganlar o'rtasida jinoyatchilik sabab va shart - sharoitlari quyidagicha tasniflangan, Professor V.S.Volkov g'ayriijtimoiy xulq-atvor deformatsiyasining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, jinoyatchilik sabablari va shartlarini uch guruh (kompleks)ga ajratishni taklif qiladi:

a) jamiyat ijtimoiy -iqtisodiy rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari bilan bog'liq sabablar va shartlar;

b) shaxsning jamiyatga integrastiyalashuvi, uning ijtimoiy -psixologik o'ziga xosliklari bilan bog'liq sabablar va shartlar;

v) ijtimoiy munosabatlarni ijtimoiy -huquqiy tartibga solish va huquqiy tartibotdagi, huquqbuzarliklarning oldini olishdagi kamchiliklar bilan bog'liq sabablar va shartlar.

Voyaga yetmaganlar jinoyatchilining kelib chiqish sabab va shart-sharoitlarini aniqlashda, o'smirlar o'rtasida o'tkaziladigan sotsiologik tadqiqotlar ham muhim o'rin egallaydi. Xususan, tadqiqotchi M.Xodjayev tomonidan ushbu muammo bo'yicha o'tkazilgan sotsiologik tadqiqot natijalarida diqqatga sazovor holatlar aniqlangan.

Jumladan, tarbiya koloniyasida g'araz maqsaddagi jinoyatlari uchun jazoni o'tayotgan o'smirlarga: "Siz hayotda erishishni istayotgan muvaffaqiyatlardan eng muhimi qaysi?", deb berilgan savolga respondentlar tomonidan moddiy ta'minlanganlik, boyluk-14,0 foiz, yuqori ma'lumotlilik, madaniyatlilik, bilimdonlik-4,0 foiz, mashhurlik, shon - shuxrat, hurmat -1,0 foiz, atrofdagilarning hurmatiga sazovor bo'lish -12,0 foiz, obro'li oshna – og'aynilar orttirish-7,0 foiz, katta haq to'lanadigan ish topish - 15,0 foiz, hech narsaga muhtojlik sezmasdan erkin yashash - 17,0 foiz, va boshqa javoblar - 2,0 foiz ekanligi ma'lum bo'lgan.

Bu ma'lumotlar voyaga yetmaganlar asosan, moddiy boyliklarga erishishga intilishlarini ko'rsatadi. Olingan javoblarni muayyan tartibda joylashtiradigan bo'lsak, yaxshi oilaga ega bo'lishga intilishdan tashqari, dastlabki uch o'rinni moddiy farovonlik, to'kinlik bilan bog'liq hayotiy muvaffaqiyatlar egallaydi. Yuqori ma'lumot olish, madaniyatli bo'lish, bilimdonlik hayotiy muvaffaqiyat sifatida oxirgi o'rinni egallaydi. O'quvchi yoshlar orasida olib borilgan sosiologik tadqiqotlar respondentlarning 80 foizi moddiy farovonlikni ta'minlashni o'z hayotining asosiy maqsadi deb hisoblashini ko'rsatdi. So'ralganlarning 40 foizi "qayg'usiz, maishatda yashash" imkoniyatini hayotdagi ideali, deb qayd etishgan. Moddiy ne'matlar egasi bo'lishga intilish sodir etilgan jinoyatning motivida bevosita namoyon bo'ladi. Jinoyat ishlarini o'rganish, jazoni o'tayotgan shaxslar orasida o'tkazilgan so'rovlar jinoyatlarning quyidagi motivlarini aniqlash imkonini berdi: pul, boylik to'plash-7,0 foiz, qimmatbaho buyumlar sotib olish-10,0 foiz, zaruriy hayotiy ehtiyojlarini qondirish -42,0 foiz, o'z oilasiga yordam berish 17,0 foiz, spirtli ichimliklar, giyohvand vositalar iste'mol qilish bilan bog'liq motivlar-13,0 foizni tashkil etadi. Bu raqamlardan ko'rish mumkinki, g'araz niyatdagi jinoyatlar asosan moddiy boylikni harid qilish uchun pulni egallash bilan bog'liq. Spirtli ichimliklar, giyohvandlik vositalarini iste'mol qilish bilan bog'liq motivlarning ulushi ham ancha katta.

So'rovnomaning: «jinoyat sodir etgandan keyin nimani his qildingiz?» degan savolga jazoni o'tayotgan o'smirlar berishgan javoblar quyidagicha: qoniqishni-3,0 foiz, sodir etgan qilmishi uchun jazodan qo'rqishni -24,0 foiz, oshna-og'aynilarning qoralashidan qo'rqishni -6,0 foiz, uyat hissini, o'z qilmishini qoralash kabi ijobiy tuyg'ularni his etishgani qayd etilgan.

O'smirlarning atigi 14,0 foizi jinoyat sodir etgani uchun ota-onasi urushishidan qo'rqan. Bu bejiz emas, chunki jami holatlarning 24,0 foizida aybdorlarning oila a'zolari sodir etilayotgan jinoyatlardan xabardorlar, ayrim holatlarda esa, jinoiy faoliyatni qo'llab-quvvatlaganlar. Bu ma'lumotlar "o'z oilasiga yordam berish" motivi hamda aybdorning o'g'irlangan moldan qanday foydalangani bilan bog'lanadi. "O'g'irlangan molni nima qilgansiz", degan savolga jinoyat ishtirokchilari shunday javob berishgan: oilamga berdim -24,0 foiz, o'zimga ishlatdim-35,0 foiz, oshna - og'aynilarimga berdim-12,0 foiz, sotdik, pulini bo'lishib oldik -10,0 foiz, birgalikda sovurdik -8,0 foiz, foydalanishga ulgurmadik, chunki uni ichki ishlar xodimlari olib qo'ydi -11,0 foiz.

Yuqoridagilarga ko'ra, ota-onalarning to'rtidan bir qismi o'z farzandining jinoiy qilmishidan xabardor bo'libgina qolmasdan, balki o'g'irlikdagi mol-

mulkdan birgalikda foydalangan va shu tariqa o‘smirni yangi jinoyat sodir etishga rag‘batlantirgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining sabablari va ularni keltirib chiqarayotgan shart -sharoitlarni quyidagi shaklda klassifikatsiya qilish mumkin:

1. Latent jinoyatchilik, ya’ni voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etilgan jinoyatlar turli sabablarga ko‘ra huquqni muxofaza qilish idoralari tomonidan ro‘yxatga olinmasligi ularning kelgusida og‘irroq jinoyatlar sodir etishlari uchun zamin yaratmoqda.

2. Voyaga yetmaganlarning hech bir qiyinchiliksiz moddiy ne‘matga ega bo‘lishga intilishlari turli jinoyatlar sodir etishiga olib keladi.

3. Tarbiyasi og‘ir va muqaddam sudlangan voyaga yetmaganlar bilan ichki ishlar idoralari voyaga yetmaganlar orasida huquqbuzarliklarni oldini olish guruhi nozirlari tomonidan profilaktika ishlari O‘zbekiston Respublikasi IIVning talabi asosida olib borilmasligi ham turtki bo‘lmoqda.

4. Voyaga yetmaganlar bo‘sh vaqtlarini unumli tashkil etishda yo‘l qo‘yilayotgan kamchiliklar, ya’ni yoshlarni darsdan bo‘sh vaqtlarida turli to‘garaklarga jalb etish ishlarida tegishli tashkilot va muassasalarida tashabbuskorlikning yetishmasligi o‘rin tutib kelmoqda.

5. Voyaga yetmaganlarning bandligini ta’minlashda yo‘l qo‘yilayotgan kamchiliklar, ya’ni voyaga yetmaganlarni ish bilan ta’minlash hamda mehnat qonunida belgilangan rag‘batlarni yetarli darajada ta’minlanmasligi ham o‘zining ta’sirini o‘tkazmoqda. Bunda joylardagi o‘qimasdan, ishlamasdan yurgan voyaga yetmaganlar sonini aniqlash bo‘yicha ma’lumotlar muntazam monitoring yo‘lga qo‘yilmaganligi va amalga oshirilayotgan ishlar talab darajasida tashkil etilmayotganligi oqibati deb hisoblash mumkin.

Voyaga yetmaganlar shaxsiyati hali to‘liq shakllanib bo‘lmaganligi bilan ajralib turadi. U o‘zi sodir etgan noqonuniy qilmishning mohiyatini ko‘p hollarda to‘liq anglab yetmaydi ham. Bundan tashqari, yoshga bog‘liq bo‘lgan qiziqqonlik, o‘zini tuta olmaslik kabi boshqa xususiyatlar tufayli ham o‘spirin noqonuniy harakatga katta yoshli insonga nisbatan tezroq qo‘l urishi mumkin.

Shaxsning alohida ijtimoiy tipini ajratish uchun asos bo‘ladigan shaxsiy xususiyatlar mavjudligi to‘g‘risidagi masala qizg‘in bahslarga sabab bo‘lib kelmoqda. Ayrim mualliflar fikriga ko‘ra, jinoyatchi shaxs sifatida boshqa odamlardan ajralib

turadi, ayrim mualliflar esa, asosan jinoyat sodir etish paytida shaxsning shart-sharoit bilan o'zaro ta'siriga ishora qiladi.

Jinoyat sodir etuvchi voyaga yetmagan shaxsning tipini aniqlashda ayrim metodologik va metodik qoidalarni e'tiborga olish lozim:

birinchidan, bu yerda tipning ijtimoiy tabiati to'g'risida so'z yuritiladi, shu bois aynan insonning "shaxsi, ijtimoiy qiyofasi" uning ontogenizi jarayonida o'rganiladi;

ikkinchidan, ko'rib chiqilayotgan shaxs tipi u o'ziga xos bo'lgan odamlarning barqaror ijtimoiy belgilangan xususiyatlarining mavjudligini ifodalagan taqdirdagina ahamiyat kasb etadi. Bu xususiyatlar jinoiy xulq-atvor fakti bilan emas, balki uning imkoniyati bilan belgilanadi. Mazkur imkoniyat faqat muhit bilan o'zaro aloqada yuzaga chiqadi. Shu bois mazkur shaxs tipining tarqalganlik darajasi jinoyat sodir etuvchi shaxslarning tarqalganlik darajasiga mos kelmasligi mumkin. U qonunda belgilangan tartibda jinoyat sodir etishda aybdor deb topilgan barcha shaxslarni qamrab olmaydi. Shu sababli deyarli barcha tadqiqotchilar asosan shart-sharoit ta'sirida jinoyat sodir etuvchi "tasodifiy jinoyatchi" tipini farqlaydi.

Binobarin, kriminogen shaxs tushunchasi boshqa shaxs tiplari bilan taqqoslaganda tegishli shart-sharoitda jinoiy xulq-atvor yuz berish ehtimoli katta bo'lgan muayyan ijtimoiy tipni ifodalashi mumkin. Bunday ehtimol faqat ijtimoiy muhit bilan o'zaro ta'sirga kirishish natijasida ro'yobga chiqadi va shundan keyin, ya'ni jinoyat sodir etilganidan so'nggina kriminogen shaxsning ijtimoiy tipini ifodalovchi shaxs jinoyatchiga aylanadi. Shaxs kriminogen xususiyatga ega ekanligini aniqlash uning ijtimoiy muhitini sog'lomlashtirish, shaxsga zarur ijtimoiy yordam ko'rsatish, unga nisbatan tarbiyaviy-profilaktik ta'sirni kuchaytirish uchun asos bo'ladi. Tayinlanadigan jazo sodir etilgan qilmishning xususiyatiga mos kelishi lozim.

Bugungi kunda voyaga yetmaganlar orasida jinoyatchilik va huquqbuzarlikning oldini olish va profilaktikasini tashkil etish maqsadida yurtboshimiz tashabbuslari bilan 2021-yilning 2-aprel kuni PQ-5050-sonli prezident qarori qabul qilindi va ichki ishlar organlarida 2000 ta shtat birligidan iborat voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlari lavozimi joriy etildi. Hozirda inspektor-psixolog lavozimida faoliyat yuritayotgan xodimlar har bir o'quvchi kesimida umumiy o'rta ta'lim muassasalarida psixologik muhitni yaxshilash, voyaga yetmaganlar orasida qonun buzilishlariga murosasiz munosabatda bo'lish hissini shakllantirish, muammoli o'quvchilar bilan ularning yashash joylarida ota-onalari ishtirokida manzilli ishlash vazifalarini amalga oshirib kelmoqdalar.

REFERENCES

1. Xushvaqto'v O'. Kriminal madaniyatning o'smirlar xulq-atvoriga ta'siri va uni oldini olish choralari. -T.: Huquq Pravo Law 2005.
2. Usmonaliyev M., Karaketov Y. Kriminologiya. - T.: Yangi asr avlodi. 2007 B-35.
3. Sattorova M. Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligini oldini olish. - T.: TDYI 2006 B-65.
4. Abdurasulova Q., Nizova S. Jinoyatchilik va jinoyatchi shaxsi muammolari. - T.: TDYI. 2006. -B.75.
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5050-son qarori 02.04.2021-yil "Ichki ishlar organlarining jamoat xavfsizligini ta'minlash va jinoyatchilikka qarshi kurashish sohasidagi faoliyatini yanada takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida".

LINGVOKULTUROLOGIYA FANINING YUZAGA KELISH TARIXI

Panjiyeva Shaxodat Olimdjonovna

Denov tadbirkorlik va pedagogika institute

Tel: +998994834092

E-mail: shaho200656@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ma'lumki, madaniyat tushunchalar sistemasi, muayyan xalqning hayot obrazi, milliy xarakter, milliy mentalitet sifatida keng etnografik mazmun kasb etadi. N.S.Trubetskiyning yozishicha: "Madaniy konnotatsiyalarsiz biror so'z bo'lishi mumkin emas, ya'ni qiyosda, solishtirishda qandaydir umumiy qismlar bo'lishi shart"¹⁶⁸. Til va madaniyatning ana shunday o'zaro yaqinligi va aloqadorligi ularni yagona metodologik asosda o'rganish imkonini berdi.

Kalit so'zlar: *Lingvokulturologiya, tilshunoslik, konnotatsiya, gipoteza.*

АННОТАЦИЯ

Что культура приобретает широкое этнографическое содержание как система понятий, образ жизни определенного народа, национальный характер, национальный менталитет. Н. С. Трубецкий пишет: «Не может быть слова без культурных коннотаций, т. е. в сравнении должны быть какие-то общие части». Такая близость и связь языка и культуры позволяла изучать их на единой методологической основе.

Ключевые слова: *Лингвистика, лингвистика, коннотация, гипотеза.*

KIRISH

Har bir millat o'zida ma'lum bir milliy an'analarni aks ettiradi. Ya'ni har bir xalqning, millatning o'z milliy an'analari, urf-odatlar mavjud. Bu ma'noda har bir inson ana shu milliylikni o'zida aks ettiruvchi muayyan madaniyat, til, tarix, adabiyotga aloqador bo'ladi. Ma'lumki, til ijtimoiy hodisa bo'lish bilan birgalikda madaniyat bilan ham uzviy bog'liqdir. Bugungi kunda insonlar, xalqlar, mamlakatlar o'rtasidagi iqtisodiy-siyosiy, madaniy hamda ilmiy aloqalar, xalqaromadaniy kommunikativ jarayonlar tilshunoslik sohasida tillarning o'zaro munosabati va til madaniyati hamda tilning milliy o'ziga xos ko'rinishi kabi qator va madaniyatshunoslik o'rtasidagi alohida spetsifik yo'nalishi va predmetiga ega bo'lgan yangi soha - lingvokulturologiyaning yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda.

¹⁶⁸ Трубецкий Н.С. Поведения и мышления к языку. в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.

Natijada XX asr oxirlariga kelib, til va madaniyat muammosi ini o'rganishni maqsad qilgan – tilshunoslikning yangi sohasi lingvokulturologiya jadal rivojlandi.

Lingvokulturologiya – “til va madaniyat”ning uzviy aloqadorligini, uning shakllanishi va rivojlanishini o'zida aks ettirgan hodisalar – til-madaniyatni birgalikda o'rganadigan alohida ilmiy soha sanaladi. U madaniyatshunoslik va tilshunoslik fanlari o'rtasida yuzaga kelgan umumlashma fan bo'lib, til va madaniyatning o'zaro ta'siri va bog'liqligi, bu bog'liqlikning shakllanishi hamda yaxlit bir sistema sifatida til va tildan tashqarida aks etishi kabi hodisalarni o'rganish bilan shug'ullanadi. Bir tomondan lingvokulturologiya insoniyatning madaniy til faktoridagi o'rni, ikkinchi tomondan esa, til faktoridagi insonning o'rnini o'rganadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Lingvokulturologiyani o'rganish obyektiga ko'ra madaniyatshunoslik va tilshunoslik fanlariga birmuncha yaqin, biroq mazmun-mohiyati, o'rganish obyektiga bo'lgan yondoshuviga ko'ra farqli deb aytish mumkin. Uning chegaralanuvchi maqomi shundan iboratki, u xalq madaniyatining tilda namoyon bo'lishi hamda ifodalanishi, til mentaliteti, milliyligi, til ruhiyati bilan bog'liq ravishda nutqiy mulqotni tashkil etishdagi milliy-madaniy spetsifik qoidalarni o'rganadi hamda millat madaniyatining tilda aks etgan o'ziga xos milliy til xususiyatlarini aniqlash, tadqiq etish bilan shug'ullanadi.

Ma'lumki, madaniyat tushunchalar sistemasi, muayyan xalqning hayot obrazi, milliy xarakter, milliy mentalitet sifatida keng etnografik mazmun kasb etadi. N.S.Trubetskiyning yozishicha: “Madaniy konnotatsiyalarsiz biror so'z bo'lishi mumkin emas, ya'ni qiyosda, solishtirishda qandaydir umumiy qismlar bo'lishi shart”¹⁶⁹. Til va madaniyatning ana shunday o'zaro yaqinligi va aloqadorligi ularni yagona metodologik asosda o'rganish imkonini berdi. Ya'ni, til va madaniyat. “Til va madaniyat” muammosining o'rganilishida bir qancha yondoshuvlarni belgilash mumkin: birinchi yondoshuv faylasuf olimlar (S.A.Atanovskiy, G.A.Brutyay, E.S.Markaryan) lar tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, unda madaniyatning tilga bir tomonlama ta'siridan borliqning o'zgarishi natijasida milliy-madaniy tipiklashtirish va tilda o'zgarish yuz beradi, degan g'oya yotadi¹⁷⁰.

¹⁶⁹ Трубецкий Н.С. Поведения и мышления к языку. в кн.:НЛ.в.1.М.,1960.

¹⁷⁰ Ву haqda qarang: Сепир Э. Отношение норм. Поведения и мышления к языку в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.

Ikkinchi yondoshuvda esa bu ta'sirning aks tomoni, ya'ni hozirgi kungacha ochiq qolib kelayotgan va munozarali masala – tilning madaniyatga ta'siri masalasini o'rganish maqsad qilinadi. Tilni ruhiy quvvat sifatida tushunish bu yondoshuvning asosiy g'oyasi sanaladi.

Tilni ruhiy quvvat sifatida tushunish (V.Gumboldt, A.A.Potebnya) asosida Sepir-Uorfning lingvistik aloqadorlik gipotezasi, ya'ni har bir xalq borliqni o'z ona tilisi orqali ko'radi, his etadi, his etganini belgilaydi, degan g'oya yotadi¹⁷¹.

Bu g'oya keyinchalik, I.L.Vaysgerberning tilni “O'tkinchi dunyo”, ya'ni “borliqni anglash”, muayyan “mavjudlik va tafakkur” sifatida qaraluvchi g'oyalarida ilgari surilgan. Uning bu gipotezasi ko'pchilik olimlar tomonidan inkor etilgan bo'lsa-da, biroq ular boshqa usullar bilan tushuntirilishi murakkab bo'lgan hodisalarni anglashga yordam berdi..

Xususan, N.I.Tolstning etnolingvistik maktabi vakillarining ishlari, E.Barminskiy va izdoshlarining lingvoantropologik yo'nalishdagi ishlari buning isbotidir¹⁷².

Uchinchi yondoshuv to'g'ridan-to'g'ri til va madaniyatning o'zaro ta'siri va aloqadorligi g'oyalariga asoslanadi. Til milliy mentalitetning spetsifik qirralarini o'zida namoyon etadi. Boshqa tomondan “madaniyat tilda” joylashgan, ya'ni u matnda to'laligicha o'z ifodasini topadi.

“Lingvokulturologiya” atamasi dastlab frazeologik maktab asoschisi V.N.Teliya va V.V.Vorobyov, V.A.Maslova va boshqalarning ishlarida ko'rindi. Lingvokulturologiyaning shakllanishi haqida gapirilganda, deyarli barcha tadqiqotchilar bu nazariyaning ildizi V.F.Gumboldtga borib taqalishini ta'kidlaydilar¹⁷³. Ushbu adabiyotlarda bu sohaning rivojlanishida A.A.Potebnya, L.Vaysgerber, X.Glins, X.Xols, D.Uitni, D.U.Pauell, F.Boas, E.Sepir, B.L.Uorf, G.Brutyay, A.Vejbiskaya, D.Xaymz kabi tilshunoslarning fikrlari muhim rol o'ynaganligi ta'kidlanadi¹⁷⁴.

Bu kabi qarashlar lingvistika sohasida XX asr oxirlarida atoqli rus olimlari qatorida chet el olimlari tomonidan ham tan olindi. Bunday qarshlarga ko'ra, til nafaqat madaniyat bilan bog'liq, balki u o'zida madaniyatning o'sishini ham

¹⁷¹ Nurmonov A. Sepir-Uorfning lingvistik nisbiylik nazariyasi haqida mulohazalar / O'zbek tilshunosligining dolzarb masalalari. – Toshkent, 2011.-№5.

¹⁷² Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. - М.,1987.

¹⁷³ V.Gumboldtning til va shaxs haqidagi fikrlari to'g'risida qarang: Nurmonov A. Ovrupoda umumiy va qiyosiy tilshunoslikning maydonga kelishi. Nurmonov A. Tanlangan asarlar.2- jildlik.-Toshkent: Akademiya nashri, 2012. - B.23-40.

¹⁷⁴ Маслова В.В. Лингвокультурология в системе гуманитарного знания / Критика и семиотика. – М.,1987.

ifodalaydi. Til bir vaqtning o'zida yaratish quroli, madaniyatning rivojlanishi va saqlanishini ta'minlovchi uning bir qismidir, shuning uchun til yordamida ma'naviy madaniyat hamda borliqdagi ishlab chiqarish, materiallari real yaratiladi. Ana shu g'oyalar asosida ming yillarda chet elda yangi fan lingvokulturologiya vujudga keldi va XX asrning 90-yillarida maxsus soha sifatida shakllandi. Lingvokulturologiya bugungi kunda bir necha yo'nalishlarda namoyon bo'ladi:

1. Lingvokulturologiya yorqin madaniy aloqalarni, lingvomadaniy holatlarni, aniq ilmiy izlanishlarni o'z ichiga oladigan alohida sotsial guruh.

2. Diaxronik lingvokulturologiya. Lingvomadaniyatning etnos holatidagi aniq o'tish vaqtining o'zgarishlarini o'rganadi.

3. Qiyosiy lingvokulturologiya. Lingvomadaniyatda paydo bo'ladigan turli xil etnoslarning ikki tomonlama qiyoslash bilan shug'ullandi.

4. Tavsifiy lingvokulturologiya. Bu sohada amalga oshirilayotgan ishlar barmoq bilan sanarli. Ular orasida M.K.Golovanivskaning "Rus tilida so'zlashuvchilar nuqtai nazarida fransuz mentaliteti" nomli ishi kat ta ahamiyatga ega. Ishning obyekt sifatida rus va fransuz tillaridagi abstrakt tushunchalar: taqdir, xavf, omad, qalb, ong, tafakkur, g'oya va boshqalar olingan.

5. Lingvokulturologik leksikografiya. Lingvoo'lkashunoslik lug'atlarini tuzish bilan shug'ullanadi¹⁷⁵.

Lingvokulturologiyaning bu yo'nalishi hozirgi kunda boshqa yo'nalishlarga qaraganda jadal rivojlanib bormoqda. Fikrimizning dalili sifatida D.G.Maltsevaning lingvoo'lkashunoslik lug'atini keltirishimiz mumkin. Bu lug'at 25 bobdan iborat. Unda Germaniya realiyalarida ifodalanuvchi til birliklari, iqlim xususiyatlari, hayvonot va o'simlik dunyosi, mamlakatlar tarixi, qadimiy urf-odatlar, an'analar; qadimiy afsonalar, son va rangni ifodalovchi simvollar; to'y, marosimlar, bayramlar; diniy marosimlar; valyuta tizimining rivojlanishi; uzunlik, og'irlik, hajm, yuza; savdo-sotiq ishlari, fan, texnika, tibbiyot; pochta xizmati, shaharlar qurilishi va arxitektura tarixi kabilar obyekt sifatida olingan.

XULOSA

¹⁷⁵ см.: Америка. Англо-русский лингвострановедческий словарь / Под ред. Н.В.Чернова. -- Смоленск, 1996; Рума.Р.У. Великобритания: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1999; Мальцева Д. Г. Германия: страна и язык: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1998; Муравлева Н.В. Австрия: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1997; Николау Н.Г. Греция: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1995; Страны Соединенного Королевства: Лингвострановедческий справочник / Сост. Г.Д.Томахин. -- М., 1999; Томахин Т.Д. США: Лингвострановедческий словарь. -- М., 1999; Франция: Лингвострановедческий словарь / Под ред. Л. Г. Ведениной. -- М., 1997.

Shuningdek lugʻatda berilgan maʼlumotlar ichidan til, kitobatchilik, hattotlik, sanʼati, talaba va talabalar hayoti, maktab, milliy kiyimkechak spetsifik elementlari, milliy taomlar, milliy oʻyinlar, milliy raqslar, anʼanaviy koʻrishish usullari va tilaklar, etiketga xos jumlar, shaxsiy ism va familiyalar, milliy imo-ishoralar, badiiy ijod namunalari, aforizm, milliy xarakter kasb etuvchi olmon qoʻshiqlari joy olgan.

Yuqoridagilardan xulosa qilib aytishimiz mumkinki, bunday lingvooʻlkashunoslik lugʻatlarini yaratishda til va mada niyat munosabati xarakterini toʻgʻri belgilash oʻta muhim sanaladi.

REFERENCES

1. Karimov I.A. Yuksak maʼnaviyat – yengilmas kuch. – T.: Maʼnaviyat, 2008.
2. Трубецкий Н.С. Поведения и мышления к языку. в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.
3. Маслова В.А. Введения в лингвокультурологию. – М.: Наследие, 1992.
4. Сепир Э. Отношение норм. Поведения и мышления к языку в кн.: НЛ.в.1.М.,1960.
5. Nurmonov A. Sepir-Uorfning lingvistik nisbiylik nazariyasi haqida mulohazalar / Oʻzbek tilshunosligining dolzarb masalalari. – Toshkent, 2011-№5.
6. V.Gumboldtning til va shaxs haqidagi fikrlari toʻgʻrisida qarang: Nurmonov A. Ovrupoda umumiy va qiyosiy tilshunoslikning maydonga kelishi. Nurmonov A. Tanlangan asarlar. 2- jildlik. - Toshkent: Akadernashr, 2012.

MAHALLIY DAVLAT HOKIMIYATI ORGANLARINING QARORLARINI HAQIQIY EMAS DEB TOPISHNING FUQAROLIK- HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Parpixo‘jayev Nusratullo Nig‘matullo o‘g‘li,

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi Davlat xizmatlari markazlari va
FXDYO organlari faoliyatini muvofiqlashtirish boshqarmasi boshqarma boshlig‘i.

Tel:+998946319999,

e-mail: NP.NideX@gmail.com

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mahalliy davlat hokimiyati organlarining qonunga zid, fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining huquq hamda manfaatlarini buzadigan qarorlarini haqiqiy emas deb topish va uning oqibatlarini qo‘llashning fuqarolik huquqiy tartibga solinishi tahlil qilingan. “Xususiy-huquqiy” davlatning boshqaruv shaklida huquq subyektlariga erk-muhtoriyatning ko‘proq berilishi bilan, ularning fuqarolik huquqlarini himoya qilish usullari ham doimiy takomillashib borishni talab etadi. Mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topish va uning oqibatlarini qo‘llash ham fuqarolik huquqlarini himoya qilishning muhim usuli bo‘lib, uning ahamiyatini sud amaliyotida bunday turdagi ko‘rilgan ishlar sonidan ham bilib olish mumkin. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudining rasmiy statistikasiga ko‘ra Respublikamiz hududida 1 yil davomida hokim qarorlarini haqiqiy emas deb topishga doir 2992 ta ish ko‘rilgan bo‘lib, ulardan 1255 tasi fuqarolik huquqi subyektlari foydasiga haqiqiy emas deb topilgan. Tadqiqot davomida ushbu himoya usulini fuqarolik huquqiy tartibga solish va uni takomillashtirish istiqbollari muhokama qilinadi.

***Kalit so‘zlar:** fuqarolik huquqiy tartibga solish, “xususiy-huquqiy” boshqaruv, fuqarolik huquqiy javobgarlik, haqiqiy zarar, boy berilgan foyda, restitutsiya.*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ПРОЦЕДУРЫ ПРИЗНАНИЯ РЕШЕНИЙ МЕСТНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НЕСАМОСТОЯТЕЛЬНЫМИ

Парпиходжаев Нусратуллах,

Начальник отдела координации центров государственных услуг и органов
записи актов гражданского состояния министерства юстиции

Тел: +998946319999,

э-почта: NP.NideX@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье проводится анализ гражданско-правового регулирования признания недействительными решений органов местного самоуправления, нарушающих закон и нарушающих права и интересы участников гражданско-правовых сделок, и применения его последствий. При большей самостоятельности субъектов права в «частноправовой» форме правления методы защиты их гражданских прав также требуют постоянного совершенствования. Признание решений органов государственной власти на местах недействительными и применение их последствий также является важным способом защиты гражданских прав, и его значение видно из количества таких дел в судебной практике. По официальной статистике Верховного суда Республики Узбекистан за 1 год на территории нашей Республики рассмотрено 2 992 дела о признании недействительными решений акимов, из них 1 255 признаны недействительными в пользу субъектов гражданского права. В ходе исследования обсуждаются вопросы гражданско-правового регулирования данного способа защиты и перспективы его совершенствования.

Ключевые слова: *гражданско-правовое регулирование, «частноправовое» хозяйствование, гражданско-правовая ответственность, реальный ущерб, упущенная выгода, реституция.*

KIRISH

Davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali nazorat choralari oʻrnatish, fuqaro va tadbirkorlik subyektlarining maʼmuriy sudlarda mahalliy davlat hokimiyati qarorlari ustidan berilgan shikoyatlarni koʻrib chiqish tizimini takomillashtirish hamda tashkiliy-huquqiy shart-sharoitlarni yaratish, xususiyl mulk daxlsizligi va himoyasi kafolatlarini kuchaytirish, mahalliy davlat hokimiyati organlarining qonunga zid boʻlgan qarorlari natijasida mulkdorning buzilgan huquqlarini tiklashning moliyaviy mexanizmlarini qoʻllash mazkur sohada vujudga kelgan munosabatlarni fuqarolik-huquqiy tartibga solinishini talab qiladi.

Qolaversa, fuqarolik-huquqiy munosbatlar keng qamrovga ega ekanligi inobatga olinsa, davlat hokimiyati organlarining qonun hujjatlariga muvofiq boʻlmagan, tashkilotlar va fuqarolarning huquqlari va qonun bilan qoʻriqlanadigan manfaatlarini buzadigan hujjatlarini haqiqiy emas deb topish hamda uning oqibatlarini fuqarolik-huquqiy tartibga solishning nazariy va amaliy masalarini hal qilish muhim sanaladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmonining 2-ilovasida 2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida Davlat organlari va mansabdor shaxslarning faoliyati ustidan samarali sud nazoratini o‘rnatish hamda fuqaro va tadbirkorlik subyektlarining odil sudlovga erishish darajasini oshirish yo‘lida Sudlar tizimida “yagona darcha” tamoyilini keng joriy etish maqsadida arizalarni sudga taalluqliligidan qat’iy nazar qabul qilish va vakolatli sudga yuborish hamda muayyan ish doirasida barcha huquqiy oqibatlarni hal qilishni ta‘minlash tizimini joriy etish Ustuvor yo‘nalishida Davlat idoralari tomonidan yetkazilgan zararni qoplash va boshqa huquqiy oqibatlarga oid masalalarni hal qilish bo‘yicha ma‘muriy sudlar vakolatini aniq belgilash nazarda tutilgan¹⁷⁶.

Umuman olganda, mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topish, davlatning ijro hokimiyati organlari tuzilmasi va faoliyati doirasi, ularning fuqaro va tadbirkorlik subyektlari bilan bo‘ladigan ijtimoiy munosabatlari ko‘lami bevosita ma‘muriy huquq sohasi bilan bog‘liqdir.

Shu o‘rinda ta‘kidlash o‘rinliki, ma‘muriy-huquqiy munosabatlarning asosiy ishtirokchilaridan biri bo‘lgan ma‘muriy organlar (vazirliklar, davlat qo‘mitalari, agentliklar, inspeksiyalar, hokimliklar va h.k)ning xo‘jalik yurituvchi subyektlar bilan turli xil shartnomaviy-huquqiy munosabatlarga kirishadi. Ma‘muriy organlar ham yuridik shaxs sifatida mulkiy va boshqa tUSDagi javobgarligi bilan sudda da‘vogar va javobgar sifatida ishtirok etib, o‘z huquq va manfaatlarini himoya qilish maqomiga egadir. Ma‘muriy va fuqarolik huquqi sohalarining tutashgan joylarida ushbu ijtimoiy munosabatlar inson huquq va qonuniy manfaatlarini ustunligi prinsipi nuqtai nazaridan fuqarolik huquqi bilan tartibga solinadigan munosabatlar doirasiga taalluqlidir¹⁷⁷. Ushbu holatlar ma‘muriy huquqiy munosabatlarning fuqarolik huquqiy munosabatlar bilan o‘xshash va aloqador jihatlari mavjud ekanligidan dalolat berar ekan, hokimiyat organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topishda fuqarolik-huquqiy jihatlarni e‘tibor qaratish muhimdir.

TADQIQOT MATERIALLARI TAHLILI VA NATIJASI

Aksariyat davlat boshqaruvi munosabatlari ommaviy (ma‘muriy) huquq bilan, ba‘zi birlari esa fuqarolik huquqi bilan tartibga solingandir. Shu sababli, davlat

¹⁷⁶ (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y.,

¹⁷⁷ Маъмурий ҳуқуқ ва процесс /С.А.Муратаев, Б.Т.Мусаев, Д.Р.Артиков /дарслик/. Тошкент: “Innovatsiya-Ziyo”, 2020. 420

boshqaruvini mustaqil («suveren») davlat boshqaruviga va «xususiy-huquqiy» (fuqarolik-huquqiy) shakldagi davlat boshqaruviga bo'lish mumkin. Bu boshqaruv ko'rinishlari turli huquqiy shakllar bilan amalga oshiriladi¹⁷⁸.

Davlat organlari deganda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003-yil 9-dekabrda PF-3358-sonli Farmoni¹⁷⁹ bilan tasdiqlangan Respublika davlat boshqaruvi organlari ro'yxatida ko'rsatilgan vazirliklar, davlat qo'mitalari, agentliklar, qo'mitalar, markazlar, inspeksiyalar va ularning hududiy organlari, «Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga¹⁸⁰ muvofiq mahalliy ijroiya hokimiyati organlari (viloyat, tuman va shahar hokimliklari) va huquqiy oqibat keltirib chiqaruvchi hujjatlar qabul qilish vakolatiga ega bo'lgan boshqa organlar tushuniladi.

Fuqarolik qonunchiligi bilan tartibga solinadigan munosabatlar O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 2-moddasida belgilab qo'yilgan. Unga ko'ra, fuqarolik qonunchiligi fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining huquqiy holatini, mulk huquqi va boshqa ashyoviy huquqlarning, intellektual faoliyat natijalariga bo'lgan huquqlarning vujudga kelish asoslarini hamda ularni amalga oshirish tartibini belgilaydi, shartnoma majburiyatlari va o'zga majburiyatlarni, shuningdek boshqa mulkiy hamda u bilan bog'liq shaxsiy nomulkiy munosabatlarni tartibga soladi.

Bir tarafning ikkinchi tarafga ma'muriy bo'ysunishiga asoslangan mulkiy munosabatlarga, shu jumladan soliq, moliyaviy va boshqa ma'muriy munosabatlarga nisbatan fuqarolik qonunchiligi qo'llanilmaydi, bundan qonunchilikda nazarda tutilgan hollar mustasno¹⁸¹.

Shu bilan birga, da'vo muddati, davlat organlari o'rtasidagi o'zaro fuqarolik-huquqiy munosabatlarda ham mavjud bo'ladi. Biroq, ushbu holatlarda da'vo muddatini qo'llash mulkiy huquqlarni aniqlash, da'vo qilish orqali buzilgan huquqlarni tiklash juda qiyin kechadi. Zero, davlat organlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlar deyarli barcha holatlarda fuqarolik-huquqiy me'yorlar bilan emas, ma'muriy-huquqiy me'yorlar bilan tartibga solinadi.

Fuqarolik huquqining muhofazalovchi vazifasi, birinchi navbatda, fuqarolik muomalasi ishtirokchilarining mulkiy manfaatlarini himoya qilishga qaratilgan bo'lib, buzilgan huquqlarni tiklash yoki yetkazilgan zarar o'rnini qoplash yo'llari bilan amalga oshiriladi.

¹⁷⁸ Erkin Xojiyev, To'liqin Xojiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. —T.: «Fan va texnologiya», 2008. —608 b.

¹⁷⁹ O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2003-y., 11-12-son

¹⁸⁰ O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1993-y., 9-son

¹⁸¹ O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996-y., 2-son

“Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 6-moddasida “Davlat buzilgan xususiy mulk huquqining tiklanishini va uning sud orqali himoya qilinishini kafolatlaydi. Mulkdorga yetkazilgan zararning o‘rni uni yetkazgan shaxs tomonidan qonunchilikka muvofiq to‘la hajmda qoplanishi kerak” – deb belgilangan¹⁸². Fuqarolik huquqi tamoyillari tizimida xususiy ishlarga biror-bir kishining aralashishga yo‘l qo‘yilmasligi tamoyili mavjud bo‘lib, bu tamoyil eng avvalo, ommaviy hokimiyat va uning organlariga qaratilgan bo‘lib, bozor munosabatlari tizimida mulkiy munosabat qatnashchilari, tovar egalari mulkdorlari xususiy ishlariga faqat qonunda nazarda tutilgan hollardagina yo‘l qo‘yiladi.

Shuningdek, Fuqarolik kodeksining qator normalarida ommaviy hokimiyat organlarining xususiy ishlarga o‘zboshimchalik bilan aralashmasligi uchun preventiv normalar belgilab qo‘yilgan. Masalan, sud davlat hokimiyati hujjatini haqiqiy emas deb topish, davlat hokimiyati organlarining qonunga zid hujjatini sudning qo‘llamasligi, davlat organlari tomonidan yetkazilgan zararni undirish bo‘yicha normalar shular jumlasidandir.

V.R Topildiyev ta’kidlaganidek, ishtirokchilarning bir-biriga qaram bo‘lmasligi va mustaqilligi, tengligi ular o‘rtasidagi yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan nizolarni tashkiliy-ma’muriy, mulkiy, shaxsiy va boshqa jihatdan mustaqil hamda betaraf organ tomonidan hal etilishini taqozo etadi. Bunday organ vazifasini umumiy sudlar, xo‘jalik (iqtisodiy) sudlari bajaradilar¹⁸³.

Y.M.Kozlovning fikricha, ma’muriy jazo choralari — ma’muriy huquqbuzarlik oqibatida yetkazilgan moddiy zararni qoplash maqsadida qo‘llanilmaydi. Agar ma’muriy huquqbuzarlik orqali jismoniy yoki yuridik shaxsga moddiy zarar yetkazilgan bo‘lsa, huquqbuzarlik ishini ko‘rib chiquvchi davlat organi ma’muriy jazoni tayinlash bilan bir vaqtda, mulkiy zararni undirish boyicha masalani hal etishi mumkin. Mulkiy zararni undirish fuqarolik ishlarini ko‘rib chiqish tartibida amalga oshiriladi¹⁸⁴.

Y.M.Kozlovning ushbu fikri ma’muriy huquqbuzarlik orqali jismoniy yoki yuridik shaxsga moddiy zarar yetkazish bilan bog‘liq bo‘lsada, davlat hokimiyati organlari qonunchilikka muvofiq bo‘lmagan hujjatlari (qaror, farmon, farmoyish)

¹⁸² O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2012-y., 39-son

¹⁸³ Fuqarolik huquqi: milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi bakalavriat yo‘nalishi talabalari uchun uslubiy qo‘llanma / Topildiyev V.R., Jamolov N.K.; mas’ul muharrir O.Oqyulov. - Toshkent: MUMTOZ SO‘Z, 2014.-192 b.

¹⁸⁴ Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. —2-е изд., перераб. и доп. —М.: «Юрист», 2003. С. 174—175.

orqali fuqaro yoki yuridik shaxsga zarar yetishi bilan mantiqan aloqadordir va ushbu munosabatlar ham fuqarolik-huquqiy tartibga solinishi bilan aynan bir xildir.

Fuqarolik kodeksining 15-moddasida Davlat organi yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi tomonidan qonunchilikka muvofiq bo'lmagan hujjat qabul qilinishi, shuningdek ular mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zararining o'zni davlat tomonidan yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi tomonidan qoplanishi lozim. Bunday zararining o'zni davlat organining budjetdan tashqari mablag'lari yoki fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organining mablag'lari hisobidan qoplanadi. Davlat organi yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi bekor qilingan, ularning mablag'lari yetishmagan yoxud davlat organining budjetdan tashqari mablag'lari yoki fuqarolar o'zini o'zi boshqarish organining mablag'lari bo'lmagan taqdirda fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zararining o'zni O'zbekiston Respublikasining Davlat budjeti mablag'lari hisobidan qoplanadi.

Zarar qaysi davlat organlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari mansabdor shaxslarining aybi bilan yetkazilgan bo'lsa, sudning qarori bilan zararining o'rnini qoplash ushbu organlar mansabdor shaxslarining zimmasiga yuklatilishi mumkinligi belgilangan¹⁸⁵.

Aytish mumkinki, 15-moddasida davlat organlari, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari yoki ushbu organlar mansabdor shaxslarining g'ayriqonuniy harakatlari (harakatsizligi) oqibatida fuqaro yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar uchun javobgarlik nazarda tutilgan bo'lib, ushbu zararlar davlat yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organi tomonidan qoplanishi kerakligi belgilangan. Ko'rib turganimizdek, davlat organlarining g'ayriqonuniy harakatlari bilan yetkazilgan zarar uchun davlatning o'zi, uning subyektlari, shuningdek, fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari mulkiy javobgarlik subyekti bo'lib chiqmoqda.

Davlat organlarining javobgarligini belgilovchi qoidalar boshqa qonunchilik hujjatlarida ham mavjud. "Noqonuniy" deganda davlat organlari yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlari tomonidan o'z huquqlarini nomuvofiq (vakolatini buzib yoxud umuman vakolatsiz, qonunchilikka zid holda) tarzda amalga oshirishi natijasida vujudga keladigan harakatlar tushuniladi. Harakatsizlik esa tegishli davlat organi yoki fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organiga yuklatilgan majburiyatlarni belgilangan muddat va tartibda bajarmaslikni nazarda tutadi (hujjatni qabul qilmaslik,

¹⁸⁵ O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996-y., 2-son

harakatlarni sodir etmaslik). Masalan, FK 380-moddasida va boshqa normalarda nazarda tutilgan bosh tortish harakatsizlikning ko‘rinishlaridan biridir¹⁸⁶.

FKning 990-moddasida Davlat organlari, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, shuningdek ularning mansabdor shaxslari tomonidan yetkazilgan zarar uchun javobgarlik nazarda tutilgan bo‘lib, unga ko‘ra, “Davlat organlarining, fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlarining qonunga xilof qarorlari natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar, ular mansabdor shaxslarining aybidan qat’i nazar, sudning qarori asosida qoplanishi lozim. Davlat organlari, fuqarolar o‘zini o‘zi boshqarish organlari mansabdor shaxslarining qonunga xilof harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar sudning qarori asosida qoplanishi lozim hamda zarar ushbu Kodeksning 15-moddasida nazarda tutilgan tartibda qoplanadi¹⁸⁷” – deb belgilangan. Ushbu moddaga ko‘ra, yetkazilgan zarar sud qarori asosida to‘lanishi belgilangan, bu esa deliktning ushbu turini o‘ziga xos xususiyati Hisoblanadi. Binobarin, bunda zararni ixtiyoriy qoplashga yo‘l qo‘yilmaydi, javobgarlikni qo‘llash masalasi albatta sud muxokamasining predmeti bo‘lishi shart. Sud tartibi qonuniy va adolatli qaror qabul qilish va davlat mablag‘laridan oqilona va maqsadli foydalanishni ta‘minlaydi.

Davlat hokimiyati organlarining qonunga xilof qarorlari natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar bunday qarorlarni qabul qilgan mansabdor shaxslar aybidan qat’iy nazar sudning qarori bilan to‘lanishi lozim.

Davlat hokimiyati organlari o‘zlarining vakolatlarining bir qismini turli qarorlar (buyruqlar, qo‘llanmalar, farmoyishlar va x.k.) qabul qilish (chiqarish) orqali amalga oshiradilar. Qarorlar normativ yoki nonormativ (ya’ni individual huquqni qo‘llash xarakteriga ega) bo‘lishi mumkin. Bundan qat’iy nazar, qarorlar qonuniy, ya’ni amaldagi qonun hujjatlariga zid bo‘lmasligi shart. Bunday qarorlar fuqarolar yoki yuridik shaxslar huquqlari va qonuniy manfaatlariga daxldor bo‘lishi ham mumkin. Binobarin, g‘ayriqonuniy qarorlar qabul qilish natijasida fuqaro yoki yuridik shaxsga zarar yetsa, bunday zarar qaror qabul qilgan mansabdor shaxs aybidan qat’iy nazar, qoplanishi lozim. Buning uchun nizoning taalluqliligidan kelib chiqqan holda tegishli fuqarolik yoki iqtisodiy sudiga murojaat qilish talab etiladi. Qabul qilingan qarorning qonuniyligini isbotlash burchi uni qabul qilgan davlat organi zimmasiga yuklatiladi¹⁸⁸.

¹⁸⁶ O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga sharh 1-jild. X.R. Raxmonqulov, O.O. Oqyulov / Toshkent’ “Vektor-PreSS”, 2010. 815

¹⁸⁷ O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996-y

¹⁸⁸ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексиға шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Vaktria press, 2013. 800 б.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60-sonli Farmonining 15-bandida ham Taraqqiyot strategiyasida adolat va qonun ustuvorligini ta‘minlash bo‘yicha belgilangan vazifalar doirasida 2022-yilda: qarori, harakati (harakatsizligi) noqonuniy emasligini ma‘muriy sudda isbotlash majburiyatini, uni qabul qilgan mansabdor shaxsning o‘ziga yuklash tartibiga amal qilinishi qat’iy ta‘minlash belgilab qo‘yilgan¹⁸⁹.

Davlat hokimiyati organlari mansabdor shaxslarining qonunga xilof harakatlari (harakatsizligi) natijasida fuqaroga yoki yuridik shaxsga yetkazilgan zarar sud qarori asosida qoplanadi. Bunda zarar g‘ayriqonuniy qaror qabul qilish orqali emas, balki g‘ayriqonuniy harakatlar (harakatsizlik) sodir etish orqali yetkaziladi. Mansabdor shaxslarning harakatlari agarda xizmat vazifalarini bajarish bilan bog‘liq bo‘lsa, har doim huquqiy harakterga ega bo‘ladi va demak huquqiy oqibatlar vujudga keltiradi (masalan, soliq xizmati tomonidan tadbirkorlik subyektini g‘ayriqonuniy tekshirish).

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” PF-60-sonli Farmonining 2-ilovasida 2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini “Inson qadrini ulug‘lash va faol mahalla yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturida xususiy mulk daxlsizligi va himoyasi kafolatlarini kuchaytirish, mulkiy, shu jumladan yer uchastkasiga bo‘lgan huquqlarni so‘zsiz ta‘minlash Ustuvor yo‘nalishida mulkiy, shu jumladan yer uchastkasiga bo‘lgan huquqlar bilan bog‘liq barcha ma‘muriy hujjatlarni qat’iy ravishda faqat sud tartibida bekor qilish yoki haqiqiy emas deb topish amaliyotini, shuningdek, davlat idorasining rasmiy ma‘lumotiga ishonib mol-mulk sotib olgan shaxsning huquqini himoya qilish tizimini joriy etish belgilangan¹⁹⁰.

Maqolada mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topishning fuqarolik-huquqiy tartibga solish asoslari va ularga yechimlari haqida huquqiy tahlilni davom ettiramiz.

1. O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy sud ishlarini yuritish to‘g‘risidagi kodeksining 26-moddasi 4-qismida O‘zaro bog‘liq bo‘lib, ba‘zilari ma‘muriy sudga, boshqalari esa fuqarolik ishlari bo‘yicha sudga taalluqli bo‘lgan bir nechta talab birlashtirilgan taqdirda, barcha talablar fuqarolik ishlari bo‘yicha sudga ko‘rilishi lozimli belgilangan.

¹⁸⁹ Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y.

¹⁹⁰ Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 29.01.2022-y.

O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksining 26-moddasida korxonalar, muassasalar, tashkilotlar, jamoat birlashmalarining ma‘muriy va boshqa ommaviy huquqiy munosabatlardan yuzaga kelmaydigan qarorlari hamda ular mansabdor shaxslarining shunday harakatlari (harakatsizligi) yuzasidan nizolashish to‘g‘risidagi ishlar fuqarolik ishlari bo‘yicha sudga taalluqli ish sifatida belgilangan.

XULOSA

Yuqoridagi normalardan kelib chiqib aytish mumkinki, Mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emasligi ma‘muriy sudlar sudloviga taalluqli bo‘lib, ularni bekor qilishda vujudga kelgan fuqarolik-huquqiy munosabatlar hal qilishda qonunchiligimizda bo‘shliqlar mavjud hamda sohada amaliyot aniq yo‘lga qo‘yilmagan.

Shu sababli, Mahalliy davlat hokimiyati organlarining qarorlarini haqiqiy emas deb topishda hamda fuqarolik-huquqiy munosabatlar hal qilish chegarasini belgilash va ularni tartibga solish mexanizmlarini ishlab chiqish maqsadga muvofiq bo‘lar edi.

REFERENCES

1. “Mahalliy davlat hokimiyati to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni
2. “Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni
3. O‘zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi
4. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksi
5. O‘zbekiston Respublikasining Ma‘muriy sud ishlarini yuritish to‘g‘risidagi kodeksi
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003-yil 9-dekabrda PF-3358-sonli Farmoni
8. Маъмурий ҳуқуқ ва процесс /С.А.Муратаев, Б.Т.Мусаев, Д.Р.Артиков /дарслик/. Тошкент: “Innovatsiya-Ziyo”, 2020. 420
9. Erkin Hojiyev, To‘lqin Hojiyev. Ma‘muriy huquq. Darslik. —T.: «Fan va texnologiya», 2008. —608 b.
10. Козлов Ю.М. Административное право. Учебник. —2-е изд., перераб. и доп. —М.: «Юрист», 2003. С. 174—175.

11. Fuqarolik huquqi: milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va huquq ta’limi bakalavriat yo‘nalishi talabalari uchun uslubiy qo‘llanma / Topildiyev V.R., Jamolov N.K.; mas’ul muharrir O.O. Oqyulov. - Toshkent: MUMTOZ SO‘Z, 2014.-192 b.
12. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksiga sharh 1-jild. X.R. Raxmonqulov, O.O. Oqyulov / Toshkent” “Vektor-PreSS”, 2010. 815 b.
13. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т 3./Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. — Тошкент: Baktria press, 2013. 800 б.
14. Koryogdiyev, B. U. O. (2021). BITIMNI HAQIQIY EMAS DEB TOPISH VA UNING OQIBATLARINI QOLLASH FUQAROLIK HUQUQLARINI NIHOYA QILISH VOSITASI SIFATIDA. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(11), 211-225.
15. Корёғдиев, Б. У. Ў. (2022). ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЮРИДИК ФАКТ СИФАТИДАГИ ТАЛҚИНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(7), 271-278.

YANGI O'ZBEKISTONDA MA'NAVYI MAKONNI YARATISH BORASIDAGI ASOSIY VAZIFALAR

Mamatqulov Eldor

Termiz davlat universiteti tayanch doktoranti

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasida aks etgan ma'naviy makon tushunchasi, uning ma'no-mazmuni hamda mamlakatimizda yangi ma'naviy makonni yaratish borasidagi asosiy vazifalar ijtimoiy-falsafiy nuqtai nazardan tahlil qilingan. Yangi ma'naviy makon yaratishning ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-ma'rifiy rivojlanishdagi ahamiyati muhokama qilingan.

Kalit so'zlar. *Yangi O'zbekiston, ma'naviy makon, ilm-fan, ijtimoiy islohotlar.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется понятие духовного пространства, отраженное в Стратегии развития Нового Узбекистана, его значение, а также основная задача создания нового духовного пространства в нашей стране с социально-философской точки зрения. Обсуждена важность создания нового духовного пространства в социально-экономическом, духовном и образовательном развитии.

Ключевые слова. *Новый Узбекистан, духовное пространство, наука, социальные реформы.*

ABSTRACT

This article analyzes the concept of spiritual space reflected in the Development Strategy of New Uzbekistan, its meaning, and the main task of creating a new spiritual space in our country from a socio-philosophical point of view. The importance of creating a new spiritual space in socio-economic, spiritual and educational development was discussed.

Keywords. *New Uzbekistan, spiritual space, science, social reforms.*

KIRISH

Hozirgi kunga kelib dunyoning turli mintaqalarida ma'naviy sohadagi tahdidlar, mafkuraviy xurujlar avj olib bormoqda. Madaniyat niqobi ostida ming yillar davomida avloddan avlodga o'tib kelgan ma'naviy qadriyatlarga putur yetkazish, ularning jamiyat hayotidagi ahamiyatini kamaytirish orqali butun butun xalqlarni ma'naviyatsizlik qa'riga tortish, ma'naviy-axloqiy tanazzul holatiga tushirish holatlari uchramoqda. Ushbu holatlarning oldini olish maqsadida jamiyatning har bir fuqarosi ma'naviy islohotlarning faol ishtirokchisi bo'lishi, jamiyatda mavjud bo'lishi

mumkin bo'lgan ma'naviy bo'shliqni bahamjihatlikda to'ldirishi maqsadga muvofiqdir. Shu maqsadda mamlakatimizda oxirgi yillarda ma'naviy islohotlarga alohida ahamiyat qaratilib, xalqimizning ma'naviy dunyoqarashini yuksaltirish, yosh avlodni kitob va ilm-fanga oshno qilish orqali yangi ma'naviy makonni vujudga keltirish borasida izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Zero, “ma'naviyat – jamiyatdagi barcha siyosiy-ijtimoiy munosabatlarning mazmuni va sifatini belgilaydigan poydevordir”¹⁹¹.

ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Yangi ma'naviy makonni yaratish masalasiga “2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonida alohida ahamiyat qaratilgan bo'lib, ushbu farmon mazkur sohani butunlay yangi, yuqori bosqichga ko'tarish borasida dasturulamal bo'lib xizmat qiladi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Muhtaram Prezidentimiz ta'kidlab o'tganidek, “O'zbekistonning yangi uyg'onish davrini yaratishga kirishar ekanmiz, har bir yurtdoshimizning qalbi va ongida ma'naviyat shu'lasini porlashi va u bizni ezgu ishlarga undab, yuksak mas'uliyat tuyg'usi bilan yashashga da'vat etib turishi zarur”¹⁹². Alohida qayd etish joizki, bugungi kunda mamlakatimizdagi ma'naviy-ma'rifiy sohada amalga oshirilayotgan islohotlar har bir insonni ham qalban, ham ruhan ezgu maqsadlar yo'lida birlashtirishga xizmat qiladi. Bu yo'lda milliy g'oya, milliy ma'naviyat har bir fuqaroning amaliy dasturiga aylanadi. Bugungi kunda “Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari” degan ulug'vor maqsad kun tartibiga qo'yildi. Taraqqiyotning yangi davri talablari asosida mamlakatimizda amalga oshiriladigan eng muhim vazifalar belgilab olindi. Mamlakatimizni rivojlantirish bo'yicha qabul qilingan Taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan ustuvor vazifalar O'zbekistonning yangi Renessansiga – yangi Uyg'onish davriga mustahkam poydevor bo'lishi lozim.

Taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan yangi ma'naviy makonni yaratishga doir islohotlar natijasida bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Jumladan, xalqimiz tarixida, qadriyatlarida katta ta'sir kuchiga ega bo'lgan, o'zligimizning ajralmas qismi hisoblangan Islom dinining asl mazmun-mohiyatini ko'rsatib berish, jahon sivilizatsiyasiga bebaho hissa qo'shgan buyuk allomalarning boy ma'naviy merosini tadqiq etish, ularning asarlarida ilgari surilgan umuminsoniy

¹⁹¹ Sh. M. Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – Toshkent “O'zbekiston” nashriyoti, 2021. – B. 267.

¹⁹² Sh. M. Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – Toshkent “O'zbekiston” nashriyoti, 2021. – B. 276.

g'oyalar vositasida ma'naviy-ma'rifiy soha faoliyatini isloh qilish masalasiga hukumat darajasida ahamiyat qaratilmoqda. Shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish to'g'risida"gi, "Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish to'g'risida"gi, "Imom Moturidiy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish to'g'risida"gi qarorlari qabul qilingan bo'lib, ushbu markazlar tom ma'noda Taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan "Uchinchi renessans" g'oyasining amalga oshirilishida tayanch markazlar vazifasini o'tamoqda.

Ma'lumki, muqaddas dinimizda jaholatga qarshi ma'rifat asosida, ma'naviyatsizlikka qarshi yuksak ma'naviyat asosida kurashish g'oyasi ustuvor ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan, mazkur ilmiy markazlar tomonidan bugungi kunda islom faylasuf-olimlarining qo'lyozma asarlarini tadqiq etish, buyuk sarkardalarimizning jasorati va harbiy merosini o'rganish, muqaddas dinimizning sof insonparvarlik g'oyalarini namoyon etish, ekstremizm, terrorizm, aqidaparastlik va mutaassiblik kabi illatlarga qarshi kurashda ajdodlarimiz tomonidan qoldirilgan boy ma'naviy merosdan foydalanish masalasiga alohida ahamiyat qaratilib kelinmoqda¹⁹³.

Jumladan Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi tomonidan Taraqqiyot strategiyasida belgilab berilgan ustuvor vazifalar doirasida ulug' allomalar, xususan termiziy olimlarning ibratli hayoti, boy ma'naviy merosi yoritilgan ommabop risolalar tayyorlash, ularni ta'lim muassasalari o'quvchilariga yetkazib berish an'anasi yo'lga qo'yilgan bo'lib, ushbu tadbir orqali ma'naviy tarbiyaning uzluksiz amalga oshirilishi yo'lida katta qadamlar tashlanmoqda. Chunki, ma'naviy tarbiyada tanaffus, oqsash holatlari yosh avlodda ommaviy madaniyatga ergashish, ma'naviyatsizlik holatlarining paydo bo'lishiga sabab bo'luvchi jarayondir. Shu nuqtai nazardan, ta'lim jarayonida ma'naviy islohotlar aks etishi, mafkuraviy profilaktika izchil olib borilishi maqsadga muvofiq.

"Islom falsafasining otasi", "Ikkinchi muallim" kabi yuksak nomlar bilan sharaflangan bobokalonimiz Abu Nasr Forobiy o'zining dunyoga mashhur "Fozil odamlar shahri" nomli asarida jamiyatni ma'naviy, axloqiy jihatdan kamol toptirish masalalariga alohida to'xtalib, farovon jamiyatni sog'lom tanaga o'xshatganligi bejiz emas. Zero, tana sog'lom bo'lishi uchun undagi barcha a'zolar o'z vazifasini mukammal darajada amalga oshirishi lozim bo'lganidek, jamiyat ham sog'lom bo'lishi uchun undagi barcha muassasalar o'z vazifasini sidqidildan bajarishi, jamiyat a'zolari ma'nan yetuk, axloqan barkamol bo'lib yetishishlari lozim. Forobiyning

¹⁹³ A. Erkayev. Ma'naviyat — millat nishoni. — Toshkent, "Ma'naviyat", 1997. — B. 149.

ushbu hikmati orqali jamiyat taraqqiyotida ma'naviyatli insonning ahamiyati qay darajada ekanligiga yana bir bor ishonch hosil qilish mumkin¹⁹⁴.

Barchamizga ma'lumki, bugungi kunda hayotimizni virtual makondan, media olamdan ayro tarzda tasavvur qila olmaymiz. Mediamakon bitmas-tuganmas bilim, ma'rifat manbai. Shu bilan bir qatorda, milliy mentalitetimizga zid bo'lgan, qadriyatlarimiz, ma'naviyatimizga ziyon yetkazuvchi, destruktiv g'oyalarni targ'ib qiluvchi materiallar ham kam emas. Shularni hisobga olgan holda, bugungi kunda milliy media tizimini takomillashtirish, boy tariximizni, shonli o'tmishimizni, bebaho ma'naviy merosimizni internet olamida keng targ'ib qilish, virtual olamda yoshlar uchun xavfsiz, sof ma'naviy makonni yaratish masalasi kun tartibiga chiqmoqda. Bularni hisobga olgan holda, oliy ta'lim tizimida mediasavodxonlik va axborot madaniyatini shakllantirishga qaratilgan qator darslar o'qitilib kelinmoqda.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa qilib aytganda, ma'naviyat murakkab ijtimoiy hodisa bo'lib, uning taraqqiyotiga juda ko'p omillar – siyosat, iqtisod, fan, axloq, san'at, din kabi hodisalar bevosita ta'sir ko'rsatadi. Ushbu omillardan oqilona foydalanish, ulardan “yangi ma'naviy makon”ni yaratish yo'lida foydalanish ma'naviyatli davlat, farovon xalq sifatida shakllanishimizga xizmat qiladi.

REFERENCES

1. Sh.M. Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston strategiyasi. – Toshkent “O'zbekiston” nashriyoti, 2021. – 464 bet.
2. E. Umarov. Ma'naviyat asoslari. – Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2005. – 128 bet.
3. A. Erkayev. Ma'naviyat — millat nishoni. – Toshkent, “Ma'naviyat”, 1997. – 166 bet.
4. O. Musurmonova. Ma'naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. – Toshkent, “O'qituvchi”, 1996. – 227 bet.
5. Saidov, S. (2022). “TADBIR UL-MANZIL” RISOLASI–OILAVIY MUNOSABATLAR UCHUN DASTURULAMAL. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 894-897.
6. Saidov, S. A. O. G. L. (2021). IBN AL-MUQAFFANING HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 8-14.

¹⁹⁴ O. Musurmonova. Ma'naviy qadriyatlar va yoshlar tarbiyasi. – Toshkent, “O'qituvchi”, 1996. - B. 71.

-
7. Saidov, S. (2022). TARIXIY MANBALARDA KELITIRILGAN IBN AL-MUQAFFA BORASIDAGI MA'LUMOTLAR TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 525-528.
8. Saidov, S. A. O. G. L. (2021). IBN AL-MUQAFFANING HAYOTI VA ILMIY FAOLIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(7), 8-14.
-897.

KORYES VA INGLIZ TILLARIDAGI FONETIK TAFOVUT; INGLIZ TILIDAN KOREYS TILIGA KIRIB KELGAN SO'ZLARNI TALAFFUZ QILISHDAGI MUAMMOLAR

Jumaniyazova Feruza Iskanderovna

Qoraqalpoq davlat universiteti o'qituvchisi

feruza_8787@bk.ru

ANNOTATSIYA

Koreys tilida mavjud bo'lgan tovushlar Ingliz tilida bo'lmasligi yoki aksincha, ingliz tilidagi tovushlarning koreys tilida bo'lmasligi natijasida fonetik interferentsiya yuz beradi. Interferentsiya hodisasini ikki tildagi intonatsiyaning har xil bo'lishi bilan ham izohlash mumkin. Bu muammolar koreys tilini ingliz tiliga transliteratsiya qilish usuli bilan murakkablashadi. Ko'pincha ingliz tilidan koreys tiliga o'zlashtirilgan inglizcha so'zlarning talaffuzida koreys tilidagi fonetik tovushlar bilan almashish xolatlari ko'p uchraydi va bu ingliz tovushlarini tahlil qilamiz.

Kalit so'zlar: fonetik interferentsiya, intonatsiya, transliteratsiya, talaffuz

АННОТАЦИЯ

Фонетическая интерференция возникает в результате того, что звуки, присутствующие в корейском языке, отсутствуют в английском языке или, наоборот, английские звуки отсутствуют в корейском языке. Явление интерференции можно объяснить разной интонацией двух языков. Эти проблемы усугубляются тем, как транслитерируется корейский язык на английский. Часто в произношении английских слов, переведенных с английского языка на корейский, много случаев обмена с корейскими фонетическими звуками, и мы проанализируем эти английские звуки.

Ключевые слова: фонетическая интерференция, интонация, транслитерация, произношение.

ABSTRACT

Phonetic interference occurs as a result of the sounds that are exist in Korean not in English or, conversely, English sounds not existing in Korean. The phenomenon of interference also can be explained by the different intonation of the two languages. These problems are compounded when Korean is transliterated into English. When the pronunciation of English words transferred from English to Korean, there are many cases of exchange with Korean phonetic sounds, and we will analyze these English sounds.

Keywords: phonetic interference, intonation, transliteration, pronunciation.

KIRISH

Odamzot turli xil tovushlarni eshitib farqlash va tanib olish singari universal qobiliyatga ega. Biroq, ma'lumki, bu universal tovushni tanib olish qobiliyati inson yoshligidan ona tili ta'sirida bo'lgan va alohida tillarga sezgir bo'lgan maxsus tovushni tanib olish hodisasiga aylanadi (Jusczyk, Cutler, & Redanz (1993)), Best (1994), Best, McRoberts, Lafleur, & Silver-Isenstadt (1996)).

Ona tili fonemasiga moyil bo'lgan tovushlarni tanib olish hodisasi katta yoshdagi tinglovchilar uchun yaxshi rivojlangan bo'lib, katta yoshdagi tinglovchilar o'z ona tili tovushlarini aniq ajrata oladilar, lekin boshqa tillarning o'ziga xos tovushlarini aniq ajrata olmaydilar, ba'zan esa ular ona tilining tovushi o'xshash, ammo farqi aniq bo'lgan fonema bilan aralashib ketadi. Bu hodisa fonologik filtr fenomeni sifatida ham ta'riflangan (Trubetzkoy, 1939).

Birinchi va ikkinchi til o'rtasidagi fonologik qarama-qarshilikni misollar asosida ko'rib chiqamiz, bu turli xil tovushlarni aniqlash hodisalari bilan bog'liq.

Koreyslar ingliz tilini o'rganishda ko'plab talaffuz muammolariga duch kelishadi. Koreys tilida mavjud bo'lgan tovushlar Ingliz tilida bo'lmasligi yoki aksincha, ingliz tilidagi tovushlarning koreys tilida bo'lmasligi natijasida yuz beradi. Shuning bilan bir qatorda, ikki tildagi intonatsiyaning har xil bo'lishi bilanham izohlash mumkin. Bu muammolar koreys tilini ingliz tiliga transliteratsiya qilish usuli bilan murakkablashadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Shuningdek, hozirgi global texnikalar asrida koreys tilida koreyscha talaffuz bilan ko'plab inglizcha so'zlar qo'llanilmoqda, va ular ko'plab bahs munozaralarga sabab bo'lmoqda. Talabalar ko'pincha ingliz tilidan koreys tiliga o'zlashtirilgan inglizcha so'zlarning koreyscha talaffuzini to'g'ri talaffuz deb qabul qilishadi.

Masalan, /f/, /v/, /ð/, /θ/ va /z/ tovushlari koreys tilida uchramaydi. Shuning uchun koreyslar bu tovushlarni almashtirishga moyil ya'ni, /θ/ uchun /s/ [ㅅ], /ð/ uchun /d/ [ㄷ], /z/ uchun /dʒ/ [ㅈ], /f/ uchun /p/ [ㅍ, ㅍ] va /v/ tovushining o'rniga so'z boshida /b/ [ㅂ] tovushlari talaffuz qilinadi. Shunday qilib, masalan, *ingliz tilini boshlang'ich o'rganuvchilar* "The zebra has fine thighs and thick veins" jumlasini "De Jebra has pine sighs and sick beins" deb talaffuz qiladi. Bundan tashqari /f/ tovushli inglizcha so'zlar koreys tiliga transliteratsiya qilinganda, ular ㅍ (/p/) yoki ㅎ (/h/) dan foydalanadilar. Bu ingliz tiliga qayta aylantirilganda chalkashlikka olib keladi.

Koreys tilida, undoshlarning ketma – ket qo'llanilish xolati yuz bermaydi, shuning uchun koreyslar so'zlarga qisqa unli tovushlarni qo'shishga moyil bo'ladi. Misol uchun, "crisps" so'zi koreys tilida 5 bo'g'in bilan 크리|스프스 [keu-ri-seu-peu-seu] tarzida beriladi.

Koreys tilida /r/ va /l/ tovushlari yo'q bo'lib uning o'rniga 'ㄹ', ingliz tilidagi /r/ va /l/ tovushlarning o'rtasidagi koreyscha tovush ishlatiladi, va bu ingliz tilidan o'zlashtirilgan so'zlarni talaffuz qilishda qator qiyinchiliklarga sabab bo'ladi.

Ingliz tilida so'zlasguvchilar koreys tilidagi bitta 'ㄹ' tovushini ingliz tilidagi /r/, ikkita 'ㄹ' tovushini /l/ tovushi deb qabul qilishadi va bu talaffuzham unchalikham to'g'ri deb hisoblanmaydi. Koreyslarning /r/ va /l/ tovushlarni chalkashtirishi katta xatoliklarga sabab bo'lishini qator misollar orqali ko'rish mumkin. Masalan, ingliz tilidagi «pray» va «play» so'zlari bir xil «play» deb talaffuz qilinish xolatini ko'rishimiz mumkin.

Bundan tashqari, Koreys tilida uchramaydigan ingliz tilidagi undoshlar ketma ketligi koreys tiliga ingliz so'zlari o'zlashtirilganda fonetik interferentsiyaga sabab bo'ladi. Bunga misol qilib, /i:/ uzun talaffuz qilinadigan tovushni olsak bo'ladi. 'He leaves with his family' jumlasida 'He lives with his family' jumlasida bilan birhil talaffuz qilinishi kuzatiladi. Yana misol keltiradigan bo'lsak, ingliz tilidagi /ə/ (schwa) shovqinli tovushi koreys tilida uchramaydi, va koreyslar 'sofa' so'zida 'o' /əʊ/ tovushining o'rniga koreys tilida bor bo'lgan /æ/ talaffuz qilishga moyil. Shuningdek, Koreyslar ingliz tilidagi diptonglarni 2 unli tovushga aylantirish orqali talaffuz qilish orqali muammoni bartaraf etishga harakat qilishadi, masalan, "Hi" (하이) "Ha-i" ga aylanadi. Koreys tilida so'zlar /tʃ/ bilan tugamaydi, shuning uchun koreyslar bu tovushdan keyin qo'shimcha unli tovush qo'shishga moyildirlar, masalan, 'sandwich' 샌드위치 'sandwichi' ga aylanadi.

Oxirgi paytda Koreya hukumati tomonidan qo'llaniladigan transliteratsiya tizimiga nisbatan o'zgarishlar kiritildi va bu Ingliz tilini o'rganuvchilar uchun katta chalkashlikka sabab bo'ldi. Masalan, koreys tilidagi 'ㅍ' ingliz tilida 'p' deb talaffuz qilingan bo'lsa xozir 'b' deb talaffuz qilinishi keltirilgan. 'ㅍ' ingliz tilidagi 'b' ga yaqin bo'lgani bilan bir xillikdan tashqari chiqqan xolatlarni kuzatish mumkin. 부산 shaxrini "Pusan" deb talaffuz qilingan bo'lsa kiritilgan o'zgarishlarga asosan "Busan" deb talaffuz qilinishi talab qiladi. Lekin Busan shaxridagi universitet xaligacha PNU (Pusan National University) – Pusan Davlat Universiteti nomi bilan o'zgarishsiz

qoldirilgan. Shunga oxshash 'ㄱ' k deb talaffuz qilinib, xozir 'g' deb transliteratsiya qilinadi. Lekin Koreyada keng tarqalgan 김 (Kim) familiyasi xaligacha "Gim" deb qattiq tovush bilan emas balki "Kim" deb talaffuz qilinadi va bu koreys tilini o'rganayotgan chet elliklarga qiyinchiliklar tug'diradi.

Ko'pgina inglizcha so'zlar koreys tilining bir qismiga aylandi, ammo talaffuzida katta o'zgarishlar mavjud. Masalan, ingliz tilidagi 'sauna' so'zi koreys tilida "sa-oo-na" deb talaffuz qilinadi. Va ko'pincha bu noto'g'ri talaffuz deb xisoblanadi.

Koreys tilini o'rganayotgan xorijliklar uchun eng katta muammolardan biri bu 5 ta qo'sh konstantalar, masalan, 'ㅁ' va 'ㅂ'. Boshqa tilda so'zlashuvchilarning quloqlariga ular bir xil eshitiladi, lekin koreys tilidan katta farq qiladi. Yana bir muammo shundaki, 4 ta unli tovush (ㅏ, ㅑ, ㅓ, ㅕ) mavjud bo'lib, ular ingliz tilida so'zlashuvchilar uchun bir xil eshitiladi (garchi ular qo'sh undoshlarga qaraganda muloqotda kamroq muammolarni keltirib chiqaradi).

XULOSA

Xulosa qiladigan bo'lsak, to'g'ri talaffuzni o'rganish ingliz tilini o'rganayotgan koreyaliklar va koreys tilini o'rganayotgan xorijliklar uchun asosiy muammolardan biridir. Fonetik interferentiyaga sabab bo'ladigan asosiy sabablardan biri bu koreys tilida mavjud bo'lgan tovushlarning ingliz tilida mavjud bo'lmasligi, yoki aksincha holatlardir.

REFERENCES

1. Best, McRoberts, Lafleur, & Silver-Isenstadt, (1996). Discrimination of non-native consonant contrasts varying in perceptual assimilation to the listener's native phonological system. *Journal of the Acoustical Society of America* . 109(2):775-94. DOI: 10.1121/1.1332378
2. Jusczyk, P. W., Cutler, A., & Redanz, N. J. (1993). Infants' preference for the predominant stress patterns of English words. *Child Development*, 64(3), 675–687. <https://doi.org/10.2307/1131210>
3. Lado, Robert. 1957. *Linguistics Across Culture*. University of Michigan Press. \
4. Lado, Robert. 1964. *Language Teaching*. N. Y. : McGraw-Hill, Inc ..
5. PARK, H. K. (2004): "Applying Second Language Acquisition Theories to Teaching Interpretation to Undergraduate Students", *Forum* 2-1, p. 105-123.
6. TRIM, J. (1975): *English Pronunciation Illustrated*, Cambridge University Press.
7. Shin, Jiyoung; Kiaer, Jieun; Cha, Jaeun (2012). *The Sounds of Korean*. Cambridge: Cambridge University Press. ISBN 9781107672680.

8. Lee, Ki-Moon; Ramsey, S. Robert (2011). A History of the Korean Language. Cambridge: Cambridge University Press. p. 293. ISBN 9780521661898.
9. Brown, Lucien; Yeon, Jaehoon, eds. (2015). The Handbook of Korean Linguistics. West Sussex, UK: Wiley-Blackwell. ISBN 9781118370933.
10. Lee, Eunhee; Madigan, Sean; Park, Mee-Jeong (October 30, 2015). An Introduction to Korean Linguistics.

УДК 622.235

МЕТОДИКА РАСЧЕТА ПАРАМЕТРОВ ДЛЯ ГЛАДКОГО ВЗРЫВАНИЯ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОХРАННОСТЬ ПРОЕКТНОГО КОНТУРА В УСЛОВИЯХ РУДНИКА КАРАКУТАН

Мислибаев Илхом Тўйчибоевич

д.т.н., профессор, декан горного
факультета НГГИ,

Нурхонов Хусан Алмирзо угли

соискатель-исследователь

Каршинский инженерно-экономический институт,

Республика Узбекистан, г. Карши

E-mail.: nurkhonov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

В данной статье установлено, Опытно-промышленные испытания проводились с целью проверки работоспособности, предлагаемой методики определения параметров БВР, при контурном взрывании глубоких горизонтов направленных на повышение эффективности при проходке подземных горных выработок.

Ключевые слова: шпур, тип породы, плотность, трещина, контурные заряды, контурными шпурами, выработка, заходка, нормативный перебор, щелеобразования, иницированием зарядов.

METHOD OF CALCULATION OF PARAMETERS FOR SMOOTH BLASTING TO ENSURE THE SAFETY OF THE DESIGN CONTOUR IN THE CONDITIONS OF THE KARAKUTAN MINE

ABSTRACT

In this article, it is established that Pilot tests were carried out in order to verify the operability of the proposed methodology for determining the parameters of the BVR, with contour blasting of deep horizons aimed at increasing efficiency when sinking underground mine workings.

Keywords: borehole, rock type, density, crack, contour charges, contour holes, working out, penetration, standard enumeration, fissuring, charge initiation.

ВВЕДЕНИЕ

Рассмотрим типовую схему расчета параметров БВР при проведении горных выработок применительно к условиям рудника «Каракутан». Для определения удельного расхода ВВ пользуются в основном эмпирическими формулами, которые в одних случаях дают достаточно точные необходимые значения величины, а в других значительные расхождения от требуемой величины удельного расхода. По этому расчет удельного расхода по эмпирическим формулам следует считать ориентировочным, который требует уточнения по результатам опытных взрываний [1].

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

В работе нами предлагается расчет параметров БВР при проходке выработок производят с учетом радиуса трещинообразования следующим образом.

Радиус зоны разрушения может быть определен следующим образом:

$$R_p = r_n \left(\frac{P_{пв}}{\sigma_{сж}^д} \right)^{2,5} \quad (1.1)$$

где: $r_n = 0,0255$ -начальный радиус полости, м; $P_{пв}$ -давление продуктов взрыва в зарядной полости; $\sigma_{сж}^д = 465$ МПа -динамический предел прочности на сжатие, МПа.

$$P_{пв} = \frac{\rho D^2}{8} \quad (1.2)$$

где: ρ - плотность ВВ, D -скорость детонации ВВ, м/с

Расстояние между контурными зарядами a_k определяется как:

$$a_k = 2k_{ив}R_p \quad (1.3)$$

где: R_p -радиус зоны разрушения, м; $k_{ив}$ - коэффициент динамического воздействия импульса взрыва в зависимости от конструкции заряда [2].

Удельный расход ВВ с учетом глубины выработки может быть определен как:

$$q = q_0 + \Delta q \quad (1.4)$$

Где: q_0 -удельный расход ВВ, рассчитанный для стандартных условий, кг/м³; Δq -прирост удельного расхода ВВ на преодоление естественного напряженного состояния массива, кг/м³.

Прирост удельного расхода, по Фокину В.А. равен:

где: Н – глубина ведения работ.

Удельный расход для стандартных условий определяется по формуле:

$$q_0 = \frac{9 \cdot d_{\text{зар}}^2}{a_k^2} \cdot \frac{\sigma_{\text{сж}}}{Q_{\text{ВВ}}} \quad (1.5)$$

где: $d_{\text{зар}}$ – диаметр заряда, м; $\sigma_{\text{сж}}$ – предел прочности на сжатие, $236 \cdot 10^6$ Па; $Q_{\text{ВВ}}$ – теплота взрыва, $5225 \cdot 10^3$ Дж/кг; a_k – расстояние между контурными зарядами, 0,76 м [3,4,5].

Масса шпурового заряда при условии, что длина колонки заряда не превышает 2/3 длины шпура:

3. Boltayev S.T., Valiyev S.I. and Qosimova Q.A., Improving the Method of Sending Information about the Approach of Trains to Railway Crossings, *ElConRus*, 2022, pp. 558-565, doi: 10.1109/ElConRus54750.2022.9755564.
4. Щелконогов, С. В. Анализ современных и перспективных систем предупреждения путевых работников о приближении подвижного состава Молодой ученый. — 2012. — № 6 (41). — С. 61-63.
5. Типовые материалы для проектирования 410106 – ТМП «Системы оповещения монтеров пути для различных систем ЭЦ», ГУП Гипротрансигнальсвязь – 2001, Альбом 1-4.
6. Ульянов, В.М и др. Автоматическое устройство оповещения о приближении подвижного состава // Автоматика Связь Информатика. – 2001. – №5. – с. 38-42.
7. Новиков В.Г., Алабушев И.И. Координатная система контроля и оповещения // Вестник научно-исследовательского института железнодорожного транспорта. – 2008. №1. – С.45-48.
8. Ананьев Д.В., Тарасов И.А. Централизованная система информирования ЦИСОП / Автоматика, связь, информатика №1-2018 – 39-41
9. Kosimova Q.A., Valiyev S.I. and Boltayev S.T. Method and Algorithm of the Automatic Warning System of Train Approaches to Railways, *ICIEAM*, 2022, pp. 532-538, doi: 10.1109/ICIEAM54945.2022.9787181.

ПИЛЛАНИНГ ПИШГАНЛИК ДАРАЖАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИГА СТАТИСТИК ИШЛОВ БЕРИШ

Кўзибой Эркинович Собиров

Урганч давлат университети

Жахонгир Адхамович Ахмедов

Холдарова Севара Шавкатбой қизи

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада пилланинг пишганлик даражасига статистик ишлов бериш жараёнида омиллар ва чиқиш параметрларини муқобиллаш учун тажрибани математик режалаштириш усуллари қўлланилган. Бу усуллар тўла омилли, каср омилли, тасодифий мувозанатли, симплекс катакли тажрибадир. Бу тадқиқотда тўла омилли тажрибадан фойдаланилган. Пиллани технологик параметрларига таъсир этувчи омиллар сифатида буглаш камераси ҳарорати ва ишлов бериш вақти олиниб регрессия тенгламалари тузилган. Пилланинг пишганлик даражаси кўрсаткичларига статистик ишлов бериш орқали қобиқдан ипни ажралишидаги адгезия кучи назарий томондан ҳисобланиб, тажрибаларнинг ишончилиги 98,2% эканлиги аниқланган.

Калим сўзлар: пилла, ишлов бериш, омил, тажриба, буглаш камераси, статик, регрессия, кодлаш, координата, тенглама, дисперсия, матрица.

ABSTRACT

In this article, the methods of mathematical planning of the experiment are used to alternate the factors and output parameters during the statistical processing of the level of cocoon maturity. These methods are fully factorial, fractional factorial, randomized balanced, simplex cell experiment. A full factorial experiment was used in this study. Regression equations were constructed by taking steaming chamber temperature and processing time as influencing factors of cocoon technological parameters. Through statistical processing of indicators of cocoon ripeness, the adhesion strength in separating the thread from the shell was theoretically calculated, and the reliability of the experiments was determined to be 98.2%.

Keywords: cocoon, processing, factor, experiment, evaporation chamber, static, regression, coding, coordinate, equation, variance, matrix.

КИРИШ

Республикамизда пилла хом ашёси етиштирувчи мамлакатларда тут ипак қуртининг юқори технологик хусусиятларига эга бўлган янги зот ва дурагайлар яратиш, пиллани қайта ишлаш соҳасини модернизациялаш, илғор техника ва технологияларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тут ипак қурти пиллаларини чувишда уларнинг қобиқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пиллаларни чувишга тайёрлаш, жумладан қобиқ серицинини юмшатиш, пиллалар ичини сув билан тўлдириш, учларини топиш ва силкитиш жараёнлари режимларини тўғри ўрнатиб сифатли хом ипак ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда етиштирилаётган пилла хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, ипакнинг чиқиндисиз технологияларидан фойдаланиш, ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотларини экспортини кенгайтириш, жаҳон стандартларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳа олдига қўйилган мақсаддир. Соҳа ривожланиши ва ташқи бозор талабларини ортиши сабабли ишлаб чиқарилаётган ипак маҳсулотларининг сифатига қатъий талаблар қўйилмоқда [1-5].

Пиллаларни чувиш жараёнида хом ипак ипи чизиқли зичлиги икки турда ўзгариши мумкин: чувилаётган пилла ипини узунлиги бўйича ингичкаланиши ва чувиш даврида битта пилла ипининг узилиши ҳисобига хом ипакнинг чизиқли зичлигини кескин ўзгариши. Биринчидан пилла ипи қобиғининг устки қаватидан ички қаватига томон ип қалинлиги ингичкалашиб бориши бўлса, иккинчиси дастадаги пилла ипларини узилиши ёки пиллалар чувилиб ипларини тугаши билан дастага янги пилла ташланганда чизиқли зичликнинг бирданга ўзгаришига боғлиқ. Бунинг асосий сабаби илгич остидаги дастани тўлдириш учун янгидан қўшилган пилла ҳисобига унинг чизиқли зичлиги битта пилла ипи қалинлигига ортади. Ингичка толали пиллалардан хом ипак ишлаб чиқаришда нотекислиги бўйича равон бир хил йўғонликдаги хом ипак ишлаб чиқариш имкониятини беради. Пилла хом ашёсини чувиб ундан сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда ингичка толали пиллалар алоҳида ўрин тутади. Ингичка толали пиллаларни яратиш бўйича Республикамизда бир қатор ишлар олиб борилган ва самарали натижаларга эришилган [6-12].

Автомат пилла чувиш дастгоҳларида пиллалар сувга ярим чўккан ёки чўккан ҳолатда чувилади. Шу сабабли пиллалар чувалувчанлиги кўрсаткичинини

яхшилаш ва сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун пиллалар қобиклари ўтказувчанлиги ҳам бир бирига яқин бўлишлари талаб этилади.

Кўпгина изланувчилар сифатли пиллалар етиштириш бўйича изланишлар олиб боришган ва чувишда тирик пиллалардан фойдаланиб сифатли хом ипак олиш мумкинлигини таъкидлашган. Чувиш жараёнида ишлатиладиган тирик пиллалар дастлабки ишлов жараёнларидан ўтмаганлиги сабабли уларнинг сифат кўрсаткичлари қуруқ пиллаларга нисбатан юқорироқ бўлади, бунинг асосий сабаби тирик пиллаларга иссиқ ҳаво оқими билан ишлов берилганда пиллалар иплари сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада пасаяди [13- 20].

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ.

Тут ипак қурти пилларидан хом ипак олишда чувиш жараёнини тўғри бажариш муҳим аҳамият касб этади. Пиллалардан хом ипак ишлаб чиқариш пиллакашлик фабрикаларида амалга оширилади. Келтирилган пилла партиялари паспортизацияланиб йириклаштирилади, сўнгра сараланиб уларни чувиш учун ҳар битта йириклаштирилган партияга тажриба йўли билан алоҳида режимлар ишлаб чиқилади.

Ишлаб чиқариладиган хом ипак ассортиментларини кўпайтириш кейинчалик уни қайси мақсадда ишлатилишини назарда тутган ҳолда керакли чизиқли зичликдаги хом ипакни ишлаб чиқариш дастада пиллалар ипларини ўзаро қўшган ҳолда чувиш орқали бажарилади. Сифатли хом ипак олишда ишлатиладиган хомашё характеристикаларини ўрганиш ва уни танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Натижаларга статистик ишлов бериш жараёнида омиллар ва чиқиш параметрларини муқобиллаш учун тажрибани математик режалаштириш усуллари қўлланилди. Уларга тўла омилли тажриба (ТОТ), каср омилли тажриба, тасодифий мувозанатли тажриба, симплекс катакли тажриба ва ҳоказо усуллар киради. Биз тадқиқотларимизда тўла омилли тажрибадан фойдаланамиз. Шу нуқтаи назардан пилла технологик параметрларига таъсир этувчи омиллар сифатида буғлаш камераси ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$) ва буғлаш камераси ишлов бериш вақти (min) олиниб регрессия тенгламалари тузилади.

Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номаълум бўлганда, одатда жавоб функциясининг тўлиқмас кўпхад кўринишидаги регрессия тенгламаси орқали ифодалаш мумкин

$$y = \bar{b}_0 + \bar{b}_1 x_1 + \bar{b}_2 x_2 + \bar{b}_{12} x_1 x_2 \quad (1)$$

бу ерда, y -рационаллаш параметрини ҳисобланган қиймати, x_i -мустақил кирувчи параметрлар, қайсики улар тажрибани ўтказишда ўзгариб туради, \bar{b}_0 , $\bar{b}_1, \bar{b}_2, \bar{b}_{12}$ -тажриба натижаларидан аниқланадиган регрессия коэффициентлари. (1) тенглама кўринишидаги математик моделни қуриш учун “ y ” рационаллаш мезони танланади, муқтақил ўзгарувчан x_i -фактори танланади, \bar{b}_0 , $\bar{b}_1, \bar{b}_2, \bar{b}_{12}$ регрессия коэффициентлари ҳисобланади, жавоб ва режа функциясининг кўриниши аниқланади.

Тажриба режасини ёзиш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш учун x_1 , x_2 харфларда белгиладиган факторларнинг кодлашган қийматларидан фойдаланилади x_i кодлашган (ўлчамсиз катталиқ) ва x_i физик (табиий) ўзгарувчан қуйидаги нисбатда ўзаро боғланган.

$$X_i = \frac{x_i - x_{i0}}{\Delta_i} \quad (2)$$

бу ерда, $x_{i0} = (x_{i\max} - x_{i\min}) / 2$ ва $\Delta_{i0} = (x_{i\max} + x_{i\min}) / 2$ – натурал қийматнинг ўзгариш интервали ва ўртача қиймати ; x_a, x_b –факторни пастки ва юқори сатхининг натурал қийматлари.

Омилларни кодлаш, координата бошини факторларнинг асосий омиллар даражаси нуқтасига (тажрибанинг марказий O нуқтаси) ўтказиш ва ўлчовни ўзгартиришга тенгдир. Ҳамма кодлашган омиллар ўлчамсиз ва нормаллашган катталиқлардир. Бу ҳолда (1) тенглама кўйидагича кўринишни олади: $y = b_0 + b_1 X_1 + b_2 X_2 + b_{12} X_1 X_2$

бу ерда, b_0, b_1, b_{12} регрессия тенгламасининг кодлашган ўзгарувчилар x_1 ва x_2 га нисбатан тўлиқмас полином коэффициентлари

Тажриба жараёнида x_1 ва $x_2 -1, 0, +1$ қийматларини қабул қилади. Бу қийматлар омилларнинг сатхи деб аталади. (1) тахминий кўпхадни муқтақил ўзгарувчилардаги коэффициентлар омилларнинг таъсир даражасини кўрсатади. Агар коэффициент ижобий бўлса, омилни ошиши билан чиқувчи омил ҳам ортади, салбий коэффициентли омилни ортишида унинг катталигини камайиши кўзга ташланади.

Тўлиқ омилли деб шундай тажрибага айтиладики, унда мумкин бўлган комбинацияли (тўпламли) омилларнинг сатҳлари амалга ошади. Агар “ k ” омиллар иккита сатҳда (максимум ва минимумларда) ўзгариб турса, ҳамма мумкин бўлган тўпламлар – $N_2 = 2^k$ га тенг бўлади, “ k ” омиллар сони.

Пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи (y) га нисбатан ишловни бажариш учун юқорида изоҳланганга кўра иккита сатхли ($k = 2$), икки омили тажриба режасини тузамиз, бунда биринчи омил x_1 буғлаш камераси ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$), иккинчиси x_2 -ва буғлаш камераси ишлов бериш вақти (min) (2) формула асосида кодлаштирилади ва натижалар белгиланган режада иккита $p = 1$ ва $p = 2$ параллел тажрибадарда олинади.

Тажрибалар ўтказиш режалари 1 ва 2-жавдвалларда келтирилган.

1-жадвал

Тажрибалар ўтказиш режаси

1-тажриба ($p = 1$)

Омиллар	Тартиби	$x_{i1 \min}$	$x_{i1 \max}$	Δ_{i10}	x_{i10}
Камера ҳарорати $^{\circ}\text{C}$	$i = 1$	70	80	75	5
Ишлов бериш вақти (min)	$i = 2$	2	2,5	2,25	0,25

2-жадвал

1-тажриба ($p = 2$)

Омиллар	Тартиби	$x_{i2 \min}$	$x_{i2 \max}$	Δ_{i20}	x_{i20}
Камера ҳарорати $^{\circ}\text{C}$	$i = 1$	75	80	77,5	2,5
Ишлов бериш вақти (min)	$i = 2$	2,5	3	2,75	0,25

Чиқувчи параметр сифатида пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи (y) оламиз ва усқунани параметрларини бу кўрсаткичга таъсирини тажриба асосида ўрганамиз. Бунинг учун режалаштириш матрицаси асосида ҳар бир шароитда 3 маротаба такрорий тажрибалар ўтказганимизда $n=3$ бўлиб, бу ҳолда тажрибалар сони $N \cdot n = 3 \cdot 2^2 = 12$ параллел тажрибалар сони $m=2$ ни ҳисобга олсак, умумий тажрибалар сони $N \cdot n \cdot m = 12 \cdot 2 = 24$ га тенг бўлади.

Ҳар бир шароитда чиқувчи параметрни тажрибавий натижалари олиниб уларнинг ўртача қийматлари ва дисперсиялари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Режалаштириш матрицаси, тажриба ва ҳисобий натижалар

Тажрибалар Рақами	Ўзгарувчил ар даражаси	Пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи. sN
		Тажриба натижалари \bar{y}_{i1} -биринчи параллел тажриба, \bar{y}_{i2} -иккинчи параллел тажриба, $\bar{y}_u = (\bar{y}_{i1} + \bar{y}_{i2}) / 2$

	X_1	X_2	y_{i1}	y_{i2}	\bar{y}_u	S_u^2	\hat{y}_u	\bar{y}_u	R_u (%)
1	-	-	0.47	0,45	0,46	0,000 2	0,45	0,45	1,64
2	+	-	0.42	0,40	0,41	0,000 2	0,415	0,415	1,84
3	-	+	0.43	0,41	0,42	0,000 2	0,425	0,425	1,79
4	+	+	0.41	0.39	0.40	0,000 2	0,39	0,39	1,89

1. Бир хил сондаги параллел тажрибаларнинг такрорланиши ва дисперсияларининг тарқоқлик даражасини баҳолаш.

Тажрибалар дисперсиясининг тарқоқлигини характерлайдиган дисперсия формуласи

$$S_u^2 = \frac{\sum_{p=1}^m (y_{up} - \bar{y}_u)^2}{m-1} \quad (3)$$

бу ерда, m - параллел тажрибалар сони. $m = 2$ ҳол учун

$$S_u^2 = \sum_{p=1}^2 (\bar{y}_{up} - \bar{y}_u)^2 = (\bar{y}_{u1} - \bar{y}_u)^2 + (\bar{y}_{u2} - \bar{y}_u)^2, \quad u = 1,2,3,4.$$

Ушбу статистикуни ҳисоблаймиз $G = S_{\max} / \sum_{u=1}^4 S_u^2 = 0.25$, Кохрен мезонини аниқлаймиз $G_{\alpha, N, m-1} = G_{0.05, 4, 1} = 0.91$. $G < G_{0.05, 4, 1}$ шарти бажарилганлиги сабабли дисперсиянинг бир тоифада бўлиш шарти бажарилади ва дисперсияларнинг ўрта қиймати бўйича ҳисоблаш мумкин: $S_y^2 = (\sum_{u=1}^4 S_u^2) / 4 = 0,0002$

2.Регрессия тенгламасининг b_0, b_1, b_2, b_{12} коэффициентларини ҳисоблаш

$$b_0 = (\bar{y}_1 + \bar{y}_2 + \bar{y}_3 + \bar{y}_4) / 4 = 0,42$$

$$b_1 = (-\bar{y}_1 + \bar{y}_2 - \bar{y}_3 + \bar{y}_4) / 4 = -0,0175$$

$$b_2 = (-\bar{y}_1 - \bar{y}_2 + \bar{y}_3 + \bar{y}_4) / 4 = -0,0125$$

$$b_{12} = (\bar{y}_1 - \bar{y}_2 - \bar{y}_3 + \bar{y}_4) / 4 = 0,0075$$

3.Регрессия тенгламаси

$$y = 0,4200000000 - 0,0175000000X_1 - 0,1250000000X_2 + 0,0075000000X_1X_2 \quad (4)$$

4.Регрессия тенгламаси коэффициентларининг аҳамиятлилик даражасини баҳолаш

Ишончилилик интервали аниқланади

$$\Delta b = t_{\alpha,k} \frac{S_y}{\sqrt{N}}$$

Стъюдент критерияси $t_{\alpha,N(m-1)} = t_{0,05;4} = 2,78$

$$\Delta b = 2,78 \frac{\sqrt{2}}{\sqrt{4}} = 0,01965; \text{ Ушбу тенгсизликлар ўринли } b_0 > \Delta b, (-b_1) < \Delta b,$$

$$(-b_2) < \Delta b, (-b_{12}) < \Delta b$$

Регрессия тенгламасида фақат b_0 -коэффициентлар аҳамиятли ҳисобланади.

Шундай қилиб, регрессия тенгламасини чизиқли

$$\hat{y} = b_0 = 0,42 \quad (5)$$

кўринишда олиш мумкин.

5.Регрессия тенгламасида аҳамиятсиз коэффициентлар иштирок этмаганда, моделни адекватлигини баҳолаймиз

Агар регрессия тенгламасини (4) кўринишида қабул қилинса, бунда тажрибалар дисперсияси нолга тенг айният бўлади. Бу ҳолда ҳамма $N=2^k$ регрессия коэффицентлари N бўйича у қийматлари билан ҳисобланган бўлади, бу ҳолда моделни адекватлигини текшириш учун эркинлик даражаси йўқ. Бунда адекватлик шarti тўлиқ бошқарилади ва тажриба режасини тўлиқ дейилади. Агар (5) регрессия тенгламасида қандайдир муҳим бўлмаган коэффициентларни инобатга олинмаса эркинлик даражаси ҳосил бўлади ва бунда моделнинг адекватлигини текшириш лозим. Адекватликни текшириш у чиқувчи параметрни тажрибавий қийматларини, \bar{y} кирувчи параметрларни турли сатхларини ҳисоблаган қийматлари билан солиштириш ва уларнинг фарқини формула бўйича процентда аниқлашдан иборат.

$$R_i = 100 \left| \frac{\bar{y}_i - y_i}{y_i} \right|$$

$$R_1 = 8,196721311 \quad R_2 = 3,067484663 \quad R_3 = 5,988023952 \quad R_4 = 5,660377358 \quad (6)$$

(6) тенгликдан олинган натижалар хатолик 8% дан юқорилигини кўрсатапти, шунинг учун моделнинг адекватлиги ошириш мақсадида b_1, b_2 коэффицентларини сақлаб, хатоликни ҳисоблаймиз.

$$R_1 = 1,639344262 \quad R_2 = 1,840490798 \quad R_3 = 1,796407186 \quad R_4 = 1,886792453$$

Бу ҳолда тафовут 1,8% дан ошмайди ва адекватлик 98,2% билан таъминланади.

У ҳолда регрессия тенгламаси кўйида кўринишда бўлади:

$$\hat{y} = 0,420000000 - 0,017500000 X_1 - 0,012500000 X_2$$

\bar{y}_i ва R_i ларнинг қийматларини жадвалда кўрсатамиз.

6. Чизиқли регрессия $\hat{y} = 0,42 - 0,0175 \cdot X_1 - 0,0125 \cdot X_2$ нинг ўринли бўлишини аниқлаш

Регрессия тенгламаси чизиқли бўлганлиги сабабли бундай регрессия (чизиқли) ҳам ўринли бўлади.

7. Регрессия тенгламасини геометрик тасвири ва ундан амалий фойдаланиш

$$\text{Регрессия тенгламаси } \bar{y} = 0,42 - 0,0175 X_1 - 0,0125 X_2 \quad (7)$$

Юқоридаги Стъудент мезони бажарилгани сабаб (7) боғланиш Фишер мезони бажарилади ва чизиқли боғланиш ўринли бўлади.

Чиқиш параметри (пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи) $\hat{y} = y_0$ нинг ҳар хил қийматларида ва (7) тенгликни X_3 га нисбатан ечамиз


$$X_2 = (-y_0 + 0,42 - 0,0175 X_1) / 0,0125 \quad (8)$$

Омилларнинг кодировка қийматларидан ушбу формулалар $X_1 = (x_1 - x_{1c}) / \Delta_{1c}$ ва $X_3 = (x_3 - x_{3c}) / \Delta_{3c}$ ёрдамида ҳақиқий (натурал) қийматлари орасидаги боғланишларни ҳосил қилиш мумкин.

Бу ерда, x_{ic} ва Δ_{ic} омилларининг параллел тажрибаларда олинган $x_{i\text{ўрта}}$ ва $\Delta_{i\text{ўрта}}$ сонларнинг ўрта қийматлари, яъни

$$x_{1c} = (x_{11\text{ўрта}} + x_{12\text{ўрта}}) / 2, \quad x_{3c} = (x_{31\text{ўрта}} + x_{32\text{ўрта}}) / 2, \quad \Delta_{1c} = (\Delta_{11\text{ўрта}} + \Delta_{12\text{ўрта}}) / 2, \\ \Delta_{3c} = (\Delta_{31\text{ўрта}} + \Delta_{32\text{ўрта}}) / 2$$

1-расмда (8) боғланишнинг чиқиш параметри (серицин адгезия кучи) ҳар хил қийматларидаги графиклари келтирилган.



1-расм. Пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи y_0 (сN) нинг турли қийматларида иккинчи омил X_2 (ишлов бериш вақти, min) билан биринчи омил (камера ҳарорати, °C) билан боғланиш графиклари.
1 – $y_0 = 0,4475$; 2 – $y_0 = 0,439$; 3 – $y_0 = 0,431$; 4 – $y_0 = 0,428$; 5 – $y_0 = 0,42$; 6 – $y_0 = 0,41$;
7 – $y_0 = 0,402$; 8 – $y_0 = 0,3875$.

Графиклар таҳлилидан қўйидаги хулосалар қилиш мумкин: Биринчи омил (камера ҳарорати) ва иккинчи омил (ишлов бериш вақти) орасидаги чизикли боғланиш чиқувчи параметр (серицинни адгезия кучи, sN $0,4475 < y_0 < 0,3875$ оралиғида мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатяпти, ҳамда ҳарорат ошган сари танланган адгезия кучини сақлаш учун ишлов бериш вақтини камайиши зарурлиги кузатиляпти. Бундан ташқари агар адгезия кучи берилган бўлса, ҳар бир ҳарорат учун ипнинг унга мос ишлов вақти расмда келтирилган графиклар ёрдамида ҳисобланиши керак бўлади. Масалан пилла қобиғидаги серициннинг адгезия кучи $y_0 = 0,428 \text{ sN}$ бўлсин (4-график), у ҳолда $X_1 > 0,46$ (яъни кодировкаланган ҳарорат 0,46 дан катта бўлса) бундай адгезия кучини олиш учун ишлов вақти (кодировкаланган) $-0,45$ катта бўлиши керак, тажриба режимида бундай зичликда натижаси олинмаган (яъни мос ишлов вақти мавжуд эмас), агар масалан $X_1 = 0,46$ (кодировкада) бўлса, унга мос ишлов вақти (кодировкада) расмга кўра $X_2 = 0$ га тенг бўлиши керак (бу ўрта ишлов вақтига мос келади). Агарда $X_1 = -0,46$ бўлса, $X_2 = 0,2$ га тенг бўлиб, ишлов вақтини ошириш зарурлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Тут ипак қуртининг ингичка толали пиллаларини чувиш учун тайёрлаш жараёни ва ундан сифатли “3А” синфига мос хом ипак ишлаб чиқариш учун таъсир этувчи омиллар назарий ва амалий тадқиқ этилди.

Илгич остидаги дастада чувилаётган пиллаларнинг сувли муҳитда айлана маркази бўйлаб зич тартибда жойлашган тизимининг ҳаракати, пилла ипини қобикдан ажралишидаги таъсир қилувчи кучларини ҳисобга олган ҳолда чувиш жараёни назарий томондан тадқиқ қилинди ва дастанинг математик модели курилди.

Ингичка толали “Майин тола-1” ва “Майин тола-2” дурагайлари пиллаларини пиширишдаги вақт ва ҳароратларни рационал қийматлари аниқланди.

Пилланинг пишганлик даражасини чувиш жараёнига боғлиқлиги, сифатни пасайиш сабаблари, чувиш тезлигини танлаш бўйича статистик ишлов бериш орқали ипни қобикдан ажралиш адгезия кучи назарий томондан ҳисобланган ҳамда тажрибаларнинг ишончлилиги 98,2% эканлиги исботланди. Чувиш учун белгиланган тезликларнинг адгезия кучига боғлиқ ҳолда максимал ва минимал қийматларини чегаралари аниқланган.

REFERENCES

1. Chen, S., Liu, M., Huang, H., Cheng, L., Zhao, H.-P. Mechanical properties of Bombyx mori silkworm silk fibre and its corresponding silk fibroin filament: A comparative study / *Materials and Design* 2019 y. 181,108077.
2. Kh, A., Kh, U. K., Khaydarov, S., Nabijonova, N., & Aripjonova, D. (2019). New assortment of natural silk products. *J.“JARSET” International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology*, 6(3), 8568-8571.
3. Умурзакова Х.Х., Закирова Д.Х., Ахмедов Ж.А. Пилла қобиғи хусусиятларининг тадқиқоти// Ташкент. Ж. Тўқимачилик муаммолари -2017. - №3. -Б.60-64.
4. Alimova Kh.A., Umurzakova Kh.Kh., Akhmedov J.A., Aripjanova D.U., Rasulova N. A new type of medical gauze of natural silk with antiseptic properties. *J. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE)*. INDIA. November 2020. e-ISSN: 2319-8753, p-ISSN: 2320-6710, Tom 9. №11. -P. 10669-10674.
5. Alimova Kh.A., Umurzakova Kh.Kh., Akhmedov J.A., Aripjanova D.U., Sharipov J.A. New range of raw silk twisted threads. *J. The American journal of*

- engineering and technology (TAJET). AMERICA. November 2020. Tom 2. №11. P. 166-173.
6. Khabibullaey D.A., Aripjanova D.U., Umurzakova Kh.Kh., Maxkamov Kh.P. Producing yarn from mixed fibers. J. International Journal of Innovative research (IJIRSET) ISSN:2319-8753, Volume-10, Issue-3. March 2021. -P. 1876-1879.
 7. Sobirov Q.E., Mardonov B.M., Akhmedov J.A., Ermatov Sh.Q., Umurzakova Kh. Investigation of the process of removing the thread from the surface of the cocoon in an aquatic environment. Journal of Physics: Conference Series, 2021 J. Phys.: Conf. Ser. 1889 042044. Scopus.
 8. Alimova Kh.A., Bobatov U.A., Akhmedov J.A., Sobirov Q.E., Umurzakova Kh. The formation of defects during the reeling of raw silk. Journal of Physics: Conference Series, 2021 J. Phys.: Conf. Ser. 1889 042049. Scopus.
 9. Ermatov Sh.K., Axmedov J.A., Sobirov K.E., Sharipov J.Sh., Umurzakova Kh. Exploration of the Belly Characteristics of Living Cocoons Grown in Repeated Seasons. Annals of R.S.C.B., ISSN: 1583-6258, Vol. 25, Issue 1, Accepted 05 January 2021, Pages. 4275 - 4282.
 10. Умурзакова Х.Х., Атабаев И.Х., Турсунов Т.Д., Ортикова Э.З., Холдарова С.Ш. Биринчи ва тўртинчи мавсумда етиштирилган пиллалар қобиғининг хусусиятлари. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Scientific Journal Impact Factor. VOLUME 1 ISSUE 9. ISSN 2181-1784. 2021. P.291-300.
 11. Умурзакова Х.Х., Закирова Д.Х. Сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун пилла ипи хусусиятларини тадқиқи // “Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишда илм-фан интеграциялашувини ўрни ва долзарб муаммолар ечими” халқаро илмий-техникавий анжуман. I-қисм. Марғилон ш., 27-28 июл 2017 йил. -С. 227-231.
 12. Умурзакова Х.Х., Гуламов А.Э., Мардонов Б.М., Закирова Д.Х. Определение закона движения центра - масс кокона и натяжения нити при переменной скорости мотовила // Проблемы текстиля. -Ташкент. - 2018. -№3. - С.91-98.
 13. Kh. Umurzakova, Kh. Alimova, S. Holdarova. The law of motion in determining the tension of the cocoon thread // International journal on orange technology, e-ISSN: 2615-8140 | p-ISSN: 2615-7071 Volume: 4 Issue: 7 |Jul 2022. P.33-41.
 14. N.N. Nabidjanova, Kh. Kh. Alimova, Kh. Kh. Umurzakova, Sh. A. Usmanova, J. A. Akhmedov. Dependence of the diameter of the thread on the parameters of the

- body structure and the deformability of the knitwear // Proceedings of the II International Conference on Advances in Materials, Systems and Technologies AIP Conf. Proc. 2467, 060048-1–060048-8; <https://doi.org/10.1063/5.0093701>(scopus).
15. Алимova X.A., Гуламов A.Э., Кабулова H.Ж. Основы производство высококачественного шелка-сырца из живых коконов // Ж. Проблемы текстиля -2006. -№2. -С. 62.
16. Эсанова Ш.М. БФМ қўллаб этиштирилган пилланинг технологик хусусияти // Ж. Тўқимачилик муаммолари - 2004. -№4.-Б. 61-63.
17. Islambekova N.M., S.S.Khaydarov “Investigation of the quality indicators of raw silk with a high linear density” Middle European Scientific Bulletin, VOLUME 5, OCTOBER 2020. P 74-76.
18. S.S. Khaydarov, N. M. Islambekova, N.M.Muxiddinov, N.F.Rasulova (2020). Increasing the yield of raw silk based on the study of reducing the anisotropy of the cocoon shell. The American Journal of Engineering and Technology, 2(09), 91-97.
19. N.M.Islambekova, U.N. Azamatov, J.A.Akhmedov, S.S.Khaydarov, G.A.Yusupkhodjayeva, N.Muxiddinov “Investigation of unwinding speed based on the process of separating the thread from the surface of the cocoons” International journal of advanced research in science engineering and technology Vol.6. Issue 5, May 2019 y. 9136-9141 b.
20. Бастамкулова X.Д., Алимova X.A., Ахмедов Ж.А., Усманова Ш.А. Природная волокна - как нанообъекты // Проблемы текстиля. -Ташкент. - 2018. -№3. -С.98-103.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO‘JALIGINI
ZAMONAVIY SUV TEJAYDIGAN TEXNOLOGIYALARNI JORIY
ETISHNING ILMIY ASOSLARI**

Qodirov Zayniddin Zaripovich

TIQXMMI MTU Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti.

Ilmiy tadqiqotlar innovatsiyalar va ilmiy pedagog kadrlar
tayyorlash bo‘lim boshlig‘i. q.x.f.f.d., v.b. dotsent

Babamurodov Anvar Baxtiyorovich

TIQXMMI MTU Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti.

Marketing va talabalar amaliyoti bo‘lim boshlig‘i

ANNOTATSIYA

Maqolada bir qancha global muammolar asnosida respublikamiz hududidagi daryolar sathining kamayishi, sug‘oriladigan yerlarda suv tanqisligining kuzatilishi sababli qishloq xo‘jaligini zamonaviy suv tejaydigan texnologiyalarni joriy etish uchun tomchilatib, yomg‘irilatib va diskretli sug‘orishlarni aniq keltirilgan prognozlik faktlar asosida o‘rganilgan. Respublikamiz hududida o‘rganishlar natijasida 430000 ga yerdan 210739 ga yer hududini tomchilatib sug‘orish zamonaviy suv tejaydigan texnologiyalari ishida eng maqbul usuli ekanligi aniqlangan, bu taxminan 50% ni tashkil qiladi va Respublikamiz hududida tomchilatib sug‘orishni keng miqyosda joriy etilishi kerak ekanligini dalolat beradi.

Kalit so‘zlar: tomchilatib, yomg‘irilatib, zamonaviy suv tejaydigan texnologiya, suv, sug‘orish, qishloq xo‘jaligi.

ANNOTATION

In the article, due to the decrease in the level of rivers in the territory of our republic, the observation of water shortage in the irrigated lands due to several global problems, drip, sprinkler and discrete irrigation for the introduction of modern water-saving technologies are studied on the basis of clearly presented prognostic facts. As a result of studies in the territory of our republic, it was determined that drip irrigation is the most optimal method in the work of modern water-saving technologies from 430,000 to 210,739 hectares of land, which is about 50% and indicates that drip irrigation should be introduced on a large scale in the territory of our republic .

Keywords: drip, sprinkler, modern water-saving technology, water, irrigation, agriculture.

KIRISH

Dunyo davlatlarida texnika-texnologiyalarning rivojlangan sari uning ortidan kattagina mashtabdagi global muammolarni ham o'zi bilan hamroh qilib kelmoqda. Maslan, yirik ishlab chiqarish metallurgik, kimyo-sanoati va oddiy avtomobillardan chiqadigan gazlar ortidan global isish tufayli tog'li regionlarda muzliklarning chegarasining erish natijasida qisqarishi, ular hajmining kamayishi yaqin 20 yilda daryolar oqimi, hususan, respublikamiz hududidan oqib o'tuvchi daryolar, Amudaryo, Sirdaryo va Zarafshonga quyiladigan suvlarning 30-40% ga qisqarishi mumkin bo'lib, mintaqaga jiddiy muammolar tug'dirishi, qurg'oqchilik yillarda Amudaryoning quyi qismida suv minyeralizatsiyasining o'rtacha yillik miqdori 1,5-2 martaga ortishi mumkin.

XX asir oxiriga kelib O'zbekistonda harorat dinamikasi rejimining kuzatuvlari shuni ko'rsatdiki, maksimal haroratning o'sish sur'ati yiliga 0,20-0,23 darajaga, minimal esa minus 0,3-0,4 darajani tashkil qildi. Shunga asoslangan holda, 20 yildan keyin respublikamiz vohalarida o'rtacha yillik harorat 2-4 darajaga va vodiy hamda janubiy qismida esa 1-2 darajaga ortadi.

Iqlim o'zgarishi natijasida suv yuzalaridan suvning bug'lanish ko'rsatkichi 16-17% gacha, o'simliklar transpiratsiyasi va sug'orish me'yorlarining ortishi tufayli suvning 20-25% dan ko'prog'i sarflanishiga olib keladi. Bu esa suvning tiklanmay iste'mol qilinishini o'rta hisobda 18-20% ga ortishiga olib keladi. Bu, shubhasiz, qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining keyingi o'sishini qiyinlashtiradi.

METODOLOGIYA

Maqolaning kirish qismida keltirilgan global muammolarni asnosida Respublikamiz Prezidentining 2020 yil 11 dekabrda PQ-4919-son qabul qilingan qarorlarida keltirilgan prognoz ko'rsatkichlaridan foydalanib hozirgi kunda iqtisodiy jihatdan maqbul bo'lgan suvni tejaydigan texnologiyani o'rganib raqamlar asosida tahlil qilamiz va asoslaymiz. Respublikamizda so'nggi yillarda qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirishda suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy etishga alohida e'tibor qaratildi, hamda davlat tomonidan qo'llab-quvvatlanayotganligi natijasida 2020-yilning o'zida qo'shimcha 133 ming gektar maydonda suvni tejaydigan texnologiyalar joriy etildi. Biroq, tobora kuchayib borayotgan suv taqchilligi hamda suv resurslariga bo'lgan ehtiyoj o'sib borayotgani qishloq xo'jaligida suvdan foydalanish samaradorligini keskin oshirishni talab etmoqda. Shu boyizdan Respublikamiz Prezidentining 2020 yil 11 dekabrda PQ-4919-son qarori qishloq xo'jaligida suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy etishni rag'batlantirish

mexanizmlarining samaradorligini oshirish, sug'oriladigan maydonlar suv bilan barqaror ta'minlanishiga erishish maqsadida, qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirishda sug'orishning zamonaviy texnologiyalar tomchilatib va yomg'irilatib sug'orish tizimlarini hamda erni lazerli uskuna yordamida tekislagan holda diskretli sug'orish usulini joriy qilish sur'atini besh barobarga oshirish, ya'ni 2021-2022 yillar oralig'ida 230 ming gektar maydonda mazkur texnologiyalarni joriy qilish hamda sug'oriladigan 200 ming gektar maydonlarni lazerli uskuna yordamida tekislash orqali suvdan foydalanish samaradorligini oshirish bo'yicha reja ishlab chiqilgan.

NATIJALAR VA ULARNING MUHOKAMASI


Mazkur rejaning prognoz ko'rsatkichlarga muvofiq qishloq xo'jaligi kesimida manzilli dasturlar ishlab chiqib, 2021-yil yakuniga qadar respublika bo'yicha kamida 160 ming gektar paxta, 30 ming gektar mevali ekinlar, 15 ming gektar uzum va 5 ming gektar boshqa ekinlar yetishtiriladigan maydonlarda tomchilatib sug'orish, 14 ming gektar donli ekinlar, 2 ming gektar sabzavot va poliz hamda 2 ming gektar ozuqabop ekinlar yetishtiriladigan maydonlarda yomg'irilatib sug'orish, 600 gektar paxta yetishtiriladigan maydonlarda diskretli sug'orish texnologiyalarini joriy qilishni nazarda tutilgan

1-jadval

2021-2022 yillar davomida qishloq xo'jaligi yerlarida suvni tejaydigan texnologiyalarni joriy qilishning prognoz ko'rsatkichlari

Hudud nomi	Umu miy reja	Shundan, ming ga										
		Tomchilatib sug'orish	shundan				Yomg'ir latib sug'orish	shundan			Diskretli sug'orish (paxta)	Yerni lazerli tekislash
			Paxta	Bog'	Tok	Boshqalar		G'alla	Sabzavot, poliz	Ozuqabop ekinlar		
Respublika bo'yicha jami	430,00	210,74	160,34	29,64	15,66	5,10	18,64	14,74	1,73	2,17	0,62	200,00
Qoraqalpog'iston Respublikasi	45,42	7,32	5,55	0,44	0,33	1,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,10	38,00
Andijon viloyati	44,33	27,99	27,11	0,74	0,14	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	16,34
Buxoro viloyati	22,82	17,44	15,00	1,10	0,54	0,80	0,00	0,00	0,00	0,00	0,40	4,98
Jizzax viloyati	61,45	41,45	27,69	7,25	6,46	0,06	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	20,00
Qashqadaryo viloyati	50,41	27,60	23,47	3,33	0,81	0,00	14,11	11,26	1,25	1,60	0,00	8,70
Navoiy viloyati	14,90	9,40	6,93	0,57	0,72	1,19	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	5,50
Namangan	21,62	8,29	3,23	3,59	1,07	0,40	0,23	0,06	0,17	0,00	0,02	13,08

viloyati													
Samarqand viloyati	29,13	19,15	13,27	2,53	3,03	0,31	0,18	0,00	0,18	0,00	0,00	0,00	9,80
Surxondaryo viloyati	27,62	13,08	7,67	4,04	0,67	0,71	0,11	0,03	0,01	0,08	0,00	0,00	14,43
Sirdaryo viloyati	23,66	5,64	5,00	0,64	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,10	0,00	17,92
Toshkent viloyati	22,79	5,48	3,20	1,20	0,44	0,64	1,31	0,70	0,12	0,49	0,00	0,00	16,00
Farg'ona viloyati	40,18	21,68	18,00	2,23	1,45	0,00	2,70	2,70	0,00	0,00	0,00	0,00	15,80
Xorazm viloyati	25,68	6,24	4,24	2,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	0,00	19,44



1-rasm. Respublikamiz viloyatlar kesimi bo'yicha 2021 yilda joriy etilishi rejalashtirilgan zamonaviy sug'orish texnologiyalarini taqsimlanish gistogrammasi

Prognoz ko'rsatkichlarga muvofiq qishloq xo'jaligi kesimida manzilli dasturlar asosan 1-rasmdan ko'rish mumki, tomchilatib sug'orish respublikamizning barcha hududlarida o'rganib rejalashtirilgan. Yurtimizda tomchilatib sug'orishning quyidagi afzalliklari mavjud: ildizlar to'ppak bo'lib o'sadi, o'simlik ildizini chuqurga yubormaydi, suv va o'g'itlarni etkazib berish osonlashadi. Ammo gistogrammadan Qashqadaryo, Farg'ona va Toshkent viloyatining ayrim hududlarida, yomg'irlatib sug'orishni talab etadi. Buning asosiy sabalaridan biri bu hududlarda tomchilatib

sug'orishdagi afzalliklarga zid ravishda tabiatda kuzatiladigan tabiiy hodisalarga bog'dir.

XULOSA

O'rganilgan prognoz ko'rsatkichlardan quyidagilarni xulosa qilish mumki, zamonaviy suv tejaydigan texnologiya sifatida tomchilatib sug'orishda respublikamizning barcha hududlarida o'rganib rejalashtirilgan va eng keng qamrovli sug'orish usullaridan biri hisoblaniladi. Tomchilatib sug'orish usulining respublikamizning shamolli hududlaridagi asosiy kamchiligi o'simlik ildizini chuqurroq ildiz otmasligi boyiz, hosil bo'ladigan namlni tezda qurib qolishi Qashqadaryo, Farg'ona va Toshkent viloyatining ayrim hududlarida, yomg'irnatib sug'orishni talab etadi. Shuning uchun respublikamiz hududlarida birinchi navbatda tomchilatib sug'orish va yuqorida ko'rsatgan ayrim hududlarda yomg'irnatib sug'orishni keng joriy qilish oldimizda turgan melioratsiyaga tizimidagi yanada chuqur izlanilishi kerak bo'lgan dolzarb muammolardan biri hisoblaniladi.

REFERENCES

1. Xamidov M.X., Botirov Sh.Ch., Suvanov B.U., Yulchiye D.G. "Suv resurslarini o'lchovi va vositalar" O'quv qo'llanma. T.: TIQXMMI, 2019, 180 b.
2. Xamidov M.X., Begmatov I.A., Isaev S.X., Mamatov S.A. "Suv tejamkor sug'orish texnologiyalari" O'quv qo'llanma. T., TIMI bosmaxonasi, 2015. 243 bet.
3. Xamidov M.X., Shukurlaev X.I., Mamataliev A.B. "Qishloq xo'jaligi gidrotexnika melioratsiyasi". Darslik. T. Sharq, 2009, 379 bet.
4. Xamidov M.X., Suvanov B.U., Isabaev K.T. Sug'orish melioratsiyasi, Oliy o'quv yurtlari uchun o'quv qo'llanma. –T.: TIQXMMI, 2019: -292 b.
5. Akbarov A., Nazaraliev D., Hikmatov F., 2008. "Gidrometriya" O'quv qo'llanma. T., TIMI bosmaxonasi, 2008. 155 bet.
6. Norqulov U., Shyeraliev H. "Qishloq xo'jaligi melioratsiyasi". Darslik. T. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2003, 204 bet.
7. Raximbaev F.M. va boshqalar. "Qishloq xo'jaligida sug'orish melioratsiyasi". Darslik. T. "Mehnat", 1994, 327 bet.
8. Рахимбаев Ф.М. "Практикум по сельскохозяйственным гидротехническим мелиорациям". Т. Мехнат. 1991, - С 391.
9. <https://www.ziyo.net>.
10. <https://www.water.gov.uz>. 282 M
11. <https://lex.uz>.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ АМУДАРЁ ҚИРҒОҚ ҲИМОЯ ИНШОТЛАРИ, УЛАРДАГИ САЛБИЙ ҲОЛАТЛАР ВА САБАБЛАРИ, “ДЕЙГИШ” ҲОДИСАСИ

Сайидов Малик Темирович,

Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти “Дарё, канал ва иншоотлар гидравликаси” лабораторияси мудири, PhD.

Мамарахимов Темурмалик Акмал ўғли,

Сув хўжалиги вазирлиги мутахассиси, ТИҚХММИ “Миллий тадқиқот университети” 2-босқич магистри.

Холмуродов Нурмухаммад Данобой ўғли,

Сув хўжалиги вазирлиги мутахассиси,

Тадқиқотчи Абдулхаев Эраж

Тадқиқотчи Ахмадов Сафарали

Тадқиқотчи Мейликулов Саидали

АННОТАЦИЯ

Мазкур тадқиқот жараёнида Хоразм вилояти амударё қирғоқ ҳимоя иншоотлари хусусида фикрлар баён этилди. Амударё Республикамиз қишлоқ хўжалиги ва бошиқа соҳаларда муҳим аҳамиятли трансчегаравий дарё, асосий сув манбаси ҳисобланади. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида дарё аҳоли яшаш жойлари ҳамда қишлоқ хўжалиги экин майдонларига жуда яқин, улар орасидан оқиб ўтади.

Калит сўзлар: шпора, банкет, дамба, тўғон, дейгиш, сув сатҳи, сув сарфи, ўзан.

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования были высказаны мнения о береговых защитных сооружениях Амударья Хорезмской области. Амударья является важной трансграничной рекой и основным источником воды в сельском хозяйстве и других отраслях нашей Республики. В Хорезмской области Республики Каракалпакстан река протекает в непосредственной близости от жилых массивов и сельскохозяйственных угодий и протекает через них.

Ключевые слова: шпора, банкет, плотина, плотина, плотина, уровень воды, водопотребление, узан.

ABSTRACT

In the course of this research, opinions were expressed about the Amudarya coastal protection structures of Khorezm region. Amudarya is an important

transboundary river and main water source in agriculture and other fields of our Republic. In Khorezm Region, Republic of Karakalpakstan, the river is very close to residential areas and agricultural fields and flows through them.

Keywords: spur, banquet, dam, dam, dam, water level, water consumption, uzan.

КИРИШ

Амударё, Хоразм вилоятининг бир қанча туманлари Тупроққала тумани, Хазарасп тумани, Боғот тумани, Хонқа тумани, Янгибозор тумани, Урганч тумани ва Гурлан туманларидан 210 км масофада оқиб ўтади. Ушбу ҳудудларда ўзан ростлаш, тошқинларнинг олдини олиш мақсадида 120 та шпора ва банкетлар, шундан 100 таси шағал, тош тўкмалар ва 20 тасида эса тупроқ ишларини бажариш асосида қурилган. Қирғоқ ҳимоя иншоотлари шпора, банкетларнинг кўпчилиги қисми асосан 1980-1985 йилларда қурилган [2].

Ҳозирги кунгача Республика ва вилоят миқёсида Амударё қирғоқ бўйи ҳудудларида тошқинларнинг олдини олиш, аҳоли ва қишлоқ хўжалиги майдонларини сув босишидан асраш ва дарёда оқимни беҳатар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят Фавқулотда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги қарор, баёнлари, буйруқлари билан белгиланган муддатлар Амударё қирғоқ ҳимоя иншоотлари дамба ва шпораларда қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилиб, тошқин ва сел сувларини талофатсиз ўтказиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиб борилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Маҳаллий аҳоли томонидан узоқ йиллардан буён Амударёда кузатиладиган ҳодиса “дейгиш” атамаси мавжуд бўлиб, бунга соҳада фаолият юритган кўплаб ирригаторлар, олимлар томонидан аниқ тушунчалар бериб ўтилган. “Дейгиш” ҳодисаси деб, Амударёда баҳорги мавсумларда тошқин ва сел сувларининг келиши сабабли дарёда сув сатҳининг табиий равишда (2 метргача) кескин кўтарилиши ва кейинчалик тушуши билан дарё қирғоқларининг (айниқса тик қирғоқларида) ўприлиб, ювилиб тушишига айтилади. Мавсум ва сув сарфининг ўзгариши билан дарёнинг морфологик тузилишининг ўзгариши яққол намоён бўлиб, кўп сувлилик вақтларида ўзаннинг ювилиши ва камсувлиликда эса кўмилиши, ўзанда кичик-кичик турли

оролчалар пайдо бўлиши юзага келади. Амударё морфологик хусусиятлари жиҳатидан Хитойдаги Хуанхе дарёсига қиёсланади.

*Амударёнинг Хоразм вилоятидан оқиб ўтувчи ҳудудларида қурилган қирғоқ
ҳимоя иншоотлари кўрсаткичлари*

1-жадвал

Хазарасп тумани бўйича						Гурлан тумани бўйича					
№	шпора рақами	қурилган йили	узунлиги (м)		оралик масофаси	№	шпора рақами	қурилган йили	узунлиги (м)		оралик масофаси
			лойи-хада	амал-да					Лойи-хада	Амал-да	
0	1	2	3	4	5	0	1	2	3	4	5
1	1		420	–		1	143		850	670	500
2	3	1988	1130	120		2	143 а		–	300	640
3	5		830	–		3	145		800	320	600
4	7		650	–		4	147		600	272	1140
5	9		450	–		5	147 а		–	480	764
6	11		300	–		6	149		800	710	1160
7	13	1979	950	510		7	151		1250	486	1200
8	15	1980	1040	310	550	8	153		1350	636	850
9	17	1981	1530	1010	1000	9	155		950	950	
10	19	1982	1710	640	900	10	155 а		–	326	920
11	21	1988	1260	850	790	11	157		1250	860	1214
12	21 а	1991	–	700	490	12	159		650	808	1140
13	23	1987	950	480	430	13	161		700	1105	730
14	25	1989	770	410	770	14	163		850	885	630
15	27	1982	950	640	830	15	165		800	970	912
16	29	1978	1350	1050	1310	16	141 а		–	800	335
17	31	1978	1350	1200	900	17	153 а		–	98	355
18	33	1978	900	1090	990	18	153 б		–	200	
19	35	1983	950	190	1190	19	165 а		–	846	435
20	37	–	850	–	930	20	167 а		–	816	480
21	39	1984	1620	–	940	21	167		350	410	888
22	41	1984	1530	265	1370	22	169		400	174	798
23	43	1979	1000	–		23	171		800	660	1070
24	45	1980	450	100	1000	24	173		920	900	1340
25	47	1981	720	170	830	25	175		600	670	

26	49	1982	810	270	1230	26	177		600	–	
27	51	1993	720	430	1370	27	179		600	–	
28	53	1983	590	310		28	181		600	–	
29	55	1983	910	25	1500	29	183		700	–	
30	57	1984	1030	1300	3000	30	185		1000	524	
31	59	1984	1800	392	800	31	187		1250	570	
32	59 a	1989	–	800		32	189		1000	–	
33	61	1989	1200	400	900	33	191		1320	1200	
34	61 a	1991	–	480	1500	34	193		700	690	
35	63	1989	950	600	1300	Янгибозор тумани бўйича					
36	63 a	1991	–	500	1000	1			600	720	
37	65	1984	770	650	1800	2			600	490	1600
38	67	1982	680	160	4000	3			650	550	820
39	69	1982	1080	180	840	4			600	600	930
40	71	1981	1260	360	3000	5			500	304	800
Урганч тумани бўйича						6			800	762	900
1	73		1350	–		7			150	110	1000
2	75		1830	800		8			100	220	800
3	77		2260	2145		9			850	400	800
4	79		2800	2120		10			900	180	1000
5	81		2700	2040	2070	11			1150	370	600
6	83		700	645	1050	12			450	300	700
7	85		700	850	1850	13			1200	1200	1100
8	87		1050	1160	990	14			1000	1040	1200
9	89		700	690	900	15			–	1100	1010
10	91		700	305	950	16			1000	1040	630
11	93		800	260	610	17			1600	900	1316
12	95		500	446	997	Қизилқум ҳудудлари бўйича					
13	97		650	270	1495	1	1 a	1989	–	50	
14	97 a		–	20		2	1	1992	450	145	400
15	99		750	766	420	3	2	1990	845	845	800
16	101		700	780	406	4	3	1991	1065	1065	1600
17	103		700	562	720	5	4	1997	1215	1200	
18	105		750	500	818	6	5	1987	730	420	900
19	105 a		–	622	605	7	6	1985	1900	750	2900
20	107		600	600	518	8	7	1993	1450	500	2000
21	109		350	630	1026	9	11	1994	695	695	5000

22	109 a		260	360		10	8	1994	633	630	
						11	10	1992	272	300	2300
						12	12	1995	560	210	1600

Тупроққала тумани ҳудуди. Ушбу ҳудудда Амударёда ўзан ҳимояловчи иншоотлар 20 дона шпора ва банкетдан иборат. Уларнинг умумий узунлиги 24 км ни ташкил қилади. 5 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги майдонлари ва аҳоли яшаш манзиллари жойлашган.

Хазорасп тумани ҳудуди. Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 15 дона ўзани тўғирловчи шпоралар ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1980-1994 йиллар давомида қурилган. Амударёнинг бу туман ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмининг умумий узунлиги 40 км дан ортиқроқ. Кейинги 4 йилларда Хазорасп туманидаги 17, 19, 27, 29, 33, 35, 39 ва 41-сонли шпораларда сув тошқини даврида емирилиши ва дегиш олиши кузатилади.

Урганч тумани ҳудуди. Дарё бўйида Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 22 дона ўзани тўғирловчи шпоралар ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1979-1982 йилларда қурилган.

Гурлан тумани ҳудуди. Дарё бўйида Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 30 дона ўзани тўғирловчи, ҳимояловчи шпоралар, траверс ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1969-1996 йилларда қурилган.

Янгибозор тумани ҳудуди. Дарё бўйида Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 17 дона ўзани тўғирловчи шпоралар ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1975-1998 йилларда қурилган.

Хонқа тумани ҳудуди. Амударё бўйида Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 14 дона ўзани тўғирловчи шпоралар ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1981-1991 йилларда қурилган. Амударёнинг туман ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми 36 км ни ташкил қилади.

Боғот тумани ҳудуди. Амударё бўйида Қарамази-Қиличбой ирригация тизими бошқармаси ҳисобида бўлган мавжуд 6 дона ўзани тўғирловчи шпоралар ҳамда 1, 2, 3-қатор ҳимоя дамбалари 1969-1983 йилларда қурилган. Амударёнинг бу туман ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмининг умумий узунлиги 20 км ни ташкил қилади.

Ҳар йили тошқин ва талофатларнинг олдини олиш, дарёдаги оқимни беҳатар ўтказиш мақсадида Амударё қирғоқ ҳимоя иншоотларини қуриш ва

таъмирлаш бўйича Ирригация тизимлари бошқармаси, эксплуатация ва тегишли ташкилотлар томонидан давлат бюджети ҳисобидан катта ҳажмдаги ишлар бажарилади.

2010 йилда Амударёда кузатилган катта сув сарфи натижасида Хоразм вилояти қатор туманларида, дарё ўзанида жойлашган қирғоқ ҳимояловчи иншоотларга талофат етди. Сув омборидан катта миқдорда сувнинг чиқарилиши натижасида ушбу 2010 йилда Хоразм вилоятининг бир қанча туманлари дарё бўйи ҳудудларида кучли сув тошқини, қирғоқ ҳимояловчи дамба ва тўғонларда ювилишлар кузатилди.

Хазорасп тумани–Тупроққала ҳудудида 2010 йил сув тошқини даврининг июл-август ойларида 4-шпора бутунлай, 5,6,10,11-сонли ўзани тўғирловчи шпоралар, айниқса 1-қатор ҳимоя дамбаси ювилиб кетиб пахта ва ғалла экин майдонларига жиддий зарар етказилди.

Хазорасп тумани– 2010 йил сув тошқини даврида 25, 27, 29, 33, 35, 39, 41-сонли ўзани тўғирловчи шпорларнинг емирилиши ва дегиш олиши натижасида жуда катта гектарда экин майдонларига жиддий зарар етказилади.

Боғот тумани– 2010 йил сув тошқини даврида 47, 51, 51а, 59-сонли ўзани тўғирловчи шпорларнинг емирилиши ва дегиш олиши натижасида 155 гектар экин майдонларига зарар етказилади.

Хонқа тумани– 2010 йил сув тошқини даврида 61, 61а, 63, 63а, 71-сонли ўзани тўғирловчи шпорларнинг емирилиши ва дегиш олиши натижасида экин майдонларига зарар етказилди.

Урганч тумани– Сув тошқини даврида 83, 85, 87, 89 91, 103, 105, 109-сонли ўзани тўғирловчи шпорларнинг емирилиши ва дегиш олиши натижасида экин майдонларига зарар етказилди.

Янгибозор тумани– 2010 йил сув тошқини даврида 111, 121, 123, 135,137, 139, 141-сонли ўзани тўғирловчи шпорларнинг емирилиши ва дегиш олиши натижасида ўнлаб гектар экин майдонларига зарар етказилади.



*Расм 1. Амударёнинг Хоразм вилояти ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида
“дейғиш” кузатилиши, шпора ва дамбалар кўриниши.*

Ўрганилган сабаблари. 2010 йил Амударёда сув сарфининг кескин ортиши кузатилди. Дарганата сув ўлчаш нуқтаси Қизилқум ҳудудида, Туямўйин сув омборининг бошланғич қисми, дарёнинг сув омборига қуйилиш қисми ҳисобланиб бу йили оқим ушбу нуқтада $5000 \text{ м}^3/\text{с}$ гача (3-расм), Қипчоқ сув ўлчаш нуқтасида эса оқим сарфи $2500 \text{ м}^3/\text{с}$ гача кузатилди (3 расм). Бунинг натижасида Туямўйин сув омборида сувнинг ҳажми ортиб кетди. Сув омбори тўғонининг лойиҳа бўйича энг катта сув сатҳи 130 м.б.с ни ташкил қилади ва шунга мўлжалланган. Тўғоннинг асоси, нол отметкаси қиймати 111,03 м.б.с га тенг. Ушбу 2010 йил давомида эса сув омборида сақланган сувнинг сатҳи ўртача отметкаси 129,05 м.б.с ни ташкил қилди (2-расм, 1-жадвал). Бу эса сув

омбори учун жуда катта кўрсаткич бўлиб йил давомида катта миқдорда сув сақланганлигини билдиради. Кейинги 10 йилдан ортиқ муддатда сув омборида бундай сув сарфи кузатилмаганлиги маълумотлар таҳлили асосида аниқланди.

Айнан Тупроққала ҳудудида дарё ўзани туби 1982 йилдан 2012 йиллар давомида 1,5 метрга яқин кўтарилган, дарёнинг сув ўтказиш қобилияти камайган [1], сув омбори тўғонининг йиллик ўртача отметкасининг 129,05 м.б.с. ни ташкил қилишига яна бир сабаб ҳозирда сув омбори ўзан туби катта миқдорда кўмилганлиги ва сув омборининг фойдали ҳажми камайганлиги сабаблидир.

Дарёда йил давомида катта миқдорда сув келганлиги сабабли уни иложи борича сув омбори тўлдирилиб, қолган қисми эса пастки бўёфга катта миқдорда чиқарилиши Амударёнинг Хоразм вилояти ҳудудидаги тошқинларнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

2010 йил ҳар бир ойлар учун Туямўйин сув омбори тўғони сақланган сувнинг сатҳи отметкаси (ўртача, энг юқори, энг кичик,) қиймати [3].

1-жадвал


Рақам	Ойлар											
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2010 йил												
1	1882	1860	1817	1555	1732	1830	1895	1884	1877	1869	1849	1812
2	1890	1862	1602	1609	1865	1827	1878	1842	1863	1858	1883	1669
3	1894	1890	1320	1713	1838	1866	1868	1897	1863	1823	1869	1595
Ўртача.	1889	1869	1571	1626	1812	1841	1880	1875	1868	1849	1867	1689
Юқори.	1897	1896	1870	1726	1897	1883	1897	1897	1897	1870	1883	1856
Кичик.	1877	1846	1237	1513	1726	1791	1856	1820	1863	1806	1818	1578

Сув омбори тўғонида сақланган сувнинг ўртача отметкаси қуйидагича аниқлаймиз.


$$\begin{aligned}
 H_{\text{ўрт.отм}} \text{ йиллик} &= \left(\frac{H_{\text{ўр.отм}} \text{ январь}}{100} + H_{\text{тўғ.отм}} \right) + \left(\frac{H_{\text{ўр.отм}} \text{ февраль}}{100} + H_{\text{тўғ.отм}} \right) + \\
 &+ \dots + \left(\frac{H_{\text{ўр.отм}} \text{ декабрь}}{100} + H_{\text{тўғ.отм}} \right) = \left(\frac{1889}{100} + 111,03 \right) + \left(\frac{1869}{100} + 111,03 \right) + \\
 &+ \dots + \left(\frac{1689}{100} + 111,03 \right) = \left(\frac{129,03 + 129,72 + \dots + 127,92}{12} \right) = 129,05
 \end{aligned}$$

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики январь ойининг 25 кунидан то 28 кунигача 4 кун, май ойининг 15 кунидан 18 кунигача 4 кун, июль ойининг 4 кунидан 12 кунигача 9 кун, август ойининг 1 кунидан 5 кунигача 5 кун, ва 21 кунидан 31 кунигача 10 кун, жами йилнинг 32 кунни давомида тўғондаги максимал сув сатҳи отмекаси 130 мбс да турган ва кузатилган.


Шунингдек, сув омборида сақланган сувнинг йиллик ўртача отмекаси 129,05 мбс га тенглиги аниқланди. Мазкур кўрсаткич Туямўйин сув омборининг 2010 йилда тўлиқ тўлдирилганлиги ва максимал ҳажмда сув йиғилганлигини билдиради.



Расм 2. Туямўйин сув омбори тўғонида 2010 йилдаги сақланган сув сатҳи отмекаси ўзгариши графиги [2].



Расм 3. Дарганата сув ўлчаш нуқтасида сув сарфи ва сатҳи орасидаги боғланиш графиги [2].



Расм 4. Қипчоқ гидростидида сув сарфи ва сатҳи орасидаги боғланиш графиги.

ХУЛОСА

Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳавfli вазиятларнинг олдини олишда, уларнинг такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида Ирригация тизимлари бошқармаси, фойдаланиш ташкилотлари ва тегишли бошқа ташкилотлар томонидан ҳар йилда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу 2010 йилда дарёда кузатилган сув сарфи оқибатларидан келиб чиқиб яна ушбу миқдорда (айнан Қипчоқда 2500 м³/с, Дарганата 5000 м³/с) сув сарфи такрорланса яна 2010 йилдаги каби дарё қирғоқларида ювилишлар, тошқинлар содир бўлиши мумкин. Хусусан Қипчоқ сув ўлчаш нуқтаси учун дарё ўзанининг 2500 м³/с дан юқори оқим сарфини ўтказиши ҳавfli тошқинларга олиб келади. Қипчоқ сув ўлчаш нуқтаси бу Туямўйин сув омборидан кейин 200 км пастда юқорида содир бўлган тошқин ҳудудлари охирида жойлашган. Туямўйин сув омборидан пастки бьефга сув чиқаришда имкони борича ушбу содир бўлиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни инобатга олиш керак.

Тавсиялар. Ушбу, Дарёда кузатилиши мумкин бўлган ҳавfli вазиятларнинг бартараф этишда Туямўйин сув омборидан сув чиқариш режими,

сув ташлаш балансини режасини мукаммал ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ҳам эришиш мумкин.

2. **Ultra kam energiya sarflaydigan uylar:** Odatdagi uylarga nisbatan 70-90% energiya tejamkor bo‘ladi. Misol tariqasida ultra kam energiya sarflaydigan uylar talablarini aniq o‘z ichiga olgan nemislarda Passive House (passivniy dom), fransuzlarda Effinergie, shvetsaryaliklarda Minergie. Ko‘pgina xorijiy mamlakatlarda binolarning energiya samaradorligini oshirishda bir qator ma‘muriy va iqtisodiy jihatdan tartibga solish va qo‘llab qo‘vatlash chora tadbirlari amalga oshirilmoqda. 1. Energiya tejamkorlik standartlarini joriy etish, qa‘tiy qurilish me‘yorlari va qoidalari, tarxdagi ko‘rsatkichlar, binoni isitishga va yoritishga ketadigan energiya sarfini chegaralash bilan bog‘liq bo‘lgan ko‘rsatkichlar. Turar-joylarning energiya

samaradorligini oshirish, quyidagi chora-tadbirlarni o'z ichiga oladi: yangi quriladigan binolar uchun qurilish me'yorlari, passiv energiya va deyarli energiya talab etmaydigan binolarni qurish, mavjud binolarni energiya tejamkorlik nuqtai nazaridan qayta jihozlash, qurilish sertifikatini ham joriy etish. Halqaro energetika agentligining yakuniy statistik ma'lumotlariga ko'ra unga a'zo 19 mamlakatda yuqoridagi energiya samaradorlik sohasidagi siyosat hal qiluvchi ro'l o'ynadi, unga ko'ra 1990 yildan beri ushbu ko'rsatkich 1,3 % ni tashkil etdi. Bugungi kunda turar-joy binolarining zamonaviy tendensiyasi bu "yashil binolar" qurishdan iborat. Ushbu tendensiya doirasida dunyoda yagona standartlar ishlab chiqilmagan bo'lib bunga sabab jahon tajribasida binoning ekologik darajasini aniqlash yondashuvi ishlab chiqilmagan. O'zigagina tegishli bo'lgan standartlar faqatgina Buyuk Britaniya, Fransiya, Germaniya, Italiya, Avstraliya, Yaponiya va Xitoydagina mavjud. AQSHda "yashil binolar"ning to'rtta standarti amal qiladi. Ba'zi bir shtatlarda Ekologik qurilish Kengashi tomonidan tasdiqlangan binolar egalariga subsidiyalar beriladi. Ko'pgina shtatlarda qurilish me'yorlari har yili yangilab boriladi, chunki 2030 yilga qadar har quriladigan yangi binolarning energiya sarfini ikki marotaba kamaytirishdan iborat. Bir qator shaharlar binoning energiya tejamkorlik darajasini aniqlashning ENERGY STAR dasturi doirasida tekshirishni qonunan belgilab qo'ydi, unga ko'ra 1 dan 100 gacha va undan ortiq hamda maydoni 1000 m² ortiq bo'lgan binolar uchun mos jadvallardan iborat.

2. Binoning energiya samaradorligini oshirishda davlat ko'magi va subsidiyasini taqdim etish. Buyuk Britaniyada Warm Front (Issiq Front) dasturi mavjud bo'lib, ushbu dastur kam ta'minlangan oilarga yo'naltirilgan, unga ko'ra issiqlik izolyasiyasi va isitish tizimining energiya samaradorligini oshirish amalga oshiriladi, investitsiya 50 mln funt sterlingni tashkil etadi. AQSHda ham ushbu dastur amal qiladi. Yaponiyada subsidiyalar "yangi energiya manbalari va sanoat texnologiyalarini rivojlantirish" (NEDO) tashkiloti tomonidan amalga oshiriladi, ushbu tashkilot turar-joy binolarini issiqlik himoyasiga muvofiq (Energiya samaradorlik qonuni asosida) rekonstruksiya qilinadi, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanuvchi energiya tejamkor ma'ishiy qurilmalar va samarador tizimlar bilan jihozlanadi. Subsidiyalar munosabati bilan yangi quriladigan uylarda energiya samaradorlik 15% va rekonstruksiya qilinadigan uylarda esa qurilgandagi energiya sarfiga nisbatan 25% kam energiya talab etadi. Yangi va rekonstruksiya qilingan uy egalari har uch yilda NEDO tashkilotiga energiya sarfining oshganligi to'g'risita ma'lumot berishlari shart. Asosiy energiyaning talab darajasi Polshada barpo etilayotgan yangi zamonaviy binolarda quyidagi texnologiya binolar kVt/m² uchun turli energiyasidan foydalidir: -

ko'p binolar beton devorli 20-30 sm va yuqori samaradorligi individual peshtaxta minvatadan izolyasiya jami 20-25 sm, markaziy isitish tizimlari bilan isitiladigan joylarda polistirol kamida 20 sm yoki qiyaliklarda yog'och tom bir qatlam bilan tekis tomga 15 sm polistirol issiqlik izolyasion material bilan qoplash maqsadga muvofiq. Individual uy-joylar izolyasiya 20-25 sm minvata, individual gaz qozonlariga ega binolarda, devor 20-30 sm, ichi bo'sh g'isht devorlarda qalinligini va izolyasiya penopolistirol 15 sm bo'ladi. Devor, shiftlar va poydevorlarning yuqori issiqlik izolyasiyasi hajmi issiqlik yuqori standartlarga javob beradi, qalinligi taxminan 15 sm bo'ladi. Zamonaviy izolyasiyalangan oynalar va eshiklardan foydalanish natijasida binolarning ventilyasiya tizimlarining samaradorligini tekshirish, kam shamollotish natijasida devor va shiftlar ustida mog'or va chirishlarning oldini olish imkonini beradi.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda Energiya samaradorlik sohasida jahonda etarlicha tajriba va sinovlar amalga oshirilgan bo'lib, ularni bizning Markaziy Osiyoning iqlim sharoitiga moslab ko'rib chiqish talab etiladi. Yuqorida keltirib o'tilgan chora-tadbirlarni amalga oshirishda O'zbekistonlik olimlarning ham taklif va echimlari inobatga olish talabetiladi. Jahon tajribasidan kelib chiqib ulardagi yutuq va kamchiliklarni o'rganib chiqish va ularni bizning sharoitga moslab o'zlashtirish kerak. Albatta yuqoridagi barcha fikrlarni inobatga olishda QMQ va me'yoriy hujjatlar talablariga ham rioya etish zarur.

REFERENCES

1. Тошпулатов, С. У., & Умаров, Ш. А. (2021). ИНСТРУМЕНТАЛЬНО-УЧЕБНО-ДИНАМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ И КОНСТРУКТИВНЫЕ РЕШЕНИЯ СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ № 2 Г. ФЕРГАНЫ. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(6), 10-15.
2. Yuvmitov, A. S., Toshpo'latov, S. U., & O'ktamov, B. B. (2021). Instrumental Study of Dynamic Characteristics of Secondary Schools with Different Syllabus and Construction Solutions in Fergana. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 2(11), 200-208.
3. Yuvmitov, A. S., & Toshpo'latov, S. U. U. (2021). FARG'ONA SHAHRIDA JOYLASHGAN TURLI XAJMIY-REJA VA KONSTRUKTIV YECHIMLI UMUMTA'LIM MAKTAB BINOLARINING DINAMIK

XARAKTERISTIKALARINI INSTRUMENTAL TADQIQ QILISH. *Scientific progress*, 2(6), 1283-1290.

4. Sagdiev, K. S., Yuvmitov, A. S., & Qodirov, G. M. (2020). Assessment Of Seismic Resistance Of Existing Preschool Educational Institutions And Recommendations For Their Provision Seismic Safety. *The American Journal of Applied sciences*, 2(12), 90-99.

5. Sagdiev K. et al. Monitoring Complex Junctions of the Load-Bearing Structures of Buildings. – EasyChair, 2020. – №. 2987.

6. Sagdiev, H. S., Yuvmitov, A. S., Teshaboev, Z. R., Galiaskarov, V. A., Toshpulatov, S. U., & Uktamov, B. B. (2020). SEISMIC RESISTANCE ASSESSMENT OF THE SECONDARY SCHOOLS BUILDINGS AND RECOMMENDATIONS FOR ENSURING THEIR SEISMIC SAFETY. *Scientific-technical journal*, 24(6), 31-39.

7. Walter R. Jaggard Francis E. Drury Architectural Building Construction: Volume 1: A Text Book for the Architectural and Building Student Cambridge Univ Press Angliya, Kembridj, 2013.

8. Francis D.K. Ching Building Construction Illustrated 5th Edition Wiley; 5 edition USA, 2014.

9. Miralimov M.M., Sayfiddinov S., Babajanov M.D. ARXITEKTURA. Darslik. Toshkent, 2016 y.-316 bet.

10. QMQ 2.01.04-97* “Qurilishda issiqlik texnikasi”. Toshkent–2011y.

YURIDIK TEXNIKUMLARDA KREDIT-MODUL TIZIMINI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI

Isroilov Asilbek Fozilovich

Toshkent shahar yuridik texnikumi o'quv-metodik bo'lim boshlig'i

E-mail: asl_bek90@mail.ru

+99890-029-00-88,

ORCID ID **0000-0002-5332-790X**

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi adliya vazirligining yuridik texnikumlarida talimning kredit-modul tizimini qo'llash nazariyalari va ularning ahamiyati tahlil etilgan bo'lib, unda kredit – modul tizimining mazmun va mohiyati, ustuvor tomonlari, va yuridik texnikumlarni bu tizimga o'tkazishda bajariladigan ishlar hamda bu xususda muallifning tavsiya va fikrlari ilmiy asoslab ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: Kredit–modul tizimi, akademik mobillik, modul, modulli o'qitish texnologiyasi, kredit, kredit o'qitish texnologiyasi, kredit to'plash, GPA, o'qish yuklamasi.

ОСОБЕННОСТИ ВНЕДРЕНИЯ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕХНИКУМАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются теории применения кредитно-модульной системы обучения в юридических техникумах Министерства юстиции Республики Узбекистан и их значение, в том числе содержание и сущность кредитно-модульной системы, приоритеты и работа по переход к этой системе, а рекомендации и мнения автора по этому поводу представлены на научной основе.

Ключевые слова: Кредитно-модульная система, академическая мобильность, модуль, модульная технология обучения, кредит, кредитная технология обучения, накопление кредитов, средний балл успеваемости, учебная нагрузка.

PECULIARITIES OF INTRODUCTION OF CREDIT-MODULE SYSTEM IN LAW SCHOOL

ABSTRACT

This article analyzes the theories of application of credit-module system of education in law colleges of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan and

their importance, including the content and essence of credit-module system, priorities, and the transition of legal colleges to this system. the work to be done and the author's recommendations and opinions in this regard are presented on a scientific basis.

Keywords: *Credit-module system, academic mobility, module, modular teaching technology, credit, credit teaching technology, credit accumulation, GPA, study load.*

KIRISH

Taklif etilayogan bu maqola, rivojlangan davlatlar eksperimentlari asosida O'zbekiston Respublikasi adliya vazirligining yuridik texnikumlarida kredit–modul tizimini joriy etish o'ziga xos jihatlari va aynan yuridik sohalarni o'qitishga bu tizimni tadbiq etish masalalarini yoritishga qaratilgan.

Birinchi navbatda, biz muhokama qilinadigan tushunchalarni ochib berishimiz lozim. Zero, o'rta asrlarda yashab o'tgan ingiliz faylasufi Frensis Bekon shunday degan edi: kuchli nizolarni bartaraf etishning asosiy kaliti, muammodagi har bir terminologiyani mantiqan to'g'ri tahlil etishdir. Ularni qolganlarga to'laligicha tushuntirib bera olish esa, muammoni oldindan hal etadi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Kredit – ta'lim olish natijalariga ko'ra o'quvchi tomonidan muayyan fan bo'yicha o'zlashtirilgan o'quv yuklamasining o'lchov birligi.

Akademik mobillik – yuridik texnikum o'quvchilarining muayyan vaqt mobaynida respublika hududida yuridik texnikumga yoki xorijiy davlatdagi boshqa bir ta'lim muassasasiga o'qish maqsadida borishi.²⁰⁹

Kredit-modul tizimi – mustaqil ta'lim olishga qaratilgan va individuallik asosida bilimni ijodiy o'zlashtirish, o'quv jarayonini qat'iy belgilangan holda ta'lim yo'lini tanlash va kredit holida bilim hajmini belgilovchi tizimdir. Bu tizim hozirgi kunda rivojlangan mamlakatlar ta'lim tizimida umumiy yo'lga qo'yilgan, vaqt sinovlarida o'zini yetarlicha oqlagan va bir biridan farq qiluvchi, lekin bir – birini o'zaro to'ldiruvchi ikkita – *modul* va *kredit* o'qitish texnologiyalarini birlashishidan hosil bo'lgan.

O'quvchining shaxsiy ta'lim trayektoriyasi – o'quvchi tomonidan tanlangan hamda unga ketma-ketlikda bilimlar to'plash va hohlagan kompetensiyalar yig'indisiga ega bo'lish imkoniyatini beradigan yo'nalish (marshrut). Ta'lim

²⁰⁹ O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida ta'limning kredit-modul tizimida o'quv jarayonini tashkil etish tartibi to'g'risidagi Nizom 4-band

trayektoriyasi institusional hujjatlar va yo'qirnomalar yordamida tuzilishi hamda turli ta'lim trayektoriyalari natijada bir xil malaka olishga olib kelishi mumkin.

Modul – alohida o'quv fani (yoki uning qismi) bo'lib, o'zida tegishli bilim hamda kasbiy jihatlariga doir ma'lumotlarni qamrab oladi. O'qitishning modul tizimi o'quvchining fan dasturini o'rganishi natijasida shakllanadigan bilim, ko'nikma va malakalarni nazorat qilishning tegishli turi bilan yakunlanadi. Masalan, o'quvchilarning bilim saviyasi va o'zlashtirish darajasining davlat ta'lim standartlariga muvofiqligini ta'minlash uchun oraliq va yakuniy nazorat turlari o'tkaziladi.

Modulli o'qitish – tartibli o'qitish demakdir. Bunda o'quv materialini bitta o'quv mashg'uloti hajmida, o'quv predmetining biror mavzusi yoki biror bo'limi darajasida, ba'zan esa o'quv fanining yirik tarkibiy qismida, ya'ni, bloklar tarzida ham o'qitish mumkin, deydi Toshkent davlat yuridik universitetining o'quv uslubiy boshqarma boshlig'i Ixtiyor Jo'rayev. – Modullar, birinchi navbatda, ta'lim mazmuniga daxldor tushunchalar, qoidalar, nazariyalar, qonunlar va ular orasidagi umumiy bog'lanishni ifodalovchi qonuniyatlarni tushuntirishga samarali xizmat qiladi. Modulli ta'limda pedagog tinglovchining o'zlashtirish jarayonini tashkil etadi, boshqaradi, maslahat beradi, tekshiradi. O'quvchi esa, yo'naltirilgan obyekt tomonidan mustaqil ta'lim olishga qaratiladi.

Akademik kredit tizimi esa, o'quvchining texnikumda samarali bilim olishini aniqlab beradigan standartlashtirilgan baholash tizimidir. Kredit – o'quvchi tomonidan tegishli o'quv ishlarini bajarishga ketadigan vaqt (soatlar) dan tashkil topadi. Har bir modul mustaqil kredit hisobiga ega. Yuridik texnikumlar kredit tarkibi, har bir modul bo'yicha kreditlar soni, shuningdek, har bir kursni va umuman o'qish davrini tamomlash uchun o'quvchi tomonidan to'planishi lozim bo'lgan kreditlarning umumiy sonini mustaqil belgilaydi. Akademik kredit tizimining o'ziga xos tomonlaridan yana biri, xalqaro umumta'lim standartlariga mos kelishi va ta'lim to'g'risidagi hujjatlarni qabul qilish muammolari, jahon tendentsiyalarini hisobga olgan universal ta'lim dasturlarini mutanosibligidir. O'quvchilarda xorijiy davlatlar universitet ta'lim darajasiga erkin kirish imkoniyatlari vujudga keladi, bakalavr va magistratura bitiruvchilarini barcha davlatda ishga joylashish huquqlari paydo bo'ladi.

GPA (Grade Point Average) – ta'lim oluvchining dastur bo'yicha o'zlashtirilgan ballari o'rtacha qiymati bo'lib, o'quvchini kursdan kursga o'tishi GPA ko'rsatgichiga qarab belgilanadi.

Yuridik texnikumlar o'qitish amaliyotida kredit – modul tizimini joriy etish nima uchun kerak?

Bu savolimizga O'zbekiston ta'lim muassasalari faoliyatida hozirgacha amalda qo'llanilib kelinayotgan an'anaviy tizimimizning ko'zga ko'rinadigan kamchiliklarini ko'rsatish orqali javob topamiz.

- O'zbekiston ta'lim muassasalari faoliyatida hozirgacha amalda qo'llanilib kelinayotgan an'anaviy tizim hozirgi tezkor axborot asri talablarini bajarolmasligi;
- O'zbekiston ta'lim muassasalarida o'quvchilar asosan, tinglovchi bo'lib qolayotganligi, natijada amaliyotning sustligidan yetishib chiqqan kadrlarning sohalarda yaxshi natijalar bera olmayotganligi;
- Baholash tizimidagi bo'shliqlarning ko'pligi, va buning natijasida baholash jarayonlarida korrupsiyaning ildiz otishi;
- O'quvchining novatorligi sustligi. Ya'ni, bu tizimda o'quvchiga vazifa beriladi, o'quvchi esa uni bajaradi va shu orqali baho oladi. O'quvchining ijodiy, mustaqil ishlarga kam urg'u beriladi;
- Eng muhimi, bu tizimning jahonning rivojlangan ta'lim tizimlariga mos emasligi. Bu esa, ular bilan raqobatga tayyor emasligimizga asosiy sabab bo'lmoqda.

Bunday sharoitda biz, yuridik texnikumlar faoliyatini kuchli isloh etish, ulardan yetishib chiqayotgan kadrlarni jahonning nufuzli huquqshunoslari qatoriga kiritish, jahon standartlariga to'laligicha mos keluvchi sifatli ta'limni amalga oshirish uchun dunyo tajribasiga asoslangan Yevropa modeli (European Credit Transfer and Accumulation System - ECTS) kredit– modul tizimini tanladi.

Xo'sh, bu borada yuridik texnikumlar ta'lim tizimida qanday ishlar amalga oshirildi?

Masalan, 2016-2017 – o'quv yilidan Toshkent davlat yuridik universitetida talabalar o'qitishning modul tizimi asosida ta'lim olayotgan bo'lsa, 2019-yil 8-oktabrdagi O'zbekiston Respublikasining Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmonida oliy ta'lim muassasalarining o'quv rejalarini kredit – modul tizimiga o'tkazish mexanizmlarini ishlab chiqish va ularni bosqichma–bosqich mazkur tizimiga o'tkazish masalalari vazifa qilib qo'yildi. Hozir bizda ta'limning 40 foizigacha mustaqil ta'lim uchun ajratilgan bo'lsa, konsepsiyaga ko'ra, bu ko'rsatkich 2030- yilgacha 60 foizgacha yetkaziladi. Shundan kelib chiqib, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 29-apreldagi PF-5987-son "O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi Farmoni, Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 23-oktabrdagi 858-son "O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligining yuridik texnikumlarida o'qishni tashkil qilish choralari to'g'risida" gi

Qarori qabul qilindi. 2021-yil 10-iyun 359-son “O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirligi tizimidagi ta’lim muassasalarida kredit-modul tizimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” qaror qabul qilindi.

Endi, maqolamizning asosiy mazmun – mohiyatini ochib beruvchi savolni qo‘ymoqchiman.

Aynan, huquqshunoslik sohalarini o‘qitishda bu tizimni tadbir etish nima uchun kerak?

Hammamizga ma’lumki, huquqshunoslik sohalarini o‘rgatuvchi fanlar kuchli mantiqiy fikr va tafakkurni talab etadi. Bu fanlarni o‘qitish esa, boshqa soha fanlarini o‘qitishga nisbatan murakkabroq jarayon. Bu fanlarni o‘qitish va o‘rganish uchun yuridik texnikumlarda kredit – modul tizimini tadbir etish ta’lim samaradorligini sezilarli darajada oshiradi, huquqshunoslikni amaliyotga qo‘llash uchun zamin yaratadi.

Kredit – modul tizimiga o‘tish yuridik sohasidagi o‘quvchilarga qanday imtiyozlar beradi:

Birinchidan, akademik mobillik – o‘quvchilar kreditlarini saqlagan holda, istalgan mos texnikumga o‘qishni qiyinchiliksiz ko‘chirib o‘tishlari mumkin bo‘ladi. Masalan mamlakatimizda 14 yuridik texnikum mavjud. Shundan kelib chiqib o‘quvchilar xoh, viloyat texnikumi, xoh, o‘zi istagan yana boshqa texnikum bo‘lishining ahamiyati yo‘q. Faqat, o‘quvchi to‘plagan krediti ko‘chirib o‘tish kerditiga yetsa bo‘lgani.

Ikkinchidan, o‘quvchilarga o‘qituvchini tanlash erkinligi beriladi. Bu orqali, o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasida akademik muloqot ta’minlanadi.

Uchinchidan, o‘quvchilar o‘z istaklaridan kelib chiqqan holda, fanlarni tanlash imkoniyatiga ega bo‘ladi. Albatta, bu o‘rinda majburiy o‘rganilishi lozim bo‘lgan (mutaxassis) fanlar ham bor, ammo o‘quvchi mustaqil tanlov fanlarini belgilay oladi. huquqshunoslik sohasidagi o‘quvchilar uchun bu ayni muddao. Sababi, ular mutaxassis fanlarini mukammal o‘rganishlari uchun bu ularga yetarlicha vaqt beradi.

To‘rtinchidan, o‘quvchilarga ta’lim dasturini mustaqil shakllantirish imkoniyatini yaratish va qo‘yiladigan baholarning oshkoraligini ta’minlash yo‘lga qo‘yiladi. Bu esa, o‘z-o‘zidan ta’lim tizimidagi korrupsiyani barham topishini ta’minlaydi.

Amaldagi o‘qitish tizimidan farqli o‘laroq, kredit tizimida majburiy fanlardan tashqari tanlov fanlari hamda o‘quvchining shaxsiy dars jadvali bo‘ladi. Yuridik texnikumlarda o‘quvchi bir o‘quv semestrda 30 kredit, bir o‘quv yilida 60 kredit to‘plash kerak. Semestr davomida o‘quvchi tomonidan o‘zlashtirilishi lozim bo‘lgan

kreditlar hajmi o'quv rejasida ko'rsatilgan majburiy va tanlov fanlarni o'z ichiga oladi. O'quvchi o'zining shaxsiy ta'lim trayektoriyasini shakllantirishda har bir semester uchun 30 kredit hajmidagi fanlarni o'zlashtirishni nazarda tutishi, ular tarkibida o'quv rejasidagi majburiy fanlar bo'lishi shart. Agar o'quvchi yetarlicha kreditni yig'a olmasa o'qishdan haydalmaydi yoki kursdan kursga qolmaydi. Qaysi fandan belgilangan kreditlarni yig'olmasa, o'sha fanning o'zidan qayta o'qish va qayta imtihon bo'ladi, xolos. Qayta o'qish – bu birinchi darsdan to oxirgi darsgacha o'tilgan ma'ruza, seminar va amaliy mashg'ulotlarni o'z ichiga oladi. Qayta o'qish pullik. Uning kredit summasi kontrakt summasidan kelib chiqib hisoblanadi. O'rta maxsus professional ma'lumot olinganligi to'g'risidagi diplom esa, belgilangan kreditlar yig'ilgandan so'ng yakuniy imtixonlarni muvaffaqiyatli topshirgan o'quvchilarga beriladi. Semestr yakunida o'quvchilar bahosining 100 ballik tizimda oraliq va yakuniy nazorat imtixonlari natijasiga ko'ra qo'yadi. Ya'ni, bir semestr davomida oraliq 40 ball, yakuniy nazorat 60 ball ko'rinishida baholanadi. Mutaxassislar fikricha, kreditlarni yig'ish uchun o'quvchilardan darslarda qatnashish, berilgan vazifalarni vaqtda bajarish, o'z bilim saviyasini namoyon etish talab etiladi

Yuridik texnikumlarni kredit – modul tizimida o'qitishda qanday ishlarni amalga oshirish kerak? (Tavsiyalarim).

- Ta'lim jadalligini ta'minlash maqsadida chet el OTM lari amaliyotidan kelib chiqqan holda, o'qitish sistematik dasturini ishlab chiqish.

- Kredit–modul tizimining eng katta afzalliklaridan biri – fanlarni asosli ravishda o'rta bo'g'in kasblariga mos ravishda o'qitish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Misol uchun, yuridik texnikumlarni muvaffaqiyatli tugatgan bitiruvchilar davlat ijrochisi, sudya yordamchisi, devonxona mudiri, arxiv mudiri, yuristkonsult yordamchisi, FHDYO inspektori, xodimlar bo'yicha inspektor, notarial idora kotibi, davlat xizmatlari markazi mutaxassisi, advokat yordamchisi kabi lavozimlarda ishlashlari mumkin. Demak yuridik texnikumlarda o'qitiladigan fanlarni ham aynan shu kasblarga mos ravishda tanlash kerak.

- O'quvchirga berilgan mustaqil ish, uyga vazifa va amaliy topshiriqlari uchun, TDYU tomonidan maxsus platforma yaratilinishini ta'minlash.

Bu platforma o'quvchilar, vazifalarni berilgan tartibda yuklab boradilar, o'qituvchiga esa uni og'zaki himoya qiladilar. Bunda o'quvchining reyting ko'rsatkichi ham online, ham o'qituvchi tomonidan deadline belgilanib boriladi. O'z vaqtda mustaqil ish va uyga vazifalarni platformaga yuklamagan o'quvchilar baholanmaydi. Bu tizimda qayta topshirish degan gap yo'q. Faqat qayta o'qish mumkin. Huquqshunoslik sohasidagi o'quvchilar uchun har semestr oxirida o'quv

dasturlariga (silabus) mos ravishda tuzilgan nazariy savollari, mantiqiy savollar, kazuilar ishlab chiqish va ular asosida o'quvchilarni bilimlarini mustahkamlashni tashkil etish.

Bu, o'quvchilarimiz bilim saviyasini davlat ta'lim standartlariga javob bera olishini ta'minlaydi.

- Keng bazali kutubxona resurslarini ham bosma, ham elektron shakllari bilan barcha yuridik texnikumlarni ta'minlash. Albatta, o'quvchilarimizning bunday tizimga moslashishlari uchun yetarlicha vaqt kerak. Ularni bunga tayyorlash avvalo, pedagog ustozlarning vazifasi. Shuning uchun bunday sistemani shakllantirish uchun, avvalo, yuridik texnikumlarni professional va yetuk malakali ustozlar bilan ta'minash lozim.

XULOSA

Shu bilan birga ta'lim kredit – modul tizimi o'quv jarayonini tashkil qilish tamoyillarini takomillashtirish, o'quvchilarni bilimni nazorat qilish, yuridik texnikumlarning o'qituvchi – professorlar tarkibini moddiy rag'batlantirish va mehnat haqqini yaxshilash tamoyillarini ko'rib chiqishni talab etadi. Maqola oxirida shuni xulosa qilib aytish mumkinki, kredit-modul tizimi eng optimal ta'lim tizimi hisoblanib kam kuch sarflab ko'p natija keltiradigan ta'lim tizimidir.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risidagi qonuni" (yangi tahriri) 2020-yil 23-sentabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 29-apreldagi PF-5987-son "O'zbekiston Respublikasida yuridik ta'lim va fanni tubdan takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" gi Farmoni.
3. O'zbekiston Respublikasining Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5349-son Farmoni.
4. Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 10-iyundagi 359-son Qarori
5. Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 23-oktabrdagi 858-son Qarori
6. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2022-yil 1-martdagi 4-mh-son buyrug'i.

**INDIGOFERA AUSTRALIS O'SIMLIGINING
MAHALLIYLASHTIRISHDAGI AFZALLIKLAR, O'SIMLIKNING
BIZNING TUPROQ SHAROITIMIZGA MOSLASHUVCHANLIK
XUSUSIYATLARI HAMDA UNDA TABIIY INDIGO BO'YOG'INI
AJRATIB OLIISH**

Jalolov Iqboljon Jamolovich

FarDU dotsenti

Qoraboyeva Gulnozaxon Islom qizi

Marg'ilon shahar 2-son KHM o'qituvchisi

E-mail: gulnozaqoraboyeva309@gmail.com

ANNOTATSIYA

Indigofera australis o'simligining tuproqqa moslashuvchanlik xususiyatlari o'rganildi, ushbu o'simlikning mahalliy lashtirishda ko'zda tutilgan afzalliklar o'rganildi.

Tajriba maydoni sifatida Farg'ona shahar "Xumo-uy" nomli fermer xo'jaligi va Yozyovon tumani "Gulshan" nomli fermer xo'jaliklarining ekin maydonlaridan foydalanildi. Tuproq tarkibini o'rganish 14 xil ingridingentda aniqlanadi hamda yeg'ilgan indigo xosildorligi miqdori aniqlandi.

Kalit so'zlar: *Indigofera, Fabaceae, biomassa, indigo, indimum, antibacterial, antifungal.*

АННОТАЦИЯ

Изучены свойства приспособленности растения Indigofera australis к почве, изучены преимущества этого растения в локализации.

В качестве опытного участка использовались обрабатываемые поля фермерского хозяйства «Хумо-уй» города Ферганы и фермерского хозяйства «Гюльшан» Йозёвонского района. Изучение состава почвы определяется по 14 различным ингредиентам и определяется количество собранной урожайности индиго.

Ключевые слова: *Indigofera, Fabaceae, биомасса, индиго, индим, антибактериальное, противогрибковое.*

ABSTRACT

The properties of Indigofera australis plant adaptability to the soil were studied, the advantages of this plant in the localization were studied.

As an experimental area, the cultivated fields of the farm "Khumo-uy" of Fergana city and the farm "Gulshan" of Yozyovon district were used. The study of

soil composition is determined in 14 different ingredients and the amount of harvested indigo productivity was determined.

Keywords: *Indigofera, Fabaceae, biomass, indigo, indimum, antibacterial, antifungal.*

KIRISH

Oldingi tadqiqot ishlarimizda *Indigofera australis* o'simligini bizning iqlim sharoitimizga moslashuvchanlik xususiyatlarini o'rganishdagi dastlabki xulosalarimizni [1] keltirgan edik. Ilmiy tadqiqot ishlarimizni davom ettirgan xolda, *Indigofera australis* o'simligini mahalliyashtirish afzalliklari hamda undan indigo bo'yog'ini ajratib olish unumini o'rganib chiqdik. Ushbu o'simlikni mahalliyashtirish Osiyo va Evropaning to'qimachilik sanoatida foydalanish - paxta, ipak va jun matolar uchun qimmatbaho tabiiy bo'yoq pigmenti bo'lishidan tashqari, tabiat va insonlar turmush tarzi uchun ham bir qancha afzalliklarga ega. Masalan:

- jozibali gullari va turli xil sharoitlarda o'sishga moslashuvchanligi o'simlikning bezak o'simlik sifatida ishlatishga imkon beradi;

- bu yovvoyi hayot uchun eng yaxshi o'simlikdir. Gullari ko'plab mahalliy hasharotlar, shu jumladan asalarilar uchun chang va nektar manbaidir;

- o'simlik kapalak lichinkalari uchun ham foydali ozuqa bo'lib xizmat qiladi;

- ekologik foydasi: eskirgan (sho'rlangan, unumdor bo'lmagan) yerlarning unumdorligini tiklaydi. O'simlik ildizlarida tuganak bakteriyalari simbioz holatda mavjud bo'lganligi sababli, boshqa dukkakli ekinlar singari *Indigofera australis* atmosferadan azotni olib, uni tuproqqa singdiradi. Bu tuproqni boyitishga va yaxshilashga olib keladi [2];

- Indigofera australis*ni tuproqni baquvvat qilsih uchun ham yetishtirish mumkin;

- qishloq xo'jaligida foydalanish - tanazzulga uchragan ekin maydonlarining hosildorligini oshirishda ya'ni tarkibidan indigo ajratib olingan qoldiq biomassa sabzavotlar va mevali daraxtlar uchun "yashil go'ng" sifatida foydalaniladi. Ushbu qoldiq biomassadan chorva mollari uchun to'yimli ozuqa sifatida ham foydalanish mumkin;

- qadimdan Tibet va Hind-Xitoy an'anaviy tibbiyotida ushbu o'simlikdan foydalanib kelingan. Shuningdek, Hind-Xitoy farmatsevtika sanoatida antibakterial va antifungal dori-darmonlar, it tishlashi va ilon chaqishiga qarshi dorilar, epilepsiya, jigar zaharliligini kamaytirish, teri kasalliklari va saratonning ayrim turlarini davolash uchun foydalanganliklari ma'lum [3];

• Yaqinda ushbu o'simlikning jinsiy a'zolar, buyrak, asab kasalliklarini hamda jiddiy yuqumli kasalliklarini davolashda ham ishlatilishi mumkinligi haqida xabar berildi [4].

• bu o'simlikning ildizidan suv bulyoni ich qotishi va vaboni davolashda ishlatiladi [5].

Indigofera australis o'simligini iqlim sharoitimizga moslashtirishning bir qancha afzallik tomonlari ham mavjud:

- Indigofera australis etishtirish kamroq o'g'it talab qiladi;
- Indigofera australis ni kuzgi ekinlardan keyin etishtirish mumkin;
- Yashil biomassaning o'rtacha hosildorligi 30-35 tonna / ga tashkil etadi;
- tabiiy bo'yoq pigmentining arzonligi va oddiy ekstraksiyasi;

Biz ilmiy tadqiqotlarimiz natijasida Indigofera australis o'simligining o'sish va rivojlanishidagi o'ziga xos xususiyatlari uni bizning iqlim sharoitimizda ham mahalliyashtirish imkonini berishini aniqladik. Ushbu o'simlik O'zbekistonning tanazzulga uchragan tuproqlarida hamda cho'l hududlarida o'sish va rivojlanishga moslashtirish birinchi navbatda uning yashil biomassasidan qimmatli tabiiy bo'yoqni sintez qilish imkonini beradi. Indigofera australis yetishtirish davomida kam o'g'it talab qilishi va ekstraksiyaning arzonligi bizni ushbu o'simlikning mahalliyashtirishga bo'lgan qiziqishimizni yanada oshirmoqda

TADQIQOT METODLARI VA NATIJALAR:

Indigofera australisning loviyasimon urug'larini ikki xil ya'ni tosh-arzikli biroz unumsiz hamda sho'rlangan qumli cho'l hududidagi tuproqqa ekdik va uni moslashuvchanlik xususiyatlarini har ikkala hududda o'rganib bordik. Tajriba maydoni sifatida Farg'ona shahar "Xumo-uy" nomli fermer xo'jaligi va Yozyovon tumani "Gulshan" nomli fermer xo'jaliklarining ekin maydonlaridan foydalanildi.

Indigofera australis o'simligi urug'larini ekishdan avval tuproq tarkibini tahlil qildik.

Tuproq tarkibini o'rganish 14 xil ingridingentda aniqlanadi:

1. Tuproqni pH ko'rsatkichini aniqlash- pH metr yordamida;
2. Tuproq tarkibidagi sulfatni aniqlash, fotokolorimetrik metod (KFK);
3. Gumus KFK;
4. Nitrat KFK;
5. Nitrat monomer oqimi o'lchanadi;
6. Xrom KFK;

7. Mishyak KFK;
8. Kalsiy, magniy (titrometrik usul);
9. Marganes KFK;
10. Mis KFK;
11. Rux KFK;
12. Magniy xlorat KFK;
13. Neft mahsulotlari (massasi bo'yicha) flyurat-2;
14. Pestitsidlar xromotografiya (alora TXSG, gamma TXSG, DDT, DDE, DDD) larni aniqlaydi.

Namuna olish: konvert usulida korxonada, fermer xo'jaligi, tashkilotdan 5 nuqtadan; Chiqindixonalardan 4 nuqtadan 30 sm chuqurlikda bura orqali kovlanadi.

Tadqiqotlarimiz davomida Indigofera australis o'simligi ekilgan tajriba maydonlarida tuproqning kimyoviy tarkibini o'rganish uchun besh xil qatlamdan (0-10, 10-30, 30-50, 50-75, 0-100) olingan namunalar tuproq eritma (suvli-so'rim) lari tayyorlanib, uning tarkibidagi ionlarga nisbat sifat reaksiyalari amalga oshirildi.

Kalsiy va magniy ionlari miqdoriy analizi (1-jadval) to'liq tugatilgach, CO_3^{2-} va SO_4^{2-} ionlari miqdoriy analiz qilindi. CO_3^{2-} ionni magniyli tuzlari suvda erimaydigan anionlar bo'lib, SO_4^{2-} ionni esa bariyli tuzlari suvda erimaydigan anionlardir. Suvli so'rimdagi CO_3^{2-} va SO_4^{2-} ionlari kimyoviy analiz usulida aniqlandi (2-jadval).

Tuproq namunalari tarkibidagi kationlar miqdori 2022-yil (birinchi yarmi) Farg'ona shahar "Xumo-uy" nomli fermer xo'jaligi tuproq tahlillari:

Tuproqning sho'rlanish darajasi,% (1-jadval)

Ionlar	Nazoratdagi	Kuchsiz sho'rlangan	O'rtacha sho'rlangan	Kuchli sho'rlangan
Ca^{2+}	0.021	0.025	0.056	0.149
Mg^{2+}	0.016	0.003	0.011	0.013

Tuproq namunalari tarkibidagi sulfat va karbonat ionlar miqdori 2022-yil (ikkinchi yarmi)

Farg'ona shahar "Xumo-uy" nomli fermer xo'jaligi tuproq tahlillari:

Tuproqning sho'rlanish darajasi,% (2-jadval)

Ionlar	Nazoratdagi	Kuchsiz sho'rlangan	O'rtacha sho'rlangan	Kuchli sho'rlangan
--------	-------------	---------------------	----------------------	--------------------

SO ₄ ²⁻	0.311	0.012	0.062	0.137
CO ₃ ²⁻	0.325	0.082	0.106	0.242

Tuproq namunalari tarkibidagi kationlar miqdori 2022-yil (birinchi yarmi)
Yozyovon tumani “Gulshan” nomli fermer xo’jaligi tuproq tahlillari:
Tuproqning sho’rlanish darajasi, % (1-jadval)

Ionlar	Nazoratdagi	Kuchsiz sho’rlangan	O’rtacha sho’rlangan	Kuchli sho’rlangan
Ca ²⁺	0.017	0.021	0.063	0.155
Mg ²⁺	0.014	0.0025	0.015	0.017

Tuproq namunalari tarkibidagi sulfat va karbonat ionlar miqdori
2022 -yil (ikkinchi yarmi)

Yozyovon tumani “Gulshan” nomli fermer xo’jaligi tuproq tahlillari:
Tuproqning sho’rlanish darajasi, % (2-jadval)

Ionlar	Nazoratdagi	Kuchsiz sho’rlangan	O’rtacha sho’rlangan	Kuchli sho’rlangan
SO ₄ ²⁻	0.312	0.014	0.066	0.142
CO ₃ ²⁻	0.327	0.088	0.098	0.251

Tajriba Kalsiy, magniy titrometrik apparatida, tuproq tarkibidagi sulfatni aniqlash uchun esa fotokolorimetrik metod yordamida KFK apparatida o’tkazildi. Jarayon 8 soat davomida tinimsiz chayqatib turilgan holda amalga oshirildi.

Tajribalar shuni ko’rsatdiki, qatlamlardan olingan namunalarda ionlar miqdori faqrlanadi.

Tuproqdagi tuzlarning miqdorini o’rganish, yerning sho’rligi bilan o’simlik ildizidagi diamidlar, polifenollar, yuqori to’yinmagan karbon kislotalarning miqdori bilan korellyasion bog’liqlikni aniqlash va shu asosida tuproq qanchalik sho’rlangan, ozuqa moddalarga bo’lgan ehtiyojini aniqlash va qay tezlikda uni normal sharoitga qaytarish imkoniyatlari to’g’risida tavsiyalar ishlab chiqish mumkin bo’ladi. Shunga

ko'ra biz *Indigofera australis* o'simligini qanday tuproq muhitiga moslasha olayotganligini ham kuzatamiz.

Ko'p hollarda olingan *Indigofera* biomassasining hajmi tuproqqa, agrotexnik tadbirlarga va o'z vaqtida tozalashga bog'liq. *Indigofera australis*ning ma'lum bir qismini urug' olish uchun oktyabr oyining o'rtalariga qadar tozalamasdan tomorqada qoldirdik.

Qumoq-qumoq tuproqdagi o'simlik biomassasining hosildorligi 65%ga, biroz sho'rlangan qumli tuproqdagi hosildorlik har sotixiga 80 % ga yetdi. Bu o'rtacha har gektariga 35-40 tonna yashil biomassani bildiradi. O'simlik salqin joyda quritganimizdan so'ng 4-6 tonna quruq massa qoladi. Ushbu quruq massadan biz 0.8-1 tonna gacha pigment olishga erishish mumkin.

Bizning 2 sotixli hududimizning har biridan 350-400 kg yashil biomassa oldik. O'simlik salqin joyda 24 soat quritilgandan so'ng 200-300 kg quruq massa qoldi. Ushbu quruq massadan har bir hududdan biz 10-12 kg gacha pigment olishga erishdik.

Hosildorlik miqdorini quyidagicha hisoblab topishimiz mumkin:

$$12/400*100=3\%$$

Agar biz 2-3 yil davomida tuproq unumdorligini tiklab borsak yoki o'rtacha yohut yuqori unumdorlikka ega bo'lgan yerlarga o'simlikni ekadigan bo'lsak hosildorlik keskin ortadi. Biz qachonki kerakli paytda sug'orish va qayta ishlash rejimiga amal qilsak hosildorlik miqdori 90-95 % gacha yetishi mumkin.



Indigo yordamida ipak tolasini bo'yash jarayoni hamda indigo bo'yog'ida bo'yalgan ipak tolasini.

Bizning tajribalarda aprel oyida ekilgan birinchi hosil avgust oyining oxirida yig'ib olindi, shundan so'ng sug'orish ishlari, urug'lantirish va o'g'itlash sentabr oyining o'rtalariga qadar davom etdi. Ikkinchi bor o'simlikda yana novdalar paydo

bo'ldi va barg massasi paydo bo'ldi va o'simlikda yashil qismi 20-40 sm balandlikda o'rib olindi. Ajratib olayotgan Indigo bo'yog'ining foizini quyidagicha hisoblaymiz:
(indigo massasi / barg massasi) x 100.

Biz yangi va quritilgan barglardan olingan pigment miqdorini taqqoslashimiz yoki Indigofera australis kabi boshqa indigo manbalari bilan taqqoslashimiz mumkin.

XULOSA

Indigofera australis yetishtirish quyidagi afzalliklarga ega: O'simlikni qumli, qumoq, gil, toshli va oz sho'rlandan tuproqda o'stirish mumkin, va u kam o'g'it talab qiladi. Indigofera australisni ushbu xususiyatlari o'simlikni bizning iqlim sharoitimizga mahalliyashtirish imkonini beradi. Tabiiy bo'yoq pigmenti oddiy tarzda va xarajatlar katta bo'lmagan holda ajratib olinishi mumkin. 1 gektar maydonga 6-7 kg urug'lik talab qilinadi, urug'lik narxi 500 ming so'mga teng. Mavsum davomida o'rtacha bir gektardan 30-35 tonna yashil biomassani olish mumkin. Ushbu biomasdan o'rtacha 100-130 kg qimmatbaho pigmentga ekstraktsiya qilinishi mumkin va agar biz 1 kg ni hisobga olsak Yevropa bozorida Indigo 150dan 300 evrogacha (shunga qarab sifat), u fermerlar uchun yaxshi daromad chiqadi. Ichki bozorda 1 kg ajratib olingan pigment narxi 600 000-800 000 so'm turadi, shuning uchun ham ichki bozorda pigmentni sotish ham fermerlarimizga 1 gektar maydondan tushum 70 million so'mdan ortiq.

REFERENCES

1. Жалолов, И. Ж., Корабоева, Г., & Мараимова, У. Р. (2021). ЛОКАЛИЗАЦИЯ РАСТЕНИЙ INDIGOFERA AUSTRALIS И СПОСОБЫ ПОЛУЧЕНИЯ ИЗ НЕГО ХИМИЧЕСКИХ КРАСИТЕЛЕЙ. *Universum: химия и биология*, (2 (80)), 32-35.
2. Ф.С. Пилипенко. Род 33. ИНДИГОФЕРА, или ИНДИГОНОС — INDIGOFERA L. // Деревья и кустарники СССР. Дикорастущие, культивируемые и перспективные для интродукции. / Ред. тома С.Я. Соколов. — М.—Л.: Изд-во АН СССР, 1958. — Т. IV. Покрытосеменные. Семейства Бобовые — Гранатовые. — С. 132-135. — 976 с. — 2500 экз.
3. Б.К. Шишкин. Род * ИНДИГОФЕРА — INDIGOFERA L. // В 30 т / Гл. ред. акад. В.Л. Комаров; Ред. тома Б.К. Шишкин. — М.—Л.: Изд-во АН СССР, 1945. — Т. XI. — С. 298—300. — 432 с.
4. Х. Холматов, З.Х. Хабибов, Н.З. Олимхужаева. «Лекарственные растения Узбекистана» Т. 1991, 52 стр.
5. I.M.Primuhammedov. Organik kimyo. Toshkent, 1990 yil

SHO'RADOSHLAR OILASI VAKILLARINI O'QTISHNING INNOVATSIYON TEXNALOGIYALARI

Yusufov Firdavs

Jizzax shahar 22-kimyo-biologiya fanlariga ixtisoslashgan tayanch davlat
umumta'lim maktabi biologiya fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida Botanika darslarida Sho 'radoshlar oilasi mavzusini o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish yo'llari tahlil qilib o'tildi. Bugungi kunda biologiya fanini o'qitish innovatsion ta'moyillari keng joriy e'tilmoqda.

Kalit so'z: insert, swot, izen, Itsegak, anabazin.

АННОТАЦИЯ

В ходе данного исследования были проанализированы методы использования инновационных технологий в преподавании предмета семейства Шурадоси на занятиях по ботанике. Сегодня широко внедряются инновационные принципы обучения биологии.

Ключевые слова: вставка, свот, изен, ицегак, анабазин.

ABSTRACT

In the course of this research, the methods of using innovative technologies in teaching the subject of the family of Shuradosh in botany classes were analyzed. Today, innovative principles of teaching biology are being widely implemented.

Keywords: insert, swot, izen, Itsegak, anabazin.

KIRISH

Bugungi kun fani, texnikasi va ishlab chiqarishining rivojlanishi, ta'limda nazariya bilan amaliyot birligi hamda ta'limni ishlab chiqarish bilan integratsiyalashuvi talablari talabning mustaqil faol va ongli mehnatiga asoslangan, uning ijodiy faoliyatini rag'batlantiradigan, tafakkurini rivojlantiradigan, vaqtini tejaydigan, bilim o'rganishini yengillashtiradigan zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va o'quv jarayoniga tadbiq etishni taqozo etadi.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev takidlaganlaridek, mamlakatimizdagi oliy o'quv yurtlarining bosh maqsadi hozirgi zamon talablariga javob bera oluvchi oliy ma'lumotli yetuk mutaxassislarni yetishtirishdan iborat. Jamiyat doimo kuchli bilim va malakaga ega bo'lgan, shuning bilan birga, ezgu ahloqiy sifatlarni o'ziga singdirgan, mamlakat rivojiga xissa qo'sha oladigan mutaxassislarga extiyoj sezadi.

Bunday kadrlarni tayyorlashda oliy o‘quv yurtlari fan, ta’lim va ishlab chikarish integratsiyasini amalga oshirishda olib borayotgan ishlarining mas’uliyati yuqoridir.

Ilm-fan, texnika, ishlab chiqarish va texnologiya sohalarining mavjud taraqqiyotidan foydalanib, undan ta’lim-tarbiya yo‘nalishida keng qo‘llanilsa, o‘sha mamlakatning zamonaviy jamiyat qiyofasini belgilab beradi. Zamonaviy jamiyatning eng muhim xarakterli jihati uning barcha sohalarida globallashuvning ko‘zga tashlanayotganligidir. Bu tarzda harakatlanish imkoniyatiga o‘z sohasining bilimdoni bo‘lgan, kasbiy malakalarni yuqori darajada egallay olgan, boy tajriba va mahoratga ega kadrlarni bo‘lishini taqozo etadi.[1]

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Oliy ta’lim muassasalarida biologiya fanlari, xususan, “Botanika” fanini o‘qitishda Aydarko‘l sohillarida o‘sadigan sho‘radoshlar oilasiga mansub o‘simlik vakillari mavzusini o‘qitishda zamonaviy texnologiyalaridan amaliy foydalangan holda talabalarning bilish faoliyatini faollashtirish, ularda ijodiy, mantiqiy va tanqidiy fikrlash qobiliyatini rivojlantirishdan iborat.

Mavzuning nomi: SHO‘RADOSHLAR OILASI.

INSERT METODI

Abzatslar	bilaman	Maqul layman	O‘rganish lozim	Tushun madim
1.Bu o‘simliklar ko‘pincha etdorsersuv bo‘ladi.barglari oddiy,yonbargsiz, ketma-ket o‘rnashgan	V			
2.sho‘radoshlarning keng tarqalgan vakillaridan biri oddiy lavlagidir Ikki yillik o‘simlik		+		
3.sho‘radoshlarning ko‘pchilik turlari Gipsli va sho‘rli cho‘l o‘tloqlardagi Asosiy yem-xashak o‘siliklariga kiradi			-	?

II. Jadvalni to'ldiring:

№	O'simlik nomi	Hayotiy shakli	bargi
1.	Lavlagi		
2.	Ismaloq		
3.	Saksavol		
4.	Izen		
5.	Itsegak		

Javobi:

№	O'simlik nomi	Hayotiy shakli	bargi
1.	Lavlagi	2 yillik o't	Mayda bargli
2.	Ismaloq	1 yillik o't	Patsimon
3.	Saksavol	daraxt	Juda mayda
4.	Izen	1 yillik buta	Mayda bargli
5.	Itsegak	1 yillik buta	Bargsiz

IV. “ SWOT “ tahlili metodi

Sho'radoshlar oilasi boyicha jadvalni to'ldiring

S- (strength)	
W- (weakness)	
O- (opportunity)	
T- (threat)	

Javobi:

S- (strength)	Ochiq-ola jinsli yerlarda o'sadi, O'zbekistonning Sherobod vodiysidagi Maydon qishlog'i atroflaridagi tarqalgan, moslashuvchan, dorivor vakillari ko'p.
W- (weakness)	Ola jinsli yerlarda o'sishi va u o'sgan yerlarda chorva mollarini boqilishi uning kamayishiga sabab bo'lmoqda
O- (opportunity)	Cherkezning bargi va mevasidan olinadigan dori tibbiyotda qon bosimini pasaytirish uchun ishlatiladi

T-(threat)	Itsegakdan olinadigan zaharli modda anabazin qishloq xo'jaligiga zarar keltiruvchi hasharotlarga qarshi kurashda qo'llanladi
---------------------	--

“ So'z o'yini ”

Bunda o'simliklar haqida malumot o'qiladi. Bu malumotlar asosida oldidagi hariflardan foydalanib harflarda yashiringan o'simlik nomlarini aniqlashadi.

1. U may oyida gullaydi gullari mayda. Gulqo'rg'oni oddiy, kosachasimon, changchilari beshta. Urug'chisi 3 ta meva bargning qo'shilishidan hosil bo'lgan. Mevasi yong'oqcha sentabrda pishadi.

J: Lavlagi


2. Poyasi qimmatbaxo yoqilg'i, bir yillik novdalari va mevalari chorva mollari uchun ozuqa hisoblanadi.

J: Saksovul

“Krossvord”

guruhlar uchun umumiy krossvord savollar beriladi.

Har bir guruh 8 kishidan qilib taqsimlanadi va ikki guruhga bo'linadi. Vaqt belgilanadi.



1... Sho'radoshlar oilasini vakillarining mevasi qanday meva? J: yong'oqcha

2. Sho'radoshlar oilasiga mansub ismaloq turkumining O'zbekistonda 2 ta turi o'sadi? : Ismaloq

3. Qishloq ho'jaligiga zarar keltiruvchi hasharotlarga qarshi kurashda qo'llaniladigan modda qaysi? J: anabazin

4. Cho'l muhiti sharoiti qaysi? J: quruq

5. Anabazin moddasi olinadigan o'simlik? J: Itsigak.

XULOSA

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ta'lim jarayoni samaradorligini oshirish, ta'lim oluvchilarning mustaxkam nazariy bilim, faoliyat, ko'nikma va malakalarini shakllantirish, ularni kasbiy mahoratga aylanishini ta'minlash maqsadida o'qitish jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish davr taqozosi hamda ijtimoiy zaruriyat sifatida kun tartibiga qo'yilmoqda.

Ta'lim tizimida dars mashg'ulotlarini sifati va samaradorligini oshirish uchun o'qituvchidan yuqori pedagogik mahorat talab etiladi. Shu jihatdan, булажак pedagoglarni шкитиш jarayoniga va ularda innovatsion faoliyatni shakllantiruvchi jihatlariga alohida e'tibor berish kerak.

REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, O'zbekiston nashriyoti, 2017.
2. Tolipova J.O., A.T.G'ofurov Biologiyani o'qitish metodikasi TDPU., 2012.

ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРНОЙ УСТАНОВКИ (ДГУ) ТЕПЛОВОЗОВ С ПОМОЩЬЮ АППАРАТНО-ПРОГРАММНОГО КОМПЛЕКСА «БОРТ»

Абдулазиз Юсуфов Махамадали ўғли

докторант,

Ташкентский государственный транспортный университет,

E-mail: abdulazizyusufovv@bk.ru

<https://orcid.org/0000-0001-8310-8225>

Жўраев Аббос Комилович

Старший мастер “О‘ztemiryo‘lmashta‘mir” УК

Вохидов Азизбек Пиримкулович

Машинист локомотива “О‘ztemiryo‘lmashta‘mir” УК

Рахимназаров Рустам Ташкулович

Помощник машиниста локомотивного депо Термез

АННОТАЦИЯ

В статье представлено описание об устройствах и структуре организация контроля технического состояния дизель-генераторной установки (ДГУ) тепловозов, а также обоснована целесообразность упреждающей диагностики, которая позволяет заблаговременно выявить дефекты на самой ранней стадии их развития. Приведены основные функции аппаратно-программного комплекса «Борт». Также представлено описание происходящих в процессе работы дизель-генераторной установки (ДГУ) тепловозов, при эксплуатации.

Ключевые слова: диагностика, дизель-генераторная установка (ДГУ), современные методы, нейросетевой модуль, локомотив.

DETERMINATION OF THE TECHNICAL CONDITION OF MODERN DIESEL LOCOMOTIVES USING AN ON-BOARD SYSTEM

ABSTRACT

The article presents a description of the devices and structure of the organization of monitoring the technical condition of a diesel generator set (DGU) of diesel locomotives, as well as the expediency of proactive diagnostics, which allows early detection of defects at the earliest stage of their development. The main functions of the hardware-software complex "Bort" are given. A description of the

diesel locomotives occurring during the operation of a diesel generator set (DGU) is also presented.

Keywords: *diagnostics, diesel generator plant (DGP), modern methods, neural network module, locomotive.*

ВВЕДЕНИЕ

Повышение эффективности и надежности локомотивов требует регулярного контроля их оборудования в процессе эксплуатации. С внедрением современных микропроцессорных систем бортовой автоматики и контроля не только реализация аварийной сигнализации при критической работе оборудования, но и эффективные методы обработки полученных данных измерений, обеспечивающие достоверное прогнозирование изменения технического состояния ключевых узлов оборудования вопрос разработки все еще актуален.

Одним из важнейших принципов при планировании объемов ремонта локомотивной техники является учет ее реального технического состояния, снижение эксплуатационных расходов железных дорог и снижение транспортных расходов. Непрерывный контроль технического состояния локомотива в эксплуатации осуществляется с помощью стационарных и бортовых средств технической диагностики[1].

ОБСУЖДЕНИЕ И РЕЗУЛЬТАТЫ

К сожалению, ранний опыт эксплуатации таких технологий показывает, что ожидаемого существенного сокращения расходов на техническое обслуживание и ремонт локомотивов удастся добиться далеко не всегда вследствие значительных затрат времени на подготовку и проведение диагностирования, которые во многих случаях сопоставимы с временем, необходимым для замены соответствующих узлов. При этих условиях выполнение регулярного периодического диагностирования локомотива, необходимого для достоверной оценки его текущего технического состояния, как правило, невозможно. Эффективность использования средств стационарной диагностики может быть существенно повышена в случае использования их совместно со средствами бортовой диагностики, осуществляющих непрерывный контроль значений основных параметров оборудования локомотива непосредственно во время его эксплуатации. В этом случае процесс технического обслуживания локомотива может осуществляться по следующей схеме (рис. 1).




Рис. 1. Схема гибридного использования стационарной диагностики со средствами бортовой диагностики

Общая (интегральная) оценка технического состояния оборудования локомотива осуществляется средствами бортовой диагностики. В случае выявления отклонений в процессе ближайшего планового ремонта или технического обслуживания выполняется детальное диагностирование соответствующего оборудования. Основным препятствием на пути внедрения подобной системы технического обслуживания является чрезвычайно низкий уровень контроле пригодности серийных локомотивов, практически исключающий возможность внедрения средств бортовой диагностики без существенной доработки конструкции силовых установок локомотивов[2].

Новшеством в локомотивном хозяйстве является аппаратно-программный комплекс «Борт» предназначенный для контроля теплотехнического состояния дизель-генераторных установок тепловозов и расхода топлива[3].

Аппаратно-программный комплекс «Борт» имеет такие основные компоненты как:

- Основной модуль индикации
- Дополнительный модуль индикации
- Сетевой маршрутизатор
- Модуль безопасного вычислителя



Рис. 2. Основные компоненты аппаратно-программного комплекса «Борт»

Выше приведенные компоненты совместно с бортовым нейромодулем обеспечивают локомотив автоведением, выденаблюдением, автоматической системой бдительности машиниста и радиоборудованиями. В свою очередь бортовой нейромодуль имеет такие ключевые функции как:

- Контроль бдительности машиниста
- Распознавание действий машиниста на основе анализа минималистичного скелета человека
- Маркировка рабочей смены машиниста для отображения на рабочих местах заказчика
- Простая интеграция с существующей системой видеорегистрации на локомотиве
- Возможность реализации иных задач видео аналитики под технологические требования заказчика. [4]




Рис. 3. Пример алгоритма работы нейросети в задаче : «Контроль бдительности машиниста»

На мониторе интерфейса аппаратно-программного комплекса «Борт» совмещены данные о локомотиве. С помощью данных на мониторе можно узнать вовремя о приёме сигналов АЛСН, определения скорости и местоположения тепловоза, о надобности применение экстренного торможения, о регистрации данных внутри кабины и по ходу движения, а также наложение

данных о скорости, координатах. Кроме того, можно ввести энергооптимальное ведение поезда в автоматическом режиме и режима советчика, моделированного с помощью искусственного интеллекта. [5]



Рис. 4. Совмещенные данных систем намониторе аппаратно-программного комплекса «Борт»



Рис. 5. Алгоритм оценки технического состояния дизель-генераторной установки (ДГУ) тепловозов с применением аппаратно-программного комплекса «Борт»[6].

Как видно бортовой аппаратно-программный комплекс «Борт» (АПК «Борт») регистрирует и анализирует параметров работы и учета дизельного топлива при эксплуатации тепловозов, кроме того ведет непрерывный контроль технического состояния и режимов эксплуатации дизель-генераторной установки тепловозов. Топливо является основным источником автономных локомотивов и для этого автоматический учет топлива является важным аспектом во время эксплуатации. С помощью аппаратно-программный комплекса «Борт» (АПК «Борт») производится автоматический контроль прихода и расхода топлива при эксплуатации тепловоза и определение не

санкционированных его сливов и передачи зарегистрированных данных с использованием беспроводного канала (online-режим) и резервного проводного канала[7-8].

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Таким образом, показано, что контроль и диагностики дизель-генераторной установки (ДГУ) тепловозов является одним из ключевых аспектов. Своевременная диагностика дизель-генераторной установки (ДГУ) обеспечивает безопасность движения и снижает расход топлива. Для точности применение высокотехнологических и наукоёмких технологий является мощным и доступным инструментом, которые способны давать достоверные результаты при технической диагностике дизель-генераторной установки (ДГУ).

REFERENCES

1. Хамидов, Отабек Рустамович, et al. "ОЦЕНКА ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРНОЙ УСТАНОВКИ (ДГУ) ТЕПЛОВОЗОВ С ПОМОЩЬЮ АППАРАТНО-ПРОГРАММНОГО КОМПЛЕКСА «БОРТ»." *Universum: технические науки* 4-5 (97) (2022): 41-46.
2. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М. У., Кодиров, Н. С., Жамилов, Ш. Ф. У., Абдурасулов, Ш. Х., Абдулатипов, У. И. У., & Сейдаметов, С. Р. (2022). ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ОСТАТОЧНОГО РЕСУРСА ГЛАВНОЙ РАМЫ И ПРОДЛЕНИЕ СРОКОВ СЛУЖБЫ МАНЕВРОВЫХ ЛОКОМОТИВОВ НА АО "УТЙ". *Universum: технические науки*, (4-5 (97)), 47-54.
3. Jamilov, S. (2022). Determination of Residential Service of Locomotives in the Locomotive Park of JSC" Uzbekistan Railways". *Scienceweb academic papers collection*.
4. Yusufov, A., Azimov, S., & Jamilov, S. (2022). Determination of Residential Service of Locomotives in the Locomotive Park of JSC" Uzbekistan Railways. *Diesel locomotives*, 94, 88.
5. Солиевич, Қ. Н., & Келдибеков, З. О. (2022). "ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЛОКОМОТИВ ПАРКИНИ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(1), 198-205. doi.org/10.5281/zenodo.6298747.
6. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М., Кудратов, Ш. И., Абдурасулов, А. М., & Азимов, С. М. (2022). ОЦЕНКА СРЕДНИХ НАПРЯЖЕНИЙ ЦИКЛА В НЕСУЩИХ РАМАХ ТЕПЛОВОЗОВ НА ОСНОВЕ КОНЕЧНО-

-
- ЭЛЕМЕНТНОГО РАСЧЕТА ОТ СТАТИЧЕСКИХ НАГРУЗОК. *Academic research in modern science*, 1(9), 118-124. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6720495>
7. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М., Кудратов, Ш. И., Абдурасулов, А. М., & Жамиллов, Ш. М. (2022). ОБСЛЕДОВАНИЕ ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ МАНЕВРОВОГО ТЕПЛОВОЗА СЕРИИ ТЭМ2. *Academic research in modern science*, 1(9), 125-132 <https://doi.org/10.5281/zenodo.6720581>
8. J. Mallikat. Der Eisenbahningenieur, Модернизация тепловозов в Германии. // Железные дороги мира 1996 №8 стр.6-9.
9. V. Spiryagin, Improvement of dynamic interaction between the locomotive and railwaytrack, PhD Thesis, East Ukrainian National University, Lugansk, Ukraine, 2004.

KONTAKT LINZALARINI TAQISH BILAN BOG'LIQ KERATIT VA YIRINGLI SHOH PARDA YARASI BO'LGAN BEMORLARNI DAVOLASH TAKTIKASI

Jurayeva Gulrux Bafoyevna

Otorinolaringologiya va oftalmologiya kafedrası assistenti

Buxoro davlat tibbiyot instituti

ANNOTATSIYA

Mazkur tadqiqot jarayonida kontakt linzalarini taqish bilan bog'liq bo'lgan bemorlarni davolash va ularga ko'rsatiladigan muallajalar xususida bahs yuritiladi. Shu bilan birga shoh parda yarasi bilan bog'liq bemorlarni davolash metodlari ochib berildi.

***Kalit so'zlar:** keratit, kontakt linza, yiringli shoh parda, bemor, yumshoq kontaktli linza.*

KIRISH

Har yili refraktsion anomaliyalari bo'lgan bemorlar soni ortib bormoqda, bu esa kontakt linzalarni taqishni ommalashtirishga olib keladi. Dunyoda 140 milliondan ortiq odam yumshoq kontaktli linzalardan foydalanadi, yumshoq kontaktli linzalardan foydalanuvchilarining o'rtacha yoshi 25 yoshni tashkil qiladi. Yumshoq kontaktli linzalardan foydalanish vizual ko'rish qobiliyatini oshiradi. Shu bilan birga, yumshoq kontaktli linzalardan foydalanuvchilarining atigi 3% ulardan foydalanish qoidalariga diqqat bilan amal qiladi. Afsuski, hatto eng mukammal linzalar ham ko'zga begona jism bo'lib, bir qator asoratlarni keltirib chiqarishi mumkin. Bu asoratlar keratit rivojlanishining etakchi xavf omillaridan biri sifatida qaraladi. Ushbu keratitlar alohida guruhga ajratilgan– yumshoq kontaktli linzalardan takish bilan bog'liq keratitlar. Adabiyotlarga ko'ra, barcha bakterial keratitlarning 9 dan 40% gacha yumshoq kontaktli linzalardan foydalanish bilan bog'liq. Yumshoq kontaktli linzalardan foydalanuvchilar orasida bakterial keratitning rivojlanish darajasi 0,02-0,2% ni tashkil qiladi va yillar davomida barqaror bo'lib qolmogda. Oftalmologik klinikada har yili ko'zning turli xil yallig'lanish patologiyalari bo'lgan bemorlar davolanadi. Ularning ishida shox parda yallig'lanish patologiyasi bo'lgan bemor mavjud. Keratitlar tarkibida bakterial va virusli keratitlar (taxminan teng nisbatda) muhim o'rin egallaydi. Ularning paydo bo'lishiga olib keladigan sababchi omillar orasida shox pardaning yot jismlari, mikrojarohatlar katta ulushni egallaydi. So'nggi yillarda ularga kontaktli linzalardan foydalanishdagi xatolar tufayli klib chiqadigan keratitlar qo'shildi. Shuning uchun biz o'z klinik materialimizda yumshoq kontaktli

linzalardan uzoq vaqt foydalanadigan bemorlarda keratit paydo bo'lish chastotasini tahlil qilishni maqsadga muvofiq deb topdik.

Maqsad: kontakt linzalarini taqish bilan bog'liq keratit va shoh parda yaralarini kelib chiqish holatlarini tahlil qilish va bunday bemorlarni davolashning maqbul taktikasini ishlab chiqish.

MATERIALLAR VA USULLAR

2 yil ichida kontakt linzalaridan foydalanuvchilarda keratit va shoh parda yarasing 42 ta holati (46 ko'z) kuzatildi, bu klinikamiz ma'lumotlariga ko'ra shoh parda kasalliklarning 8 % tashkil etdi. Bemorlarning o'rtacha yoshi 30 yoshni tashkil etdi (16 yoshdan 46 yoshgacha). Qabul paytida ko'rish o'tkirligi: 0,3–1,0 – 16 ko'z; 0,01–0,2 – 23 ko'z; to'g'ri proektsiya bilan yorug'lik hissi – 8 ko'z, noto'g'ri proektsiya bilan yorug'lik hissi-1 ko'z. Bunday bemorlarni davolash mahsus taktika asosida amalga oshirildi:

1. Faol mikroblarga qarshi terapiya (2-4 hafta). 2 dan 4 gacha bo'lgan mikroblarga qarshi vositalarning kombinatsiyasi (ulardan 2 tasi turli guruhlarining antibiotiklari). Jarayonning rivojlanishi yoki teshilish xavfi bo'lganda organni saqlash maqsadida jarrohlik davolash amaliyoti amalga oshirildi (Kunt bo'yicha keratoplastika, blefarorafiya).

2. Reparativ davrda (1-2 oy) kortikosteroidlar bilan birgalikda gellar, malhamlar ishlatishga e'tibor qaratiladi.

3. Reabilitatsiya davrida (1-3 oy) - sun'iy ko'z yoshi preparatlari ishlatilgan.

Bemorlarni kuzatish muddati 1 oydan 6 oygacha davom etgan.

NATIJALAR

32 holatda yuqumli jarayonning paydo bo'lishi kontakt linzalarini kiyish va parvarish qilish bo'yicha tavsiya etilgan qoidalarni buzilishi bilan bog'liq. 25 ta ko'zda kasallik uzoq muddatli kontakt linzalardan keyin, 11tada-bir kunlik kontakt linzalardan keyin paydo bo'lgan, faqat 1 bemorda qattiq kontakt linzalari bo'lgan, 9 bemorda kontakt linzalari turi noma'lum edi.

O'rtacha davolanish kuni 150 ± 9 kun (4 dan 44 kungacha) edi. 37 holatda davolanish fonida ko'rish o'tkirligi 0,3–1,0 ga etdi; 4ta holatda 0,01–0,2; 3 holatda to'g'ri proektsiya bilan yorug'lik hissi, bitta holatda shoh parda teshilishi sodir bo'lgan bemor jarrohlik davolanadi. Hech qanday holatda enukleatsiya talab qilinmadi. Deyarli barcha holatlarda, natijada zararlangan hududda turli darajadagi shoh parda doimiy xiralashishi paydo bo'ldi.

XULOSA

Kasallikning asosiy sababi (kamida 2/3 hollarda) kontakt linzalarini tagish va parvarish qilish bo'yicha tavsiya etilgan qoidalarning buzilishi natijasida kelib chiqadi. Kontakt linzalari taquvchilarida hoh parda yarasi va keratitning og'ir holatlari shoshilinch va statsionar davolanishni talab qiladi. Kontakt linzalaridan foydalanish shoh parda yuqumli kasalliklari bilan og'rigan bemorlarni davolash taktikasi, bu barcha holatlarda yuqumli jarayonni to'liq to'xtatishga, vizual funktsiyalarni saqlashga va jarrohlik aralashuvlar chastotasini kamaytirishga imkon beradi.

REFERENCES

1. Белоусов В.В. Контактные линзы в 2013 году: тенденции // Вестник оптометрии. – 2014. – № 1. – С. 8–12.
2. Chan T.C.Y., Li E.Y.M., Wong V.W.Y., Jhanji V. Orthokeratology- associated infectious keratitis in a Tertiary care eye hospital in Hong Kong. // Amer. J. Ophthalmol. – 2014. – Vol. 158, N 6. – P. 1130–1135.
3. Green M.D., Apel A.J., Naduvilath T., Stapleton F.J. Clinical outcomes of keratitis. // Clin. Exp. Ophthalmol. – 2007. – Vol. 35, N 5. – P. 421–426.
4. Morgan P.B. Contact lens compliance and reducing the risk of keratitis. // Optician. – 2007. – Vol. 234. – P. 20–25.
5. Одилова Г.Р., Жураева Г.Б., Бобоева Р.Р. Қовоқлар татуажи ва сунъий киприклар улаш натижасида юзага келадиган кўз юза қаватлари касалликлари Бухоро вилояти кўз касалликлари шифохонаси ҳамда “Миран” кўз касалликлари шифохонаси клиник мисолларида // Биология ва тиббиёт муаммолари.-2020.-№2(118).-С. 96-98.
6. Бобоева Р.Р., Жураева Г.Б. Талабалар орасида “кўз кизариши” ва “кўзнинг куриш синдроми”нинг учраш даражаси ва сабаблари // Биология ва тиббиёт муаммолари.-2020.-№2(118).-С. 35-37.
7. Boboeva, R. R., & Juraeva, G. B. (2020). FREQUENCY OF IDENTIFICATION AND REASONS FOR SYNDROME OF DRY EYES AND RED EYES AMONG STUDENTS. In *ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В СОВРЕМЕННОЙ НАУКЕ* (pp. 8-12).
8. Juraeva, G. B. (2022). Tactics of Treatment of Neurotrophic Corneal Ulcers in the Rikmiatm of the Bukhara Branch. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES*, 3(1), 172-173.

ПРОПАН-БУТАН ФРАКЦИЯСИНИ АРОМАТЛАШ РЕАКЦИЯСИДА ЦИРКОНИЙАЛЮМИНОСИЛИКАТЛАР (ЦАС) ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШ

Сафаров Шахзод Салимжон ўғли

Холлиев Шамсиддин Худойбердивеч

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

АННОТАЦИЯ

Ишда пропан-бутан фракцияларини каталитик ароматлаб, ароматик углеводородлар ва суюқ ёқилги олиш реакциясида реакция унумига турли катализаторларнинг каталитик фаоллига ўрганилган. Тадқиқотлар оқимли каталитик қурилмада катализаторнинг ҳаракатсиз фазасида (катализатор ҳажми 6 см^3), $450\text{-}600^\circ\text{C}$ да, одатдаги атмосфера босими ($P = 0,1 \text{ МПа}$) да, пропан-бутан фракциясининг ҳажмий тезлиги $400\text{-}600 \text{ соат}^{-1}$ бўлган шароитда ўтказилди. Сингдириш ва аралаштириш билан бир қаторда металл цирконийсиликатлар (ЦС) ёки цирконийалюмино-силикатлар (ЦАС) гидротермик синтезида ишлатиладиган юқори кремнийли цеолитлар рамкасига киритилди. Тажрибалар $550\text{-}650^\circ\text{C}$ ҳарорат оралигида 550 с^{-1} ҳажмий тезликда ўтказилди. Галогенни киритиш усули сифатида цеолитни нитрат ўрнига рух бромид билан сингдириш танланган. Катализаторларни сингдириш йўли билан тайёрлашда цеолитлар тузларнинг сувли эритмасига ботирилади, 30 дақиқадан сўнг улар сув ҳаммомида сув тўлиқ бугланиб кетгунча иситилади, сўнгга $120 \pm 5^\circ\text{C}$ да қурилади. Қуритилган катализатор $550 \pm 5^\circ\text{C}$ ҳароратда ҳаво оқимида реакторда куйдирилган. Катализаторни аралаштириш йўли билан тайёрлашда, иссиқлик билан ишлов беришдан олдин, цеолит кукуни эритмасида олдиндан майдаланган тузлар билан аралаштирилади ва $80 \pm 5 \text{ МПа}$ босим остида прессланади. Пропан-бутан фракциясининг ва реакция маҳсулотларининг сифат ва миқдорий таркиби “Хроматек-Кристалл 5000М” хроматографида қуйидаги мақбул шароитда таҳлил қилинди: газ маҳсулотларни ажратиш $8\% \text{ NaOH/Al}_2\text{O}_3$ билан тўлдирилган узунлиги 3 м, диаметри 3 мм бўлган колонкали иссиқлик ўтказувчанлиги бўйича (ДТП) детекторда амалга оширилди.

Суюқ маҳсулотларни ажратиш ДВ-1 капилляр кварц колонка ($30 \text{ м} \times 0,25 \text{ мкм}$)да, аниқлаш эса аланга-ионизацион детекторда амалга оширилди.

Ишнинг мақсади: пропан-бутан фракциясини ароматлаш реакциясида цирконийалюминосиликатлар (ЦАС) фаоллигини ўрганишдан иборат.

Калим сўзлар: цирконийсиликатлар (ЦС), цирконийалюмосиликатлар (ЦАС), юқори кремнийли цеолит, рух бромид, пропан, бутан, ароматлаш.

АННОТАЦИЯ

В работе изучена каталитическая ароматизация пропан-бутановых фракций и каталитическая активность различных катализаторов в реакции выхода ароматических углеводородов и жидкого топлива. Исследования проводились в иммобилизованной фазе катализатора (объем катализатора 6 см³) в проточной каталитической установке, при температуре 450-600°C, нормальном атмосферном давлении (P=0,1 МПа), объемной скорости пропан-бутановой фракции 400 -600 ч⁻¹. Наряду с пропиткой и перемешиванием в каркас высококремнистых цеолитов, используемых в гидротермальном синтезе, вводили металлоциркониевые силикаты (ЦС) или алюмосиликаты циркония (ЦАС). Эксперименты проводились в интервале температур 550-650 °С при объемной скорости 550 с⁻¹. В качестве способа введения галогена была выбрана пропитка цеолита бромистым цинком вместо нитрата. При приготовлении катализаторов абсорбцией цеолиты погружают в водный раствор солей, через 30 мин нагревают на водяной бане до полного испарения воды, а затем сушат при 120 ± 5 °С. Высушенный катализатор сжигали в реакторе при температуре 550±5°C в токе воздуха. При приготовлении катализатора перемешиванием перед термообработкой порошок цеолита смешивают с предварительно измельченными в раствор солями и прессуют под давлением 80 ± 5 МПа. Качественный и количественный состав пропан-бутановой фракции и продуктов реакции анализировали на хроматографе «Хроматэк-Кристалл 5000М» при следующих оптимальных условиях: разделение газовых продуктов в детекторе по теплопроводности (ДТП) с длиной волны 3 м, Колонка диаметром 3 мм, заполненная 8% NaOH/Al₂O₃.

Разделение жидких продуктов проводили на капиллярной кварцевой колонке ДВ-1 (30 м x 0,25 мкм), детектирование — в пламенно-ионизационном детекторе.

Цель работы – изучение активности алюмосиликатов циркония (ЦАС) в реакции ароматизации пропан-бутановой фракции.

Ключевые слова: силикаты циркония (ЦС), алюмосиликаты циркония (ЦАС), высококремнистый цеолит, бромид цинка, пропан, бутан, ароматизация.

КИРИШ

Ароматик углеводородлар органик кимё саноатида бошланғич хом-ашё бўлиб, улардан энг кўп ишлатиладиганлари-бензол, толуол ва ксилоллардир. Ҳозирги вақтда ароматик углеводородлар нефтнинг суяқ углеводородларини қайта ишлашда пиролиз ва риформинг жараёнларида олишга асосланган[1-3]. Айни вақтда нефть хом-ашёсининг камайиб бориши нефтьнинг ўрнини босувчи альтернатив манбалар излаб топишни тақозо қилмоқда. Ана шундан альтернатив манбалар – нефть йўлдош газлари, табиий газ ва энгил углеводородларнинг кенг фракцияларидир [4-5].

Кўпгина ишларда кўрсатилгандек, ПБФ ароматланиш катализаторларининг Zn тарғиботи ароматик углеводородларни ишлаб чиқаришда уларнинг иш фаолиятини яхшилашга, хусусан, қиммат бензол ва унинг гомологларига нисбатан конверсия ва унумдорликни оширишга имкон беради[6-7]. Шу билан бирга, нафталин гомологлари унумини камайитириш ва катализаторларнинг кокслаш қобилиятини пасайитириш механизми аниқ эмас ва ароматланиш катализаторларининг пассивацияси ҳақида нашр этилган маълумотлар йўқ. Катализаторларда ҳар хил турдаги кислотали марказларнинг мавжудлиги уларнинг каталитик хусусиятларини бир қатор жараёнларда, масалан, крекинг ва гидрокрекинг, углеводородларнинг изомерланиши ва бошқаларда белгилайди[8-10].

Қуйи молекуляр углеводородларни ароматик углеводородларга қайта ишлашда катализатор сифатида юқори кремнийли цеолитлар кенг ишлатилмоқда [11-13]. Реакцияни ўтказиш шароитига боғлиқ ҳолда бензин фракциясининг алифатик C₆-C₁₀ углеводородларини ёки ароматик углеводородлар-асосан бензол, толуол ва ксилоллар(БТК) ни синтез қилиш мумкин. Ароматик углеводородлар селективлигини ошириш учун ишлатилаётган цеолитларни кимёвий ва термик қайта ишлаш самаралидир. Қуйи молекуляр углеводородларни ароматик углеводородларга айлантиришда юқори кремнийли цеолитлар турли металллар билан модификация қилинади[14-16]. Модификацияланган катализаторлар тайёрлашнинг асосий усуллари гидротермал синтез (юттириш) ва қаттиқ фазали синтез усуллари дир.

Модификацияловчи қўшимчалар сифатида Zn, Ga, Al, La, Sn, Mo, Co ва Zr металлари ишлатилди. Тажрибалар натижасида энг яхши модификацияловчи қўшимчалар Zn, Zr Ga, ва Mo эканлиги исботланди.

ТАЖРИБА ҚИСМИ

Ишда Навбахор бентонитидан гидротермик усулда олинган ЮКЦ ишлатилди. ЮКЦ лар синтези қуйидаги босқичлардан иборат: алюминий нитрат ёки сульфатни, органик темплат эритмаларини, суспензияни, алюмосиликат гелини тайёрлаш; цеолитни гидротермал кристаллаш ва уни ўзак эритмадан филтёрлаб олиш ва ювиш.

Лаборатория шароитида цеолитлар синтези 100см^3 ҳажмдаги идишларда ўтказилди.

Цеолитлардаги натрий оксиднинг масса улуши аланга эмиссион фотометрия усулида ПАЖ-2 аланга фотометрида амалга оширилди.

Цеолитларнинг муҳим характеристика уларнинг статистик сиғими бўлиб, у цеолитнинг сув буғлари ва гептан билан тўлиқ тўйиниш катталиклари бўйича аниқланди. Таҳлил қилишдан олдин цеолит намунаси $500-550^{\circ}\text{C}$ да 3 соат давомида қиздирилди [19-20].

Юқори кремнийли цеолитлар (ЮКЦ) синтези асосида ишқорий алюмо-кремнегелларни гидротермик кристаллаш методи ётади. Алюмокремнегелларни гидротермал кристаллаш турли хил органик бирикмалар (темплатлар) иштирокида ўтказилди. Юқори кремнийли цеолитлар зангламайдиған пўлатдан ясалған автоклавда $175-200^{\circ}\text{C}$ да 6 сутка давомида қуйидаги методика бўйича синтез қилинди.

Дастлабки реакцион аралашма суюқ шиша ($29\% \text{SiO}_2$, $9\% \text{Na}_2\text{O}$, $62\% \text{H}_2\text{O}$) га $\text{Al}(\text{NO}_3)_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O}$ темплат сифатида гексаметилендиамин ва спиртли фракция қўшиб тез аралаштирган ҳолда тайёрланди. Реакцион аралашманинг рН қиймати унга 0,1 н HNO_3 эритмасини қўшиш билан назорат қилинди. Ҳосил бўлган аралашмага Нуробод туманидан келтирилган каолин қўшилди. Кристалланиш жараёни тугагандан сўнг қаттиқ фаза эритмадан Бюхнер воронкаси ёрдамида ажратиб олинди ва 12 соат давомида 120°C да қуритилди ва темплатни йўқотиш учун 8 соат давомида $500-550^{\circ}\text{C}$ да қуйдирилди.

Олинган юқори кремнийли цеолитни декатионлаштириш учун 10 г цеолитга 100 г 25% ли аммоний хлорид қўшиб ишлов берилди. Эритма сув ҳаммомида $90-100^{\circ}\text{C}$ да, доимий аралаштирган ҳолда 2 соат давомида ушлаб турилди, кейин чўкма ($\text{NH}_4^+ / \text{цеолит}$) филтёрланди, дистилланган сув билан ювилди, қуритилди ва $550-600^{\circ}\text{C}$ да 8 соат давомида қуйдирилди. Кейин декатионлашган цеолит кукуни таблетка қилиб прессланди ва гранулалар ҳолида кесилди. Модификацияланган цеолитли катализаторлар цеолитга маълум тузларни ёки кислоталарни юттириш йўли билан тайёрланди.

Цеолитларнинг рентгенографик таҳлили “ДРОН-3” рентгенли курилмада (Cu-анод, Ni-фильтр) таҳлил қилинди. ЮКЦ дифрактограммаларини идентификация қилиш ва қайта ишлаш текширилаётган намуна соҳалари (чизиқлари)нинг интенсивликларини ва текисликлараро масофаларини аниқлаш бўйича ўтказилди.

Катализатор куйидагича тайёрланди: Ишда ғовак носитель сифатида Ўзбекистон Республикаси Пахтачи туманидаги каолиндан олинган ЮКЦ ишлатилди. Катализатор куйидагича тайёрланди: 100 г массадаги ЮКЦ га $(\text{NH}_4)_2\text{MoO}_4$, $\text{Zn}(\text{NO}_3)_2$, $\text{ZrO}(\text{NO}_3)_2$ ларнинг 30% ли эритмаси 12 соат давомида юттирилди. Сўнгра катализатор эритмадан ажратиб олинди ва $350\text{-}400^\circ\text{C}$ да азот оқимида 3 соат давомида қуритилди ва 5-7 мм ўлчамдаги гранула ҳолатига келтирилди.

Katalizator namunasi ($V = 1,0\text{см}^3$) kvars shishadan yasalgan diametri 12 mm bo‘lgan naysimon reaktorga joylashtirildi. Reaksiya boshlanishidan oldin katalizator geliy oqimida 750°C gacha qizdirildi va 30 minut davomida ushlab turildi, so‘ngra 1000 soat^{-1} hajmiy tezlik bilan пропан-бутан фракцияси yuborildi.

Тадқиқотлар оқимли каталитик курилмада катализаторнинг ҳаракатсиз фазасида (катализатор ҳажми 6 см^3), $450\text{-}600^\circ\text{C}$ да, одатдаги атмосфера босими ($P = 0,1\text{ МПа}$) да, пропан-бутан фракциясининг ҳажмий тезлиги $400\text{-}600\text{ соат}^{-1}$ бўлган шароитда ўтказилди.


Пропан-бутан фракциясининг ва реакция маҳсулотларининг сифат ва микдорий таркиби “Хроматек-Кристалл 5000М” хроматографида куйидаги мақбул шароитда таҳлил қилинди: газ маҳсулотларни ажратиш 8% $\text{NaOH}/\text{Al}_2\text{O}_3$ билан тўлдирилган узунлиги 3 м, диаметри 3 мм бўлган колонкали иссиқлик ўтказувчанлиги бўйича (ДТП) детекторда амалга оширилди.

Суюқ маҳсулотларни ажратиш ДВ-1 капилляр кварц колонка (30 м x 0,25 мкм)да, аниқлаш эса аланга –ионизацион детекторда амалга оширилди.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Сингдириш ва аралаштириш билан бир қаторда металл цирконийсиликатлар (ЦС) ёки цирконийалюминосиликатлар (ЦАС) гидротермик синтезида ишлатиладиган юқори кремнийли цеолитлар рамкасига киритилиши мумкин. Адабиётлардан маълумки, ЦАС алоҳида $\text{C}_2\text{-C}_5$ алканларини ароматлаш учун фаол ва селектив катализаторлардир, ammo ЦАСда № ароматизацияси бўйича ишлар етарли эмас. Тажрибалар $550\text{-}650\text{ }^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида 550 с^{-1} ҳажмий тезликда ўтказилди. ЦАС бўйича пропан-

бутан фракцияси ароматизацияси бўйича маълумотлар 1-3-жадвалларда ва 1-расмда келтирилган. Ҳатто 550°C да реакция пропан-бутан фракцияси нинг анча юқори конверсияси ва АрУ нинг унумдорлиги билан давом этади. Ҳароратнинг босқичма-босқич 625 °C гача кўтарилиши билан пропан-бутан фракциясининг конверсияси ва АрУ нинг унумдорлиги ошди, ҳароратнинг янада ошиши билан АрУ нинг унумдорлиги ошмади. Катализатдаги бензол ва унинг гомологлари миқдори ҳарорат ошиши билан камаяди. Ўрганилаётган ЦАСнинг характерли хусусияти сезиларли даражада метан унум бўлишидир.



1-расм. Пропан-бутан фракцияси ароматизацияси параметрларининг 550 с⁻¹ ҳажмий тезлигида ЦАСдаги ҳароратга боғлиқлиги.

1-жадвал

Пропан-бутан фракциясини ароматланиши жараёни параметрларининг ЦАСдаги ҳароратга боғлиқлиги.

T, °C	Конверсия, %	Селективлик, %	АрУ чиқиши, %	СН ₄ нинг унуми, %
550	69,3	67,7	46,9	17,1
575	79,5	60,8	48,3	21,8
600	87,0	59,4	51,6	21,6
625	93,3	59,8	55,8	23,3
650	93,6	59,6	55,8	23,2

2-жадвал


Пропан-бутан фракцияси ароматизациясининг реакция газлари таркибининг ЦАСдаги ҳароратга боғлиқлиги.

T, °C	Чиқаётган газ таркиби ҳажмий %					
	H ₂	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₂ H ₄	C ₃ H ₈	ΣC ₄
550	42,2	30,8	9,9	1,3	14,7	1,0
575	47,8	31,6	10,3	1,7	7,8	0,8
600	51,4	30,5	10,5	2,2	4,6	0,8
625	53,5	31,6	10,0	2,3	2,0	0,6
650	53,9	30,7	10,1	2,8	1,8	0,7


3-жадвал

Пропан-бутан фракцияси ароматланиш катализатори таркибининг ЦАСдаги ҳароратга боғлиқлиги

T, °C	Катализатор таркиби, %						
	ΣC ₅	C ₆ H ₆	C ₇ H ₈	ΣC ₈ H ₁₀	ΣC ₉ H ₁₂	C ₁₀ H ₈	C ₁₁₊
550	0,3	32,5	37,8	12,8	2,9	7,9	5,8
575	0,3	35,0	35,8	11,0	2,8	8,7	6,4
600	0,2	34,8	30,6	8,5	2,9	13,3	9,7
625	0,2	37,7	27,2	6,5	2,7	16,6	9,1
650	-	38,7	27,1	5,9	2,2	17,1	9,0




2-расм. Нафталин ва унинг гомологлари унумининг 550 с⁻¹ ҳароратга ЦАС га боғлиқлиги.



3-расм. ЦАС катализаторида 600°C ва 550 с⁻¹ да суюқ пропан-бутан фракцияси ароматизацияси маҳсулотларининг таркиби (%) да.

Ҳар хил рух тузларининг катализатор фаоллигига таъсири.

Анъанага кўра, катализаторларни рух билан ўзгартиришда унинг нитрати ишлатилади, шунинг учун пропан-бутан фракцияси конверсиясини, паст алканларнинг ароматизациясининг селективлигини, АрУ унумини ва бошқа кимёвий моддалар ёрдамида тайёрланган рух тузлари катализаторлардаги чиқинди газ ва суюқ маҳсулотларнинг таркибини солиштириш керак. ЮКЦ цеолитининг каталитик хусусиятларини батафсилроқ ўрганиш учун катализаторни сингдириш учун ишлатиладиган тузлар - рух нитрат, рух бромидга ва рух нитрат қараб пропан-бутан фракцияси ароматизациясининг асосий параметрларининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар олинган. Саноатда катализаторнинг кислоталигини ошириш учун галогенни, кўпинча хлор ёки бромни киритиш усули қўлланилади. Шунинг учун катализаторга галогенни киритиш ҳисобига парафинларнинг ароматланиш тезлигини ошириш орқали таркибида Zn сақловчи цеолитнинг фаоллигини ошириш мумкин. Шунинг учун, галогенли катализаторнинг кислоталиги кўпайиши парафинларни олиш тезлигини оширишга ҳисса қўшиши керак. Галогенни киритиш усули сифатида цеолитни нитрат ўрнига рух бромид билан сингдириш танланган. Икки хил тажрибалар ўтказилди (Zn миқдори 2 ва 5%). Рух бромид билан сингдирилган Zn-юқори кремнийли цеолит бўйича пропан-бутан фракциясини ароматлаш бўйича маълумотлар 4-6-жадвалларда ва 4-6-расмларда келтирилган.



4-расм. 2% (Zn бромид) - ЮКЦ ва 550 с⁻¹ сингдириши пайтида пропан-бутан фракцияси ароматланиши индексларининг ҳароратга боғлиқлиги.

Минимал метан унум бўлиши билан, пропан-бутан фракцияси ароматланиш реакцияси 2% Zn намунасида 550 °C да давом этади, аммо ароматик углеводородларнинг унумдорлиги энг паст бўлади. Ароматик углеводородларнинг максимал ишлаб чиқарилиши билан реакция 5% Zn 600 °C ҳароратда катализаторга ўтади. Пропан-бутан фракцияси ароматизациясининг асосий параметрларининг ҳажмли тезлик ва ҳароратга боғлиқлигини ўрганишда пропан-бутан фракциясини ўзгартириш учун оптимал шароитлар 600 °C ва 550 с⁻¹, рухнинг оптимал концентрацияси 5% оғирликда топилди: Ушбу шартлар шароитида АрУ унумдорлиги 70,4% ва конверсия 59,2% ни селективлик эса 41,7% ни ташкил этди. Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, Zn-юқори кремнийли цеолит катализаторига галогеннинг киритилиши катализаторларнинг фаоллиги ва уларнинг алоҳида маҳсулотларнинг шаклланишига нисбатан селективлиги ўзгаришига олиб келади. Олинган Zn-ЮКЦ катализаторининг ўзига хос хусусиятлари C₅ фракцияси ва пропилен маҳсулотларида пайдо бўлиши, газсимон маҳсулотларда этан улушининг кўпайиши ва суяқ моддалардаги полиядроли C₈ ва C₉ фракциялари ароматик моддалар миқдорининг камайиши; Алканларни ўзгартириш маҳсулотларида бундай ўзгаришлар хлор катализатор марказларига таъсир қилади. Ҳажмий тезликни ўзгартирганда, катализатордаги индивидуал,

ароматик углеводородларнинг концентрацияси нисбати ўзгарди: ҳажмли тезликнинг ошиши, бензол концентрациясининг пасайиши, толуол ва ксилолларнинг кўпайиши кўзатилади, бу пастроқ деалкилланиш реакциясининг давомийлиги билан боғлиқ; лекин барча тажрибаларда кўп ядроли АрУ нинг таркиби рух нитрат тузи ёрдамида ўхшаш тажрибаларга қараганда паст бўлади.

4-жадвал

Пропан-бутан фракцияси ароматланиш жараёнининг рух таркибига боғлиқлиги; Zn (бромиддан)-ЮКЦ катализаторида хом ашёнинг ҳарорати ва ҳажмий сарфланиш тезлиги.

Zn, %	T, °C	ω, с	Конверсия, %	Селективлик %	АрУ нинг чиқиши %	СН ₄ нинг чиқиши %
2%	550	300	58,2	63,2	38,5	6,8
		550	55,7	64,3	35,8	5,2
	600	300	73,9	58,4	43,2	8,4
		550	70,4	59,2	41,7	7,2
	625	300	80,8	45,0	38,9	10,5
		550	76,1	47,6	36,2	9,2
5%	600	300	81,2	56,0	47,6	15,7
		550	77,0	58,8	45,3	14,9
	625	300	83,8	52,1	43,7	16,9

5-жадвал

Пропан-бутан фракцияси ароматизацияси реакция газлари таркибининг Zn (бромид)-ЮКЦ катализаторидаги рух таркибига, температура ва хом ашёнинг ҳажмий тезлигига боғлиқлиги.


Zn, %	T, °C	ω, с	Чиқаётган газ таркиби ҳажмий %						
			H ₂	СН ₄	C ₂ H ₆	C ₂ H ₄	C ₃ H ₈	C ₃ H ₆	ΣC ₄
2%	550	300	46,3	12,8	8,5	1,6	24,9	2,5	3,4
		550	48,9	9,5	4,0	2,3	26,0	3,7	5,6
	600	300	49,7	13,2	12,4	2,2	18,0	3,3	1,2
		550	50,5	9,6	5,8	2,6	21,8	5,2	4,3
	625	300	50,9	16,6	10,0	6,5	10,6	3,8	1,6
		550	51,6	17,9	11,3	3,2	10,2	4,6	1,2
5%	600	300	51,6	12,4	12,0	3,9	14,0	4,4	1,7

		550	52,9	14,2	6,6	3,9	15,5	4,8	2,1
	625	300	41,6	22,4	12,0	3,9	14,1	4,4	1,7

6-жадвал


Пропан-бутан фракцияси ароматлини каталитори таркибининг промоторга боғлиқлиги, Zn (бромид)-ЮКЦ каталиторидаги хом ашёнинг ҳарорати ва ҳажмий тезлиги

Zn, %	T, °C	ω, с	Каталитатор таркиби, %						
			ΣC ₅	C ₆ H ₆	C ₇ H ₈	ΣC ₈ H ₁₀	ΣC ₉ H ₁₂	C ₁₀ H ₈	C ₁₁₊
	550	300	1,3	25,7	44,7	21,5	0,4	3,3	3,1
		550	3,4	18,6	42,9	28,5	1,2	2,8	2,6
	600	300	1,0	35,6	35,3	12,5	0,7	8,8	6,1
		550	2,2	22,7	39,6	20,9	2,2	7,2	5,2
	625	550	1,3	33,1	33,6	13,5	1,0	9,6	7,9
	600	300	1,3	27,4	49,8	13,7	1,4	3,4	3,0
		550	3,0	25,2	47,4	16,1	2,5	3,4	2,4
	625	300	0,7	30,8	37,3	14,2	1,0	9,7	6,3



5-расм. Суюқ маҳсулотни ташувчининг (%) 600 °C ва 550 с⁻¹ каталитатор 5% Zn (бромид) - ЮКЦ

Zn концентрациясининг 2% дан 5% гача ортиши билан нафталин ва унинг гомологлари унуми камайди, бу кокс унум бўлишини камайтиради, чунки кўп ядроли АрУ фаол кокслорчи моддалардир.



6-расм. 5% Zn (бромид) -ЮКЦ ва 550 с⁻¹ сингдиришда кўп ядроли ароматик углеводородлар унумининг ҳароратга боғлиқлиги.

Рух нитратнинг сувли эритмаларидан фойдаланганда жараённинг асосий кўрсаткичлари рух нитратидан фойдаланишга қараганда пастроқ эди (тажрибалар таркибида рух 5% ва ҳажмий тезлиги 550 с⁻¹). Эҳтимол, нитрат ионларининг водород сулфидига қисқариши ва катализаторнинг назоратсиз олтингугуртланиши бўлган. Рух нитрат сингдириш учун ишлатилганда пропан-бутан фракцияси ароматизацияси ҳақидаги маълумотлар 3-4-жадвалларда ва 7-расмда келтирилган.

7-жадвал


Пропан-бутан фракцияси ароматланиш жараёнининг ҳароратга 550 с⁻¹ да 5% Zn (нитрат)-ЮКЦ катализаторига боғлиқлиги.

T, °C	Конверсия, %	Селективлик, %	АрУ нинг чиқиши %	СН ₄ нинг чиқиши %
550	46,2	60,0	27,7	6,5
575	66,5	55,3	36,8	11,8
600	73,5	52,8	38,8	13,6
625	78,9	46,0	36,3	17,3

8-жадвал

Пропан-бутан фракцияси ароматизациясининг реакция газлари таркибининг 5% ли Zn (нитрат)-ЮКЦ катализаторида 550 с⁻¹ ҳароратга боғлиқлиги.


T, °C	Чиқаётган газ таркиби ҳажмий %						
	H ₂	CH ₄	C ₂ H ₆	C ₂ H ₄	C ₃ H ₈	C ₃ H ₆	ΣC ₄
550	39,8	12,4	4,5	3,1	31,6	2,6	6,0
575	52,8	17,1	8,0	2,1	17,5	2,2	3,0
600	57,7	17,8	8,1	2,4	11,0	2,1	0,9
625	57,5	22,6	9,7	2,1	3,8	1,4	0,4



7-расм.

5% Zn (нитрат)-ЮКЦ ва 550 с⁻¹ билан сингдиришида пропан-бутан фракцияси ароматланиш параметрларининг ҳароратга боғлиқлиги.

Мо концентрациясининг Н-ЮКЦ фаолиятига таъсири. Адабиёт маълумотларига кўра, молибден табиий газни ароматлашда самарали воситадир. Молибден ўз ичига олган цеолитнинг каталитик хусусиятларини батафсил ўрганиш учун 550 с⁻¹ ҳажмий тезликда ҳарорат ва молибден таркибига қараб пропан-бутан фракцияси конверсияси, селективлик ва АрУ унумдорлигининг ўзгариши ҳақида маълумотлар олинган. Тажриба натижалари 5-7-жадвалларда ва 8-расмда келтирилган. Молибден концентрацияси ортиши билан конверсия кучаяди. Бироқ, ароматик углеводородларнинг унуми паст.



8-расм. Пропан-бутан фракцияси ароматланиш индексларининг Мо-ЮКЦ катализаторида 600°C ва 550 с⁻¹ Мо таркибига боғлиқлиги.

5-жадвал.

Пропан-бутан фракцияси ароматланиш жараёнининг Мо таркибига ва 550 с⁻¹ ҳароратда Мо-ЮКЦ катализаторига боғлиқлиги.

Мо, %	T, °C	Конверсия, %	Селективлик, %	АрУ нинг чиқиши, %	СН ₄ нинг чиқиши, %
1%	550	53,4	47,3	25,3	6,3
	575	60,5	45,0	27,2	7,0
	600	65,1	42,0	27,3	11,4
3%	575	64,1	50,9	32,6	8,9
	600	69,3	46,8	32,4	12,4
5%	575	67,6	49,0	33,1	13,0
	600	73,6	44,7	32,9	16,2

6-жадвал.

Пропан-бутан фракцияси ароматланиш реакцияси газ таркибининг Мо-ЮКЦ катализаторидаги 550 с⁻¹ ҳароратига ва Мо таркибига боғлиқлиги.

Мо, %	T, °C	Чиқаётган газ таркиби ҳажмий %					
		H ₂	СН ₄	С ₂ Н ₆	С ₂ Н ₄	С ₃ Н ₈	ΣC ₄
1%	550	22,2	17,2	14,4	4,4	34,0	7,9
	575	23,9	17,9	13,9	5,0	31,4	7,8
	600	28,2	23,3	14,0	6,2	22,6	5,6

4%	575	22,9	20,7	15,0	5,1	28,8	7,3
	600	25,7	26,5	14,3	6,2	22,1	5,2
6 %	575	24,7	26,8	14,4	5,1	23,8	5,2
	600	25,4	32,2	13,8	6,0	18,4	4,2

Шундай қилиб, метан ароматизацияси реакцияларида молибдендан фойдаланишга қарамадан, пропан-бутан фракцияси трансформациясида ушбу промоутердан фойдаланиш тавсия этилмайди.

ХУЛОСА

Пропан-бутан фракцияси ароматизацияси параметрларининг 550 c^{-1} ҳажмий тезлигида ЦАСдаги ҳароратга боғлиқлиги ўрганилди. Нафталин ва унинг гомологлари унумининг 550 c^{-1} ҳароратга ЦАС га боғлиқлиги ўрганилди. Пропан-бутан фракцияси ароматланиш катализатори таркибининг промоторга боғлиқлиги, Zn (бромид)-ЮКЦ катализаторидаги хом ашёнинг ҳарорати ва ҳажмий тезлиги ўрганилди ва таҳлил қилинди. Натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, Zn-юқори кремнийли цеолит катализаторига галогеннинг киритилиши катализаторларнинг фаоллиги ва уларнинг алоҳида маҳсулотларнинг шаклланишига нисбатан селективлиги ўзгаришига олиб келади. Ҳажмий тезликни ўзгартирганда, катализатордаги индивидуал, ароматик углеводородларнинг концентрацияси нисбати ўзгарди: ҳажмли тезликнинг ошиши, бензол концентрациясининг пасайиши, толуол ва ксилолларнинг кўпайиши кўзатилади, бу пастроқ деалкилланиш реакциясининг давомийлиги билан боғлиқ; Zn концентрациясининг 2% дан 5% гача ортиши билан нафталин ва унинг гомологлари унуми камаяди, бу кокс унум бўлишини камайтиради, чунки кўп ядроли АрУ фаол коксловчи моддалардир. Молибден концентрацияси ортиши билан конверсия кучаяди. Бироқ, ароматик углеводородларнинг унуми паст. Шундай қилиб, қалайнинг Zn-цеолит катализаторига киритилиши коксланишни 5 соатда 10% , 10 соатда 14% ва 20 соатда 18% га камайтиради. Ушбу натижалар қалайнинг энг фаол реакция марказларини блокировка қилишини ёки фаолиятини камайтиришини тасдиқлайди. Zn-цеолит катализаторига галлий ва қалайнинг киритилиши билан кокслаш қобилияти ҳам камаяди, бу катализаторнинг яхши ишлаш хусусиятларини ва маълум Zn-цеолит катализаторига нисбатан регенерациядан олдин узоқ вақт ишлашини кўрсатиши мумкин.

REFERENCES

1. Малолетнев А.С., Гюльмалиева М.А. Химия тверд. топлива, 2007, №4, с. 57-63.
2. Дуплякин В.К. Рос. хим. х. (Ж. Рос. хим. об-ва им. Д.И. Менделеева), 2007, т. 51, №4, с.11-22.
3. Арутюнов В.С., Лapidус А.Л. Введение в газохимию. М.: Изд-во РГУ нефти и газа им. И.М.Губкина, 2005, 108 с.
4. Bobomurodova, S.Y., Fayzullaev, N.I., Usmanova, K.A. Catalytic aromatization of oil satellite gases//International Journal of Advanced Science and Technology, 2020, 29(5), стр. 3031–3039.
5. Fayzullaev, N.I., Bobomurodova, S.Y., Avalboev, G.A. Catalytic change of C₁-C₄-alkanes//International Journal of Control and Automation, 2020, 13(2), стр. 827–835.
6. Mamadoliev, I.I., Fayzullaev, N.I., Khalikov, K.M. Synthesis of high silicon of zeolites and their sorption properties//International Journal of Control and Automation, 2020, 13(2), стр. 703–709.
7. Fayzullaev, N.I., Bobomurodova, S.Y., Xolmuminova, D.A. Physico-chemical and texture characteristics of Zn-Zr/VKTS catalyst//Journal of Critical Reviews, 2020, 7(7), стр. 917–920
8. Recent progress in methane dehydroaromatization: from laboratory curiosities to promising technology / S. Ma, X. Guo, L. Zhao, S. Scott, X. Bao // J. Energy Chem. – 2013. – V. 22. – № 1. –P. 1–20.
9. Spivey J.J., Hutchings G. Catalytic aromatization of methane // Chem. Soc. Rev. – 2014. – V. 43. – P. 792–803.
10. Direct conversion of natural gas to higher hydrocarbons: a review // S. Majhi, P. Mohanty, H. Wang, K.K. Pant // J. Energy Chem. – 2013. – V. 22. – P. 543–554.
11. Металлцеолитные катализаторы дегидроароматизации метана // Н.А. Мамонов, Е.В. Фадеева, Д.А. Григорьев, М.Н. Михайлов, Л.М. Кустов, С.А. Алхимов // Успехи химии. – 2013. – Т. 82. –№ 6. – С. 567–585.
12. Catalytic chemistry for Methane Dehydroaromatization (MDA) on a bifunctional Mo/HZSM5 catalyst in a packed bed / C. Karakaya, S.H. Morejudo, H. Zhu, R.J. Kee // Ind. Eng. Chem. Res. –2016. – V. 55. – P. 9895–9906.
13. Methane dehydroaromatization by Mo/HZSM5: Mono or bifunctional catalysis// N. Kosinov, F.J.A.G. Coumans, E.A. Uslamin, A.S.G. Wijkema, B. Mezari, E.J.M. Hensen // ACS Catal. – 2017. – V. 7. – № 1. – P. 520–529.

14. Миначѐв Х.М., Дергачѐв А.А. Ароматизация низкомолекулярных парафинов на цеолитах семейства пентасила // Успехи химии, 1990. – Т. 59, вып. 9, С. 1522.
15. Lapidus A.L., Dergachev A.A. Proc. GKMK-Conference. Munich, Germany, 2004, p.193.
16. Caeiro G., Carvalho R.H., Wang X. e. a. J. Molec. Catal. A: Chemical, 2006, v. 255, p.133.
17. Фридман А.Л., Минигулов Р.М., Шевкунов С.Н. Новые технологические решения в области утилизации попутного нефтяного газа // Газохимия, 2010. – № 2. – С.34.
18. Лapidус А.Л., Дергачѐв А.А., Костина В.А., Силакова А.А. //Нефтехимия, 2008. – Т. 48. – № 2. – С. 83.
19. Kazansky V.B. J. Catal., 2003, v. 216, p. 192.
20. Bobomurodova, S.Y., Fayzullaev, N.I., Usmanova, K.A. Catalytic aromatization of oil satellite gases//International Journal of Advanced Science and Technology, 2020, 29(5), стр. 3031–3039.

LOKOMOTIVLARNING TEXNIK HOLATINI BORT TIZIMI YORDAMIDA ANIQLASH

Abdulaziz Yusufov Maxamadali o'g'li

Toshkent davlat transport universiteti tayanch doktoranti

E-mail: abdulazizyusufovv@bk.ru

<https://orcid.org/0000-0001-8310-8225>

Jo'rayev Abbas Komilovich

“O'ztemiryo'lmashta'mir” UK katta ustasi

Vohidov Azizbek Pirimqulovich

“O'ztemiryo'lmashta'mir” UK teplovoz mashinisti

Raximnazarov Rustam Tashkulovich

Termiz lokomotiv deposi mashinist yordamchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada zamonaviy teplovozlarni texnik jihatdan diagnostika qilish tartibi keltirib o'tilgan. Zamonavaiy teplovoz tuzilishi va boshqarilishi tomonidan murakkab bo'lib, uning tizimi bo'lib, shu sababli uning muvaffaqiyatli ishlashi ekspluatatsiya jarayonidagi, ishchi holati va belgilangan resursni saqlab turish va tiklashga qaratilgan profilaktika va tiklash chora-tadbirlarining ma'lum yig'indisini amalga oshirish bilan bog'liq.

***Kalit so'zlar:** mikroprotsessor, texnik xizmat ko'rsatish, diagnostika, teplovoz, samaradorlik.*

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ЛОКОМОТИВОВ С ПОМОЩЬЮ БОРТОВОЙ СИСТЕМЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описан порядок проведения технической диагностики современных тепловозов. Современный локомотив сложен по своему устройству и управлению, это система, поэтому его успешная работа связана с выполнением определенного комплекса профилактических и восстановительных мероприятий, направленных на поддержание и восстановление рабочего состояния и заданного ресурса.

***Ключевые слова:** микропроцессор, техническое обслуживание, диагностика, локомотив, эффективность.*

DETERMINATION OF THE TECHNICAL CONDITION OF LOCOMOTIVES USING THE ON-BOARD SYSTEM

ABSTRACT

This article describes the procedure for conducting technical diagnostics of modern diesel locomotives. A modern locomotive is complex in its structure and control, it is a system, therefore its successful operation is associated with the implementation of a certain set of preventive and remedial measures aimed at maintaining and restoring the working condition and a given resource.

Keywords: *microprocessor, maintenance, diagnostics, locomotive, efficiency.*

KIRISH

Hozirgi paytda Rossiya va MDH mamlakatlari temir yo‘llarida lokomotivlarga rejali-oldini olishga qaratilgan texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash tizimi qabul qilingan (1.1-rasm). Texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash bu lokomotiv sozligi va ish qobiliyatini saqlab turish va tiklash uchun bajariladigan ishlar majmui tushuniladi.



1.1-rasm. Rejali-oldini olish tizimi bo‘yicha texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash sxemasi

Texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlash texnik turlarining asosiy vazifasi ekspluatatsiya jarayonida paydo bo‘ladigan tabiiy yeyilishlarni bartaraf etish, ehtimolli bo‘lgan nosozliklarning oldini olish, hamda lokomotiv uzal va agregatlarining belgilangan muddatlar davomida normal ishlashini ta‘minlashdan iborat[1-6].

Rejali texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlashda majburiy ishlarning hajmlari va bajarilish tartibi, yaroqsizga chiqarish alomatlarini va detallar va yig‘ish birliklarini

tiklashning yo‘l qo‘yiladigan uslublari belgilangan tartibda kelishilgan va tasdiqlangan amaldagi ekspluatatsiya va ta‘mirlash hujjatlari orqali tartibga solinadi. «O‘zbekiston temir yo‘llari» AJning magistral teplovozlari davriy texnik xizmat ko‘rsatish va ta‘mirlashning o‘rtacha me‘yorlari O‘zbekiston temir yo‘llari raisining 361-N buyrug‘iga asosan amalga oshiriladi. «O‘zbekiston temir yo‘llari» AJda foydalanilayotgan teplovozlari uchun asosiy ma‘lumotlar 1.1-jadvalda keltirilgan [6-8].

1.1-jadval. Lokomotivlarning ta‘mirlashgacha bosib o‘tilgan masofasi.

Lokomotivlar -ning seriyasi	Ta‘mirlashgacha bosib o‘tilgan masofasi					
	TXK- 2 soat	TXK- 3 soat	Kapital ta‘mir (ming.km.)			
			JT-1	JT-3	KT-1	KT-2
2TE10M / 2TE116 (yo‘lovchi)	24	17	30 ming.km	300 ming.km	600 ming.km	1200 ming.km
UzTE16M4 (to‘rt seksiyali yuk tashuvchi)	48	14kun	50 ming.km	300ming. km	600 ming.km	1200 ming.km
TEP70BS	96	-	50 ming.km	800 ming.km	1600 ming.km	-

«O‘zbekiston temir yo‘llari» AJ buyrug‘i (№361-N 12.04.2021) ga asosan kundalik texnik qarov (TXK-1) ni o‘tkazish, (lokomotivni topshirish va qabul qilish) 20-30 daqiqa davom etadi.

ILMIY-TADQIQOT METODLARI

Asosiy depoga birlashtirilgan lokomotivlarning texnik qarovi (TXK-1, TXK-2, TXK-3, TXK-4 va quyidagi joriy JT-1) dasturini lokomotiv depo boshlig‘ining ta‘mirlash bo‘yicha muovini tasdiqlaydi. Bu dasturda qilinishi kerak bo‘lgan ishlarni depo o‘z ishchilarining kuchi bilan bajaradi.

Joriy ta‘mir (JT-1 va JT-3) ishlari maxsus ixtisoslashtirilgan «O‘zbekiston temir yo‘llari» AJning «O‘zbekiston», Qo‘qon lokomotiv depolarida bajariladi. Kapital ta‘mirlash (KT-1, KT-2) esa, «O‘ztemiryo‘lmashta‘mir» unitar korxonasida bajariladi.

Rejali-oldini olish tizimining ustuvor jihati lokomotivning turli uskunalari uchun ta‘mirlash operatsiyalarini birlashtirish imkoniyati bo‘lib, buning hisobiga

lokomotivning berilgan ekspluatatsiya davrida ta'mirlashda umumiy turish davomligini qisqartirishga erishiladi. Bu holda turli hajmdagi ta'mirlarni uzoq muddatli rejalashtirish va ularni bajarish uchun zarur ehtiyot qismlar va materiallarni yetkazib berish osonlik bilan amalga oshiriladi.

Mazkur tizimning kamchiligi shundan iboratki, rejali ta'mirlash yoki texnik xizmat ko'rsatish jarayonida ta'mirlanishi mo'ljallangan uskuna uning texnik holatidan qat'i nazar demontaj qilinadi. Normal ishlab turgan uskunaning ishiga aralashish esa ba'zi hollarda ta'mirlash jarayonidan so'ng hosil bo'lgan nosozliklar tufayli uning texnik holatini hatto yomonlashtirishi ham mumkin. Bularning barchasi rejadan tashqari ta'mirlashlar soni ortishi va ta'mirlashning rejali turlarida uzoq turib qolishlarga sabab bo'lib, shu tarzda ta'mirlashlarni rejalashtirishning samaradorligini keskin pasaytirib, rejali-oldini olish tizimida texnik xizmat ko'rsatishni uyushtirishning asosiy ustun jihatlaridan birini yo'qqa chiqaradi.

NATIJARLAR

Ayrim lokomotiv depolari yoki lokomotiv guruhlari uchun ta'mirlash davriyligining tabaqalashtirilgan me'yorlari mahalliy sharoitlarni hisobga olgan holda (yo'l profili va plani, poezdlar og'iriligi va aylanish uchastkasida harakatlanish tezliklari, aylanish uchastkasi uzunligi, lokomotivlarning bir kunkadagi o'rtacha bosadigan yo'li va h.k.) «O'zbekiston temir yo'llari» AJ uchun o'rtacha me'yorlardan 20% dan katta bo'lmagan chetlashishlar belgilab qo'yiladi. Lokomotivlarning ta'mirlashda turib qolish vaqtining hisobi lokomotivlar mavjudligi, ular holati va ulardan foydalanish bo'yicha yo'riqnomalarga muvofiq amalga oshiriladi. «O'zbekiston temir yo'llari» AJ uchun lokomotiv depolari sharoitida TXK-3 texnik xizmat ko'rsatish va lokomotiv rejali ta'mirlanishining o'rtacha davom etish me'yorlari 1.2-jadvalda keltirilgan [1-3].

1.2 -Jadval. Lokomotivlarning ta'mirlash uchun sarflanadigan vaqt

Lokomotivlar seriyasi	Lokomotivlarning ta'mirlash uchun sarflanadigan vaqt					
	TXK-2 soat	TXK-3 soat	Kapital ta'mir (ming.km)			
			JT-1, soat	JT-3, kun	KT-1, kun	KT-2, kun
2TE10M	2	14	50	8	18	20
UzTE16M4 (to'rt seksiyali yuk tashuvchi)	5	28	70	16	26	28

TEP70BS	2	-	60	15	16	18
----------------	---	---	----	----	----	----

Lokomotiv depolari uchun lokomotivlarga texnik xizmat ko'rsatish va ta'mirlash davomlilikining tabaqalashtirilgan me'yorlari Lokomotiv xo'jaligi departamenti bilan kelishgan holda «O'zbekiston temir yo'llari» AJ uchun 1.2-jadvalda keltirilgan o'rtacha me'yorlardan 30% dan ortiq chetlashmagan holda belgilanadi.

XULOSA

Zamonaviy teplovoz tuzilishi va boshqarilishi tomonidan murakkab bo'lib, uning tizimi bo'lib, shu sababli uning muvaffaqiyatli ishlashi ekspluatatsiya jarayonidagi, ishchi holati va belgilangan resursni saqlab turish va tiklashga qaratilgan profilaktika va tiklash chora-tadbirlarining ma'lum yig'indisini amalga oshirish bilan bog'liqligini aks ettiradi va ta'mirlashning rejali-oldini olish tizimidan foydalanilish lozim.

REFERENCES

10. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М. У., Кодиров, Н. С., Жамилов, Ш. Ф. У., Эркинов, Б. Х. У., Абдулатипов, У. И. У., & Сейдаметов, С. Р. (2022). ОЦЕНКА ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРНОЙ УСТАНОВКИ (ДГУ) ТЕПЛОВОЗОВ С ПОМОЩЬЮ АППАРАТНО-ПРОГРАММНОГО КОМПЛЕКСА «БОРТ». *Universum: технические науки*, (4-5 (97)), 41-46.
11. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М. У., Кодиров, Н. С., Жамилов, Ш. Ф. У., Абдурасулов, Ш. Х., Абдулатипов, У. И. У., & Сейдаметов, С. Р. (2022). ПРОГНОЗИРОВАНИЕ ОСТАТОЧНОГО РЕСУРСА ГЛАВНОЙ РАМЫ И ПРОДЛЕНИЕ СРОКОВ СЛУЖБЫ МАНЕВРОВЫХ ЛОКОМОТИВОВ НА АО «УТЙ». *Universum: технические науки*, (4-5 (97)), 47-54.
12. Abdulaziz Yusufov | Sabir Azimov | Shukhrat Jamilov "Determination of Residential Service of Locomotives in the Locomotive Park of JSC "Uzbekistan Railways"" Published in International Journal of Trend in Scientific Research and Development (ijtsrd), ISSN: 2456- 6470, Volume-6 | Issue-3, April 2022, pp.413-417, URL: www.ijtsrd.com/papers/ijtsrd49552.pdf.
13. Абдулазиз Юсуфов Махамдали ўғли, Қодиров Нозим Солиевич, Жамилов Шухрат Фармон ўғли, Келдибеков Зокир Оллабердиевич. (2022). “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти локомотив паркини техник ҳолатини таҳлили. “Yosh Tadqiqotchi” Jurnalı, 1(1), 198–205. doi.org/10.5281/zenodo.6298747.

-
14. Хамидов О.Р, Юсуфов А.М, Кудратов Ш.И, Абдурасулов А.М, Азимов С.М. (2022). ОЦЕНКА СРЕДНИХ НАПРЯЖЕНИЙ ЦИКЛА В НЕСУЩИХ РАМАХ ТЕПЛОВЗОВ НА ОСНОВЕ, КОНЕЧНО-ЭЛЕМЕНТНОГО, РАСЧЕТА ОТ СТАТИЧЕСКИХ НАГРУЗОК. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6720495>
15. Хамидов О.Р, Юсуфов А.М, Кудратов Ш.И, Абдурасулов А.М, Жамилов Ш.М. (2022). ОБСЛЕДОВАНИЕ ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ МАНЕВРОВОГО ТЕПЛОВАЗА СЕРИИ ТЭМ2. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6720581>
16. J. Mallikat. Der Eisenbahningenieur, Модернизация тепловззов в Германии. // Железные дороги мира 1996 №8 стр.6-9.
17. V. Spiryagin, Improvement of dynamic interaction between the locomotive and railwaytrack, PhD Thesis, East Ukrainian National University, Lugansk, Ukraine, 2004.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ МИСОЛИДА)

Раматов Ж.С.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори
+99899 848 45 95

Баратов Р.Ў.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

Кушаков Файзулла Абдуллаевич.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

Валиев Л.А.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Хасанов М.Н.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ахборот-таҳлилий ҳамда илмий ёндошув характерида эга бўлиб, Ўзбекистоннинг темир йўл қурилишининг мустақиллик йилларидаги ривожланиш эволюцияси, шунингдек мамлакатни ташқи ва ички транспорт сиёсатидаги ўзига хос прагматизм ҳамда истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилаётган лойиҳаларнинг сиёсий, ижтимоий аҳамияти чуқур таҳлил этилган.

***Калит сўз:** Транспорт коммуникацияси, темир йўл қурилиши, ташқи сиёсат тамойиллари, транс-афгон, транзит, транспорт сиёсати.*

АННОТАЦИЯ

Данная статья представляет собой информационно-аналитический и научный подход, анализирующий эволюцию развития железнодорожного строительства в Узбекистане за годы независимости, а также конкретный прагматизм внешней и внутренней транспортной политики страны и политическую и социальную значимость будущих проектов.

Ключевые слова: транспортное сообщение, железнодорожное строительство, принципы внешней политики, трансафганский транзит, транспортная политика.

ABSTRACT

This article is an information-analytical and scientific approach that analyzes the evolution of the development of railway construction in Uzbekistan over the years of independence, as well as the specific pragmatism of the country's foreign and domestic transport policy and the political and social significance of future projects.

Keywords: transport communication, railway construction, principles of foreign policy, trans-Afghan transit, transport policy.

КИРИШ

Proverbs can also express an idea directly or logically. Each proverb can be used with a positive or negative approach to a situation or event. Due to these features, various stylistic devices are widely used in proverbs, and they are more common in speech than in other genres of folklore. Proverbs are actively used in the verbal form of the language, they can also be found in works of art and journalism, but proverbs are almost never used in newspapers, official documents, and scientific journals (there are exceptions, such as the use of scientific texts in the humanities and social sciences to enhance their content, or as an example of scientific authorship cases of use are examples of these).

CONCLUSION

When we look at proverbs in different languages, we see that they are a reflection of the historical, spiritual and material culture of the people who speak that language. Therefore, a comparative study of different language proverbs helps to reveal the specific cultural and national aspects of a nation, in other words, it reflects the mentality of that nation.

Therefore, despite the fact that the cultures we study, it would seem, are completely different, nevertheless, there are concepts in the framework of the paremiological series, which are equally interpreted in several linguocultural communities.

REFERENCES

1. Abdullaeva N. Ingliz va o'zbek xalq maqollaridagi graduonimik munosabatlarning lingvopragmatik xususiyatlari. Monografiya. – Toshkent: Nurafshon business. 2021.
2. Abdullaeva N. Dictionary of English and Uzbek proverbs. – A dictionary app for mobile phones and personal computers.
3. Berdiyev H., Rasulov R. O'zbek tilining paremiologik lug'ati. – Toshkent: O'qituvchi, 1984.

-
4. Gotthardt H.H., Varga M.A. (eds.) Introduction to Paremiology: A Comprehensive Guide to Proverb Studies. - Berlin: De Gruyter, 2014.
 5. Mieder W. International Proverb Scholarship. - New York: Garland Publishing, 1993.
 6. Mieder W. Proverb: A Handbook. – London: Greenwood Press, 2004.
 7. Mirzayev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. O‘zbek xalq maqollari, - T., 2005.
 8. Norrik N. R. How proverbs Mean? Semantic Studies in English Proverbs. – Amsterdam: Mouton, – 1983.

INGLIZ TILIDAGI AYRIM IDIOMALARNING TARJIMASI XUSUSIDA

Xudoyqulov Behzod

DTPI o'qituvchisi,
bekhzod338@gmail.com

Berdiyev So'xrob

DTPI o'qituvchisi.

ANNOTATSIYA

Frazeologik birliklar milliy adabiy tilning ham og'zaki, ham yozma shaklida; og'zaki ham yozma nutqda keng qo'llanuvchi til hodisalaridir. Tilning lug'at tarkibini tashkil etuvchi birliklardan biri frazeologizmlardir. Frazeologizmlar til birligi sifatida nutqda namoyon bo'ladi. Ular nutqning ta'sirchan va buyoqdor bo'lishini ta'minlaydi. Frazeologik birliklar ma'lum bir tilde so'zlashuvchi xalqning madaniy til boyligini aks ettiradi va ularning dunyoqarashining o'ziga xos xususiyatlarini ochib berishga yordam beradi. Har bir tildagi frazeologizmlarni o'rganish muhim hamda qiziqarli hisoblanadi. Ushbu maqolada ingliz tilidagi ayrim idiomatik iboralarning tarjimasi va ularning semantik xususiyatlariga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar: *Frazeologik birliklar, tarjima, shakl va ma'no, ko'chma ma'no.*

TRANSLATION OF SOME IDIOMATIC EXPRESSIONS IN ENGLISH LANGUAGE

Khudaykulov Bekhzod

Teacher of Denau institute of entrepreneurship and pedagogy.

Berdiev Sukhrob

Teacher of Denau institute of entrepreneurship and pedagogy.

ABSTRACT

Nowadays, one of the most important issues is: translation questions of phraseological units into other languages. It is important to translate and to find equivalence phraseological units from source language into target one. The problem of the equivalence is one of the most important aspects in the comparative study of phraseology. The most significant feature of phraseological units in each language is to find its equivalent into other language.

In this article, following English idiomatic expressions has been analyzed with semantic meaning. The phraseological equivalence is shown in the translation of

fruit idioms in English. Theoretical data about idioms are discussed and analyzed with reasonable examples.

Keywords: *Phraseology, phraseological unit, translation, meaning, figurative meaning.*

KIRISH

Frazeologik iboralar qaysi shaklda qo'llanishidan qat'iy nazar tilda o'ziga xos normaga egaligi ko'rinadi. Xuddi shu normativlik ularning bir tildan ikkinchi tilga o'tishini qiyinlashtiradi. Frazeologizmlar, odatda, ikki yoki undan ortiq so'zlarning o'zaro birikuvidan tashkil topishi natijasida ularning ko'rinishi so'z birikmalariga o'xshaydi. Hatto shunday frazeologizmlar va so'z birikmalari borki, ularni ibora va birikma holida farqlash oson kechmaydi. Bundan anglashiladiki, so'z birikmalari denotativ, frazeologizmlar esa konnotativ xususiyat kasb etadi hamda ularni kontekstdan farqlashga to'g'ri keladi. Demak, so'zlarning har qanday birikuvi frazeologizm hisoblanmaydi. Ular tuzilishi va ma'no-mazmuni jihatidan murakkab, ko'p aspektli til hodisasi bo'lib, muayyan normasi va spetsifik belgilari mavjud. Iboralar shakllanishida azaldan xalq tilining o'rni va roli katta. Aslida xalq tilida yaratilgan iboralar asta-sekin adabiy tilga badiiy asarlar orqali kirib borgan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Frazeologizmlar barcha tillarda qiziqarli, chunki ularni so'zma-so'z tarjima qilish va tushunish imkonsiz. Frazeologik birikmalar tilni jonlantiradi, ularni rivojlantirish qiyin bo'lsa ham, ular jilolangan va tilda alohida o'rin egallaydi. Ko'pincha ular mamlakat madaniyati va tarixi bilan bog'liq. Xuddi shu kabi xususiyatlarga ega ingliz tilidagi ayrim idiomatik iboralarni o'zbek tilidagi tarjimasini orqali ko'rib chiqamiz:

- *The apple of your eye* - yoqimtoy, suyakli
- *Go bananas* – g'azablanish, jahli chiqmoq
- *A bite at the cherry* – muvaffaqiyatga erishish
- *Not give a fig* – ahamiyatsiz
- *Apples and oranges* – bir-biridan o'zgacha
- *Lemon* - yaroqsiz
- *As red as a cherry* – qirmizi
- *Cherry-pick* – eng kerakli, ahamiyatli
- *The cherry on the cake* – mukammal yakun
- *A second bite at the cherry* – ikkinchi imkoniyat

- *Life is a bowl of cherries* – yoqimli hayot
- *As American as apple pie* – Amerikaga xos, o'xshash
- *Bad apple* – muammoli, xudbin
- *The apple never falls far from the tree* – olmani tagiga olma tushadi
- *Upset the apple cart* - rejasiz
- *Big Apple* – New Yorkning norasmiy nomi
- *When life gives you lemons, make lemonade* – imkoniyatdan unumli foydalanish
- *Top banana* – haqiqiy rahbar
- *A plum job* – ma'qul ish
- *To be a peach* – haddan ortiq jozibali
- *Peaches and cream* – doimiy jarayonda
- *Cool as a cucumber* – o'zini-o'zi tutib olgan
- *Go pear-shaped* – adashmoq, noto'g'ri yo'lda bo'lmoq
- *Not give a fig* – butunlay e'tibor bermaslik
- *To Bear Fruit* – to'g'ri yondoshmoq, ijobiy rivojlantirish
- *Through the Grapevine* – g'iybat orqali

Ushbu iboralar orasida faqat ayrimlarining boshqa tillarda ham ekvivalenti borligini ko'rishimiz mumkin. Masalan: *The apple never falls far from the tree* – olmani tagiga olma tushadi; iborasi O'zbek tilida ham mavjud. Bundan tashqari Italian tilida ham shu manoga teng ibora mavjud: *Una mela non cade lontana dall'albero*²²⁸ - So'zma so'z tarjimada, "olma o'z daraxtidan uzoqqa tushmaydi" Iboralar holatida esa, "Olmani tagiga olma tushadi"; farzandning ota-onasidan unchalik farq qilmasligini anglatadi, ko'pincha negativ ma'noda ishlatiladi.

Masalan: "*Pensavo che Mario fosse diverso da suo padre e invece è cattivo come lui*" "*Eh, purtroppo una mela non cade lontana dall'albero*" – Men Marioning otasiga o'xshamaydi deb o'ylardim, lekin u ham xuddi otasidek yomon, afsuski farzandlar doim ota-onasiga o'xshaydi.

XULOSA

Qiyoslanayotgan tillardagi har xil tipdagi frazeologik ekvivalentlarni ko'rsatish chet tilini o'rganish va tarjimani o'rganishga xizmat qiladi, ekvivalentlarning o'zi bo'lsa ikki tilli lug'atlarda ko'rsatiladi. Aniq, konkret frazeologik birliklarni qiyoslash

²²⁸ Oltiev T., Xudoyqulov B. Italian tilidagi iboralarning tarjimasi" lug'ati. – 2021.

har xil yo'nalishga material yig'ishga yordam beradi: tarjima nazariyasi, frazeografiya nazariyasi va qiyosiy – tipologik tadqiqotlar. Bularning asosida konkret frazeologik birliklar o'rtasida har tomonlama o'rganilish ob'ekti yotadi .Bunday moslik bo'lmasa, frazeologik birliklar o'rtasida to'liq farq bo'ladi.

REFERENCES

1. Oltiev T., Xudoyqulov B. Italyan tilidagi iboralarning tarjimasi" lug'ati. – 2021.
2. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б.133-135
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.188.
4. Khudaykulov B., Abdumalikov F. The Equivalence of the Italian and Uzbek Phrase logical Units. – 2022.
5. Xudoyqulov, B., & Jumayeva, M. (2022). FRAZEOLOGIK IBORALARNING TEMATIK VA SEMANTIK TAHLILI (ITALYAN TILIDAGI IBORALAR MISOLIDA). *Academic research in educational sciences*, 3(2), 698-706.

БАДИЙ ТАРЖИМАДА МИЛЛИЙ КОЛОРИТ РУҲИНИ САҚЛАШ МУАММОСИ

(Зулфия шеърятининг қорақалпоқ тилига таржимаси мисолида)

Зулфия Асаматдинова

Бердақ номидаги ҚҚДУ

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бадий таржимада миллий колорит руҳини сақлаш муаммолари тугрисида маълумот берилган.

Калит сузлар: таржима, колорит, миллий, Зулфия, услуб, шакл, мазмун.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о проблемах сохранения духа национального колорита в художественном переводе.

Ключевые слова: перевод, колорит, национальный, Зулфия, стиль, форма, содержание.

ABSTRACT

This article provides information about the problems of preserving the spirit of national color in literary translation.

Keywords: translation, color, national, Zulfiya, style, form, content.

КИРИШ

Ҳар қандай бадий таржимада асл нусханинг миллий руҳини бериш анча мураккаб ва қийин жараён. Чунки бадий таржима масъулиятли ижодий иш. Шу жумладан, шеърӣ таржима ҳам мураккаб, ўта масъулиятли ижод типи саналади. У таржимондан пухта билим, малака талаб қилади. Хусусан, яқин ва қардош тиллардан таржима қилишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Мана шу масалада айнан ўзбек шоираси Зулфия ижодининг қорақалпоқ тилидаги таржималари асосида атрофлича таҳлил қилиб кўрамиз.

Бадий таржимада хусусан миллий колорит руҳини ифодалаш таржимондан жуда катта маҳорат талаб қилиши тайин, яъни ҳар қандай бадий таржиманинг муваффақияти, аввало, таржимоннинг маҳоратига: ижодкорлик салоҳиятига, илмий ва ҳаётӣ тажрибасига, асл нусха тилини, таржима қилинаётган асар муаллифи мансуб халқ ҳаётини, миллий урф-одатларини қанчалик билишига ҳам боғлиқ²²⁹.

²²⁹ К.Курамбоев. Таржима ва таржимон масъулияти.Т., Чўлпон нашриёти 2007, 71-бет

Таржимон шеърӣ асарнинг шаклий белгиларини: ритмини, мусиқий оҳанги ва қурилишини, мантиқий изчиллигини бериш билангина чекланиб қолмаслиги лозим. У шеърдаги жамики образлар туркумини, бадий бӯёқлар, эҳтирослар тўлқинини, ранг-баранг ифодаларнинг таъсир кучини, умуман, фикр билан туйғулар уйғунлигини аслиятдагидек бериши зарур. Бунинг учун таржимон шеърнинг “қалби”га, шоирнинг руҳий оламига сингиб кетиши, зарур бўлса маълум муддат шоир шахсиятига айланиши керак. Бу жиҳатдан Ибройим Юсуповнинг таржимонлик тажрибаси, маҳорати кўпларга намуна.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

И.Юсупов Зулфия шеърларининг поэтик гўзаллигини, маъно жилоларини, шаклий ўзига хослигини, миллий руҳини шоирона дид билан жуда чиройли ўгирган. Масалан:

Асл нусхада:

Ўғлим, сира бўлмайди уруш
*Ота бўлиб солдим мен йўлга,
Она бўлиб меҳримга олдим.
Мана юртга ўғил ўстирган
Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.*

*Мен онаман, менинг юрагим,
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, базан тилагим
Ваҳималар ўраган замон*²³⁰

Таржимада:

Улым, сирэ урыс болмайды
*Ана болып асырап мен,
Әке болып жолға салдым.
Мине, елге ул өсирген,-
Бир дәўлетменд болып қалдым.*

*Мен анаман, мениң жаным,
Перзент деми менен жасар.
Урыс десе, суўып қаным,
Гейде көзден уйқы қашар*²³¹

²³⁰ Зулфия. Сайланма. Т., “Шарк” нашриёти, 2015, 44-бет

Мазкур мисраларда шоиранинг қат-қатига яширинган руҳий қийналишлар талқини, лирик қаҳрамоннинг даҳшатли манзарага оналарча муносабати, фарзанди тақдирига ачиниш туйғуларининг қорақалпоқчага маҳорат билан ўгирилганини кўриб кўнглингиз тўлади.

Миллий колорит фақат конкрет воқеа кўринишида ёки образ характерида эмас, табиат тасвири орқали ҳам берилиши мумкин. Зулфиянинг умр йўлдоши Ҳамид Олимжонга бағишлаб ёзилган “Баҳор келди сени сўроқлаб...” шеърида кўпроқ табиат тасирига урғу берган. Таржимада ҳам мисралар ўз ўрнида. Ҳаттоки, бўғин ўлчовлари ҳам туб нусхага мос. Таржима тажрибасидан биламизки, агар оригинал тилида қўлланилган сўзлар таржимада аслиятдаги сўзнинг маъносини, поэтикасини бера олса, уни ўзгартириб, бошқа сўзлар билан алмаштиришга зарурат йўқ. Масалан:

Асл нусхада:

Баҳор келди сени сўроқлаб...

*Салқин саҳарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...*

*Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни,
Ўрик гулларининг эдинг мафтунни.
Ҳар уйғонган куртук ҳаёт бергани каби
Кўзларингга суртиб ўпардинг уни.²³²*

Таржимада:

Бәҳәр келип сени жоқлады

*Салқын саҳраларда, бадам гулинде.
Бинафша ләбинде сайларда бәҳәр,
Самал желисинде, қуслар тилинде,
Мақпал ойпатларда, қырларда бәҳәр...*

*Баўырым, сүйер едиң бәҳәрди сондай,
Ерик гүллерине қумарттың әбден.
Ағаш бүртик жарса, шешең туўғандай,
Көзлериңе суртип өбер едиң сен²³³.*

²³¹ Зулфия. Сайланма. Т., “Билим” баспасы, 2015, 28-бет

²³² Зулфия. Сайланма. Т., “Шарқ” нашриёти, 2015, 21-бет

Таржиманинг ҳатто асл нусхадан ҳам силлиқ чиққани, яъни Ҳар уйғонган куртак ҳаёт бергани каби мисраларини Ағаш бўртиқ жарса, шешен туўғандай тарзида таржима қилишида бирмунча бошқачароқ услубни қўллаган. Яъни мисраларни сўзма-сўз ўгирмасдан, уларнинг мазмунини сақлаган ҳолда, шаклини ўзгартириб берган. Бу усулда таржимондан ижодкорлик талаб қилади. Умуман олганда, шеърнинг деярли ҳамма мисралари яхши таржима қилинган, эътироз туғдирадиган жойлари йўқ. И.Юсуповнинг шоирлик тажрибаси, Зулфиянинг ижодий услубини анча дуруст ўзлаштириб олганлиги таржиманинг муваффақиятини таъминлаган бош омиллардан биридир.

REFERENCES

1. Baumenova, K. (2022). PISA TADQIQOTLARI DOIRASIDA O 'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASHINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. *Science and innovation*, 1(B4), 582-584.
2. Baumenova, K. (2022). O 'Quvchilar Funktsional Savodxonligini Baholash Bo 'Yicha Dasturni (Pisani) Fanlararo Bog 'Liqlik Asosida O 'Rganish. *Miasto Przyszłości*, 26, 131-134.
3. Байменова, К. (2022, August). УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЎҚИШ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 3, pp. 26-30).
4. Sabohatxon, Y., Zilolaxon, T. Y., & Shaxlo, Y. L. (2022). EXPRESSION OF METAPHOR IN DIFFERENT SYSTEM LANGUAGES. *RESEARCH AND EDUCATION*, 1(2), 209-212.
5. Shodiyeva, G., & Ismatova, S. (2022). O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SO'Z TURKUMLARI MASALASI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(7), 103-105.
6. qizi Shodieva, G. N., & Dusmatov, H. H. (2022, July). RINCIPLES OF DIVISION OF WORD CATAGORIES IN UZBEK LANGUAGE. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 11, pp. 38-43).
7. Гафуров, Б. 3. ТЕКСТЫ С ФОНОСТИЛИСТИЧЕСКИМИ ФОНОВАРИАНТАМИ И ИХ ПЕРЕВОД (НА МАТЕРИАЛЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА). *ILIM hám JÁMIYET*, 72.

²³³ Зулфия. Сайланма. Т., "Билим" баспасы, 2015, 34-бет

8. Zakirovich, G. B. (2022). The Theme of Female Gender in the Texts of Advertising in Russian and Uzbek Languages (On the Material of Medical Vocabulary). *Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT*, 2(1), 23-29.
9. Gafurov, B. Z. (2022). Analysis of medical version in texts of advertising of hygiene products in the fight against COVID-19 (on the material of Russian and Uzbek languages). *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*.
10. Usmonova, D. (2022). TO STUDY THE IMPORTANCE OF TRANSPOSITION OF WORD CATEGORIES IN ENGLISH. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(10), 128-131.
11. Shodieva, G. (2022). TO STUDY THE IMPORTANCE OF TRANSPOSITION OF WORD CATEGORIES IN ENGLISH. *Science and innovation*, 1(B5), 506-509.
12. GIYOSOVA, V. (2019). Functioning of fairy-tale as one of the variety of folklore text in oral folk art. *Scientific journal of the Fergana State University*, 1(6), 124-126.
13. Sabirovna, S. G., & Ibragimovich, T. A. (2022). Organization of Physical Culture and Recreation Work with Preschool Children.
14. Туйчиев, А. И. (2022). ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ДИСЦИПЛИНАРНЫХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИГРОВЫХ СРЕДСТВ: уйчиев Ашурали Ибрагимович, Преподаватель Ферганского государственного университета. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (2), 160-162.
15. Tuychiyev, A. I. (2022). О 'QUVCHILARDA INTIZOMIY KO 'NIKMALARNI RIVOJLANTIRISH DOLZARB PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 896-901.

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВНИНГ СЎЗ ЎЙИНЛАРИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МАҲОРАТИ ҲАҚИДА

Дусматов Хикматулло Хаитбоевич,

ФарДУ тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD).

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таниқли сўз устаси Ҳожибой Тожибоевнинг ҳажв яратиши ва сўздан фойдаланиши маҳорати таҳлил этилади. Қизиқчи нутқининг ўзига хослиги, кулги уйғотувчи ва сўз ўйинларини ифодаловчи лингвостилистик воситалар, уларнинг турлари ва нутқдаги аҳамияти хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Қизиқчилик, аския, латифа, сўз ўйинлари, ўзбек миллий сўз ўйинлари.

ABSTRACT

This article analyzes the skill of creating humor and using words of the famous wordsmith Hojiboy Tajiboev. The peculiarity of the amateur's speech, the linguostylistic means of expressing laughter and puns, their types and their importance in speech are discussed.

Keywords: Fun, askiya, anecdote, puns, Uzbek national puns.

КИРИШ

Таниқли сўз устаси Ҳожибой Тожибоев нутқини таҳлил қилар эканмиз, унинг ижодида сўз қўллаш билан боғлиқ услубий ўзига хосликни кўрамиз. Жумладан, сўзларни турли маъно нозикликлари билан қўллаш, изоҳлаш, тавсифлаш, қиёслаш мазмунидаги матнлардан салмоқли фойдаланиш, лисоний бирликларга нозик маъно оттенкаларини маҳорат билан юклай олиш Ҳ.Тожибоевга хос лингвистик маҳоратдан далолат беради. Бу ҳолни биргина нутқ товушини чўзиш билан боғлиқ қуйидаги лингвокультурологик ҳолатлар ифодаланаётганлигида ҳам кўришимиз мумкин:

Онанинг вақти йўқ. Умуман меҳри қолмаган. Кўпболали бўлгандан кейин меҳр ҳам болаларга бўлиниб-бўлиниб кетаркан-да. Биттаси у тиззасида, биттаси бу тиззада ухлаб қолган; биттаси орқасига опичиб ухлаб қолган. Ўзи бе-е-малол, юракни ке-енг қилиб, совуққонлик билан ип йиғириб ўтирибди. Ҳалиги зўрга юрадиган болача қизиб турган печкага қараб боряпти печкани ушлайман деб. Бу кўриб турибди, жон ачишмайди-да:

– Борма-а-а, куюсан!

Ҳо-ой, куюса-а-н!

Ана-а-а, куйди-и-и-и-нг!»

Сўз устаси нутқида *a* товуши ва *и* товушини чўзиб талаффуз қилиш билан: бола тарбиясига совуққонлик; бепарволик; оилавий муҳит; ишинг бола тақдиридан кўра муҳимлиги каби миллий ментал хусусиятларни моҳирона очиб беришга эришган.

Ҳожибой Тожибоевнинг бошқа бир сўз усталаримиз, қизиқчи ва аскиячиларимизда учрамайдиган ўзига хос сўз қўллаш услуби куйидагиларда намоён бўлади:

- орттирма даражани ифодаловчи *-роқ* шаклини такрор қўллаш: «*Мана мен ўзим ҳам бир неча бор бориб, концерт қўйганман. Навоий вилоятида руслар кўпроқ-роқ хизмат қиладиган бир ҳарбий қисмга бордим...*»

- тилимизда тасдиқни ифодаловчи «худди шунақа» сўзини кесатиқ ва инкор мазмунида қўллаш. Қизиқчи ушбу сўзларни ўзгача бир киноявий оҳангда айтадики, контекстда «аслида ундай эмас» деган қарама-қарши мазмун англашилади: «*Европада молга эътиром, эъозлаш ўта юқори. Бизда-чи? Бизда ҳам худди шунақа*».

- прагматик-киноявий мазмундаги окказионал ҳосиладан фойдаланиш: «*ххў-ххў-ххў, ххў-ххў-ххў*».

Ҳ.Тожибоев ўз чиқишларида сўзларнинг лингвокультурологик хусусиятларига алоҳида аҳамият беради. Масалан, ўзбек тилида «гап йўқ» ибораси *аъло, яхши* деган ижобий маънода қўлланади. Ушбу иборанинг аёлга нисбатан қўлланиши ноқулай вазиятни юзага келтиради:

Эркак геноколог шифокор:

Қани эри? Чақиринлар буёққа! Суюнчи берсин – ўгил! (шифокор)

Эри югуриб келиб, нима бўлди, деса, «э-э хотинизга гап йўқ» дейди.

Сўз ўйинларининг кенг тарқалган усулларида бири – бу нутқий вазиятда сўзларни ўз ва кўчма маънода баравар қўллаш ҳисобланади. Бунинг учун қизиқчилар кўпмаъноли сўзларга, кўчма маъноли сўзларга ҳамда ибораларга эътиборли бўлишлари талаб этилади. Масалан:

– *Ҳожибой ака, мана шу китобимга қўл қўйиб берсангиз.*

– *Гап этиб қўлимни китобининг устига қўйдим.* (Ҳожибой Тожибоев)

Юқоридаги мисолда *қўл қўймоқ* ифодаси лексик омонимияга мисол бўлади.

Яъни:

1) *қўл қўймоқ* – бирор нарса устига қўлини қўймоқ;

2) *қўл қўймоқ* – имзо чекмоқ каби маъноларни ифодалаб келган.

Ўзбек тилининг шаклдош ва кўп маъноли сўзларга бойлиги сўз ўйинлари ҳосил қилишда қулай имконият яратади. Айниқса, лисоний бирликларни ўз маъносидан ташқари, кўчма маъноларда қўллаш, кўчма маъноли сўзларнинг турли-туман маъно нозикликларига таяниб, уларни услубий восита сифатида нутқда қўллаш кулгили вазият яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Буни сўз устаси Ҳожибой Тожибоевнинг қуйидаги ижросида кўришимиз мумкин:

*Ўзбекнинг ўзи қизиқ, ўзиданам сўзи қизиқ дейди. Ўйлаб қарасак, шу мавзуни бир умрга давом эттирсак, бўлаверар экан. Мана, сотивийси бор инсонлар бирига қараб нима дейди? Қўлинг ишляптими, дейди. Гапни қаранг! Манга биттаси шунақа деди: Ҳожибой ака, **қўлингиз ишляптими?** Худога шукур, дедим. Қўлимам ишляпти, оёғимам ишляпти. Йўқ, сотивиз ишляптими? Ҳа, бу бошқа гап, ука, дедим.*

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу матнда метонимик йўл билан маъно кўчган бўлиб, *қўлингиз ишляптими* деганда, телефон назарда тутилади. Телефон (сотивий) орқали эса, телефон рақами назарда тутилади:

Илтимос, сотивийизни ташлаб кетсангиз. Манам, қаранг, сотивийни ташлаб кетибман. У номерни ташлаб кетиши керак экан аслида. Ман сотивийни ташлаб кетаверибман. Номерингизни беринг дейиши керак экан уларам.

Бундай кўчма маъноли сўзларни ўз маъносида тушуниш кулгили вазиятнинг юзага чиқишига сабаб бўлади:

*Ёки бўлмасам, меҳмон келиб қолса, баъзан шунақа гапларни эшитиб қоламиз: **Уятли, уятли меҳмонлар** келиб қолди, қаерга жойлаштирамиз? Нима қолганлар уятсиз меҳмонларми? Ёки бўлмасам, **нозик, нозик меҳмонлар** келиб қолди-я, нима қиламиз? Бу нозик, нозик дегани жуда нозик, келишган бўлса керак десангиз, 150 килоли одамлар кириб келяпти-ю. Гапимиз қизиқ: фалончи йигит фалончини **бошини айлантириб юрган экан** дейди. Йўзе деса, ҳаа, ўз кўзим билан кўрдим. Бўйнида резваси бор экан-да, бўйнида. Хоҳласа, буёққа қараб айлантиради, хоҳласа, буёққа қараб.*

Матнда *уятли мемонлар* ва *нозик мемонлар* каби сўз бирикмалари ҳамда *бошини айлантириб юрмоқ* ибораси англатган ўз ва кўчма маънонинг бир вақтнинг ўзида ифодаланаётганлиги кулги вазиятнинг юзага келишига сабаб бўлади. Чунки жамиятнинг ижтимоий онгида мавжуд тушунча тўлиқ

шаклланиб, кўчма маъно умумлашма даражасига кўтарилган. Ушбу фикрларимиз исботини қуйидаги матнда ҳам кўришимиз мумкин:

Гапимиз қизиқ-да. Масалан, меҳмонга борсангиз нима дейди: Меҳмон, кўк чой ичасизми ё қора чой ичасизми? Масалан, қора чой десангиз, қоп-қора чой дамлаб келмайди-ку. Қизил чой дамлаб келади, тўғрими? Ёки кўк чой десангиз, сариқ чой дамлаб келади. Сиз қанақасига қора чой дамлаб келасиз? Қоп-қора чой олиб келасизми? Йўқ. Унда нимага ҳайрон бўласиз. Андижонга меҳмонга борганимизда бир акамиз келиб, меҳмонга таклиф қилиб, нима дейди: Ҳожибой ака, қорин қанақа, дейди. Қорин қанақа, деб андижонча қилиб сўради-қўйди. Манам юмалоқ дедим. Йўқ, очми, тўқми? Рангини билмайман, дедим. Ё овқат-повқат ейсизми, деяпман. Ҳа, бу бошқа гап дедим. Уйига меҳмон келган, ўтирибмиз. Ҳар кирганда хижолат бўлиб: Ҳожибой ака, мундай дастурхонга қараб ўтиринг, дастурхонга. Бизам шундай дастурхонга қараб ўтирдик. Ҳа, нима бўлди, деганди, дастурхонга қараб ўтирибмиз, дедим. Мундоқ олишиб ўтиринглар, илтимос, юракни сиқиб юбордиларинг-ку деди, шарт олишиб кетдим. Ҳой, ҳой, нима қиляпсиз? Ҳа, олишяпман, ўзингиз айтдингиз-ку.

Метафорик маъно ҳам қизиқчилар нуткида сўз ўйини ҳосил қилиш учун қулай ҳисобланади. Буни қуйидаги матнда кўриб чиқамиз:

*Бирорта тўғри гап йўқ-да бизда. Яна чиқиб кетаётганимизда, нима дейди: Меҳмонлар, ҳа ўтириб борардинглар? Ўтириб қаерга бораман, ман ўтириб? Ёки: Ҳа, ётиб борардинглар, дейди. Ие, ҳа ўтириб бориб бўлмаган, ётиб бориб бўладими?! Ётиб олиб, илонга ўхшаб жўнаб қолсангиз-а. Яна энг қизиги, нима дейди: Ҳа, шўрвага ўтирмадиларинг-да, дейди. Тасаввур қилинг: бир қозон қайнаб турган шўрвага келиб ҳамма меҳмонлар ўтирса-я?! Паҳ, паҳ, паҳ. Шўрвага ўтириб бўладими? Куйдириб қўяди-ку. Қаранг, буниси нима дейди: Ака, шўрвангизга кўп ўтирганмиз-у дейди. Шўрвасига кўп ўтирганмиш. Ёки шунга ўхшаган гаплар-да: **Ошда кўринмайсиз**, Ҳожибой ака, дейди. Ман гўштми ошда кўринаман?! Суякмидим ман ошда кўринсам! Ёки бўлмаса, **ошни дамладингми**, дейди. Болонмиди у дамлайсан?! Ана **ош келяпти**, дейди. Ош келмайди, ошни олиб келасан керак бўлса. Нима дейди: **Ошни бир урамиз** экан-да, а, дейди. Нега урасан ошни?! Нима гуноҳ қилди санга?*

Ушбу мисолдан кўринадик, халқона ифодалар: «ўтириб борардинглар», «ётиб борардинглар», «шўрвага ўтирмадиларинг», «ошда кўринмайсиз», «ошни дамладингми» кабилар когнитив билим сифатида онгимизда мавжуд муайян бир тушунчани ифодалашга хизмат қилади ва улар метафорик тарзда нутқимиздаги маълум бир бўшлиқ – хаосни тўлдириш учун қўлланган бўлади.

Сўз устаси Ҳожибой Тожибоев томонидан кулги кўзгатувчи воситалар сифатида қўлланган юқоридаги кўчма маъноли сўзлар ўзбек тилининг сўз ўйинларига хос табиатини намоён этиши билан бирга, сўз санъаткорининг лингвистик мушоҳасидан ҳам дарак беради. Бу сўз санъаткорининг окказионал ҳосилалар (*чакакагин, антижағ, васвасаген*) яратган ҳолда кулги кўзгатиш санъатида ҳам намоён бўлади:

*Бизнинг аёллар кўп гапиради. Уларга қарши **чакакагин** деган дорини ишлаб чиқариш керак. Одамзод пул тагида қолиб кетади. Ёки **антижағ** деган дорини ихтиро қилсангиз, умуман пул тагида қолиб кетасиз. Ёки бўлмасам, одамларимиз васвасага тушиб қолган. Ана шунақа одамларга **васвасагин** деган дорини ишлаб чиқарсангиз бойиб кетасиз.*

Ҳ.Тожибоев лисоний бирликларнинг нозик жиҳатларини нутқда маҳорат билан ифодалаб берадики, тингловчи кўз ўнгида гўё объектив ҳаётий воқеалар гавдаланади. Унинг қуйидаги мисолларига эътибор қаратсак, бунга янада ишонч ҳосил қиламиз:

*... Ҳозирчи? Бе-е-малол. Аскарларимиз овқатларни биринчи, иккинчи, учинчини еб бўлгандан кейин узум, қовун, торвуз, нок, анор, ёнғоқ, майизларни еб, чойларни ичи-иб, унинг устидан компотларни ичиб, ундан кейин, ҳалиги, нима дейди, малиновий компотларни ичиб бўлгандан кейинам «рота туринглар!» деган команда йўқ. Ўтириб, зерикиб кетган солдатларимиз ўзлари илтимос қиляпти: «Ўртоқ старцина, **битта патаҳа қилинг энди**».*

ХУЛОСА

Маълумки, сўзлар муайян нутқ услубига хосланган бўлади. Услубий хосланган сўзларни бирининг ўрнида иккинчисини қўлласак, гапимиз ғализ бўлади. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган сўз устаси Ҳожибой Тожибоев сўзлашув услубига хосланган *патаҳа* сўзини расмий услубда сўзлашувчи аскарлар нутқида қўллаб, кучли ҳажвий вазият яратишга эришади.

Дарҳақиқат, тил имконият сифатида буюк кудратга эга бўлса ҳам, унинг бу кудрати нутқда реаллашади. Чунки сўз ва унинг товланишларини нутқ белгилайди. Ана шу товланишларнинг энг нозик нуқтаси сўз ўйинидир.

REFERENCES

1. Qizi, Q. S. S. (2022). SO'Z USTALARI NUTQIDAGI AYRIM KULGI QO'ZG'ATUVCHI USUL VA VOSITALAR HAQIDA. *Ta'lim fidoyilari*, 22(7), 458-461.

2. Дусматов, Х., & Зоитова, Ш. (2022, May). ЛЕГЕНДЫ «ОЛТИН БЕШИК» («ЗОЛОТАЯ КОЛЫБЕЛЬ») И «САНГИ ОЙНА» («КАМЕННОЕ ЗЕРКАЛО»): ИСТОРИЧЕСКАЯ ПРАВДА ИЛИ ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ВЫМЫСЕЛ. In *Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г.* (p. 163). Litres.
3. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. *Theoretical & Applied Science*, (5), 108-111.
4. DUSMATOV, H. H., & HUSANOVA, M. (2021). Some stylistic events expressed in Uzbek anecdotes. *THEORETICAL & APPLIED SCIENCE Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (12), 505-508.
5. Dosmatov, H. H., & Ibragimova, E. I. (2021). LINGUISTIC PHENOMENA ASSOCIATED WITH WORD GAMES. *Theoretical & Applied Science*, (5), 108-111.
6. Дусматов, Х. Х. (2017). Об узбекском искусстве игры слов. *Путь науки*, (3), 37.
7. Khayitbaevich, D. K. (2017). About the Art of Askiya. *ANGLISTICUM. Journal of the Association-Institute for English Language and American Studies*, 5(12), 32-38.
8. Shodieva, G. N. K. (2022). CLASSIFICATION OF WORDS IN UZBEK AND ENGLISH: IN THE EXAMPLE OF VERBS. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 4-2), 1128-1131.
9. Do'smatov, H. (2022, June). O 'ZBEK TILIDA SO 'Z TURKUMLARI TASNIFI MASALALARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS*. (Vol. 1, No. 1, pp. 108-113).

ХОЗИРГИ ДАВРДА ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ ИЛМИЙ- ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЛҚИНИ

Раматов Ж.С.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири
+99899 848 45 95

Баратов Р.Ў.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

Султанов С.Х.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

Кушаков Файзулла Абдуллаевич.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

Валиев Л.А.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти

Хасанов М.Н.

Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ассистенти

АННОТАЦИЯ

Жамиятда ижтимоий адолатнинг мавжудлиги кишиларнинг ўзларини идентификациялашнинг давомийлигига ва улар фаолият кўрсатаётган атрофдаги ижтимоий ва моддий дунёнинг барқарорлигига ишончини кучайтиради. Ижтимоий адолат тамойиллари давлатнинг инновацион ислоҳоти учун консенсус асоси бўлиб хизмат қилади. Замонавий кўп миллатли ва турли маданиятларга эга жамиятнинг барқарор шаклланишини, турли даражадаги маданиятлар, этник ва диний гуруҳлар ва халқлар ўртасида оқилона мулоқот майдонини таъминлайди.

***Калим сўзлар:** Ижтимоий адолат, жамият, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, фуқаролик жамияти, ижтимоий ҳимоя.*

ABSTRACT

The existence of social justice in society strengthens people's confidence in the stability of their self-identification and the stability of the social and material world

in which they operate. The principles of social justice serve as the basis of consensus for innovative government reform. It ensures the sustainable formation of a modern multi-ethnic and multicultural society, a rational space for communication between different levels of cultures, ethnic and religious groups and peoples.

Keywords: *Social justice, society, socio-economic processes, civil society, social protection.*

АННОТАЦИЯ

Существование социальной справедливости в обществе укрепляет уверенность людей в устойчивости своей самоидентификации и стабильности социального и материального мира, в котором они действуют. Принципы социальной справедливости служат основой консенсуса для инновационной реформы государства. Он обеспечивает устойчивое формирование современного многоэтнического и многокультурного общества, рационального пространства для общения между разными уровнями культур, этническими и религиозными группами и народами.

Ключевые слова: *Социальная справедливость, общество, социально-экономические процессы, гражданское общество, социальная защита.*

КИРИШ

Ижтимоий адолат давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган муайян сиёсатнинг йўналишларидан биридир. Ижтимоий адолат мавзусини таҳлил қилишда, аввало, шу термин доирасида берилган тушунчалар, иборалар ва атамаларни моҳиятини тўғри тушуниш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, мантикий-ҳуқуқий методга кўра, аввал ижтимоий адолат тўғрисидаги илмий адабиётларни ўрганиб, сўнгра тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш яхшироқдир. “Адолат” сўзи арабча “адл”дан бўлиб, одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик маъноларини ифодалайди. Ҳар ишда одил бўлиш, зулм қилмаслик, ҳақсизликка йўл қўймаслик инсон учун жуда аҳамиятли, гўзал ахлоқдир. Шу боисдан ҳам ҳар бир инсон халқига, ўзига ва бутун инсониятга ишда ва бошқа ҳар қандай муносабатларда адолатли бўлиши талаб этилади. Донишманд файласуф Афлотун ўз асарларида адолатга асосланган давлат бошқарувини ўзига хос тарзда тасвирлаган. Бундай жамият уч табақадан иборат бўлиб, ҳукмдорлар, аскарлар, деҳқон ва қосибларни ташкил қилган. Ҳар бир табақа ўзининг муайян ҳислатларига эга. Масалан, “давлат бошлиғи юксак билим ва донолик соҳиби, адолатпарвар, қонунларни яхши биладиган бўлиши лозим. Аскарлар шижоатли, фикр-мулоҳазали, юқори

лавозимдагиларга сўзсиз бўйсунадиган бўлиши керак. Ҳар бир табақа, Афлотуннинг дунёқарашини бўйича, ўз иши билан машғул бўлиши, жамиятда ўз ўрнини билиши, бошқа тоифадагиларнинг ишига аралашмаслиги даркор. Мана шулар адолатнинг юксак кўриниши ҳисобланади”[1].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Марказий Осиё халқларининг бой маданияти ҳар доим адолат ва ижтимоий адолатнинг тарғиботчиси бўлиб келганлар. Форобий, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ал-Ғаззолий ва Насриддин Тусий адолатнинг учта элементини алоҳида кўрсатиб ўтади: 1) донолик; 2) жасорат; 3) виждон. Шуни таъкидлаш керакки, фуқароларнинг тафаккур маданиятидан келиб чиқиб баъзи илмий адабиётларда "адолат" тушунчаси "тенглик" тушунчаси билан тенглаштирилади. Ва улар тенглик бўлган жойда адолат қарор топишига ишонадилар. Аммо бундай тушуниш нотўғри ва ҳар қандай ҳолатда ҳам тенглик адолат учун ягона асос бўлаолмайди. Масалан, сарой ёки театр каби маданий муассаса барча миждозларга тенг хизмат кўрсатиши мумкин эди. Бироқ, махсус ўриндиқларнинг етишмаслиги ва ногиронлиги бўлган одамлар учун йўлақларнинг етарли емаслиги одил судловнинг етишмаслигига тенгдир.

Ижтимоий адолат - бу ижтимоий гуруҳнинг жамиятдаги амалий ҳолати ва уларнинг ижтимоий ҳолати, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, хулқ-атвори, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат ва мукофотлар, жиноятчилик ва жазо ўртасидаги уйғунликни акс эттирувчи ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий принципдир. Ибтидоий жамиятда ижтимоий адолат жамоат меъёрларига риоя қилиш, тенг ҳуқуқлилик ва бу жамиятда яшаш воситаларидан тенг фойдаланиш шаклида намоён бўлади ва умумий мулк ва ижтимоий тенгликка асосланади. Шу боис зардуштийликнинг муқаддаси китоби “Авесто”да ҳам: “...Инсон ўз фикр ҳаёлида ҳам бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва бошқа жаҳолатларга берилмайди, ...чунки ҳақиқат, адолат эгилади, аммо синмайди...”[2] - деб ёзилган эди.

Ижтимоий адолат тамойилининг бузилишининг сабабларидан бири ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажми устидан давлат назоратининг заифлашувидир. Бунинг натижасида, "хусусий мулкни очикчасига қўллаб-қувватлайдиган ва жамоат манфаатларини эътиборсиз қолдирадиган одамлар гуруҳлари пайдо бўлади". Жамият ҳаётининг айрим соҳаларида меҳнат ҳақи тизимининг номукамал тақсимланиши ижтимоий адолат тамойилининг бузилишига олиб келган. Шунинг учун ҳам Абу Наср Форобий «Маданий жамият ёки маданий

шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод ҳамма тенг бўлади, кишилар ўртасида ижтимоий фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар... Аммо баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладики, уларда бутун халқнинг фикри–зикри, ақл-идроқи бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрта-кеч мол дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг кўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, ҳасад, бир-бирларини талаш, душманлик, низо-жанжаллари пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғилади” [3] деб таъкидлайди.

Ҳозирги кунда жамоат мулкнинг тенглиги асосида марксистик ижтимоий адолат ғояларини рад этадиган ва ижтимоий адолатни яратишда хусусий мулкнинг ролини тан оладиган назариялар мавжуд. Ижтимоий адолат шундан ҳам намоён бўладики, жамият аъзолари ўз меҳнатлари эвазига тирикчилик воситаларини топадилар, ишлашга тайёр ёки ишлай олмайдиганлар давлат ҳисобидан ҳимоя қилинади. Ижтимоий адолатга мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадларни тақсимлашнинг бошқа тизими инсон томонидан олинмайдиган фойда миқдори меҳнатнинг миқдори ва сифатига мос келадиган тарзда ўрнатилади. Ижтимоий адолатни ҳисобга олган ҳолда нафақат иш ҳақи, балки бошқа имтиёзлар ҳам одамларнинг меҳнат хизматларига қараб тақсимланиши керак. Шу боисдан ҳам Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг «Ахлоқи Муҳсиний» асарида «Агар адолат ҳимоя қилинмаса, заиф ва кучсиз одамлар йўқолиб кетади. Модомики, заифлар қирилиб кетар экан, кучлилар ҳам омон қолмайди, чунки кишилар турмуши бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Хулласи калом, халқнинг аҳволи адолатсиз яхшиланмайди»[4] деб таъкидлайди.

Ижтимоий адолат - мамлакатда ва давлатлар ўртасида тинч ва фаровон ҳаётнинг асосий принциpidир. Ижтимоий адолат тамойиллари ёши, ирқи, миллати, дини, маданияти ва бошқа сабабларга кўра одамлар олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бартараф этишга қаратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Халқаро ҳамжамят ижтимоий тараққиёт ва ижтимоий адолатни инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга эришиш муҳимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Савдо, сармоялар ва капитал орқали глобаллашув ва ўзаро боғлиқлик, шунингдек, технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари соҳасидаги ютуқлар дунё иқтисодиётининг ўсиши ва бутун

дунё бўйлаб турмуш даражасининг тикланиши ва яхшиланиши учун янги имкониятлар айнан ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) томонидан Ижтимоий адолат тўғрисидаги декларацияни қабул қилиниши уни таъминлашга бўлган мақсадли фаолиятни ҳуқуқий асосидир. Декларацияда фуқароларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий мулоқот ва меҳнат жараёнидаги асосий принциплар ва ҳуқуқлар орқали барчага тенг натижаларга эришилишини таъминлашга урғу берилади. ХМТнинг Ижтимоий адолат тўғрисидаги декларацияси 1944 йилги Филадельфия декларацияси ва 1998 йилдаги ижтимоий адолатнинг асосий принциплари ва ҳуқуқлар тўғрисидаги декларациядаги принципларни акс эттиради.

Ижтимоий адолат мураккаб ижтимоий-фалсафий тушунча ҳисобланади. Ижтимоий адолат меҳнатга яраша адолатли нафақа олиш ва жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламларига ғамхўрлик қилишни англатади. Бугунги кунда ижтимоий адолатни қонун олдида тенглик, ижтимоий таъминот ва мамлакат аҳолисининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш деб ҳам тушуниш мумкин. Ижтимоий адолатни умуминсоний қадрият деб аташ ўринли бўлади. Чунки ижтимоий адолатнинг намоён бўлиши маданият, билим, инсон ҳаёти, тинчлик, ахлоқ каби бошқа "абдий қадриятлар" сингари ҳар қандай соғлом жамият учун табиий жараён сифатида қабул қилинади. Ижтимоий адолат - бу замонавий фуқаролик жамиятининг асосларидан биридир. Ўз фуқаролари учун ижтимоий адолатни қўллаб-қувватловчи мамлакат фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришда фаол иштирок этишга интилади. Шу билан бирга, ижтимоий адолат фуқароларга қонун устуворлигини ҳис қилиш ва ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларига қатъий амал қилиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам буюк саркарда бобомиз Амир Темур ҳам ўз «Тузуқларида»: "...Ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бузуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. ...Улуғларини ва шараф - эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим." [5] деб ёзади.

Ижтимоий адолат тамойиллари кўпинча давлатнинг асосий ҳужжати - Конституцияда акс этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам шунга ўхшаш моддалар мавжуд, масалан, 8-модда "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", 14-модда "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга

оширади." Бу Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойиллари қонунийлаштирилганлигини яна бир бор исботлайди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида “Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди” [6]. Ногиронларнинг қонуний тенглиги таъкидланган.

2019 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун турли соҳаларда гендер тенглигини таъминлаш йўлида катта қадам бўлди. Ўзбекистонда гендер тенглиги тамойилларини амалга ошириш бўйича фаол ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг янги парламентида аёл депутатлар сони Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 32 фоизини ташкил этади, сенатор аёллар Сенат аъзоларининг 25 фоизини ташкил қилади. Айти пайтда мамлакатимизда ёшларнинг нафақат давлатнинг, балки сиёсий ҳаётидаги ролига алоҳида эътибор берилмоқда. Маъсулиятли лавозимларга тайинланган ёшлар сони тобора кўпаймоқда. Бу шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ёшларга ҳам, кекса авлодга ҳам тенг ҳуқуқлар беради.

Инсон онгидаги ижтимоий адолат нафақат ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки асосий қадриятлардан биридир. Ижтимоий адолатнинг умумий ғояси жамиятни мустаҳкамлайди, мамлакатнинг кўп миллатли халқини бирлаштиришга катта ҳисса қўшади. Шунинг учун ҳам Амир Темур ўз «Тузуқларида» «Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим... Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм қилмадим.» [7] деб таъкидлайди.

Адолат ғояси - бу ҳар бир инсон ҳаёти ва у яшаётган давлатнинг ижтимоий-сиёсий бошқарув тизимининг қонунийлигини асослаш тўғрисида хулоса чиқаришга кенг имкон берадиган умумий қадрият ҳисобланади. Шу

нуқтаи-назардан қараганда, ижтимоий адолат умумий ижтимоий идеаллардан биридир. Баъзи манбалар ижтимоий адолатни умуминсоний идеалларга боғлайди. Тарих давомида унинг ўзига хос таркиби ва номи ҳам ўзгариб борди. Баъзи замонавий тушунчаларга кўра, принципни амалда амалга ошириш куйидагиларни ўз ичига олади: барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги; инсон ҳаётининг кафолатларини таъминлаш; ижтимоий таъминотнинг юқори даражаси. Хусусан, ижтимоий адолат тамойилини амалга ошириш куйидагиларни ўз ичига олиши керак: ҳар бир меҳнатга лаёқатли одамни иш билан таъминлаш; муносиб иш ҳақи; ногиронларни ва имконияти чекланганларни ижтимоий таъминоти; фуқароларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортдан бепул фойдаланишларидир.

Ҳаёт сифати - бу турли хил таркибий қисмларнинг ўзаро таъсирининг мураккаб ва баъзан қарама-қарши тизимидир. "Ҳаёт сифати" тоифаси ХХ асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган. Турли қирралардан ўрганилиб, ҳозирги пайтда ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бизнингча, ҳаёт сифати ва жамиятдаги мавжуд ижтимоий адолат ўртасидаги муносабатлар муаммоси энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Ижтимоий адолат зарурати жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар ва инқирозлар даврида янада кучаяди. Бугунги кунда ижтимоий адолатни ўрганиш аҳолининг турмуш даражаси ва даражаси пасайиши, қашшоқликнинг ошиши, даромадларнинг пасайиши, ижтимоий нафақалар ва имтиёзларнинг қадрсизланиши, халқаро терроризм хавфи ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Ушбу концепцияни ҳисобга олмасдан ҳаётнинг сифатини ҳисобга олиш мумкин эмас.

Ижтимоий адолат - бу камайиб бораётган маргинал фойдалилик қонуни билан қопланмайдиган ҳодисадир. Ушбу қонун асосида моддий истеъмолнинг ўсиши ҳар бир қўшимча яхшилик бирлигидан тобора камроқ қувонч келтиради. Аммо ижтимоий адолат ҳақида гап кетганда, бу ҳеч қачон ортиқча бўлмайди. Ижтимоий адолат даражасининг пасайиши муқаррар равишда ноқулайлик туғдиради, яъни ҳаёт сифатининг ҳақиқий ёмонлашувидир. Инсониятнинг адолат мавзусига мурожаат қилиши ҳар доим ижтимоий вазиятнинг кескинлашуви даврлари билан боғлиқ бўлиб, унда жамиятнинг таранг аҳволдан чиқиш йўлини топиш талаб қилинган. Тарихдаги ушбу қийин дақиқалардан бири, менимча, сўнгги йилларда замонавий жамиятнинг ҳозирги аҳволини ўз ичига олиши керак, унда сўнгги йилларда одамлар ҳаёт шароитларига жиддий ўзгаришлар киритган муҳим ижтимоий-иқтисодий ва

сиёсий ўзгаришлар юз берди. Шунга қарамай, "ижтимоий адолат" тушунчаси жамоат амалиётида пайдо бўлди, бу жамиятдаги барча ёки баъзи бир неъматларнинг инсонлар ўртасида тенг тақсимланишини назарда тутди. "Ижтимоий адолат" тушунчаси муайян ҳаракатларни эмас, балки жамиятдаги реал ҳолатни баҳолаш учун ишлатилади. Ижтимоий адолатнинг мазмуни барча замонлар ва халқлар учун ўзгармас ҳодиса эмас, балки у ҳар доим тарихий ва маданий жиҳатдан ўзига хос талаблар билан ажралиб туради. Шунга қарамай, ижтимоий адолат барча инсонлар томонидан тан олинган ижтимоий ва индивидуал ҳаётнинг реал ифодасидир.

Ижтимоий адолат бир қатор муҳим функцияларга эга. Биринчидан, ижтимоий адолатни жамиятда ўрнатилган ижтимоий тартибни танқидийлик ва қонунийлик нуқтаи-назардан баҳолаш функцияси мавжуд. Иккинчидан, ижтимоий адолат жамиятдаги туб ўзгаришларнинг ижтимоий мақбул чегараларини, шунингдек, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун энг мақбул ва истиқболли ижтимоий соҳаларни ривожланишига замин яратадиган коммуникатив функцияси мавжуд. Учинчидан, ижтимоий адолатни жамиятдаги ижтимоий муносабатларни барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи инсонпарварлик функцияси мавжуд.

Ижтимоий адолат тушунчаси объективлик, ҳақиқат, ҳалоллик, ростлик, тенглик, қонун, сахийлик, ахлоқ, адолат, ҳалоллик, инсонпарварлик, бошқаларни тушуниш, принципиаллик ва бошқалар тушунчалари билан уйғунлаштирилган ҳолда намоён бўлади. Биз ҳар бир инсонни ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишимиз ва уларни таъминлашга хизмат қилишимиз керак. Жамиятда адолат уйдан бошланади ва адолатни ҳимоя қилиш учун биз уйда, кўчада ва машинада бир-биримизнинг ҳурмат қилишимиз орқали қарор топади. Шу боисдан ҳам жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш асосида биз эркинлик, бирдамлик ва имкониятлар тенглиги ғояларига таяниб, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглиги, кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ғамхўрликни амалга ошириш ва бу саъй-ҳаракатларда адолат принципининг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида хулосага келаемиз.

ХУЛОСА

Ижтимоий адолат бу ахлоқ назарияси, аксиологик конструкцияларга мос келадиган адолат ҳақидаги ғояларга асосланган фалсафий категориядир[8].

Ижтимоий адолат асосий инсоний қадриятлардан бири ва жамиятда ахлоқ ва ҳуқуқнинг устуворлигини таъминловчи ғоядир. Қадим замонлардан бери бу ғоя умумбашарий уйғунлик, умумбашарий меъёр, жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро таъсирида мунтазамлик ва тартибни талаб қиладиган космик қонун билан боғлиқ эди. Қадимги даврларда адолат коинотнинг мувозанатига, космик элементларнинг ўзаро нисбати доимий равишда ўзгариб турадиган шароитларда изчил бўлишига эришиш учун зарур бўлган ташкилий тамойил сифатида қабул қилинган. Одамларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ ҳолда, адолат ахлоқий тушунча бўлиб, инсон хатти-ҳаракатларининг қийматини, яхши ва ёмоннинг ўлчовини жамият аъзолари томонидан доимий равишда алмашиб туриладиган ҳаракатларда кўрсатиб беради.

REFERENCES

1. Платон. Сочинения. I. том. 224-бет.
2. Авесто. Тарихий – адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. Б. 5.
3. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри»-Т.: Абдулла +одирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993, 190-191 бетлар.
4. Кошифий Ҳ. «Ахлоқи Муҳсиний». Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инд. 3020 (форс тилида) «Адолат» боби
5. Темур тузуклари. Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ.тарж.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. Б.118.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда.
7. Темур тузуклари. Форсчадан Соғуний А. ва Караматов Ҳ.тарж.Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. Б. 73.
1. Бойко М.Д. Диагностика повреждений и методы восстановления эксплуатационных качеств зданий. 1995 г.
2. Леднев В.И. Усиление конструкций при реконструкции зданий – Тамбов: ТИХМ 2009 г.
3. Казачек В. Г., Качаев Н. В., Нотенко С. Н. “ Обследование и испытание зданий и сооружений ” М, Высшая школа 2007 г.

-
4. КМК 2.02.01–19 “ Основания зданий и сооружений ” Ташкент 2019 г.
 5. Аскарлов Б.А., Маракаев Р.Ю. и др. “ Реконструкция, модернизация, ремонт зданий и оценка их экономической эффективности ” Учебное пособие – Ташкент 2002 г.
 6. Рахимов Б. Х., Касымова С.Т., Шоджалилов Ш.”Реконструкция зданий и сооружений” Учебное пособие Ташкент 2015 г.

БОЛАЛАР МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА МУСИҚИЙ-НАЗАРИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МЕДИА ВОСИТАЛАРНИ ҚўЛЛАГАН ХОЛДА ИНТЕРФАОЛ ДАРС ШАКЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Пайзиева Дилноза Абдурасул қизи

Тошкент шаҳар 24-сонли БМСМ
муסיқий-назарий фанлар ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Мақолада болалар муסיқа мактабларида муסיқий-назарий фанларни ўқитишида инновацион технологиялар ва медиа воситаларни қўллаган ҳолда интерфаол дарс шакллари ташкил этиши усуллари амалий натижалар асосида ёритилади.

Калит сўзлар: *Болалар муסיқа мактаблари, педагогика, инновация, технология, интерфаол, “Сольфеджио”, “Муסיқа адабиёти”, “Муסיқа тинглаш”, технологик харита, синтезатор, синестезия, проектор, ИКТ, интерфаол доска.*

АННОТАЦИЯ

В статье на основе практических результатов освещаются методы организации интерактивных форм урока с использованием инновационных технологий и медиа средств при преподавании теоретико-музыкальных предметов в детских музыкальных школах.

Ключевые слова: *Детские музыкальные школы, педагогика, инновации, технология, интерактивный, «Сольфеджио», «Музыкальная литература», «Слушание музыки», технологическая карта, синтезатор, синестезия, проектор, ИКТ, интерактивная доска.*

ABSTRACT

In the article, the methods of organizing interactive lesson forms using innovative technologies and media tools in the teaching of music-theoretical subjects in children's music schools are covered based on practical results.

Keywords: *Children's music schools, pedagogy, innovation, technology, interactive, "Solfeggio", "Musical literature", "Listening to music", technological map, synthesizer, synesthesia, projector, IKT, interactive desktop.*

КИРИШ

XX-XXI аср мусиқа педагогикасида муҳим ва ахамиятли инновациялардан бири бу албатта компьютеризация ва инфор­мацион технологиялардан фойдаланишдир. Мусиқий педагогика ҳозирги кунда компьютерлашган бўлмаслиги мумкин эмас.

Замонавий педагогикада интерфаол дарс жараёнларини шакллантиришда бир қанча расмий хужжатларни олиб бориш, баҳолаш тизимидаги инновацияларни жорий этилаётганига гувоҳ бўламиз. Шундай инновациялардан бир бу дарснинг **“технологик харита”**²³⁵ си технологиясидир.

Дарснинг “технологик харита” си бу анъанавий дарс режасининг ана­логи бўлиб, уларнинг фарқи шундан иборатки, тўғри ташкил этилган “технологик карта” педагогга дарс жараёнини қайси технологиялардан фойдаланган ҳолда, қайси шаклда ташкил этиш ва қандай ахборот ресурслари, техникалардан фойдаланиш бўйича кўрсатма беради. “Технологик карта” да дарснинг шакли, қўлланиладиган ўқув технологиялари, манбалар рўйхати, техника воситалари, педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро харакатлари аниқ кўрсатилади.

Синтезатор. “Сольфеджио” фанида ўқувчиларни эшитиш қобилиятини “очиқ” қилиб тарбиялашда синтезатор асбобининг ахамияти жуда катта. Синтезатор асбобидан “Сольфеджио” дарсларида фойдаланиш кўп йиллар давомида Ҳориж мамлакатлари амалиётида синалиб келинаётган тажрибадир. Маълумки шу вақтга қадар “Сльфеджио”, “Мусиқа адабиёти” фанларида амалий мусиқа асбоби сифатида фортепиано назария ўқитувчиларининг таянч асбоби ҳисобланган. Барча мусиқий мисоллар, куйлар фақатгина фортепианода ча­либ кўрсатилган. Бу эса ўз-ўзидан ўқувчиларни эшитиш ва куйлаш қобилиятини клавишли ас­бобга боғланишига сабаб бўлади. Ҳориж мамлакатларининг тажрибалари асосида амалиётимизда (24-сонли БМСМ, халқ чолғу бўлими ўқувчиларида) синтезаторни тажриба сифатида қўллай бошланди. Батахқиқ ушбу замонавий асбобни “Сольфеджио” фани хонасида пайдо бўлиши биринчи навбатда ўқувчиларда ижобий кўтаринки кайфиятни ва жуда катта қизиқиш уйғотганини гувоҳи бўлинди. Бу эса ёш авлоднинг доимий янгиликларга очиқлигига яна бир далил бўлди десак муболаға бўлмайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

²³⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

“Сольфеджио” фанида синтезатордан фойдаланиш албатта таълим олувчиларни ушбу асбоб билан таништиришдан бошланди. Унда аввал куйланган куйлар синтезаторнинг “Voice” функцияси ёрдамида турли асбобларда ижро этиб кўрсатилди. Ўзлари куйлаган куйларни турли тембрларда янграши ўқувчиларда катта таъсурот уйғотди. Шу билан бир қаторда турли асбобларнинг тембрларини осонроқ эслаб қолишлари кузатилди. Ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда қийинчиликлар ҳам юзага келинди. Бундай вазият асосан куй ёки товушқаторларни куйлашаётган вақтда жўр овоз фортепиано тембрида эмас, бошқа асбоб тембри танланганда юзага келиб, бунинг асосий сабаби ўқувчиларнинг доимий фортепиано асбоби жўрлигида куйлашлари, эшитиш қобилиятини “очиқ” эмаслиги, онг остида ўқувчилар ўз овозлари ва бошқа асбоб (скрипка, гитара, дамли чолғулар) билан унисон куйлашга тайёр эмасликлари билан ифодаланади. Скрипка ёки дамли чолғулар жўрлигида товуш қатор ва секвенция куйланган вақтда 60% ўқувчилар томонидан бундай машғулот жуда қийин қабул қилинди. 40% ўқувчи томонидангина қизиқиш кузатилди. Сабаби 40% ўқувчиларни куйлаши ва интонацияси яхши ўқувчилар ташкил этганлиги. Шунинг учун ҳам уларда янги тембрлар билан жўрликда куйлаш қийинчилик уйғотмади. Лекин дарслар жараёнида доимий равишда синтезаторда турли тембрларда жўрлик қилиш орқали қолган ўқувчиларда ҳам ижобий натижалар кузатила бошланди. Синтезатор асбобининг яна бир муҳим функцияларидан бири бу “Style Song” бўлиб, унда турли йўналишдаги мусиқа ритмлари берилган. “Style Song” ва “Автоаккомпонимент” функциялари ёрдамида маълум бир куйга танланган йўналишда аккомпонимент кўшиб ижро этиш мумкин. Бундай тажриба ўз ўзидан ўқувчиларга аввал нотаниш бўлганлиги сабабли маълум даражада қийинчилик юзага келтиради. Аммо иккинчи, учинчи машғулотлардан сўнг ўқувчилар тез ўзлаштира бошлашди. Шу билан бирга джаз, поп каби мусиқий услублар ҳақида бошланғич билим ва кўникмалари шакллантирилди. Синтезаторда метроном ва темпни тезлаштириш ва секинлаштириш каби “Сольфеджио” фани учун жуда муҳим функциялар мавжуд бўлиб, метрономни тезлигини созлаган ҳолда ўқувчиларни бир маромда дирижёрлик қилишларига ёрдам беради. Ушбу тажрибани илк қўллаётганила бошлангани боис ўқувчиларнинг имкониятлари ва бошқа вазифаларни инобатга олиб синтезатор ёрдамида ўқувчилар билан иложи борича кўпроқ амалий вазифаларни бажаришга ҳаракат қилинди. “Сольфеджио” фанида ушбу инновацион мусиқий техникани қўллаш илк қадамлардан бири бўлганлиги сабабли, яна кўпгина

жараёнлар устида ишлаш талаб этилади. Синтезатордан “Сольфеджио” курсларида фойдаланиш бўлажак ёш музикачиларни биринчи навбатда интонациялаш жараёни билан параллел равишда доимий бошқа асбобларнинг тембрига жўр бўлиш орқали “товуш рангбаранглиги” хиссини ривожлантириш, ижрочилик маҳоратини ошириш, ритм хисини уйғотиш каби муҳим вазифаларни бажариш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни янги музикавий техникаларга очиқ муносабатда бўлишини, “Сольфеджио” фанига нисбатан янгича назар ва муносабатни таъминлайди.

Интерфаол доскалар. Интерфаол доска ҳозирги кунга келиб педагогика ва кўпгина соҳаларнинг долзарб иш қуроли сифатида гавдаланиб келмоқда. Сир эмаски медиа техника соҳаси кундан кунга ривожланиб, янгиланиб бораёпти.

Ҳориж ҳамкасбларимизнинг фаолиятини кузатишларимиз натижасида интерфаол доскаларнинг сенсорли моделларини музика таълимида ҳам қўлланилиб келинаётганига гувоҳ бўлдик. Ушбу сенсорли интерфаол доскалар ёки интерфаол панеллар худди смартфон, планшет каби ишлайди. Фақат улар доска кўринишида бўлади. Агар уларни аввалги музикавий электрон доскалар билан солиштирадиган бўлсак, сенсорли доскаларда турли музикавий дастурлардан, интерактив электрон қўлланмалардан фойдаланиш имконини беради. Сенсор доскалар бевосита компьютер ва проектор ускуналарини уланиши орқали қўлланилади, сенсорли панелларнинг афзаллиги шундаки улар проекторсиз дастурларни флеш карта орқали панелга кўчириш ёрдамида турли вазифаларни бажариш мумкин. Бундай сенсорли панеллар албатта ўқувчилар билан ишлашда катта имкониятларни очади.

Ритмик карточкалар ва “Карл Орф асбоблари”ни қўллаш. Турли ритмлар келтирилган бир қанча карточкалар асосан дарсда ритмик гуруҳлар билан ишлашда қўлланилади. Бундай карточкалар турли ўлчов бирлигига мўлжалланган бўлиб, уларни ўрнини ўзгартириш орқали турли комбинацияларни ҳосил қилиш мумкин. Ритмли карточкаларни қўллаш жараёни жуда қизиқ бўлиб, ўқувчилар турли ритмик фигурацияларни катта қизиқиш билан ижро этишади. Ритмик гуруҳлар келтирилган карточкалар аввал осонроқ кетма кетликда қўйиб чиқилиб, сўнг уларни нисбатан мураккаб ритмик гуруҳлар берилган карточкалар билан алмаштириб борилади. Ритмик карточкалар ритмик машқ ўлчовларига танлаб олинган бир нечта куй фониди ҳам бажарилса бўлади. Бу ҳолатда ўқувчилар ритмик гуруҳларни оддийдан аста секин мураккаблашиб борган ритмик гуруҳларни партага зарб бериш, чапак чалиш, чертиш каби зарб услублари орқали ижро этишади. Ритмик

машқлар устида ишлаш “Сольфеджио” курсида муҳим тамойиллардан бири бўлиб, ҳар бир дарсда мунтазам равишда ритмик машқларга вақт ажратиш жуда зарур. Бу шаклда ритмик гуруҳлар устида ишлаш ўқувчилар томонидан қизғин қабул қилиниб, куйлар устида ишланган вақтда ушбу машқнинг фойдаси яққол сезилди. Ўқувчилар нотаниш куйларни нотадан ўқиш тезлиги, тўғри дирижёрлик қилиш, хиссаларни сезиш, каби муҳим амалий кўникмалар яхшиланишига кўмак бўлади. Куйлаш ёки маълум бир куй ижро этиш вақтида ижрочи ритм ва метрни ҳис қилиши муҳим аҳамитга эга. Метро-ритм хиссини ривожланишида “Орф асбоблари”²³⁶ дан фойдаланиш ўз самарасини кўрсатган услублардан бири ҳисобланади. “Карл Орф асбоблари” рўйхатида куйидаги асбоблар киради:

- глокеншпиллар;
- ксилофон
- металлофон
- резанаторли пластиналар
- литавра
- барабан-стол
- бумвейкерлар
- орф колотушкалар

Юқорида келтирилган асбоблардан фақатгина ксилофон, резанаторли резиналар, барабан-стол, бумвейкерлар, орф колотушкалар ва доира асбобларидан амалиёт жараёнида фойдаланиб кўрилди. Сабаби мақсадимиз турли зарбли-шовқинли асбоблар ёрдамида куйланаётган куйга усул бериб туриш бўлиб, ксилофон ва бумвейкерлар маълум диапазонга эга асбоблар. Шу билан бирга турли куйларни куйлаш вақтида ўқувчилар доира, шиқилдок, учбурчак, маракас каби асбобларни ҳам кўллаш ёрдамида усул бериб турадилар. Бунинг учун аввал куй устида 2 дарс давомида пухта ишланади, шундан кейингина усул бериб куйлашга ўтилади. Ушбу тажриба ҳам ижро жараёнига ўзгача кайфият бағишлаб, ўқувчиларда янги куйларни ўрганишга қизиқишлари, ансамбль ижрочилигига яқин ҳолатни ҳис этишлари, куй ҳиссасини ҳис қилиш каби муҳим кўникмаларни пайдо қилади. Дарсда шундай амалий машқларни бажариш “Сольфеджио” курсини ижро амалиётига яқин фан сифатида намоён этади. Шунини таъкидлашимиз жоизки, юқорида келтирилган амалий машқлар

²³⁶ Система детского музыкального воспитания Карла Орфа: Сб/ Под ред. Л. А. Ларенбойма. – Л.: Музыка, 1970.

батахқиқ 2-3 дарс мобайнида пухта ўрганилган куйлар устида бажарилди. Сабаби бундай машқлар ўқувчилар учун янгилик бўлиб, уни сингдириш ва кўникма ҳосил қилиш учун, ўқувчилар ҳиссаларни ҳис этиб унга мос усулни беришлари учун олдиндан таниш бўлган куй танланиши лозим.

Амалиёт давомида шуни гувоҳи бўлдикки, бошланғич синф ўқувчилари (1-2-синф ўқувчилари назарда тутилади) бир куй устида турли машқларни (транспозиция, усул бериб куйлаш, аккомпонимент билан куйлаш) бажаришлари учун бир куй устида турли машқларни бажара олишлари учун ўша куй устида 2 дарс мобайнида пухта ишланади.

Эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва унга ҳизмат қилувчи тренажёр дастурлар. Эшитиш қобилияти – муסיқачининг энг асосий ва муҳим кўникмаси ҳисобланади. “Сольфеджио” фани эса бунга ҳизмат қилувчи асосий фандир. Муסיқий идрок, муסיқани тинглаш кўникмалари инсон болалигиданоқ сингдирилиши лозим. Бу кўникмалар қанчалик барвақт ва тўғри тарбияланилса шунчалик ўз самарсаини беради. Муסיқачида муסיқа эшитиш қобилияти бадий муסיқа тинглаш жараёни орқали тарбияланади. Дарс жараёнида мунтазам халқ ижоди, композиторлик, турли давр бадий муסיқа намуналарини тинглаш ўқувчиларда ички эшитишни ҳам ривожлантиради. Ички эшитиш овоз иинтонациянинг тозалигига ҳизмат қилувчи омиллардан биридир. Дарс жараёнида тингланиладиган намуналар бевосита оригинал кўринишда бўлиши муҳимдир. Бу борада “Муסיқа адабиёти” фанинг аҳамияти ҳам катта. Муסיқа тинглаш жараёнида ижрони видеолавҳалар билан кўриб тинглаш ўқувчиларда муסיқани қабул қилиш идрокини шакллантиради. Эшитиш қобилиятини ривожлантириш ва тестлашда муסיқий тренажёр мобил дастурлар ҳозирги вақтга муסיқачилар орасида кенг тарқалган дастурлардан бири ҳисобланади. Муסיқий тренажёр дастурлар ёрдамида муסיқачилар ўз эшитиш қобилиятларини ривожлантиришлари ва уни тест қилиш имкониятига эга бўладилар. Эшитиш қобилияти учун тренажёрлардан “Сольфежио” фанида барча синф ўқувчиларида қўллаш мумкин. Амалиёт давомида биз 1-2 синф ўқувчиларида асосан *Jungle music* дастуридан, катта синфларда эса Россиялик дастурчилар томонидан ишлаб чиқилган “Идеальный слух”²³⁷ сайтидан фойдаланилди.

Jungle music дастури ўйин шаклида тузилган бўлиб, ушбу ўйин орқали асосан нота саводи ва ноталарнинг оҳанги устида ишлашга ёрдам беради. Бу ўйинли дастур асосан ортда қолаётган, ноталарни эслаб қолиши қийин

²³⁷ <https://идеальныйслух.рф/>

кечаётган, дарс шакли индивидуал тарзда олиб борилаётган ўқувчилар устида тажриба сифатида қўлланилди. Натижа эса жуда қониқарли бўлиб, биринчи навбатда ўқувчини ўзига нисбатан ишончини ортиши, дарсга бўлган қизиқиш, ноталарни осонроқ ёдда қолиши ва уларни интонация қилишда яхшиланишлар акузатилди.

“Идеальный слух” сайтидан эса асосан юқори синф ўқувчиларида қўлланилиш мақсадга мувофиқдир. Сайт дастурида мусиқа назариясининг барча босқичлари гуруҳларга бўлиниб чиқилган: интерваллар, учтонлар, гаммава ладлар, учтовушликлар, учтовушликлар айланмалари, характерли интерваллар, доминантсептаккорд ва унинг айланмалари, етакчи септаккордлар. Хар бир гуруҳ тестларида даражаси ва кўринишларини танлаш имкони мавжуд. Мисол учун интервал мавзусида барча интерваллар берилган ва уларни орасидан баъзиларини танлаб олиш (ўтилган мавзуга қараб) ёки барчасини танлаш (йил якунида, назорат дарсларида) имкони мавжуд. Кейинги босқич интервалларни мелодик ёки гармоник холатини танлаш. Сўнгра тренажёр ёки тестни танлаш. Мазкур дастурдан ўқувчилар ҳам мустақил, ҳам ўқитувчи, синф билан бирга ишлашлари мумкин.

Албатта ушбу дастурлардан мунтазам барча дарслар давомида фойдаланишни иложи йўқ. Сабаби “Сольфежио” ва “ЭМН” фанларига ажратилган вақт чегараланган бўлиб, дарс вақтининг ҳажми гуруҳдаги ўқувчилар сонига ҳам боғлиқ. Шу туйайли ҳам юқорида айтилган мусиқий дастурлардан ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш, назорат дарсларида қўлланилди.

“Мусиқа адабиёти” фанини ўқитишда медиа техникалар, интернет ресурслари жуда катта аҳамиятга эга. “Мусиқа адабиёти” ва “Мусиқа тинглаш” фанларида ўқувчилар маълумотни ҳам визуал, ҳам вербал олишлари муҳим омил ҳисобланади. Маълумот бир вақтнинг ўзида ҳам визуал ва вербал қабул қилинганда ҳотирада чуқур мухрланиб қолади.

Бунинг учун бизга албатта компьютер технологиялари, интернет ресурслари ва турли медиа техникалар катта хизмат кўрсатади.

Мавзуларни слайдлар, композиторлар тасвири туширилган расмлар, асар ижросининг оригинал варианты ижроси тасвирланган видеоларларни кўрсатиш, композитор хақида қизиқарли фактларни келитириш, уни ижод қилган даври билан таништириш, бевосита ўша даврнинг бошқа санъат турлари ва уларнинг умумий жихатларини солиштириш каби тажрибалар ўқувчиларни диққат эътиборини кучайтиради.

Мушиқа ифода воситалари, мушиқий шакл, жанрлар мавзусини ўтишда интернет тармоқларидан олинган турли қиёсий диаграммалар, слайдлар ва ўқитувчининг хар бир маълумотни амалий асослаб бериши, кўрсатиши ўқувчиларни нега ушбу фанни ўрганишлари ва ўтилатган мавзулар уларнинг амалиётида қандай аҳамиятга эга эканлигини бир мунча тушуниб етишига ёрдам беради. Бир қарашда бу унчалик муҳим кўринмасида ўқувчиларнинг маълумот қабул қилишининг психологик томонларини билиш жуда катта аҳамиятга эга. Хозирги вақтда ёш авлодга берилаётган ахборотни тўғри талқин қилиб бериш, уни мақсад ва мушиқадаги ўрнини тушунтириш жоиз. Шундай ҳолатлардагина биз ўқувчиларимизни берилаётган ахборотларни яхши эслаб қолишларига эришдик десак муболаға бўлмайди. Бу эса ўқитувчини сўз бойлиги, фикрини аниқ ва тушунарли қилиб еткиза олиш маҳоратини ривожланган бўлиши аҳамиятлидир.

Проектор. ИКТ воситалари юқорида айтганимиздек “Мушиқа адабиёти” ва “Мушиқа тинглаш” фанларида муҳим омил, лекин уни янада катта хажмда кўрстиш имконини бизга проектор техникаси беради. Проекторлар компьютер ёки телефон каби мосламаларни кичик экранини катталаштириб бериш имконига эга. Компьютер экранида лавҳаларни намойиш этиш бир қанча ноқулай экани ҳозирги кунда сир эмас. Проекторлар компьютер ёки телефонга уланган ҳолда тасвирни катт алаштириб беради.

Компьютерни проекторга улаган ҳолда турли вазифаларни бажариш мумкин. Мисол учун онлайн музейлар ташкил этиш, интернет ресурсларидан фойдаланиш, видео лавҳалар кўриш ва х.к.з.

Онлайн музейларни хар чоракда бир ёки икки мартаба ўтказиш мумкин. онлайн музейларга виртуал саёҳатни ташкил қилишимиз ўқувчиларни дунёқарашларини кенгайишига, дарс давомида тўлиқ эътиборда бўлишлари, дарс жараёнидан завқланишлари ва энг муҳими уларда кўрилган ахборот негизида турли мустақил фикрлар, саволлар пайдо бўлганига гувоҳ бўлдик.

Слайдларда мавзунини тушунтириш. Слайдларда янги мавзунини тушунтириш ўз навбатида педагогдан дарсга аввалдан таёрланиб Power Point дастури ёрдамида слайдларни таёрлаш вазифасини юклатади. Слайд тузишни яна бир афзаллиги шундаки слайдлаш вақтида барча керак эмас маълумотлар чиқариб ташланиб, асосий керакли пунктлар қолдирилади. Мисол учун копозиторнинг туғилган санаси, ватани, илк мушиқий сабоғи, таълим олиш жараёни ва ижодий йўли қисқа тарзда слайдларга жойлаштирилади. Бу эса

сезиларли равишда вақтни тежайди ва бошқа машғулотларга ҳам дарс давомида улгурилади.

Музиқий синестезия ёхуд музиқий графика. Музиқа оламида Римский-Корсаков, Скрябин, Мессиян каби атоқли композиторлар синестетик ижодкорлар ҳисобланишади. Яъни улар товуш ва ладларни рангли тасаввурга эга бўлганлар. Мисол учун Скрябин скрипка ва труба тембрларини сариқ, қизил рангларда “кўрган”²³⁸. Музиқа ва тасвирий санъатни уйғунлаштириш устида кўпгина тажрибалар, илмий ишлар олиб борилган. Натижада икки санъатни синтезлаш тарбияланувчиларда психологик, физиологик ҳолатга яхши таъсир этибгина қолмай, ижодий қирраларни очилишига ҳам туртки бўлиши исботланган. Тажрибамиз жараёнида Чайковскийнинг “Қарсилдоқ” балетидан “Ёғоч аскарлар марши” куйига, Э.Григнинг “Пьер Гюнт” туркумидан “Тонг” қисми га расм чизилди. Натижа эса қуйидаги кўрсаткичларда намоён бўлди:

Чайковский “Қарсилдоқ” балетидан “Ёғоч аскарлар марши” куйига:

- 40% ўқувчилар – жигар ранг, қизил ва кўк рангларни ишлатган ҳолда ҳарбий руҳдаги расмларни
- 25% ўқувчилар – кўк, сариқ, ранглар асосида денгиз тасвирини
- 35% ўқувчилар – яшил, жигарранг, сариқ ранглардан фойдаланган ҳолда ўрмон манзаларалини тасвирлашди.

Э.Григнинг “Пьер Гюнт” туркумидан “Тонг” қисмига:

- 70% ўқувчилар – деярли барча ранглардан фойдаланган ҳолда ўрмон табиати, қушлар расмини чизишди
- 18% ўқувчилар – тоғли тбиатни
- 7% ўқувчилар – ҳайвонларни
- 5% ўқувчилар – эркин фантазияга асосланиб, асосан яшил, сариқ, кўк, олов ранглардан фойдаланиб композициялар яратишди.

ХУЛОСА

“Музиқа адабиёти” фани бўйича дарс шакллари режалаштириш методикаси. Амалиёт давомида олиб борилган тажрибалар асосида дарсда бажариладиган вазифалар кетма-кетлиги режасини тузиб чиқилди. Мазкур дарс режаси қуйидаги босқичлардан иборат.

²³⁸ Томашева Ангелина Аркадьевна. "Состояние музыкальной синестезии" Омский научный вестник, по. 4 (58), 2007, pp. 219-221.

✓ Дарс бошида кичик викторина ўтказиб олиш. Викторинадан асосий мақсад савол-жавоблар ёрдамида ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаб олиш.

✓ Янги мавзуни слайдлар, электрон манбалар ёрдамида ёритиш. Мавзу асосий ахборотлар жамласидан ташкил топиши лозим.

✓ Мусиқий манбаа, видеолавҳалар.

✓ Мусиқий манбалар тингланаётган вақтда ўзида “мусиқий синестезия” билан шуғулланиш.

✓ Композиторлар асарларини ўрганиш мобайнида ўқувчилар ва педагог иштирокида танлаб олинган мусиқий материални овозда ижро этиш. Бу борада Ирина Эдуардовна Карагичеванинг “Болалар мусиқа мактабларида сольфеджио ўқитиш усуллари босқичлари” да келтирилган услубий тавсияларига асосланамиз.

✓ Янги ўтилган композитор асарларини ўқувчилар билан биргаликда умумий таҳлил қилиш. Мисол учун унинг асарлари характери, уни бошқа композиторлар ижоди билан солиштириш. Албатта бажарилаётган бундай вазифалар ўқувчиларни ёш даражасига мослаштирилган содда ҳолда берилади.

✓ Тембрли диктант. Тебрли диктант услуби ўқувчиларни бошқа асбоблар овозини фарқлаш кўникмасини тарбиялайди. Бу эса ўз ўзидан келажакда кенг тембрли , симфоник тафаккур эгаларини етишиб чиқишларига катта асос солувчи мусиқий омиллардан биридир.

Уйда бажарилиш учун бериладиган вазифалар турлари:

• Композитор ҳаёти ва ижоди ҳақида интернет саҳифаларидан маълумот тўплаш (ўқувчиларни ёш даражасига кўра конспект, слайд-презентация, доклад кўринишида)

• Ўтилган композиторнинг йирик асарлари руйхатини тузиш

• Асар парчасини ёдлаб келиш

• Ўтилган мавзу бўйича тест саволларини тузиш. Бу жуда самарали вазифалардан бири бўлиб, биринчи навбатда ўқувчилар мавзуни ўрганиб, эркин тарзда саволлар ташкил этишни ўрганадилар.

REFERENCES

1. Кузнецова Ирина Николаевна Дистанционное обучение - в школе? // КИО. 2005. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/distantcionnoe-obuchenie-v-shkole>
2. Слеуева О.В. Мусиқа мактаблари дарс жараёнларида инновациялар.// Мир культуры: Искусства, наука, образование.

3. Стражникова Татьяна Ивановна Инновационные технологии обучения в системе музыкального образования: перспективы развития // Культурная жизнь Юга России. 2009. №2. URL:
4. Томашева Ангелина Аркадьевна. "Состояние музыкальной синестезии" Омский научный вестник, по. 4 (58), 2007, pp. 219-221.
5. Система детского музыкального воспитание Карла Орфа: Сб/ Под ред. Л. А. Ларенбойма. – Л.: Музыка, 1970.
6. Харгривз Д. Дж., Норт. А.К. “Как учат музыке за рубежом” – М: “классика XXI”нашриёти ,2009., (“Мастер класс” серияси).
7. Тараева Г.Р. Компьютерная музыка и теоретические проблемы музыкального языка. //Южно-Российский музыкальный альманах. 2019. №4. 92-98 б.
8. Дядченко М.С. “Инновационные технологии в музыкальном обучении: тестирование слуховых навыков”
9. <https://cyberleninka.ru/>
10. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

YASUNARI KAVABATA HIKOYALARIDA INSON VA TABIAT MUNOSABATLARI TASVIRI

Feruzaxon Hakimova

O‘rta Osiyo Tibbiyot Universiteti o‘qituvchisi

ANNOTATSIYA

Maqolada Yasunari Kavabataning “Bambuk sadosi. Shaftoli guli”, “Mehrqush”, “Qizil olxo‘ri” hikoyalarida inson va tabiat o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlar tasviri tahlil qilingan. Yozuvchining ta’sirchan ifoda uslubi, bayon etishdagi o‘ziga xos jihatlari tadqiq etilgan.

***Kalit so‘z va iboralar:** inson, tabiat, inson taqdiri, inson ruhiyati, badiiy mahorat, o‘ziga xoslik*

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются взаимоотношения человека и природы в рассказах Ясунари Кавабата «Шум бамбука», «Цветок персика», «Мехркуш», «Красная слива». Исследуется впечатляющий стиль писателя, уникальные аспекты повествования.

***Ключевые слова и фразы:** человек, природа, человеческая судьба, человеческая психика, художественное мастерство, оригинальность.*

KIRISH

Adabiyotda inson va tabiat o‘rtasidagi uzviy aloqadorlik masalalari uzoq o‘tmishdan buyon muhim mavzular sirasida o‘rganilib kelinadi. Inson yaratilgandan buyon hamisha tabiat bilan hamnafas umr kechirishi bu mavzu bilan bog‘liq bo‘lgan jamiyki tadqiqotlarning dolzarbligini belgilaydi. Biz quyida yapon adabiyoti vakili Yasunari Kavabata hikoyalari misolida inson va tabiat o‘rtasidagi uzviy aloqadorlik masalalarini ko‘rib chiqamiz.

Kavabataning “Bambuk sadosi, shaftoli guli” hikoyasida keksa Miyakava va uning butun taqdiri tabiat bilan chambarchas bog‘liq holda kechgani aks ettiriladi.[1.32] Hikoya “Qachondan beri u bambuk sadosi bilan shaftoli gulini o‘z vujudida his qila boshladi?” degan savol bilan boshlanadi. Yoshi bir joyga borib qolganda Miyakavani ana shunday hissiyot chulg‘ab oladi. Asli inson keksaygach yosh vaqtida e‘tibor qilmagan olam go‘zalliklariga oshufta bo‘la boshlaydi. “Vujudida his qildi” iborasi ayni bu o‘rinda ifodaning biroz g‘ayritabiiyligini bildirsa-da, bu asar qahramonining butun ruhiyati atrof-muhit bilan hamohanglikni his qilayotganidan dalolat beradi. Ayni mana shunday tasvir tamoyili Kavabataning alohida o‘ziga xos uslubini namoyon qiladi. Hikoya davomida bu uslub saqlanib

qoladi. Miyakavaning uyi ortida qad rostlab turgan qarag‘ayning “xonadonni baloyu ofatlardan asramoqchidek” bo‘lib turishi tasvirlanadi. Butun qishloq ahlining safardan qaytayotib birinchi navbatda bu daraxtga qarab olishni odat qilishlari, uning baland va viqorli turishini barchaning tinchligini ta‘minlab turgan bir tirik jonzotdek ko‘rishlari yapon xalqining tabiatga nisbatan o‘ziga xos munosabatga egaligini ko‘rsatadi. Miyakava tomonidan qarag‘ayga: inson umrining haddan ziyod qisqa va o‘tkinchi ekanini eslatmaydi, balki, aksincha, bunday og‘ir xayollardan xalos qiladi, deya ta‘rif beriladi. Keksa chol o‘z jismi, ruhi bilan tuproqning teran qatlamlariga qadar qo‘shilib, singib borayotganligini his qiladi, qarag‘ay yuragining aziz parchasiga aylanganini seza boshlaydi. Juda qattiq bo‘ron va yomg‘ir kelgan vaqtlarda ham daraxtning qilt etmay turishi, mayda daraxtlar parchalanib sinib ketganida ham uning shoxlariga zarra ziyon yetmasligi cholni hayratga soladi va unga termulgan ko‘yi xuddiki undan kuch oladi. Tabiatning turli sinovlarida toblangan bu daraxt ana shu keksa insonning butun bir taqdiri va unutilmas voqealari bilan birgalikda umr kechiradi. Yozuvchi mana shu qarag‘ay misolida ongli va ongsiz yaratilishning yashash qonuniyati o‘rtasidagi mushtaraklikni belgilaganday tuyiladi. Qachonki, sen mayda va kuchsizsan, tashqi kuch seni yakson qiladi. Sen zabardast va kuchlisan, sening hatto bir parcha ignangga ham ziyon yetmaydi.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Qarag‘ay vaqti kelib quriy boshlaganda Miyakava qattiq iztirobga tushib, uni saqlab qolish chorasini qidiradi. Keksayib qolgan daraxtni hech bir amal qutqarib qololmaydi. Yozuvchi yana bir karra bizga olam qonunini yodga soladi. O‘zi kuchli qilib yaratgan yaratqini, O‘zi muddati kelganda yakson qiladi.

Yozuvchining tilidan aks etgan soddagina hikoyada butun bir umr xulosasi yashirin. Aslida insonning dunyoga kelishi va ketishi u darajada murakkablik kasb etmaydi deydi, u ham oddiy o‘simliklar kabi paydo bo‘ladi, yashaydi, oxiri rad etib bo‘lmas qonunga bo‘ysinib qazo qiladi. Eng muhimi ana shu davr mobaynida u umrini qanday o‘tkaza olishida degan ma‘no-mazmun anglashiladi.

Hikoya yakunida butunlay qurib bitgan qarag‘ayga termulib o‘tirgan Miyakava uning shoxiga burgut kelib qo‘nganini ko‘radi. Yozuvchi qahramon tilidan bundan ham bir hikmat izlashga undaydi. Garchi qarag‘ay qurib, yolg‘iz so‘xtasi qolgan bo‘lsa-da, eng yirik qushning favqulodda aynan shu daraxtga qo‘nishini atrofdagi mayda daraxtlardan ko‘ra balandligi va qulayligi bilan ustunligida deb biladi.

Odagiri Xideo “Inson va adabiyot” maqolasida yapon yozuvchilari asar yaratishda uning syujeti, strukturasi va voqealar rivojidan ko‘ra inson ruhiyatidagi

kechinmalar, ong mohiyati, “qalb surati”ni berishda qisqalik bilan katta narsa “chizish”ni mohirona aks ettirganlari haqida yozadi.[2.76] Fikrlar isbotini biz yuqoridagi hikoya tahlilida ham ko‘rib o‘tdik. Unda Miyakava bilan bog‘liq hayotiy voqeilik deyarli tasvirlanmaydi, uning turmushi haqida ortiqcha izoh berilmaydi, faqatgina keksayib qolgan insonning qurib qolgan qarag‘ay daraxti bilan o‘tmish voqealari haqida xayoliy xotirlashuvi aks etadi. Shuning uchu ham adabiyotshunos, tanqidchi olim A.Mesharikov XX asr yapon adabiyotini o‘rganar ekan, adabiyotda eng murakkab bo‘lgan inson ruhiyatini tasvirlashni yapon yozuvchilari mahorat bilan uddalaganlarini alohida ta’kidlaydi. [3.8]

Adibning “Mehrqush” hikoyasi inson, uning kechmishi va ona qush haqida. Bolasi inidan tushib ketgach, mehrqush tinmay chirqirab Yosikolar uyini tinchitmaydi. Ko‘zlari yaxshi ko‘rmaydigan buvisi bu qushning nolasidan u bolasini izlayotgani va yordam ilinjida sayrayotganini aytadi. Aslida bu oiladagi ikki nabira: Yosiko va uning ukasi onasi tomonidan tashlab ketilgan bo‘lib, otasi ikkinchi ayolga uylangan, hozirda ular alohida yashayotgan bo‘ladi. Yaqin orada to‘yi kutilayotgan Yosiko mehrqushga bolasini olib berarkan, jonivordagi fidoyilik va jonkuyarlik uni o‘yga toldiradi. Qushlarga ham berilgan onalik mehr-muhabbatidan nima uchun ongli mavjudotlar bebahra ekani haqida o‘ylaydi. Onasi juda yosh vaqtida ketib qolgani uchun hech narsaga tushunmay qolgani, otasi esa ukasi tomonidan o‘gay onaga qilingan qo‘pol muomaladan alohida yashashni afzal bilgani haqida o‘ylaydi. Bo‘lajak yangi turmush haqidagi o‘ylar o‘z oilaviy muhiti tufayli uni qattiq tashvishga soladi. Hikoya so‘nggida polaponiga mehribonlik bilan ozuqa tutayotgan mehrqushni ko‘rgan Yosiko ayni shu holatni otasi va o‘gay onasi ham ko‘rishlarini istaydi.

Ona degan ulug‘ bir maqom insoniyatga, shu qatori jonzotlarga ham ato qilingan. Barcha jonzotdanda mukammal va imkoniyati beqiyos yaratilgan odamiyzod ba’zida ona degan nomga ana shu qanotlari bilan bolasini olishga qudrati yetmay yordam olishga uringan, ozuqani tumshug‘ida saqlab olib kelib yediradigan qushchalik ham loyiq bo‘lolmaydi. Yozuvchi hikoyada inson va jonivorlarning yashash prinsipini qarama-qarshi qo‘yadi. Birgina Yosikolar oilasi misolida dunyodagi ko‘plab yetim qolgan bolalarning siniq ruhiyatini tasvirlar ekan, ularning aynan onasi nima sababdan butun bir oilani barbod qilib ketishi sababini aynan izohlamaydi. Chunki odamlarning aksariyati aytishga arzimaydigan darajadagi vaziyatlar natijasida butun bir oila taqdirini hal qilishdan toyishmaydi. Bunday oila muhitida ulg‘aygan farzandlar Yosiko kabi o‘z turmushining baxtli yakun topishiga bo‘lgan ishonchini

yo'qotadi, ukasi kabi atrof-muhitga, jonzotlarga nisbatan rahm-shafqat tuyg'usidan bebahra ulg'ayadi.

“Qizil olxo'ri” hikoyasida keksayib qolgan chol va kampirning o'zaro baxslashuviga olxo'ri daraxtining gullashi sabab bo'ladi. Har yilgi odatiga ko'ra ostki shoxlaridan gullaydigan bu daraxt qahramonlarning yoshlik chog'idan buyon sira ham o'zgarmagan, uni yashab o'tilgan umrga qiyoslanganda, inson hayotining bir zunda o'tib ketishi haqidagi mulohazaga olib boradi. Yozuvchi olxo'ri daraxti har yili bir xil holatda gullashni unutmaganini, ammo ikki keksa qahramon o'tmishdagi voqealarni to'la eslay olmasdan tortishib qolganliklarini tasvirlaydi. Ularning hayotlari barcha qatori tekis va notekis kunlardan iborat bo'lganligi, turmush mashaqqatlari ta'sirida keksalik alomatlari yengib borayotgani aks ettiriladi. Biroq shu bilan bir qatorda, ayni vaqtda gullagan daraxtga qarab suhbat qurib o'tirishlari va bularni kuzatayotgan qizlarining miyig'ida kulib qo'yishi oilaning baxtli damlaridan nishona sifatida ko'rsatiladi.

Hikoya so'nggida qizi har yili aynan olxo'ri gullagan vaqtda marhum otasining onasi bilan bo'lgan shirin tortishuvlarini yodiga olishi aytiladi. Tabiat insonni o'z bag'rida ulg'aytiradi, yaxshi va yomon kunlariga guvoh bo'ladi, xotiralarini yodiga soladi. Kun kelib yorug' dunyoni tark etib ketganidan keyin esa o'sha insonni kimgadur eslatguvchi vosita bo'lib xizmat qiladi. Yozuvchi tabiatning inson hayotidagi o'rnini juda go'zal dalillar bilan yoritadiki, kitobxon bu oddiy haqiqatlarga hech qachon e'tibor qaratmaganidan hayratlanadi.

Tabiatning buyukligini his qilish, oddiy odamlar ko'rmaganini ko'ra olish, nur va soylarni dadil va hatto qo'rqmay ta'sirini aks ettirish Kavabata ijodiga xos. Mavsumning turli davrlarida shuni ilg'ash, shu ilg'agan ranglar, tabiat sirlari, tuyg'ular orqali inson qalbini kashf qiladi. Shuning uchun Kavabata ijodida tabiat hodisalari, uning manzaralari va ko'rinishlari yashirin, ko'p planli matn osti ma'no hosil qiladi. Kavabata qalbi ulug', tushunchasi keng, hissiyotga boy inson. U tabiatning naqadar buyukligini his qilib qolmay, balki tabiatni sevadi, odamlar sezmagani narsani ko'ra biladi, bu - uning baxti, bu - uning aqidasi, bu - uning betakrorligi, - deya fikr bildiradi mohir tarjimon Olim Otaxon.[1.248] Yozuvchi butun bir vujudini junbushga keltirgan tabiiy hodisalarni, avvalo, o'zi his qiladi va buni mahorat bilan so'z vositasida har qanday kitobxonga yuqtira oladi, u esa “yozuvchi bilan birga hayot hodisasini tafsil-batafsil tahlil etib boradi, xuddi yozuvchining o'zi bilan bir qatorda, o'sha yozuvchi kashf etgan haqiqatning kashfiyotchisi bo'lib qoladi”.[4.219]

XULOSA

Kavabata hikoyalari asosan kundalik turmushdagi oddiy voqeiliklarga asoslansada, asosiy e'tibor ko'proq uning ruhiyati bilan tabiat o'rtasidagi dillashuv, uyg'unlashuv masalalariga qaratiladi. Ularda ruh bilan tana, jonli va jonsiz narsalar, insonlar va jonivorlar o'rtasidagi munosabatlar aks etadi. Hikoyalarda gullar, daraxtlar, tabiat hodisalarini shunchaki tasvirlash, ularni ulug'lash, asrab-avlaylashga undash emas, ularning vujudini tinglashga, ong ostidagi tushunib bo'lmas chambarchaslikni his qilishga urinish oldi o'ringa chiqadi. Bu esa yozuvchining o'ziga xos uslubini namoyon qiladi.

REFERENCES

1. Kavabata Y. Oq gullar: hikoyalar. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019, 32-bet.
2. Nosirova Z. XX asr yapon nasri tendensiyalari // "Til va adabiyot" ta'limi. 2020-yil, 2-son, 76-bet.
3. Мещеряков А. Жизнь и смерть с видом на Фудзияму. – Санкт-Петербург, 2002. – С. 8.
4. И.Султон. Адабиёт спецификатсияси // "Шарк юлдузи", 1977, 219-бет.

INTERNAL CONTROL AND AUDIT IN CONDITIONS OF THE WORLD CRISIS IS A NEED FOR THE COMPANY

Babakulova M.K.

Independent researcher

ABSTRACT

The article says that the economic crisis has increased the need for the services of auditors. In this time of sharply tightened requirements to the quality of the audit and its mandatory, growing market need for the services of audit. Proposals on the establishment of the internal audit service of the enterprises, as it audit is needed to prevent the loss of resources and the implementation of the necessary changes within the enterprise.

Keywords: *audit, auditor, audit organizations, audit risk, internal control, world crisis.*

АННОТАЦИЯ

Экономический кризис увеличил потребность в услугах аудиторов. В это время резко ужесточились требования к качеству аудита и его обязательности, растёт потребность рынка в аудиторских услугах. Предложения по созданию службы внутреннего аудита предприятий, так как аудит необходим для предотвращения потери ресурсов и осуществления необходимых изменений внутри предприятия.

Ключевые слова: *аудит, аудитор, аудиторские организации, аудиторский риск, внутренний контроль, мировой кризис.*

INTRODUCTION

It is obvious that the integration of Uzbekistan into the world economy is an irreversible process. Therefore, in the future, the consequences of world economic crises, such as the current one, may be more significant for this country. In this regard, Uzbekistan needs a new look at the accounting and auditing system. The internal control system is a set of organizational measures, methods and procedures adopted by the management of the organization for the orderly and efficient conduct of the economic activities of the enterprise, which, among other things, includes supervision and control over compliance with the requirements of the legislation of Kazakhstan; accuracy and completeness of accounting documentation; timely preparation of reliable financial statements; prevention of errors and distortions; execution of orders and instructions of the management; ensuring the safety of the subject's assets.

Around the world, many companies suffer from the inefficient use of various kinds of resources - human, financial, material, from the lack of information necessary for making the right decisions, unintentional and deliberate distortion of reporting, direct fraud on the part of staff and managers. Such problems, according to the author of the article, can be avoided by creating an effective internal control system at the enterprises themselves²³⁹.

Any activity within the organization takes place within the framework of two systems - the operating system and the control system. The operating (organizational) system is needed to achieve the set goals. The control system permeates the operating (organizational) system and generally consists of policies, procedures, rules, instructions, budgets, accounting and reporting procedures. This system is ultimately aimed at creating the necessary prerequisites and increasing the likelihood that the company as a whole and its managers in particular will achieve their goals.

DISCUSSION AND RESULTS

The concept of internal control is by no means new. Appearing in the lexicon at the beginning of the 18th century, it evolved over time. At the beginning of the 20th century, the system for controlling the activities of an enterprise was a combination of three elements - separation of powers, rotation of personnel, use and analysis of accounts. Later, the functions of internal control expanded significantly and began to include the organization and coordination of actions aimed at ensuring the safety of assets, checking the reliability of accounting information, improving the efficiency of operations, following the prescribed policies and procedures of the company. Thus, the concept of internal control has gone far beyond the range of issues related to ordinary accounting. Developing and expanding the scope of its application, internal control by the end of the 20th century. turned into a risk control tool, and its functions are closely intertwined with the risk management function - risk management²⁴⁰.

Internal control is a process aimed at achieving the goals of the enterprise. It is the result of the actions of the management in planning, organizing, monitoring the activities of the entire company and its individual divisions²⁴¹. Managers of the enterprise must first of all set goals, define the tasks of the entire company and its individual divisions and build an organization structure corresponding to this, and

²³⁹ Крутоус А.И. Аудит эффективности и финансовый аудит // Научный журнал. 2018. №11 (34). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/audit-effektivnosti-i-finansovyy-audit> (дата обращения: 07.06.2022).

²⁴⁰ Арнс А., Лоббек Дж. Аудит / Пер. с англ. М., 1995.

²⁴¹ Хусаин А. Б. Важность аудита эффективности в государственном аудите // Вестник науки и образования. 2019. №23-2 (77). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vazhnost-audita-effektivnosti-v-gosudarstvennom-audite> (дата обращения: 07.06.2022).

then ensure the functioning of an effective system of documentation and reporting, separation of powers, authorization, monitoring to achieve these goals and objectives.

From the point of view of accounting understanding, internal control corresponds to the following definition: internal control is a structure, policies, rules, procedures for ensuring the safety of company assets and the reliability of accounting records, which gives sufficient confidence that

- 1) transactions are properly authorized;
- 2) transactions are reported in a timely and accurate manner in accordance with accounting standards;
- 3) access to the company's assets is carried out on the basis of appropriate authorization;
- 4) the physical presence of assets is periodically checked against accounting records.

The concept of internal control includes several components:

- firstly, it is the internal environment of the company, i.e. ethical values, management style, decision-making process, delegation of authority and acceptance of responsibility, personnel policy, employee competence and, most importantly, the attitude of the company's management apparatus to internal control;
- secondly, the definition, analysis and management of risks facing the company on the way to achieve its goals;
- thirdly, the daily exercise of control: accounting and reporting, separation of powers, access rights to assets, monitoring;
- fourthly, a system of authorized access to relevant information - it should be available to those who need it due to the functions / duties assigned to it;
- Fifthly, monitoring the internal control system itself, which is necessary to determine its effectiveness.

It is important to note that a company should not strive to create a control system that would completely guarantee the absence of deviations, errors and inefficiencies in work. It is necessary to organize a system that would help to identify and eliminate them in a timely manner, contributing to an increase in the efficiency of activities²⁴². The resources directed by the company to excessive control can be used for other purposes and tasks. However, even a well-built and organized internal

²⁴² Басова А. В. Операционный аудит эффективности - направление внутреннего аудита // Baikal Research Journal. 2012. №6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operatsionnyy-audit-effektivnosti-napravlenie-vnutrennego-audita> (дата обращения: 07.06.2022).

control system needs to be assessed for its effectiveness both in terms of achieving its goals and in terms of economy. This is, as already mentioned, internal audit.

Internal audit in Western countries originated at the beginning of the 20th century. and received a strong momentum after World War II in response to the increased volume of operations and the decentralization of companies. In 1941, the Institute of Internal Auditors (hereinafter referred to as the Institute) was established in the United States - a professional association of internal auditors, the main task of which is to develop and popularize the internal auditor profession and develop professional standards. Now the Institute has about 72 thousand members and is represented in 120 countries. In total, there are about one million people in the world who, to one degree or another, are engaged in internal audit²⁴³.

Internal audit is an assessment of the reliability and effectiveness of the existing internal control system, and internal auditors are people called upon to conduct such an assessment in an unbiased and professional manner. In other words, internal audit is a function of an independent assessment of all aspects of the organization's activities, carried out from within the organization and aimed at creating the company's managers' conviction that the existing control system is reliable and effective.

It is important to note that not internal auditors, but the company's management is responsible for creating and maintaining a reliable and efficient system of internal control. The main purpose of internal audit is to help the company's managers perform their duties productively, to give them sufficient confidence that the company's assets are used in the most efficient way to achieve the goals and objectives of the company and its individual divisions.

The main method of internal audit is to conduct a quality audit, develop effective and feasible recommendations and further monitor their implementation. The audit cannot be considered completed until the audit recommendations are implemented and the identified deviations are eliminated.

One of the most important aspects of the activity of internal audit, according to the author of the article, is the identification and analysis of possible external and internal risks in the development and implementation of new projects, as well as the development of proposals to minimize possible losses. Internal auditors also monitor the expenditure of funds for various projects or programs (for example, a capital construction project or a product promotion program), analyze the financial and management reports of the company, their reliability and timeliness, assess the

²⁴³ Сонин А. Внутренний контроль и аудит // Евразийский вестник аудитора. 2007. № 2 (62).

contracts being developed and the fulfillment by the parties of their contractual obligations. Internal auditors are involved in the assessment of control systems within existing and newly implemented information systems.

Not all enterprises are yet ready to use such a service as internal audit, since the attitude towards it is ambiguous. Internal audit must prove its necessity and usefulness. Much depends on the internal culture of the firm and the willingness of managers to cooperate with auditors. Unfortunately, the company's staff does not always realize that the auditor controls not the performers, but the workflow, identifying its shortcomings and thereby helping the organization to achieve better results.

